

*Буюк адибларимиз  
· Абдулҳамиг Ҷўлпон, Рафур Гулом  
ва Мақсуд Шайхзоданинг  
порлоқ хотирасига бағишлиданади.*



Academy of sciences of Uzbekistan  
Institute of literature and language named after Alisher  
Navoi

*WILLIAM  
SHAKESPEARE*

Selected Works

In three volumes

**Volume three**

**The Merchaht of Venice  
The Winter's tale  
The history of Genry IV  
Antony and Cleopatra**

*Translated from the English  
by Jamal Kamal,  
national poet of Uzbekistan*

Tashkent  
Publishing house "Fan"  
Academy of sciences of Uzbekistan  
2008

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси  
Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти

# ВИЛЬЯМ ШЕКСПИР

Сайланма

Уч жилдлик

Учинчи жилд

Венеция савдоғари  
Қишлоқ эртаги  
Қирол Генрих IV  
Антоний ва Клеопатра

Инглиз тилидан Ўзбекистон халқ шоюри  
**Жамол Камол** таржимаси

Тошкент

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси  
"Фан" нашриёти  
2008

*Ушбу таржималар Вильям Шекспир Куллаётининг профессор  
В.Ж.Крейг томонидан тайёрланниб, 1983 йилда чоп этилган Оксфорд  
университети нашири асосида амалга оширилди (Shakespeare, Complete  
works, edited by W.J.Craig, Oxford University press, 1983)*

*Масъул мұхаррир:*  
**Бахтиёр Назаров,**  
филология фанлари доктори, академик

*Мұхаррир:*  
**Жаббор Эшонкул**

*Нашрга тайёрловчи:*  
**Нодир Рамазонов**

*Техник мұхаррир:*  
**Мадина Абидова**

*Сахифаловчи:*  
**Сирдарёхон Ўтанова**

*Вильям Шекспир "Сайлантма" сининг учинчи жилдига булоқ  
адибнинг етуқ асарларидан саналмиш "Венеция саводгари", "Киши  
эртаги", "Қирол Генрих IV" драмалари ва машхур "Антоний ва  
Клеопатра" фојсиаси киритилди. Ушбу асарларни ўқыр экансиз,  
қисмати илоҳийнинг қалтис үйинлари, инсон ҳаётининг турфа  
манзаралари сизни ҳайратга солади. Севги, мұхаббат ҳам, мансаб,  
мартаба ҳам, бир сўз билан айтганда, бу дунёда умр деб аталувчи  
шу қисқа бир муддат одамзод учун ногат мاشаққатли бир синов,  
позик бир имтиҳон эканига яна бир карра ишонч ҳосил қиласиз.*

ISBN 978-9943-09-441-3

© Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси,  
«Фан» нашриёти,  
Тошкент, 2008.



---

# ВЕНЕЦИЯ САВДОГАРИ

**Беш пардали драма**

## **ИШТИРОК ЭТУВЧИЛАР:**

Венеция до жи.

Марокаш шаҳзодаси,

Арагон шаҳзодаси – Порциянинг жазманлари.

Антонио - Венециялик савдогар.

Бассанио - унинг дўсти.

Салано,

Саларино,

Грациано,

Салерио - Антонио ва Бассанионинг дўстлари.

Лоренцо - Жессиканинг ошиги.

Шейлок - бадавлат яхудий.

Тубал - унинг дўсти, яхудий.

Ланчелот Гоббо - масхарабоз, Шейлокнинг хизматкори.

Кекса Гоббо - унинг отаси.

Леонардо - Бассанионинг хизматкори.

Бальтазар, Стефано - Порциянинг хизматкорлари.

Порция - бадавлат вориса қиз.

Нерисса - унинг жорияси.

Жессика - Шейлокнинг қизи.

Венеция сенаторлари, суд аъзолари, зинданчи, Порциянинг хизматкорлари ва бошқалар.

**Воқеа Венецияда ҳамда Порциянинг  
Бельмонтдаги мулкида кечади.**

## **БИРИНЧИ ПАРДА**

### **Биринчи саҳна**

Венеция. Кўча.

Антонио, Саларино ва Саланио киришади.

#### **А н т о н и о**

Билолмайман, кўнглим нечун ғуссага тўлмиш,  
 Бу - бир жафо, кўраманки, оғир сизга ҳам,  
 Руҳим қайдан бу балога мубтало бўлмиш,  
 Қайдан бу ғам, боиси не -  
 Қанийди билсан!

Шу белгисиз ҳасрат менга ёпишган асно  
 Ўз-ўзимни таниёлмай қоламан ҳатто.

#### **С а л а р и н о**

Сиз хаёлан чарх урасиз баҳри тўлқинда,  
 Сизнинг улуг, алп кемалар сузишар унда -  
 Денгизларнинг аъёнлари, боёнларидек,  
 Ё бўлмаса, ҳашаматли бир карвон мисол,  
 Майдада-чуйда тужжорларга боқиб беписанд,  
 Улар учиб ўтишаркан гўёки шамол,  
 Бечоралар салом бериб, кутишар алик.

#### **С а л а н и о**

Ҳа, ишонинг, худди сиздек мен ҳам мабодо  
 Шундайин бир таваккалга қўл урсам агар,  
 Бутун зикрим, хаёлларим бўлур эди банд -  
 Денгиздаги ўша ёлғиз илинжим билан.  
 Шамол йўлин аниқлардим - ўт-ўлан сочиб,  
 Кўрфазларни ахтарардим мудом картадан.  
 Ва билингким, бирор белги, бирор аломат  
 Башартики, сўйлар бўлса хавфу хатардан,  
 Ҳасратларга чўмар эдим.

## С а л а р и н о

Пуфлаб шўрвани,  
Бир андиша талвасага соларди мени -  
Оҳ, нималар қила олур дengизда бўрон...  
Ё бўлмаса, қум соатни кўрганим замон  
Саёзликлар, сув остида ёттан харсанглар -  
Бўлур эди кўз ўнгимда шундоқ намоён.  
Ва тасаввур этар эдим: бечора кемам  
Бир гўшада ўша очкўз қумларга чўкиб,  
Ўз қабрини ўшган каби бошини эгиб -  
Туришини! Ё черковнинг муқаддас, аъло  
Тошлирига боқолмасдим сира бешарво.  
Уҳ, беомон қояларга ўхшайди улар.  
Қарс! - урилса, ожиз кемам тутдай тўкилар.  
Сочилади сувга қанча нозу неъматлар,  
Тўлқинларга талаш бўлиб кетар ишаклар.  
Мен шўрлик-чи? Бир нафасда гадо, мосуво!  
Хўш, айтинг-чи, мен шуларни ўйламайманми?  
Бир кори ҳол рўй бераркан, ҳасрат-аламга  
Ботишими ўйламаслик мумкинми асло?  
Қўйинг-қўйинг, мен биламан: Антонио, сиз -  
Дентиздаги молингизга ташвиш чекасиз.

## А н т о н и о

Йўқ, ишонинг, тақдиримга айтаман шукур,  
Бисотимда кемам битта эмас-ку ахир.  
Ва уларнинг борар ери бир манзил эмас,  
Давлатим ҳам шунинг билан ўлчанмайди, бас,  
Фам чекмайман дентиздаги бисотим учун.

## С а л а р и н о

Унда-чи, сиз бирор қизга ошиқсиз.

## А н т о н и о

Бекор.

## С а л а р и н о

Ошиқмассиз? Унда дейлилк: дилгирсиз фақат,  
Шу боисдан бирозгина хомушсиз, холос!  
Қатый туриб, хандон уриб: "Мана, мен хурсанд,  
Фам бегона!" - демайсизми... Риёкор Янус!  
Мен шаънингга онт ичаман, табиат деган  
Кўп ғалати одамларни яратар экан:  
Бирорлар бор, худди сурнай тинглаган тўти,  
Бўйин чўзиб, қаҳ-қаҳ урар бўлар-бўлмасга.  
Бошқалар бор, худди сирка ичгандек афти,  
Тиш оқини кўрсатмайди, ҳаттоки Нестор:  
"Бу ғалати гап", - деб, шунга қасам ичса ҳам.

Бассанио, Лоренцо ва Грациано киради.

## С а л а р и н о

Ана Бассанио, нажиб қариндошингиз;  
Ҳамроҳлари - Лоренцо ва Грациано.  
Хайр! Сизни қолдирамиз яхши даврага.  
Мен қолардим сизни пича кулдирмоқ учун,  
Аммо янги мусоҳиблар сизга азизроқ.

## А н т о н и о

Менинг учун ҳаммангиз ҳам бебаҳо, азиз,  
Сезишимча, сизни тифиз ишлар кутмоқда,  
Баҳонада - хурсанд бўлиб, қочиб қоласиз.

## С а л а р и н о

Салом сизга, афандилар.

## Б а с с а н и о

Сенъорлар, айтинг ахир, қачон куламиз?  
Қачон? Ажаб, одамови бўлиб қолдингиз!

## С а л а р и н о

Бўш вақтингиз тайин этинг, биз ҳамиша шай.

Саларино ва Саланио кетишиади.

### Л о р е н д о

(*Бассаниога*)

Ана, сеньор, учратдингиз Антониони,  
Бас, сизларни қолдирамиз, лекин тушликка  
Тайин эттан жойимизни хотирда сақланг.

### Б а с с а н и о

Хўп, хайр, борарман...

### Г р а ц и а н о .

Сенъор Антонио, пича рангингиз ўчиқ;  
Кўп куясиз дунё моли-сарвати учун.  
Ким уларни ҳаддан ортиқ маشاққат ила  
Топар экан, маҳрум бўлар охир бир йўла.  
О, қанчалар ўзгарибсиз! Маъюс, бенаво!

### А н т о н и о

Мен дунёни чин кўраман, Грациано:  
Дунё - саҳна, ҳар кимсанинг тегиш роли бор,  
Аммо, ажаб қайгулидир менга теккан роль.

### Г р а ц и а н о

Менга эса масхарабоз ролини беринг,  
Кулгулардан юзларимда тошсин ажинлар.  
Оҳлар чекиб, қалбим қақшаб юргандан кўра,  
Мусалласнинг оташидан ёнсин жигарим.  
Томирида иссиқ қони гушурган инсон  
Ҳайкал қалби нечун қотиб турмоги лозим?  
Кўзни юммай, ухлайверсанг... Ёки бўлмасам,  
Асаблардан сариқ дардга бўлсанг мубтало.  
Бу қандай гап? Эшитсанг-чи, эй Антонио,  
Мен севаман сени жондан, мени тинглагил.  
Одамлар бор, бети ботқоқ бетидай заҳил,

Қимир этмай, киширик қоқмай туришар атай,  
Жиiddий, доно, деган һомни қозонмоқ учун.  
Гүё дерки: "Авалиёман, каромат этсам,  
Акилламай, жим туришсин қўтирилтадар ҳам!"  
О, азизим, Антонио, менга бу аён:  
Оқил доно саналурлар ўшалар, чунки  
Жим туришар, талқон солиб оғизларига.  
Лекин сўзга лаб очищса, оқибат шуки,  
Эл ичидаги кулгу бўлар, бўлар калака  
"Эси паст!" деб... Хўп, майлига, бу ҳақда кейин,  
Сен хомушлик хўраги-ла шундоқ бир шухрат  
Овлямагин, у - арзимас, аянч балиқча! -  
Хой, Лоренцо, кетдик, ўтиг-насиҳатимни  
Овқатдан сўнг тутатаман. - Хайр, ҳозирча!

### Л о р е н ц о

Тушликкача қолдирамиз сизларни танҳо,  
Менинг шундоқ тилсиз, доно бўлишим тайин,  
Чунки сайраб гал бермайди Грациано!

### Г р а ц и а н о

Ҳа, мен билан бир-икки йил юрсанг ёнма-ён,  
Овозинг ҳам унугасан бешак, бегумон.

### А н т о н и о

Майли, унда сен учун ҳам сергап бўламан!

### Г р а ц и а н о

Баракалла, жим туришлик ярашар фақат  
Дудлаб пиширилган тилу бикр қизларга.

Грациано ва Лоренцо кетади.

### А н т о н и о

Ажаб, айттан сўзларида бормикин маъно?

## Б а с с а н и о

Грациано ҳуда-бекуда гапларни узундан-узоқ вайсайдеради, бу борада унга Венецияда бас келадигани йўқ. Унинг мулоҳазалари икки ғарам сомон орасидаги икки дона буғдойдек гап. Топаман, деб кун бўйи овора бўласиз, бир пайт кўрасизки, излашга ҳам арзимас экан.

## А н т о н и о

Хўп, майлига. Қани айтинг - ким ўша санам,  
Таъзимига талпинасиз, учмоқ бўласиз?  
Кимдир ўша? Айтмоқликка ваъда бергансиз.

## Б а с с а н и о

Антонио, маълумингиз, эттанман расво -  
Ишларимни ортиқ сарфу харажат билан.  
Ҳашаматли ҳаёт тарзи - дарди бедаво,  
Камтар молу маблагимга юк бўлиб тушган.  
Нолимайман, киборликка айтиб алвидо,  
Зангин туриш-турмушимни чеклайман қатъий,  
Ёлғизгина бир ташвишим: иирик қарзлардан  
Қандай қилиб обрў билан қутулсан экан?..  
Антонио, мен ҳамиша қарздорман сиздан -  
Маблағ учун, дўстлик учун. Ана шу дўстлик  
Таянч бўлур, яна дадил айтишим мумкин.  
Режам билан мўлжалимни, яъни, масалан,  
Қандай қилиб, қарзларимдан халос бўлишим.

## А н т о н и о

Олийжаноб Бассанио, айтингиз менга  
Режа билан мўлжалингиз, улар мабодо  
Ўзингиздек олийжаноб бўлсалар магар,  
Ўзим, яна бор бойлигим сиз учун нисор,  
Ишонингким, мен хизматта шайман доимо.

## Б а с с а н и о

Талабалик йилларимда ёйдан ўқ узиб,  
Йўқотсан гар, бошқасини ўша нишонга -  
Отар эдим... Бирданита икки таваккал  
Икки ўқни топишинга берарди имкон -  
Кўп маҳаллар... Бугун яна ўрнак оламан  
Ўша бебош болалиқдан, мўлжалим содда.  
Сиздан роса қарздордирман.... Неки бердингиз,  
Бир бетийиқ бола каби сочдим-совурдим.  
Аммоқи, бир ўқ изидан иккинчи ўқни  
Бўшатмоққа жазм айласам, ишонаманким,  
Мўлжалини аниқ олиб, адашмай зарра,  
Топар эдим иккисин ҳам аниқ бир йўла.  
Ҳеч бўлмаса, тополмасам биринчисини,  
Раҳмат айтиб, қайтарардим иккинчисини.

## А н т о н и о

Меҳрим сари чекка-чекка йўл изламоққа  
Ҳожат борми, ахир мени яхши биласиз.  
Бунинг билан шак келтириб садоқатимга  
Ранжитасиз, юрагимга озор берасиз.  
Бундан кўра, хонавайрон этсангиз авло.  
Сиз яххиси, шартта айтинг: не қилмоқ жоиз!  
Ва сизнингча, нималарга қодир камина -  
Мен тайёрман ҳаммасига. Қани айтингиз!

## Б а с с а н и о

Бадавлат бир вориса қиз яшар Бельмонтда,  
Ой деса - ой, кун деса - кун, санобар санам,  
Фазилатлар мужассами... Шаҳдо кўзлари  
Йўлламишди менга бир пайт пинҳоний салом.  
Порциядир - унинг исми, кам эмас зарра  
Ўша Брут рафиқаси, Катон қизидан.  
Овозаси кеттан роса... Турли эллардан  
Еллар бошлаб келар унга ошифталарни.

Қуёш рангли кокиллари ёнар, ярақлар,  
Худди ўша афсонавий олтин баррадек.  
Бельмонт гўзал Колхидаға ўхшар бу замон,  
Неча Язон ошиқади ўшанга томон.  
О, азизим, Антонио, ўшалар билан  
Дадил туриб, тортишмоққа бўлсайди имкон,  
Кўнглим аниқ сезиб турар: аник, муқаррар  
Мен ютардим, мен томонда бўларди зафар.

### А н т о н и о

Сен биласан, бору йўтим бари - денгизда  
Арзигулик на маблағ бор, на тузук мато.  
Мана, аҳвол. Лекин, дўстим, боринг, аниқланг,  
Қайдан, қанча ақча олиш мумкин гаровга?  
Нуфузим не имкон берса Венецияда,  
Ҳаммасини охиригача ишга солайлик.  
Сизни гўзал Порцияга, ўша Бельмонтта  
Жўнатмоқ-чун - пул дегани, қайда бўлмасин,  
Гаровгами ё қарзгами, майли, олайлик.  
Кетишади.

### Иккинчи саҳна

Бельмонт. Порция уйидаги хона. Порция билан Нерисса  
кирадилар.

### П о р ц и я

Ростини айтсан, Нерисса, шу кичик жоним шу катта-  
кон дунёдан толиқди.

### Н е р и с с а

Азизим сеньора, ана шу баҳтингиз қадар бадбаҳтли-  
гингиз бўлганда ҳам, шубҳасиз, шундоқ бўлур эди. Ахир  
овқатни ҳаддан зиёд кўп еган инсон худди очлиқдан қий-

налаёттан кишидай азоб чекади. Демак, бахт - олтин ав-  
сатда, яъни меъёрни билишда. Меъёрдан ошишлар соч-  
ни оқартирганидек, меъёрни сақлаш умрни узайтиради.

### П о р ц и я

Чиройли ўгитлар ва чиройли баён этилди.

### Н е р и с с а

Уларга кўнгилдагидек амал этилса, янада гўзал бўлур  
эди.

### П о р ц и я

Агар амал қилишнинг ўзи нимага амал қилиш лозим-  
лигини билишдек осон бўлганда, бутхона ибодатхонага,  
қашшоқ кулбалар - шоҳона саройларга айланарди. Ўги-  
тига амал қилган мулла - яхши мулла. Йигирма кишига  
юриш-туришни ўргатишм осон, аммо ўша йигирманинг  
биттаси бўлиб, ўз айттанларимга амал қилишим мушкул.  
Ақл қонга низом пеш қиласди: лекин ёниқ табиат барча  
совуқ қонун-қоидалардан сакраб ўтади. Ёшлик бамисо-  
ли ҳовлиқма қуён, мажруҳ ақли расоликнинг қопқонла-  
ридан ҳатлаб ўтаверади. Лекин бу мулоҳазалар ўзимга  
эр танлашимга мадад берармикин? Шўрлик бошим! "Тан-  
ламоқ!" Хоҳлаганимни танлашгаям, хоҳламаганимни рад  
этишгаям ҳаддим йўқ: тирик қизнинг инон-ихтиёри мар-  
хум отанинг иродаси билан занжирбанд этилган! На тан-  
лай оламану на рад эта оламан, бу бағритошлиқ эмасми,  
Нерисса?

### Н е р и с с а

Отангиз олийжаноб киши эди. Пок юракли инсонлар  
баъзан ўлим олди дақиқаларида хайрли кароматлар қилиш-  
га қодир бўлишади. Бас, отангиз ана шу олтин, кумуш,  
қўргошин қутичалар жумбогини ўйлаган ва кимда-ким бу  
жумбоқни тўғри пайқаса, сизга мушарраф бўлишини айт-  
ган экан, билингким, сизни чинакам севган кишигина бу

сир-асорни топа олади. Хўш, айтинг-чи, келган шаҳзода  
куёвлардан бирортасига жиндак майлингиз борми?

### П о р ц и я

Марҳамат қилиб, сен бирма-бир номларини айт. Мен  
уларни бирин-кетин сенга тасвирлаб берай. Ана шу сўзла-  
римдан майл-иштиёқим бор-йўқлигини билиб оласан.

### Н е р и с с а

Аввало, Неаполь шаҳзодаси.

### П о р ц и я

О, у ҳақиқий тойчоқ: нуқул оти ҳақида гап сотади ва  
уни тақалай олишини ўзининг асл истеъдоди деб билади.  
Муҳтарама ойиси уни бирор чилангардан орттирган  
бўлмасайди, деган хавотирдаман.

### Н е р и с с а

Кейин пфальцграф.

### П о р ц и я

У ёлғиз қош чимиришни билади, бу билан гўё "истама-  
сангиз - ихтиёрингиз" демоқчи бўлади. Энг қувноқ лати-  
фаларни ҳам жилмаймасдан тинглай олади. Ёшлиқда-ку  
- шу қадар хуфтон, қариганда - йиғлоқи файласуфга ай-  
ланиши турган гап. Ҳе, улардан кўра суюк ғажиган мур-  
дага текканим аъло. Тангрим уларга рўшара қилмасин!

### Н е р и с с а

Хўш, француз амалдори, мосъе Ле-Бонега нима дейсиз?

### П о р ц и я

Парвардигор яратибдими, эркаклар қаторида юравер-  
син. Биламан, бироннинг устидан кулиш гуноҳ. Бироқ у....  
Ҳа, унинг оти неаполликнинг қирчангисидан дурустроқ:  
у қошини пфальцграфдан кўра хунукроқ чимира олади: у

- ҳамма ва ҳеч ким. Зарча сайраса ҳам диконглашга тай-ёр... У ўз сояси билан қиличбозлиқ қилишни яхши кўра-ди. Унга турмушга чиқсан, бир варакай йигирмата эр-какка турмушга чиқсан бўламан. Мендан нафратланса оғринмасдим, негаки, мени ақлдан озиш даражасида сев-ганда ҳам парвойимга келмасди.

### Н е р и с с а

Хўш, инглиз барони - ёш Фоконбриж хусусида не дей-сиз?

### П о р ц и я

Биласанми, унинг ҳақида ҳам, унинг ўзига ҳам айти-диган гапим йўқ, негаки, на у мени тушунади-ю, на мен уни. У лотинчаям, французчаям, итальянчаям билмайди, мен эсам, қози олдида қасам ичиб айтишим мумкинки, инглизчани тариқчаям тушунмайман. У - одобли киши-нинг тимсоли мужассами: аммо соқов ҳайкал билан ким гапириша олади? Тағин унинг кийиниши-чи! Ўлашим-ча, камзулини - Италиядан, кент, шалвираган шалворини - Франциядан, шляпасини - Германиядан, юриш-тури-шини эса, дунёнинг бор мамлакатларидан сотиб олган кўринади.

### Н е р и с с а

Унинг қўшниси, шотландиялик лорд хусусида-чи?

### П о р ц и я

Ўйлайманки, унда яхши қўшничилик муруввати бор: инглиздан қарзга шапалоқ егану имкон бўлди дегунча, ана шу қарзни қайтаришга қасам ичган. Кейин француз имзо чекиб, уни паноҳига олган шекилли.

### Н е р и с с а

Саксония герцогининг жияни, ёш немис қалай, ёқмайдими сизга?

## П о р ц и я

У эрталаб ҳущёр юрган кезлари кўнгилни айнитади, аммо тушлиқдан сўнг маст қиёфасида тагин ҳам бадҳазм. Энг яхши ҳолатида - унча-мунча инсондан пасту ёмон ҳолатида - унча-мунча ҳайвондан баланд. Гапнинг хулласи, мен ундан халос бўлсам, дейман.

## Н е р и с с а

Лекин у синовда қатнашиб, қутича жумбогини тўғриечса, никоҳга рози бўласиз ёки ота иродасини бузишингизга тўғри келади.

## П о р ц и я

Шундоқ бўлмасин учун, марҳамат қилиб, ютуқ чиқмайдиган қутича устига бир стакан рейн шаробидан қўйиб қўяссан. Ичида шайтон яширинган бўлсаям, немис ўша қутичани танлашига аминман. Ўша латтага тегмаслик учун, Нерисса, бор чорани кўраман.

## Н е р и с с а

Кўрқманг, сенъора: у жанобларнинг бирортаси ҳам сизга насиб бўлмайди. Улар ўз қарорларини менга билдиришди: отангиз танлаган қутичалардан бўлак йўл билан сизга ноил бўлиш имконсиз экан, уй-уйларига жўнаб кетишларини, сизни бошқа безовта қилмасликларини маълум этишди.

## П о р ц и я

Бирор киши мени отам буюрган йўл билан ололмас экан, Сивилла ёшига етсам етаманки, аммо эрга чиқмайман. Дунёдан Дианадек ҳур ўтаман. Лекин бу жазманлар гуруҳининг шундай оқилона йўл туттанига хурсандман, ахир улар орасида битта ҳам юракни "жиз" эткизадигани йўқ-да. Тангри таоло уларга оқ йўл берсин, деб дуо қиламан.

### Н е р и с с а

Сеньора, раҳматли отангиз тириклигида маркиз Мон-фэрратта ҳамроҳ бўлиб келган венециялик ёдингиздами? Олим ва жангчи у.

### П о р ц и я

О, у Бассанио эди, уни шундай деб аташарди чамамда?

### Н е р и с с а

Шундоқ, сеньора. Менинг нодон кўзларимга чалинган йигитлар орасида гўзал сеньорага энг муносиби ўша эди.

### П о р ц и я

Хотиримда бор. Ва эслайманки, у сенинг мақтовларининг-га лойик эди.

Хизматкор киради.

Нима гап? Қандай хабарлар?

### Х и з м а т к о р

Тўрт ажнабий хайрлашмоқ, ниятида сизни сўроқлай-ди. Бундан ташқари, бешинчиси - Марокаш шаҳзодасидан чопар келди, у хўжайним бугун кечқурун шу ерда ҳозир бўлади, деб хабар қилди.

### П о р ц и я

Ана шу бешинчисига ҳам, ҳалиги тўртталасига "хайрхўш" дегандек, "салом" дейёлсам эди, ташрифига нақадар қувонган бўлардим. Сиyrати - авлиё, суврати шайтон бўлсаям, мени хотинликка эмас, асранди қиз қилиб олса, йўқ демасдим.

Юр, Нерисса, туша қолгин олдимга энди,

Бировига "хайр" дедик, бошқаси келди.

Кетадилар.

## **Учинчи саҳна**

Венеция. Майдон.

Бассанио ва Шейлок киради.

**Ш е й л о к**

Уч минг дукатми? Яхши.

**Б а с с а н и о**

Ҳа, сеньор, уч ойга.

**Ш е й л о к**

Уч ойга дейсизми? Яхши.

**Б а с с а н и о**

Менга, ҳали айттанимдек, Антонио кафилликка ўтади.

**Ш е й л о к**

Антонио вексель билан кафилликка ўтадими? Яхши.

**Б а с с а н и о**

Менга кўмаклашасизми? Қарз берасизми? Жавобингизни билсан бўладими?

**Ш е й л о к**

Антонионинг кафиллиги билан уч ойга уч минг червон-а?

**Б а с с а н и о**

Хўш, нима дейсиз?

**Ш е й л о к**

Антонио - яхши одам.

**Б а с с а н и о**

Унинг хусусида бошқачароқ сўз ҳам эшиттанмисиз?

## Ш е й л о к

Йўқ, йўқ, мутлақо! "Яхши одам" дейишим билан, биласизми, у "бадавлат одам" демоқчиман, холос. Аммо унинг бойлиги - насия. Бир кемаси Триполига, иккинчиси Ҳиндистонга томон сузади, бундан ташқари, мен Риальтода эшитишимга қараганда, учинчиси ҳозир Мексикада, тўртингиси Англияда, бошқа кемалари ҳам шу сингари бутун дунё бўйлаб тарқалиб кетишган. Аммо, кема дегани бу - тахта, денгизчи дегани - одам; кейин ер каламушлари, сув каламушлари, ерда юрадиган, сувда сузадиган ўтилар, яъни қароқчилар ҳам бор. Бунинг устига - сувдан, шамолдан, қоялардан тугиладиган хавф-хатарларчи?.. Лекин, шунга қарамай, у бадавлат одам... Уч минг червон... Хўш, майли, унинг векселини қабул қилиш мумкин.

## Б а с с а н и о

Ҳа, хотирингиз жам бўлсин.

## Ш е й л о к

Мен бунга ишонч ҳосил қилишим керак. Ишонч ҳосил қилишим учун эса, ўйлашим керак. Антонионинг ўзи билан гапиришсам бўладими?

## Б а с с а н и о

Марҳамат қилиб, биз билан овқатланмайсизми?

## Ш е й л о к

Лаббай? Энда чўчқа гўштини ҳидлашим бормиди? Сизнинг назаретлик пайғамбарингиз афсун билан иблисни қамаган идишда таом тановул этсам-а? Мен сиз билан олди-сотди қилишим, сиз билан юришим, сўзлашишим ва ҳоказо-ҳоказолар қилишим мумкин, аммо, сиз билан еб-ичишим, сиз билан ибодат қилишим - қатағон. Риальтода не янгиликлар? Келаётган ким?

Антонио киради.

### Б а с с а н и о

Мана, сенъор Антонио ҳузурингизда.

### Ш е й л о к

*(Четта)*

Сувратда ҳам чучмалгина золимнинг ўзи!  
У жирканчdir христиан бўлиши билан,  
Ҳаммадан ҳам аянчли бир соддалик ила  
Фойда олмай, қарз бериши нафратта лойиқ.  
Пул қадрини пасайтирас Венецияда.  
Тишларимни биқинига ботирсайдим, ох!  
Эски дардим топар эди бир оз тасалли.  
Бизнинг қутлуг халқимизни хуш кўрмайди у,  
Савдогарлар йигинида менинг шаънимга,  
Ишим, суди савдойимга шигаб тош отар,  
Ҳақоратлар этар. Латънат бўлсин наслимга,  
Гар кечирсан уни!

### Б а с с а н и о

Қани, гапиринг, Шейлок...

### Ш е й л о к

Ўз-ўзимча нақдинамни чамалаяпман,  
Лекин бундоқ ҳисоб-китоб қилиб қарасам,  
Бирданига шунча пулни йиришим қийин.  
Ҳазил гапми, уч минг дукат. Хўш, нима қилдик?  
Ҳа, бадавлат қариндошим, яҳудий Тубал  
Мадад қўлин чўзар... Тўхтанг, ҳалиги маблағ  
Қачон зарур сизга?

*(Антониога)*

Салом, муҳтарам сенъор,  
Ҳозиргина сўз юритдик сиз тўғрингизда.

## А н т о н и о

Шейлок, мен қарз олиб ёки қарз берганимда  
Фойда олсам ёхуд фойда берсам, демайман.  
Лекин дўстнинг ҳожатини чиқазмоқ учун  
Бугун ушбу қоидани бузмоқ бўламан.

*(Бассаниога)*

Миқдорини айтдингизми?

## Ш е й л о к

Ҳа, уч минг червон.

## А н т о н и о

Нақ, уч ойга.

## Ш е й л о к

Унутибман! Уч ойга, денг... яъни, масалан  
Сизнинг вексель билан. Буни ўйлаб кўрамиз...  
Аммо, тўхтанг: ҳозиргина айттанингиздай,  
Қарз берганда фойда демай, қарз олганда-чи -  
Фойдасини қўшмайсиз ҳам... Шундоқми?

## А н т о н и о

Шундоқ.

## Ш е й л о к

Ҳали Лаван қўйларини боққанда Яъқуб  
(У ҳазрати Иброҳимга учинчи ворис,  
Ҳа, учинчи ворис эди, онаси боис...)

## А н т о н и о

Бу не даркор? Магар у ҳам фойда олганми?

## Ш е й л о к

Йўқ, фойда-ку олмаган у... сал бошқачароқ,  
Сўзнинг асл маъносида фойда олмаган.

Лаван билан аммо шундоқ келишиб олган -  
Түғилган ҳар ола қўзи менга тегиши деб.  
Куз бошланиб, ҳароратта тўлган қўчқорлар  
Кўкрак кериб, совлиқларга ёндашган маҳал  
Олабайдоқ мато билан ҳалиги айёр  
Барг сидириб, жониворлар олдига тўккан.  
Ўша йили юк кўтарган қўйларнинг бари  
Ола-була қўзи туққан... Яъқубга тегиши!  
Мана сизга бойимоқнинг йўли - бемисол,  
Ўғриликсиз, чин фойда бу, луқмаи ҳалол!

### А н т о н и о

Ҳа, Яъқубга қўл келипти қулай тасодиф,  
Зотан, унга натижаси боғлиқ эмасди.  
Буюрган ҳам, бажарган ҳам, менимча, фалак,  
Сиз нақлдан судхўрликка излайсиз фатво,  
Пулларингиз - қўйлармикин, қўчқорларми ё?

### Ш е й л о к

Билолмайман. Аммо, тез-тез қарзга бераман.  
Эшитинг-а, сенъор...

### А н т о н и о

Эшит, эй Бассанио:  
Ҳатто иблис суянади муқаддас сўзга,  
Биласанми, ўша қутгуғ муқаддасотта  
Суянгувчи бузуқи қалб монандири кимга?  
У лаблари кулиб турган золимга ўхшар.  
Ичи чирик, сирти қирмиз меванинг ўзи.  
О, нақадар зебо бўлур ёлғоннинг юзи!

### Ш е й л о к

Уч минг червон! Ҳазилакам пул эмас, ахир...  
Нақ уч ойга... Қанча бўлар йиллик фойдаси!

## А н т о н и о

Демакки, қарз бермоқчисиз, шундайми, Шейлок?

### Ш е й л о к

Сенъор Антонио, айтай, неча дафъа сиз  
Риальтода мени сўкиб, таҳқир этдингиз,  
Ерга уриб шулларимни, фойдаларимни.  
Ҳаммасига елка қисдим, бардош айладим.  
Сабру чидам - қавмимизга азалий одат.  
Мени кофир, ҳатто ит, деб, жамоат ичра  
Атадингиз, тупурдингиз жуҳуд тўнимга.  
Сабабки: у меникидир, менинг чопоним.  
Хўш, энди-чи, энди керак бўлиб қолдимми?  
Афсус, аттанг! Ҳузуримга бутун келиб сиз:  
"Шейлок, менга қарз беринг" деб жавоб кутасиз.  
Сиз - таҳқириб юзларимга тупурган жаноб,  
Сиз - эшиқдан мени итдай ҳайдаб солган зот,  
Бугун мендан қарз сўрайсиз? Сизга пул керак!  
Нима дейман? Қандай жавоб айтайнин, ҳайҳот.  
Ё айтсамми: "Пул не қилсин қолағон итда?"  
Қандай қилиб уч минг дукат қарз берар кўшпак?"  
Ё бўлмаса, таъзим айлаб қулингиз монанд,  
Титраб-қақшаб айтсаммикин ювошлик билан:  
"Чоршанба кун тупурдингиз юзимга, балли,  
Пайшанба кун тепгандингиз кетимга, майли.  
Ит, дердингиз, эркалашлар ҳаққига энди  
Қарз берайин, қабул этинг, сенъор афанди".

## А н т о н и о

Яна шундай атамоқда ҳозирман бу дам,  
Тупурмоққа ва кетингга тепмоқликка ҳам.  
Қарз бермоқчи эсанг, қани берақол тезроқ -  
Дўст тарзида эмас. Дўстлик излармикан, бас,  
Бирор баҳра шарофатсиз, совуқ металдан?  
Берар бўлсанг, душманингга берган каби бер,

Синса, яъни таназзулга учраса ўша  
Роҳат қилиб ундирасан!

### Шеълок

Уҳ, тутақдингиз!

Мен дўст бўлиб, кўнглингизни олмоқ истайман,  
Унутаман дашномлару ҳақоратларни.  
Сизга ёрдам қўлин чўзиб, тийин олмайман -  
Фойдасига. Сиз бўлсангиз қулоқ солмайсиз,  
Мен сўзлайман сидқидилдан, яъни, юракдан.

### Бассанисо

Сидқидилдан?

### Шеълок

Ҳа, мен буни исбот этаман:  
Ҳозир бирга йўл оламиз нотариусга.  
Сиз у ерда вексель ёзиб, ҳазил тариқа,  
Қайд этасиз: фалон муддат, фалон дақиқа  
Гар қарзимни узолмасам - тўлай жарима.  
Жаримаки, энг аломат гўштингиздан мен  
Сайлаб-сайлаб, нақ бир қадоқ кесиб олгайман.  
Танингизнинг қай қисмини сайлаш - хоҳишим,  
Яна қандоқ кесиб олиш - бу менинг ишим.

### Антонисо

Бўлти, ўша векселга мен имзо чекаман,  
Яна, жуҳуд - тоят соҳиб саховат, дейман.

### Бассанисо

Йўқ, мени деб бундоқ вексель бериш номаъқул,  
Яххиси, мен қашшоқликда қолай бир умр.

### Антонисо

Қўрқма, дўстим, муддатидан кечиктирмайман,  
Шу икки ой орасида, бир ойча олдин -

Анов шартнинг муддатидан, тушар қўлимга  
Қарзимиздан ўн баравар зиёда олтин.

### Ш е й л о к

О, Иброҳим ҳазрат! Ана, христианлар.  
Ўзлари-ку бир тошбагир... Бошқаларда ҳам  
Кўрмоқчилар йўқ ердаги бағритошлиқни.  
Хўш, ўзингиз ўйлаб кўринг, тўлов кечикса,  
Ва битимга биноан мен олсан жарима,  
Нақ бир қадоқ одам гўшти - кимга ҳам даркор,  
Нархи қанча, ундан менга нечук фойда бор!  
Буқа гўшти, эчки гўшти бўлса, бошқа гап,  
Мен яхшилик қилмоқчиман дўстликка атаб...  
Хўп, десангиз, хўп, бўлмаса, тинч қўйинг мени,  
Яхшиликка ёмонлик, деб аташар буни.

### А н т о н и о

Шейлок, шундай векселга мен имзо чекаман.

### Ш е й л о к

Нотариусда учрашамиз. Хайр, борай мен.  
Ҳазиломуз векселингиз шай турсин қўлда.  
Мен борай-да, йигиб келай сўлкавойларни,  
Бепарво бир хизматкорнинг измида уйим,  
Хабар олай, ўша бебурд нималар қилди?  
Тез қайтаман.

### А н т о н и о

Бора қол, эй ҳимматли жуҳуд.

Шейлок кетади.

Ажаб дунё! Жуҳуд борар Исо йўлидан.

### Б а с с а н и о

Мен қўрқаман ёвузларнинг ширин тилидан.

## А н т о н и о

Кетдик, дўстим. Хавфу хатар йироқ, кемалар -  
Қайтиб келар у муддатдан ўттиз кун аввал.

Кетишади.

## ИККИНЧИ ПАРДА

### Биринчи саҳна

Бельмонт. Порция уйидаги хона. Марокаш шаҳзодаси ўзининг хос маҳрамлари билан, Порция эса Нерисса ва бошқа жориялари билан киришади.

Бургу садоси.

### М а р о к а ш ш а ҳ з о д а с и

Қоп-қора, деб таҳқир ила боқмагил зинҳор,  
Қоратўри ёпинчиққа қуёш сабабкор.  
У - қўшнимдир, сингиб кетмиш жисму жонимга,  
Ўша, ҳатто, ёзда музлар эримай турган  
Ўлкалардан чорла оппоқ шимол ўғлонин.  
Биз тиф санчиг, севгинг ҳақи, синааб кўрамиз,  
Қани, кимнинг қони қайноқ, қизғишироқ экан.  
Келбатимни кўриб қочмиш не-не ботирлар,  
Лекин сенга севгим учун қасам ичаман,  
Шу қўрқинчли башарани севмиш юракдан  
Ватанимнинг не-не танноз паривашлари.  
Мен қоп-қора шу тусимни ўзгартирмоққа  
Фақат сенинг майлинг учун бўлардим рози.  
Фақат сенинг севгинг учун, гулим, маликам!

### П о р ц и я

Мен танлашда қиз кўзининг нозик, синчков  
Изми билан йўл тутишга қодир эмасман.

Лотерея ўйинига ўхшаш қисматим  
Менга хушлаб, танламоқни тақиқ айлаган.  
Мархум отам ихтиёrim чекламасайди, -  
Ким қутича сирин топса, ана ўшанга  
Тегасан, деб этмасайди менга васият,  
О, шаҳзода, сизни чиндан севардим, илло,  
Шу чоққача учраттаним йигитлар аро  
Қора дея санамасдим.

### М а р о к а ш ш а ҳ з о д а с и

Раҳмат шунгаям!  
Қани бошланг мени сирли қутичаларга.  
Бошланг, токи мен баҳтимни синаб кўрайин.  
Сафавийни бир зарб ила юз тубан йиққан,  
Сулаймонни жангда уч бор мағлуб айлаган  
Ўша эрон шаҳзодасин қабрга тиққан -  
Шу шавкатли шамширимга ичаман қасам,  
Мен кўзларни кўр қилардим бир қарашиб билан,  
Олишардим, кимки бўлса жаҳон паҳлавон.  
Онасини эмаёттан айиқчаларни  
Тап тортмасдан шартта юлиб, улоқтирадим,  
Хўрлаб, мазах этар эдим оч арслонни -  
Фақат сенинг васлинг учун! Лекин, во дариг,  
Кудрати зўр эрлар кимдир, билайлик, дея  
Ошиқ ташлашаркан Лихас, Херкулес, бехос  
Ўша ёш маҳрамининг нимжон, қалтироқ қўли  
Ҳеч гап эмас, ошигини олчи айласа.  
Сўқир қисмат шафқат-карам кўрсатмай зарра,  
Мен билан ҳам шундоқ ўйин ўйнаши мумкин.  
Мен қолсаму нолойиқлар совринни олса,  
Ўлар эдим надоматдан.

### П о р ц и я

Шаҳзода, танланг,  
Ё синовда қатнашмайсиз мутлақо, ёки -  
Қатнашасиз, аммо-лекин этсангиз хато,

Бу дунёда минбаъд бирор аёл зотига  
Оғиз жуфтлаб, сўз очмайсиз никоҳ ҳақида.  
Ўйлаб кўринг.

### Марокаш шаҳзодаси

Ҳаммасига розиман, рози.  
Қани бошланг мени баҳтим-иқболим сари.

### Порция

Аввалбоши бориб, тоат-ибодат қилинг,  
Кейин таом... Сўнг синайсиз иқболингизни.

### Марокаш шаҳзодаси

Тақдир, менга марҳаматинг баланд тут, баланд,  
Ё баҳтиёр, ё бир умр бадбаҳт бўламан!

Бурғу садоси.

Кетишади.

### Иккинчи саҳна

Венеция. Кўча.

Ланчелот киради.

### Ланчелот

Албатта виждан ана шу хўжайн бўлмиш жухуддан қочиб қолишимга йўл қўяди. Аммо шайтон шундай аврайди, шундай васваса қиласики, асти қўяверасиз. "Гоббо, Ланчелот Гоббо, марҳаматли Ланчелот" ёқим: "Марҳаматли Гоббо", ё бўлмасам: "Марҳаматли Ланчелот Гоббо, - дейди у, - оёғингни қўлингта олиб, бу ердан қочиб қол, жуфтакни ростлаб, қорангни учир бу ердан". Виждан нима дейди денг: "Йўқ, тўхта, вижданли Ланчелот. Тўхта, номусли Гоббо", ёхуд юқорида айтганимдек: "Са-

доқатли Ланчелот Гоббо, қочма, бундай хаёлларнинг бетига тушур". Ҳа, майли дейман. Довюрак шайтон бўлсанчи, шара-барангни йигинштириб, деб буюради. "Қани, йўлга туш! - дейди иблис, - йўлнинг танобини торт!" "Хўп, майли, дейман; виждан эса бўйнимга осилиб, юрагимга шивирлаб, шундай доно гаплар айтадики, қўяверасиз. "Номусли дўстим, Ланчелот, дейди у, сен номусли бир отанинг фарзандисан..." ёки аниқроғи, "номусли онанинг фарзандисан", нега десангиз, тўриси, отам бир оз ана-қароқ... қандай тушунтирасам экан, бир оз кўргулиги... бор... Хўп, майли: Виждан дейди: "Ланчелот, қимиirlама!" "Қани, қимиirlа!" - дейди шайтон. "Жойингдан жилма!" - дейди виждан. "Виждан, - дейман, - маслаҳатинг маъқул!" Вижданнинг сўзига кирсам, хўжайним жуҳуднинг хизматида қолишим керак: у бўлса - Тангirim, ўзинг кечиргину! - шайтоннинг худди ўзи: жуҳуддан қочиб қолай десам яна шайтоннинг йўлига киришим керак. Бу ёқда эса, жуҳуд қўйиб қўйган шайтоннинг ўзи. Бас, жуҳуд хизматида қолишимни буюрдими, виждоним - тошбагир. Шайтоннинг маслаҳати дуруст. Қочаман. Шайтон, оёқларим хизматингга мунтазир. Қочаман, дедимми, қочаман.

Кекса Гоббо сават кўтариб киради.

Ёш сенъор, таҳаммул қилиб, айтинг-чи, сенъор жуҳудга қандоқ борсам бўлади?

### Л а н ч е л о т

Ё фалак! Бу менинг ўз отам-ку. Шу қадар кўздан қоптики, гўё дийдасига қум эмас, шағал тиқилганга ўхшайди. Мени танимаяпти, бир ҳазиллашиб кўраман.

### Г о б б о

Муҳтарам ёш сенъор, мурувват қилинг: сенъор жуҳуда-никига қандай борсам экан?

## Ланчелот

Биринчи муюлишда - ўнгга буриласиз, аммо худди шу муюлишнинг ўзида - чапга қайриласиз; эҳтиёт бўлинг, ҳалиги муюлишда ўнгга ҳам, чапга ҳам бурилмай, тўшпатўғри жуҳуднинг уйига қайрилиб қўя қоласиз.

## Гоббо

Ё азиз авлиёлар! Тўғри йўлга тушиб олиш мушкул бўларкан. Сиз мабодо айттолмайсизми: унинг Ланчелот деган хизматкори бўларди, ҳали ҳам ўша ердамикин?

## Ланчелот

Сиз ёш сенъор Ланчелотни айтаяпсизми? (Четта) Шопмай туринг, сизга шундоқ ҳангома кўрсатайки... (Чолга) Сиз ёш сенъор Ланчелотни айтаяпсизми?

## Гоббо

Қандай қилиб, у сенъор бўлсин, бегим? Бир камбағалнинг ўғли! Отаси - ўзи айтаяпти демангу - номусли, аммо, бечора, қашшоқ бир одам, - лекин Худога шукурки, соппа-соғлом.

## Ланчелот

Отаси ким бўлмасин, бари бир биз ёш сенъор Ланчелот ҳақида гаплашяпмиз.

## Гоббо

Жанобларига таниш - фақир Ланчелот ҳақида, бегим.

## Ланчелот

Мен сиздан сўрайман, балки, ёлвораман, қария: хулласки, сиз ёш сенъор Ланчелот ҳақида гапирайтпиз, шундоқми?

## Гоббо

Ланчелот ҳақида, марҳаматингиз билан, бегим.

## Лаңчелот

Хулласки, сенъор Ланчелот ҳақида. Отахоним, шу сенъор Ланчелот ҳақида сўрамасангиз бўларди, негаким ёш сенъор (аввало қазо ва қадар, сўнгра уч оша-сингил Паркларга ўхшаш олимона кимсалар ҳамда ўзга илм тармоқлари тақозосига кўра) чиндан ҳам вафот этди, ёхуд агарда оддийроқ қилиб айтиш жоиз бўлса, нариги дунёга равона бўлди.

## Гоббо

Худоё, ўзинг мадад бер! Ахир болакай қаритан чогимда асо, суянчиқ эди менга.

## Лаңчелот

Наҳотки, мен таёқ ёки тиргович, ҳасса ёки тўсинга ўхшасам? Сиз мени танимаяпсизми, отажон?

## Гоббо

О, йўқ! Мен сизни танимайман, ёш сенъор. Лекин тўғрисини айтишингизни ўтинаман: менинг болам - Худо унга раҳматинираво қиссин - тирикми ё ўликоми?

## Лаңчелот

Наҳот, мени танимаяпсиз, отажон?

## Гоббо

Вой Худойим-ей мен сал кам кўрман,  
Танийлмай турибман сизни.

## Лаңчелот

Дарвоқе: кўзингиз тузук бўлганда ҳам мени танишингиз даргумон эди: ўз боласини таний олган оталарга балли. Хўп, майли қария, мен сизга ўғлингиз ҳақида бор гапни айттай. (Тиз чўқади.) Мени дуо қил. Ҳақиқат рўёбга чиқиши лозим: қотилликни узоқ яшириб бўлмайди! Ким кимнинг ўғли эканини бекитиш мумкин, аммо у барибир бир кун очилади.

## Г о б б о

Туринг, сеньор, марҳамат қилиб, тура қолинг: сизнинг Ланчелот, яъни менинг ўғлим эканингизга ишонгим келмаялти.

## Л а н ч е л о т

Майнавозчиликни бас қилайлик: мени дуо қил. Мен, Ланчелот, сенинг болакайинг эдим, сенинг ўғлингман, сенинг фарзандинг бўлиб қоламан.

## Г о б б о

Ўғлим эканингизга ишонолмай турибман.

## Л а н ч е л о т

Энди нима дейишимни ҳам билолмай қолдим: бироқ Ланчелотман, жухуднинг хизматкори ва ишончим комилки, хотининг Маржени - онам бўлади.

## Г о б б о

Ҳа, уни Маржени дейишади, тўғри... Ва қасам ичиб айтишим мумкинки, агар сен Ланчелот бўлсанг, менинг пушти камаримдансан. Ё Парвардигор! Етказганингга шукур! Қанақа соқол ўстирдинг! Иягингдаги туклар байталим Доббининг думидан ҳам баттар чаплашиб кетибди-ку.

## Л а н ч е л о т

Демак, Доббининг думи тўқилибди-да: сўнгги бор кўрганимда думи соқолимдан қуюкроқ эди.

## Г о б б о

Ё Тангirim, ўзгариб кеттанингни қара! Хўжайининг билан муросанг нечук? Мен унга совға-салом келтирувдим. Қалай, у билан қалинмисизлар?

## Л а н ч е л о т

Ҳар қалай, ёмонмас. Аммо, ўзимга қолса, ундан қочишига қарор қилдим; ва бирор олисроқ манзилга етмагунимча, тўхтамоқчимасман. Хўжайинимга келсак - у чинакам

жуҳуднинг ўзи. Унга совға-салом?! Арқон ҳадя қилки, ўзини осиб ўлдирсинг; унинг эшигида очликдан ўлар ҳолатга етдим. Мана, қовурғаларимни битта-битталаб санаса бўлади. Лекин, ота, келганинг яхши бўлди. Совға-саломни, яхшиси, сенъор Бассаниога тошшира қол; одамлар оғзида дув-дув гап: хизматкорларига шунақанги кийимлар тикирганмиш, эшитиб қойил қоласан киши! Агар унинг хизматига ўтолсам, қочаман, дунёning нарига бурчига бўлсаям, қочаман. Ана, омад! Унинг ўзи бу ёққа келяпти. Ота, югур, пешвоз чиқ! Жуҳуднинг хизматида қолсам, жуҳуд бўлай энди.

Бассанио Леонардо ва бошқа хизматкорлари билан киради.

### Б а с с а н и о

Бу ишни дўндирасиз: аммо шошилинг: кечки овқат соат бешдан кечикмасин. Ушбу мактубларни жўнатворинг, кийимларни хизматкорларга тарқатинг, Грацианони менинг уйимга кириб ўтишини илтимос қилинг.

Хизматкорларидан бири жўнайди.

### Л а н ч е л о т

Ота, тўппа-тўғри олдига!

### Г о б б о

Тангри ярлақасин сизни, бегим!

### Б а с с а н и о

Беҳад миннатдўрман. Мендан не тилагинг бор?

### Г о б б о

Мана, сенъор, менинг ўғлим, камбағал бир бола...

### Л а н ч е л о т

Камбағал боламас, сенъор, бадавлат жуҳуднинг хизматкори, истардимки... бу ёғини отам тушунтиради.

## Г о б б о

У, сеньор, ҳалигидай, уйқусидаям нуқул кўргани...

### Л а н ч е л о т

Хуллас, озми-кўпми, ҳар қалай, жуҳуднинг хизматини қиляпман, аммо истардимки... бу ёғини отам тушунтиради...

## Г о б б о

Ижозатингиз билан, бегим, у ўз хўжайини билан аҳилтотув яшайти, деб бўлмайди.

### Л а н ч е л о т

Қисқаси, бор гап шуки, жуҳуд мени жонимдан безор қилди, шу нарса мени мажбур этадики... бу ёғини отам қаршингизда турган қария, Тангри инояти билан тушунириб беради...

## Г о б б о

Манави ерда қалтар гўштидан пиширилган таом бор, шуни бегимга тортиқ этишга журъат этаман, ҳам кичик бир илтимос...

### Л а н ч е л о т

Сўзни елга совурмаслик учун айти қолай: бу илтимос мени жудаям қизиқтиради... Буни афандимнинг ўзлари ана шу номусли қариядан билиб оладилар... Гарчанд ўзим айтаяпману лекин ҳар қалай, чол бўлсаем, бечора, бари бир менинг отам.

## Б а с с а н и о

Битталаринг гапирсаларинг-чи. Нима истайсизлар ўзи?

### Л а н ч е л о т

Сизга хизмат қилишни, сеньор.

## Г о б б о

Илтимосимизнинг бор қусури ҳам мана шу!

### Б а с с а н и о

Мен танийман сени, майли, тилагинг қабул.  
Хўжайининг бугун менга мақтади роса,  
Бой жухуднинг қўргонини тарк этиб тамом,  
Камбағалга хизмат бажо этмоқчи бўлсанг,  
Ва сен учун бир погона баланд бўлса бу,  
Ишонавер, кўтарилди тағин мартабанг.

### Л а н ч е л о т

Қадими ҳикмат сиз билан хўжайиним Шейлок ўрта-  
сида чиройли бўлнибди, сеньор: сизда - Тангри неъма-  
ти, унда эса - пул.

### Б а с с а н и о

Яхши айтдинг. Энди рухсат иккингизга ҳам.  
Сен боргину хўжайининг билан хайрлаш.  
Сўнг уйимга келавергин.

*(Хизматкорларга)*

Унга энг яхши

Кийимлардан беринг. Аниқ бажаринг амрим.

### Л а н ч е л о т

Кетдик, ота! Мен ўзимга ўрин тополмас эканманми?  
Нима, менда лаб-даҳан йўқми? Мана! (Кафтларига қарайди.) Бугун Италияни ахтарса, бунағанги баҳтиёр кафт-  
лар топилармикин!.. Шулағни Инжилга қўйиб, онт ичаманки, омадим бор. Мана, қаранг ундаги чизиқларга  
қаранг: булар ҳаёт сўқмоқлари. Унда хотинларнинг кўпли-  
гини айтмайсизми, хотинларнинг! Ўн беш хотин - бу ҳали  
ҳолва. Бу ёқда яна ўн бир бева, тўққиз бокира қиз - бир  
киши учун ёмон бойлик эмасдир-ов. Бундан ташқари, уч  
марта чўкиб, ўлим чангалидан қутулиб қоларканман... Пар

тўшакка ётганимда даҳшатли хавф-хатарнинг шундоқ ёнгинамда туриши-чи... Мана буни омад деса бўлади. Хўш, борди-ю, қисмат хотин қавмидан бўлса, бундай ишларда у шафқат-марҳаматини аямайди. Кетдик, ота. Мен жуҳуд билан кўз очиб юмгунча хайрлашаману чиқаман.

Кетишади.

### Б а с с а н и о

Леонардо, дўстим, ўзинг машғул бўл энди.  
Хариd қилиб, ҳамма ишни айла жо-бажо.  
Тезроқ қайттил: ахир, бугун меҳмон этаман  
Энг қадрдон дўстларимни. Қани, қимиrla!

### Л е о н а р д о

Айттанингиз бажарилур, муҳайё бўлур.  
Грациано киради.  
Хўжайининг қани?

### Л е о н а р д о

Ана, қаршингизда у.

(*Кетади.*)

### Г р а ц и а н о

Сенъор Бассанио...

### Б а с с а н и о

Салом, Грациано!

### Г р а ц и а н о

Сиздан битта ўтинчим бор...

### Б а с с а н и о

Олдиндан қабул.

## Грациано

Сиз бу илтимосимни ерда қолдирманг, мен сиз билан  
Бельмонтта жўнашим зарур.

## Бассанио

Зарур? Бўпти, кетдик! Лекин Грациано,  
Хаддан зиёд ўтсан, йўқдир сўзингда меъёр.  
Булар бари қадрдан ва таниш даврада  
Ярашади сенга, яъни нуқсон санаалмас.  
Аммо-лекин нотаниш бир даврада улар  
Туюлади қўрслик ёки қўпполлик бўлиб.  
Шунинг учун ўша ёниқ табиатингга  
Бир-иккита совуқ томчи томиз, йўқ эса,  
Лой этасан мени ваҳший авторинг билан,  
Поймол бўлур умидларим!

## Грациано

О, Бассанио!  
Айттанингиз бўлур, ўзни камтарин тутиб,  
Ибо билан сўзламасам, сўкиниб гоҳ-гоҳ,  
Қўлтигимга дуо китоб солиб юрмасам,  
Тушлик пайти ибодатда шляпам билан  
Кўзларимни бекитмасам, титроқ сас ила  
"Омин!" дея оҳ чекмасам, бувисига нақ  
Авлиёдек кўринмоқчи бўлган зот каби  
Юриш-туриш низомига амал этмасам,  
Ҳукм қилинг, майли, менга бошқа ишонманг.

## Бассанио

Хўп, кўрамиз.

## Грациано :

Ҳисоб эмас, аммо бу кеча  
Унга қараб ҳукм этманг.

## Б а с с а н и о

Йўқ-йўқ, аксинча,  
То тўйгунча бу кеч яйраб, майшат айла.  
Мен ҳам дўстлар даврасида қувнамоқчиман.  
Хўп, бора қол, ишларим кўп, хайр, ҳозирча.

## Г р а ц и а н о

Мен учрайман Лоренцога, бошқаларга ҳам,  
Зиёфатда бўлажакмиз сизда жамулжам.

Кетишади.

## Учинчи саҳна

Аввалги жой. Шейлок уйидаги хона.  
Жессика билан Ланчелот киради.

## Ж е с с и к а

Бизнидан кетаяпсан, менга хуш эмас,  
Нега десанг, бу уй - дўзах, сен-чи - шўх шайтон,  
Кулдирадинг, ёзар эдинг кўнглимни баъзан,  
Хўш, омон бўл... Мана сенга совға - бир дукат.  
Ҳа, Ланчелот, Бассанио уйида бугун  
Лоренцога дуч келишинг, менингча, тайин.  
Унга тутқиз шу мактубни, лекин, пинҳона,  
Хайр энди, саломат бўл, борақол, яна  
Иккимизни сўз устида отам кўрмасин.

## Л а н ч е л о т

Саломат бўлгайсиз! Кўз ёшларим мени бўғиб қўйди.  
Гўзал кофирам, мафтункор жуҳуд бекачим! Борди-ю,  
бирор христиан сенга етишмоқ йўлида товламачиликка  
юз бурмас экан, мен тамом аросатда қоламан. Аммо... са-  
ломат бўлгайсиз! Бу аҳмоқона кўз ёшларим менинг мар-  
дона руҳимни ғарқ этди. Саломат бўлгайсиз!

Кетади.

## Ж е с с и к а

Хайр энди, саломат бўл, дўстим Ланчелот!  
Ажаб, ҳайҳот! Мен отамга фарзандлигимни  
Ўйлаб, бундоқ, уялишм - нақадар гуноҳ!  
Аммоқи, мен бори-йўғи қондошман, холос.  
Лекин, сира юрақдошмас. Тингла, Лоренцо,  
Энди айтган сўзингда тур, кураш сўнгида  
Бўлажакман христиан ҳам сенга хотин.

*(Кетади.)*

## Тўртинчи саҳна

Ўша жой. Кўча.

Грациано, Лоренцо, Саларино ва Саланио кирадилар.

## Л о р е н ц о

Шундай қилиб, зиёфатдан қочиб қоламиз -  
Сездирмасдан... Сўнгра менинг уйимга бориб,  
Ниқобларни киямизу изга қайтамиз.  
Бир соатда улгурамиз.

## Г р а ц и а н о

Аммо ҳали керагича тайёр эмасмиз.

## С а л а р и н о

Ҳатто, тайин этилмаган машъалбардорлар.

## С а л а н и о

Бўладиган бўлса - тўқис, бежирим бўлсин,  
Нари-бери бўлса, қўйинг, мутлоқ керакмас!

## Л о р е н ц о

Ҳозир роса тўрт; яна икки соат бор,  
Ўйлайманки, улгурамиз...

Ланчелот мактуб кўтариб киради.

Нима гап, ошна?

### Л а н ч е л о т

Марҳамат қилиб, манавини очиб қарасангиз - нима  
таплиги шундоқ кўринаади-қўяди.

*(Мактубни узатади.)*

### Л о р е н ц о

Ёзган қўлни танияпман... Назокатли қўл!  
Ўзи ёзган шу сип-силлиқ қоғоздан ҳам оқ,  
Ва латифдир ўша қўлчалар!

### Г р а ц и а н о

Ишқномами?

### Л а н ч е л о т

Жўнамоққа рухсат этинг, сенъор

### Л о р е н ц о

Ха, қаёққа?

### Л а н ч е л о т

Сизга айтсам, сенъор, собиқ хўжайиним - жуҳудни  
янги хўжайиним - христианнинг уйига зиёфатта таклиф  
эттани боряпман.

### Л о р е н ц о

Манавини олгин, гўзал Жессикага бер.  
Ва оҳиста маълум қилким, бораман. Жўна.

Ланчелот кетади.

### Л о р е н ц о

Қани энди маскарадга ҳозирланайлик,  
Машъалбардор тайёр, уни ёллаб қўйганман.

## С а л а р и н о

Үндоқ бўлса, мен жўнадим; мана, тайёрман.

## С а л а н и о

Мен келаман.

## Л о р е н ц о

Шундай қилиб, бир соатдан сўнг  
Грациано уйига йигилсин барча.

## С а л а р и н о

Бўлти, борамиз.

Саларино ва Саланио кетишади.

## Г р а ц и а н о

Халиги хат кимдан, гўзал Жессикаданми?

## Л о р е н ц о

Дўстим, сендан яширмайман... Жессика ёзмиш  
Отасидан уни қандоқ олиб қочишим.  
Ёзмиш яна, шайдир қанча олтин, жавоҳир,  
Олифта бир йигитчанинг кийим-боши ҳам.  
Ҳа, гар жуҳуд етолса кўк марҳаматига,  
Етар балки шу гулчехра қизи туфайли.  
Лекин ўша паривашнинг йўлини оғат  
Тўсар бўлса, эҳтимолки, бунга баҳона,  
Боис шуки, у - ярамас жуҳуднинг қизи.  
Мен билан юр, мана мактуб, ўқи, азизим,  
Машъалбардор бўлур менга санамнинг ўзи.

*(Кетишади.)*

## **Бешинчи саҳна**

Ўша жой. Шейлокнинг уйи олдида.

Шейлок билан Ланчелот киради.

### **Ш е й л о к**

Мана энди, ўзинг кўриб, баҳо берасан,  
Иккимизнинг фарқимизни кўриб биласан. -  
Эй Жессика! Энди тўйиб-бўкиб юрмайсан  
Мендагидай... Ҳей Жессика!.. Ҳам ухламайсан  
Хуррак отиб, босинқираф, кийим йиртмайсан.  
Ҳей, қайдасан, Жессика?

### **Л а н ч е л о т**

Ҳой, Жессика!

### **Ш е й л о к**

Сен нимага қичқирасан? Ҷақир демадим.

### **Л а н ч е л о т**

Ҳазратлари ҳамиша, бирор ишни буйруқсиз бажарол-  
майсан, деб мени сўкар эдингиз.

Жессика киради.

### **Ж е с с и к а**

Лаббай, ота! Нима дейсиз?

### **Ш е й л о к**

Зиёфатта чорламишлар, мени, Жессика,  
Калитларни олгин. - Аммо бориши шартмикин?  
Мени чорлар дўстлик эмас, хушомадгўйлик,  
Йўқ, бораман, нафратимнинг зўридан ҳатто,  
Тўйгунимча еб-ичаман: майли, тўласин  
Мен учун у христиан-исрофгар. - Қизим,  
Ҳай, сен уйдан хабардор бўл ҳар бир сония,

Аслида-ку бормаганим маъқул эди-я...  
Бир фалокат ўралашиб юрар изимдан,  
Пул солинган халталарни тушимда кўрдим.

### Л а н ч е л о т

Шафқатингизни дариг тутманг, сенъор: менинг ёш  
хўжайиним нафратингизга умид боғлаган.

### Ш е й л о к

Мен ҳам ундан шуни умид қиласдим.

### Л а н ч е л о т

У ерда қандайдир фитна тайёрлашаёттани аниқ: маскарад бўлади, демоқчимасману аммо кўрасиз, ўша душанбай пок эрталаб соат олтиданоқ бурнимдан қон кета бошлагани бежиз эмаслигини бир кўриб қўясиз энди...  
Бу - бундан тўрт йил бурун ўша лаънати чоршанбага тўғри келган куннинг худди ўзи эди.

### Ш е й л о к

Маскард де? Ҳой, Жессика, эшиг яхшилаб,  
Тўрт томонни бекитиб ол. Ноғора саси,  
Ё сурнайнинг чийиллаган садоларини  
Эшигибоқ, деразага тирмаша кўрма.  
Ҳа, эшиқдан чиқармагин бурнингни ҳатто.  
Ўша галварс христиан зотларнинг расво,  
Бўёқланган турқларига қўзингни солма.  
Бекитиб ол қулогингни, даричаларни  
Токи менинг шу мўътабар уйимга зарра  
Киромагай у беъмани, пучак ғалвалар.  
Оҳ, Яъқубнинг ҳассасига қасам ичаман -  
Шу bemavrid зиёфатта тортмас оёғим!  
Аммо-лекин, мен бораман. - Қани, сен югур.  
Боришимни хабар айла.

## Ланчелот

Хўп, мен кетдим, сенъор! Сиз эса, сенъора, ҳар қалай,  
дариҷадан гоҳ-гоҳ, кўз ташлаб туриング:

Христиан келади ҳозир,  
У жуҳуд қиз кўзига арзир.

*(Кетади.)*

## Шеилок

Не деди у масхарабоз, Ҳожар урути...

## Жессика

"Яхши қолинг, хайр!" деди, бошқа ҳеч нима.

## Шеилок

Бу дангаса итфеъл эмас, аммоки, мечкай,  
Еб тўймайди, иш десанг-чи, тошдай қотади.  
Пайт тоғдими - мушук каби хуррак отади.  
Керак эмас менга бундоқ текинхўр малай.  
Шунинг учун рози бўлдим, бошқага борди,  
Майли, дедим, унинг қарзга олган ҳамёни  
Бўшатишга ёрдам берсин. Энди сен, қизим,  
Кира қолгин. Эҳтимолки, тезда қайтаман.  
Айттанимдай, ҳамма ёқни яхшилаб бекит,  
Унутмаким, дурусттина бекитсанг зинҳор,  
Топишинг ҳам тайин бўлар, деган ҳикмат бор.

*(Кетади.)*

## Жессика

Хайр! Қисмат мададкордир, айни муддао,  
Мен отамдан, сен қизингдан бўлурсан жудо.

*(Кетади.)*

## **Олтинчи саҳна**

Ўша жой.

Грациано билан Саларино ниқоб кийиб киради.

**Г р а ц и а н о**

Мана ўша айвон, худди шунда Лоренцо  
Кутишимиз сўраганди.

**С а л а р и н о**

Хаяллади у.

**Г р а ц и а н о**

Ха, дарвоқе, ҳаяллаши ажаб эмасми?  
Соатдан ҳам тез югурап ахир ошиқлар.

**С а л а р и н о**

О! Ҳаттоқи Венеранинг қалтарлари ҳам  
Эски висол сари унча ошиқмай, аммо  
Ўн карра тез учишади янги висолга.

**Г р а ц и а н о**

Дарҳақиқат, мудом шундай. Таом емакка  
Ўлтирганда қандоқсану, турганда қандоқ?  
Қайда ўша шамол каби манзилга учиб,  
Қайттанда ҳам шундай елиб чопа олган от?  
Тушарканмиз ҳар гал бирор нарса ортидан  
Уни қўлга кириттандан қувламоқ ширин.  
Байроқлари шамол билан талашиб - ўйнаб.  
Ўз жонажон соҳилни тарк этар палла  
Олифта бир йигитчага ўхшайди кема!  
Қайттанда-чи, у бир саёқ ўғилга ўхшар,  
Биқинлари пачоқ-мачоқ... елканлари-чи -  
Шамоллардан илма-тешик бўлган, дабдала.

**С а л а р и н о**

Ана келди Лоренцо ҳам... Бу ҳақда кейин.

## Л о р е н ц о

Кечикканим учун, дўстлар, тутингиз маъзур,  
Турли ишлар сабаб бўлди ҳаяллашимга.  
Қиз ўғирлаш гали магар етаркан сизга,  
Тоқат билан кутажакман, қанча десангиз.  
Хўш, яқинроқ келингиз-чи, мана бу ёқда,  
Бу - қайнотам уйи... Э-ҳей, ким бор у ёқда?  
Даричада йигит кийимини кийиб олган Жессика кўринади.

## Ж е с с и к а

Ким бўласиз? Ишонч учун айтингиз, гарчанд  
ОНт ичайки, овозингиз яхши танийман.

## Л о р е н ц о

Мен - Лоренцо, севгилингман, мұхаббатингман.

## Ж е с с и к а

Лоренцо дент! Ўша менинг севгилим, тўғри.  
Ундан бўлак кимим ҳам бор... Аммо мен эсам  
Сизникиман, сиздан бўлак ким билар буни?

## Л о р е н ц о

Ёлиз гувоҳ - Тангри, яна сенинг идрокинг!

## Ж е с с и к а

Қутичамни илиб ол, у арзийди шунга,  
Тун қоронғу, юриш мумкин кўзга чалинмай.  
Бу бўлакча кийимимдан хижолатдаман.  
Мұхаббатнинг кўзи кўр, деб айтганлари рост.  
Ошиқ кўрмас жунуни-ю, жаҳолатини.  
Лекин менинг йигитларча кийинганимдан  
Уяларди ҳатто кўрса ҳозир Купидон.

## Л о р е н ц о

Тезроқ тушгил, машъалбардор бўлурсан менга.

## Ж е с с и к а

Қандай? Ўзим ёритайми шармсорлигим?  
У шундоқ ҳам "мана, мен!" деб ошкор, намоён,  
Боз устига кўринайми унда ҳаммага?  
Менга қолса, бекинганим маъқул, азизим.

## Л о р е н ц о

Ташвиш тортма, йититларнинг кийимида сен  
Жуда яхши бекингансан, менинг фариштам.  
Бўл, туша қол!  
Ҳа, демайин бошлаб келар кеча кундузни,  
Бассанию зиёфатда кутмоқда бизни.

## Ж е с с и к а

Эшикларни бекитаман, чўнтақка бирров -  
Ақчаларни жойлайман-да, тушаман дарров!

*(Кўздан гойиб бўлади.)*

## Г р а ц и а н о

Қалпогимга қасам ичиб, айтаманки, бас,  
У чинакам мажусийдир, жуҳуд қизимас!

## Л о р е н ц о

Лаънат бўлсин менга, агар уни севмасам,  
У - оқила, фаҳмлайман, фаҳмим гўр эмас,  
У - гўзалдир, кўраяпман, кўзим кўр эмас.  
У - содиқдир, садоқатин кўрсатди ўзи.  
Бир санамким, малоҳатли, оқила, содик,  
Умр бўйи бўлай унга парвона, ошиқ!

Жессика киради.

Ҳа, келдингми? Қани, дўстлар, юрайлик олға,  
Кўпдан бизни кутишади ниқоб базмида.

Лоренцо, Жессика, Саларино кетишади. Антонио киради.

**А н т о н и о**

Ким бор бунда?

**Г р а ц и а н о**

Сеньор Антонио!

**А н т о н и о**

Фу, мана у! Уят сизга, Грациано.

Соат тўқиз, ҳамон йўқдир сиздан дом-дарак.

Дўстлар илҳақ. Аммо-лекин, бошқалар қани?

Базм қолдирилди: йўлчи шамол қўзгалди, -

Бассанио ошиқади сузуб кетмоққа.

Ортингиздан йигирмата одам юбордим.

**Г р а ц и а н о**

Жуда яхши! Елкан ёйиб, тушайлик йўлга.

Бахт дегани бундан ортиқ бўлурму менга...

Кетадилар.

### **Еттинчи саҳна**

Бельмонт. Порция уйидаги хона.

Бурғу садоси. Порция, Марокаш шаҳзодаси ва уларнинг маҳрамлари киришади.

**П о р ц и я**

Ҳа, пардани очинг энди, у қутичалар

Олийнасаб шаҳзодага бўлсин намоён.

Қани, танланг, шаҳзодам!

**М а р о к а ш ш а ҳ з о д а с и**

Биринчиси - олтин қути, ёзуви шундоқ:

"Олажаксан кўплар орзу қилган нарсани".

Иккинчиси - кумуш қути, садоси бундоқ:

"Олажаксан сен ўзингга лойиқ нарсани".  
Учинчиси - қўрғошиндан, сўзи кескинроқ:  
"Бор нарсангта хатар тушар, танласанг мени".  
Қандай қилиб билгум тўғри танлаганимни?

### П о р ц и я

Биттасида сувратим бор, азиз шаҳзодам,  
Гар ўшани танласангиз, мен сизникиман.

### М а р о к а ш ш а ҳ з о д а с и

Тангрим қўллаб, тўғри йўлга бошлагай мени,  
Хўп, қўрамиз: ёзувларни ўқий-чи такрор.  
Хўш, қўрғошин нима дейди?  
"Бор нарсангта хатар тушар танласанг мени".  
Танласамми? Бор нарсани қўйиб хатарга?  
У қўрқитар, таҳдид этар. Ахир кимда-ким  
Бор нарсасин таваккалга тоширса дангал,  
Умид боғлар йирик ютуқ, йирик фойдага.  
Олтин ақл учмас бундоқ қора қуйқага.  
Йўқ, хатарни танламайман қўрғошинни деб!  
Нима дейди кумуш маъсум туриши билан?  
"Олажаксан сен ўзингга лойиқ нарсани".  
Мен нимага лойиқдирман? Тўхта шаҳзода!  
Қатъий туриб, ўз-ўзингга баҳойингни айт,  
Кўп нарсага лойиқдирсан. Лекин "кўп нарса"  
Кам бўлиши ҳеч гап эмас париваш учун.  
Ўз-ўзимнинг фазилату лаёқатимга  
Шубҳаланиш - заифлигу ожизлик, холос.  
Хўш нимага лойиқдирман? Мен унга лойиқ!  
Лойиқдирман насабим ва мулки давлатим,  
Ҳусним билан, яна хулқу камолим билан,  
Ҳаммадан ҳам - муҳаббатим-омолим билан.  
Бас, не қилур, иккиланмай, шуни танласам?  
Хўш, олтиннинг сўзини ҳам ўқиб кўрайин:  
"Олажаксан кўплар орзу эттан нарсани".  
Кўплар уни орзу қилас! Ёлгиз ўшани!

Ер юзининг чор бурчидан келишар оқиб,  
Шу муқаддас латофатни тавоф эттани.  
Арабистон саҳросининг қум довонлари,  
Олис чўллар одатий бир йўл бўлиб қолди  
Порцияга талпинувчи шаҳзодаларга.  
Тўлқинларнинг салтанати, ҳатто, ҳайқириб,  
Осмонларга тупуролган учиримлар ҳам  
Писанд эмас, хорижийлар ўтарлар сузиб,  
Денгизни ҳам хаёл этиб бир ирмоқ каби -  
Порцияга бир бор боқиш - улар матлаби.  
Уч қутидан биттасида самовий суврат.  
Ё кўргошин қутичада? Мумкинмас асло!  
Равомикин унга шундай қоронғу турбат?  
Жаҳолат-ку ҳатто шундок ўйлашнинг ўзи.  
Ё бўлмаса, олтиндан ҳам у ўн карра арzon  
Кумушмикин паривашга осуда макон?  
Йўқ, бундок деб ўйлаш хато, гуноҳдир ҳатто,  
Ким кўрибди лаъл-тавҳарни кумуш ҳалқада.  
Бир бетига фариштанинг сувратин солиб,  
Олтин танга зарб этмишлар Инглистанда.  
Унинг фақат сирти тилло, бунинг - ичи ҳам.  
Ичкарида: зар тўшакда менинг фариштам!  
Мен танладим! Қутича берк! Калити қани?  
Кўрайлик-чи, тақдир нечук сийламиш мени?

### П о р ц и я

Мана калит... Қутичада, азиз шаҳзодам,  
Сувратимни тополсантиз, мен сизникиман.

### М а р о к а ш ш а ҳ з о д а с и

*(Олтин қутичани очади.)*

О ҳалокат! О жаҳаннам! Нени кўраман!  
Бунда фақат бош чаноғи, бўм-бўш кўзида  
Тўрт буклоглик бир қофоз бор. Уни ўқийман:  
"Ялтираган бари - олтинмас,

Бу бир ҳикмат, қадимдан мерос.  
Баъзилар бор мени кўриш-чун  
Совуради умрини бутун.  
Зар тобутда қурт яшар ниҳон  
Ақлинг етук бўлганда, инсон,  
Совуқ қотиб, тишламасдинг ер,  
Йўлинг очиқ, хайр, кетавер".  
Захматларим бекорга кетди,  
Алвидо ёз, қиши келиб етди.

(Порцияга)

Кечир! Менга оғир, бошқа чўзмайман ғамни,  
Ютқизганлар чекар шундоқ ҳижрон-аламни.

Кетади.

### П о р ц и я

Халос бўлдик! Тез бекитинг пардани, токи,  
Шундайлардан шундайликча қутулсам кошки!

Кетади.

### Саккизинчи саҳна

Венеция. Кўча.

Саларино билан Саланио киради.

### С а л а р и н о

Йўғ-е, дўстим? Ўзим кўрдим ҳа, Бассанио  
Жўнаб кетди, унга ҳамроҳ Грациано:  
Улар билан Лоренцо йўқ, ишончим комил.

### С а л а н и о

Фарёд билан жуҳуд тунда уйғотмиш дожни,  
Бассанио кемасин у тинтимоқ бўлти.

## С а л а р и н о

Кечикишди: кема энди йироқлаб кетди.  
Ҳам шу ора дожга айрим воқиғи кишилар  
Лоренцони маъшуқаси Жессика билан  
Бир қайиққа тушганини хабар қилдилар.  
Антонио ишонтириди дожни бир йўла,  
Бассанию кемасида улар йўқ, дея...

## С а л а н и о

Жазавали эҳтироснинг шу қадар алвон,  
Олақуроқ лавҳасини кўрмовдим сира.  
Кўшпак жуҳуд кўча-кўйда кўтарди фигон:  
"Эвоҳ, қизим! Эвоҳ, менинг пулларим!" - дея.  
"Қизим қочмиш христиан билан. Оҳ, алам!  
Христиан ақчалари соврилди! Эвоҳ!  
Қани ҳакам? Қани қонун? Қани адолат?  
Ўтиргапти қизим икки халта ақчамни!  
Ўтиргапти қизим! Яна гавҳарларимни,  
Икки дона қимматбаҳо олмос тошни ҳам!  
Ўтиргапти қизим! Тезда топингиз уни!  
Ақчалару жавоҳирлар у билан бирга!.."

## С а л а р и н о

Болакайлар Венеция бўйлаб изидан  
Қичқиришар: "Қизим қани?.. Пулларим қани?"

## С а л а н и о

Антонио ўтказмасин тўлов муддатин,  
Бўлмаса-чи; нақ балога қолиши мумкин.

## С а л а р и н о

Ҳа, дарвоҷе, бир француз кеча сўзлади,  
Англия-Франция аро бўғозда  
Чўккан эмиш бизнинг юртта тегиши бир кема.  
Устидаги юқ-бисоти кўп экан, дейди,

Шу ондаёқ Антонио ёдимга тушди,  
Ха, уники бўлмасин-да анави кема!

### С а л а н и о

Бу тўғрида айтмоқ зарур Антониога,  
Лекин шундай йўл биланким, озор чекмасин.

### С а л а р и н о

У шафқату саковатда оламда танҳо,  
Кўрдим, Бассанио билан хайрлашганин.  
Бассанио унга, тезда қайтаман, деди:  
У бўлса-чи, не дейди дент: "Йўқ, Бассанио,  
Ишни чала-чулпа этма мени деб асло!  
Вақти-соати етиб, расо пишганича кут:  
Менга берган ҳув анави векселни ўйлаб,  
Хавотирга тушма, руҳинг хира тортмасин.  
Фақат шоду хуррам юргин, бутун фикриягни  
Муҳаббатта, ўша нозик ишга бағишла".  
Шундай деди, кўзларига қалқан ёшини  
Яшириш-чун юз ўгириб, қўлини чўзди.  
Бассанио қўлини у қисди бир ажаб -  
Меҳр билан. Улар шундай хайрлашдилар.

### С а л а н и о

У ҳаётни Бассанио учун севади,  
Менга шундоқ кўринади! Қани, юр энди,  
Борайлик-да, юрагини ёзайлик бир оз  
Бирор енгил ҳазил билан. Кетдик!

### С а л а р и н о

Жуда соз.

Кетишади.

## Тўққизинчи саҳна

Бельмонт. Порция уйидаги хона.

Нерисса хизматкорлар билан киради.

### Н е р и с с а

Қани, тезроқ бўла қолинг, очинг пардани.

Арагонлик шаҳзода ҳам ёд этди қасам,

Синов учун биз томонга ошиқар шу дам.

Бурғу садоси. Арагон шаҳзодаси, Порция ва уларнинг хос маҳрамлари киришади.

### П о р ц и я

Мана ўша уч қутича, азиз шаҳзодам,

Адашмасдан, тўғри танлай олсангиз агар,

Дарҳол адо этажакмиз никоҳ расмини.

Йўқ, бордию адашсангиз, гапничуватмай,

Хайр, дейсиз, шу ондаёқ жўнаб кетасиз.

### А рагон шаҳзодаси

Ҳаммасига рози бўлдим. Тақдир, ёрлаقا,

Умидларим бажо айла! Нелар кўраман:

Олтин, яна кумуш, яна қора қўрғошин.

"Бор нарсангта хатар тушар, танласанг мени".

Сал сўлимроқ бўлганингда, таваккал, дердим!

Кўрайлик-чи, нима деркин олтин қутича:

"Олажаксан кўплар орзу қилган нарсани".

Хўш-хўш, "кўплар" ҳолбуки, бу "кўплар" дегани

Ўз-ўзига бино қўйган қора оломон,

У сийратта эмас, балки сувратта боқар.

Хушёриқда гўё қора читтакка ўхшар,

Тўрт тарафи яланг ерга ин қўяр нодон.

Танламайман кўпчиликнинг русуми билан.

Жўн, жайдари ақлларга, ваҳший тўдага

Истамайман, ўз-ўзимни этсам баробар.  
Яна сенга ўт哩ламан, кумуш ғазначи,  
Шиорингни тағин бир бор такрор айла-чи:  
"Олажаксан сен ўзингга лойиқ нарсани".  
Ох, чиройли айтилишти! Ахир тақдирни -  
Алдамоққа, ўзи ҳали нолойиқ бўлган  
Эҳтиромни ахтармоққа кимнинг ҳаққи бор?  
Ҳар ким олса, оқлаб олсин шону шуҳратни.  
О, агарда унвонлару мансаб, рутбалар  
Хизмат билан олинсайди, пасткаш, беномус -  
Адолатсиз йўллар билан олинмасайди,  
Шон-шавкатта чулғанарди асл меҳнаткаш,  
Ҳукмдорлар бўйсунишга бўларди мажбур!  
Шон-шарафнинг тўқ магизли, асл донидан  
Айриларди қанча-қанча сассиқ алафлар!  
Ва беомон асрларнинг ҳалокатидан  
Омон қолиб, ярқиради қанча шавкатлар!  
Лекин етар, мени синов, таваккал кутар:  
"Олажаксан сен ўзингга лойиқ нарсани".  
Мен ўзимга лойигини оламан. Калит!  
Ё раб, омад даричаси менга очилсин!

*(Кумуш қутичани очади.)*

### П о р ц и я

*(Четта)*

Узоқ сўзга арзимайди топганинг лекин.

### А р а г о н    ш а ҳ з о д а с и

Ўх, нима бу? Бир бедаво, хунук башара,  
Эвоҳ, гўзал Пордияга ўхшамас сира!  
Мактуб ушлаб тураг! Қани, ўқиб кўрайин,  
Лекин фазлу фазилатнинг баҳоси қани?  
"Олажаксан сен ўзингга лойиқ нарсани".  
Шуми менга лойиқ нарса, шуми мукофот?  
Бошқасига наҳот лойиқ бўлмасам, ҳайҳот?

## П о р ц и я

Қози билан жавобгар шахс - бошқа-бошқа ном.  
Бошқачадир иккисининг хислатлари ҳам.

## А р а г о н    ш а х з о д а с и

Нималар деб ёзилипти? Қани, кўрайлик:  
"Етти карра ўтдим оловдан,  
Шу ҳикмат ҳам ўтмиш синовдан:  
Кимки хато этмалти сира,  
У сояни қувган бир кимса,  
Бахт сояси - унга насиба.  
Менга ўхшаш сирти ялтироқ  
Нодонлар кўп, атрофингга боқ.  
Кимни хотин қилма, барибир,  
Сувратингман аввалдан-охир.  
Суҳбатимиз битди. Кетавер!"  
Бунда қотиб турганим сайин,  
Нодонлигим кўринар тайин.  
Аҳмоқ бошла келгандим этиб,  
Энди кетай, уни жуфт этиб.  
Узр, санам... Сукут сақлайман:  
Аҳдимдаман, сўзим оқлайман.  
  
Кетади.

## П о р ц и я

Кул-капалак шамга дуч келди, дейман...  
Эй, донишманд нодонлар-е! Танлаган асно -  
Ақллари тошиб, эсдан бўлурлар жудо.

## Н е р и с с а

Йўқ, бекорга айтилмапти мақолда, бекам:  
"Насибадир - уйланиш ҳам, ўзни осиш ҳам".

## П о р ц и я

Кетдик энди. Ҳа, Нерисса, пардани тушир.

Хизматкор киради.

### Хизматкор

Сенъора қани?

#### Порция

Мана бундаман, гапир.

### Хизматкор

Сенъора, ҳозиргина остоңанғизга  
Қадам қўйди навқирон бир венециялик.  
Хўжайиним келмоқда, деб хабар қилди у.  
Ва тоширди у жанобнинг сизга йўллаган  
Таъзими-ю, қимматбаҳо тортиқларини.  
Иқрорманки, муҳаббатнинг шундайин дилбар  
Ва диловар элчисини кўрмовдим аввал.  
Зўр саратон келишини апрель оий ҳам  
Етказолмас нозик-адо этиб шу қадар.

#### Порция

Бас, кифоя. Қўрқаманки, у қариндошинг,  
Ёки бирор яқинингдир... Ахир шунчалар  
Мақтovларга уни ўраб-чирмаб ташладинг!  
Юр, Нерисса, назокатли ишқ элчисини  
Истайманки, шу ондаёқ этсам томоша.

### Нерисса

Эҳ, Худойим, Бассанио бўлсин-да ўша.

Кетадилар.

## **УЧИНЧИ ПАРДА**

### **Биринчи саҳна**

Венеция. Кўча.

Саланио билан Саларино киради.

**С а л а н и о**

Хўш, Риальтода не янгиликлар?

**С а л а р и н о**

Нима ҳам бўларди? Ўша-ўша: Антонионинг кемаси катта юқ билан тор бўғозда ҳалокатта учрагани ҳақида-ти гаплар. Агар миш-миш хола чиндан ҳам покдомон хотин бўлиб, алдамаётган бўлса, унинг гапидан Гудвин қум-логи - чамамда, шундоқ деб аталади, - қарииш теккан бир жой, хатарли бир саёзлик эмиш ва у ерда ўнлаб катта кемаларнинг ашқал-дашқаллари қалашиб ёттанмиш.

**С а л а н и о**

Менга қолса-ку, миш-миш хола қачонлардир занжабил конфет еган ёки учинчи эримни тупроқса қўйдим, деб оҳ-воҳ билан қўшниларни ишонтирган қуда холанинг энг алдоқчиси бўлиб чиққани яхшийди. Лекин афтидан, бу ҳақиқат, - овозаларнинг тўтри йўлинни тўсмай, гапнинг индаллосини гапирадиган бўлсак, - чиндан ҳам, марҳаматли Антонио номусли Антонио - ... О, мен унинг номига муносиброқ бир сифат тополсайдим!

**С а л а р и н о**

Бас. Нуқта қўй.

**С а л а н и о**

А? Нима дединг? Хўп, хуллас, сўнгги нуқта шуки, Антонио кемасидан айрилипти.

## С а л а р и н о

Истардимки, бу - у кўраёттан айрилиқларининг охиртиси бўлгай.

## С а л а н и о

Тезроқ "омин" дейишимга имкон берким, дуойимга иблис мене бўлмагай, ана у, жуҳуд қиёфасида келяпти.

Шейлок киради.

Нима гап, Шейлок? Савдогарлар дунёсида не янгиликлар?

## Ш е й л о к

Ўзингиз биласиз-ку - сиздан яхшироқ тагин ким билади - қизим қочиб кетди.

## С а л а р и н о

Айни ҳақиқат. Мен ҳатто "ширр" этиб учсин учун унга қанот ясаб берган устасини ҳам биламан.

## С а л а н и о

Күшчанинг қанот чиқариб қолганини Шейлокнинг ўзи ҳам биларди. Бунақа паллада уларнинг ҳаммаси ҳам отоналари ёнидан учебиб кетишади, табиатлари шунақа!

## Ш е й л о к

Лаънатлар бўлсин ўшандоқ табиатта!

## С а л а р и н о

Бўлади, иблис ҳукм чиқардими, албатта, бўлади.

## Ш е й л о к

Менинг ўз жисмим, ўз қоним ғалаён қилди!

## С а л а н и о

Вой, қари ўлакса-ей! Шу ёшингда ғалаён қилдими, а?

## Ш е й л о к

Мен ўз жисмим, ўз қоним, деб қизимни айтаяпман.

## С а л а н и о

Сенинг жисминг билан унинг жисми орасидаги фарқ қора анбар билан фил суюги орасидаги фарқдан ортиқ-роқ: қонингиз ҳам қизил мусаллас билан рейнвейн<sup>\*</sup>дек, бир-биридан йироқ. Хўш, эшиттанингни гапир: Антонио кемасидан айрилгани ростмикин ёки ёлғонми?

## Ш е й л о к

Ана, бошимга - яна бир фалокат! Истрофгар, банкрот Риальтода кўриниб бўлти энди; ўзи гадо, лекин бозорда олифталик билан юришига ўлайми?! Берган векселини эслаб қўйсин энди! У мени судхўр, деб камситтани камситтан эди - векселини эслаб қўйсин энди! У христианча шафқат юзасидан қарзга пул берарди - векселини эслаб қўйсин энди!

## С а л а р и н о

Лекин, мен аминманки, қарзни вақтида тўлай олмаса, сен унинг гўштини талаб қилмайсан: нимага ҳам яради у?

## Ш е й л о к

Қармоқقا илиб балиқ овлашга ярайди! Ҳеч кимни тўйдирмасаям менинг қасдимни, қасосимни қондиради... У менинг обрўйимни тўқди, энг камида ярим миллион ишлаб олишимга халал берди, кўрган зиёnlарим устидан масхаралаб кулди, қилган фойдаларимни камситиб, ерга урди, халқимни ҳақорат қилди, йўлимда кўндаланг бўлиб туриб олди, дўстларимни мендан совутди, душманларими ни менга гиж-гижлади; хўш, не сабабдан шундай қилди? Сабаб - менинг жуҳудигим! Хўш, айтинг-чи, жуҳудда кўз йўқми? Магар жуҳудда қўл, тана аъзолари, туйгулар,

\* Рейнвейн - немис шароби.

иштиёқлар, эҳтирослар йўқми? Ё мабодо, бошқаларни тўйдирган таом уни тўйдирмайдими? Бошқаларни тузатган дори уни тузатмайдими? Бошқаларни иситтан-совутган ёз билан қиши уни исигтмайди-совутмайдими? Бизга тиф урса - қон чиқмайдими? Қитиқласалар - биз кулмаймизми? Заҳарласалар - биз ўлмаймизми? Башарти, ҳақорат этсалар - биз қасос олишимиз керак эмасми? Бас, ҳамма соҳада сизга ўхшар эканмиз, энди бу соҳада ҳам сиздек бўлмоқчимиз. Жуҳуд христианни ранжитар экан, христианнинг сабр-тоқати унга нима буюради? Қасос! Мабодо, христиан жуҳудни ранжитса-чи, жуҳуднинг сабр-тоқати христианча йўсун билан унга не дейди? Яна қасос! Сиз бизни пасткашликка ўргатасиз - мен уни ижро этаман. Аммо, ишончингиз комил бўлсинким, мен ўз устозларимдан ўтиб тушаман!

Хизматкор киради.

### Х из м а т к о р

Сенъорлар, хўжайиним Антонио ҳозир уйда, икковингизни келсин, деди, сухбатингизга орзуманд.

### С а л а р и н о

Биз ҳам уни излаб юрибмиз.

Тубал киради.

### С а л а н и о

Ана, қавмларидан яна бири. Агар шайтон жуҳуд қиёфа-сига кирмаса, уларга монанд учинчисини излаб топишинг маҳол.

Саланио, Саларино ва хизматкор кетадилар.

### Ш е й л о к

Хўш, Тубал, Генуяда не янгиликлар бор? Қизимни топдингми?

## Т у б а л

Кўп жойларда изига тушдиму, лекин топишнинг ило-  
жи бўлмади.

## Ш е й л о к

Шундоқ дегин, шундоқ дегин! Франкфуртда икки минг  
дукатта сотиб олганим олмос ҳам кетди! Шу чоққача қав-  
мимиз бошига бу қадар лаънат тошлари ёғилмаганди. Мен  
шу пайттacha уни шунчалик ҳис этмагандим. Худди ўша  
олмоснинг ўзи - икки минг червон, устига-устак қанча  
қимматбаҳо тошлар! Қани энди қизим қулогига гавҳар  
исиряасини тақиб, шундоқ оёғим остида муз бўлиб ётса!  
Илоҳим, уни оёғим остига кўмиб, червонларни тобути ичи-  
га жойласинлар! Хуллас, улар ҳақида ҳеч нарса эшитма-  
динг? Ҳа, албатта! Ахтаришларга қанча пул кетди - ўзим  
ҳам ҳисобини билмайман! Воҳ, сени! Зиён кетидан зиён!  
Ўгрининг тошгани ўрини топишга кетди, вассалом, на та-  
салли, на қасос. Менинг бошимга ағдарилган фалокатдан  
огирроқ фалокат йўқ! Оҳимдек оҳ, тўкаёттан кўз ёшли-  
римдек кўз ёши йўқ!

## Т у б а л

Йўқ, бошқалар ҳам фалокатта учраб туради. Эшити-  
шимча, Антонио Генуяда...

## Ш е й л о к

Нима? Нима дединг? Фалокатми, а, ростданам фало-  
катми?

## Т у б а л

Унинг кемаси Триполидан қайтаётиб, ҳалокатта учрапти.

## Ш е й л о к

Худога шукур! Худога шукур! Рост гапми шу! Рост гапми  
шу?

## Т у б а л

Мен ҳалокатдан омон қолған бир неча матрослар билан гаплашдим.

## Ш е й л о к

Барака топ, азизим Тубал! Мана бу хушхабар! Мана бу хушхабар! Ҳа-ҳа! Қаерда дединг? Генуядами?

## Т у б а л

Айтишларича, Генуяда қизингиз бир кечада саксон дукатни совурғанмиш.

## Ш е й л о к

Сен менга ҳанжар санчяпсан! Мен у олтиналаримни күрөлмайман энди! Бирваракай саксон дукат! Саксон дукат!

## Т у б а л

Антониога қарз берганлардан бир нечаси билан ҳамроҳ, әдим, уларнинг айтишича, Антонионинг синиши муқаррар эмиш.

## Ш е й л о к

Бу гапдан жуда хурсанд бўйдим! Мен уни қийноқларга соламан! Мен уни азобларга дучор этаман! Мен бундан хурсандман!

## Т у б а л

Улардан бири менга қизингиздан маймунга айирбош қилиб олган узукни кўрсатди.

## Ш е й л о к

Минг лаънат унга! Сен мени қийнаяпсан, Тубал, у менинг феруза кўзли узутим, уни ҳали бўйдоқлигимдаёқ Лиадан олгандим. Мен уни бутун бошли маймунлар поиласига ҳам алмашмасдим!

## Т у б а л

Лекин Антонио, шубҳасиз, адойи тамом бўлди.

## Ш е й л о к

Ха, манави тўғри, манави рост гап! Югур Тубал, менга ҳозироқ миршаб ёлла, муддатидан икки ҳафта бурун у билан битишиб қўй. Муддатидан ўтказдими, тамом, мен Антонионинг юрагини ғарчча кесиб оламан. Борди-ю, у Венецияда бўлмас экан, хоҳлаганимни қиласман. Югур, югур, Тубал! Сен билан синагогада учрашамиз: югур, азизим, Тубал; синагогада, Тубал!..

Кетадилар.

## Иккинчи саҳна

Бельмонт. Порция уйидаги хона.

Бассанио, Порция, Грациано, Нерисса ва уларнинг маҳрамлари киришади.

## П о р ц и я

Сабр қилинг, бир-икки кун орқага суринг  
Таваккални: адашсангиз агар мабодо,  
Айриларман сиздан, бир оз ошиқмай туринг,  
Алланима сўйлар менга (ишқ эмас, илло).  
Сизни қўлдан берма дейди, аён-ку ахир,  
Нафрат деган бундай сўзни сўзламас асло.  
Қалай, сўзим жилла равшан эмасми сизга,  
(Сўзлаш эмас, гарчанд, ўйлаш жоиздир қизга.)  
Истар эдим сизни бир ой тутиб туришни,  
Ўргатардим таваккалга қандай юришни,  
Танламоқни... Бироқ унда бузилар қасам,  
Йўқ-йўқ, сира мумкин эмас!.. Ва лекин хато -  
Юз берса-чи, ўраб олар мени пушаймон,  
Нега ундоқ қилмадим, деб чекарман фифон.

Эвоҳ, мени жоду билан сеҳрлаб фақат  
Аросатта дучор эттан кўзларга лаънат!  
Нақ иккига бўлинганман: бигта бўлагим -  
Сизга тегиши: сизницидир иккинчи бўлак...  
Мениницидир демоқчийдим: сизники, демак -  
Ҳаммаси ҳам! Сад чекмоқда бағритош қисмат.  
Мулкдор билан унинг эрку ҳуқуқи аро.  
Сизникиман, ҳам сизники эмас... Мабодо  
Толе кулмай, мен сизники бўлолмасам, бас,  
Сиз тақдирга лаънат ўқинг, бироқ менгамас,  
Кўп гапирдим. Сабаб: вақтни чўзиб бир лаҳза  
Таваккални бир оз орқа суришдир холос.

### Бассанио

Рухсат этинг, таваккал, деб танлай шу заҳот,  
Бундоқ яшаш менга ортиқ машаққат, азоб.

### Порция

Нечун азоб? Севгингизни, иқрор бўлинг сиз,  
Қандай золим хиёнатта дучор этдингиз?

### Бассанио

Мени қийнар хиёнатнинг пасткаши - гумон,  
У бахтимга инонмоққа бермайди имкон.  
Олов билан муз эҳтимол қовушар аммо,  
Менинг ишқим хиёнат-ла қовушмас асло.

### Порция

Қўрқаманки, булар бари азобнинг иши,  
Азоб чекса, нималарни сўйламас киши.

### Бассанио

Ҳаёт беринг - иқрор этай, недур ҳақиқат.

### Порция

Иқрор этинг - сизницидур ҳаёт.

## Б а с с а н и о

"Мұхаббат".

Мана, менинг бор иқорим. О, шириң азоб,  
Менинг ўз жаллодим менга ўргатар шу тоб  
Нажот сари етакловчи турфа сўзларни,  
Қўйинг, кўрай толеимни - қутичаларни.

## П о р д и я

Бора қолинг!

(*Пардани очади, қутичалар кўринади.)*

Биттасида яширинганман.  
Топажаксиз мени чиндан севсангиз агар.  
Нерисса, сен орқароқ тур бошқалар билан.  
Синов пайти созлар янграб, жўр бўлиб тургай...  
Гар ютқизса, ўз ишини адо этар у  
Қўшиғи-ла ғойиб бўлган бир оққуш каби.  
Ташбиҳ яна аниқ бўлсин учун айтайнин,  
Кўз ёшларим дарё бўлур, унинг мавжида  
Ёзиқ бўлур менинг учун ўлим тўшаги.  
Гар ютса-чи... Нечук янграп ўша наволар?  
Янги тождор қаршисида элни таъзимга  
Амр айлаган мискарнайдек гумбурлагай у.  
Саҳар пайти куёв тинглаб, саргашта бўлган  
Никоҳ куий каби бўлгай самовий, шириң...  
У бормоқда, ана, толе-таваккал сари,  
Улуғворлик билан, кўпроқ муҳаббат билан:  
Троянинг маъюс, маъсум маликасини  
Аждаҳодан қутқаргувчи Алкидга монанд.  
Мен-чи - қурбон... тин олмасдан турибман тикка,  
Хув, узоқдан троялик санамлар боқар,  
Кўз ёшидан шишган шаҳло кўзлари билан  
Ва кутишар жанг-жадалнинг оқибатини,  
Фурсат етди, Ҳеркулесим, бора қол энди!  
Жангга киргил, омон қолсанг - қоларман омон,  
Жанг қилишдан кўра, жангни кўрмоқлик ёмон.

## *Күшиқ*

*(Бассанио қутичаларини күздан кечираркан)*

Менга айт, қайдадир ишқа ибтидо?  
 Манбаи - ақлми юракмикин ё?  
 Қайдан баҳра олур, қайлардан зиё?  
 Жавоб бер, жавоб бер!  
 Илк бора күзларда пайдо бўлур у,  
 Нигоҳлардан яшнаб, зебо бўлур у,  
 Сўнг ўз бешитигда адo бўлур у,  
 Алвидо айтамиз унга шу замон,  
 Мен уни бошладим: динь-динь-дон!

**Ҳ а м м а**

**Динь-динь-дон!**

**Б а с с а н и о**

Ташқи суврат ва моҳият - ер билан осмон,  
 Дунёни ҳам зийнат билан алдамоқ осон,  
 Агар ўша суд аталган маҳкамаларга  
 Керак бўлса, не-не қабиҳ разолатларни  
 Бекитарлар хуш оҳангуту хуш қалом билан.  
 Ўша дини комилда ҳам қуфр-иштибоҳ,  
 Донолиқдан парда тортар юзига, эвоҳ.  
 Жиддий туриб, далил топиб қай бир донишманд  
 Жаҳолатта оро берар ҳафсала билан.  
 Иллат борми бу дунёда зийнатланмаган,  
 Фазилатнинг сувратига ўзни солмаган?  
 Назар солсанг, жаҳон аро қанча қўрқоқлар,  
 Юраклари омонат, қум зинага ўхшар.  
 Кўкрагига тушган соқол мана бундоқ, бас,  
 Кўриб дейсан: Ҳеркулесми ё беомон Марс?  
 Очиб боқсанг, жигарлари сутдан ҳам оппоқ,  
 Аммо-лекин юзларда-чи, кўрсангиз қандоқ.  
 Таҳдид ўйнар - бошқаларни қўрқитмоқ учун.  
 Хўш, хусни-чи... ўша ҳусн чиройни бугун

Тарозида тортиб, сотиб олишинг мумкин.  
Ажаб бир ҳол - табиатнинг сеҳркор азми:  
Либоси кўп бўлғанларнинг кам бўлар вазни.  
Ҳа, кўпинча шамол билан ўшишиб енгил,  
Бир гўзалнинг елкасида ўйнаган кокил  
Бўлак бошга тегиш бўлар, эҳтимол бу чор  
Гўрда ётар зар кокилни ўстирган чаноқ.  
Ҳашамат ва зийнат бари - қўрқинч дентиззининг  
Жуда маккор соҳилидир, нафис, гул рўмол  
Ҳинду қизнинг латофатин бекитар алҳол.  
Эй, сен, асл ҳақиқатнинг ҳижоб пардаси,  
Бизнинг айёр асримизда донишмандалар ҳам  
Тушадиган тузоқ, яъни, ялтироқ олтин,  
Мидасанинг озуқаси! Истамам сени!  
Ва сени ҳам - инсонларга маҳзун, йилтироқ  
Воситачи!  
Аммо, сен-чи, оддий қўргошин,  
Бир оз оқиши чеҳранг билан тўшпадан-тўғри  
Неъмат ваъда айламайсан, таҳдид этасан,  
Ё раб, толе паноҳ бўлгай - танладим сени!

### П о р ц и я

*(Четта)*

Бир лаҳза тутун каби тараалди-кетди:  
Шубҳа-гумон, андуҳ-алам, қўрқув-ҳадиклар,  
Шиша кўзли рашкнинг азоб-изтироблари!  
Севги, тек тут сууримнинг тўлқинларини,  
Севинч селин ёғдирмасдан тутиб тур бир оз.  
О, муҳаббат бахти буюк, шиддати сўнгсиз,  
Қандай бардош бераркинман!

### Б а с с а н и о

*(Қўргошин қутичани очади.)*

Нелар кўраман?  
Сенинг ойдек жамолингни! О, қандай даҳо

Табиатни шундай ҳассос қаламга олмиш?  
Кўзлар тирик! Ёки менинг кўзим қамашиб  
Термулишим туфайлими? Лаблар ним очик.  
Оралиқда ширин нафас - ажиг бир тўсиқ.  
Кокиллар-чи? Рассом қургур ўргимчак каби  
Зар толадан тўр тўқимиш - қалбларга тузоқ.  
Чивинларни чулғамоқчи ўргимчак ицдек,  
Шай туришар улар.... Лекин кўзлар-чи, кўзлар!  
Қандай қилиб кўр бўлмалти яратган рассом?  
Ва ҳаттоқи, биттаси ҳам иккита кўзни  
Кўр қилишга қодир эди, етиб ортарди.  
Аммо-лекин, мақтovларим тошиб бетайин  
Бу сувратнинг адосига етолмагандай,  
Эгасига қиёс этсанг, аянч кўланка,  
Йироқ турар ҳали асл моҳиятидан.  
Мана, қоғоз: ёзилмишдир унда қисматим:  
"Сен зоҳирга боқмадинг,  
Мудом келсин омадинг.  
Қисмат ҳукмин қабул эт,  
Сен унинг қадрига ет:  
Кулиб боқди юзингга,  
Беҳишт бахш этди сенга.  
Энди сен бўса билан  
Бахтингни айла пайванд".  
Кутлуг фармон! Изн беринг, азиз сенъора,  
Олайин ҳам, берайин ҳам ҳукмга кўра.

*(Порцияни ўтади.)*

Курашаркан икки полвон, икки баҳодир,  
Бири гарчи бўлса ҳамки, зафарга комил,  
Лекин кураш охирида, қийқириқ, чапак -  
Эшиттанда: ҳайрон боқар гарантсиб андак:  
Билолмайди, бу олқишилар унгами чиндан?  
Паривашим, худди шундок, ҳузурингда мен  
Турмоқдаман, шубҳалардан эмасман фориг,  
Ишонарман, имзо чекиб, айласанг тасдиқ.

## П о р ц и я

Бассанио, мени буткул кўриб турибсиз,  
Бор ҳолимча қаршингизда турибман, мана.  
Бор ҳолимдан кўра яна яхшироқ бўлиш  
Тилаги йўқ менда, лекин айтсан, сиз учун  
Қимматимни йигирма бор этиб зиёда,  
Юз карра бой бўлсан, дейман, юз карра гулгун.  
Наздингизда яна бир оз юксалмоқ учун  
Эга бўлсан дердим яна беҳад-беҳисоб  
Истеъодлар, латофатлар, дўсту давлатта.  
Бироқ бундек баланд эмас мендаги якун,  
Қисқа қилиб баён айлай, этингиз ҳукм:  
Қаршингизда оддий бир қиз, илму ҳунарсиз,  
Бахти шуки, қари эмас, демак, шубҳасиз  
Ўқий олур; яна унинг бахти шундаким,  
Ўқиганин уқий олур, ўргана олур:  
Яна бахтиёрки, қизнинг осуда руҳи  
Сизга тамом ишонади, шоҳи жаҳоним.  
Мен ва менинг бор-йўғим бугундан бошлаб  
Сизникидир, сизга тегиш, сизга мусаллам.  
Шу чоққача ким эдим мен?  
Мухтасар айтсан:  
Хизматкорлар хўжайини, қасрга бека.  
Ўз қасримда ўзим сulton, ўзим малика.  
Энди булар бари сизга, сизники бегим,  
Ўзим, уйим, хизматкору жорияларим.  
Ёстиқдошим, сизга узук ҳадя этайин.  
Йўқотсангиз ё бировга берсангиз агар,  
Севгингиз ҳам адo бўлар, хотима тошар,  
Ва мен сизни гуноҳкор, деб аташим тайин.

## Б а с с а н и о

Сенъора, сўз айтишга менда йўқ, забон,  
Жавоб берур томиримда тўлқин урган қон,  
Юрагимда шундай тошқин, шундай ғалаён.

Нутқ ирод этар экан суюкли султон,  
Унинг офтоб чеҳрасига тўймай, термулиб,  
Шивир-шивир саста тўлиб ёки жим бўлиб,  
Умумий бир завқ гаштини сурар оломон.  
Худди шундай ҳолатдаман. Аммо бу узук!  
Бу узукдан айрилгандан, ўлганим тузук.  
Гар айрилсан, Бассанио ўлди, деб айтинг!

### Н е р и с с а

Сеньора ва сеньор, бизга, яъни, тилаги  
Ижобатта ўтган дўсти шодмонлар учун  
Қичқиришнинг пайти етди; толе ёр бўлсин!

### Г р а ц и а н о

Сеньор Бассанио, азиз сеньора, бону,  
Насиб этсин сизга неки этсангиз мурод.  
Бундан ортиқ бирон нима дейишшим қийин!  
Фақат ёлғиз илтимосим: тантанали дам  
Қутлуг никоҳ қасамини ичар экансиз,  
Шу ондаёқ, кечикитирмай сира, менга ҳам  
Никоҳимдан ўтишимга изн бергайсиз.

### Б а с с а н и о

Никоҳдан ўт, топа олсанг агар жуфтингни.

### Г р а ц и а н о

Кўп ташаккур, сизлар топиб бердингиз уни.  
Менинг кўзим сизникидан кам эмас, сеньор,  
Сиз bekani танладингиз, мен жорияни,  
Сиз севдингиз, мен ҳам севдим. Сизни билмадим,  
Аммо ишни судрамоқда йўқ менда бардош.  
Кўрасизми, шу ғалати қутичаларда  
Ниҳон экан сизникидек, менинг ҳам баҳтим.  
Иzlariдан юрдим қанча, ишқимни айтдим.  
То томогим қирилгунча ичдим қасамлар.  
У, ниҳоят, шафқат этди, розилик берди

Бир шарт билан: бекам сизга баҳт этса ато,  
У албатта этажақдир ваъдага вафо!

П о р ц и я

Нерисса, ростми?

Н е р и с с а

Шундоқ бекам, агарда сиз рози бўлсангиз.

Б а с с а н и о

Айттанларинг чин сўзингми, Грациано?

Г р а ц и а н о

Чин сўзим, сенъор.

Б а с с а н и о

Базмимизни безар сизнинг никоҳ тўйингиз.

Г р а ц и а н о

Биз улар билан гаров ўйнаймиз, биринчи бўлиб ким ўтил кўрса, ўшанга - минг червон.

Н е р и с с а

Вой, бор-бисотимизни гаровга тикамизми?

Г р а ц и а н о

Йўқ, бўлмас экан: бор бисотни гаровга тикиб, ютиб бўлмайди.

Ким келмоқда? Мажусаси билан Лоренцо?

Яна ким дeng? Салерио, жон биродарим.

Лоренцо, Жессика ва Венециядан чопар бўлиб Салерио киради.

Б а с с а н и о

О Лоренцо, Салерио, қани, марҳабо,  
Ахир менинг мавқеимда бўлган ўзгариш  
Хуқуқ берар сизни шундай кутиб олмоққа.

Менга рухсат берасанми, гўзал фариштам,  
Ҳамشاҳар шу дўстларимни меҳмон қилмоқقا?

### П о р ц и я

О, марҳабо айласинлар, жуда хурсандман,  
Ташрифлари бош устига, ёрим-азизим.

### Л о р е н ц о

Кўп ташаккур, сенъора. - Сенъор, мен рости,  
Бунда сизни кўрарман деб ўйламагандим.  
Лекин йўлда Салерио дуч келиб қолди,  
Бирга юр, деб бу томонга мени қистади,  
Бекор кетди эътиrozим, илтижоларим.

### С а л е р и о

Тўғри, лекин сабаби бор - сенъор Антонио  
Салом йўллаб қолди.

*(Хатни Бассаниога беради.)*

### Б а с с а н и о

Дўстим нечук, ҳали хатни очмасдан туриб,  
Айтишингиз сўрайманки, аҳволи қалай?

### С а л е р и о

У сошса-соғ - руҳиятин ҳисоб қилмасак,  
Бир оз хаста - гар руҳини ҳисоб айласак.  
Ҳамма гапни тушунтирас унинг мактуби.

*(Бассанио мактубни ўқийди.)*

### Г р а ц и а н о

Меҳмон хоним зерикмасин, қара, Нерисса,  
Салерио, не гаплар бор Венецияда?  
Нечук бизнинг Антонио, подшо савдогар?  
Омадимиз келганидан хурсанд бўлар у,  
Язон бўлиб, ваниматни: қўлга киритдик.

## С а л е р и о

У йўқотган ғаниматни топсангиз эди!

### П о р ц и я

Мактубда бир хунуқ хабар борга ўхшайди,  
Ранги ўчди, юзи бўздек оқариб кетди.  
Ҳа, ҳа, дўсти қазо этмиш... Шундоқ эркакни  
Шундоқ, кўйга соладиган нима бор яна?  
Хўш, нима гап! Вой, бундан ҳам оғирроқ гапми? -  
Бассанио! Ёрингизман, унумтман мени,  
Ҳеч бўлмаса, не битилган бўлса мактубда  
Ярмисини билишимга ижозат беринг.

### Б а с с а н и о

Жоним, бунда қора хабар, оқ қофоз узра -  
Бундай оғир, даҳшатли сўз тушмамиш сира!  
Сизга севгим этарканман илк бора изҳор.  
Менда молу давлат йўқ, деб этганман иқрор.  
Бор бойлигим қоним, яъни аслзодаман,  
Мен ҳақ гапни айтган эдим ўшанда чиндан.  
Наздингизда бир бенаво санаб ўзимни,  
Ҳеч вақоим йўқ, деганда мақтантаним рост.  
Ва ҳолбуки, жоиз эди айтишим дангал,  
Забун эдим, ҳеч вақоси йўқдан ҳам баттар.  
Мен ўзимни гаров қилиб дўстимга бердим,  
Дўстимни-чи, тутиб бердим қаттол ғанимга,  
У ўзини гаров қўйиб, қарз олди менга.  
Мана хати - хат эмас, йўқ, дўстим жасади,  
Ҳар бир сўзи - жазиллаган яра, жароҳат,  
Қон тирқираб тураг гўё... Ҳой, Салерио,  
Рост гапми шу, нобуд бўлмиш ҳаммаси наҳот?  
Триполи, мулки барбар, қўш Ҳиндистондан,  
Мексикадан, Англия ва Лиссабондан  
Бирор кема қайтмадими? Бари баякбор  
Ҳалок бўлмиш?

## С а л е р и о

Биттаси ҳам қайтмади, сенъор.  
Қояларга ем бўлишди... Бари бир энди -  
Нақд ақчаси бўлганда ҳам жуҳуд олмасди.  
Мен инсонни маҳв этишга шу қадар ютоқ  
Ва шу қадар ташна бўлган маҳлуқни бундоқ  
Одамизод сувратида кўрмовдим аввал!  
У судралиб, дож ортидан юрар куну тун,  
Гар даъвоси рад этилса, Венецияда  
Эрку ҳуқуқ поймол бўлур, адолат, қонун -  
Топталур, деб вайсагани-вайсаган бутун.  
Олиймақом сенаторлар, дож насиҳати,  
Яна қанча савдогарлар сўзи - беҳуда.  
У қайтмайди ҳалокатли шум ниятидан,  
Айтар сўзи: "Кечиктириди... Ҳуқуқ... Жарима!"

## Ж е с с и к а

Ўзим эшигтанман, ҳатто менинг олдимда  
Элатлари Тубал, Хусга ичганди қасам  
У, қарзимни юз бор ортиқ олгандан кўра,  
Антонио этин кесиб олганим афзал,  
Деган эди. Мен отамни яхши биламан,  
Агар қонун, олий ҳакам аралашмаса,  
Ҳалок бўлур Антонио бечора, ҳалок!

## П о р ц и я

Наҳот шундай оғир кунга қолмиш дўстингиз?

## Б а с с а н и о

Азиз дўстим, биродарим, муруватли жон,  
Ор-номусли, мусаффо қалб соҳибиdir у,  
Яхшиликлар қилиб, сира чарчамас инсон:  
Туғилганлар аро - Гўзал Италияда  
Қадимиј Рим руҳи кўпроқ унда намоён.

## П о р д и я

У жуҳуддан қанча қарздор? Қайғурмоқ нечун?

## Б а с с а н и о

Уч минг червон олган эди дўстим мен учун.

## П о р д и я

Вой, атиги шуми? Унга олти минг тўланг,  
Ҳам векселни сотиб олинг: пулни аяманг -  
Тезроқ!... Бассанио учун шундайин бир дўст  
Бир тукидан жудо бўлса - увол-ку увол!

Юринг, ибодатхонага борайлик алҳол,  
Никоҳдан тез ўтайлик, сиз йўл олинг дарҳол  
Венеция томон - азиз дўстингиз сари!

Порциянинг оғушига ғуссага тўлиб,  
Ташвишли бир хаёл билан кирмагайсиз, йўқ.  
Мен берайин ўша кичик, арзимас қарзни  
Йигирма бор қопламоққа етарли олтин!  
Ташвишлардан фориг бўлиб, дўстингиз ила  
Қайтажаксиз. Бизлар бунда Нерисса билан  
Ҳам қизлар, ҳам бевалардек кутамиз. Олға!  
Тўй кунида сафар кутар сизни муқаррар,  
Дўстлар билан юз кўришнинг шодон, музaffer.  
Осонликча етишмадим, қўймасман осон,  
Ўқиб беринг, нима ёзмиш сизнинг қадрдон.

## Б а с с а н и о

(Ўқийди.)

"Азизим Бассанио, менинг ҳамма кемаларим ҳалокат-  
та учради. Судхўрларим зуғумини оширмоқда: аҳвол оғир.  
Жуҳудга берган векселим муддатидан кечиқди. Тўлаган  
тақдиримда ҳам омон қолишим даргумон, сен билан ме-  
нинг орамизда эса, ҳеч қандай олиш-бериш қолмаган,  
фақат ўлим олдидан сени бир бор кўриш орзусидаман,  
холос. Лекин бу ёғи ўзингга ҳавола: борди-ю менга бўлган

мехринг бу ёқда келишингта даъват этмаса, бу мактубга  
ҳам парво қилмай қўя қол".

### П о р ц и я

Ҳамма ишни қўйиб, тезроқ жўнанг, азизим!

### Б а с с а н и о

Вақт ўтказмай жўнамоқда изн-ижозат  
Бераркансан, шу ондаёқ йўлга тушаман!  
То ишимни саронжомлаб, қайтмагунимча  
Тинчимасман, бир нафас ҳам бўлмагай тиним.

Кетади.

### Учинчи саҳна

Венеция. Кўча.

Шейлок, Саларино, Антонио ва зинданчи киради.

### Ш е й л о к

Шафқат этма, кўз-қулоқ бўл унга, зинданчи,  
У бир нодон: қарз беради, фойда олмайди.  
Маҳкам ушла уни!

### А н т о н и о

Эшит, шафқатли Шейлок...

### Ш е й л о к

Мана, вексель. Унга қарши оғиз очмагил!  
Уни тўла ундиримоқда ичганман қасам.  
Ҳеч сабабсиз мени ит, деб атаган эдинг,  
Ўша итман! Тишларимга ҳазир бўл энди!  
Дож адолат қиласр. Лекин ҳайрон қоламан,  
Сен - зинданчи эмас, латта, аҳмоқ, лашашанг.  
Маҳбус деган қайга деса, дарров кўнласан,  
Йўқ демайман, ўз эркига қўйиб берасан.

## А н т о н и о

Ўтинаман, тингла, Шейлок, тингла бир нафас...

## Ш е й л о к

Векселим бор! Тингламайман бир сўзингни ҳам.  
Сен векселни тўла, гап йўқ, тамом-вассалом!  
Мен эмасман христиан илтижосини  
Оҳлар чекиб, бажаргувчи маъюс, нотавон.  
Бас! Мен бошқа тингламайман. Векселни тўла!

Кетади.

## С а л а р и н о

Қандай ёвуз! Билишимча, инсонлар аро  
Энг тошбагир кўпак!

## А н т о н и о

Дўстим, қўявер уни.  
Энди бошқа ялинмайман, сўраш беҳуда.  
Ўлишимни истайди у. Сабаби равшан:  
Унинг қора ўргимчақдек макр домидан  
Қутқарганман қанча шўрлик, бечораларни,  
Шунинг учун нафратланар, кўролмас мени.

## С а л а р и н о

Ишонаман, нобакорнинг шум даъвосини  
Дож рад этар тамом, қабул айламас асло.

## А н т о н и о

Дож биздаги қонунни ҳам бузолмас аммо:  
Венеция тупрогида хорижийларга  
Берилган эрк-имтиёзга дахл айласа,  
Давлатимиз қонунлари бўлар беобрў.  
Барбод бўлур ҳам уларга ишонч-эътиқод.  
Бизнинг савдо - тижорату, бизнинг даромад,  
Бор дунёнинг қўлидадир. Шунинг учун - бас.

Мен айрилиқ, ғамлар аро адо бўлганман.  
Ҳа, энди у қонсираган, гушна судхўрим  
Баданимдан бир қадоқ гўшт топиши гумон.

(Зиндончига)

Кетдик! Тангри, Бассанио кўрсайди кошки  
Қарзин қандай узишим... Сўнг, не бўлса, бўлар...

(Кетадилар.)

## Тўртинчи саҳна

Бельмонт. Порция уйидаги хона.

Порция, Лоренцо, Жессика, Балътазар кирадилар.

## Л о р е н ц о

Сеньора, юзингизга айтайин ошкор:  
Сиз илоҳий бир дўстликни илғаб юрақдан,  
Қийматини ўз ўрнига қўя олдингиз,  
Висол куни айрилиқقا рози бўлдингиз.  
Аммо-лекин, билсайдингиз қандай инсонга,  
Севганингиз дўсти бўлмиш нечук бир жонга  
Сиз ҳамият этмоқдасиз, бўлиб мададкор,  
Ҳеч шубҳасиз, ортар эди сизда ифтихор.

## П о р ц и я

Шу чоққача мен яхшилик қилиб, оқибат  
Сира афсус чекмаганман: ҳозир ҳам шундай.  
Яхлит меҳру муҳаббатнинг юкини торттан  
Қўлни қўлга берган дўсту қадрдан аро -  
Бир ажойиб уйғунлигу ўхшашлиқ бўлур  
Юракларда, чеҳраларда, хулқу-атворда.  
Шунинг учун, ўйлайманки, у Антонио  
Эримнинг жон дўсти бўлмиш сифати билан  
Унга жуда ўхшаб кетар, жудаям монанд.  
Шундоқ экан, ўз жонимга ўхшашиб жонни

Ёвуз иблис чангалидан халос этмоққа  
Сарф эттаним - айтишга ҳам арзимас чақа...  
Мақтанишга ўхшаб кетди бу гаплар, зотан  
Шунинг учун сўз очайлик бошқа мавзудан.  
Лоренцо, то эрим қайтиб келгунга қадар  
Топшираман сизга уйни, мулку рўзгорни:  
Мен фалакка қасам ичиб, сўз бердим шинҳон:  
Биз - Нерисса, икков, эрлар қайттунича то  
Дуо ўқиб, банд бўлурмиз ибодат билан.  
Узоқ эмас, уйимиздан икки миль нари -  
Монастирь бор, шу масканда яшаймиз сокин.  
Йўқ, демайсиз, айттанимга кўнасиз лекин.  
Сизни ёлғиз дўйстлик эмас, ҳатто зарурат  
Бизга хизмат айламоққа этади даъват.

### Л о р е н ц о

Чин юрақдан тайёрдирман, азиз сеньора,  
Хизматингиз, барча амру фармонингизга.

### П о р ц и я

Хоҳишимдан хизматкорлар бари хабардор:  
Сиз соҳибсиз, соҳибадир - Жессика, билинг,  
Буйруфингиз улар бажо этмоққа тайёр,  
Энди хайр, кўришгунча, саломат бўлинг.

### Л о р е н ц о

Ёруғ ўйлар, ёруғ кунлар келсин илойим!

### Ж е с с и к а

Севинч, суурур насиб этсин сизга Худойим.

### П о р ц и я

Яхши тилагингиз учун ташаккур дейман,  
Ўша яхши тилакларга еtingиз сиз ҳам.  
Хайр, Жессика...

Жессика билан Лоренцо кетадилар.

Хўш, Балтазар,  
Менга сидқу садоқатинг балаңд, биламан,  
Яна кўрсат содиқлигинг. Мана бу мактуб.  
Шу ондаёқ, Падуяга шамол каби уч,  
Хатим топшир амакваччам Беллариога.  
Доктор Белларио берар қоз, кийим-бош,  
Сен уларни олиб, югур кечувга томон,  
Венеция йўлидаги паром бошига,  
Унда сени кутажакман, гапни қисқа қил,  
Лекин отта қамчи босиб, манзилга шошил.

### Б а л ь т а з а р

Сеньора, ошиқарман кучим борича.

*(Кетади.)*

### П о р ц и я

Юр, Нерисса, ғалати бир режа бор менда,  
Биласанми... Биз мўлжалдан олдин уларни  
Кўражакмиз.

### Н е р и с с а

А, улар-чи, кўтарми бизни?

### П о р ц и я

О, албатта. Аммо-лекин бу кийимларда  
Бизга нима берилгану берилмагани  
Шундоққина аён. Бироқ гаров ўйнайман,  
Икковимиз йигитлардек усти бош кийсак,  
Қўш ўлоннинг энг ўқтами ўзим бўламан.  
Сендан кўра шинам тураг белда шамширим,  
Ўспириндек овозимни дўриллатаман,  
Эркаклардек юришни ҳам ўринлатаман.  
Мақтанаман ёш, олифта йигитчалардек.  
Дейман: не-не хонимчалар йўлимда гадо,  
Рад этилгач, бечоралар бўлишар адо.

Ачинаман, шўрликларга жуда ҳам оғир.  
Ўлдирмасам, қандай яхши бўларди ахир.  
Бир йил бурун тутаттанман, дея, мактабни,  
Дўндираман йигирмата уйдирма гапни -  
Қулай қилиб!

### Н е р и с с а

Эркаклик ҳам лозимми бизга?

### П о р ц и я

Фу, шарманда! Ўйлаб топган гапингни қара,  
Хайриятки, эшитмади бошқалар бизни.  
Юр, режамни ҳали тагин тушунтираман,  
Боғ олдида иккимизни кутар карета,  
Фурсат тифиз, билсанг агар, худди шу бутун  
Йигирма миль йўл босишлик зарур биз учун.

*(Кетадилар.)*

### Бешинчи саҳна

Ўша жой. Боғ.

Ланчелот билан Жессика киради.

### Л а н ч е л о т

Ҳа, албатта, шундоқ: чунки, маълум нарса-ку ахир,  
оталар гуноҳи учун болалар балога қолади. Шу боисдан,  
ишонинг сизни ўйлаганда, қўрқиб кетаман. Мен сиз билан  
ҳамиша кўнглимни очиб, гаплашганман: ҳозир ҳам  
ҳалиги масала юзасидан дилимда борини айтавераман.  
Ҳа, хотиржам бўлинг, менинг ишончим комилки, сиз дунё  
борича азоб-уқубатларга маҳкумсиз. Тўғри, сизга қўл  
келадиган ёлғиз бир умид бор... Аммо, назаримда у ҳам  
райриқонуний туғилган...

## Ж е с с и к а

У қандай умид экан?

### Л а н ч е л о т

У шундан иборатки, масалан, сиз, мен отамдан туғил-  
маганман ва шунга кўра, жуҳуднинг қизи эмасман, деб  
умид қилишингиз мумкин.

## Ж е с с и к а

Ҳақиқатан ҳам қандайдир гайриқонуний туғилган умид:  
агар шундай деб ўйласам, унда онамнинг гуноҳи учун азоб  
чекишим керак.

### Л а н ч е л о т

У ҳолда, қўрқаманки, ҳам ойижонингиз, ҳам отажо-  
нингиз учун абадий қийноқларга маҳкумсиз. Отангиз -  
Силладан қутулсам, онантиз - Харибдага тутиламан: у  
ҳолда ҳам, бу ҳолда ҳам - бари бир, адойи тамомсиз.

## Ж е с с и к а

Мен эрим туфайли нажот топаман: у мени христиан қилди.

### Л а н ч е л о т

Ростини айтсам, бу қилмиши учун уни мақтаб бўлмайди, биз христианлар шундоқ ҳам ошиб-тошиб ётибмиз. Сон-саноғимиз ҳаммамизнинг қорин тўйғизишимизга аранг мос тушади. Устига христианларни кўпайтиравер-сак, чўчқа гўштининг нархи ошиб кетади: агар ҳамма киши чўчқа гўшти ейишга бошласа борми, яқин орада бир бурда қовурилган чўчқа ёрини ҳеч қандай ақчага ололмайсан!..

## Ж е с с и к а

Ҳамма гапингизни эримга айтиб бераман. Ланчелот:  
ана, ўзиям келяпти.

Лоренцо киради.

## Л о р е н ц о

Хотиним билан шундоқ бурчак-бурчакларда шивир-лашадиган бўлсанг, рашик қила бошлайман, Ланчелот.

## Ж е с с и к а

Йўқ, кўнглингиз хотиржам бўлсин, Лоренцо, биз ~~Лан~~-челот билан тортишиб қолдик. Унинг айтишича, жуҳуд қизи бўлганимдан нариги дунёда менга раҳм-шафқат бўлмас эмиш: яна айтадики, сиз республиканинг ёмон граждани эмишсиз, сабабки, яҳудийларни христианларга айлантириб, чўчқа гўшти баҳосини ошириб юбораётган эмишсиз.

## Л о р е н ц о

Мен республика олдида сенинг ҳабаш қизи билан қилган қилмишингдан кўра камроқ жавоб бераман: ахир унинг қорни қаппайиб қопти-ку, Ланчелот.

## Л а н ч е л о т

Бу бор-йўғи бир тахмин, холос. Борингки, шундоқ бўлди ҳам дейлик... Айбдор - унинг менга бўлган майлу иштиёқи.

## Л о р е н ц о

Истаган аҳмоқ сўз ўйини қилаверар экан-да! Шундоқ кетаверса, ҳадемай, ҳозиржавоблик деб сукут сақлаш саналади-ю, валақлаш ёлғиз тўтиларга қолади. Бор, тайина, ҳамма нарса тушликка муҳайё бўлсин.

## Л а н ч е л о т

Ҳамма нарса муҳайё, сенъор: ҳаммада иштаҳа карнай.

## Л о р е н ц о

Э, Худо, дарди бедаво экан-ку бу! Бориб айт, тушлик овқатни тайёрлашсин.

## Ла н ч е л о т

Бу ҳам бажарилган, сеньор, фақат дастурхон ёзиш қолтаги, холос.

## Л о р е н ц о

Бўлмаса, ўзингиз ёза қолинг, сеньор.

## Ла н ч е л о т

Ёзишми, сеньор? Ҳеч қачон! Мен ҳаддимни биламан.

## Л о р е н ц о

Яна сўзни айлантири! Нима, сен бор-йўғингни бир йўла совурмоқчимисан? Сендан ўтинаман, оддий сўзларни оддийчасига тушун. Боргин-да, ўртоқларингга тайинлаб, дастурхон ёздир, таомни торттири, биз эса овқатла-нишга борамиз.

## Ла н ч е л о т

Дастурхонга келсак, сеньор, у тортилади: таомга келсак, сеньор, у ёзилади: сизнинг овқатта чиқишингизга келсак, сеньор, у сизнинг хоҳишу хаёлингизга боғлиқ.

*(Кетади.)*

## Л о р е н ц о

О, қайдасан, идрок? Қанча беҳуда сўзлар!  
Нодон баңда ўткир сўзлар оломонини  
Ўз бошига йигиб олмиш! Аниқ биламан,  
Аҳмоқлар бор талай, ўрни, мавқеи баланд.  
Халигидек, сўзамоллик кўрсатиш учун  
Беҳудага жанг қилишар ҳақиқат билан.  
Нима дейсан, Жессика? Хўш, айтиб бер менга,  
Бассанио севгилиси ёқдими сенга?

## Ж е с с и к а

У ҳар нечук маҳобату мақтovдан юксак,  
Энди сеньор Бассанио шундоқ ёр ила

Жуда ҳалол, ибратомуз яшаши керак.  
У самонинг барча гўзал ноз-неъматига  
Ноил бўлур ерда. Агар қадр этмаса,  
Нолойиқдир ўша юксак самога ўзи.  
Ҳа, мабодо, икки Тангри боғлашиб гаров,  
Тарозига қўймоқ бўлса икки жононни,  
Ҳеч шубҳасиз, биринчиси бўлур Порция,  
Ва қўшимча жоиз бўлур иккincinnисига,  
Бу дунёда Порцияга ўхшали бўлмас!

### Л о р е н ц о

Ўйлайманки, сенинг эринг ундан қолишмас.

### Ж е с с и к а

Бу тўғрида жоиз бўлур сўрамоқ мендан.

### Л о р е н ц о

Хўп, сўрайман, бироқ аввал овқатланайлик.

### Ж е с с и к а

Берсам, дейман, баҳойингни овқатдан олдин.

### Л о р е н ц о

Йўқ, менимча, энг яхшиси, таом устида,  
Неки десант, томонимдан тўхтамай ўтар,  
Ҳазм бўлар.

### Ж е с с и к а

Унутмаким, баҳойинг кутар.

Кетадилар.

## ТҮРТИНЧИ ПАРДА

### Биринчи саҳна

Венеция. Суд зали.

Дож, сенаторлар, Антонио, Бассанио, Грациано, Салерио ва бошқалар кирадилар.

Д о ж

Антонио шу ердами?

А н т о н и о

Тайёрман, жаноби олийлари.

Д о ж

Сенга жуда ачинаман, негаки ишинг  
Боғлиқ эрур баттол ғаним - тошбагир билан.  
У билмайди: шафқат нима, мурувват нима?  
Инсоф унга бегонадир.

А н т о н и о

Барин эшигдим,  
Унинг ёвуз даъвосини сиз, мұхтарам дож  
Юмшатмоққа уринибсиз қанчалар... Лекин  
У тош бўлиб турар экан ўз ниятида,  
Энди мени қутқармоққа қонун-восита  
Бўлмас экан, нима илож, сабру тоқатни  
Унинг зулму зуғумига қарши қўяман.  
Қандай зуғум этмасин у, нечук бир бедод,  
Хотиржамлик билан барин қарши оламан.

Д о ж

Қани, боринг, у жуҳудни бу ёққа чорланг.

С а л е р и о

Мұхтарам дож, у шу ерда, остоңангиизда.

Шейлок киради.

## Д о ж

Йўл бўшатинг, қаршимизга келиб турсин у.  
Кўплар ўйлар ва менинг ҳам фикрим шу, Шейлок -  
Сендаги бу тошбағирлик ниқобдир, холос.  
Иш охирга еттач, уни алмаштирасан  
Шафқат билан. Ёлғондакам бағритошлиқдан  
Унда устун бўлур яна якун - таассурот;  
Гарчанд шўрлиқ савдогардан худди шу замон  
Бир қадоқ эт тўламоқни талаб этсанг ҳам,  
Аслида-чи сен жарима олмайсан ундан,  
Балки чиндан бир инсоний шафқатта тўлиб,  
Шу бенаво аҳволига солиб бир назар,  
Қарзининг ҳам тенг ярмидан кечасан дангал.  
Бошига не фалокатлар тушди, биласан,  
Фоят қийин кунга қолди подшо савдогар.  
Унинг ҳоли мис кўнгиллар, тош юракларда,  
Ҳатто раҳму марҳаматни сира билмаган  
Ўша қайсар татарлару баттол туркларда  
Шафқат ҳиссин уйғотарди... хуллас, ҳаммамиз  
Жуҳуд, сендан муруватли жавоб кутамиз.

## Ш е й л о к

Жавобимни айтган эдим жанобларига:  
Мен муқаддас шанбамизга қасам ичганман,  
Векселимни тўла-тўқис ундираман деб.  
Рад этсангиз, республика қонунлари-ю,  
Эркинликлар деганингиз топталар бари.  
Сиз сўрайсиз: нима учун уч минг дуқатдан  
Қўланса бир қадоқ гўштни афзал кўраман?  
Биласизми, бу саволга жавоб бермайман.  
Дидим шундоқ! Хўш, айтинг, бу жавоб эмасми?  
Эҳтимолки, бир каламуш изгир уйимда,  
Мен ўшани заҳарлаш-чун ўн минг сарфлашга

Тайёрдирман? Айтинг-чи, бу жавоб эмасми?  
Биролар бор хуш кўрмайди чўчқа турқини,  
Бирор жинни бўлиб қолар мушукни кўрса,  
Яна бордир шундайлар ҳам, най овозини  
Эшигдими - иштонига қўйиб юборар.  
Майл-мижоз деган бека эҳтиросларни  
Мехр ёки нафрат сари йўллайди доим.  
Мана, сизга берадиган менинг жавобим!  
Аниқ-куруқ тушунтириб бўлмаганидек:  
Нечун бирор, ёқтирамайди чўчқа зотини,  
Бошқа бирор, фойдали ва ювош мушукни,  
Яна бирор найни, аммо, ҳар гал муқаррар  
Ўша уят ожизликка ўзи бош эгар,  
Яъни, ўзи зулм кўриб, зулм ўтказар -  
Худди шундоқ, Антонио зарарига мен  
Фойдасиз бу можарони қўзғар эканман,  
Айттим келмас, айттолмайман бошқа сабабни,  
Биттасидан бўлак, айтай, сабаб - ўшанга  
Нафратимдир. Хўш, айтинг, бу жавоб эмасми?

### Б а с с а н и о

Йўқ, бағритош, айттанларинг жавоб бўлолмас,  
Асос бўлолмагай ниyat-қабоҳатингга.

### Ш е й л о к

Биласанми, жавоб бериш шарт эмас сенга!

### Б а с с а н и о

Ёқмайди, деб сен ҳаммани ўлдирасанми?

### Ш е й л о к

Хўш, ўлдириш истамайсан, нафратланасан -  
Аммо баъзи кимсалардан, мумкинмидир шул?

### Б а с с а н и о

Наҳот озор турса дарҳол нафрат ҳиссини?

## Ш е й л о к

Икки карра чақтирайми илонга ўзни?

### А н т о н и о

Хой, унутма, жуҳуд билан гаплашмоқдасан.  
Сен соҳилда туриб, тошқин, пўртанааларга  
Пасайишни амр этишинг мумкиндири, аммо,  
Ё совлиқни аламларга қўйган бўридан  
Кўзичноқни сўроқлашинг мумкиндири, аммо,  
Ё бўлмаса, тоғда ўсган қарагайларга  
Довул пайти чайқалишни қатарон айлаб,  
Шовуллашни тақиқлашинг мумкиндири, аммо,  
Жасоратлар билан не-не довонлар ошиб,  
Бўлмаганни бўлдиришинг мумкиндири, аммо,  
Аммо жуҳуд юрагини (у қандай қаттол)  
Юмшатишинг, эритишинг мумкинмас асло!  
Ялинаман, бас қилинг бу уринишларни,  
Аҳвол аён: мен тақдирга бошим эгаман,  
Қўйинг, майли, жуҳуд этсин ҳукмини бажо.

### Б а с с а н и о

Олти минг ол ўша уч минг дукат ўрнига!

## Ш е й л о к

Олти мингни кўпайтирсанг ҳамки олтига  
Унамайман, ўз кучида қолади даъво.

### Д о ж

Ўзинг зарра раҳм-шафқат кўрсатмайсану  
Нечун яна раҳм-шафқат умид этасан?

## Ш е й л о к

Мен ҳақ бўлгач, нега қўрқай суддан, ҳакамдан?  
Сиз ақчага сотиб олган қуллар оз эмас:  
Ишлатасиз, машаққатта дучор этасиз  
Эшшак каби, хачир каби ё кўшпак каби.

Ахир сотиб олгансиз-да. Лекин мабодо  
Мен десамки: "Кўйинг, озод қилинг қулларни,  
Куёв қилиб, қизингизга қўшинг уларни.  
Оғир меҳнат-машаққатдан терламай давом,  
Юмшоқ-юмшоқ тўшакларда олишсин ором,  
Худди сиздек еб-ичишин!" Муқаррар шу тоб.  
"Улар - менинг қулларим" деб берарсиз жавоб.  
Мен ҳам сизга худди шундоқ жавоб бераман:  
"Бир қадоқ гўшт - мен қимматта сотиб олганман,  
Менини у, беришингиз талаб қиласман!"  
Рад этсангиз, тупураман қонунингизга,  
Декретларниң тайини йўқ Венецияда.  
Хуллас, судни кутаман. Хўш, суд бўладими?

### Д о ж

Падуяга - олим, доктор Беллариога,  
Зудлик билан келсин, дея, киши жўнатдим.  
Қарор шуки, ўша етиб келмагунча то  
Суд мажлиси бошланмайди.

### С а л е р и о

Жаноби олий,  
Мактуб олиб, чопар келмиш Беллариодан,  
У эшикда, кутар амр-фармонингизни.

### Д о ж

Айтинг, кирсин ва мактубни топширсин бизга.

### Б а с с а н и о

Антонио, тетикроқ бўл, умид йўқ эмас,  
Сен мени деб қатра қонинг бермасдан бурун  
Мен жуҳудга бергум жисми жонимни бутун.

### А н т о н и о

Дўстим, билсанг, мен подада бир қўтири қўйман.  
Ҳаммангиздан яқинроқман ўлимга, зотан.

Чирик мева ерга тушар ҳаммадан аввал,  
Туша қолай, сен эса-чи, яша ёшингни,  
Сўзинг билан безасанг, бас, қабр тошимни.

Нерисса киради, у адвокат мирзаси кийимида.

### Д о ж

Белларио юбордими сизни Падуйдан?

### Н е р и с с а

Ҳа, афандим, у йўллади салом-эҳтиром.

(Унга мактубни топширади.)

### Б а с с а н и о

(Шейлокка)

Нега ҳадеб пичогингни қайрамоқдасан?

### Ш е й л о к

Қайраяпман ўз ҳиссамни олишим учун.

### Г р а ц и а н о

Манфур жуҳуд, пичогингни қайишга эмас,  
Юрагингта қайраяпсан, ҳеч қандай металл -  
Ҳатто жаллод болтаси ҳам баробар эмас  
Фазабингга. Илтижолар кор этмас сенга.

### Ш е й л о к

Йўқ, топмагай сенинг ақлинг шундоқ илтижо.

### Г р а ц и а н о

О, лаънатлар бўлсин сенга, бағритош кўппак!  
Бутун умринг қонун учун ёвуз бир таъна,  
Эътиқодим замирига солдинг зилзила:  
Инсонларга ҳайвон руҳи кўчади, деган .  
Жирканч руҳинг аввалбоши бўрида бўлган,  
Одамларга човут солгач, уни осишган.

Ўша дордан халос бўлиб, қутурган арвоҳ,  
Фурсат пойлаб, ўзни онант қорнига урган,  
Унда сени топган, сенинг қонингга кирган,  
Бир арвоҳки, бўри каби қонхўр ва юҳо!

### Ш е й л о к

Вексель муҳрин бузолмайсан ҳақорат билан,  
Қичқириқлар бари бекор ўшкангни йиртма.  
Шунча ақлинг бор эканми, асраб қўй, бола,  
Уни увол айлама. Мен судни кутаман.

### Д о ж

Белларио қонуншунос, ёш бир олимни  
Бизга лутфан таклиф этмиш.  
Қани у ўзи?

### Н е р и с с а

Узоқдамас, у шу ерда, жавоб кутади,  
Уни қабул этасизми?

### Д о ж

Албатта, бирор -  
Назокат-ла бошлаб келсин бу ёқقا дарров.  
Суд унгача эшигади ушбу мактубни.

### М и р з а

"Сиз жаноби олийларига етиб маълум бўлсинким, мактубингиз оғир бетоб ёттанимда етиб келди: аммо чопарингиз эшик қоққан маҳал Римдан дўстона ташриф бујорган ёш бир ҳуқуқшунос ҳузуримда эди, исми шарифи - Балътазар. Мен жуҳуд ва савдогар Антонио орасида рўй берган иш билан уни таништирдим. Биз биргалашиб жуда кўп китоб қарадик. Менинг фикрим унга маълум, мазкур фикрни у ўзининг ҳар қандай мақтovлардан ҳам зиёда олимлиги билан янада зийнатлаб, сизга изҳор эта жак ва боришим тамом имконсиз бўлганидан у менинг

ўрнимни босажак. Сиздан ўтинаман: ёшлиги уни етарли баҳолашингизга монелик қилмагай: мен шундоқ ёш бир йигитда кексаларга хос шу қадар ақл-заковатни сира учратмаганман: бироқ иш устидаги синов унга яхши кафолат бўлгай".

### Д о ж

Белларио, не ёзишти эшийтдингизми?

Порция киради, у хуқуқ доктори либосида.

Мана, доктор ўзи.... - Қани, қўлингиз беринг!

Кекса Белларио бизга юбормиш сизни?

### П о р ц и я

Ҳа, жаноб олийлари.

### Д о ж

Салом, ўлтириинг.

Айтинг-чи, биз кўраёттан иш-можародан

Хабарингиз борми?

### П о р ц и я

Ишдан тўла воқифман.

Фақат билсам, ким савдогар бунда, ким жуҳуд?

### Д о ж

Антонио, кекса Шейлок - яқинроқ келинг.

### П о р ц и я

Сиз - Шейлокми?

### Ш е й л о к

Ҳа, исмим - Шейлок.

### П о р ц и я

Сизнинг даъвойингиз, Шейлок, ғайриодатий:

Лекин бари қоидага мувофиқ ва мос.  
Шунинг учун Венеция қонуни уни  
Рад этмайди, бажарышга даъват этади.

(Антониога)

Суд орқали ундиришга ҳақлидирми у?

А н т о н и о

У шундоқ деган.

П о р ц и я

Сиз векселни тан оласиз?

А н т о н и о

Ха.

П о р ц и я

Унда жухуд мурувватли бўлмоғи керак.

Ш е й л о к

Нега энди мурувватли бўлмоғим керак?

П о р ц и я

Мурувватта зўрлик билан эришиб бўлмас,  
У гўёки найсон ёмғир, у обираҳмат,  
Кўқдан ерга инар сира сўрамай-нетмай,  
Берганга ҳам, олганга ҳам хайрли беҳад.  
Унинг кучи, шарофати янада ортиқ -  
Кимки бўлса, ҳокимият, қудратга соҳиб.  
У тождан ҳам ярашиқдир шоҳу султонга,  
Муваққат бир ҳокимият белгисидир - тож,  
Улуғлик ва эҳтиромнинг нишонаси у,  
Бир қудратким, юракларга қалтироқ солар.  
Лекин шафқат-мурувват-чи, тождан ҳам юксак,  
Унинг тахти подшоларнинг қалбида яшар.  
Шафқат - Тангри фазилати, Тангри хислати:  
Гар шафқатни қонун билан омихта этса -

Осмондаги илоҳий у ҳокимиятта  
Ўхшаб кетар заминдаги давлат-салтанат.  
Жуҳуд, қонун сен тарафда, лекин унугтма,  
Агар қонун мурувватга бегона бўлса,  
Аминманки, биттамиз ҳам топмасдик омон.  
Дуо пайти биз Худодан шафқат сўраймиз,  
Бизни шафқат-мурувватта ўргатар дуо.  
Мен буларни айтдим сени юмшатмоқ учун,  
Аммоқи, сен талаб этсанг қонуний ҳаққинг,  
Венеция суди қўллаб, чиқаргай ҳукм.

### Ш е й л о к

Менга қўйинг ўз ишими, ўзим биламан,  
Қонун йўли билан ҳаққим талаб қиласман.

### П о р ц и я

Ажаб, қарздор тўлолмасми зарур маблагни?

### Б а с с а н и о

О, дарвоқе, суд олдида таклиф этаман:  
Мен тўлайин икки карра ошиги билан:  
Агар бунга унамаса, буни кам деса,  
Ўн баробар қилиб ҳатто тўлашим мумкин.  
Бошим, қўлим, юрагимни тутиб бераман -  
Гар бунга ҳам унамаса, буни кам деса,  
Демак, поймол этмиш қабоҳат, зулм.  
Ялинаман, сиз қонунни жиндак юмшатинг,  
Ҳақиқат-чун чегарадан озгина ўтинг,  
Ҳам жиловланг шайтон-иблис васвасасини.

### ‘П о р ц и я

Йўқ, бу асло мумкин эмас: Венецияда  
Ўзгартира билмас ҳеч ким қонун-низомни.  
Гар йўл қўйисак бунга, бешак чиқар тўполон,  
Ва бу ёмон ибрат бўлиб, етказар зиён  
Республика ишларига. Йўқ, бу мумкинмас.

## Ш е й л о к

О, Даниил, суд бошланди бунда, Даниил!  
Минг эҳтиром бўлсин сенга, донишманд ҳакам!

## П о р ц и я

Ўтинаман, бир кўрсатинг ўша векселни.

## Ш е й л о к

Мана, вексель марҳаматли доктор, мана у.

## П о р ц и я

Шейлок, сенга уч баравар тўламоқчилар.

## Ш е й л о к

Қасамим-чи? Нима бўлар онтим, қасамим?  
Мен фалакка юрагимдан қасам ичганман.  
Ўз руҳимни маҳв этишни истамасман, йўқ,  
Йўқ, йўқ, ҳатто, берсангиз ҳам Венецияни...

## П о р ц и я

Хуллас,  
Вексель тўланмалти ўз муддатида,  
Жуҳуд сўрар ўз ҳаққини қонунга кўра -  
Юракка энг яқин жойдан нақ бир қадоқ эт.  
Яна бир бор сўрайманки, шафқат айлагин,  
Уч баравар ҳаққингни ол, векселни унут.

## Ш е й л о к

Унутарман, уни тамом ундириб олсам,  
Кўраманки, сиз мумтоз ва муносиб ҳакам.  
Сиз - қонунлар билимдони, шу туфайлидан,  
Кўп аълодир қабул қилган қарорингиз ҳам.  
Сиз суюнчиқ бўлган ўша қонун номидан  
Сўрайманки, бўлди қилинг, судни тутатинг.  
Сўзим битта, мен жонимга қасам ичаман,  
Айнимайман, талабимда қатъий тураман.

## А и т о н и о

Чин юрақдан ялинаман ёлвораманким,  
Суд тутатсин мажлисини, ўқилсин ҳукм.

## П о р ц и я

Майли, шундоқ бўла қолсин, бўлди қилайлик.  
Қани, унинг кўкрагини пичоққа шайлант.

## Ш е й л о к

Олийжаноб ҳакам! Асил, бебаҳо йигит!

## П о р ц и я

Қонун руҳи, қонун сўзи бешубҳа, бешак  
Векселдаги талабларга тўғри келади.

## Ш е й л о к

Худди шундоқ, адолатли донишманд ҳакам,  
Кўринишда ёшдек, аммо нақадар улур!

## П о р ц и я

Хўш, очингиз кўкрагини.

## Ш е й л о к

Ҳа! Кўкрагини!  
Векселда ҳам худди шундай ёзилган, ҳакам,  
Юрагига яқин жойи? Демак, кўкраги.

## П о р ц и я

Худди шундоқ. Аммо айтинг, бир қадоқ гўштни  
Тортмоқ учун зарур тошу тарозу борми?

## Ш е й л о к

Мен тарозу келтирганман.

## П о р ц и я

(Шейлокка)

Жароҳатни бойлаш, қонни тўхтатмоқ учун  
Жарроҳ, ҳозир бўлсин - сизнинг ҳисобингиздан.

## Ш е й л о к

Бу тўғрида ёзилганми магар векселда?

## П о р ц и я

Йўқ, мутлақо ёзилмаган, нима қишли, хўш,  
Раҳму шафқат юзасидан шу ишни қилсак?

## Ш е й л о к

Йўқ, бу ҳақда бирорта ҳам сўз йўқ векселда.

## П о р ц и я

Антонио, айтадиган сўзингиз борми?

## А н т о н и о

Унча кўпмас: мен тайёрман, ҳозирланганман.  
Бассанио, қўлингни бер, маъзур тут мени,  
Куйма ортиқ мен туфайли ҳалок бўлди деб.  
Қисмат менга мунис бўлди одатдагидан:  
У кўпинча шўрликларни бойлик, давлатдан  
Жудо айлаб, гадойликка маҳкум этади.  
Улар сўнгра ажин манглай, хира кўз билан  
Сўнгти манзил - ўлим сари борурлар секин.  
Бу азобдан тақдир мени халос айлади.  
Олийжаноб рафиқантга салом йўллайман,  
Сен айтиб бер Антонио хотимасини:  
Сени қандай севганимни унга айтиб бер,  
Шундоқ қилгин, ёринг ўзи ҳукм айласин:  
Дўсти-анис бўлганмикин Бассаниода...  
Мен дўстимдан айрилдим, деб чекма изтироб,  
Нима қилсин, зарур эса шу ҳисоб-китоб.

Пичогини гар чуқурроқ ботирса жухұд,  
Дүстинг бутун қалби билан тұлар қарзингни.

### Б а с с а н и о

Антонио! Үйланганим у гүзал санам  
Менинг учун ортиқ әрур ҳаётимдан ҳам.  
Ҳаётим ҳам, хотиним ҳам, шу буткул дунё,  
Дүстим, сенинг ҳаётингдан арzonдир аммо.  
Мен ибливсга ҳаммасини берардим бутун,  
Фақат сенинг ҳаётингни құтқармоқ учун.

### П о р ц и я

Үйлайманки, рафиқанғиз агар эшитса,  
Хеч, шубхасиз, оғринарди, бўларди хафа.

### Г р а ц и а н о

Мен севаман хотинимни, аммо нақадар  
Севинардим, ўша кўкка йўл олиб агар,  
Йиглаб, само қудратини қўзғатса бутун,  
Шу бадният, бағритошни юмшатмоқ учун!

### Н е р и с с а

Қандай яхши!  
Хотинингиз орқасидан дейсиз бу сўзни,  
Бўлмаса, хўп еярдингиз таъзириңгизни.

### Ш е й л о к

(Четта)

Христиан никоҳини кўринг! Қизим бор...  
Унинг эри христиан бўлгандан кўра,  
Ваҳший Варров бўлса, менга афзал минг карра!  
Вақт ўтмоқда, ҳукмни, биз ижро этайлик.

### П о р ц и я

Сеникидир савдогарнинг бир қадоқ эти,  
Қонун шуни буюради, суд ҳукм этди.

## Ш е й л о к

Доно ҳакам!

П о р ц и я

Сен ҳаққингни ҳозир кесиб олишинг мумкин.  
Суднинг ҳукми шундоқ, шуни буюрар қонун.

## Ш е й л о к

Ҳакам - доно! Мана ҳукм! Қани, ҳозир бўл!

П о р ц и я

Бирпас шошма: жиндак гап бор яна бу ёқда,  
Қон тўймайсан, векселингда сўз йўқ бу ҳақда.  
Аниқ қилиб, бир қадоқ гўшт, дейилган, холос.  
Ҳаққинг фақат бир қадоқ гўшт, уни ола қол.  
Аммо, шуни билиб қўйки, этни кесгандা,  
Бирор қатра христиан қони тўкилса,  
Молу мулкинг, бойликларинг, қонунга кўра,  
Республика ҳисобига ўтар бир йўла.

## Г р а ц и а н о

Доно ҳакам! - Жуҳуд, эшит! - У чин донишманд!

Ш е й л о к

Қонун шунақами?

П о р ц и я

Ўқиб кўришинг мумкин.  
Адолатли ҳукм бўлсин, дединг, шундоқми?  
Хотиржам бўл, олажаксан ортири билан.

## Г р а ц и а н о

Чин донишманд! Жуҳуд, қалай? Аллома ҳакам!

Ш е й л о к

Мен розиман, уч баравар тўласин қарзни,  
Кейин, майли, ўз йўлига кетаверсин у!

## Б а с с а н и о

Мана пулинг, ола қол.

### П о р ц и я

Йўқ, озгина шошманг!

Жуҳуд сўрар адолатли ҳукм этмоқни -  
У олажак фақат вексель шартига кўра.

### Г р а ц и а н о

О, жуҳуд! О, асл, етук, донишманд ҳакам!

### П о р ц и я

Хўш, бўла қол, этни кесиб олмоққа бошла,  
Бир томчи қон тўйма лекин. Агар кестганинг  
Бир қадоқдан зарра ортиқ, зарра кам эса,  
Ё мўлжалдан тарозунинг сергак шайини  
Жиндаккина нари-бери борса - сўз тамом,  
Қутулмайсан, сени ўлим кутар муқаррар,  
Бор давлатинг хазинага ўтар муқаррар.

### Г р а ц и а н о

О, Даниил, жуҳуд, қара! - Янги Даниил! -  
Ҳа, қалайсан, энди қўлга тушдингми, аблар?

### П о р ц и я

Хўш, намунча имиллайсан? Ҳаққинг ола қол!

### Ш е й л о к

Майли, менга пулни беринг, ҳозир кетаман.

## Б а с с а н и о

Ма, ола қол - аллақачон тайёрлаганман.

### П о р ц и я

Йўқ, ололмас, суд олдида воз кечди пулдан,  
Ола билар фақат вексель шартига кўра.

## Г р а ц и а н о

О, Даниил! Кароматли, янги Даниил!  
Раҳмат, жуҳуд, сен бу сўзни менга ўргатдинг.

## Ш е й л о к

Наҳот, энди маблагимдан ажралиб қолсам?

## П о р ц и я

Йўқ, оласан фақат вексель шартига кўра,  
Ола қолгин ўз жонингни қўйиб хатарга.

## Ш е й л о к

Керак эмас, мен шайтонга уни атадим,  
Даъвойим йўқ, бошқа, кетдим.

## П о р ц и я

Жуҳуд, тўхтагин,  
Сенга суднинг даъвоси бор, Венецияда -  
Шундай қонун ҳукм сурар, хорижий кимса  
Тўшпа-тўғри, ё бўлмаса, ўзга йўл билан  
Бирор ерли гражданга суиқасд этса,  
Унинг ярим мулкин олар жабрланувчи,  
Қолган ярми ўтар давлат хазинасига.  
Ва суиқасд эттувчининг ҳаёт қисмати  
Боғлиқ бўлар дожнинг лутфу марҳаматига.  
Қандоқ қарор қабул қиласа - бу унинг иши.  
Мана шундок аҳволдасан ҳозир, билиб қўй:  
Далиллар шай, Венеция гражданига  
Бевосита, билвосита суиқасд этдинг,  
Шунинг учун маҳкум бўлдинг, бошингга етдинг,  
Тиз чўк энди, дождан шафқат-мурувват сўра!

## Г р а ц и а н о

Илтижо қил, ўз-ўзимни осайин, дея:  
Бойликларинг хазинага ўтаркан буткул,  
Сиртмоқ учун арқон сотиб олишинг мушкул,  
Сенга текин арқон берар энди хазина.

## Д о ж

Ҳислардаги тафовутни кўргин, деб атай,  
Ҳаётингни мен ўзингга тортиқ этаман.  
Бўлажакмиз лекин буткул мулк-бойлигинг  
Антонио билан давлат ўртасида тент.  
Тавба қилсанг, алмашинур жарима билан.

## П о р ц и я

Ҳа, жарима қутқаради бойлик-бисотинг  
Хазинага тааллуқли қисмини холос.  
Бошқа қисми ўтар бешак Антониога.

## Ш е й л о к

Олинг буткул ҳаётимни, шафқат керакмас,  
Пойдеворин олдингизми - олинг уйни ҳам.  
Нима билан тирик эсам, барин олдингиз.  
Керак эмас жонимни ҳам энди олингиз.

## П о р ц и я

Антонио кўрсатурму шафқат-мурувват?

## Г р а ц и а н о

Текин арқон топиб берар, не қилсин яна?

## А н т о н и о

Муҳтарам дож, муҳтарам суд, мулку бойликнинг  
Хазинага тегиш қисми учун жарима  
Оларкансиз, нима дердим, сизда ихтиёр.  
Аммо, айтай, унинг менга тегиш қисмини  
Ёзиб, тайин этиб-берсин менинг номимга.  
Йўқ, мен унинг бойлигини тутмасман ортиқ,  
Шейлок ўлгач, куёвига этаман тортиқ.  
Яна шуки, раҳму шафқат эвазига у  
Христиан эътиқоди йўлини тутсин.  
Яна шуки, бор мулкини айлаб васиқа,  
Қизи билан куёвига васият этсин.

## Д о ж

Шундоқ қиласин, унамаса, бекор қиласман  
Ҳозиргина инъом эттан марҳаматимни.

## П о р ц и я

Розимисан шунга, жуҳуд? Ҳўш, нима дейсан?

## Ш е й л о к

Розиман.

## П о р ц и я

Бас, мирза ёссиң қарор-аҳднома.

## Ш е й л о к

Ўтинаман, рухсат этинг, кетай бу ердан,  
Ростин айтсан: менга оғир, аҳволим ёмон,  
Хужжатларни юборингиз, имзо чекаман.

## Д о ж

Жўна, лекин бажо айла фармонимизни.

## Г р а ц и а н о

Иккки ҳамроҳ бўлур сен-ла, чўқиниш пайти:  
Мен ҳакамлик этсан, ўнта қўшардим яна.  
Йўқ, муқаддас хоч олдига элтмасди улар,  
Дор остига элтишарди сени бегумон.

Шейлок кетади.

## Д о ж

*(Порцияга)*

Ўтинаман, қолинг, азиз меҳмоним бўлинг.

## П о р ц и я

Жаноб олийлари, сиздан узр сўрайман,  
Падуяда бўлишим шарт бутун тундаёқ,  
Шунинг учун мен ҳозироқ жўнаб кетаман.

## Д о ж

Афсус, афсус, тигиз экан вақтингиз жуда -  
Антонио, сиз синъорни рози этингиз:  
Үйлашимча, қарздорсиз унинг олдида.  
Дож ўзининг маҳрамлари билан кетади.

## Б а с с а н и о

Марҳамтли, азиз сеньор, мен ва дўстимни  
Қутқардингиз ўткир ақлу заковат билан.  
Жуда қўрқинч мусибатдан халос этингиз.  
Биз жуҳудга топширмоқчи бўлган пулларни  
Сизга тортиқ айламоққа рухсат этингиз.

## А н т о н и о

Биз, барибир, лекин қарздор бўлиб қоламиз  
Сизни севиб, хизмат қилсак ҳамки умрбод.

## П о р ц и я

Биласизми, мукофот йўқ севинчдан ортиқ,  
Мен сизларни халос этиб, курсандман беҳад.  
Бу, демакки, мукофотим олибман расо,  
Таъмагирлик қилмаганман ҳеч қачон, фақат,  
Бундан кейин учрашганда, танисангиз, бас.  
Хайр энди, баҳт тилайман, яхши қолингиз.

## Б а с с а н и о

Азиз синъор, ўтинаман, талаб қиласман  
Эсдаликка бирор нима олишингизни.  
Тўлов эмас, меҳримизга нишон бўлур у,  
Маъзур тутинг, хижолатдан қутқаринг бизни.

## П о р ц и я

Қистовингиз ошиб кетди, майли, розиман.

*(Антониога)*

Хотира, деб олай ушбу қўлқопингизни.

*(Бассаниога)*

Сиздан меҳр белгиси, деб ушбу узукни.  
Нима бўлди, қўлингизни тортиб олдингиз?  
Гар севсангиз шуни беринг, бошқасинимас.

**Б а с с а н и о**

Сенъор... Айтсам, бу узугим - арзимас мато!  
Сизга тортиқ айламоққа арзимас ҳатто.

**П о р ц и я**

Бошқасини хоҳламайман, шуниси лозим,  
Нима дейман, кўнгил кетди, шуни истадим.

**Б а с с а н и о**

Гап қийматда эмас, бутун Венецияда  
Энг ноёбин топиб, сизга тақдим этаман.  
Мен ўшани топмоқ учун жарчи қўяман,  
Фақат, хўп, дент, шу оддийси ўзимда қолсин.

**П о р ц и я**

Кўраманки, ҳимматингиз баланддир жуда!  
Аввалбоши тиланишга ром этиб мени,  
Энди эса, аста-секин ўргатмоқдасиз -  
Қандай жавоб айламоқни тиланчиларга.

**Б а с с а н и о**

Сенъор, буни тақдим этмиш менга рафиқам,  
Ва мен уни ҳеч кимсага инъом этмаслик,  
Йўқотмаслик, сотмасликка қасам ичганман.

**П о р ц и я**

Ҳа, бу - инъом этмасликка қулай баҳона,  
Рафиқангиз гар эсидан озмаган бўлса -  
Қандай хизмат эвазига ушбу узукни  
Олганимни билиб, сизга ғазаб айламас.  
Хўш, бўлмаса, хайр энди, саломат қолинг.

Порция ва Нерисса кетадилар.

### А н т о н и о

Бассанио, инъом айла унга узукни,  
Унинг менга муҳаббати, унинг хизмати  
Устун тураг ҳар қандайин амру фармондан.

### Б а с с а н и о

Югур тезроқ, қувиб еттил, Грациано,  
Узукни бер, кўндиrolсанг, бошлаб кел уни  
Антонио қўргонига. Қани бўл, югур!

Грациано кетади.

Кетдик: биз ҳам йўл олайлик ўша томонга,  
Эртага-чи, тонг-саҳарда туриб иккимиз  
Бельмонт сари ошиқамиз. Юр, Антонио.

Кетадилар.

### Иккинчи саҳна

Ўша жой. Кўча.

Йигитлар кийимида Порция билан Нерисса киради.

### П о р ц и я

Суриштиргин, қайда экан жухуднинг уйи,  
Топиб унга имзо чектири. Тунда жўнаймиз.  
Уйта етиб олажакмиз эрлардан олдин,  
Бу қоғозни кўриб, хурсанд бўлар Лоренцо.

Грациано киради.

### Г р а ц и а н о

Уҳ, хайрият, етиб олдим, сизларни қувиб!  
Сеньор Бассанио бориб мулоҳазага,

Шу узукни йўллади ва сизни ҳозироқ,  
Зиёфатта чақиради!

### П о р ц и я

Бу мумкин эмас.

Ташаккур-ла қабул эттум аммо узукни, -  
Унга айтинг. Ҳа, дарвоқе, кўрсатиб қўйинг  
Судхўр Шейлок қўргонини менинг мирзамга.

### Г р а ц и а н о

Бош устига!

### Н е р и с с а

Сенъор, жиндак гапим бор сизга.

*(Порцияга, секин.)*

Қани, кўрай, қасамёд, эттан эримдан  
Бир йўл қилиб, узутимни олармиканман...

### П о р ц и я

*(Нериссага, секин.)*

Ҳеч шубсаҳиз. Ҳали яна қасам ичишар,  
Узукни биз эркакларга бердик, деб улар.  
Аммо, боллаб беражакмиз таъзирларини.

*(Баланд овозда)*

Тезроқ! Қайда кутишимни яхши биласан.

### Н е р и с с а

*(Грацианога)*

Қани, юринг, менга йўлни кўрсатиб қўйинг.  
Кетадилар.

## БЕШИНЧИ ПАРДА

### Биринчи саҳна

Бельмонт. Пордия уйига элтувчи хиёбон.

Лоренцо билан Жессика киради.

### Л о р е н ц о

Ой шуъласи қандай ёруғ... Шундоқ кечада,  
Япроқларни шитирлатмай майин шаббода,  
Оючларни ўпар экан - шундоқ кечада  
Троянинг деворига чиқмиш Триол,  
Рұхан парвоз этмиш юнон қароргоҳига,  
Крессида хобгоҳига...

### Ж е с с и к а

Шундоқ кечада  
Шабнам босиб, олазарак бораркан Фисба,  
Шердан олдин шер соясин кўриб қолгану  
Ваҳимага тушиб қочган....

### Л о р е н ц о

Шундоқ кечада  
Мовий дентиз қирғоғида гўзал Дидана  
Мажнунтолнинг бутогини силкитиб, ёрин  
Карфагенга чорламишдир....

### Ж е с с и к а

Шундоқ кечада  
Қари Эзон яшарсин деб пича Медея  
Меҳригиёҳ йиққан экан...

### Л о р е н ц о

Шундоқ кечада  
Бой жуҳуднинг қўргонини тарк этиб тамом,  
Ёри билан ўз шаҳридан чиққан Жессика,  
Ва Бельмонтга қараб қочган!

## Ж е с с и к а

Шундоқ кечада

Ёш Лорендо қасам узра қасамлар ичган,

Шу йўл билан қиз қалбини ўғирлаб олган,

Айттанилари ёлғон экан...

## Л о р е н ц о

Шундоқ кечада

Шўху шаддод ҳам дилозор, жажжи Жессика

Беҳудага ўз ёрига бўхтон ёғдирган.

Лекин ёри ранжимаган, уни кечирган.

## Ж е с с и к а

Кечалардан топар эдим яна нечасин,

Ёлғиз икков бўлсак, аммо кимдир келмоқда.

Стефано киради.

## Л о р е н ц о

Ким у, тун сукунатида ҳовлиқиб келаёттан?

## С т е ф а н о

Дўстингиз!

## Л о р е н ц о

Стефано!

## С т е ф а н о

Сизга шундоқ хабар келтиридим.

Хонимбека худди тонгда бўлар Бельмонтда,

Ҳозир эса бут олдида ибодат айлар,

Яраттандан оиласвий баҳтини тилар.

## Л о р е н ц о

Ким бор қошида?

## С т е ф а н о

Жорияси билан фақат авлиё-роҳиб.  
Айтингиз-чи, қайтмадими хўжайин-сенъор?

## Л о р е н ц о

Йўқ, қайтмади, ҳалигача ундан дарак йўқ,  
Хўш, Жессика, юра қолгин энди, борайлик.  
Биз баҳарҳол уй эгаси хонимбекани  
Тантанавор қаршилашга ҳозирланайлик.

Ланчелот киради.

## Л а н ч е л о т

Ҳой, дейман, ҳой!.... Ҳей, дейман, ҳей!..

## Л о р е н ц о

Ким у чақираёттан?

## Л а н ч е л о т

Ҳо-ҳо-ҳой!.. Сиз жаноб Лоренцони кўрмадингизми?  
Жаноб Лоренцони?

## Л о р е н ц о

Бақиришни бас қил, йигит, мен шу ердаман.

## Л а н ч е л о т

Ҳой! Қани, қаерда?

## Л о р е н ц о

Шу ерда.

## Л а н ч е л о т

Унга айтиб қўйинг, хўжайндан чопар келди, қўйни-  
қўнжи хуш хабарларга тўла. Хўжайин худди тонготарда  
шу ерда ҳозир бўлади.

Кетади.

## Л о р е н ц о

Юр, жонгинам, уларни биз қарши олайлик,  
Бироқ шошма, шарт эмас-ку қасрга кириш.  
Стефано, хабар қилинг уйдагиларга,  
Хонимбека қўрғонига қайтаётир, деб.  
Кейин, боққа айтиб чиқинг созандаларни.

Стефано кетади.

Ой шуъласи ширин ухлар дўнг-тепаларда!  
Кел, бир нафас ўлтирайлик мана бу ерда.  
Куй, оҳанглар борлигимиз элитсин бутун,  
Ширин-ширин садо тилар осуда шу тун.  
Кел, Жессика, ўлтири. Бир зум термул фалакка,  
Осмон заррин ҳалқалардан тикилган кашта:  
Ҳатто увоқ зарраси ҳам, термулсанг агар,  
Фариштадек жилоланаар, куйлар, рақс этар.  
Ва жўр бўлар ўзи янглиг фаришталарга.  
Шундай оҳанг яшар фақат ўлмас қалбларда:  
Аммоқи, у малоҳатсиз, қўпол бир йўсин  
Заминий, кир қобиқ билан ўралгани-чун,  
Биз у ажиб оҳангларни эшитолмаймиз.

Созандалар кирадилар.

Қани, бу ёққа!  
Дианани уйғотингиз тарона билан.  
Хонимбека қулоғига сеҳрлар қўйиб,  
Ширин садо билан уни бу ёққа бошланг.

## Ж е с с и к а

Ширин оҳанг юрагимни эзар доимо.

## Л о р е н ц о

Чунки, оҳанг тўқинади қалбга аввало.  
Биласанми, саҳродаги ёввойи пода,  
Ёки ҳали яйдоқ юрган отлар уюри,  
Томирларда ўйнар экан ҳароратли қон,

Шамол янглиғ учиб, кишнаб, солишар сурон.  
Лекин улар ногаёнй бурғу садоси,  
Ёки бошқа бир оҳангни эшитишса, бас,  
Ювош тортиб, сергакланиб олишар нафас.  
Музиканинг фасоҳати, таъсири билан  
Майин боқар ўша чақин ёввойи кўзлар  
Шоирларнинг айтишича, созанда Орфей  
Дараҳт, қоя, дарёларни этаркан афсун.  
Нимаики тошбагирдир, сезгидан маҳрум,  
Шан оҳанглар асир айлар, юмшатар бир зум.  
Киши юрагида оҳанг бўлмаса агар,  
Унга таъсир этолмагай соҳир садолар.  
У талонга, хиёнатта, макрга мойил,  
Унинг қалби уқубатли тун каби қора,  
Туйғулари - Эреб каби тийра, қоронғу:  
Бундайларга ишонма ҳеч. - Кўшиқни тингла.  
Бир чеккадан Порция билан Нерисса киради.

### П о р ц и я

Кўрасанми? Чироқ ёнар катта хонада.  
Шуъласини узоқларга ёймиш... Шу янглиғ  
Эзгуликлар ярқирайди ёвуз оламда.

### Н е р и с с а

Шам кўринмас аммо тўлин ой шуъласида.

### П о р ц и я

Кичик шухрат катта шавкат олдида шундоқ  
Сўниб қолар. Бирор ёққа жўнаркан қирол,  
Қирол каби ярқирайди унинг ноиби.  
Қирол қайттач, аммо унинг улутворлиги -  
Чўкиб кетар, бамисоли денгизга ирмоқ  
Фарқ бўлгандек. - Музика! Сен илғаяпсанми?

### Н е р и с с а

Сенъора, бу - хонаки оркестрингиз.

### П о р ц и я

Ҳамма нарса ўз вақтида бўлгани яхши:  
Тунда оҳанг кундузгидан ширин туюлар.

### Н е р и с с а

Жимлик унга бағишлайди сехр-жозиба.

### П о р ц и я

Олақарға қаги́ллаши, тўргай навоси  
Худди бирдек - тинглаганда лоқайд, бепарво.  
Агар булбул тунда эмас, кундуз сайраса.  
Фоз-ўрдаклар "ғо-ғо"лашиб, шовқин солган чор,  
Саъвадан ҳам паст тушарди созандаликда.  
О, азизим, вақтта боғлиқ бўлур кўп нарса -  
Қиймат топиб, холис баҳо олмоғи учун.  
Бас, кифоя! Ой ухлайди Эндишион билан:  
Ва уйғониш истамайди!

Музика тинади.

### Л о р е н ц о

Янглишмасам, бу -  
Сенъора Порциянинг овозимасми?

### П о р ц и я

У мени-чи, овозимдан таниди, худди  
Кўр каккуни танигандек ноҳуш овоздан.

### Л о р е н ц о

О, синъора,  
Қадамингизга ҳасанот!

### П о р ц и я

Эрларимиз учун тоат-ибодат этдик.  
Улар қайтиб келишгандир?

## Л о р е н ц о

Йўқ, сенъора:

Бироқ чопар ҳозиргина келтирди хабар!

Эсон-омон қайтишмоқда иккаласи ҳам!

## П о р ц и я

Бор, Нерисса, тайинлаб қўй хизматкорларга,  
Айтмагайлар бизнинг уйдан жилганимизни.

Ўтинаман: Лоренцо, сиз, Жессика, сиз ҳам.

Карнай садоси.

## Л о р е н ц о

Эрингиз ҳам келиб қолди - янграйди бургу,  
Сенъора, амин бўлинг, оғзимиз маҳкам.

## П о р ц и я

Қандай кеча! Кеча эмас, касалманд бир кун:  
Фақат бир оз ранги ўчиқ. Назаримда у -  
Ярим оқшом. Эндиғина қуёш боттандай.

Бассанио, Антонио, Грациано ва уларнинг хос маҳрамлари  
киришади.

## Б а с с а н и о

Қуёш ботса-ботаверсин, сиз бўлинг пайдо,  
Ҳеч шубҳасиз, бизга кундуз бўлур ҳувайдо.

## П о р ц и я

Майли, ёниб-ярқирай-да, куйдирмай фақат,  
Хотинидан куйган эрга қийиндир беҳад.  
Бассанио, кимга керак шундоқ бўлиши,  
Бироқ, сизга айтсам, бари Худонинг иши!  
Сенъор, қани, уйингизга марҳамат қилинг.

## Б а с с а н и о

Кўп ташаккур, сенъора. Қаршилаб олинг -

Лутф ила азиз дўстим Антониони.  
Бениҳоя қарздорман унинг олдида.

### П о р ц и я

Ҳа, сиз унга бениҳоя бурчлисиз, дўстим,  
У борини нисор этди, ахир, сиз учун!

### А н т о н и о

У қарзини тўлаб бўлди менга бус-бутун.

### П о р ц и я

Сенъор, бизнинг уйимиизда азиз меҳмонсиз:  
Фақат сўзда кўрсатмаймиз иззат-икромни,  
Бас, шу билан тутатаман лутф-каломни.

### Г р а ц и а н о

*(Нериссага)*

Ҳақ эмасман, ойга қасам ичиб айтаман;  
Ишон, ахир, бердим ҳакам-мирзага уни.  
Сенинг шундоқ, ранжишингни қайдан билибман,  
Менга қолса бичилган қул бўлмайдими у.

### П о р ц и я

Оҳ-ҳо! Жанжал, ҳалитдан-а? Нима гап ўзи?

### Г р а ц и а н о

Э, айтишга арзимаган олтин узукча,  
Уни совға айламишди менга Нерисса.  
Худди пичоқ дастасига битилган каби,  
Сўзи борди: "Мени севгил, айрилма" - деган.

### Н е р и с с а

Нелар дейсан қиймати-ю, сўзи ҳақида?  
Сен узукни олиб, менга қасам ичгандинг:  
"Ишон, асраб аягайман то ўлгунимча,  
Агар ўлсам, тобутимга солгайлар", - дея.

Сал эҳтиёт этсанг яхши бўларди уни,  
Менга севгинг ҳурматимас, қасам ҳурмати!  
Ҳакам мирзаси, дейсанми? Шоҳиддир Худо:  
У мирзангта соқол-мўйлов битмагай асло!

### Грациано

Омон бўлса, бир кун битар унга ҳам соқол.

### Нерисса

Ҳа, эркакка айланолса агарда аёл.

### Грациано

Шу қўлимга қасам ичиб айтаманки, у  
Бола эди, бир ўспирин, ёш бир йигитча.  
Бўйи басти сендан баланд эмасди унча:  
У ҳакамга мирза эди, ҳакамга мирза.  
Хизматимга шу узукни берасан, деди,  
Нима қилай, йўқ, дейишга тилим бормади.

### Пордия

Сизга таъна-дашном лозим: ёш хотинингиз  
Биринчи бор тортиқ эттан ҳадя-эҳсонни  
Осонгина ёт кимсага бериб қўйибсиз.  
Ахир уни қасам ичиб, таққан эдингиз,  
Сизнинг сидқу садоқатта мухр эди у.  
Севганимга мен ҳам узук тақдим эттанман,  
Айрilmайман, дея у ҳам қасамлар ичган,  
Шундаймасми, мен ҳозирман қасам ичмоққа:  
Эрим ҳатто бор дунёнинг бойлигига ҳам  
Бармоғидан олмас уни, Грациано,  
Жуда қаттиқ, ранжитдингиз хотинингизни,  
Мен ўрнида бўлсам, балки бўлардим жинни.

### Бассано

(четта)

Қани энди, чап қўлимни чопиб ташласам,  
Ва шу билан узукни ҳам йўқотдим, десам.

## Грациано

Узугини берди сенъор Бассанио ҳам,  
Хизмат ҳақи учун уни сўради ҳакам.  
Адо эттан хизматига арзийди аммо!  
Мирзаси ҳам мендан узук сўради фақат.  
Униси ҳам, буниси ҳам фақат, шу, деди,  
Узук беринг, бошқа нарса олмаймиз, деди.

## Порция

Берганингиз қайси узук? Айтинг, билай мен,  
У меники эмасдир, деб умид қиласман!

## Бассано

Гуноҳимга ёлғонни ҳам қўша билсайдим,  
Бу хабарни рад этардим; мана - бармоғим,  
Узутингиз кўринмайди, ундан айрилдим.

## Порция

Айрилибсиз, демак, сидқу садоқатдан ҳам!  
Тангри шоҳид: сизга хотин бўла олмайман,  
То узукни қўлингизда кўрмагунимча!

## Нерисса

Мен ҳам шундоқ!  
То узукни бармоғида кўрмагунимча!

## Бассано

Жоним, кимга берганимни агар билсайдинг,  
Ва ким учун берганимни агар билсайдинг,  
Билганингни кейин англаб ета билсайдинг,  
Узукни мен қандай азоб билан берганим,  
Унинг эса, фақат "узук, узук" деганин -  
Билсанг эди, юмшармиди бир оз ғазабинг.

## Порция

Унинг асл баҳосини билсангиз эди,

Менинг асл баҳойимни билсангиз эди,  
Ор-номусни билиб, амал қилсангиз эди,  
Сиз ҳеч қачон бермасдингиз ўша узукни:  
Ким экан у, инсонларнинг нодон, номарди,  
Қатъий туриб, кўндирисангиз уни бўларди,  
Йўқ, десангиз, айтинг, ким ҳам талаб қиласади  
Сизга азиз, эзгу бўлган ўша узукни?  
Ўйлайманки, Нерисса хўп топиб сўзлади,  
Ўлай агар, хотин киши қўлидадир у.

### Б а с с а н и о

Хотин киши қўлидамас, қасам ичаман -  
Номус билан, доктор-ҳакам қўлидадир у.  
Жаноб доктор пул олмади, узук сўради,  
Мен рад этдим, фоят хафа бўлиб жўнади -  
У, дўстимнинг ҳаётини қутқарган инсон!  
Яна қандай тушунтирай, гўзал рафиқам!  
Орқасидан юбормоққа мажбур бўлдим мен:  
Уят ҳисси, бурч туйгуси мени қийнади,  
Номус мени ўтдан олиб, ўтга ташлади,  
Булғанмасин, деди, номинг нонкўрлик билан.  
Жоним, мени маъзур тутинг, қасам ичаман  
Тун қўйнида ёнган ёруғ юлдузларга мен:  
Сиз ўзингиз, шу узукни бер, деб, докторга,  
Сўрардингиз, гар бўлсангиз мен билан бирга.

### П о р ц и я

Энди уйга яқинлатманг ўша докторни,  
Баски, менинг энг севимли узугум унда,  
Саховатда беллашаман мен ҳам сиз билан,  
Саховатнинг эшигини очаман унга..  
Нима деса - севги, ўпич сўраса - ўпич.  
Шунинг учун бир кеча ҳам ёнимдан жилмай.  
Қоровуллик қилинг, жиндак ёлғиз қолсам-чи,  
Номус билан қасам ичай (номусим бутун),  
Уни дарҳол чақираман кроватимга.

## Н е р и с с а

Мен мирзани чақираман, ўзингиз ўйланг.  
Қандоқ бўлур назоратсиз қолдирмоқ мени?

## Г р а ц и а н о

Ҳа, кўзимга бир кўриниб боқсин-чи, уни  
Жаҳаннамга жўнатурман қалами билан.

## А и т о н и о

Минг афсуски, барига мен сабабчиидирман.

## Б а с с а н и о

Менинг ночор гуноҳимни кечир, Порция,  
Шу дўстларим ҳузурида қасамёд эттум,  
Сенинг ўша гўзал, шаҳдо кўзларинг учун,  
Бир кўзларки, уларда мен кўраман ўзим...

## П о р ц и я

Эшийтдингизми!  
Кўзларимда у ўзини кўрар икки бор,  
Ҳа бирида бир каррадан... Кўш юрак билан  
Қасам ичгили, бу гапингга ишонмоқ мумкин!

## Б а с с а н и о

Жоним, кечир гуноҳимни, эттум қасамёд,  
Қасамимни бузмагайман энди умрбод.

## А и т о н и о

Мен жисмимни тиккан эдим унинг баҳтига,  
Гар узукни ололмаса, бўларди ҳалок.  
Энди бўлса, мен жонимни гаров этаман,  
Гаров этиб, сизни чиндан ишонтираман,  
Содиқ қолар, бузмагай ул ичган қасамни.

## П о р ц и я

Сиз кафилсиз демак. Олиб берингиз унга,  
Бунисини эҳтиётлаб, яхши асрасин.

*(Антониога узук беради.)*

## А н т о н и о

*(Бассаниога узукли узатиб)*

Ол, умрбод асрамоқда қасамёд айла.

## Б а с с а н и о

Ё Худойим!

Мен ҳакамга берганимнинг худди ўзи-ку!

## П о р ц и я

Уни ҳакам берди менга, о, Бассанио,  
Кечир, эвазига кеча ётдим у билан...

## Н е р и с с а

Сен ҳам кечир мени, азиз Грациано:  
Ўша ҳакам мирзаси, у ўспирин бола  
Шу узукнинг эвазига ётди мен билан...

## Г р а ц и а н о

Ёз палласи равон йўлни тузатмоқ шартми?  
Бу не шармандалик! Бизнинг олдимизга, ҳа,  
Похол солиб кетишишти, хабаримиз йўқ...

## П о р ц и я

Қўполликни қўйинг. Нечун ажабланасиз?  
Мана мактуб, вақт бўлганда, ўқиб кўрасиз.  
Падуядан келган сизга, Беллариодан.  
Маълум бўлар бундан: ҳакам - Порция бўлган,  
Унга мирза эса - манов гўзал Нерисса.  
Лоренцо ҳам айтар, сиз-ла изма-из кетиб,  
Ҳозиргина ортимизга қайттанимизни.  
Уйга ҳатто кирмадик ҳам. Эй Антонио,  
Бир ажойиб хушхабарим бордир сиз учун.  
Бунақасин кутмагансиз. Бу хатни ўқинг:

Бунда аниқ айтилганки, учта кемангиз  
Каттакон юк-бойлик билан манзилга қайтмиш.  
Бу ёгини гапирмайман, қандай тасодиф  
Бу мактубни ташлаб кетди қўлимга ҳамон.

### А н т о н и о

Лолдирман тамом!..

### Б а с с а н и о

Ажаб, ҳакам сен бўлсангу мен танимасам?

### Г р а ц и а н о

Ҳа, олдимга похол солган сенмисан, мирзам!

### Н е р и с с а

Похол солиш қандай бўлур, билмагай мирза,  
Токи ўзи чиндан эркак бўлиб қолмаса.

### Б а с с а н и о

Гўзал ҳакам, биз тўшакни кўрармиз баҳам,  
Мен бўлмасам, ухлайвергин хотиним билан...

### А н т о н и о

Менга ҳаёт бахш этдингиз, азиз сеньора,  
Бахш этдингиз яна ҳаёт воситасин ҳам:  
Ўқиб кўрдим, кемаларим қайтигти чиндан.

### П о р ц и я

Лоренцо, сиз қулоқ тутинг, нима дер мирзам,  
Ўйлайманки, қуруқ қўймас ўша сизни ҳам.

### Н е р и с с а

Шундок, лекин, бож олмайман бу қоғоз учун,  
Топшираман, қабул айланг Жессика билан.  
Бу расмий хат, бунга кўра, бадавлат жуҳуд  
Бор бойлитин номингизга васият эттан.

## Л о р е н ц о

Гўзал санам, гўё осмон неъмати билан  
Тўйдирдингиз биз, очларни.

## П о р ц и я

Азизлар, юринг,  
Назаримда воқеанинг тафсилотини  
Билмоқчисиз, қани, ҳамма уйта кирайлик.  
Истаганча сўроқ қилинг бизни у ерда,  
Биз саволга сабит туриб, жавоб берайлик.

## Г р а ц и а н о

Гар биринчи саволинг не, дея сўраса,  
Саволим, шу қасам ичиб айтсан Нерисса:  
Эртагача кутарми у, ё бугун рости,  
Икки соат рози дилга бўларми рози?  
Тонгдан кўра тун зулмати мен учун хўброк,  
Бўлсин дейман менинг мирзам мен билан кўпроқ.  
Умр бўйи бир нарсадан қўрқаман тинмай:  
Жоним, яна узугингни йўқотиб қўймай!..

Кетадилар.





---

# ҚИШ ЭРТАГИ

Беш пардали драма

## **ИШТИРОК ЭТУВЧИЛАР:**

Леонт - Сицилия қироли.  
Мамиллий - Сицилиянинг ёш шаҳзодаси.  
Камилло, Антигон, Клеомон, Дион -  
Сицилия аъёнлари.  
Поликсен - Богемия қироли.  
Форизель - унинг ўғли. Богемия шаҳзодаси.  
Архидам - богемиялик амалдор.  
Каричўпон - Хижронанинг тутинган отаси.  
Масхарабоз - унинг ўғли.  
Чўпоннинг хизматкори.  
Автолик - дайди.  
Матрос.  
Зинданчи.  
Хермиона - малика, Леонтнинг хотини.  
Хижрана - Леонт ва Хермлонанинг қизи.  
Палина - Антигоннинг хотини.  
Эмилия - сарой хоними, Хермлонанинг маҳрами.  
Мопса, Доркас - чўпон қизлар.

Сарой аҳли, хизматкорлар, хос хонимлар, ҳакамлар,  
масхарабозлар, чўпонлар, чўпон қизлар. Хор қиёфасида  
чиқадиган Замон.

**Воқеа қисман Сицилия, қисман Богемияда  
кечади.**

## **БИРИНЧИ ПАРДА**

### **Биринчи саҳна**

Сицилия. Қирол Леонт саройида меҳмонхона - зал.

Камилло билан Архидал кирадилар.

### **А р х и д а м**

Камилло, мен бу ёқقا келганимдек, сиз ҳам давлат хизмати юзасидан биз томонларга қадам ранжида этсангиз, Богемиямиз билан сизнинг Сицилиянгиз ўртасида қанчалар тафовут бор, деганимга ўзингиз ишонч ҳосил қиласиз.

### **К а м и л л о**

Менингча, бу ёз Сицилия қироли Богемия қиролига жавоб ташрифи буюради.

### **А р х и д а м**

Биз сизни у қадар муносиб кутолмаймиз, аммо айбимизни меҳру самимият билан ювишга ҳаракат қиласиз, токи...

### **К а м и л л о**

Сиздан ўтиниб сўрайман...

### **А р х и д а м**

Ҳа, ҳа, ишонаверинг, мен бор гапни айтяпман: биз сизни шу қадар ҳашамат, шу қадар нафосат, шу қадар... нимайди... фасоҳат билан қабул қилолмаймиз, Фақат майи ноб, бодаю мусалласлар билан бошингизни сархуш этишимиз мумкин - токи, шармандаю шармисор бўлганимизни билолмагайсиз, мақташингиз-ку даргумон, лекин таънаю дашном ҳам қилолмагайсиз.

## К а м и л л о

Чин юрақдан инъом этилаёттан нарсага шунчалар қиммат ҳақ тұлаш не ҳожат.

## А р х и д а м

Онт ичаманки, мен сизга бурчим ва идроким буюрганини айтдим.

## К а м и л л о

Сицилия қиролининг Богемия қиролига муҳаббати бекиёс. Улар болалиқда бирга ўсишган. Ўша айёмларда илдиз оттан дўстликлар ҳамон чечак ва япроқ ёзади. Аъло ҳазратлар балогатта етищилару давлат ташвишлари уларни бир-биридан айрди-қўйди. Кўришиб туриш имкониятидан маҳрум бўлсалар-да, лекин бир-бириларига совға-салом, нома-пайғомлар юбориб, элчи-сафирлар жўнатиб, орадаги дўстликни эъзоз-сарафroz қилдилар. Улар айрилиқда ҳам айрилмай, олис масофалар оша бир-бирлари билан қўл сиқишиб туришди. Ўртадаги денгиз-қуруқликларга қарамай, бир-бирлари билан қучоқлашиб юришди, илоҳим, мана шу меҳру оқибатларига осмон барор бергай.

## А р х и д а м

Менингча, бу муҳаббатни гарон этадиган куч оламда йўқ. Тангри шаҳзода Мамиллий сиймосида сизларга битмас-тутганмас давлат ато этди. У келажақда аломат ишлар қилишига ишончимиз комил. Мен умримда шундай бир нодир ўғлонни сира учратмаганман.

## К а м и л л о

Ҳа-я, рост. У ажойиб ўғлон. Мамлакатимиз фуқаролари унга термилиб тўйишмайди, хаста кўнгилларга у мадор бағишлийди. Ҳаттоқи, унинг таваллудига қадар ҳассага таяниб юрганлар ҳам унинг камолини кўриш иштиёқида яна яласам, дейди.

## А р х и д а м

Шаҳзода туғилмаганда, улар ўлимга рози бўлишармиди?

## К а м и л л о

О, албатта, шунга ўхшаш бирор илинж уларни ҳаётта боғлаб турмас экан, улар ўлимни афзал деб билишарди.

## А р х и д а м

Эҳтимол, қиролингиз шундоқ бир ўғил кўрмагунча, улар қўлтиқтаёқда бўлса ҳам яшаб туришни маъқул кўришарди.

*(Кетишпайди.)*

## Иккинчи саҳна

Ўша жой. Саройда бир зал.

Леонт, Ҳермиона, Мамиллий, Поликсен, Камилло ва хос маҳрамлар киришади.

## П о л и к с е н

Хуллас, ўша сира тиниб-тинчимас Масхарабоз

Тўққиз карра тузди янги ой байрамини -

Биз тарк этиб ватанимиз сарҳадларини

Олис йўлга азми сафар эттандан буён.

Бунда бизга кўрсатилган меҳмоннавозлик

Шарафига шунча муддат таҳсин айтсан оз.

Бўйнимизда қарзи-ниёз қолур билъасос.

Бас, ўнг ёққа дарж этилган биттагина нуль

Рақам салмоғини ўн бор оширганидай,

Бизнинг ушбу "яна бир бор ташаккур" имиз

Айттанларимизни тағин зиёда қилгай.

## Л е о н т

Бу гапларни хайр-хўшга асрраб қўйингиз.

## П о л и к с е н

Биз эртага тонг отарда жўнаб кетамиз.  
Бир оз ташвишдамиз, ахир, ўтди шунча вақт.  
Қалай, осойишми бизнинг мулку мамлакат?  
Магар унда бизни қарши олмасми бўрон?  
Ундоқ эса - насибамиз бўлур пушаймон.  
Кейин, гапнинг рости, аъло ҳазратларини  
Толиқтириб қўйдик, анча қийнадик.

## Л е о н т

Асло!  
Мен сен ўйлагандек заиф эмасман, оға.

## П о л и к с е н

Мен жўнашим керак.

## Л е о н т

Таин бир ҳафта, холос!

## П о л и к с е н

Эртагаёқ жўнаймиз.

## Л е о н т

Йўқ, баҳсни бас қилиб,  
Иккимиз бир муросага келайлик, оға.

## П о л и к с е н

Кел, яхшиси ижозат бер, йўлдан қолдирма.  
Ҳеч ким, сендан бўлак ҳеч ким кўндира олмас  
Шундоқ шитоб билан мени ўз даъватига.  
Рози бўлар эдим, балки қабул қиласдим,  
Хоҳишингда агар қатъий зарурат бўлса.  
Подшоҳим, изн бергил, энди қистама!  
Гар салтанат ташвишларин унутсак тамом,  
Дўстлигимиз офат бўлур бизга бегумон.  
Бизлар бунда меҳмон бўлиб кечирган кунлар

Сизлар учун ташвиш, балки даҳмаза бўлар.  
Шунинг учун - ижозат бер, кетай, биродар!

### Леонт

Нима, тилдан қолганмисиз магар, маликам?  
Бир нима денг, ахир!

### Хермиона

Шоҳим, кутаётирман,  
Эртагаёқ жўнайман деб, онт ичишини.  
Қизгин эмас, совуқ сизнинг ўтинчларингиз.  
Айтмайсизми ахир, бугун хабар олинди,  
Богемиянгизда бари осойишта, деб –  
Шунда балки сўз тополмай, жимжит қолурди.

### Леонт

Ҳа, чиндан ҳам бу сўзларинг ҳақ, Хермиона!

### Хермиона

Майли эди, гар ўғлимни соғиндим, деса,  
Ҳеч ким моне бўлмас, сўзин икки қилмасди.  
Шундоқ десин, биз ҳозироқ кузатамиз, бас,  
Ҳатто урчугимиз билан уриб, жўнаб қол, деймиз.  
Лекин сўраш бўлса - сўраш бошқача бўлсин:  
Вақтингиздан эваз беринг бир ҳафта, шоҳим!  
Менинг эrim борар экан Богемияга,  
Майли, муддатидан бир ой зиёда юрсин.  
Ҳолбуки шу дунёда ўз ёстиқдошини  
Менча севиб-ардоқловчи аёл бўлмаган,  
Ҳа, Леонтни севганимдек. Хўш, қоласизми?

### Поликсен

Йўқ, маликам.

### Хермиона

Йўқ, қоласиз, дедим, қоласиз.

## П о л и к с е н

Мен, тўғриси, қололмайман.

### Ҳ е р м и о н а

Вой, бу нимаси!

Бошқа бир гап топинг, ушбу баҳонангиз бўш,  
Қасамингиз кучи балки юлдузга етар,  
Лекин мен "қоласиз!" дедим. Демак, қоласиз,  
Аёл азми эркак инон-ихтиёридан

Кам эмас-ку ахир. Айтинг қандоқ кетасиз?

Агар ундоқ эса, сизни соҳиб ихтиёр -

Меҳмон эмас, балки асир ҳисоб этамиш.

Кетишингиз учун катта товон тўлайсиз?

Уч юз карра ташаккур. Хўш, энди не дейсиз?

Асиримисиз, меҳмонмисиз? Ўзингиз танланг -  
Биттасини.

## П о л и к с е н

Маликам, мен меҳмонингизман.

Асир бўлиб, сизни таҳқир этмоғим қийин,  
Ундан кўра, сиз ўлимга буюринг мени.

### Ҳ е р м и о н а

Ундоқ эса, мен ҳам сизга зинданчи эмас,  
Муруватли бекаман. Хўш, ҳикоя қилинг  
Эрим билан кечган ёшлик давронингиздан.  
Унда орангизда, дейман, қанчадан-қанча  
Шўхлик или бебошликлар ўтгандир?

## П о л и к с е н

Ўттан.

Ҳа, маликам, Леонт билан ўсдик икковлон  
Тонгнинг шомга еттанини сезмай, беармон.  
Бугунни эртадан зарра этолмай ажрим,  
Болаликни тутанмас бир даврон деб.

## X e r m i o n a

Эрим -

Ишонаман! - бебошликка бош бўлган фақат.

## P o l i c s e n

Биз, маликам, худди эгиз қўзичоқлардек  
Сакраб-маъраб ўйнашардик майсазорларда.  
Маъсумликни алқар эдик, маъсумлик билан  
Алдов нима, риё нима, билмасдик асло.

О, агарда худди шундоқ яшаб доимо,  
Билмасайдик қоннинг тошқин ғаләёнини,  
"Бегуноҳ!" деб танитардик Худога ўзни,  
"Бўйнимизда фақат журми таваллуд - гуноҳ".

## X e r m i o n a

О, қоқиниб тушдингизлар кейин, шундоқми?

## P o l i c s e n

Ҳа, васваса қилди шайтон, лекин кейинроқ,  
Бу кейинроқ бўлди пича, мунааввар бекам!  
Ўша мастьуд, унугтилмас йилларда эса  
Ҳали гўдак маъсум эди менинг рафиқам,  
Сизнинг ўша гулгунчадек жамолингизни  
Ҳали кўрмаганди жўрам.

## X e r m i o n a

Тўхтанг, кифоя!

Назаримда мени ва ўз маликангизни  
Шайтонга тенг қўймоқчисиз, ҳай-ҳай демасам,  
Майли, давом этаверинг. Бас, шундоқ экан,  
Биз айбимиз учун жавоб бермоққа шаймиз.  
Не қилайлик! Иккингизни гуноҳга қўйдик,  
Биз туфайли айрилдингиз мусаффоликдан,  
Лекин гуноҳ қилмадингиз бошқалар билан!..

Л е о н т

Хўш, рақибинг энди таслим бўяштими?

Ҳ е р м и о н а

У қолади.

Л е о н т

Менга эса қолмаіман деди.

Сен ҳеч қачон шундоқ ёниб сўзламагансан.  
Шундоқ ажиг шиддат билан.

Ҳ е р м и о н а

Йўғ-ей! Наҳотки!

Л е о н т

Ҳа, ҳеч қачон. Аниқорги, фақат бир марта.

Ҳ е р м и о н а

Бундан чиқди, икки марта бўлган экан-да,  
Биринчиси қачон бўлган, айтақол дарҳол.  
Мен кутаман доим мени мақташларини,  
Мақтасалар, семираман худди ғоз каби.  
Унутмагил: яхши-яхши ишларим сўзлаб,  
Мени баъзан силаб-сийпаб турмогинг керак! -  
Жумла эркакларга шундай маслаҳатим бор:  
Ўпич билан ўттиз тошга юрмоққа шаймиз,  
Дагал қистов билан лекин силжитолмайсиз.  
Иккинчи зўр ишим - уни қолдиришимдир,  
Биринчиси нима? Уни бажардим қачон?  
Айта қолгин, ёриламан лекин шу замон!

Л е о н т

Биринчи бор сен иноят айладинг ошкор,  
Мени роса уч ой сарсон-саргардон этиб,  
Аммо лекин охирида "жоним" деб атаб,  
Оппоқ билак чўзиб, яшнаб эттандинг нидо,  
"Мен умрбод сеникиман!" дегандинг.

## Х е р м и о н а

Аъло!

Демак, икки карра роса иш кўрсатибман -  
Биринчи гал шундоқ - подшо эрга етибман,  
Иккинчи гал эса - дўйста.

(Поликсенга қўл чўзади.)

Л е о н т

(четта)

Жуда ошуфта!

Ошуфта дўстликдан келар ошуфта севги.  
Оҳ, юрагим дукиллайди... Юрагим ўйнار...  
Бу нашъай бахтдан эмас, бахтдан эмас, йўқ...  
Ёки самимият, илтифотдан туғилган,  
Тасодифан пайдо бўлган ўйинмикан бу?  
Ўйин бўлса, қандай қўрқинч ўйиндири, ёху!  
Ё бўлмасам мени хаёл алдамоқдами?  
Йўқ бу қиё боқишлиар, бу туташган қўллар,  
Бир-бирига чип-чирмасиб олган бармоқлар,  
Бу ўзаро табассумлар ва бу ярадор -  
Йиртқичнинг сўнг нафасидек учган хўрсиник,  
Йўқ, беролмас бу ўйинга юрагим бардош,  
Фазабимни важоҳатим айлаб қўяр фош,  
Мамиллий, сен ўғлиммисан?

М а м и л л и й

Ха, хукмдорим!

Л е о н т

Менинг тентагимсан. Нега бурнинг бўядинг?  
Дейдиларки, ўхшаш эмиш бурнимга бурнинг.  
Фу, капитан бунча исқирт бўлиш нимаси,  
Ўзингизни пок-озода тутинг, капитан.

Шохли ҳайвон - буқа, бузоқ топ-тоза бари!  
Хўш, бузогим! Айт-чи, менинг бузогиммисан?

### М а м и л л и й

Ҳа, подшоҳим, истасангиз бузогингизман.

### Л е о н т

Ўхшашлигимизни агар кўрсиналар, десанг,  
Сен шох чиқаришинг лозим. Бекордан-бекор  
Гап сотишар, иккимизни ўхшашади, деб.  
Бу хотинлар сафсатаси, уларга осон -  
Уйдирмалар тўқиб сотиш, лекин бари бир  
Улар уйдирмаси ҳатто сувдан, шамолдан,  
Ясама қош-киприк, ҳатто бўяма сочдан,  
Бирорларнинг бойлигига кўз олайтирган -  
Қиморбознинг соққасидан сохта бўлса ҳам, -  
Чин гап шуки, бола менга, ўзимга монанд.  
Хўш, яқинроқ кела қолгин, ўғлоним, қани,  
Кўзларимга тикил мовий кўзларинг билан,  
Менинг болагинам! Ўғлим! Менинг зурёдим! -  
Наҳотки у? Наҳот энди ўша урочи...  
Рашк ханжари, санчиласан юрагимга, оҳ!  
Бўлмас ишни бўлади, деб тушни, рўёни  
Кўз олдимда ҳақиқатта айлантирасан.  
Билолмайман, шунча ҳукми қудратинг қайдан?  
Багишлийсан ғира-шира шаршага келбат -  
Тамом, одам ҳалок бўлур. Пуч мавҳумотдан  
Аллам бало ясад, унга берасан умр.  
Мия заҳарланур, ақл оғатта тўлур...

### П о л и к с е н

Қирол нега хаёл суриб қолди?

### Ҳ е р м и о н а

Не бўлди?  
У ташвишли кўринади.

## П о л и к с е н

Нима гап, шоҳим?  
Нима бўлди, биродарим?

## Х е р м и о н а

Кайфингиз ўчиқ,  
Ранжигандай қўринасиз, менинг соҳибим.

## Л е о н т

Йўқ-йўқ, нелар демоқдасиз! Табиат гоҳо  
Назокату нафосатдан тўйиниб андак,  
Қаттиққўллик кўчасидан излайди эрмак.  
Мен ўғлимга термилганча худди шу асно  
Болалигим осмонига учдим хаёлан,  
Йигирма уч йил нарига қилдим саёҳат.  
О, у кунлар мен ҳаттоқи иштонсиз эдим,  
Ўйнар эдим тўқ зангори баҳмал нимчада,  
Ярқирадрў мўъжаз кумуш ханжарим белда.  
Тирнамасин учун уни тўрланган эди,  
Ахир ўйинчоқ ҳам баъзан хавфли бўлади!  
Қараб туриб ўйладимки, мен ҳам ўшанда  
Увоққина шу болага, шу қўнғизчага,  
Шу кичкина шумтакага ўхшарканман-да.

*(Мамиллийга)*

— Хўш, азамат дўстим! Ўсиб камолга етсанг,  
Ранжу ҳақоратта нечук жавоб қиласан?

## М а м и л л и й

Подшоҳим, мен жанг қиласман!

## Л е о н т

Шунаقا дегин!  
Ажаб саодатли эрур қисматинг сенинг!  
— Ҳа, дарвоқе, биродарим, айтинг сизга ҳам  
Ворисингиз, ўғилчантиз шундоқ шириҳими?

## П о л и к с е н

Ҳа, биродар мен уйимда бўлсам у менга  
Дунёдаги ҳамма нарса, севинч ва фирок,  
Ташвиш ўша. Тасаллийи даврон ҳам ўша,  
Дўсту душман ўша, аскар, аъён ҳам ўша,  
Унинг билан ёз куни қиши кунидан қисқа.  
Болаликнинг тамом сехру сафосидир у,  
Мени оғир хаёллардан халос этувчи.

## Л е о н т

Худди шундоқ менинг кичик баҳодирим ҳам.  
Биз, тушуниб ишларингиз муҳимлигини,  
Четланамиз, токи сизга етмасин халал.  
Ҳермиона олиймақом меҳмонимизга  
Мен учун лутф айлаб кўрсат муруватингни.  
Сицилия ўлкасида не азиз эҳсон.  
Ҳаммасига эга бўлсин бирдек беармон.  
Сен ва ўғлимдан сўнг менга азииздан азиз  
Шу биродаримдир.

## Ҳ е р м и о н а

Биз боқقا борамиз. Шоҳим сиз келасизми?  
Кутайликми?

## Л е о н т

Бораверинг истаган ёққа,  
Сизни ер остидан ҳатто топишими тайин.

*(Четта)*

Овчи айёр ва мувомбир, қушчалар ғоғил,  
Тўру тузоқ қўйилгандан улар бехабар.  
Бор, бора қол, қушим!

*(Поликсен ва Ҳермионанинг ортидан кузатиб)*

Қаранг, тумшуқчасию  
Лабларини уялмасдан чўзар у томон.

У ошкора шундоқ нозу карашма билан  
Эрни адаштиromoқ бўлар.

Поликсен Ҳермиона ва хос маҳрамлар, Мамиллий кетишиади  
Кетишиди тамом.

Менга йирик шох қўндириб кетишиди аммо..

Ўйна, болагинам, ҳозир онанг ҳам ўйнар.

Мен ҳам ўйнайпман, лекин менинг ўйиним,

Муқаррар бир ҳалокатдир, муқаррар ўлим,

Масхараю ҳуштак сўнгти насибам бўлар.

Ўйна, болам, ўйна! Ёки дадант гирт нодон,

Ёки уни жаҳаннамга итарар шайтон.

Эвоҳ, фақат менми? Балки шу дақиқада

Ўз ёрини кутаётир неча бор овсар.

Севар ёри боятина бошқа кимсага

Лутфу қарам эттанидан буткул бехабар.

Бехабардир, у эшикдан чиқиши билан

Ён қўшниси ўзини шу эшикка урган.

Ва бегона бир ҳовузда балиқлар овлаб,

Истаганча роҳат қилган, айшини сурган.

Тасалли шу фақат, кўплаб дарвозаларни

Қанча маҳкам бекитмагил - барибир очик.

Гар хотиннинг хиёнати номусга қўйса,

Ҳар учтадан бири ўзни осарди аниқ.

Лекин илож қанча! Қай бир машъум сайёра

Далла бўлиб разолатта етаклар фақат.

Ҳаволарни разолатдан заҳарлар ўша,

Ҳукмидадир шимол, жануб, мағриб ва машриқ.

Хулоса шу, қоринни сен бекитолмайсан:

Манъ эттанинг ғанимни у эшикдан қўяр,

Ғанимати билан кейин қўйиб юборар.

Менга ўхшаб не эркаклар бетоб, касалманд

Аммо лекин бехабардир ўзлари. - Ўслим,

Нима дейсан?

## **М а м и л л и й**

Дада, менга кўплар айтишган,  
Сен дадантга ўхтайсан деб.

### **Л е о н т**

О, бу қандай баҳт! -  
Камилло, сен шундамисан?

### **К а м и л л о**

Шундаман, шоҳим.

### **Л е о н т**

Сен-чи, болам, бора қолгин энди, ўйнагин.

Мамиллий кетади.

Олий меҳмон қарор қилди қолмоққа охир.

### **К а м и л л о**

Подшоҳим, кўндиридингиз уни ҳайтовур,  
Аммо лекин кўп талашди.

### **Л е о н т**

Сен пайқадингми?

### **К а м и л л о**

Ҳа, кетишим зарур, дея сўровингизга  
Худди кардек қулоқ осмай турди.

### **Л е о н т**

Ҳа, тўтри.

*(Четта)*

Пайқашибди. Ивир-шивир авжида балки:  
"Қиролимиз ундоқ..." Тағин авжланур ҳали,  
Мен бу чигал, тош тутунни ечмагунча то! -

Камилло, у не сабабдан қолди сенингча?

К а м и л л о

Марҳаматли маликамни ранжитмай деди.

Л е о н т

Нега энди "марҳаматли?" Малика холос,  
"Марҳаматли" деган номни қозонмоқ даркор.  
Ҳа, дарвоқе, борми яна соҳиби идроқ,  
Пайқаганларингни жилла пайқай олган зот!  
Сен балосан, идроклисан, дарров сезасан,  
Анави тош тўйкаладек меров эмассан.  
Соддадиллар қараб туриб, кўрмади лекин  
Ҳозир бўлганлардан фақат бир-икки киши  
Сезди, дейман, нима дейсан бунга, Камилло?

К а м и л л о

Подшоҳим, нега фақат бир-икки киши?  
Ҳамма билди: меҳмонимиз қолади.

Л е о н т

Нима?

К а м и л л о

Меҳмонимиз қолади.

Л е о н т

Хўш, нега қолади?

К а м и л л о

Сизни, яъни сизнинг олий рафиқангизни  
Хурсанд қилмоқ учун.

Л е о н т

А-ҳа, мана гап қайдা!  
Рафиқамни хурсанд қилмоқ учун. Кифоя!

Камилло, мен сенга очдим, сенга ишондим  
Қалбимни ҳам, салтанатим асрорини ҳам.  
Тавба қилган бир гуноҳкор каби қаршингда  
Дардим айтиб юрагимни бўшатиб олдим.  
Лекин сенинг пок вижданинг ила алдандим,  
Пок виждан деб атаганинг алдади мени.

### К а м и л л о

Шоҳим, нелар демоқдасиз, Худо сақласин!

### Л е о н т

Инсоф билан айтганда-чи, бир беномуссан,  
Чунки, номус елкасига қадайсан ҳанжар.  
Ҳақиқатни чалғитасан, адаштирасан.  
Қани, менга айт-чи кимсан: бепарво бир қул?  
Ё бўлмасам, жиноий бир ифлос ўйинни  
Ширин ҳазил деб аташга шай турган нодон?

### К а м и л л о

Шоҳим, бунга тайин жавоб беришим мушкул.  
Эҳтимолки, қўрқоқдирман, балки бепарво.  
Эҳтимолки, аҳмоқдирман, дунёда зеро,  
Беайб Парвардигор. Яна кўп ҳолларда-чи,  
Кўрқоқлигу аҳмоқликка бўйсунар киши.  
Аммо, лекин сизнинг бирор ишончнингизга  
Мен бепарво бўлган эсам - ўта ҳамоқат.  
Ҳамоқатлигимки - ақли қосирман фақат.  
Агарда-чи бирор ишда шубҳа-андиша  
Түғдирувчи қўрқоқликка йўл қўйган эсам,  
Бу қусурдан холи эмас, донишманлар ҳам.  
Ҳукмдорим, бу шундайин бир қусурларки,  
Ор-номусни фориғ тутиш улардан маҳол.  
Бироқ саҳв-хатойимни билмоқ истайман,  
Айтинг, ўша гуноҳимни юзимга солинг,  
Кўзларим то кўр бўлмаса номус-уятдан,  
Демак, зарра гуноҳим йўқ.

## Л е о н т

Жим бўл, Камилло!  
Бунда нелар кечганини наҳот кўрмадинг,  
Таҳқир этилганимни сен сезмадинг наҳот?  
Ё бўлмаса, кўзойнакни, кўрмаслик учун  
Қорайтириб таққанмисан бурнингга, ҳайҳот?  
Ёки эшитмадингми, а - шу аён гапни,  
Миш-миш гийбат қўярмиди - ўйлаб кўрсайдинг,  
Тушунардинг, ўзни мундоқ нодонга йўймай,  
Хотинимнинг менга қилган хиёнатини  
Ярамас қул, соҳибингта қалтираб онт ич,  
Каллам, миям, кўзим, балки қулогим йўқ, деб.  
Ё бўлмасам, хотинимни қанжиқ деб ата.  
Тўйдан олдин иффатини топшириб қўйган  
Суюқоёқ, бузук, дея атагил уни.  
Гапир, мен ҳақ эмасманми?

## К а м и л л о

Қасам ичаман,  
Бирор кимса подшоҳимнинг маликасини  
Шундоқ маломат эттанда қўймасдим омон.  
Ё Худойим, мен ҳеч қачон, сиздан ҳеч қачон  
Шундай номуносиб сўзни эшитмагандим,  
Кимки уни такрор этса - гуноҳи азим.

## Л е о н т

Хўш, бўлмаса шивирлашмоқ гуноҳ эмасми?  
Юзни юзга, лабни лабга суйкамоқ нима?  
Кулгу орасида сирли хўрсинмоқ нима?  
Хўш, хиёнат деган бундан ортиқ бўлурму!  
Суқилишиб, бир-бирининг пинжига кириб,  
Оёқ чалиштиришга ҳам шундоқ шай туриб,  
Ва фалакдан илтижолар айлаб, оҳ уриб,  
Қани, кундуз тунга тезроқ эврила қолса,  
Соат-лаҳза бўлса, деган ичикишлар-чи?

Ҳамманинг кўз олдида кўз уриштиришлар,  
Хўш, бу аён бузуқилик бекорми бари?  
Ундоқ бўлса, шу муқаррар олам-жаҳон пуч,  
Пучдир ўша Парвардигор, қодиру қаҳҳор,  
Бехудадир хотиним ҳам, Богемия ҳам!  
Ўзим пучман, мулки олам дегани бекор!

### К а м и л л о

Подшоҳим вақт борида бу тимқоронғу -  
Хаёлларни нари ҳайдант, бўлишсин бадар,  
Ахир, бунинг оқибати - хатардир, хатар.

### Л е о н т

Айтчи, мен ҳақ эмасманми?

### К а м и л л о

Подшоҳим, асло.

### Л е о н т

Йўқ, мен ҳақман, алдаяпсан мени, Камилло!  
Эй, сен, қўрқоқ алдоқчи, эй шум, хиёнаткор,  
Кимга хизмат қилмоқчисан - қани, айта қол! -  
Эзгуликками ё фаҳшу разолаттами?  
Хотинимнинг қони унинг ҳаёти каби  
Шундоқ ифлос, шундоқ жирканч, палид бўлсайди,  
Аниқ гапки, бир соат ҳам яшай олмасди.

### К а м и л л о

Уни йўлдан оздирган ким бўлдийкин?

### Л е о н т

Ўша -

Богемия қироли. Ҳа! Ўшанинг ўзи.  
Бўйнига нақ қўйл солгудай бўлиб фоҳиша,  
Үндан айрилгиси келмас, суйканар нуқул.  
Агар бўлса эди содик хизматкорларим,

Бу савдога аллақачон қўярди нуқта.  
Сен баковулбошим, сени ўз қўлим билан  
Гадолиқдан шу рутбага кўтарганин то,  
Ҳасрат-надоматларимни кўриб турибсан,  
Ерга боқиб, бор нарсани кўргандай само -  
Унга заҳар бериб, ишни осон айлагил,  
Уни ҳалок этиб, менга дармон айлагил!

### К а м и л л о

Подшоҳим, ишни ошкор этмаслик учун  
Аста таъсир айлагувчи оғу берайин.  
Аммо бу гашларга жилла ишонмоқ қийин,  
Иффат-диёнатда шундоқ ибратли бекам  
Наҳот шундоқ бўлса. Ахир, бир ўйлаб кўринг.  
Сизга меҳрим баланд...

### Л е о н т

Бўлди, чўзма, Камило!  
Ўйлайсанки, мен жйнниман ёки бир пасткаш,  
Ўз ёрига маломатни кўргувчи раво?  
Бир пастарин - уйқу-ором бағишлагувчи  
Ўз тўшаги поклиги ва ҳалоллигини  
Лой-балчиқда қорган, балки тиканлар билан  
Нина, жуводлизлар билан ёпган бедаво?  
Ўйлайсанки, ўз ўғлимнинг волидасини,  
Ўз ёримни беҳудага этаман таҳқир?  
Наҳот шунча жоҳил бўлсам, шунчалар сўқир?

### К а м и л л о

Не ҳам дердим, ишонаман сизга, ҳукмдор.  
Богемияликни гумон этаман аниқ.  
Лекин ўша даф бўларкан, рафиқангиздан  
Мехр дариг тутмагайсиз... Ўғлингиз ҳақи!  
Сиз бу билан кесардингиз гийбатларни ҳам,  
Бўғтонни ҳам.

## Л е о н т

Маслаҳатинг маъқул, Камилло.  
Мен ўзим ҳам истамасдим бу шармандалик  
Эл ичига ёйилсаю, овоза бўлса.

## К а м и л л о

Шоҳим, энди боққа кириб, уларга учранг,  
Очиқ чехра билан, ширин табассум билан.  
Худо шоҳид, агарда мен ўз қўлим билан  
Унинг косасига заҳри қотил солмасам,  
Майли, ишончингизга мен номуносибман!

## Л е о н т

Фақат шуни бажар, ёлғиз шуни бажо эт.  
Бажо этсанг, юрагимнинг ярми сеники.  
Бажармасанг, юрагингни оларман юлиб.

## К а м и л л о

ОНт ичаман, шоҳим.

## Л е о н т

Хайр, мен энди борай.  
Айттанингдай мен уларга учраб, ўзимни  
Қувноқ, сертакаллуф қилиб кўрсатай.

*(Кетади.)*

## К а м и л л о

Алам!  
О, нақадар, алам! Эвоҳ, шўрлик маликам!  
Ҳой, Камилло, ҳукмдоринг ҳукмин бажо қил!  
Қабоҳат қил, жиноятчи қотил бўла қол!  
Пасткашлигинг учун сени кўтармоқчи у!  
Подшокушлик қилиб шону шухрат қозонган  
Минглаб ному насабларни билганимда ҳам,  
Мен бу ишни қилмас эдим, қилмасдим асло.

Холбуки у қотилларнинг шум қилмишидан  
Ёдномадек бирорта тош, мармар сўзламас  
Қисматлари - унугилиш, сафолатдир, бас,  
Йўқ, бу ердан қочиш керак, қочиш вассалом!  
Бажо этсам - умр бўйи виждан ўч олар,  
Бажармасам - қирол олур қасос, интиқом.  
Ўзинг паноҳ бўлгин менга, толе юлдузим:  
Богемия подшоҳи келмоқда.

Поликсен киради.

### П о л и к с е н

Ажаб!  
Ўзи қол, деб қистадиу, ўзи хафаҳол.  
Бир оғиз ҳам сўз қотмади. - Салом, Камилло!

### К а м и л л о

Салом, аъло ҳазратлари.

### П о л и к с е н

Нечук хабарлар?  
Саройда не янгилик бор?

### К а м и л л о

Қарийб ҳеч нима.

### П о л и к с е н

Қирол хуноб, севимли бир вилоятидан  
Ёки азиз қўргонидан бўлгандай жудо.  
Биз эшикда тўқнаш келдик, мен салом бердим,  
Алик олиш қайда, ҳатто боқмади қиё,  
Ўтиб кетди қаршисига тикилганича,  
Лабларида таҳқирли бир киноя ўйнаб,  
Гўё таклиф этди менга чигал бир жумбоқ,  
Ечиш мушкул.

## К а м и л л о

Сабабини айтишим қийин...

### П о л и к с е н

Қийин? Демак, биламану айтишим қийин?!  
О, мен сиздан ўтинаман, этингиз ошкор.  
Ёки сизга аён бўлган ўша асрорни  
Айтишингиз жоиз эмас, айтолмагайсиз,  
Айтолмайсиз ҳаттоки ўз-ўзингизга ҳам.  
Хўш, нима гап? Камилло! Ҳа, рангингиз ўчди.  
Юзингизда мен кўзгудек кўраман аён  
Менга тегиш гап борлигин аниқ, бегумон.

## К а м и л л о

Ҳа, иллат бор, ҳаммамизни эттувчи абгор.  
Аммо уни айтолмайман, айтарман фақат,  
Ўша иллат сизни паноҳ тутмишдир, ҳазрат,  
Гарчи сопча-соғсиз.

### П о л и к с е н

Мени тутмишми? Иллат?  
Нима, кўзим аждаҳонинг кўзи эканми?  
Қараашларим инсонларга қайғу-аламмас,  
Севинч - иқбол келтиргани аён. Ажабо!  
Мен биламан, Камилло, сиз, олийжанобсиз,  
Бу фазилат сизга наслу насабдан эмас,  
Билим билан тажрибадан келган шубҳасиз.  
Сиздан ўтинаман, агар менга дахлдор  
Бирор нарса бўлса, уни айтингиз дарҳол,  
Ҳа, уни сир тутманг бундоқ сукут сақламанг!

## К а м и л л о

Айтолмайман!

### П о л и к с е н

Мен иллатнинг ўчориманми,

Гарчи сошпа-согман! Менга айтишинг даркор,  
Хой, Камилло, эшитдингми? Сендан сўрайман,  
Подшолигим - шу рутбаи унвоним ҳақи,  
Ор-номусинг ҳақи, менга жавоб бергайсан -  
Менга таҳдид этар нечук оғат-фалокат?  
Ўша оғат қайда? Магар яқинми, йироқ?  
Уни радди бадал этса бўлмасми ҳамон?  
Гар бўлмаса, курашмоққа йўқмидир имкон?

### К а м и л л о

Майли. Сўрадингиз мендан ор-номус ҳақи,  
Ор-номус соҳибига бераман жавоб.  
Шоҳим, менинг айттанларим бажо айлангиз -  
Дарҳол! Йўқса, иккимиз ҳам бўлурмиз хароб.

### П о л и к с е н

Хўш, Камилло, айта қол.

### К а м и л л о

У менга буюрди...  
Сизни заҳарлашни.

### П о л и к с е н

Ким - у?

### К а м и л л о

Қирол.

### П о л и к с е н

Нимага?

### К а м и л л о

У ўйлар, йўқ у кўп оғир қасамлар ичар  
Шу осмони муборакни ўртага қўйиб,  
Зино қилганмишсиз бизнинг малика билан,  
Ўзи беихтиёр шунга кўмаклашганмиш.

## П о л и к с е н

Зино қилганмишман! Менга кўмаклашганмиш!  
Ундан кўра томиримда чирисин қоним,  
Оlam аро хоин дея аталиб номим,  
Шараф эмас, мурданинг шум қўланса ҳиди  
Атрофимда юрсин, менга дуч келган дамлар -  
Нақ ўлатдан қочган каби қочсин одамлар.

## К а м и л л о

Ҳатто осмондаги ҳар бир юлдуз номига  
Қасам ичсангиз ҳам - фойда бермас қасамлар.  
Денгизни ҳеч қуруқликка эвириб бўлмас,  
Худди шундоқ, шоҳимизни қуршаган жунун  
Фақат унинг умри билан топажак якун.

## П о л и к с е н

Қандай қилиб бу фикрга борибди қирол?

## К а м и л л о

Билмадим, яхшиси ҳозир фурсат борида  
Бу балойи ногаҳондан қочмоқлик даркор.  
Муҳокамаларга машгул бўлишдан не наф.  
Агар ишонсангиз сидқу садоқатимга.  
Ўтинаман, ҳамроҳ қилиб олинг мени ҳам,  
Сизга гаров бўлсин менинг умрим, ҳаётим.  
Ҳаялламай бугун тунда қочайлик. Ўзим -  
Маҳрамларингизни воқиф эттайман, кейин  
Тайин йўлдан денгизга ҳам бошлаб бораман.  
Яхши бўлур икки-икки чиқсак шаҳардан.  
Менга Сицилия ери бегона энди,  
Сизникиман, сизнинг содиқ маҳрамингизман.  
Аждодларим номусига қасам ичаман,  
Ёлғон гапирмадим, бари айттанларим чин.  
Лекин яна гувоҳ, далил сўрар экансиз,  
Кутолмайман, иккимиз ҳам бўлурмиз ҳалок -  
Қирол сизни айламишdir ўлимга маҳкум.

## П о л и к с е н

Сенга ишонаман. Унинг юзу кўзидан  
Менга ҳамма нарса аён. Сен бундан буён  
Менга йўлчи-дарғадирсан энди умрбод  
Кўл ушлашиб боражаксан мен билан, иони.  
Сўқир жинни! Иономайди шундоқ санамга,  
Қанчалар кўр эса унинг савдойи рашки,  
Рашк ўтида ўзи қанча ёнса худписанд,  
Маликанинг малоҳати шунчалар баланд.  
У жаҳолат ичра ёниб хаёл айламиш  
Ки, мен дўсти келтирибман унга маломат.  
Шундан қўзимишdir унинг ғазаби. Даҳшат!  
Ё раб, сафаримиз бизга омад келтиргай,  
Ва бегуноҳ маликага бахш эттай мадад.  
Камилло, бўл, ошиқайлик, бошлагин мени,  
Умр бўйи падаримдек ардоқлай сени.  
Юр, қочайлик!

*(Кетадилар.)*

## ИККИНЧИ ПАРДА

### Биринчи саҳна

Сицилия. Саройда бир хона.

Ҳермиона, Мамиллий ва сарой хонимлари киришади.

### Х е р м и о н а

Оҳ, бу шумтакани бундан олинг! - Мамиллий,  
Ҳадеб сакрайверма, бас қил бошим оғриди!

### Б и р и н ч и ҳ о н и м

Бирор нима ўйнаймизми, юринг шаҳзодам,  
Аммо лекин қизиқ ўйин.

## М а м и л л и й

Йўқ, истамайман.

### Б и р и н ч и х о н и м

Истамайман?! Нега энди, менинг шаҳзодам?

## М а м и л л и й

Шундоқ ўзим. Мени дарров ўпа бошлайсиз  
Ва болага гапирғандек сўзлар қотасиз.

*(Иккинчи хонимга)*

Мана сиз бўлсангиз, мента кўпроқ ёқасиз.

### И к к и н ч и х о н и м

Шунақами? Нима билан?

## М а м и л л и й

Ўйламанг лекин,  
Менга ёқдан у зулукдек қошингиз эмас,  
Гарчи айтишади, қошинг камон бўлсаю  
Қалам билан чизилган ой ўроғи каби -  
Ингичка ҳам бўлса қора бўлгани соз деб.

### И к к и н ч и х о н и м

Сизга буни ким айттан?

## М а м и л л и й

Ким... эслаёлмайман.  
Хотинларни солиштириб ўзим билганман.  
Қошингиз қай тусда?

### Б и р и н ч и х о н и м

Кўм-кўқ, азиз шаҳзодам

## М а м и л л и й

Ҳазиллашяпсиз, чунки хотин зотининг  
Фақат, бурни кўм-кўқ бўлар, қошимас асло.

## Б и р и н ч и х о н и м

Қаранг! Маликамиз қандоқ тўлишиб борар.  
Фурсат етиб, пайдо бўлур жажжи шаҳзода.  
Биз ҳаммамиз кейин унга хизмат қиласиз.  
Шунда сиз-чи, қошимизга келиб мен билан -  
Ўйнанглар, деб ялинасиз бизга.

## И к к и н ч и х о н и м

Илойим,  
Маликанинг эсон-омон кўзи ёрисин.  
Ақволига қараганда ой-куни яқин.

## Х е р м и о н а

Ҳой, намунча ивир-шивир? - Бери кел, ўғлим,  
Мана бунда ўтири. Энди бир оз тузукман,  
Мен билан бўл. Менга бигта чўпчак айтиб бер.

## М а м и л л и й

Қувноқми ё қайгуими?

## Х е р м и о н а

Истаганингни.  
Йўқ, яхшиси қувноғини айта қол.

## М а м и л л и й

Нега?  
Қишига ярашади ахир ғамгин эртаклар.  
Жодугарлар ҳақида бир эртагим бор.

## Х е р м и о н а

Хўп.  
Ўтира қол, лекин роса келиштириб айт,  
Ажиб уйдирмалар билан ойингни қўрқит.  
Биласан-ку.

## М а м и л л и й

Бир бор экан, бир йўқ экан, бир...

## Ҳ е р м и о н а

Йўқ, сен аввал ўтири. Балли, энди бошлайвер.

## М а м и л л и й

Қабристон қошида бир гадо яшаркан...  
Эртагимни мен шивирлаб айтайин, ойи,  
Чирилдоқча уйғонмасин тағин, ухлабди.

## Ҳ е р м и о н а

Майли болам, қулогимга секин айта қол.

Леонт, Антигон ва сарой аъёнлари киришади.

## Л е о н т

Бандаргоҳга жўнадими? Маҳрамларию  
Камилло ҳам у биланми?

## Б и р и н ч и а ъ ё н

Сайдон ортида

Мен уларни учратдим, то кемаларига  
Етганлари қадар қараб, кузатиб турдим.  
Кўп шошилинч жўнаб кетди меҳмонларимиз!

## Л е о н т

Мен ҳақ эдим! Ҳаммасини кўриб турувдим!  
О, кошкийди, кўрмасайдим, пайқамасайдим,  
ЛАънатлайман ҳақлигимни, ҳақиқатимни!  
Май косага агар тушиб, чўкса ўргимчак,  
Уни ирганмасдан, ҳар ким сипқорар бешак.  
Лекин ўша газандани қадаҳ остида -  
Кўриб қолар экан, кўнгил айнайди ёмон,  
Қусиб қайд қиласди, ҳамма ичгани ҳаром.  
О, ўргимчак чиқиб қолди косамдан менинг.

О, уларга менинг тахтим, ҳаётим керак.  
Қул Камилло ўшаларга айламиш кўмак.  
Ҳақ эканман, буткул шубҳа-гумонимда ҳак.  
Ўз малайим тузлиғимга тупуриб, ҳайҳот,  
Огоҳ эттан хотинимни, Поликсенни ҳам.  
Аҳмоқ бўлиб қолаверди бу ёқда Леонт,  
Ҳа, уларга дарвозани ким очиб берди?

### Б и р и н ч и а ъ ё н

Камилло, бу, биласиз-ку, эски одати,  
Ҳар бир фармойиши гўё сизники эди.

### Л е о н т

Ҳа, бу менга аён, менга жуда ҳам аён.

*(Хермионага)*

Сен болани топширасан менга. Хурсандман,  
Ки сут эммагандир ўша сенинг сийнангдан.  
Гарчи, шубҳа йўқки менга ўхшашлиги бор,  
Лекин унда зиёдадир онанинг қони.

### Х е р м и о н а

Бу нимади? Ҳазилингми?

### Л е о н т

Олинг болани!

Мамиллийни олиб кетадилар.

Ойисига энди сира яқин келмасин.

Ойисига энди унинг қориндагиси -

Поликсеннинг жойлагани тасалли бўлсин.

### Х е р м и о н а

Ёлғон! Ёлғон! Ўлдир, лекин сўзимга ишон!  
Йўқ-йўқ, ишонишинг керак!

## Леонт

Келингиз ҳамма:

Маликага назар солинг, яхшилаб қаранг.  
Шубҳасизки, "тўзал!" дейсиз, ҳақиқий баҳо.  
"Афсус, нопок!" дей яна қўшасиз аммо.

Қандай қилиб, шубҳа-гумон қилмаслик мумкин:  
Сехру маломатта мафтун бўларканси, бас,  
Нимасини айтай! Дарҳол етишар нафас,  
Етишар бир совуқ нидо - аламингиз, "э-э..."  
Ва бошқаси қўллар уни "Ха, ҳа, шунаقا",  
"Ҳм, ҳмм", - дейди яна бири. Хўш, айтингиз-чи,  
Иффатига доғ солдирган шу бўҳтонлардан,  
Ёки шундоқ маломатли сўзлардан кейин  
"У топ-тоза, мусаффо" деб айта олур ким?  
Тўшпа-тўғрисини унга айтай: "Фоҳиша!"

## Хемиона

Энг ярамас, кazzоб менга шу сўзни айтса,  
Бирмас, икки карра қабиҳ бўларди ўша,  
Аммоқи сиз, менинг эрим, янглишмоқдасиз.

## Леонт

Йўқ, сиз янглишдингиз, менинг гўзал хотиним!  
Поликсенни Леонт билан адаштиридингиз.  
Сен, шаллақи! Сени яна бошқа ном билан  
Атамоқчи эдим, лекин хавотирим бор.  
Қўрқаманки, авом ибрат олиб подшодан,  
Қуюшқондан чиқиб кетиб, шоҳу гадони  
Дагал сўзлар билан бирдек камсита бошлар.  
Мен сизларга уни бузук, фоҳиша, дедим.  
Айтиб бердим унга яқин бўлган лайнни.  
Ва шуни ҳам билиб қўйинг: менинг хотиним,  
Риёкор Камилло, ўша ифлос қўшмачи  
Хиёнатда айбланурлар давлат олдида,  
У билганин бунинг иқрор этиши мушкул,  
Бунинг розилиги билан қочиб қолган ул.

## Xермиона

Йўқ, йўқ! Сизга онт ичаман ҳаётим билан!  
Ишонингиз ахир, булар бариси бўҳтон.  
Кейин уят-хижолатда қоласиз, шоҳим.  
Кейин қанча, хатойимга иқрорман, деманг,  
Менинг номим, номусимни оқдамоқ қийин.

## Леонт

Хатойимга иқрорман! Ҳа, мен хато қилдим!  
Пойдеворни қийшиқ олиб, кўтардим қўргон!  
Энди эътиқодим шуки, олам асоси  
Ўйинчоқнинг юкини ҳам кўтара олмас!  
Тез зинданга солинг уни! Агар кимда-ким  
Финг деса-чи, хиёнаткор аталур бешак.

## Xермиона

Қай бир ёвуз анжум, ёвуз юлдузлар тўпи  
Бошимизда ёнур. Керак сабр ила бардош,  
Охир шафқат қилур бизга фалак - бағри тош.  
Мен хотинлар кўз ёшига ётман, жаноблар,  
Лекин ҳайҳот агар ўша шабнам ёғмаса,  
Қўрқаманки, шафқатингиз қуриб қолади,  
Қайгу мени ўтдан олиб, ўтга солади.  
Бироқ мен тайёрман. Фақат, қатъий ҳукмингиз  
Ҳақ ва одил бўлсин худди виждонингиздай.  
Мен бош эгиб қирол фармонини кутаман.

## Леонт

(соқчиларга)

Мен сизларга фармон бердим.

## Xермиона

Менга ким ҳамроҳ?  
Аъло ҳазрат, сўрайдирман ижозатингиз,  
Дариг тутманг, ғарибга бир иноят каби.

Ўтинаман, маҳрамларим қошимга қўйинг,  
Ҳозир парваришни талаб этар аҳволим -  
Оҳ, сиз тентакларим! Йиғи, кўз ёши нечун?  
Мен агарда хиёнатчи, осий бўлсайдим,  
Ва ҳавоий бўлиб, чакки қўйсайдим қадам,  
Жоиз эди йигингиз ҳам, кўз ёшингиз ҳам.  
Қамоқни бир шарофатдек қабул этаман.  
Хайр, ҳукмдорим, хайр сизни ҳеч қачон  
Хафаҳол бир қиёфада кўрмоқчимасдим.  
Энди эса кўрмоқчиман, кўрмоқ - тилагим.  
Юринг, азизларим, бизга ижозат бўлди.

### Л е о н т

Йўқол! Ҳамманг беканг билан даф бўл!

Маликани соқчилар олиб чиқади, улар ортидан маҳрам -  
хонимлар чиқишиади.

### Б и р и н ч и а ъ ё н

Подшоҳим,  
Ўтинаман, маликани қайтаринг.

### А н т и г о н

Шоҳим,  
Ғазабга эрк берманг, йўқса қаҳрингиз бутун  
Улуғ бир фалокат бошлиб келиши мумкин -  
Биз учун, малика учун, шаҳзода учун.

### Б и р и н ч и а ъ ё н

О, ҳукмдор, олинг, менинг жонимни олинг,  
Худолар олдида, сизнинг олдингизда ҳам  
Маликамиз мусаффодир, ишонинг лекин.

### А н т и г о н

Шу гап агар рост бўлса-чи, мен хотинимни  
Отхонага қамайман ва ўзимга қўшиб,

Аравага қўшишга ҳам тайёрман, токи  
Ҳар дақиқа кўриб турай, суйканиб турай.  
Ўшаңда ҳам ишонишим гумондир, гумон.  
Йўқ, агарда маликамиз алдоқчи бўлса, -  
Хотинларнинг сўзи эмас, ҳар бир нигоҳи,  
Ҳар бир ҳаракати, олган нафаси ёлғон!

### Л е о н т

Ўтинаман, қизишманг!

### Б и р и н ч и а ъ ё н

О, раиятпаноҳ!

### А н т и г о н

Ўзимизга эмас, ахир сизга куямиз.  
Сизни алдамишдир қай бир ярамас, ғаддор.  
Унга лаънат бўлсин! Агар қўлимга тушса,  
Бўйнини шарт узар эдим! Наҳотки наҳот,  
Маликамиз шундоқ бўлса! Учта қизим бор:  
Каттаси ўн икки ёшда, ундан кичиги -  
Ҳадемай тўққизга тўлар, кенжаси - бешда.  
О, ишонинг, эшийттаним агар чин бўлса,  
Майиб-абгор эта қолай учовини ҳам,  
Улар ворисаларимдир, тоқатим борми -  
Тугилажак ҳароми, шум набираларга.  
Ундан кўра илдизимни ўзим қирқаман,  
Аямайман, зурёдимни гўрга тиқаман.

### Л е о н т

Бас, жим бўлинг! Сизлар ҳама сўқир, кўзи кўр,  
Менинг учун ҳамма нарса кун каби равшан.

### А н т и г о н

Ундоқ бўлса, ҳожат борми гўр қазимоққа,  
Магар номус деган нарса бу дунёда йўқ.

## Л е о н т

Ҳайҳот! Менга ишонишмас!

## Б и р и н ч и а ъ ё н

Афзал кўраман

Сизга эмас, ишонишса менга зиёда.

Сизга сўзим ёқмас, аммо менга хуш ёқар

Маликамиз ор-номусли бўлса дунёда.

## Л е о н т

Сизга нима хуш ёқади - ўзингизга тан.

Аммоқи мен сўзлаганда, этманг эътироҳ!

Баски, сизни муқаррибу маҳрам этибман,

Бу - мендаги раҳмдиллик белгиси, холос.

Билмадим, бу гўлликми, ё муғомбирликми,

Сизни ғофил этиб, бундай кўрликка солган?

Менга бундай муқарриблар ортиқ керакмас,

Тергов, мухокама, ҳукм ваколатини

Ўз зиммамга оламан.

## А н т и г о н

Мен истар эдимки,

Сиз яширин бажарсангиз бу ишни шоҳим,

Ва овоза этмасангиз.

## Л е о н т

Хўш, бу нимаси?

Ақлдан оздингми ёки гумроҳлигинг бор?

Мен уларга бир боқдиму тамом пайқадим.

Бекаму кўст далил учун - уларни энди

Фақат иш устида қўлга туширмоқ қолди.

Бас, ҳаракат айламоққа айладим қарор.

Бироқ шубҳаларга ўрин қолдирмай десанг,

Эҳтиёт бўл, кўзларингта ишонма зинҳор,

Шошқалоқлик бу ишларда балойи азим.

Шу сабабдан мен ҳозироқ киши юбордим  
Муборак Дельфа, Аполлон саждаоҳига,  
Чопарларим - садоқатли Клеомон, Дион.  
Бизга амри-фармойишин айтсин Оракул.  
Унинг ҳукми билан балки тиярман ўзни,  
Ё бўлмасам, бир йўласи этарман адо.  
Хўш, маъқулми?

### Б и р и н ч и а ъ ё н

Маъқул, шоҳим.

### Л е о н т

Билганим билган.  
Тахминларим тасдиғига йўқдир эҳтиёж.  
Аммо лекин оракул пок назари билан  
Берсин дейман ноқисларнинг ақлига ривож.  
Ноқисларки, фаросатсиз, тубан ва овсар,  
Очиқ-равшан нарсани ҳам кўра олмаслар.  
Маликани эса банди зиндан этамиз,  
Токи анув қочқинлардан олмасин ибрат.  
Юринг, очиқ маҳкамани тайин этамиз,  
Бу ҳаммани ҳаяжонга солади албат.

### А н т и г о н

(четта)

Оқибатда бўлар экан ҳақиқат ошкор,  
Кулавериб, кулгудан нақ ёрилиш ҳам бор.  
Кетишади.

## Иккинчи саҳна

Сицилия. Зиндан даҳлизи.

Паулина ва хизматкорлар киришади.

### П а у л и н а

Қани бўлинг, менга зинданбошини чорланг,  
Кимлигимни унга айтинг.

Хизматкор кетади.

Эвоҳ, маликам!

Бутун Европада сенга муносиб қаср  
Ёки сарой йўқдир - бироқ сен зиндандасан!

Хизматкор зинданчи билан қайтади.

Жаноб, маълумдирми сизга кимлигим маним?

### З и н д о н ч и

Аслзода, олиймақом, шавкатли хоним.

### П а у л и н а

Кўришмогим зарур ҳозир малика билан.

### З и н д о н ч и

Ҳеч кимсани қўймасликка фармон берилган.

### П а у л и н а

Баракалла! Ахир номус ва ҳалолликнинг  
Дўстлар билан кўришмоги бўлурми жоиз!  
Аммо ўтинаман сиздан, мумкиндири балким,  
Махрамлардан биттасини чорлаб берсангиз?  
Майли, қай бирини, балки Эмилияни.

### З и н д о н ч и

Бўлти, бошлаб келай сизга Эмилияни,  
Лекин хизматкорларингиз чиқиб туришсин.

## П а у л и н а

Сизлар чиқиб туринг.

Хизматкорлар чиқишиади.

## З и н д о н ч и

Марҳаматли сеньора,

Мен учрашув чоги бунда бўлишим зарур.

## П а у л и н а

Ихтиёрингиз, тақсиrim, тезроқ қимиранг.

Зинданчи кетади.

Мана буни бўёқчилик деса бўлади!

Оқни қора, ёлғонни чин кўрсатмоқчилар.

Зинданчи Эмилия билан киради.

О, азизим, салом! Айтинг, аҳволлар нечук?

Қайгуларга қандоқ бардош этар малика?

## Э м и л и я

Фарёд чекаётир шўрлик бефигон, беун,

Бундай ишга буюк қалблар қодирдир якка,

Аммо лекин асоратин кўрсатди ташвиш,

Муддатидан олдин енгил бўлди бояқиш.

## П а у л и н а

Нима туғди, ўтилми?

## Э м и л и я

Йўқ, жажжи қизалоқ!

Қизалоқки, қоши кўзи попукдек, дўмбоқ.

Уни алқаб, ўшиб, бекам топар тасалло,

Айтар сўзи фақат: "Шўрлик болагинам, оҳ!

Иккимиз ҳам зиндандамиз, икки бегуноҳ".

## П а у л и н а

Қиролимиз қилмишини күттарсинг вабо!  
Чин ҳақиқат сўзини у тинглаши лозим!  
Бу мушкулни аёл киши айлагай бажо,  
Агар унинг қаршисида тутилса тилим  
Қовжирасин! Ҳатто аччиқ ғазаб ичра ҳам  
Этолмасин ҳақиқатнинг сўзини изҳор.  
Ўтинаман, маликага етказинг алҳол,  
Ки ҳамиша фармонига ҳозир тураман.  
Магар бекам боласини менга ишонса,  
Қизалоқни отасига кўрсатардим мен.  
Маликани ёқлар эдим бор кучим билан.  
Қирол мурғак боласига назар ташларкан,  
Эҳтимолки юмшаб қолар. Биласиз, баъзан  
Маъсум, мурғак чақалоқнинг унсиз боқиши  
Ҳар қандайин сўзамоллик сехридан балаңд.

## Э м и л и я

Бекам, мардонасиз, мудом олийжанобсиз.  
Ниятингиз йўлдошингиз бўлсин илойим.  
Сарой хонимлари ичра сиздан бўлак ким  
Бу мушкулни осон этар? Бу ёқقا ўтинг.  
Айттанларингизни бориб хабар қиласман.  
Бекам ўзи ўйламишди бу ишни аввал,  
Кимга топширсам экан, деб ташвишда эди,  
Балки, рад этишар, деган андиша билан  
Эркакларга бу таклифни айтголмаганди.

## П а у л и н а

Эмилия, маликага етказинг шуни,  
Мен тилимга ишонаман, ишончим балаңд.  
Тилим оқил келиб, қалбим тепаркан бардам,  
Биз муқаррар қайирамиз қайсар қиролни.

## Э м и л и я

Тангри сизни паноҳида асрасин. Кетдим.  
Мен ҳозироқ жавоб олиб қайтаман, кутинг.

## З и н д о н ч и

Маликанинг боласини чиқарар бўлсам,  
Мени омон қўймагайлар, ишонинг, бекам.

## П а у л и н а

Бу жаҳолат! Ахир уни она қорнидан  
Озод эттан бирор эмас, қодир табиат.  
Қирол қаҳр-ғазабидан баланд турар у.  
Майли, атанг маликани осий, гуноҳкор,  
Аммо бунда чақалоқнинг нима айби бор.

## З и н д о н ч и

Тўғри, бекам.

## П а у л и н а

Сиз хотиржам бўлинг, сўрайман,  
Бир кори-ҳол бўла қолса - ёрдамга шайман.  
Кетишади.

## Учинчи саҳна

Леонт саройида бир зал.

Леонт, Антигон, сарой аъёнлари ва хизматкорлар киришади.

## Л е о н т

На кундуз, на кеча менда ором-қарор бор!  
Бу изтироб - заифликдир, ожизлик тамом.  
Агарда бу аламларга сабабчи бўлган.  
Хотинимни маҳв этсаму тупроққа қорсан,  
Рұҳим таскин топиб, балки оларди ором.

Гарчанд фосиқ қирол бизнинг қасосдан йироқ,  
Лекин менинг қўлимдадир анув фоҳиша!  
Сезаманки, ажалга ем бўларкан ўша -  
Фароратим қайтиб келар қалбимга мутлақ.  
Эй маҳрамлар!

### Б и р и н ч и х и з м а т к о р

Лаббай, шоҳим.

### Л е о н т

Хўш, ўғлим нечук?

### Б и р и н ч и х и з м а т к о р

У кечаси тиниб-тинчиб ётди, ҳукмдор,  
Тез орада тузалади, деган умид бор.

### Л е о н т

О, нақадар номуслидир, покдир бу бола!  
Онасининг маломати очилдию, бас  
Кўз ўнгимда сўниб борди нафас-банафас,  
Үйқу билан иштаҳасин тамом йўқотди,  
Фам-андухга ботди. - Мени қўя тур бу дам,  
Ўғлим нечук аҳволдадир, хабар ол илдам.

Хизматкор кетади.

Қирол хусусида ҳозир ўйламоқ бекор.  
У қудратли ғаним - ундан ўч олиш маҳол.  
Зўр давлатлар бари унга иттифоқчидир.  
Бас, интиқом соатимиз ортга сурилур.  
Аммо, лекин маликани қондирар қасос.  
Мени лақиллатдим, балки аҳмоқ қилдим, деб  
Кулаверсин Поликсен шум Камилло билан,  
Мен уларга кулишни бир кўрсатардим-а,  
Кўрадиган бўлди энди ёлғиз малика.  
Чақалоқ кўтариб, Паулина киради.

## Б и р и н ч и а т ё н

Кириш мумкин эмас.

### П а у л и н а

Бизни нари қувмасдан,  
Ичкарига киритсангиз, яхши бўларди,  
Сизга қай бириси қўрқинч, айтинг, жаноблар,  
Маликанинг заволими, қиролнинг қаҳри?  
Айтингт, қирол ғазабими азизроқ сизга,  
Ё бўлмасам, маликанинг шаъни-номуси?

### А н т и г о н

Бас қил, етар!

### И к к и н ч и х и з м а т к о р

У тун бўйи мижжа қоқмади.  
Сизни қабул қилмас.

### П а у л и н а

Тақсир, хотиржам бўлинг!  
Мен қиролга оромини қайтиб бераман.  
Сизлар унинг атрофида соядек юриб,  
У оҳ чекса, оҳ чекасиз - нечук ухласин?  
Мен эсам-чи, тамкин билан, ҳақиқат билан  
Шоҳнинг қайгу-ҳасратини қувай деб келдим.

### Л е о н т

Хўш, у ёқда нима шовқин?

### П а у л и н а

Шовқинмас, шоҳим.  
Ким қудагай бўлур сизга деган мазмунда  
Жиндак мунозара қилдик.

### Л е о н т

А, нима! Нима?

Йўқол, ифлос! Йўқол! Келган йўлингта жўна! -  
Хой, Антигон, қаёқдасан? - Айтиб эдим-ку,  
Остонамга йўлатма, деб.

### А н т и г о н

Шоҳим, неча бор  
Айтганларингизни унга айладим изҳор,  
Таҳдид қилдим қаҳрим билан, қаҳрингиз билан.

### Л е о н т

Хукминг ўтмадими?

### П а у л и н а

Шоҳим, ҳукми ўтади.  
Тақиқ этар экан гарлиқ, беномусликни.  
Аммо лекин ору номус ҳимоясида -  
Токи у ҳам марҳаматли шоҳимга ўхшаб,  
Хотинини банди зиндан айламас экан, -  
Менга буйруқ беролмайди, ҳукми ўтмайди.

### А н т и г о н

Шоҳим, кўрдингизми? Узди жиловини, бас,  
Энди уни отингиздек тўхтатиб бўлмас!

### П а у л и н а

Улур ҳукмдорим, менинг арзимни тингланг,  
Садоқатли чўри бўлиб, содиқ дўст бўлиб,  
Ҳозиқ ҳаким бўлиб келдим ҳузурингизга, -  
Йўқ, хушомад айламайман бошқалар каби,  
Лекин асл ҳақиқатни изҳор этаман:  
Подшоҳимнинг олийжаноб рафиқалари  
Олампаноҳ ҳукмдорга салом йўллади.

### Л е о н т

Подшоҳимнинг олийжаноб рафиқалари?!

## П а у л и н а

Шундоқ, шоҳим! Керак бўлса, юз бор айтаман:  
Подшоҳимнинг олийжаноб рафиқалари!  
Агар эркак бўлганимда қиличим билан  
Исбот этар эдим буни.

## Л е о н т

Йўқол бу ердан!

## П а у л и н а

Яқинлашманг, кўзингизни ўйиб оламан!  
Бор гапимни айтай, кейин кетаман ўзим.  
Олийжаноб рафиқангиз - такрор айтаман:  
Олийжаноб - ўша сизга қиз туғиб берди,  
Чақалоқни дуо қилинг энди, подшоҳим.

*(Чақалоқни ерга қўяди.)*

## Л е о н т

Йўқол, шум қўшмачи, ёвуз жодугар, йўқол!

## П а у л и н а

Ҳукмдорим, бехабарман жодугарликдан.  
Яна ўзга кирдикорим - сизга қоронгу.  
Мен қанчалар ҳақ эсам, сиз шунча ноҳақсиз,  
Ноҳақ гумон кўзингизни кўр қилмиш, ёху.  
Бу дунёда ҳалол дея ном чиқармоқقا  
Шунинг ўзи бас эмасми, шоҳим?

## Л е о н т

Хоинлар!  
Ҳайданг уни! Олиб кетсин ҳаромисини!

*(Антигонга)*

Сен, лапашанг, нега оғзинг очиб турибсан!  
Ол, бу ердан ҳаромини ол, дедимми, ол!  
Олиб, алвастига топшири.

П а у л и н а

(эрига)

Қўлинг тегизма!

Таҳқирланган маликага кимки қўл урса,  
Умр бўйи лаънатларга кўмилур ўша!

Л е о н т

(Антигонни қўрсатиб)

Хотинидан қўрқади!

П а у л и н а

Оҳ, сиз ҳам агарда

Жиндак чўчисангиз борми хотинингиздан!  
Шубҳа йўқки, болангизни танир эдингиз.

Л е о н т

Хоинлар!

А н т и г о н

Мен онт ичаман, хоин эмасман.

П а у л и н а

Мен ҳам хоинмасман, қўкка эттум қасамёд!

Орамизда қирол ўзи - ягона хоин:

У ўзи ва маликанинг ор-номусини,

Фарзандлари номусини, шон-шавкатини

Бекорчи бир уйдирмага қурбон айлади.

Ҳа, у истамайди - мана, кўриб турибман,

Ҳамма бало унинг ёвуз қайсарлигида, -

Ҳақиқатта тик боқиши истамайди у!

Л е о н т

Оҳ, сен олашақшақ! Уйда эрингни уриб,

Эл олдида хўжайинни чўқиб оласан!

Поликсеннинг олқиндиси менга не даркор, -

Қуриб кетсин онаси ҳам, ҳаромиси ҳам!  
Иккисин ҳам ўтда ёқинг!

### П а у л и н а

Бу қизингиз-ку!  
Ўз қизингиз ахир, худди айттанларидаи:  
"Шу қадар ўхшашки, боқсанг, кўнглинг айнийди!"  
Бу сиз ахир, кичрайгансиз ҳажмда фақат:  
Кўзи, бурунчаси, ҳатто қош чимириши,  
Очиқ пешонаси, кейин жилмайиши ҳам,  
Қўлчалару бармоқчалар - ҳамма-ҳаммаси! -  
Эй сен, қодир Худойимиз, она табиат,  
Шу гўдакка юрак ато этар экансан,  
Дунёдаги бор рангларни аяма, ишлат,  
Фақат саригини қолдир, сарик телбалик  
Сололмасин юрагига бекорчи ҳадик:  
"Болаларим эримданми, эримданмасми?"

### Л е о н т

Вой, лаънати! - Эй сен, қари овсар, шу замон  
Хотинингни оғзини ёп, агар ёпмасанг,  
Худди дорга осиласан!

### А н т и г о н

Мендақаларни  
Дорга осаверса агар, сўрамай-нетмай,  
Дунё бўшаб қолади-ку.

### Л е о н т

Ҳайдангиз уни!

### П а у л и н а

Йўқ-йўқ, ўша эр деганинг энг пасткаши ҳам  
Шунчалар паст тушмас эди, шунчалар тубан.

### Л е о н т

Амр этаман, сени ўтда ёқишади, бас!

## П а у л и н а

Мен қўрқмайман. Ахир, ўтда ёнувчилармас,  
Ўтда ёқишигандар - элда саналур осий.  
Сизни золим деб аташта тилим бормайди,  
Аммо лекин уйдирмаю бўғтонларингиз,  
Маликага этган жавру бедодларингиз  
Сизга иснод бўлиб тушар, ўшалар сизни  
Эл наздида золим қилас.

## Л е о н т

Ҳайдантиз уни!  
Кимки менга содиқ эса, уни ҳайдасин!  
Агар золим бўлганимда, тирик турмасдинг,  
Тилингта эрк бермас эдинг шунчалар. Йўқол!

## П а у л и н а

(Хизматкорларга)

Яқинлашманг! Бу даргоҳдан ўзим кетаман!-  
Шоҳим, сиз шу чақалоққа бир назар ташланг:  
Ўз қизингиз ахир. -Қодир тангри Юпитер,  
Унга ўзинг паноҳ бўлгин. - Қўлингиз тортинг!  
Хушомадгўйларсиз! Яна эркаклар эмиш!  
Унга яхшиликни сира кўрмайсиз раво,  
Ҳа, ҳа, ҳеч бирингиз. Энди, хайр. Мен кетдим.

(Кетади.)

## Л е о н т

Сен бу ёсуманни шайлаб келгансан, хоин.  
Келтиргани қизим эмиш! Даф қил, улоқтири!  
Агар унга шунча меҳр-шафқатинг бўлса,  
Олгин-да, ўз қўлинг билан оловга ташла.  
Бу фахрли вазифани сенга юклайман,  
Ҳа, ҳа, фақат сенга, бошқа бировга эмас.  
Қани, тезроқ жўна, фармон бажарилди, деб  
Худди бир соатдан кейин ҳисоб берасан.

Ҳа, билиб қўй, айтганимни топ-тоза бажар,  
Йўқса, ўзинг ва ана у ёсуманингни  
Балоларга ем қиласман, насибанг - ажал.  
Жўна! Менга чап беришни асло ўйлама,  
Магар чап бермоқчи бўлсанг, айта қол дарров.  
Токи анув ҳаромини ўзим даф этай.  
Йўқ! Йўқ! Хотинингни шайлаб келганинг учун  
Уни ўзинг ўтта ташла. Мана шу - ҳукм.

### А н т и г о н

Менинг сира гуноҳим йўқ.

*(Аъёнларга)*

Ахир айтинглар,  
Олийжаноб афандилар.

### А ъ ё н л а р

Айттани тўгри.  
Хотинини киришга у қўймади.

### Л е о н т

Ёлғон,  
Сиз ҳаммангиз алдоқчисиз, риёкорларсиз.

### Б и р и н ч и а ъ ё н

Сиздан ўтинаман, бизга ишонинг, шоҳим,  
Хизмат қилмоқдамиз сидқу садоқат билан.  
Пойингизга бош қўямиз, сўраймиз сиздан,  
Сизга қилган садоқатли хизматлар ҳақи,  
Ушбу ҳукми-фармойишни бекор қилингиз.  
У жуда ҳам бешафқатдир, воят беомон,  
Оқибати даҳшат бўлур, бўлур пушаймон.  
Биз ҳаммамиз ёлборамиз!

### Л е о н т

Мен сизга нима,  
Бир ҳасмидим, шамолларинг измида юрган!

Кутайинми, токи ўсиб-униб бир куни.  
Шу ҳароми "ота" дея атасин мени!  
Ундан кўра ҳозир ўтда ёққаним афзал.  
Кейин афсус бефойдадир. Шундоқ бўлса ҳам,  
Майли, ўша яшайверсин. Бўпти, розиман,  
Бари бир ҳам унинг яшаб қолиши гумон.

*(Антигонга)*

Яқинроқ кел. Сен у доя хотининг билан  
Шу болани қутқармоққа жуда орзуманд.  
Хўш, бу йўлда сен нечук бир хизматта қодир?

### А н т и г о н

Неки қўлдан келса, шоҳим, барига ҳозир!  
Ор-номусим буюрганни айлагум бажо!  
Бола омон қолсин, жоним фидо этаман, -  
Уни нима қутқазади, айтинг?

### Л е о н т

Айтаман!  
Аввал мени қиличимга қасамёд айла!

### А н т и г о н

Қасамёд қиласман шоҳим!

### Л е о н т

Ёдингда сақла!  
Фармонимни бажо айла, бажо этмасант,  
Ўлим кутар ўзингни ҳам, хотинингни ҳам.  
Унинг гуноҳидан, майли, кечдим бир карра.  
Сенга, хизматкоримизга фармонимиз шул:  
Бу ҳароми чақалоқни олиб ҳозироқ,  
Бизнинг мулку мамлакатдан кеттайсан йироқ.  
Йўлар босиб, манзил ошиб адир-ла, дашт-ла,  
Уни тақдир, табиатнинг қўлига ташла.  
Тасодифан туғилган у, тасодиф тағин -

Ўладими, қоладими - ўзи ҳал қилсин,  
Ол.

### А н т и г о н

Яхшироқ бўйур эди унга минг чандон  
Гар ҳозироқ ўлдирилса, лекин амрингиз  
Бажаришта онт ичаман. - Кетдик, болажон.  
Эҳтимолки, фаришталар инояти-ла  
Сенга емиш тутар ваҳший қарға-қузгуналар.  
Эшиттанман, бўрилар ҳам ўзни унутиб,  
Сендеқ норасида жонга муруват қиласар.  
Шоҳим, бахту иқболингиз доим ёр бўлсин,  
Гарчанд бу ишингиз сизга муносиб эмас. -  
Уҳ, бояқиши, ҳалокатта маҳкумсан, нетай,  
Ё раб, қисмат ўзи сени ҳимоя эттай.

*(Кетади.)*

### Л е о н т

Бегонанинг қизи менга не керак!

### Х и з м а т к о р л а р

Шоҳим,  
Хабар қилишдики, бунда бир соат бурун  
Дион билан Клемон қайтмиш Дельфадан.  
Оракулнинг жавоби-ла тушиб кемадан,  
Улар ҳозир пойтахт сари ошиқмоқдалар.

### Б и р и н ч и а ъ ё н

Тезда қайтишибди.

### Л е о н т

Улар кетгандан бўён  
Йигирма уч кечакундуз кечди орадан.  
Демак, бизга тутал гапни, бор ҳақиқатни  
Ошкор этмоқчиидир қодир тангри Аполлон.

Тайёрланинг! Жам бўлишсин акобир, аъён.  
Токи ўша хиёнаткор хотин туриб шай,  
Жумла эл олдида бир-бир сарҳисоб бергай.  
Уни ошкор айبلاغанман, кўнгиллар тўлур,  
Муҳокама очиқ, ҳукм ҳаққоний бўлур.  
Менга ҳаёт йўқдир ўша тирик экан то,  
Қани, ҳамма юрсин! Амрим айлантиз бажо!  
Кетадилар.

## УЧИНЧИ ПАРДА

### Биринчи саҳна

Сицилия портида бир кўча.  
Клеомен билан Дион киради.

#### К л е о м е н

Ҳамон кўз ўнгимда ўша яшнаган диёр.  
Мармар ҳаво, чаманзорлар қўйнида танҳо  
Қад кўтариб турган улуг ибодатхона.

#### Д и о н

Оппоқ муҳит ичра заррин-зангари тусда  
Коҳинларнинг устидаги жуббаю ридо.  
Ва Аполлон шарафига тоат, нидолар,  
Дабдабали қурбонликлар, зикри-самолар,  
Дарҳақиқат, ҳар қадамда буюк тантана!

#### К л е о м е н

Ҳам Оракул-авлиёning қалдироқ каби  
Еру кўкка ларза солган ҳайқириқ саси!  
Мен ўзимни шундай увоқ, ожиз сездимки!

#### Д и о н

Худоларга ялинаман, зиёратимиз

Бизга шунча завқу сафо келтирганидай,  
Илоҳимки, маликага нажот келтиргай,  
Шунда бу сафарни чиндан сафар дегаймиз.

### К л е о м е н

Ўзинг уни паноҳингда асра, Аполлон,  
Ҳермионани суд қилиш менга хуш эмас.

### Д и о н

Воқеалар шитоб билан югуришар, бас,  
Тунни қувиб, қабоҳатта чек қўяр замон.  
Ибодатхона муҳри-ла тасдиқ этилиб,  
Олий коҳин қўлимизга ўзи топширган  
Оракулнинг жавобини ўқишар экан,  
Зулматни нур ёритади албатта, ионон.  
Фурсат етди. Тингла, карнай чалар жарчилар,  
Неъматини аямасин биздан тангрилар.

Кетишади.

### Иккинчи саҳна

Сицилия. Маҳкама зали.

Леонт, аъёнлар ва ҳакамлар киришади.

### Л е о н т

Биз юракда чуқур қайғу-надомат билан  
Бошлимиз бу суд, маҳкама маъракасини.  
Қирол қизи, давлатимиз маликасини  
Қора қилмишлари учун айбдор санаймиз.  
Зеро, ҳеч ким бизни энди золим деёлмас,  
Ишни олий ҳакамларга топширамиз, бас,  
Олиб киринг, ё оқлансан бир йўла ошкор,  
Ёки қораланиб, бўлсин жазога дучор.

## X а к а м

Қирол фармонига кўра, малика ҳозир  
Олий суд олдида бир-бир жавоб беради.  
Тингчланинглар!

Ҳермиона Паулина ва бошқа хос хонимлар билан киради.

## Л е о н т

Айбномани ўқинг!

## X а к а м

(Ўқийди.)

"Сицилия қироли, шавкатли Леонт рафиқаси Ҳермиона, сен давлатта хиёнат қилиб, Богемия қироли Поликсен билан мунофиқона алоқа этишда, Камилло билан тил биректириб, улут ҳукмдоримиз олиймақом умр йўлдошинг ҳаётига суиқасд тайёрлашда айбланасан ва жавобгарликка тортиласан, шум ниятинг қисман очилиб қоларкан, сен, Ҳермиона, ўз хотинлик ва фуқаролик бурчингга хилоф ўлароқ, жиноятчиларни тун маҳали қочиб қутулишларига маслаҳат ва амалий ёрдам бергансан".

## Ҳ е р м и о н а

Нима дердим? Қўйилган бу айбларни фақат  
Алам-изтиробга тўлиб, этажакман рад.  
Аммо ҳақлитимнинг тугал исбот учун  
Бирор гувоҳ кўрсатишм сизларга қийин.  
"Гуноҳим йўқ!" дейишимдан нима фойда бор,  
Ким ишонар менга? Сиз-ку, жаноблар, алҳол  
Самимиyllигимда риё кўрмоқ бўласиз,  
Агар одил эса чиндан тангриларимиз,  
Бунга ҳеч шубҳа йўқ! Мусаффолик, ҳалоллик  
Устун келиб, мағлуб бўлур бу ерда бўхтон.  
Ҳақ-ҳақиқат ҳақсизликни енгар бегумон.  
Ҳукмдорим, ўзингизга кундай равшан-ку

(Ахир бошқаларнинг бунга нима дахли бор?)  
Қанча покдир, покизадир менинг ҳаётим,  
Илгари у қанча софу мусаффо бўлса,  
Эндиликда эса шунча лаънатта дучор.  
Қайси солномада, эртак ё афсонада  
Айтинг, топажаксиз яна шундоқ бир мисол:  
Ки мен подшо қизи, яна шоҳ рафиқаси,  
Яна азиз шаҳзодага она бўлсаму  
Суд олдида туриб, бўҳтон, уйдирмалардан  
Номус билан ҳаётимни ҳимоя қилсан...  
Ҳаётимга ачинмайман. Тириклик - азоб,  
Уни тарк этишга ҳатто ҳозирман шу тоб.  
Номусимни мен ҳимоя эттум ҳамиша,  
Чунки фарзандларга асл меросим ўша.  
Подшоҳим, изн беринг, виждонингизни  
Шоҳид этиб, берай сизга бир-икки савол:  
Ахир, хонадонимизга ўша Поликсен  
Иzzатли бир меҳмон бўлиб келмасдан бурун  
Менга лутфу қарамингиз зиёда эди.  
Мен меҳмонни кутарканман айтинг, не бўлди?  
Янглишдимми, магар гуноҳ қилиб қўйдимми?  
Агарда мен номус, ахлоқ доирасидан  
Чиқиб, зарра маломатта йўл қўйтан эсам,  
Майли, юрагингиз чиндан тош бўлаверсин,  
Майли, қабр тупроғимга ўғлим тупурсин.

### Л е о н т

Мен биламан: осий деган беномус бўлар,  
У айбини тан олмайди, инкор этади.

### Ҳ е р м и о н а

Сўзингиз ҳақ, шоҳим, аммо бу ҳақиқатнинг  
Менга не дахли бор?

### Л е о н т

Демак, иқрор эмассан?

## Ҳ е р м и о н а

Иқрордирман, ҳақиқатдир саройингизда  
Шириңсухан, иффатли бир бека бўлганим.  
Яна ҳақиқатдир, олий меҳмонингизни  
Қоидага кўра, иззат-икром қилганим.  
Шоҳим, унга лутф-карам айладим пича,  
Лекин бари меъёрида, сиз буюрганча,  
Ўзгача бир муомала этсайдим агар,  
Эҳтимолки, аталардим: кўрнамак, ўжар.  
Хуш келмасди бу сизга ҳам, Поликсенга ҳам.  
Чунки, болаликдан сизга дўсти бокарам.  
Ҳатто бирга-бирга ўйнаб тилингиз чиқсан.  
Мени фитначи, деб қўйган айбингиз бор-ку,  
Шундоқ бир ҳамоқат, шундоқ нодонликки бу -  
Уни не деб аташни ҳам билмайман, рости.  
Лекин биламанки, ўша Камилло чиндан  
Номусли ва ҳалол эди, комил бир инсон.  
Нега қочди, буни ёлғиз Худойим билар,  
Бу жиҳати қоронгудир менга, ҳукмдор.

## Л е о н т

Ёлғон! Ўшаларга мадад айлаган ҳам сен,  
Бунда қолиб, қулав фурсат пойлаган ҳам сен.

## Ҳ е р м и о н а

Шоҳим, сизни тушунмайман, жунунингизни  
Синдиришим қийин менинг, жуда ҳам қийин.  
Майли, ола қолинг, сизга жоним берайин.

## Л е о н т

Билсанг, сенинг кирдикоринг - жунуним менинг!  
Наҳот, менинг жунунимни қўзғотур наҳот,  
Поликсендан орттирган у ҳароми қизинг!  
Сен ўзингга ўхшаш анув зотларга монанд  
Уятни-ку унуттансан, ҳақиқатни ҳам.

Иқрор бўлмай, оёқ тираб олиш - бефойда!  
Фармон бердим ҳаромингни улоқтиришга,  
Отаси-ку қочиб қолди, аммо сен эсанг  
Ундан неча карра кўпроқ осийсан, лайн  
Бас, адолат буйругига бўйин этгайсан  
Ва ўлимни мукофот деб қабул эттайсан.

### Х е р м и о н а

Менга бундоқ таҳдидингиз беҳуда, шоҳим.  
Ўлим билан қўрқитмоқчи бўласиз - бекор,  
Ахир ўлим - қутулишдир ҳаётдан, ёҳу,  
Ҳаёт эса менга - алам, оғриқ ва азоб.  
Мен ҳаётда бой берганим энг олий қувонч -  
Мендан дариг туттанингиз муҳаббат, ишонч.  
Нега дариг тутмоқдасиз, менга қоронғу.  
Яна битта саодатим - ўғлим эди, у  
Амрингиз-ла мендан тамом тўсиб қўйилган.  
Яна битта баҳтим шўрлик кенжা фарзандим,  
Манглайи шўр экан, эвоҳ, толеи забун,  
Мурғак қалби билан бугун ўлимга маҳқум.  
Маломатлар тоши билан озурдаман, хор,  
Бола туғиб, бир дам ором-фароғатим йўқ,  
Она бўлгандарга лойиқ ҳаловатим йўқ.  
Мени касал ҳолим билан шу совуқ кунда  
Қошингизга келтирдилар. Айтингиз, шоҳим,  
Мен ҳаётдан тагин нима кутишим мумкин?  
Ўша ўлим деганингиз қўрқинчлимикин?  
Ва лекин мен номусимни ҳимоя этгум.  
Магар шучак шубҳаларга суюниб ёлғиз,  
Мени ҳеч далилсиз айбдор этар экансиз,  
Бу бир зўравонлик, аммо адолат эмас,  
Шунинг учун ҳукмдорим, сўрайдирман, бас,  
Бу йиринда Оракулнинг сўзи ўқилсин,  
Қисматимга ҳакам фақат Аполлон бўлсин.

## Б и р и н ч и а ъ ё н

Менимча, бу жуда тўғри, ҳаққоний талаб.  
Тангри Аполлон шаънига айтиб санолар,  
Оракулнинг жавобини ўқингиз.  
Маҳкама ҳайъатидан айримлари кетишади.

## Х е р м и о н а

Отам -

Рус подшоси эди. Агар тирик бўлганда  
Қизининг бу аҳволини кўриб, ўларди.  
Қасос қаҳри билан эмас, ғазаб биланмас,  
Қайғу-алам билан юрак-бағри тўларди.

Маҳкама ҳайъати Дион ва Клеомен билан қайтиб киришади.

## Х а к а м

Адолатнинг қиличига қасамёд қилинг.  
Сен, Дион, сен, Клеомен Дельфада бўлиб,  
Авлиёмиз Оракулдан жавоб олдик деб,  
Мактуб сурғучланган, маҳкам мухрли эди,  
Уни бизга олий коҳин чиқариб берди.  
Шу муқаддас мухрни биз сира бузмадик  
Ва буюк асрорга дахл айламадик деб.

## Д и о н в а К л е о м е н

*(birg'a)*

Қасамёд қиласиз.

## Л е о н т

Муҳр бузилсин, мактуб ўқилсин.

## Х а к а м

*(Ўқийди.)*

"Хермиона - соф, покдомон. Поликсен - бегуноҳ. Камилло - содиқ хизматкор. Леонт - рашкчи мустабид. Унинг

маъсум гўдаги - қонуний. Йўқоттанини топмагунча қиролда меросхўр бўлмайди".

### А ъ ё н л а р

Шукур, даргоҳингта шукур, қодир Аполлон!

### Х е р м и о н а

Шукур, даргоҳингта шукур!

### Л е о н т

Тўғри ўқидингми?

### Х а к а м

Ҳа, тўғри ўқидим, шоҳим, аник, сўзма-сўз.

### Л е о н т

Ўқиганинг тўғри эмас, сўзма-сўз ёлғон.

Суд ишини тутатмайди!

Хизматкор киради.

### Х и з м а т к о р

Кечиринг шоҳим!

Марҳаматли шоҳим!

### Л е о н т

Гапир, нима тап?

### Х и з м а т к о р

Шоҳим,

Қайгу-алам элчисига ғазаб айламанг!

Маликанинг қисматига чекиб изтироб,

Қайгу ва қўрқувга боттан ўғлингиз ҳамон...

Шаҳзода...

### Л е о н т

Хўш, гапирсанг-чи!

## Хизматкор

Таслим этди жон.

### Леонт

Ё қудратли фалак! Мендан кўрлигим учун,  
Осиyllигим учун қасос олур Аполлон!

Ҳермиона ҳушидан кетиб йиқилади.

Нима бўлди?

### Паулина

Қора хабар айлади адо,  
Ажал фариштаси балки бошида пайдо.

### Леонт

Эвоҳ, оғир зарба! Уни олиб чиқингиз,  
У ҳушига келар. Ҳайҳот, нега инондин  
Сўқир шак-шубҳага! Сизга илтижо этгум,  
Уни қутқаринглар, унга ёрдам берингиз.

Паулина ва хонимлар Ҳермионани олиб чиқишади.

Мени кечир, мени кечир, тангри Аполлон!  
Осиyllигим учун кечир! Поликсен билан  
Мен тиклайман дўстлик меҳр-оқибатини.  
Рафиқамни маҳбубам деб атайман яна.  
Шавкатли ва садоқатли Камиллодан мен  
Тизза чўкиб, гуноҳимга сўрайман узр.  
Рашк ўтида мен шунчалар ёнибман хунхор  
Ки дўстимни заҳарлашга фармон берибман.  
Лекин Камиллонинг тиник ақли, идроки  
Ўлим, инъом қаршисида довдирмаган.  
У эзгулик билан, тиник туйғулар билан  
Тошар экан, Поликсенга ниятим очган.  
Бойлик-бисотини ташлаб жўнаган-қочган,  
Ўзни қисмат ўйинига этган ҳавола.  
Ярқироқ бир олмос эрур унинг ҳомуси,  
Менинг кирдикорим эса аянч, қоп-қора!

Паулина киради.

### П а у л и н а

О, нақадар алам! Алам! Йиртинг кўйлагим,  
Бўлмаса, тарс ёрилади ҳозир юрагим!

### Б и р и н ч и а ъ ё н

Хоним, сизга нима, бўлди?

### П а у л и н а

Бағритош золим!

Қанча қийноқларинг бўлса, ёғдир, аяма,  
Дорга тортасанми ёки ўтга отасан?  
Ёки қовурасан қайнаб турган қозонда?  
Ҳар бир сўзим қўрқинч азоб-уқубатларга  
Лойиқ экан, қўлингдан не келарди яна?  
Рашк ўтида ёниб, қўрқинч бағритошлиқ-ла  
Сен бир нодон бола каби қўрсатган ҳунар -  
Қара, бошлаб келди қандай мудҳиш бир самар!  
Ўз-ўзингни азроилга тутиб бер, малъун!  
Бу қилмишинг қаршисида аввалгилари  
Туси учиб кетиб, тамом ҳеч бўлиб қолди.  
Сен дўстингни хиёнатда айблаган замон  
Кўрнамак бир нодон бўлиб қолдинг бегумон.  
Сен номус ва садоқатта ичкизиб оғу,  
Камиллони қотилликка айладинг қутку,  
Аммоқи бу қилмишларинг - пуч ва беозор,  
Булар янги жасоратинг олдида - бекор.  
Ўз қизингни қузғулларга ташлаганинг ҳам  
Ҳеч гап эмас, - иблис шундоқ қилмасди гарчанд!  
Қаҳринг билан шаҳзодани ҳалок эттанинг,  
Онасини маломатта қўяр экансан,  
Олийжаноб руҳи унинг ёш юрагини  
Тилка-пора эттани ҳам - қабоҳат эмас!  
Қабоҳатинг аён бўлди ҳозир шу нафас,

Даҳшатли бир қабоҳатким - эй қодир фалак! -  
Қонли ёшлар тўкиб ҳамма йиглангиз: малак,  
Маъсум малак, маликамиз жон берди ҳозир,  
Лекин, мана, жазоланмай турибди қотил!

### Б и р и н ч и а ъ ё н

Ўзинг асрар, Аполлон!

### П а у л и н а

Ҳа, маликам ўлди!  
Онт ичаман, ўлди! Агар ишонмасангиз,  
Ичкарида ётиби у, кириб кўрингиз.  
О! Сен унинг танига рух, ёноғига ранг,  
Лабларига агар нафас бера олсайдинг,  
Тавоф қилас эдим, қодир тангри деб сени.  
Бироқ пушаймонинг энди беҳуда, жаллод!  
Сенинг қабоҳатингта тенг қайғу тошилмас,  
Энди кўмилавер афсус-надоматларга.  
Саждага бош қўйиб, яккаш оч-у яланғоч,  
Үйқуни тарк этиб, балки йиглаб қон ютиб,  
Муз қоя устида, ваҳший бўронлар ичра  
Ўн йил эмас, неча минг йил қотиб турсанг ҳам,  
Гуноҳингни тутмагайлар тантрилар маъзур!

### Л е о н т

Балли! Давом эттир! Қақшат! Бари менга кам.  
Менга камдир, барча аччиқ таъна, маломат,  
Дашномларни юзларимга ёғдирсангиз ҳам.

### Б и р и н ч и а ъ ё н

Ҳукмдорнинг ранги бўздек оқарди, етар!  
Гарчи қилган иши унинг - гуноҳи азим,  
Лекин сўзингизда ҳаддан ошдингиз, хоним.

### П а у л и н а

Сиз ҳақсиз, тақсирим... Тўғри... Ҳаддимдан ошдим...

Биласиз-ку хотинларнинг тили югурик!  
Қаранг, қандай туси ўчди, титрайди шўрлик.  
Энди андуҳ, чекиши бекор, бўлар иш бўлди,  
Энди нима фойдаси бор! - Таскин топ, шоҳим,  
Хижолатман, шунча таъна тошларин отдим!  
Мен телбани маъзур тутинг! Сабабики, мен  
Маликани севар эдим жону дилимдан...  
Яна бошлайпман! Аҳмоқ! Бўлди, бас қилдим.  
На марҳума маликани, на шаҳзодани,  
На қизингиз ва на ҳалок бўлган эримни -  
Эсламайман... Энди фақат жим тураман, жим!  
Ҳаттоқи бир сўз демайман, шафқатли шоҳим!

### Л е о н т

Хўб, гапирдинг, ҳаққоний ва тўғри гапирдинг,  
Менга ҳақиқат афзалдир ачинишингдан  
Мени ўғлим, хотинимнинг ёнига бошла.  
Бир қабрга қўйяй икки азизимни мен.  
Ва қабр тошига ушбу ўлим сабаби -  
Маломати маҳшаримни ёзиб қўяйин!  
Кейин ҳар кун келиб, унга бошимни қўйяй,  
Надоматлар чекиб, кўздан ёшимни қўяй.  
Марҳумларим ҳузурига бошлагин мени.  
Кетишади.

### Учинчи саҳна

Богемия. Денгиз соҳилига туташ тақир саҳро.  
Чақалоқ кўтариб Антигон ва матрос киради.

### А н т и г о н

Биз Богемиянинг совуқ соҳилларига  
Чиндан етиб келдикми, а? Ишонасанми?

## М а т р о с

Етиб келдик, бироқ яхши соатда эмас  
Қаранг, күк юзида қора булутлар қалин,  
Яшин ярқирайди. Бўрон бўлиши тайин.  
Кўнглим сезар, шу чақалоқ қасоси учун  
Фалак бир балога дучор этмаса дейман.

## А н т и г о н

Қойим бўла қолсин қодир фалак фармони!  
Сен кемага чиқа тур ва менга овоз бер,  
Мен тезда қайтаман.

## М а т р о с

Тезроқ бўлинг, тақсирим.  
Кўп узоқлаб кетманг яна. Ҳадемай - бўрон.  
Бундай пастқамларда гала йиртқич юради.

## А н т и г о н

Бор, мен чақираман.

## М а т р о с

Шукур тангриларгаким,  
Шундоқ оғир бир ташвишдан охир қутулдим.

*(Кетади.)*

## А н т и г о н

Оҳ, бечора шўрлик бола! Эшиттандимки,  
Мурдалар ҳам тобутидан туармиш, ҳайҳот.  
Бовар этмас эдим аммо ўттан кечаси  
Шубҳа йўқки, маликани кўрдим мен кушод.  
Ошпоқ либос кийиб, бекам қошимга келди,  
Ўтли оҳлар чекарди ва бош чайқар эди,  
Шундоқ қайгу ичра, шундоқ гўзал сувратда  
Мен илгари кўрмагандим бекамни сира.  
Уч карра бош эгдию сўнг шивирлаб секин

Бир нималар дейишига у уринди лекин,  
Лекин қайғу-алам билан шўрлик бўғилди,  
Кўздан ёши маржон-маржон бўлиб қуйилди.  
Ва ниҳоят, кўз ёшларин ютиб деди у:  
"Ох, азизим Антигон, сен қасам ичгансан.  
Сўқир, золим қисматнинг шум буйруги билан  
Менинг етим гўдагимга бўлурсан жаллод.  
Овлоқ, ваҳший ерлар кўпцир Богемияда,  
Ноласини эшитмагай бир одамизод.  
Доги ҳижрон бўлган ўша гўдагимга сен  
Истайманки, Ҳижрона деб исм қўйгайсен.  
Биламанки, гуноҳинг йўқ, лекин зулмга  
Хизмат қилдинг, энди шунинг касофатига  
Паулина дийдорини кўролмагайсан" -  
Фарёд чекиб, войиб бўлди у гўзал санам,  
Мен қўрқувдан, эс-ҳушимни йўқотдим тамом.  
Ва ниҳоят, кўзларимдан учаркан уйқу,  
Англадимки, анчайин бир туш эмасдир бу.  
Туш алдоқчи бўлур, менинг кўрганларим чин.  
Пайқадимки, Ҳермиона бўлмишдир ҳалок.  
Одил Аполлоннинг хоҳиш-тилаги шулким,  
Шу чақалоқ - Поликсеннинг сафир зурёди  
Ўз отасин тупроғида тоғсин хоки пок.  
Наргис гулим, осмон ўзи паноҳинг бўлсин!  
Куйдирмажон номинг билан ётгил ёнма-ён.  
Саломат бўл, қўзим, толе ҳамроҳинг бўлсин,  
Ва бўлгайсан тангриларнинг меҳрига нишон.  
Хайр, бўрон қўзғалмоқда! Шўрлигим, хайр,  
Онанг қилмиши деб сени жазолар тақдир.  
Гарчанд кўзларимда нам йўқ, мана, қуп-қуруқ,  
Лекин оқмоқдадир қалбим қон бўлиб бу дам.  
Эҳ, лаънатлар бўлсин менга, ўша соатда  
Ақл-идрокимдан ажраб, ичтанман қасам.  
Хайр, болам. Қуюқлашиб қора булувлар,  
Кун юзини тўсиб, тундек сиёҳ қилурлар.

Гувиллашиб осмон билан дengиз шу палла,  
Етимчамга айтишмоқчи бўлишар алла.  
Кема қани? Шамол мунча учқур бетоқат.  
Тимқоронғу! Нимадир у? Ўкирган нима?  
Айиқ, айиқ! О, тангрилар, мен ҳалок бўлдим!

*(Айиқ қувади, Антигон қочади.)*

Чўпон киради.

### Ч ў п о н

Ўн ёшга тўлиб, йигирма учга етмаганлар яшаб нима қиласди ўзи. Улар ёшли зумрашалар-да! Иккита қўйимни ҳуркитиб, қочириб юборишиди. Мендан олдинроқ бўрига йўли-қишимаса, гўрга эди. Яхшиси, уларни яйдоқ ердан, соҳидан излаган маъқул. Улар шунаقا жойларни хуш кўришади. Худованди каримлар, менга раҳм қилинглар, ўзингиз соҳиби ихтиёrsиз! - Воҳ, нима бу? Ё қудратингдан, чақалоқ-ку! Дўмбоққина-я! Ўғилмикан, қизмикан? Оҳ, сен кимнингдир гуноҳига далилсан. Ҳа, бесавод бўлсам ҳам кўриб турибман, бу иш бирор чўрими ёки оқсочнинг кўмагисиз битмаган. Баччагарлар ишни ҳойнаҳой зина-поя остидами, омборхонадами битиришган. Ўшанда манави бояқишдек совуқ қотиб дийдирашмаган. Бояқишини олмасам, увол. Ҳа, айтмоқчи, ўғлим қаёқда қолди? Бояги-на нариёғдан овоз берганди-я. Эҳ-хей!..

*(Саҳна ортида овчилар бургуси чалинади.)*

Эшитяпсизми? Шундоқ об-ҳавода ким ов қиласди, ўша йигирма ёшли зумрашалар-да! Иккита қўйимни ҳуркитиб, қочириб юборишиди. Мендан олдинроқ бўрига йўли-қишимаса, гўрга эди. Яхшиси, уларни яйдоқ ердан, соҳидан излаган маъқул. Улар шунаقا жойларни хуш кўришади. Худованди каримлар, менга раҳм қилинглар, ўзингиз соҳиби ихтиёrsиз! - Воҳ, нима бу? Ё қудратингдан, чақалоқ-ку! Дўмбоққина-я! Ўғилмикан, қизмикан? Оҳ, сен кимнингдир гуноҳига далилсан. Ҳа, бесавод бўлсам ҳам кўриб турибман, бу иш бирор чўрими ёки оқсочнинг кўмагисиз битмаган. Баччагарлар ишни ҳойнаҳой зина-поя остидами, омборхонадами битиришган. Ўшанда манави бояқишдек совуқ қотиб дийдирашмаган. Бояқишини олмасам, увол. Ҳа, айтмоқчи, ўғлим қаёқда қолди? Бояги-на нариёғдан овоз берганди-я. Эҳ-хей!..

Масхарабоз киради.

## М а с х а р а б о з

Эҳ-хей!..

### Ч ў п о н

Вой, сен шундамидинг! Қабрда чириб кеттанингда ҳам одамлар гап-сўз қилиб юрадиган аломат бир нарсани кўрмоқчи бўлсанг, қани, келавер. Ҳа, нима бўлди?

## М а с х а р а б о з

Мен дengиздаям, соҳилдаям шунаقا ҳодисотни кўрдимики, асти қўяверасан! Dengiz degанинг энди dengиз эмас - осмону фалак! У осмон билан шу қадар туташиб кеттаники, орасидан қил ҳам ўтмайди.

### Ч ў п о н

Хўш, нима қилиди?

## М а с х а р а б о з

Вой, унинг ўкиришини, ўзини қирроққа отишини кўрсайдинг! Бу ҳам майлику-я, сен анави шўринг қургурларнинг дод-фарёдини эшитсадинг! Уларни дам кўкка иргитади, дам пастта отади. Бир боқсанг, кема мачтаси нақ ойга бориб қадалгудек, бир боқсанг, нақ пиво бочкасига тушган пўкақдай, кўпикка кўмилиб, гир-тир айланади. Ердаги аросатни айтмайсанми! Айиқ унинг елкасига тишларини гарчча ботириб олгану шўрлик бўлса ҳамон тишпирчилаб, жон ҳолатда, мени қутқаринглар, деб қичқиради. Антигонман, аслзодаман деб қичқиради. Сўнг анавиларни эрмак қилиш дengизнинг жонига тегди шекилли, бир ямлаб, кемани ютиб қўя қолди. Аслзода бўлса, бирам додлайди, бирам додлайди, уни мазах қилгандай айиқ ҳам қўшилишиб дод солади. Dengiz ҳам, бўрон ҳам бу дод-войни босиб кетолмайди...

### Ч ў п о н

Во дариг, қачон бўлди бу воқеа?

## М а с х а р а б о з

Ҳозиргина! Мен ҳали киприк қоқишигаям улгурганим йўқ. Чўкканлар сув остида ҳали совумаган, айиқ аслзодани ҳали тушириб ҳам бўлмаган. Ҳамон устида чўққа-йиб ўтирибди.

## Ч ў п о н

Афсус, бўлмаганим. Қарияга ҳар ҳолда кўмаклашардим.

## М а с х а р а б о з

Афсус, бўлмаганинг, илло, чўкаёттганларга ҳам кўмаклашармидинг. Кўрардим, қанақасига кўмаклашардинг.

## Ч ў п о н

Аросат, бўлти, аросат! Аммо сен, азизим, бу ёққа бир қара. Сенга ўлаёттланлар дуч келса, менга янги тугилган чақалоқ рўпара бўлиб турибди. Йўргакларини қара - аслзодаларники! Кўряпсанми? Қани, торт, торт! Очавер-чи, нима бор экан? Фаришталар кўнглимга солган: бой бўласан деб. Мана, қарабсанки, лоп этиб чақалоқни кўндаланг қилишди. Нега қақайиб турибсан! Очавер!

## М а с х а р а б о з

Омадинг бор экан, қария! Агар гуноҳларингни айтмаса, қариган чоғингда бир ўйнаб-куладиган бўлдинг. Тилла! Мана, ҳаммаси - тилла!

## Ч ў п о н .

Сенга айтсам, болам, бу - сеҳрли тилла! Ҳа, кўрасан ҳали. Ол, дарров бекит! Уйта, энг яқин йўлдан уйга чоп-қилла! Бир омадимиз келди, лекин ҳеч кимга оғиз оча кўрма! Шайтон кўтарсин ўша қўйларингни. Уйга югур, уйта!

## М а с х а р а б о з

Хазинангни кўтариб, ўзинг боравер, дада. Мен қарайчи, айиқ ҳамон аслзода устидамикин, қанчасини еб улгур-

дийкин. Айиқ фақат очиққанда қўрқинчли бўлади. Агар аслзодадан бирор суюк-тўшиқ қолган бўлса, дафн этаман.

### Ч ў п о н

Баракалла! Магар кимлигини аниқлай олсанг, мени чақир!

### М а с х а р а б о з

Бўлти, кўмишга ёрдамлашасан.

### Ч ў п о н

Бугун кунимиз хайрли келди, болам, уни хайрли ишлар билан якунлаш керак.

Кетадилар.

## ТЎРТИНЧИ ПАРДА

Хор қиёфасида Замон киради.

### З а м о н

Ҳамма ҳам хуш кўрмас, аммо ҳаммага етар кучим,  
Яхшиликдир, ёмонликдир - баробардир мен учун.  
Мен - севинчу қайғудирман, чину ёлонман доим,  
Ким яхшидир, ким ёмондир, менинг нима парвойим...  
Мен - Замонман. Учмоқ учун учқур қанот бераман.  
Афсонавий йироқларга сизни бошлаб бораман.  
Ўн олти йил масофани ўтажакмиз бир дамда,  
Ўн олти йил ўтган, аммо изи яшар оламда,  
Оlam билан ўйин тушмоқ - менинг учун қонундир,  
Асрларнинг иморатин бузмоқ менга ўйиндир.  
Бузарман ҳам, тузарман ҳам, шудир менинг юмушим,  
Бу одатим азалийдир, азалий бу қилмишим.  
Ўтмишларнинг шоҳидиман, истиқболга чоцарман,  
Ҳозирнинг ҳар лаҳзасини тўзон билан ёпарман.  
Бир-бирини қувалашган кунларимни авлодлар -  
Бир кун келиб мен яраттан афсона, деб атарлар.

Хуллас калом, фараз қилинг шу сўзларим сўнгида  
Ўн олти йил бир муддатни ўтказдингиз уйқуда.  
Мен кўзгуни айлантирай, кўринг унда бирма-бир  
Леонт иши энди яккаш - ёлғизлигу алаамдир.  
Воқеалар чорлар бизни Богемия томонга,  
Поликсеннинг ўғли бугун бўй чўзибди жаҳонга.  
Флоризель номи унинг, қомати нақ чинордек,  
Хижронамиз ҳусни тўлиб, гул очибди баҳордек.  
Нима бўлур, нима қолур, айтолмаймиз албатта,  
Ҳамма нарса аён бўлур тайин вақти-соатда.  
Чўпон қизи таърифидা байту ғазал битармиз,  
Фурсатингиз бўлса, қолинг, охирига етармиз.  
Фурсатингиз зиқ бўлса-чи, сизга боқий сўзим шул:  
Бораверинг, азизларим, ишдан қолмаган маъқул.

### Биринчи саҳна

Богемия. Поликсен саройи.

Поликсен ва Камилло киради.

### П о л и к с е н

Азизим Камилло, сендан ўтиниб сўрайман, ҳа деб қис-  
тайверма. Йўқ дейиш шунчалар оғирки, худди беморга  
айланаман-қоламан. Хўп дейиш, сендан айрилиб қолиш  
эса менга нақ ўлим билан баробар.

### К а м и л л о

Мана, ўн беш йил ўтдики, юртимда бўлмадим. Умрим-  
нинг кўпи гурбатда кечди, дуруст, аммо суякларим ўз она  
тупроримда кўмилсин, дейман. Яна валинеъматим бўлмиш  
қирол қилмишларига пушаймон бўлиб, ортимдан киши  
юборибди. Дардига шерик бўлиб, ғамини енгиллатсам,  
деган умиддаман. Ана шу жиҳат ҳам менинг жўнаб кети-  
шимни тақозо қиласди.

## П о л и к с е н

Камилло, мени чиндан ҳам севсанг, тўсатдан жўнаб кетиб, шунча хизматларингни бир йўла совурма. Сенсиз куним кечмас экан, айбдор - сенинг фазлу фазилатинг. Сендан айрилиб қолгандан кўра, сени билмаганим афзал эди. Сен қилганини бошқалар қилиши гумон. Бас, бошлаган ишингни тутатишинг шарт. Магар хизматларингни етарлича тақдирламаган бўлсам, бу уларнинг бебаҳолиги туфайлидир. Аммо сенга меҳрим, миннатдорчилигим кун саийин зиёда. Сендан ўтиниб сўрайман. Сицилияни, ўша машъум мамлакатнинг номини оғзингта олма. Уни эслагунча, ўша биродарим, ўзинг айтмоқчи тавбасига таянган қирол ҳақидаги оғир хаёллар мени қуршаб олади. Унинг муҳтарам рафиқаси, болаларининг ўлимини ўйласам, кўксимга нақ найза санчилади. Менга айт-чи, ўғлим Флориzelни сўнгти бор қачон кўрдинг? Ноқобил фарзанд - подшолар учун ҳам балоий азим, уларни деб чекилган алам яхши фарзандлар ўлимита чекилган қайгудан қолишмайди.

## К а м и л л о

Шоҳим, шаҳзодани кўрмаганимга уч кунча бўлди. Қандай эрмакларга машғул, айтолмайман, лекин сўнгги пайтларда саройда кам кўриниб, дарсларга ўз рутбасига мувофиқ, етарлича қунт қилмаёттани рост.

## П о л и к с е н

Буни мен ҳам пайқадим, Камилло ва турган гапки, ташвишга тушдим. Ҳозирча уни яширин назорат этаман, вассалом, ишончли кишиларим шаҳзодани қадамма-қадам кузатиб юришибди. Уларнинг айтишича, шаҳзода кўп вақтини кутилмаганда қашшоқликдан қутулиб, бой-бадавлат бўлиб олган чўпоннинг кулбасида ўтказармиш.

## К а м и л л о

Мен бу тўғрида эшикканман, шоҳим. Унинг бир париваш қизи бор. Ҳуснининг овозаси оламга кеттан.

## П о л и к с е н

Менга ҳам шундоқ дейишиди. Қўрқаманки, ўғлим тушиб қолган тузоқ ўша бўлмагай. Иккимиз бориб, кимлигимизни сездирмай, чўпондан сўраб-суриштирайлик. Аминманки, у соддадиллик билан бор гапни оқизмай-томизмай айтиб беради. Ўгинаман, бу ишда менга кўмаклашиб юбор ва Сицилия ҳақида ўйлашни бас қил.

## К а м и л л о

Амрингизга ҳозирман, шоҳим.

## П о л и к с е н

Содик Камилло!

Энди бориб кийимларни алмаштирайлик.

Кетишади.

## Иккинчи саҳна

Чўпон кулбаси яқинидаги йўл.

Жулдур кийинган Автолик киради.

## А в т о л и к

(Куйлайди.)

Далалар чаман очди - оҳей, воҳей!

Келаверинг, гўзаллар, бизга!

Сўлим баҳор чоги юраклар, бай-бай,

Мунтазирдир ташрифингизга.

Эгалари кўринмас - оҳей, воҳей! -

Чойшаб билан ёпилмиш девор.

Тап тортмасдан тортавер, тортганингда май,

Ўғримассан, қиролсан, қирол.

Чугурчук, чугурлайди - оҳей, воҳей!

"Чучув-чучув" сайрап майнахон.

Шундай пайтда ёрим билан кошкийди,

Бутазорда ўтирсак пинҳон...

Ажаб даврон эди, шаҳзода Флоризелга хизматкор эдим,  
шоҳи-духобаларга ўраниб юраддим, энди бўлса бекор-  
чиман.

Каптарим, маъюсламма,

Тун қоронгу, ҳойнаҳой.

Ўгри адашмасин деб,

Булутдан мўралар ой.

Мисгаринг келар йўл босиб,

Қўлида йўқ бир чақа.

Менинг ризқим очик-сочиқ,

Турмага тушмагунча...

Мен чойшаб ўғрисиман. Қиргий ин қураёттан маҳал-  
да-чи, майда-чуйда ич кийимлардан ҳам торгиниб ўтир-  
майман. Отам мени Автолик деб атаган: ўзиям менга  
ўхшаб Уторуд юлдузи остида турилган шекилли, ашаддий  
киссовур эди. Қимор ўйнайвериб, жононлар кетидан из-  
гийвериб жуладур, мосуво бўлдим, куним чакана ўғриликка  
қолди. Катта йўл устида талончилик қилишнинг оқибати  
маълум - ё дорга осиласан, ёки калтакка ем бўласан. Менга  
униси ҳам, буниси ҳам маъқул эмас. Эртанги кунни ўйлаш  
эса эсимга ҳам келмайди. Вой, ўлжа! Ўлжа!

Масхарабоз киради.

### М а с х а р а б о з

Хўш, каллани ишлатайлик. Ўн битта қўй йигирма сак-  
киз фунт жун беради, йигирма саккиз фунт жуннинг ба-  
ҳоси - бир фунт тилла, ҳаммаси бўлиб бир яrim минг  
қўйнинг жуни қирқиљди, дейлик. Хўш, қирқилган жун  
жами қанча бўлди?

### А в т о л и к

(четта)

Тузоқ узилиб кетмаса бўлди, тустовуқ - меники.

## М а с х а р а б о з

Йўқ, буни каллада ҳисоблаб бўлмайди. Яхшиси, қўй қирқишиш байрамига нималар харид қилишни ҳисоб-китоб қиласай. "Уч фунт қанд, беш фунт майиз, гуруч" - Дарвоҳе, синглим гуручни нима қиласди? Бас, отам уни байрам бекаси қилиб қўйибдими, нарёгини ўзи билади. У жун қирқувчиларга деб йигирма тўртта гулдаста тайёрлаган, жун қирқувчилар ҳаммаси - қулинг ўргилсин ашулахон. Уч овозлаб айтишганда, ёмон чиқмайди. Кўпчилигининг овози - йўғон, дўриллаган. Биттаси ўлгудек тақвадор, сурнай жўрлигида зикри само ўқийди. Ҳа, широг учун заъфар олма олишим керак, мускат ёнғори билан хурмо керакмас, рўйхатда йўқ. Етти дона ёнғоқ оламан, холос. Бир-икки дона занжабил илдизи, мен буни хариidlаримга қўшимча қилиб, текинга беришни сўрайман. Тўрт фунт олхўри, шунча майиз.

### А в т о л и к

*(ерда аганаб)*

О, нега мен бу дунёга келдим!

## М а с х а р а б о з

Худо ҳақи...

### А в т о л и к

О, ёрдам беринг, ёрдам беринг! Манави жулдурлардан қутулиб олай, кейин ўлсам ҳам майлига.

## М а с х а р а б о з

Вой, шўрпешона! Бу жулдурларни ечмай, уларга яхшироқ ўралиб олишинг керак-ку!

### А в т о л и к

О, Тангirim, бу латта-путталар елкамга тушган минглаб, миллионлаб калтаклардан ҳам баттар.

## М а с х а р а б о з

Вой, шўрлик! Миллионлаб калтак дейди-я, б' нақада одамнинг абжагини чиқазади-ку!

## А в т о л и к

Тақсирим, мени талаб, калтаклашди. Бор-будимни шилиб, устимга мана шу ислики рўдаполарни ёлиб кетишиди.

## М а с х а р а б о з

Сени шунчалар абгор қилган ким: пиёдами, суворийми?

## А в т о л и к

Пиёда қилди бу ишни, тақсирим, пиёда.

## М а с х а р а б о з

Тўгри, қолдирган матойидан бу ишни пиёда қилгани шундоқ, кўриниб турибди. Эҳтимолки, бу нимчани суворий ҳам кийгандир, аммо ундан буён аллақанча замон ўттани аниқ. Қўлингни бер, ёрдамлашиб юбор-й. Чўз қўлингни!

## А в т о л и к

Секинроқ, марҳаматли тақсирим! Вой -вой-во-ей!

## М а с х а р а б о з

Бечора!

## А в т о л и к

Оҳ, шафқатли тақсирим! Афтидан курагим чиққанга ўхшайди!

## М а с х а р а б о з

Шу етмай турувди! Хўш, туролмайсанми?

## А в т о л и к

Секинроқ, марҳаматли бегим! (Унинг ҳамёнини ола-

ди.) Секироқ, муруватли тақсири! Сиз менга шаф-  
қат-муруват қилдингиз!

### М а с х а р а б о з

Жиндек ақча берайми? Чақам бор эди шекилли.

### А в т о л и к

Йўқ, олийжаноб тақсири, қўйинг, керакмас. Сиздан ўтиниб сўрайман, керакмас. Бундан ярим чақирим нарида қариндошим яшайди. Ўшаникига бораёттандим. Қанча пул керак бўлса, ўшандан олавераман. Сиздан ўтинаман, менга пул бера кўрманг - бу билан мени ҳақорат қиласиз.

### М а с х а р а б о з

Сизни талаган қандай киши эди ўзи?

### А в т о л и к

Мен уни биламан, тақсири, бир пайтлар карта ўйнаганмиз. У шаҳзода Флоризелнинг хизматкори эди. Билмадим, қай бир фазилати учун калтаклаб, саройдан ҳайдашди.

### М а с х а р а б о з

Сиз, қай бир гуноҳи учун, демоқчисиз, шундоқми? Саройда фазилат учун калтаклашмайди. Аксинча, иззат-эҳтиром қилишади... Лекин бари бир у саройда турмайди, ташлаб чиқади.

### А в т о л и к

Ха, тақсири, мен қай бир гуноҳи учун демоқчийдим. Мен у одамни яхши танийман. Бир пайтлар маймун ўнтарди, кейин қозига югурдак бўлди, сўнгра қўғирчоқбозлик қилиб, саёқ ўғилнинг қисматини кўрсатиб юрди, ниҳоят, менинг қўргонимдан бир чақирим нарида яшовчи чегачининг бевасига уйланиб олди. Турли-туман қинғир-

қийшиқ ишлар билан шуғулланди ва охир-оқибат мутта-  
ҳам бир ялангоёққа айланди-қўйди. Уни Автолик дейи-  
шади.

### М а с х а р а б о з

Вой, лаънати-ей! Ўгри, учига чиққан ўгри у! Ҳайит ма-  
росимлари дейсизми, ярмаркалар дейсизми, айиқ уриш-  
тиришлар дейсизми - ҳамма жойда тентирааб юргани  
юрган.

### А в т о л и к

Каромат қилдилар, тақсири, каромат. Ўша, ўшанинг  
худди ўзи. Устимга манави ислиқиларни илиб кеттан ўша  
бетавфиқ.

### М а с х а р а б о з

Бутун Богемияда ундан қўрқоқроқ дайди топилмайди.  
Бўйингиз сал баландроқ бўлиб, қовоқ уйиб, башарасига  
бир тупурганингизда борми - нафаси ўчарди-қоларди.

### А в т о л и к

Сизга айтсам, тақсири, мен уриш-жанжални ёмон  
кўраман. Кўнглим озиб қолади - ишонасизми, у лаънати  
буни биларди.

### М а с х а р а б о з

Хўш, энди аҳволингиз нечук?

### А в т о л и к

Дуруст, марҳаматли тақсири, пича дуруст. Мана - тура  
оламан, мана - юра оламан. Ҳатточи, сизга, хайр! - деб  
қариндошимникига қараб секин равона бўлиш ҳам  
кўлимдан келади.

### М а с х а р а б о з

Сизни йўлгача кузатиб қўйсаммикин?

## А в т о л и к

Йўқ, марҳаматли тақсири, ҳожати йўқ.

## М а с х а р а б о з

Мен жун қирқиш байрамига деб ул-бул харид қилмоқчидим.

## А в т о л и к

Омадингизни берсин, марҳаматли тақсири.

Масхарабоз кетади.

Ўша харидалар учун ҳамёнингда ҳемири топилармикин?  
Ўша жун қирқишингта ҳам бораман, сени яна бир бор шилмасам, майли, исмим энг инсофли инсонлар рўйхатининг бошида бўлаверсин.

*(Куйлайди.)*

Эй шиёда, қадам ташла, олға бос,  
Ёмғирда ҳам, тўзонда ҳам юр фақат.  
Қувноқ бўлсанг, юз чақирим писандмас,  
Маъюс бўлсанг, бир чақирим - машаққат.

*(Кетади.)*

## Учинчи саҳна

Чўпон кулбаси олдида ўтлоқ.

Флоризель билан Ҳижрона киради.

## Ф л о р и з е л ь

Шу либосда яна гўзал, оромижонсан,  
Чўпон қизмас, илоҳасан, зеби жаҳонсан.  
Гулбаҳорга элчиидирсан. Қирқим байрами  
Атрофингда юзлаб барра қўзини тўплар,  
Худойимни қуршагандай илоҳий зотлар.

## Ҳ и ж р о н а

Гапларимни маъзур тутинг, азиз шаҳзодам,  
Сизга танбех бериш менга муносиб эмас,  
Аммоқи сиз, салтанатнинг ёлғиз умиди,  
Оддий чўпон чакмонини кияр экансиз,  
Чўпон қизни илоҳа деб билар экансиз,  
Бу жуда ҳам ғалатидир, ғаройиб бир ҳол.  
Байрам бўлмагандар, байрам шарафи учун  
Турли-туман кийинишлар бўлмаса русум,  
Ушбу либосингиз менга тушмасди манзур,  
Негаки у кийимимни ва кимлигимни -  
Фақир насабимни менга эслатиб турар.

## Ф л о р и з е л ь

Тикка парвоз қилиб, ажаб ишорат билан  
Мени сенга бошлаб келган лочинга аҳсан.

## Ҳ и ж р о н а

Тилагингиз менга паноҳ бўлсин илойим,  
Олий насабингиз ҳар хил хавотирлардан  
Сизни эмин тутар, аммо мен-чи, кўрқаман.  
Тафовутимизни эсга олишимданоқ,  
Даҳшат босиб, юрагимга тушади титроқ.  
Ахир нима бўлур, айтинг, нима бўлур, хўш,  
Тасодифан бу тарафга қайрилса қирол.  
Ё Тангрилар! Тожу тахтнинг ворисини у  
Чўпон кийимида кўриб, нималар деркан?  
Ва шу оддий ва тасқара кийимимда мен  
Унинг назарига қандай бардош бераман?

## Ф л о р и з е л ь

Оқибати баҳайр бўлур бари, Ҳижронам,  
Ахир, ишқ ўтида ёнган Худованлар ҳам  
Жониворлар сувратига киришгани рост.  
Нептун қўчқор бўлган экан, Юпитер - ҳўқиз,  
Мендек чўпон бўлиб олган Аполлон-шоввоз.

Аммо лекин улар сажда қилган париваш  
Шунча раъно бўлмагандир, шунчалар оташ,  
Тилаклари тилагимдек тиниқ бўлмаган.  
Мен бурчимни юрагимга соқчи сайладим,  
Номусимни тилагимга посбон айладим.

### X и ж р о н а

Бу савдодан воқиф бўлса отангиз агар,  
Қаҳру ғазаб оташида ёнади, илло.  
Ҳа, шаҳзодам, иккисидан бири муқаррар:  
Ё мен адо бўлурман, ё ишқингиз адо.

### Ф л о р и з е л ь

Бундоқ дема, ёлбораман, гўзал Ҳижронам,  
Пуч, бехуда гумонларнинг қайғуси билан  
Шодиёна шу байрамни хуфтон айлама,  
Ёки сенга ёр бўлурман, ёки бўлмасам,  
Ўшал подшоҳ падаримга ўғил бўлмасман.  
Ҳа, мен тақдир йўлларига кўндаланг бўлиб,  
Қароримда собит бўлиб тураман мутлоқ!  
Қани, битта кулиб, менинг кўзларимга боқ,  
Эртага не бўларкин, деб сира ўйлама,  
Сен бугуннинг нашъасини сурабер. Қара,  
Ҳар тарафдан келишмоқда бизга меҳмонлар.  
Худди никоҳ айёмимиз бошланганидай,  
Сен завқларга тўлиб, шодон юришинг керак.  
Илон, ўша айёмимиз келур муқаррар.

### X и ж р о н а

Бизни доим паноҳида тутсин Худолар!

### Ф л о р и з е л ь

Мана, меҳмонлар ҳам келиб қолишли. Жоним,  
Лутфинг билан сен ҳаммани қувонтири, токим  
Қувонч ўти билан кўзлар, ёноқлар ёнсин.

Бошқача кийинган Поликсен ва Камилло, улар ортидан чўпон,  
Доркас, Мопса, Масхарабоз ва бошқалар киришади.

### Ч ў п о н

Қизим, нега ўтирибсан? Шундоқ айёмда  
Марҳум онагинанг агар тирик бўлганда,  
Дастурхони ноз-неъматдан ярқирар эди.  
Ҳой, келинглар, бу ёқقا, деб чақирар эди.  
Меҳмонларга сидқидилдан хизмат қиласади,  
Улар билан қўшиқ айтиб, ўйнаб-куларди.  
Кимга қадаҳ, тутар, кимга тутарди таом,  
Ҳамма билан хуш тавозе, ширин, хуш калом,  
Жиндак май симириб, яна гул-гул ёнарди,  
Давраларга жон бағишлаб буткул ёнарди.  
Сен бўлсанг-чи, ўтирибсан ялпайиб, қизим,  
Нақ меҳмонда ўлтиргандек бир чеккада жим.  
Туриб, дарров қарши олгин, ана, меҳмонлар,  
Бегонани эркаласанг - ошино бўлар.  
Қизаришинг бекор, ахир, уй бекасисан,  
Шоду ҳандон қаршиласанг меҳмонни қанча,  
Қўйларимиз жуни майин, мўл бўлур шунча.

### Ҳ и ж р о на

*(Поликсенга)*

Тақсир, хуш келибсиз. Ушбу байрамда отам  
Бека бўлишимни менга буюрди бу дам.

*(Камиллога)*

Сиз ҳам хуш келибсиз, қани, марҳабо. - Доракс,  
Меҳмонларга гулдасталар тутинг шу нафас.  
Манави - размарин, мана - рута, қишида ҳам  
Ўсаверар ёздагидек муаттар, кўркам.  
Шу гул каби очилгайсиз, кулгайсиз бугун,  
Бизнинг азиз меҳмонимиз бўлгайсиз бугун.

### П о л и к с е н

Ташаккурлар бўлсин сенга, гўзал чўпон қиз,  
Зотан қиши фаслига етиб келганлар учун  
Қиши гуллари ярашиқдир.

### Х и ж р о н а

Аммо, тақсирим,  
Унугмангким, сунбуланинг сарин ҳавоси  
Саратоннинг ҳовурига тўлиқдир ҳали,  
Гарчи қор-қировли кунлар яқинлаб қолди.  
Бу фаслнинг энг муаттар гул чечаклари  
Чиннигулу баҳмалгулдир. Лекин уларни  
Табиатнинг ўтайи деб аташади, рост,  
Мен боғимда ўстирмадим бу чечакларни.

### П о л и к с е н

Не сабабдан сен уларни ранжитдинг, қизим?

### Х и ж р о н а

Эшигдимки, уларнинг шўх чиройи, ҳусни  
Табиатдан эмас, сидди хунардан эмиши.

### П о л и к с е н

Хўш, нима қилибди? Ахир, табиатни ҳам  
Табиатнинг ўзи билан безайди одам.  
Табиатнинг боласидир санъат ва ҳунар,  
Биз ёввойи бир оғочни яхшилайлик деб  
Нозик қаламчани ҳар гал эттанде пайванд,  
Ақл табиат устидан тантана қиласи,  
Лекин ўша табиатнинг кўмаги билан.

### Х и ж р о н а

Шак-шубҳасиз.

### П о л и к с е н

Бас, боғингда баҳмалгул ўстири,  
Табиатнинг ўтайи, деб таҳқир этмагил.

## Ҳ и ж р о н а

Эркакларга упа-элик ёқади, аммо  
Мен юзимга упа-элик сурмайман асло,  
Худди шундоқ хуш кўрмайман баҳмалгулни ҳам,  
Лекин сизга хуш келгудек гуллар топаман.  
Мана гулираъно, мана садафгул, наъно,  
Барра гуллар шомда мудраб эгик бош билан,  
Үйғонурлар қуёш билан, кўзда ёш билан.  
Булар бари - ёз ўртаси чечаклари дир,  
Ўрта ёшли кишиларга ғоят ярашур.  
Ола қолинг!

## К а м и л л о

Магар сенинг қўйинг бўлсайдим,  
Сенга боқиб термулишим менга бас эди,  
Ўтта оғиз урмас эдим.

## Ҳ и ж р о н а

Тангри Юпитер!  
Унда тинка-мадорингиз кетарди қуриб,  
Киш шамоли учирарди чирпирак қилиб.

*(Флоризелга)*

Гўзал дўстим! Сенинг баҳор ёшингга монаңд  
Баҳор чечакларини мен қайдан топаман?  
Қани бўлса эди менда, дугонажонлар,  
Сизнинг ёшингизга монаңд яшил маржонлар,  
Гўзал Проперина, шамол шиддати билан  
Дий аравасида мағрур учар экансан,  
Чўчиб туширганинг сулув чечаклар қани?  
Ўша чечакларга ўзинг ноил эт мени.  
Навбаҳорнинг даракчиси латиф, серханда,  
Тароватли нилуфарлар бўлсайди менда!  
Венеранинг нафасидек хушбўй нафасли,  
Шаҳло кўзли бинафшалар менда бўлсайди,  
Баъзи қизлар каби бўса мазасин билмай,

Нозик, паришонҳол, гунча барглари майдада -  
Якка-ёлғиз яшайдиган чечаклар қайда?  
Атиргуллар қани, садарайҳонлар қани?  
Наъматаклар қани, гулихандонлар қани?  
Сизга аatab гулчамбарлар тузардим бу дам  
Ва кўмардим улар билан севганимни ҳам.

### Ф л о р и з е л ь

Нақ мурдани кўмгандек?

### Ҳ и ж р о н а

Йўқ, тўй тўшагини,  
Ҳа, сен ҳақсан нақ мурдани кўмгандек, фақат  
Ўша ўлик оғушимда этилар дафн.  
Дўстларим, олингиз анво гул-печаклардан!  
Шу кийимда ўзимга ишқ ҳангамасини  
Ўйнаган актисага ўхшаб кетаман.

### Ф л о р и з е л ь

О, сен не қилмагил, гўзал гулим Ҳижронга,  
Бари сенга ярашади, ўзинг фарзона.  
Сўз бошласанг - сўзларингга сира тўймасман,  
Агар куй бошласанг - тинглаб, булбулим, бирдан  
Сени ёри жоним, дея хаёл этаман.  
Тикиш, тўқишинг ҳам бирдек ярашур сенга,  
Ё садақа берсанг бева-бечораларга.  
Ўйнар бўлсанг, кийимларинг қоматингга зеб,  
Шивирлайман: ўйна, жоним! Яна ўйна! - деб.  
Фамзаларинг тўлқин уриб оқсингилар давом,  
Маликасан, жоним, сехру чиройсан тамом!

### Ҳ и ж р о н а

О, Дориклес, мақтовларинг ҳаддидан ошди,  
Гўзал шоҳид бўлиб магар мъсумлигинга,  
Ёногингда ёшлиқ ўти ўйнамасайди,  
Бу нимаси, дея балки савол этардим,  
Мақтаб ўлдирмоқчисан, деб хаёл этардим.

## Флоризель

Менинг мақтovларим қанча беғубор эса,  
Сенинг хавотириинг шунча беҳуда, бекор.  
Хўп, рақсга энди! - Қўлинг бергил, Ҳижрона!  
Биз умрбод биргамиз, ҳеч ажралмагаймиз,  
Бир жуфт кабутарга ўхшаб.

## Ҳирона

О, улар учун,  
Кабутарлар учун қасам ичмоққа шайман!

## Поликсен

Чўпон қизлар орасида шундоқ санамни  
Ҳали дунё кўрган эмас. Сипо, камтарин,  
Бутун сиймосидан ёғар олийжаноблик,  
Шундай бир овлоқда шундай малоҳат.

## Камилло

Қаранг,  
Шеритини тинглаб, қандай қизариб кетди.  
Чиндан қатиқ билан қаймоқ маликаси у!

## Масхабоз

Эй, музика!

## Доркас

Сен Мопса билан-а? Мана саримсоқпиёз,  
Мопсани ўшгандан кейин еб олганинг соз.

## Мопса

Вой, гапини қаранг! Ахир ўзинг-чи, ўзинг...

## Масхабоз

Ҳай, жим! Байрам ахир, одоб сақлайлик бир оз.  
Қани, ҳамма биргаллашиб, рақсга тушамиз.

Музика. Чўпон йигит-қизлар рақсга тушишади.

## П о л и к с е н

Хўш, қария, айт-чи, анув чиройли чўпон  
Қизинг билан бирга рақс тушаётган ким?

## Ч ў п о н

Анавими? У - Дориклес! Бойвачча куёв.  
Менга ўзи айттан, лекин шундоқ бўлса ҳам  
Ишонаман, номусли ва ҳалол бир йигит!  
Ҳижронани севаман деб қасам ичади!  
Унинг кўзларидан севги дарсини ўқиб,  
Шундоқ термулади, шундоқ термуладики,  
Мовий кўлга боқиб, шунча сукланмайди ой.  
Бир-бирига тенгдир меҳри-муҳаббатлари,  
Бир-биридан бир бўса ҳам зиёда эмас,  
Онт ичаман.

## П о л и к с е н

У ажойиб рақс тушади.

## М а с х а р а б о з

Не қилмасин, қай бир ишга уннамасин у,  
Қойил қилар, асир этар, нимасин айтай.  
Ҳа, Дориклес Ҳижронага уйланар бўлса,  
Хазинага эга бўлур хулласи калом!

Хизматкор киради.

## Х и з м а т к о р

Хўжайин, дейман, эшикдаги атторни эшитсангиз борми, чилдирма билан найга бунақа рақста тушиб ўтирасдингиз. Сурнайга ҳаттоқи қайрилиб ҳам боқмасдингиз. У азамат қўшиқ кетидан қўшиқни шундоқ қалаштирадики, унинг олдида сизнинг пул санашингиз ҳеч гапмас. Қадимий қўшиқлар билан ичи тўлиб кетганми, дейсиз. Ҳамманинг оғзини очириб ўтирибди.

## М а с х а р а б о з

Ўзиям айни пайтида келибди. Чақир бу ёқса. Мен қадимий қўшиқларни яхши кўраман, айниқса, ўйноқисини ғамгин, ғамгинини ўйноқи қилиб айтса.

## Х и з м а т к о р

У ҳар балони билади, узунниням, қисқасиням, эркаклар учунми, аёллар учунми - айтаверади. Бирор савдогар қўлқоп сотиб, бирор мунча хурсанд қиломаган. Ёш қизлар учун ишқий қўшиқлари бор, ҳалигидақа, қичик гапларсиз, биласиз-ку, бунақаси кам учрайди. Нақоратлари бирам сипо, бирам сипо, нуқул десангиз: "Ушла уни! Тишла уни!" бордию бирор беҳаё қизнинг қитиқ-патига тегиб қолса, қизнинг жавоби: "Ҳап, яхши одам, мени ранжитманг". Ҳа, худди шундоқ, қиз ўшани чақади-олади: "Ҳап, яхши одам, мени ранжитманг!"

## П о л и к с е н

Манавини азамат деса бўлади!

## М а с х а р а б о з

Йигитмисан йигит! Қалай, яхши матолари борми?

## Х и з м а т к о р

Камалакнинг етти рангида товланувчи ленталар, ҳийлаи аъмол билан тўқилган, ҳатто зукко қозилар ҳам излаб, тутунини тополмайдиган тўр-пардалар, жияклар, батистлар, хуллас, ҳаммаси бор, - бунинг устига уларни қўшиқ билан шундоқ таърифлайдики, гўё матомас, Тангриларми ёхуд маъбудаларми, дейсиз. Кўйлак ҳақида куйлаганда кўқдаги фаришталарга мадҳу сано ўқияпти, деб ўйлайсиз, енги ва ёқасидаги кашталар мақтовини шундоқ келтирадики, бай-бай-бай...

## М а с х а р а б о з

Тезда бошлаб кел, ўша қўшиқларни бу ерда куйласин.

## Ҳ и ж р о на

Фақат огоҳлантириб қўй, мазза-матрасиз нарсалар айтмасин.

Хизматкор чиқади.

## М а с х а р а б о з

Ўша атторларда, сингилжон, шунақанги нарсалар учрайдики, сен ҳатто хаёлингта ҳам келтиролмайсан.

## Ҳ и ж р о на

Акажон, мен хаёлимга келтиришни ҳам ўйламайман.

## А в т о л и к

(Куйлаб киради.)

Ошпоқ қордек матойим,  
Қораси - қарғашойи.  
Рўмолим, қўлқопларим,  
Атиргулдек мулойим.  
Юзга, бурунга ниқоб,  
Байрамда тақишига бол.  
Атирлару тароқлар,  
Маржонларим ярақлар.

Упа-эликнинг созин  
Йигитман деган олсин.  
Ленталарим бор талай,  
Сизга яраштур, бай-бай.  
Қани, олавер, толма,  
Кейин армонда қолма.  
Шод бўлсин десанг малак,  
Пул керак, ақча керак.  
Сотаверма сафсата,  
Олавер шартта-шартта!

## М а с х а р а б о з

Мопсага ошиқ бўлмаганимда мендан бир чақа ҳам ундирилмасдинг. Нетайки, унга қул бўлиб қолдим, энди лента ва қўлқоплар билан товон тўлашга тўғри келади.

## М о п с а

Сен уларни байрамдаёқ совға қилмоқчи эдинг. Майли, ҳеч бўлгандан кўра...

## Д о р к а с

Миш-мишларга қараганда, у сенга бошқа нарса ҳам ваъда қилган шекилли.

## М о п с а

Аммо сенга қилган ваъдасини ошиги билан адo эттан. Қайтимини берганингда - қизармасанг, бас.

## М а с х а р а б о з

Ҳай, сенларда ҳаё борми ўзи? Бунақада ҳадемай этакларингни бошларингга қоплаб оласанлар-ку. Бунақа гаплар молхонада, ошхонада, ётоқхонада бўлади, наҳотки, кўчага олиб чиқсаларинг? Шивирлаб гапиришсаларинг ҳам гўрга эди. Шақиллашга бало борми?

## М о п с а

Сен менга маржон билан муаттар қўлқоп ваъда қилгансан... Мен тутатдим.

## М а с х а р а б о з

Йўлда мени шип-шийдам қилишди, деб айтдим-ку. Чўнтағимда ҳеч вақо йўқ.

## А в т о л и к

Рост айтасиз, тақсир, бу ердаги йўлларда муттаҳамлар бижғиб ётибди. Оҳ, эҳтиёт бўлиш керак, эҳтиёт!

## М а с х а р а б о з

Бу ерда ҳеч ким сени шилмайди, ошнам, хотиржам бўлавер.

## А в т о л и к

Тақсир, мен ҳам шундоқ деб умид қиласман: молларим - асл, қимматбаҳо матолар.

## М а с х а р а б о з

Манавининг нима? Қўшиқларми?

## М о п с а

Ўтинаман, шулардан, менга олиб бер. Босилган қўшиқларга ўлгудек ўчман. Босилибдики, демак, рост гаплар экан-да.

## А в т о л и к

Мана буниси жуда аломат - ҳазин овоз билан куйла-нади: судхўрнинг хотини йигирма қоп тилла түқдани, ке-йин илон-чаёnlар ва қовурилган қурбақа ейман, деб ту-риб олгани ҳақида.

## М о п с а

Шу рост гапми ўзи?

## А в т о л и к

Рост бўлганда қандоқ, бундан бир ой бурун содир бўлган.

## Д о р к а с

Судхўрга ўлсам ҳам тегмасдим.

## А в т о л и к

Шу ишга гувоҳ бўлган Фийбат хола деган доя кампир ва беш-олтита бинойидек хотинлар тилга олинади. Ишо-наверинг, мен ёлғон сотмайман.

## М о п с а

Жоним, шу қўшиқни ола қолайлик.

## М а с х а р а б о з

Хўп, сабр қил. Аввал бошқа қўшиқларини ҳам кўрайлик, кейин бошқа молларини ҳам қарайлик.

### А в т о л и к

Манави ҳам аломат, саксонинчي апрель, чоршанба куни сув бетидан қирқ минг газ кўтарилиб, тош юрак қизлар ҳақида қўшиқ айттан балиқ хусусида. Айтишларича, ошиғига шафқат этмагани учун совуқ бир балиққа айланиб қолган аёл экан у. Жуда қайгули, лекин, энг муҳими, ишонса бўладиган қўшиқ.

### Д о р к а с

Сенингча, рост гапми шу?

### А в т о л и к

Ростлигига бешта қози шаҳодат муҳрини босган, бошқаларнинг гувоҳлиги сандигимга сифмади.

## М а с х а р а б о з

Буни ҳам қўя тур. Бошқасини ол.

### А в т о л и к

Мана бу шўх қўшиқ, лекин жудаям аломат.

## М о п с а

Шўхини сотиб ола қол.

### А в т о л и к

Бунақаси топилмайди. "Биз, икки қиз севиб қолдик бир йигитни". Бутун вилоятда буни куйламаган қиз йўқ. Ҳамма жойда талаш, Худо ҳақи!

## М о п с а

Агар сен жўр бўлсанг, биз Доркас билан икковлашиб куйлардик. Уч овозга мўлжалланган деяпсан-ку.

## Д о р к а с

Биз буни бир ой бурун эшиштанимиз.

## А в т о л и к

Куйлаймиз, куйлаймиз, нега куйламас эканмиз! Ахир,  
куйлаш менинг ҳунарим-ку. Қани, бошладик! (Куйлай  
бошлайди).

Хой, қизларжон, даф бўлинг,  
Жонга тегдингиз роса!

## Қ и з л а р

Ҳа, йўл бўлсин, қаёққа?

## А в т о л и к

Боринг, ишингиз нима.

## Қ и з л а р

Уятсиз, безбет, қўпол!

*(Басма – бас)*

Хўш, энди маъшуқанг ким?

Бизга қасам ичгандинг.

Алдадинг бизни, айёр –

Қишлоққами, отизга?

## А в т о л и к

Нима, қулмидим сизга?

## Қ и з л а р

Қочди, қочиб қолди у.

*(Басма – бас)*

Мени ёrim деб атаб,

Мен-чи масхаралаб,

Номусим ўғирлади.

## М а с х а р а б о з

Етар, кейин куйлаймиз. Отам меҳмон афанди билан

муҳим бир нарсани гапиришаёттанга ўхшайди, ҳалал бермайлик. Кетдик, қани қутингни кўттар. Қизларжон, иккингизга ҳам совға оламан. Аттор, биринчи харидор - камина! Юринг, гўзалларим!

*(Мопса ва Доркасни бошлаб чиқади.)*

### А в т о л и к

Энди уни шиламан.

*(Куйлайди.)*

Менга совға қил, ўртоқ,  
Лента, упа ва тароқ,  
Ёстиқда тўр-жимжима,  
Кўйлак ёки шол рўмол,  
Пулга кўзинг қиймаса,  
Арзимас бир нарса ол,  
Пулни тутиб қўйсангу  
Ёрингни шод этмасанг,  
Бундан нима фойда бор.

Хизматкор қайтиб киради.

### Х и з м а т к о р

Хўжайин, дейман, нариёқда учта эчкибоқар, учта чўчқабоқар, уч кўйбоқар - устларига эчки териси ёпиниб олишган ўзларини алламбало - сатирми, сартирми, деб аташади. Рақслари ҳам ажабтовур. Қизлар уни сакрашу югуришдан иборат бўтқа деб аташяпти, ҳа, бу гашни бизларсиз ўйинга тушишаёттани учун аламдан айтишяпти-да. Чўчқабоқарлар, рақсни нуқул чир айланиб, таъзим қилиш деб тушунадиганлар таъбига ўйинимиз жилла ботмаса ҳам, баридир хуш ёқади, деб қасам ичишяпти.

### Ч ў п о н

Керакмас, ҳайдаб юбор! Ўшаларсиз ҳам қалангри-қасангри эрмаклар тўлиб ётибди. Муҳтарам меҳмонларимиз ранжиб қолишади.

## П о л и к с е н

Бизни хурсанд қилмоқчи бўлганларни хафа қиляпсан.  
Сендан илтимос, кўрсат ўша раққосларингни.

## Х и з м а т к о р

Уларнинг айтишича, уч чўчқабоқар ҳатто қирол ҳузурида ҳам рақсга тушишганимиш ўша масхара вазларнинг энг пачори ҳам ўн икки ярим газ баландга сакрай олармиш.

## Ч ў п о н

Бас, муҳтарам меҳмонларки рози экан, чақиравер.

## Х и з м а т к о р

Улар эшиқда мунтазир.  
Хизматкор чиқади ва раққослар билан қайтиб киради.  
Ўн икки сатир ўйинга тушади.

## П о л и к с е н

*(Чўпонга)*

Сен баъзи бир нарсаларни билмайсан, ошнам.

*(Камиллога)*

Биз нимага чўзяпмиз? Тутатмоқ керак.  
Чол эзмаю овсар экан.

*(Флоризелга)*

Хўш, барно йигит?  
Сен шунчалар ошиқсанки, байрамни тамом  
Унугибсан магар, сенинг ўрнингда бўлсам,  
Севгилимни кўмар эдим совғалар билан.  
Кавлаштириб савдогарнинг тутунларини,  
Ахтарадим унинг учун энг асл мато:  
Сен-чи, харид айламадинг унга ҳеч вақо,  
О, маъшуқант бу тўғрида ўйлаб кўрсайди,

Мени севмайсан, деб сенга айтарди ошкор,  
Шунда сенинг жавобинг ҳам бўларди душвор.

### Ф л о р и з е л ь

Азиз меҳмон, ёrim менинг муҳаббатимни  
Ўлчамагай бундай майдა-чўйдалар билан.  
Мен қалбимда асраяпман садоқатимни,  
Ўша совға уницидир, унга аталган.

Жоним, бир замонлар севги ўтида ёнган  
Мана шу чол ҳузурида айтай ишқи роз.  
Ижозат бер, қўлларингни кафтида тутай,  
Уларнинг қуш қанотидек майинлиги рост,  
Улар арабларнинг садаф тишидан ҳам оқ.  
Улар қутб сийнасида ярқираб ёттан,  
Қиши шамоли ялаб ўтган қор каби опшоқ.

### П о л и к с е н

Хўш, кейин-чи? Ўзи опшоқ бўлган бир қўлни  
Қандоқ қилиб сен бегубор этарсан яна!  
Мен сўзингни бўлдимми-а? О, давом эттири,  
Назаримда сен қасамёд этмоқчисан?

### Ф л о р и з е л ь

Ҳа,  
Сиз шоҳидим бўлинг.

### П о л и к с е н

Манов дўстим-чи?

### Ф л о р и з е л ь

У ҳам!  
Шоҳидим бўл, осмон, замин, мунаvvар олам! -  
Агарда мен барнолардан барно бўлсайдим,  
Агарда мен подшолардан подшо бўлсайдим,  
Агарда мен донолардан доно бўлсайдим,  
Ҳаммасини багишлардим ишқингга, санам, -

Ҳаммасини этар эдим ўзингта нисор.  
Ё бўлмаса, ўлар эдим!

П о л и к с е н

Қандай саховат!

К а м и л л о

У ошиги шайдо!

Ч ў п о н

Сен-чи, не дейсан, қизим?

Х и ж р о н а

Мен бунчалар келиштириб айта олмайман,  
Бундан ортигини хаёл эта олмайман.  
Фақат ўз севгимга боқиб, этаман қиёс -  
Мени қандоқ севишини.

Ч ў п о н

Бу жуда ҳам соз.

Гувоҳликка ўтинг, деймиз янги дўстларни,  
Рози бўлдим, мен қизимни унга бераман,  
Ўзига ярашиқ сепу саруло билан.

Ф л о р и з е л ь

Ҳижронанинг сепи - ҳусни, фазилатидир,  
Сизга нотаниш бир кимса қиларкан қазо,  
Шунчалар бой бўларманки, шунча бадавлат, -  
Бундай бисот тушингизга кирмаган ҳатто -  
Кел, оқсоқол, энди бизга оқ фотиҳа бер.

Ч ў п о н

Кўлингизни беринг!

П о л и к с е н

Жиндак сабр қил, ошнам!

- Отанг борми?

Ф л о р и з е л ь

Бор, нимайди?

П о л и к с е н

Бу ишларингдан  
Хабардорми?

Ф л о р и з е л ь

Хабари йўқ, билмагани соз.

П о л и к с е н

Ўғилнинг тўйида ота - соҳиби эъзоз.  
Менга айт-чи отанг магар жинни эмасми,  
Қариганда айнаб, ақду ҳушидан озган?  
Тили соқов, қулоги кар эмасми магар?  
Соҳиб хонадонми? Кўзи, кўриши қалай?  
Шол эмасми, тўшагида чўзилиб қолган?

Ф л о р и з е л ь

О, йўқ, тақсир. Отам ҳали қаримас асло,  
Тенгдошлари ичра унинг қомати расо.

П о л и к с е н

Мен шу опшоқ соқолимга қасам ичаман,  
Ки ноқобил фарзанд, ёмон ўғил экансан.  
Ўғил деган ёр танлашга ҳақлидир, дуруст.  
Аммо ота бахти - ўғли садоқатию  
Неваралар иқболида, деганлари рост,  
Сенга доно бир маслаҳат берар эди у.

Ф л о р и з е л ь

Азиз меҳмон, сўзингиз ҳак, эътиrozим йўқ,  
Аммо айтиб бўлмас шундоқ сабаблар борки,  
Тўйимизни сир тутишга даъват этади.

П о л и к с е н

Отангга айт!

**Флоризель**

Йўқ, йўқ, асло!

**Поликсен**

Сен отангта айт!

**Флоризель**

Айтолмайман.

**Поликсен**

Сўйла унга севар ёрингни,  
Ўйлайманки, чол сира ҳам хафа бўлмайди.

**Флоризель**

Қасам ичиб айтаманки, бу мумкин эмас,  
Тасдиқ этсангиз бас аҳду паймонимизни.

**Поликсен**

Аҳдингнимас, ажримингни тасдиқ этаман.

*(Ўзининг асл қиёфасида кўринади.)*

Сен, зумраша! Яна менга ўтил эмиш бу!  
Энди нечук лойиқдирсан шаҳзодаликка,  
Чўпон таёғига тожни алмаштирдинг-ку!  
Сен-чи, қари туллак! Афсус, оёғинг гўрда,  
Лекин қолган умринг энди тугайди дорда -  
Сен-чи, сен, жодугар, суюқ, сурбет, қизалоқ!  
Менинг ворисимга нозу ишвалар қилиб,  
Йўлдан оздирмоқчимисан!

**Чўпон**

Эвоҳ, Худойим!

**Поликсен**

Ойимқиз, мен эсингизни киритиб қўйгум,  
Яхшилаб бир савалатсам, ҳушёр тортасиз.

*(Флоризелга)*

Энди ушбу остоңадан қадамингни уз  
Ва умрбод бу даргоҳни ёдингта олма,  
Йўқ, десант, тожу таҳт билан хайрлашавер!  
Эсингда тут шунни! Қани, ортимииздан юр! -  
Сен-чи, қари туллак, ёлғиз ўлиминг билан  
Гуноҳингни гарданингдан соқит этасан! -  
Сен, жодугар, шуни яхши тушуниб олким,  
Ҳар кимга, шу тентакка ҳам лойиқсан балким.  
Аммо лекин ўзини кўп адо этди ул,  
Сени деб хор этди, балки гадо этди ул.  
Агар унга тагин кулбанг эшигин очсанг,  
Ёки қучоқ очиб унга, меҳрингни сочсанг,  
Онт ичаман, қанча бўлма париваш, дилбар,  
Ўлиминг ҳам оғир бўлур сенинг шу қадар.

*(Кетади.)*

### Ҳ и ж р о н а

Қатлсиз ҳам энди ўлдим, ҳалос бўлдим мен,  
Аммо унинг таҳдидлари чўчитолмади,  
Бир-икки бор сўзини ҳам бўлмоқчи бўлдим,  
Яъни, кулба устида ҳам, сарой узра ҳам  
Битта қуёш нур сочади, осмон битта деб.  
Бизни энди ҳолимизга қўйинг, шаҳзодам,  
Шундоқ бўлишини мен-ку яхши билардим.  
Сиз эҳтиёт бўлиб энди қўйингиз қадам,  
Faфлат уйқусида эдим, мана, уйғондим.  
Қўйинг, энди қўй-қўзимнинг олдига борай,  
Тўйиб-тўйиб йиглаб олай.

### К а м и л л о

Сўзла, отахон.  
Тирик эканингда мундоқ мияни ишлат.

### Ч ў п о н

Ўйламоқ ҳам, сўйламоқ ҳам мен учун мушкул.

Эх, шаҳзода! Сенинг шундоқ қилифинг билан  
Ҳалок бўлур энди мендек саксон яшар чол.  
Бобом, отам жон берган у жойда, тўشاқда  
Оёғимни чўзиб туриб ўлмоқчи эдим,  
Ўша марҳумларга ҳамроҳ бўлмоқчи эдим.  
Нима қилиб қўйдинг ўзи! Ҳадемай жаллод  
Ювиқсиз таним жойлаб кафанга, ҳайҳот,  
Тупроққа кўммайди, жарга улоқтиради.  
Оҳ, лаънати! Сен муқаррар билгансан бунинг -  
Шаҳзодалигини. Энди нима қилдим мен?  
О, фалокат! Қатлгача ўлсайдим кошки!

(Кетади.)

### Ф л о р и з е л ь

Нега тикиласан бундоқ таажжуб билан?  
Мента оғир, аммо руҳим ҳадикдан йироқ.  
Кучим, иродамни тагин тоблар машаққат,  
Устиворман, қароримдан чекинмасман, йўқ,  
Мен отамга бўйсунмайман, фақат ва фақат  
Мақсад сари интиламан, ниятим - ният.

### К а м и л л о

Отангизнинг феъли-ҳуйи аён, шаҳзодам.  
У аламда ёниб, сизни тингламайди ҳам.  
Ҳозир унинг ҳузурига бориш бефойда,  
Ёнига йўлатмас, балки қўймас ичкари,  
Сиз яхшиси кутинг, пича босилсин ҳоври.

### Ф л о р и з е л ь

Хўп, кутаман, Камилло, бу сизмисиз?

### К а м и л л о

Ўзим.

### Ҳ и ж р о н а

Мен неча марталаб унга айттандим, ахир,

Бошқалар бу ишдан хабар топишдими, бас,  
Бало келиб, иқболимиз топар деб абас.

### Ф л о р и з е л ь

Йўқ, санамим, баҳт-иқболинг пайҳон этилмас.  
Токи тирик эканман - гар қасамим бузсам,  
Ҳаёт битар, қулаб тушар гумбази олам.  
О, сен бошинг кўтаргину кўзларимга боқ,  
Отам тожу тахтдан мени айласин жудо!  
Менга мулку давлат - сенинг муҳаббатингдир,  
Сенинг васлинг.

### К а м и л л о

Эсингизни йиғинг, шаҳзодам.

### Ф л о р и з е л ь

Менинг муҳаббатим - ақлим, фаросатимдир,  
Ақлим агар тўсиқ бўлса ишқимга, ҳамон  
Воз кечаман, жунун бўлур насибам тамом.

### К а м и л л о

Сиз беҳуда бу аламни қўйинг, шаҳзодам.

### Ф л о р и з е л ь

Менга бари бирдир энди - севинчми, алам,  
Эттан аҳду паймонимга мадад берса, бас.  
На номус, на шараф, сўзим чиндир, Камилло,  
На буюк Богемиянинг қадимий таҳти,  
На төғлар, на дengизларнинг бойлик-саравти  
Мени ушбу ниятимдан қайтара олмас,  
Хиёнатта бормасман мен ўшаларни деб.  
Шундоқ экан, Камилло, мен сиздан сўрайман,  
Сиз отамга муқаррибсиз, дўсти қадрдон,  
Мен уни тарқ этиб, бутун кетарман йироқ,  
Агарда у мени эслаб, чекаркан фироқ,  
Сиз тасалли беринг, бўлинг дардига дармон.

Унинг ҳақсиз ғазабини силаб, юмшатинг  
Мен юрақдан ишонаман, ҳаёт баҳрида  
Биз чинакам йўлимизни олгаймиз тошиб,  
Сиз отамга сўзларимни бир-бир етказинг,  
Она юртда ўзининг чин севгани билан  
Бахтли бўлиш умидини тамом йўқотиб,  
Ўғлингиз бош оқдан ёқда сузиб кетди, денг.  
Кемам шай турибди, зотан шайлланган эди  
Бошқа ниятлару ўзга мақсадлар учун.  
Ҳайё-ҳайт, деб бир ёқларга сузиб кетаман.  
Буни билиш фойдасизdir энди сиз учун.

### К а м и л л о

Сабот ҳамроҳингиз бўлсин, азиз шаҳзодам,  
Лекин тинглаш керак яхши маслаҳатни ҳам...

### Ф л о р и з е л ь

Ҳижронна, қулоқ сол... Жиндек сабр, Камилло -  
*(Ҳижронани саҳна ичкарисига бошлийди)*

### К а м и л л о

У қочмоққа узил-кесил қарор айлади.  
Кошки мен ҳам ҳамроҳ бўлиб жўнасам эди,  
Йўлда қўриқласам турли тасодифлардан,  
Унга хизмат қилсан, яна юртимга қайтиб,  
Яна ўша шўрпешона Леонти кўрсан,  
Кўрсан валинеъматим ва ҳукмдоримни,  
Тараҳҳумлар билан унинг ҳолини сўрсан.

### Ф л о р и з е л ь

Ўтинаман, матьур тутинг, азиз Камилло:  
Ташвишим кўп, назокатли бўлолмаяпман.

### К а м и л л о

Марҳаматли шаҳзодам, сиз эшигтандирсиз  
Отангизга қилган ҳалол хизматларимни.

## Ф л о р и з е л ь

Ҳа, сиз ҳалол садоқатли хизмат қилдингиз,  
Отам буни айтишни кўп яхши кўради,  
Қандай мукофотласам, деб ўйлаб юради.

## К а м и л л о

Хўп, шаҳзодам, бу тарафи жуда соз, зотаң.  
Мен қиролни ва қиролнинг яқинларини  
Севаман, деб онт ичишга ҳожат йўқ экан,  
Сизни ҳам севаман, хизмат қилмоқчириман.  
Кенгашимни қабул қилинг, айтгайн кушод -  
Сизни, яна сизнинг гўзал маҳбубангизни  
Қайси юртда қучоқ очиб, кутажаклар шод.  
Осмон паноҳингиз бўлсин! - Кўраман аён  
Фақат ўлим сола олур ўртага ҳижрон.  
Бас, пайсалга солмай, тезда никоҳдан ўтинг,  
Юмшатаман, мен қиролнинг қаҳри-захрини  
Ва сиз билан ярашмоққа ундейман уни.

## Ф л о р и з е л ь

Қирол... биз билан-а. О, бу буюк мўъжиза!  
Камилло, жон дўстим, шундоқ қилсайдинг кошки,  
Истасанг, мен жонимни ҳам берайин.

## К а м и л л о

Тўхтанг,  
Қай тарафга сузмоқчисиз?

## Ф л о р и з е л ь

Ҳали номаълум.  
Қисмат бизга, қочингиз, деб айлади фармон,  
Бўйсунамиз ва тақдирга келтириб имон,  
Шамол эстан ёқقا сузиб кетаверамиз.

## К а м и л л о

Баски, шундоқ экан - менинг маслаҳатим! Сиз

Дарҳол Сицилия томон сузиб кетингиз.  
Сузиб кетингиз шу суюк ёрингиз билан.  
(У сизники эканлиги кўрга ҳам равшан),  
Боринг тўшпа-тўғри қирол Леонт ёнига.  
Ҳа, айтмоқчи, сизнинг гўзал ҳамроҳингизга  
Маликаларга хос зийнат, сарупо керак.  
Леонг қучоқ очиб, сизни қаршилар бешак.  
Стангизнинг олдидағи гуноҳи учун  
Кўзига ёш олиб, сизга айттар тазарру,  
Кейин ўпар шаҳбонунинг қўлларини у,  
Мехрини қиёслар собиқ нафрати билан  
Мұхаббати эса яшнаб қулф ураг чунон.

### Ф л о р и з е л ь

Ва лекин, Камилло, қай бир баҳона билан  
Қирол ҳузурида ҳозир бўламиз?

### К а м и л л о

Айтинг,  
Қирол юборди деб, дуо тасалли билан.  
Кейин ўзингизни қандоқ тутишингизни,  
Фақат уч кишига аён ушбу асрорни  
Қиролнинг номидан қандоқ айтишингизни  
Мен сизга ёзаман, азиз шаҳзодам, фақат  
Леонт билан учрашганда ҳар сафар албат  
Бу тўғрида такрор-такрор сўзламоқ керак.  
Сизда Поликсенни кўриб, қувонсин қирол,  
Стангизга ишонгандек ишонсин қирол.

### Ф л о р и з е л ь

Ташаккур, Камилло. Жуда ажойиб режа.

### К а м и л л о

Бу менингча яхшироқдир, сув-сарҳад кечиб,  
Бегона, ёт қирғоқларга томон юришдан.  
Олис, ғаним ўлкаларга қадам қўйишдан,

Фалокатлар турага унда оғзини очиб.  
Унда машаққатлар чекиб, толиққан сайёх  
Түхтар экан, лангарига сұянуру фәқат.  
Яна эсда тутинг шуни, азиз шаҳзодам,  
Мұхаббатнинг тамалидир түкис маишат  
Қайғу хусн-тароватни бузиб кетади,  
Түйғу деганингиз шунда түзиб кетади.

### Х и ж р о н а

Хақ әмассиз, қайғу билан, машаққат билан  
Гул чөхралар сарғаяди сарғайса, лекин -  
Асл түйғу собит қолур.

### К а м и л л о

О, баракалла!  
Кирқ йилда бир туғилади сизга ўхшашы,  
Чүпон қиз.

### Ф л о р и з е л ь

О, марҳаматли, азиз Камилло!  
Қалби билан қиёфаси нақадар баланд.

### Х и ж р о н а

Бас, бу мақтоловлардан тамом хижолатдаман.

### Ф л о р и з е л ь

Менинг суюклигим, менинг гүзал Ҳижронам!  
Қайси гуноҳимиз учун бу азиятлар! -  
Сиз отамни құтқарғансиз, азиз Камилло.  
Дүсті халоскорсиз. Нима қилишим керак?  
Қирол Леонт ҳузурига бориш учун мен -  
Маблағ, заррин лиbosларни қайдан оламан?

### К а м и л л о

Бу түғрида ташвиш тортманг, азиз шаҳзодам.  
Биласизки, бор давлатим Сицилияда.

Хат ёзиб бераман, сизга беришар кийим,  
Ташвиш чекманг, ажабланманг, дея атайин,  
Юринг яна бир гапларни сизга айтайин.

Четта чиқишиади.

Автолик киради.

### А в т о л и к

Ҳа-ҳа! Эй, шу ҳалоллик дегани ўзи гирт аҳмоқлик эмасми! Унинг суюкли сингилчаси бўлмиш соддадиллик-чи? У ҳам гирт авомлик-ку! Латта-путталаримни уларга ошириб бўлдим. Сандинимда ҳеч вақо қолмади: на сохта олмослар, на ленталар, на ойначалар, на тўғнағичлар, на қўшиқлар, на тасмачалар, на қўлқоплар, на ишлар, на тақинчоқлар, на узуклар - мана, бўм-бўш! Худди мен баҳт келтирувчи туморлар сотаёттандек, ҳаммаси ўлиб-тирилиб ёпишди. Шунда кимнинг ҳамёни семизроқ бўлса, кўз остимга олиб қўйдим. Оқилман деб мақтангандан авни мас-харавоз қизларнинг қўшиғига чунонам маҳлиё бўлдики, сўзи ва оҳангини ўрганиб олмагунча ёнимдан бир қарич ҳам жилмади. Унга қараб бошқалар ҳам оғизларини очиб турга беришди, бутун жисмлари - қулоқ... Этак остидан истаган ҳамёнга қўл чўз, истаган чўнтакни кес, калит занжирини аррала - бирор пайқамайди. Ҳаммаси каминанинг қўшиғига маҳлиё, ўша олди-қочди гапларга гиргиттон. Улар шундоқ қўзларини бақрайтириб ухлаб туришаркан, мен байрамга деб қашпайтирилган ҳамёнларни ўмаравердим. Авни эзма чол: "Вой, қизим-ей!", "Вой, шахзодамей!" деб кутилмаганда дод солиб кириб, похол тит-килаёттан зағчаларни чўчитмаганда борми, нақ ҳамён зотига қирон солардим.

Камилло, Флоризель ва Ҳижронга саҳна ичкарисидан чиқиб келишади.

## К а м и л л о

Менинг хатим сизга ҳамроҳ бўлиб боради,  
Тарқатади унинг шубҳа-гумонларини.

## Ф л о р и з е л ь

Қирол Леонт сизга ёзадиган хат эса...

## К а м и л л о

Отангизга бир ажойиб тухфа бўлади.

## Х и ж р о н а

Осмон сизга паноҳ бўлсин! Ҳар бир сўз билан  
Бизга севинч бағишлайсиз.

## К а м и л л о

*(Автоликни кўриб)*

У ким бўлдийкин?

Ким бўлмасин, ҳамроҳ бўлур сизга аломат,  
Барча воситани ишга солишимиш шарт.

## А в т о л и к

Агар эшитиб қолишган бўлса - тамом, осилдим, дея-  
вер.

## К а м и л л о

Ҳой, азамат! Безгак туттандай намунча қалтирайсан?  
Қўрқма ёмон ниятимиз йўқ.

## А в т о л и к

Тақсир, мен бир фақир-бечораман.

## К а м и л л о

Шундайлигингча қолавер. Фақирликни ўғирлаб бўлмай-  
ди. Биз фақат бечораҳол кўринишингнигина олмоқчимиз,  
холос. Қани, бўл, ечина қол - бу жуда зарур, ошнам -

кейин манави жаноб билан кийимларингни алмаштириб ол. Тўри, у ютқизади, лекин бари бир сен устига тағин устама оласан.

### А в т о л и к

Тақсир, мен бир бечора-ғарибман. (Четта.) Кимлигин-гизни кўриб турибман.

### К а м и л л о

Қани, қимирила, тезроқ! Кўрмаяпсанми, жаноб ечиняпти.

### А в т о л и к

Ростдан-а? (Четта) Мен бунақанги ҳазилкашликнинг таги зил кетишини биламан.

### Ф л о р и з е л ь

Бўла қол, ошнам.

### А в т о л и к

Албатта, саховатингиз учун ташаккур. Лекин, ростини айтсам, менга ноқулай...

### К а м и л л о

Белбоғни еч тезроқ, қани, тутмани бўшат.

Флоризель ва Автолик кийимларини алмаштирадилар.

Саодатли гўзал, менинг башоратимга  
Фалак ўзи омад бериб, етказгай барор.  
Бутазорга кириб, қайта кийиниб чиқинг.  
Юзингизни ўраб олинг бўйинбор билан,  
Шаҳзоданинг қалпоғини кўзга туширинг  
Ва гаванга ўтиб олинг, кимдир шу маҳал  
Ўйлайманки, ортингиздан кузатиб турар.

### Ҳ и ж р о на

Ўйнаш керак, чамамда, нақ саҳнадагидай.

## К а м и л л о

Баракалла. Тайёрмисиз, менинг шаҳзодам?

## Ф л о р и з е л ь

Шу турқи-тароватимда ҳаттоқи отам  
Танимасди дейман мени учраттанды ҳам.

## К а м и л л о

Йўқ, сиз қалпоқ кийманг, уни буёқча беринг.

*(Қалпоқни олиб, Ҳижронага узатади.)*

Маликам, сиз бора қолинг.

*(Автоликка)*

Хайр, биродар.

## А в т о л и к

Хайр, сенъор!

## Ф л о р и з е л ь

Ҳижронам, бир гапим бор эди...

*(Унинг қулогига шивирлайди.)*

## К а м и л л о

*(четта)*

Мен қиролнинг олдига бориб,  
Уларнинг бу қочишидан этай хабардор.  
Айтай, қай тарафга қараб қочганларин ҳам,  
Қирол шунда қочоқларнинг изидан тушар.  
Шубҳасизки, мен қиролга ҳамроҳ бўламан,  
Шунда соғинганим гўзал Сицилияни  
Кўриш яна насиб бўлар.

## Ф л о р и з е л ь

Азиз, Камилло,

Осмон сизга паноҳ бўлсин. Биз йўлга тушдик.

## К а м и л л о

Хўп, хўп, бора қолинг. Тезроқ жўнаган маъқул.

Флоризель, Ҳижронга ва Камилло кетишади.

## А в т о л и к

Хо-хо! Ҳаммасини пайқадим, ҳаммасини эшитдим! Ўгри учун энг муҳими: тиккайган қулоқ, ўткир кўз ва эпчил қўл, дейиштани бежиз эмас. Сезгир бурун ҳам зиён қилмайди - ҳидлаб-ҳидлаб, бошқа тана аъзолари учун бир зумда иш тошиб беради. Лекин замонамиз - каззобга жантат. Бунаقا айрибош устамасиз ҳам дуруст, устамаси билан эса - худди хазинанинг ўзи. Биздақаларга Худойим мададкор, қаёққа қўл чўзмайлик, ишнимиз бароридан келаверади. Кимсан, шаҳзода ошиқлик йўлига кирибди, отасидан қочиб кетяпти азамат, яна бўйнига осигуриқ тоши ҳам бор. Қиролни хабардор қилиб қўйишни номус бурчим деб билганимдаям, бу гапни айтишга ошиқмасдим. Аммо хабар қиласлик - беномусликдан баттар. Бас, ўз эътиқодимда қоламан.

Масхарабоз ва Чўпон киради.

Четроқда турай. Яхши калла учун тагин бир иш борга ўхшайди. Ақлли одам ҳамма жойда ўзига иш тошиб олади; истаган чорраҳада, истаган дўкон, бутхона, қозихона дейсизми, ҳаттоки дор тагида ҳам.

## М а с х а р а б о з

Бўлди, бас, қанақа одамсан ўзи! Қиролга айтиш керак, вассалом, менинг қизиммас, ташландиқ, деб.

## Ч ў п о н

Йўқ, сен аввал эшит...

## М а с х а р а б о з

Йўқ, сен эшитсанг-чи...

## Ч ў п о н

Хўш, гапир.

### М а с х а р а б о з

Бас, у сенинг жону танингдан эмас экан, демак, қиролни ҳақоратлаған ҳам сенинг жону танингмас. Демак, сенинг жону танингни жазолаш ножоиз. Унинг ёнидан нималар топиб олгансан, барини кўрсат. Этнида нима бор эди-ю бўйнида нима бор эди, хуллас, ўша яшириб сақлаётган-ларингдан бўлак, ҳаммасини. Кейин қонун дегани ҳуштагини чуриллатаверсин. Тупур, сенга нима!

## Ч ў п о н

Мен қиролга ҳаммасини айтаман: ўғлининг тамом кори, бор кирдикорини. У отасини ҳам, мени ҳам лақиллатмоқчи бўлди - мени подшонинг муқарриби қилиб кўтармоқчи бўлди-я, хумпар.

### М а с х а р а б о з

Балли, худди муқарриб ус-султон қилиб кўтармоқчи бўлди! Шундоқ қилганда борми, қонимиз роса қимматлашарди, билмадим, бир қатраси неча минг танга баҳоланаарди.

## А в т о л и к

(Четта)

Ақли бажо,вой, қизталоқлар-еј!

### М а с х а р а б о з

Юр, бўлмасам, қиролга учрашайлик. Тутунчадагини кўриб, ўзиям соқолини юлса керак.

## А в т о л и к

(Четта)

Валинеъматимнинг қочишига халал беришмаса, гўрга эди.

## М а с х а р а б о з

Қиролни саройда учратолсак, бас.

### А в т о л и к

(Четта)

Гарчи табиатан ўғри бўлсам ҳам, баъзан тўғри бўлиб кетаман. Атторлик аломатини яшириш керак.

(Ясама соқолини юлади.)

Ҳа, ислиқилар, йўл бўлсин!

### Ч ў п о н

Саройга, муҳтарам бегим.

### А в т о л и к

Саройда ишларинг борми? Кимда ишларинг бор? Қанақа иш? Тугунчадаги нима? Исмингиз, унвонингиз, молу мулкингиз, таълим-тарбиянгиз, ёшингиз - ҳаммасини айта қолинг тезроқ!

## М а с х а р а б о з

Биз фақиру ҳақирлармиз, тақсир.

### А в т о л и к

Ёлғон! Сиз қўпол, исқирт одамларсиз, менга тўғрисини айта қолинг. Алдоқчилик - савдогарларга тааллуқ. Улар биз, аскарларга ёлғон-яшиқ сотишади, биз уларга шамшир тифи биланмас, жарақ-жарақ тилла билан тўлаймиз, хуллас, улар бекорга ёлғон сотишмайди.

## М а с х а р а б о з

Жаноблари чамамда бизга ҳам тўламоқчи эдилар-у, лекин ўзларини тўхтатиб қолдилар шекилли.

### Ч ў п о н

Тақсир, ижозатлари билан сарой аъёни бўлсантиз керак.

## А в т о л и к

Ижозатлари биланми, ижозатлари биланмасми, лекин сарой аъёни эканлигим рост. Аъёnlитим кийимидан аён эмасми? Аъёnlитим савлатимдан кўринмайдими? Ҳидимдан-чи, аъёnlитим сезилмайдими? Сенга бурнимни жи-йириб боқишимдан-чи? Сенинг майда-чуйда ишларингни суриштирсам, дарров мени аъёнмас, деб ўйладингми? Мен бошимдан то оёғимгача қуийб қўйтган аъёнман, сени саройга киритишим ҳам, киритмай, ҳайдаб юборишим ҳам мумкин, қани, муддаойингни баён қил!

Ч ў п о н

Тақсир, қиролга арзимиз бор эди.

## А в т о л и к

Адвокатинг борми?

Ч ў п о н

У нимаси, тақсир. Ижозатингиз билан?

М а с х а р а б о з

Саройда адвокат деб куркани айтишади. Менда уна-қаси йўқ, десанг-чи.

Ч ў п о н

Тақсир, менда курка ҳам, хўрозд ҳам, товуқ ҳам йўқ.

## А в т о л и к

Қандай бахтки, туғилганман бекзода бўлиб!  
Авом бўлиб туғилсам, не қилардим унда,  
Шунинг учун сизга шафқат айлагум пича.

М а с х а р а б о з

Улут бир амалдор бўлса керак.

Ч ў п о н

Кийими бажо, лекин кийиниши бежо.

## М а с х а р а б о з

Бу баъзида сал овсарроқ бўлиб кўринадиган улуг амалдорнинг худди ўзгинаси. Баланд мартабали бир зот, тиш тозалагичи шундан далолат беради.

### А в т о л и к

Анави тугундаги нима? Қутичами? Қутичада нима бор?

### Ч ў п о н

Тақсир, қутичада шундоқ бир сир борки, у ёлғиз қиролга аён бўлиши мумкин, агар қирол ҳузурига ҳозир кирсам борми, бу сирдан у дарров воқиф бўларди-қўярди.

### А в т о л и к

Бекорга овора бўласан, қария.

### Ч ў п о н

Нега, тақсир?

### А в т о л и к

Қирол саройдамас. У кемасига ўтириб, сайрга жўнади. Фаросатларинг етишса, айтай, қиролимизнинг бошига оғир қайғу тушган.

### Ч ў п о н

Эшитдим, тақсир, бунга ўғли сабабчи эмиш, у чўпон қизига уйланмоқчи бўлиди.

### А в т о л и к

Агар ўша чўпон қўлга тушмаган бўлса, қочиб қолгани маъқул. Уни шунақангидан азобу уқубатлар, шунақангидан қийноқлар кутадики, нақ одамнинг ичаги узилиб, ҳайвоннинг юраги ёрилади.

## М а с х а р а б о з

Ростданми, тақсир?

## А в т о л и к

Ёлғиз унинг ўзимас, етиш пушт уруғ-аймоги жаллод болтасига ем бўлади. Жазоси! Қандайдир пасткаш, эси айниган қўйбоқар шаҳзодани куёв қилмоқчи бўлса-я. Айтишларича, уни тошбўрон қилишармиш. Лекин унақада осонгина ўлади-қўяди. Подшо тахтини қўтонга кўчириш! Ё тавба! Бунинг учун энг даҳшатли қатл ҳам оз!

## М а с х а р а б о з

Ижозатингиз билан, тақсир, голибо эшигмадингизми, ўша қариянинг ўсли ҳам бормикан?

## А в т о л и к

Бор, унинг ҳам терисини шилишади. Кейин асал суркаб, қовоқари уясининг ёнига қўйиб қўйишади. Чала ўлик бўлмагунча ўша ерда тураверади. Сўнгра ароқми ёки шунга ўхшаш бирор ичимлик билан жон киргизиб, энг жазирама кунда тош деворга суюб қўйишади, ўша ерда жони узилгунча, пашшаларга таланиб ётаверади. Ҳа, ўша муттаҳамлар ҳақида гапиришдан нима фойда? Яхиси, қиролга қандай ишингиз борлигини менга айта қолинг, афтидан фақир ва ҳалол одамлар кўринасиз. Мени яхшилаб хурсанд қиласангиз, бас, қирол ҳузурига бошлаб бораману унинг қулогига бир оғиз шишитиб қўяман. Сизга қиролдан бўлак ёрдам бера оладиган ёлғиз менман.

## М а с х а р а б о з

(Чупонга)

У жудаям зўр кишига ўхшайди. Мойла, мойлаб юбор, чўз тилладан. Амалдор дегани ўжар айиқقا ўхшайди, лекин тилла берсанг, бас, бурнидан етаклаб юраверасан. Ҳамённи олиб, кафтига бўшат, вассалом. Ҳа, "тошбўрон қилишади, тириклайн терисини шилишади" деганини унутма.

## Ч ў п о н

Агар жаноблари бизга мадад бермоқчи бўлсалар, мана, мендаги бор тилла. Физиллаб уйга бораману яна шунча олиб келаман, унгача манави йигитча қўлингизда гаров бўлиб тураверади.

## А в т о л и к

Айттанимни олдин бажарай, кейин қолганини берарсан.

## Ч ў п о н

Хўп бўлади, жаноблари.

## А в т о л и к

Хўш, ҳозирча ярмини бера қол. Сен ҳам шу ишнинг ташвишидамисан?

## М а с х а р а б о з

Қисман шунақароқ, муҳтарам тақсирим. Менинг теримда юришнинг хосияти камроқ, лекин шундай бўлса ҳам уни шилиб олишмайди, деган умиддаман.

## А в т о л и к

Фақат чўпон ўғлининг терисини шилишади. Ёки уни дорга осишади, бошқаларга ибрат учун.

## М а с х а р а б о з

Баракалла, тасалли бердинг. - Йўқ, биз қиролга учраб, унга ғаройиботларни кўрсатайлик. Ҳалиги сенинг қизинг, менинг синглим эмаслигини айтайлик, йўқса, ўлдим, деявер. (*Автоликка*) Тақсири, иш бигтач, мен ҳам шуича тилла бераман, қария уйдан тилла келтирмагуича, қўлингизда гаров бўлиб туравеараман.

## А в т о л и к

Мен сизларга ишонаман. Ўнг томонга, денгиз қирғоғига қараб юринглар. Мен бир зумда нариёққа ўтиб, ортингиздан етиб оламан!

## **М а с х а р а б о з**

Шундок одамнинг бизга йўлиққани - Худонинг инояти, ҳа, Худонинг инояти.

### **Ч ў п о н**

Унинг айттанига юрайлик. Уни бизга фалак ўзи мададкор қилиб юборган.

Чўпон ва Масхарабоз кетишади.

### **А в т о л и к**

Борингки, мен ҳалол одам бўлишга аҳд қилдим, дейлик, лекин бари бир қисмат бунга йўл қўймайди. У ўлжани нақ оғзимга келтириб солади. Бу гал неъматига икки карра муяссар этди. Ҳам тилла олдим, ҳам хўжайиним бўлмиш шаҳзодага хизмат қилдим. Шу сабаб бўлиб, мартабам зиёда бўлса, ажабмас. Анави миясиз қаламушларни шаҳзоданинг кемасига тўғрилайман. Шаҳзода уларни тингламай, кемадан ҳайдаб туширса, майли, хизматим ҳақига мени саёқ, деб сўқаверсин. Бунақанги ном билан мени чўчитиб бўпсан, дашномларга этим ўлиб, ўрганиб қолганман. Хўш, анавиларни шаҳзода олдига бошлаб борайчи, зора бирор гап чиқиб қолса.

(Кетади.)

## **БЕШИНЧИ ПАРДА**

### **Биринчи саҳна**

Леонт саройида бир зал.

Леонт, Клеомен, Дион, Паулина ва бошқалар киришади.

### **К л е о м е н**

Беҳуда ғам-алам чекиши, шоҳим, бас энди.

Ахир, гуноҳ учун роса тўланди товон,  
Айбни босиб кетди андуҳ, билан пушаймон.  
Фурсатидир энди маъзур тутсангиз ўзни,  
Маъзур туттан каби сизни шу қодир фалак,  
Худовандалар унугтанни унумтоқ керак.

### Л е о н т

То ўлгунча ёд этарман Ҳермионани,  
Юрагимни ёқар айбим - қора қилмишими.  
Қандай қилиб маъзур тутай қабоҳатимни,  
Қабоҳатки, ворисимдан жудо айламиш,  
Қабоҳатки, қуёш каби оламда танҳо  
Ўша жону жаҳонимни қабрга солмиш.

### П а у л и н а

Таассуфки, айттанингиз бағоят тўғри!  
Дунёдаги бор хотинни йигиб мабодо,  
Ҳар биридан бир фазилат олиб, ягона -  
Санам ясалганда, шоҳим, ўша ҳам балки  
Ўлдирилган маликамга тенг келолмасди.

### Л е о н т

Ҳа, сўзинг ҳақ! Ўлдирилган... ҳмм.. ўлдирилган...  
О, сен аямайсан, шартта чақиб оласан!  
Хўш, нима ҳаққинг бор... Майли, чўзмайлик ортиқ.  
Аммо сен ҳам таъналарни бас қил тамоман!

### К л е о м о н

Ахир минглаб мавзуу боис-баҳона бор-ку  
Сизнинг меҳру оқибатта муносиб, лойиқ,  
Яна подшо учун суду самарга лойиқ.

### П а у л и н а

Мен биламан, уйлантиromoқ бўласиз уни.

## Д и о н

Хўш, айтинг-чи, бундан зарур тадорик борми?  
Хоним, юртнинг қисматига ачинмайсизми?  
Шавкатли бир насл қуриб битса майлими?  
Ўйлаб кўринг ахир, қандай бало қўзғалур  
Қиролимиз тахт устида қолса бефарзанд.  
Бизга қувонч-тасаллидир: марҳума руҳи  
Парвоз этиб, ноил бўлди равзага чиндан.  
Энди тирик қолғанларни ўйламоқ зарур.  
Янги ворис таваллуди сингари, зеро,  
Не бор яна давлат учун муҳим, бебаҳо?

## П а у л и н а

Қирол учун маликани қайдан топасиз,  
Ки фазл аро марҳумага тенг келсин ўша?  
Мумкинмидир сира шундоқ қайсарлик билан  
Қарши турмоқ Тангриларнинг иродасига?  
Ё Аполлон башоратин унугтдингизми?  
Қодир Худо айтган эди, йўқолган қизи  
То топилмас экан, Леонт безурёд қолур.  
У топилса, Антигоним уйига қайтса,  
Бу хаёлга сифрас буюк мўъжиза бўлур.  
Аммо илож қанча? Тақсир, маслаҳатингиз  
Тескаридир самоларнинг измига тамом.  
Ворис топилади, шоҳим, хотиржам бўлинг!  
Ахир биласиз-ку, ўша буюк Искандар  
"Лойик қимсага" деб тахтни мерос қолдирган.  
Кейин унга ўшандоқ бир ворис топилган.

## Л е о н т

Балли, Паулина, азиз Ҳермионанинг  
Хотирасин юрагингда тутасан эзгу.  
Агар маслаҳатларингта қулоқ солсайдим, ·  
Ҳозир бадбаҳт эмас, балки баҳти бўлардим  
Унинг хумор кўзларига термулиб такрор,  
Лабларидан жон бўсасин олар эдим мен.

## П а у л и н а

Ўша лаблар ўзни қанча этмасин нисор,  
Ноз-неъмати тутамасди сира ҳам.

## Л е о н т

Балли!

Унақаси тошилмайди! Агар бошқага  
Юрагимни берсам, гўзал Ҳермионанинг  
Қутлуғ руҳи қад кўтариб қаршимда тикка,  
Сўрамасми мендан: "Недур гуноҳим?" - дея.

## П а у л и н а

У ҳақ бўлур агар шундоқ савол сўраса.

## Л е о н т

Албатта ҳақ. Ўйлашга ҳам ҳатто қўрқаман,  
Ўлдирадим шунда янги хотинимни мен.

## П а у л и н а

Мен-чи, яшар эдим фақат шунга орзуманд,  
Маликанинг руҳига мен кира билсайдим,  
Шитоб билан қаршигизда бўлардим пайдо.  
"Янги ёрнинг кўзларига термулинг, кейин  
Кўнглигизни айтинг!" - дея солардим нидо.  
Сўнгти қичқириғим: "Эсла, унугта мени!"  
Ларза солур эди сизга қалдироқ каби.

## Л е о н т

Юлдуз бўлиб порлар эди унинг кўзлари,  
Бошқаларнинг кўзлари-чи - кўмирдай хира.  
Паулина, хотиржам бўл, Леонт кўнглини  
Ўзга ёрга бермас, энди уйланмас сира.

## П а у л и н а

Бас, ҳозироқ қасам ичинг, фақат ва фақат  
Сенинг розилигинг билан уйланурман деб.

Л е о н т

Жоним ҳақи, мен шундоқ деб қасам ичаман.

П а у л и на

Сиз, жаноблар, қасамига шоҳид бўлингиз.

К л е о м о н

Уни боплаб боғладингиз!

П а у л и на

Ўзим ечаман!

Агарда Ҳермионага ўхшашини топсам.

К л е о м о н

Хоним...

П а у л и на

Жим бўлингиз! - Шоҳим, яна бир карра  
Уйланишни этаркансиз агар ихтиёр,  
Изн беринг, тошиб берай мен сизга дилдор.  
Бир санамни биламан мен, Ҳермионадан  
Сал катттароқ, лекин унга жуда ҳам монанд.  
Ки, марҳума маликанинг руҳи шубҳасиз  
Бу никоҳни олқишлиб, оқ фотиҳа ўқир.

Л е о н т

Дўсти содикдирсан! Майли, сенга инондим,  
Тақдиримга ўзинг энди топавер тадбир.

П а у л и на

(Четта)

Уйланмайсиз, подшоҳим, ошиқманг мунча,  
Ҳермиона қабрдан то қўзғолмагунча.

А ъ ё н

Ҳукмдорим, ташриф ётмиш хорижий бир зот,

Флоризель деб ўзини танигди бу дам.  
Богемия шаҳзодаси, Поликсен ўғли,  
Унга ҳамроҳ, - ёш малика, сулув бир санам.

### Л е о н т

Нима? Шундоқ тасодифан! Бу мумкин эмас!  
Бундоқ ташриф унинг исми шоҳонасига  
Ярашмайди. Қалай, кўпми хос маҳрамлари?

### А ъ ё н

Ҳамроҳлари кўпмас, уч-тўрт хизматкор, холос.

### Л е о н т

Улар билан биргамидир ёш малика ҳам?

### А ъ ё н

Бир санамким бунақасин дунё кўрмаган.

### П а у л и н а

О, қайдасан, Ҳермиона! Янги замона  
Кибру ҳаво билан боқур эски айёмга.  
Сен, марҳума, энди чиндан йўл бўшатурсан  
Янги ҳусну малоҳатта, зеби жаҳонга.  
Ахир ёзгансиз-ку унинг қабр тошига:  
"Бунақаси бўлмаган, йўқ, бўлмагай!" дея.  
Ўша завқу суурингиз сўнибди, эвоҳ  
Мана, янги келган меҳмон сизга дилрабо!

### А ъ ё н

Хоним, маъзур тутинг. Марҳум маликамизни  
Қарийб унугтибман, лекин, тутингиз маъзур.  
Агар бир кўрсангиз ўша ёш шаҳбонуни,  
Лабингиздан мақтов эмас, шаккар тўкилур.  
Таърифини айтолмайман, бу ерда барча  
Оёғига бош қўярди.

## Паулина

Э, қўйсангиз-чи?  
Хотинлар ҳам бош қўярми?

## А ъён

Ҳа, хотинлар ҳам  
Уни хуш кўради, чунки ягонадир у,  
Биз эркаклар учун асл дурдонадир у.

## Леонт

Сен, Клеомон, дўстлар билан чиқиб қарши ол  
Ва бошлаб кел меҳмонларни ҳузуримизга.

Клеомон ва бошқалар чиқишиади.

Бу - сирли бир жумбоқ бўлиб туюлар бизга.

## Паулина

О, агарда шаҳзодамиз тирик бўлганда,  
Дўстлашарди балки анув ёш меҳмон билан.  
Ахир, улар тенгдошлар-ку.

## Леонт

О, Паулина!  
Бас қил! Шаҳзодани ҳар гал сўзлар экансан,  
Менга худди қайта бошдан ўлгандай бўлар.  
Нега бундай қилдинг, яна эслатдинг уни -  
Мен меҳмонни кўриб энди бўлурман жинни,  
Ана, ўзи келяпти.

Клеомон, Флоризель, Ҳижронава бошқалар киришиади.

Қани, марҳабо!

О, шаҳзода, садоқатли экан ойингиз!

Онт ичаман, отангизнинг худди ўзисиз.

Агарда-чи, йигирма йил ёш бўлганимда,

Қучоқ очиб қичқирадим: марҳамат, оға!

Сизни турфа-турфа ўзлар, ажиб туйгулар,

Шўхликлару умидларга кўмардим тамом.  
Салом, сизга, шаҳзодам! О, шаҳбону салом!  
Мунча латиф бўлмасангиз, мунча дилором!  
Эвоҳ, сиздек болаларим бор эди маним,  
Бахтли ота бўлур эдим мен ҳам беармон,  
Ҳайҳот, ўз бахтимни ўзим хароб айладим,  
Шак келтиридим отангизнинг дўстлигига ҳам.  
Лекин ҳалигача уни севаман жондан,  
Уни яна кўрсам дейман, кўрмоқ истайман.

### Ф л о р и з е л ь

Бизлар ташриф этдик унинг хоҳиши билан.  
Отам сизга, соҳиби тож биродарига  
Дуо, салом айтиб қолди юрак-юракдан.  
Бемор бўлмасайди, руҳий қуввати тушкун,  
Ўзни сезмасайди ҳоргин, шикасталардек,  
Сиздек ҳукмдорни келиб қучмоқлик учун  
Дашту дентизларни кечиб ўтарди бешак.

### Л е о н т

О, менинг жон биродарим! Нақадар комил!  
Ва нақдар олийжаноб, дарёйи ҳиммат!  
Мени баттар ёндиримоқда уят, хижолат.  
Ташрифингизга мен шодман, жигарбандларим,  
Баҳор чорги ер қуёшга қувонганидай.  
Аммо айтингиз-чи, шундоқ ҳусну жамолни  
Отангиз төғ тўлқинларга ишонмиш қандоқ,  
Наҳотки бир номуносиб оғайнини деб,  
Шаҳбонуни мاشаққатта қўйибди шундоқ?

### Ф л о р и з е л ь

Подшоҳим, сизнинг азиз остоангизга  
Тўшпа-тўғри Ливиядан келдик.

### Л е о н т

Мард Смал

Диёридан десангиз-чи, уни то ҳануз  
Севишар ҳам чўчишади ундан, шундоқми?

### Ф о р и з е л ь

Шундоқ, шоҳим. У соҳилда ёш тўкиб қолди  
Қизи, дилбандини менинг кемамга йўллаб.  
Хайрлашдик ва жанубий шамоллар билан  
Отамизнинг саломини етказмоқ учун  
Суза кетдик сизнинг азиз соҳилга қараб.  
Сицилия қирғозидан маҳрамларимни  
Мен жўнатдим, то отамга бориб айтсингилар -  
Маликанинг висолига ноил бўлганим  
Ва соғ-омон юргингизга еттанимни ҳам.

### Л е о н т

Токи бунда экансиз, бу тупроқ-заминни  
Худовандлар ёрлақайди, безайди шараф.  
Қодир қисмат отангизни хизматлари-чун  
Садоқатли фарзандларга этмиш мушарраф.  
Осиyllигим учун тақдир куйдирди мени,  
Кошки кўра олсан эди ўғлим, қизимни!

Мулозим киради.

### М у л о з и м

Ҳукмдорим, изн беринг, ғалати хабар,  
Бир хабарким, ишониш ҳам қийиндири, бироқ  
Ҳамма ҳақиқат деб уни тасдиқ этмоқда!  
Богемия шоҳи сизга салом йўллайди,  
Рутба, номус ва бурчини унутиб қўйган,  
Битта чўпон қиз-ла қочиб бу ёқقا келган  
Шаҳзодани тутиб туришингиз сўрайди.

### Л е о н т

Қани ўзи? Қирол қайдা?

### М у л о з и м

Шунда, шаҳарда,  
Ҳозир тўппа-тўғри унинг қошидан келдим.

Сўзларим ҳам узуқ-юлуқ, нега десангиз,  
Воқеалар бир-бираидан ажиб, гаройиб.  
Яна гапни чувалтиридим, маъзур тутингиз,  
Қирол келар экан сизнинг саройга томон,  
Оёғига йиқилишиди иккита чўпон.  
Ёш шаҳзода билан бирга бу ёқقا қочган  
Сохта шаҳбонунинг ота, оғаси экан.

### Ф л о р и з е л ь

Бизни сотмиш олийжаноб. Ҳалол Камилло!  
Ақл бовар этмас!

### М у л о з и м

Сўраб кўринг ўзидан.  
Қирол билан биргадир у.

### Л е о н т

Ким у? Камилло?

### М у л о з и м

Ҳа, подшоҳим, мен у билан гаплашдим ҳатто.  
Чўпонларни сўроқ қилди ўша. Воажаб!  
Шўрликларни адо этмиш қўрқув ва даҳшат,  
Улар қирол оёғида ёниб-қалтираб,  
Ёш тўқади, ер ўпади, қасам ичади.  
Қирол тингламайди, баттар ғазаб қиласди,  
Ҳатто ўша осмоннинг ҳам қути ўчади.

### Ҳ и ж р о н а

Шўрлик отам! Ишимизни бузмоқлик учун  
Фалак бизга нобакорни йўлламиш бугун.

### Л е о н т

Сиз никоҳдан ўттанмисиз?

### Ф л о р и з е л ь

Юлдузлар балким  
Денгиз билан топишади, бизга бу мушкул.

## Л е о н т

Хўш, айтинг-чи, шаҳзодам, шу сиз севган санам  
Подшо наслиданми?

## Ф л о р и з е л ь

Шундоқ бўлур, албатта,  
Мента хотин, чин рафиқа бўлган фурсатда.

## Л е о н т

Ҳайҳот, энди у фурсатни узоқ кутасиз,  
Отангизнинг ҳаракати ундайди шунга.  
Афсус, афсус, кўп афсуслар бўлсин, шаҳзодам,  
Ки фарзандлик бурчингизни бузмоқ бўласиз.  
Ачинаман, ачинаман, сиз севган санам  
Насаб эътибори билан сиздан жуда паст,  
Ҳайҳот, шу сабабдан сизга хотин бўлолмас.

## Ф л о р и з е л ь

О, сен менинг кўзларимга боққил, азизам!  
Майли, ғаним бўлсин бизга отам, Худолар,  
Ишқим собит турар, ҳалок этолмагайлар -  
Сизга ёлбораман, сизга, подшоҳи олам.  
Бир замонлар ёш бўлгансиз, севгансиз сиз ҳам -  
Фақат сиз берарсиз менинг ишқимга нажот.  
Ахир, ҳеч нарсани сиздан отам аямас,  
Тортиқ этар сизга бутун хазинани ҳам!

## Л е о н т

Шунақами, мен билмасдим, бўлмаса менга  
Бера қолсин қимматбаҳо қайлиғингизни.

## П а у л и н а

Хукмдорим, кўзингизнинг чақнаши бежо!  
Эста олинг, ўлимидан беш ҳафта бурун  
Рафиқангиз бундан гўзал эмас эдими?

## Л е о н т

Ажаб... унда мен... ўшани... кўргандай бўлдим!  
*(Флоризела)*

Ҳа, айтмоқчи, сизга ҳали жавоб бермадим,  
Мен розиман ҳаммасига. Отангиз қани?  
Биз у билан гаплашамиз, ваъда бераман.  
Никоҳингиз ор-номусга зид бўлмаса, бас.  
Мен сизларга қайишаман, юриңг, шаҳзодам.  
Кетишиди.

## Иккинчи саҳна

Сицилия. Леонт саройи олдида Аслзода ва Автолик.

### А в т о л и к

Маъзур тутасиз, тақсир, сиз шу воқеаларнинг гувоҳи  
бўлдингизми?

### А с л з о д а

Қутичани очишганини ўз кўзим билан кўрдим. Чўпон  
бир нималар деб ҳикоя қила бошлади. Бирдан уларнинг  
юзида улур ҳайрат, таажжуб намоён бўлди. Ҳаммани четта  
чиқишига буюришди. Мен чўпон чақалоқни топиб олга-  
нини эшишиб қолдим, холос.

### А в т о л и к

Ажаб, иш нима билан тугадийкин?

### А с л з о д а

Бу ёғи менга маълум. Қирол билан Камиллонинг юзла-  
ри бўздек оқариб кетди. Кўзлари нақ қинидан чиққудек  
чақчайиб қолди. Улар жим туришар, лекин ҳайратлари  
шу даражада эдиким, гўё бутун дунё остин-устин бўлган  
ёки қайта туғилаёттандек эди. Бу - қайгуми, қувончми,

билиб бўлмасди. Ҳар ҳолда уларга аён бўлган нарса юят ҳайратомуз эканлиги рост. Балки манави келаёттан жаноб кўпроқ нарса билар.

Иккинчи аслзода киради.

Не янгиликлар бор, Рожерс?

### Иккинчи аслзода

Янгилик шуки, ҳаммаёқда байрамга тараддуд кўришяпти. Оракулнинг башорати рўёбта чиқди. Қиролнинг қизи топилди. Сицилияда шу бир соат ичидага рўй берган мўъжизаларни куйлаб беришга шоирлар етишмаяпти.

Учинчи аслзода киради.

Мана, Паулина хонимнинг мулоzими. У балки мендан ҳам кўпроқ хабардордир. Не гаплар, сеньор? Булар бари худди эртакка ўхшайди, одамнинг ишонгиси келмайди. Қирол қизини топиб олгани ростми?

### Учинчи аслзода

Айни ҳақиқат. Даиллар шунақаки, рад этишга оғиз ҳам очолмайсиз. Малика Ҳермионанинг либоси, унинг чақалоқ бўйнига тақсан маржони, Антигоннинг қутичага солинган мактуби, имзоси - ҳаммаси таниш, ниҳоят, ёш қизнинг шоҳона қиёфаси, ойисига ўхшашлиги, юриш-туришидаги олийжаноблик ва ҳоказо минглаб аломатлар унинг қирол қизи эканлигидан далолат беради. Қиролларнинг қандай учрашганини кўргандирсиз?

### Иккинчи аслзода

Кўрмадик.

### Учинчи аслзода

Аломат бир томошани кўрмай қолибсиз. Уларнинг қувонганини кўрсангиз эди! Кўз ёшларини айтмайсизми! Назаримда, уларнинг юракларини тарк этаёттан ҳасрат-

надоматнинг ўзи йиғлаб ёш тўкаётганга ўхшарди. Йиғлайвериб, қиролларнинг юзлари шишинқираб, ажабтовор бўлиб қолди, уларни фақат кийимларидан таниса бўларди. Қиролимиз қизи тошилганидан юраги тарс ёрилай деди. Лекин қувончи бошқа бир қайғусини эслатди-ю, шўрлик: "О, Ҳермиона! О, Ҳермиона!" - деганча дод-фарёд солди. Кейин Богемия қиролидан узрлар сўради, кейин куёвини қучоқлай кетди, кейин қизини тагин шундоқ бағрига босдики, асти қўяверасиз. Кейин не-не салтанатлару салотинларни кўрган, не-не бўронлару суронлардан титиги чиққан ҳайкалдек бўлиб, қотиб турган чўпонга ташаккурлар айтди. Хуллас, кўз кўрмаган, қулоқ эшитмаган гаплар.

#### Иккинчи асл зода

Болани олиб жўнаган Антигоннинг ҳоли не кечдийкин?

#### Учинчи асл зода

Бу ҳеч ким бовар этмайдиган ва ҳаттоқи эшитишни истамайдиган бир чўпчакка ўхшайди: Антигонни айиқ тилка-пора қилган. Чўпоннинг ўғли шундоқ деб айтди, гапининг чинлигига ёлғиз самимиятию соддалиги эмас, марҳумдан қолган узук билан рўмолча ҳам далил. Паулина уларни бир қараашда таниди.

#### Биринчи асл зода

Унинг кемаси, шериклари-чи?

#### Учинчи асл зода

Айиқ Антигонни ўлдирганда кема чўпоннинг шундоқ кўз ўнгида чўкиб, фарқ бўлган. Ҷақалоқча нажот еттанди, ўша манфур ишга бош қўшганларга завол етган. Чўпон уларнинг ҳалокатини сўзлаб берди. Шўрлик Паулинанинг қалбида қўзролган қайгу ва қувонч түғенини кўрсангиз эди! У эрига куйиб, каромати ҳақ бўлган Оракулга шукрона айтар эди. У шаҳбонуни кўтариб, шундоқ бағрига

босдики, гўё тағин йўқотиб қўймаслик учун уни кўксига жо қилмоқчими, дейсиз.

### Б и р и н ч и а с л з о д а

Ҳа, буюк актёрларга муносиб бир сахна бўлибди.

### У ч и н ч и а с л з о д а

Аммо менинг кўз ёшларимни дарё-дарё қилиб оқизган бошқа нарса. Маликанинг ўлими ҳақидаги ҳикоя, қиролнинг ҳалол ҳикояси, қайгули иқрори шаҳбонуга қанчалар таъсир қилганини кўрсангиз эди! У аввалига жим туриб тинглади, сўнг бирдан "Қандай қаро кун!" - дея қичқириб юбордию, қонли кўз ёшларига ғарқ бўлди. Нега қонли, дейман, негаки ўшанда менинг юрагимдан ҳам қонлар силқиб оқди. Ўшанда энг тошюрак кишилар ҳам бўзариб кетишиди, бошқалар ҳушидан ажради. Ялпи мотам бўлди, мотам.

### Б и р и н ч и а с л з о д а

Улар саройга қайтишдими?

### У ч и н ч и а с л з о д а

Йўқ, шаҳбону Паулина уйида марҳум маликанинг ҳайкали бор, деб эшиттан экан. Меъмор Жулио Романо ясаган бу ҳайкал шундоқ мукаммал эмишки, ҳатто табиат билан ўзишармиш, камчилиги жон ва нафас эмиш, холос. Ҳайкал Ҳермионага шунчалар ўхшармишки, кўрганлар беихтиёр тирик деб ўйлаб, савол бериб, жавоб кутишармиш. Шаҳбону бесабру қарор бўлиб ўша ёққа жўнади. Улар ҳаммаси кечликни ўша ерда қилишмоқчи.

### И к к и н ч и а с л з о д а

Мен ҳамиша Паулинада бир сир бўлса керак, деб ўйлардим. Ҳермиона ўлимидан бўён у ҳар куни икки-уч карра овлоқ боғчасига қатнайди. Биз ҳам ўша ёққа бориб, байрам қилмаймизми?

## Биринчи аслзода

Жон деб борамиз. У ерда ҳар дақиқа қувончли бир ҳангома. Томошадан қолмайлик. Юринглар.

Аслзодалар кетишади.

## Автолик

Кечмишимда ҳалигидек дөғ-дүғлар бўлмаганида ҳозир балаңд бир пояга чиқишинг айни мавруди эди. Ахир, чўпон билан ўғлини кемага, шаҳзода олдига бошлаб борган ким? Камина! Уларнинг қутича ва алламбалолар ҳақида валақлашларини айтиб берган ким? Яна камина! Фақат шаҳзода ҳалиги сохта чўпон қизи-ю, унинг денгиз касали билан овора, кайфи бузуқ эди. Денгиз ҳам қутургандан қутуриб, сира тинчитмади, сир сирлигича қолаверди. Э, қайгуришга бало борми: ўша сирни мен очганим билан гуноҳларим ювилармиди!

Чўпон ва Масхарабоз киради.

Ана, мендан беихтиёр лутфу марҳамат кўрганлар келишяпти. Севинчлари ичларига сиғмайди.

## Чўпон

Ўғлим, менинг фарзанд кўришим даргумон. Лекин сенинг ўғил-қизларинг энди аслзода бўлиб туғилади.

## Масхарабоз

(Автоликка)

Тақсир, сизни учраттанимдан бағоят хурсандман. Яқинда, аслзода эмассан, деб мен билан яkkама-якка чиқишидан бош тортгандингиз. Кийимларимни кўряпсизми? Кийимларингни кўрмаяпман ва сен аслзода эмассан, деб айтиб кўринг-чи! Яхшиси бу камзул чин аслзодаларники эмас, деб айта қолинг. Қани, ёғон айтаяпсан, дeng-да, чин аслзодалигимни кейин синаб кўраверинг.

## А в т о л и к

Кўриб турибман, тақсир, энди чин аслзодасиз.

## М а с х а р а б о з

Ҳа, мана тўрт соатдан бўён шу унвондаман.

## Ч ў п о н

Мен ҳам шундоқ, болам.

## М а с х а р а б о з

Тўгри. Лекин аслзодаликка мен отамдан олдинроқ ўтдим. Нега десангиз, шаҳзода қўлимдан тутиб, мени биродар, деди. Кейин иккала қирол ҳам отамни биродар деб аташди. Шаҳзода акам, малика синглим отамни "ота" деб аташди. Шунда биз йигладик, бу аслзода бўлиб тўккан илк кўз ёшлишимиз эди.

## Ч ў п о н

Омон бўлсак, тагин бўлаверади, болам.

## М а с х а р а б о з

Албатта-да, аслзода бўлгандан кейин шундоқ бўлишиям керак-да.

## А в т о л и к

Тақсир, ўтинаман жаноблари олдидағи гуноҳларимни маъзур тутсалар, собиқ хўжайиним бўлмиш шаҳзодага мен учун бир оғиз шипшитиб қўйсалар.

## Ч ў п о н

Ўрлим, йўқ дема, хўп деявер. Олийжаноблар сафига ўтгандан сўнг олийжаноб бўлиш ярашади.

## М а с х а р а б о з

Хўш, анави ҳунарингни қўясанми?

## А в т о л и к

Албатта, тақсир, агарда шунга амр этсалар.

## М а с х а р а б о з

Құлни бер. Мен сени Богемиядаги ҳар бир кимсадек бағоят ҳалол, бағоят садоқатли, деб шаҳзодага қасам ичаман.

## Ч ў п о н

Айтиш кифоя, болам, қасам ичишинг нимаси?

## М а с х а р а б о з

Аслзодаман-ку, қасам ичмасам, қандоқ бўлади? Фуқаро шунчаки айтади-қўяди, мен эса қасам ичаман.

## Ч ў п о н

Агар айттанларинг ёлғон чиқса-чи?

## М а с х а р а б о з

Қанчалар ёлғон чиқмасин, чин аслзода дўсти учун қасам ичаверади. Қингири йўлдан юриб, ароқхўрлик қилишингни-ку биламан, лекин бари бир шаҳзодага сени "ҳашашалол, оғзига ароқ олмайдиган фаришта" деб қасам ичаман. Ҳа, албатта, қасам ичаман.

## А в т о л и к

Мен, тақсир, бажону дил буни исбот этаман.

## М а с х а р а б о з

Энг муҳими, ҳалол номусли бўлишингда. Агар ўшанда ҳам, нега ароқхўрлик қилмаяпсан, деб ажабланмасам, мени алдоқчи деб атайвер.

Карнайлар чалинади.

Эшитяпсанми, қироллар ва шаҳзодалар, қавми-қарин-дошларимиз маликанинг ҳайкалини кўргани кетишяпти. Кетдик, ҳа, сен ҳам ортимиздан юравер, биз сенга муррватли хўжайинлар бўламиз.

Кетишади.

## Учинчи саҳна

Паулина уйида бир хона.

Леонт, Поликсен, Флоризель, Ҳижрона, Камилло, Паулина,  
аъёнлар ва хизматкорлар киришади.

### Л е о н т

Азиз Паулина, сенга таҳсин, ташаккур,  
Сендан миннатдорман.

### П а у л и на

Аё, азиз ҳукмдор!  
Баъзан бир оз жаҳдингизни чиқарган бўлсам,  
Фаразданмас, яхшиликни согинганимдан.  
Сиз ҳам менга яхшиликлар қилдингиз бисёр.  
Аммо бугун оғайнингиз - шаҳриёр билан,  
Ворисингиз - келин-куёв, баҳтиёр билан  
Менинг осто намага қадам қўяр экансиз,  
Каминага марҳаматлар этдингиз қанча,  
Қаршингизда қарздордирман умрим борича.

### Л е о н т

Паулина! Гапнинг рости, бу ташриф ила  
Тинчинг бузиб, сени фақат ташвишга қўйдик.  
Қўргонингни бажону дил қилгум томоша.  
Аммо лекин шаҳбонуга айттанинг ўша -  
Ҳайкал қани, ойисининг ҳайкали қани?

### П а у л и на

Ҳаёт эканида бекам бемисол эди,  
Шунинг учун тимсоли ҳам беназир бўлди.  
Не-не санъат деганлари ҳолдилар йўлда,  
Жоизмидир энди ўша даҳлизда турса.  
У - анави ерда. Ажаб, совуқ тош-заранг  
Тирик маликага шунча ўхшашки, ҳатто  
Ўлик билан ухлоқ шунча ўхшамас, қаранг!

Пардани очади, шоҳсупада қотиб турган Ҳермиона намоён бўлади.

### Л е о н т

Ақл бовар қилмас! Ажаб! О, гўзал мармар,  
Кошки, оғир дашномларинг эшитсан эди,  
Ҳермиона! - дея ёниб қичқирсан эди!  
Жим турасан, этолмайсан аччиқ таъналар...  
Шу билан ҳам севгилимга ўхшайсан жуда.  
Лекин, Паулина, ажаб, бу ажинларни  
Мен илгари кўрмагандим Ҳермионада.  
У бу ерда ёши бир оз улрайган.

### П о л и к с е н

Тўғри.

### П а у л и на

Бу - устанинг маҳорати маҳсули, сехри.  
Бекам ўлмагандай ҳамон унинг наздида  
У бекамни ўн олти йил яшаттан бунда.

### Л е о н т

Шу ҳолича менга айни саодат эди.  
Жоним пайваст этар эдим жонига, бугун -  
Тилсиз мармар қаршисида турибман дилхун.  
На сўзу, на тавалло, на кўзи ёш билан.  
Номус, шармандалик! Ажаб, назаримда у  
Мен тош эмас, ўзинг тошсан, дегандек, ёху!  
Йўқ-йўқ, бу бир жодугарлик! У гўё тирик!  
Эсимда бор... Эсимда бор... Қизим, сен қара,  
Ишонмайсан? Нима бўлди сенга, Ҳижронга,  
Нега сен ҳам ҳайкал каби тош қотиб қолдинг...

### Ҳ и ж р о н а

Подшоҳим, изн беринг - билмайман, нега...  
Изн беринг, қаршисида тиз чўка қолай,  
Оқ фотиҳа сўраб, унинг дуосин олай.

Менинг азиз онажоним, азиз маликам,  
Кўлингни бер, қўлларингдан ўпайин мен ҳам!

### П а у л и н а

Кўл тегизманг! Бўёқлари ҳали қотмаган,

### К а м и л л о

Аъло ҳазрат! Аламларни отинг батамом!  
Ўн олти йил! Ахир, фақат айтмоққа осон!  
Қандай толе эта олур шунчалар давом,  
Қандай қайгу топа олур шунчалар поён!

### П о л и к с е н

Менинг азиз биродарим, агар билсайдим -  
Чорасини, ўзимни минг кўйга солардим,  
Сенга нажот багишлардим, дардинг олардим.

### П а у л и н а

Подшоҳим, шу безабон ҳайкални кўриб,  
Фигонингиз ошди, яна тозарди аlam.  
Билганимда кўрсатмасдим уни сира ҳам.

### Л е о н т

Кўй, бекитма!

### П а у л и н а

Унга узоқ боқиши мумкинмас.  
Бўлмаса-чи, чалгитади сизни тасаввур,  
Уни чиндан тириқдир, деб ўйлай бошлайсиз.

*(Парданни ёпмоқчи бўлади.)*

### Л е о н т

Йўқ, қўятур! О, Тангрилар, бу не мўъжиза!  
Бу ҳайкални ким яраттан? Қарангиз, ҳайҳот,  
Нафас оляпти! Ахир, бу томирларда  
Қонлар оқмаяптимикин?

## П о л и к с е н

Ажойиб ижод!

Лабларида ўйнагандек латиф бир кулгу.

## Л е о н т

Кўзлар чақнаб боқар, санъат мўъжизаси бу!

П а у л и н а

Йўқ, мен бекитаман! Йўқса, шоҳим, шубҳасиз  
Уни чиндан тириқдир, деб ўйлай бошлайсиз.

## Л е о н т

Агарда мен алдансан-чи, о Паулина,  
Нақ йигирма йилга қадар чўзилсан алдов!  
Бахтим каби бахту иқбол борми дунёда,  
Телбалигим ахир менинг бахтимга гаров!

П а у л и н а

Ачинаман, шоҳим, сизни азобга қўйдим,  
Тўлқинланиш сизга зиён.

## Л е о н т

Ах, сен қўя тур!

Ширин азоб борми яна бундан зиёда!

Аммо онт ичаманки, у нафас олмоқда,  
Майли, кулишингиз мумкин устимдан, бироқ -  
Мен ўпаман уни.

П а у л и н а

Шоҳим, ҳай, бу нимаси!

Тўхтанг! Лабларида ҳали бўёқ қотмаган.

Ўпаман деб чиройини бузиб қўясиз,

Йўқ, яхшиси, бекитаман мен уни.

## Л е о н т

Тегма!

Йигирма йил шундоқ қараб туришим мумкин.

## Ҳ и ж р о н а

Мен ҳам йигирма йил шундоқ тураман лекин.

## П а у л и н а

Ёки кетинг бундан, ёки шайланинг тугал  
Бундан ҳам зўр мўъжизани энди кўрмоқца.  
Ҳа! Чиндан юрагингиз дов берса агар,  
Мен ҳайкалга амр этаман ҳозир юрмоқца.  
У ўрнидан тушар, келиб қўлингиз тутар,  
Фақат, шоҳим, кўрмагайсиз шаккокликни эп,  
Буни жодутарлик, яъни сехру амал деб.

## Л е о н т

Паулина, қўлингдан не келса, бажо қил!  
Кўзғолишга буюравер - шундоқ қоламан,  
Уни тилга киргиз - жон деб қулоқ соламан,  
О, қўлингдан келади бу, адо айлагил!  
Кўзғолсин у! Гапирсин у!

## П а у л и н а

Шоҳим, розиман,  
Шартим шуки, мўъжизага ишонинг чиндан,  
Қимир этманг. Кимки буни жоду деб билса,  
Шу ондаёқ бу маконни тарк этсин ўша.

## Л е о н т

Ишонамиз, мўъжизангни кўрсат.

## П а у л и н а

Музика!

Музика янграйди.

Уйғон, фурсат етди! Шунча тош бўлганинг бас!  
Қўзғол, порлоқ қуёшни қуч, қафасни тарк эт!  
Кел, севгию садоқатнинг оғушига ет!  
Кел, муштоқмиз! Тошдек қотиш мурдаларга хос,  
Тирикларнинг хосияти - ҳаракат, нафас.

Ҳермиона мармар шоҳсупадан тушади.

У қўзғолди. Қадам қўйди. Аммо чўчиманг.  
Менинг ишим эса қанча шайтанатта ёт,  
Унинг жисму жони шунча лиммо-лим ҳаёт.  
Уни маҳкам тутинг, ундан сира ажраманг.  
Ажрасангиз, ўлдиурсиз қайтадан, ҳайҳот.  
Подшоҳим, қани энди қўлингиз беринг,  
Шу қўлни деб сийнангизга аламлар сингди,  
Қўлингизни кутмоқдадир ёрингиз энди.

### Л е о н т

*(Ҳермионани қучади.)*

О, иссиқ-ку! Агарда шу жоду бўлса ҳам  
Ишонарман унга тамом жону дил билан.

### П о ли к с е н

У қиролни ўшаяпти!

### К а м и л л о

Қучоқлаяпти!  
Тирик! Нега сўзламайди, сукут қилади?

### П о ли к с е н

Қандай пинҳон юргани ва ўлим дастидан -  
Қандай омон қолганини айтса бўларди.

### П а у л и н а

Шу чоққача кимки уни тирик деб айтса,  
Алдоқчи деб атардингиз ўшани албат.  
Аммо кўраяпсиз, тирик, жим туарар фақат!  
Лекин сабр қилинг! - Қани, шаҳбону пошиша,  
Онангизнинг оёғига тиз чўка қолинг,  
Оқ фотиҳа сўранг, унинг дуосин олинг -  
Бекам, мана, қизингиз!

Ҳижронна Ҳермиона пойига тиз чўқади.

## Х е р м и о н а

О, Худолар, бу дам

Тўкингиз шу дилбандимнинг бошига карам!

Болам, сени ким қутқарди, ким нажот берди?

Қайдай ўсдинг? Қаңдай қилиб отангни тоғдинг?

Мен Паулинадан, болам, эшитиб билдим,

Аполлон айтмишди сени топар деб нажот,

Сени деб тирикман, ёлғиз сени деб ҳаёт.

## П а у л и н а

Ҳаммасини айтиб берур мавруди билан!

Фақат ўттан аламларни хотирга олиб,

Мунаввар шу айёмни сиз қайғуга солманг.

Толеи ёр азизларим, саройга жўнанг.

Бахтингизга шерик бўлсин бутун халойик.

Мен бўлсам-чи, қуриган бир новдага қўнган

Етимча бир кабутардек жимжит қолурман.

Эргинамни йиглаб-йиглаб эста олурман,

У дунёда кўришарман энди у билан.

## Л е о н т

Йўқ, йўқ, Паулина, сен ҳам қайгуни бас қил!

Менга ёр танладинг, сенга ижозат этдим,

Сенга ёр танлайин, энди ижозат эттил.

Сен ёримни қайдан тоғдинг, било билмадим,

Ахир мен ҳар куни унинг қабри бошида

Ибодатлар қилиб, ўксисб-ўксисб йигладим.

Аммо сенга эр топишим қийинмас унча,

У сенга мунтазир. - Қани, келгин, Камилло,

Қўлингни чўз назокати, фазли, камоли,

Бирмас, икки шоҳга манзур бўлган санамга.

Сарой сари ёппасига юрингиз барча.

Ҳермиона! Сен оғамга қарайсанми?

Маъзур тутинг. Иккингиз ҳам мусофиридирсиз,

Мен тентакман. Мана, жоним, ёш қуёвингиз,

У - шаҳзода, Тангриларнинг иродаси-ла  
Қизимизга туташгандир қисмати. - Юринг, -  
Азиз Паулина, бизга ўзинг йўл бошла,  
Токи бориб, дастурхонга давра тутайлик,  
Токи кечмиш йиллар, кечмиш давронлар оша  
Кўрган-кечирганни бир-бир эслаб ўтайлик, -  
Дўстлар, базми зиёфатнинг пайтидир роса!

Кетишади.





---

# ҚИРОЛ ГЕНРИХ IV

Беш пардали драма

(Биринчи қисм)

## ИШТИРОК ЭТУВЧИЛАР:

Кирол Генрих Тўртинчи.

Генрих - Уэльс шаҳзодаси, Жон - Ланкастер шаҳзодаси. Қиролнинг ўғиллари.

Граф Уэстморленд.

Сэр Уолтер Блент.

Томас Перси, граф Вустер.

Генри Перси, граф Нортумберленд.

Генри Перси, лақаби Хотспер, унинг ўғли.

Эдмунд Мортимер, граф Марч.

Ричард Скруп - Йорк архиепископи.

Арчибалд, граф Дуглас.

Оуэн Глендаур.

Сэр Ричард Вернон.

Сэр Жон Фальстаф.

Сэр Майл - Йорк архиепископининг дўсти.

Пойнс.

Гедсхиль.

Пето.

Бардольф.

Леди Перси - Хотспернинг хотини, Мортимернинг синглиси.

Леди Мортимер - Мортимернинг хотини, Глендаурнинг қизи.

Мистрис Куикли, - Истичицдаги майхона бекаси.

Лордлар, офицерлар, шериф, буфетчи, майхона малайлари, хизматкорлар, аравакашлар, йўловчилар ва хос маҳрамлар.

**Воқеа ўи бешинчи асрнинг бошида Англияда кечади.**

## БИРИНЧИ ПАРДА

### Биринчи саҳна

Лондон. Саройда тахт ўрнатилган хона. Қирол Генрих тахтда ўтирибди. Атрофида тикка турган ҳолда шаҳзода Жон Ланкастер, граф Уэстморленд, сэр Ричард Вернон, сэр Уолтер Блент ва хос маҳрамлар.

#### Қ и р о л

Гарчанд ҳали исёnlарнинг чеки кўринмас,  
Лекин пайтимасми энди тинчib бир қадар,  
Келгуси зўр юришларга кўрсак тараддуа,  
Юришларки - юртимиздан йироқда кечар.  
Ватанимиз этиб энди ўз-ўзига қасд,  
Фарзандлари қони билан оғзин бўяmas.  
Уруш-суриш далаларни айламас пайҳон.  
Хазон бўлmas туёқлардан топталиб гуллар.  
Машъум вабо юлдузиdek ёниқ кўз билан  
Бир-бирига ўқрайишmas оға-инилар.  
Бундан буён бир қавмнинг асли-наслини  
Бир-биридан жудо этмас хунрезлик ва қон.  
Ватаандошлар, тамом хешу акрабо - бари  
Битта сафда туриб, бўлгай дўсту қадрдон.  
Уруш тифи қини йиртиқ ханжар сингари  
Санчилмагай соҳибининг ўз қўймичига.  
Бундан буён мақсадимиз - Исо мақбари,  
Ҳамма бирдек отланамиз салиб юришга!  
Англия лашкарларин сафга тизамиз,  
Улар она қорнидаёқ ҳаққа етишган.  
Кўлларини кўкраклари узра хоч қўйиб,  
Ўн тўрт аср бурун хочга михланган зотнинг  
Кутглуғ қадамгоҳи, азиз хоки покини  
Озод айламоққа гўё паймон этишган.  
Биз йил бўйи бу тўғрида сўзладик, аммо  
Иш юришmas, бир қадам ҳам жилmas жойидан.

Шу масала юзасидан кечаги мажлис  
Қандай қарор қабул қилди, Уэстморленд?

### У э ст м о р л е н д

Биз бу ишнинг эҳтиёжи-сарфи деб худди  
Олиқ-солиқ тайин этдик кеча, ҳукмдор.  
Лекин шунда Уэльсдан хабар етиши,  
Глендаур галалари гавро солди деб,  
Сардор Мортимерни жантда асир олди деб.  
Ҳалок бўлмиш унинг мингга яқин аскари.  
Уэльснинг хотинлари ўлик танларни  
Шундоқ таҳқир этмишларки, сўзламоқ уят.

### Қ и р о л

Наҳотки шу ур-ийқитнинг хабари энди  
Ортта сурар мўлжалдаги юришимизни?

### У э ст м о р л е н д

Фақат бумас ташвишларга ўраган бизни.  
Гольмдон этагида майдон талашибмиш яктан  
Жасур Перси, ўша шону шуҳратли Ҳотспер  
Шотландия баҳодири Арчибалд билан.  
Ҳарбу зарбнинг бизга еттан овозасидан  
Жант бошдаёқ ғоят қонли, қиронли бўлган.  
Аммо қандай якун тоғди - бизга қоронғу.  
Зеро, чопар биз томонга от сурганида  
Ҳали тугамаган, ҳали қизиб турган у.

### Қ и р о л

Ҳозиргина келди бизнинг Уолтер Блент.  
Устидаги чанг-чунгини қоққани ҳам йўқ.  
Ҳаммангизни табриклайман: Дуглас енгилган,  
Жант майдони эса минглаб аскар жасади,  
Офицерлар мурдасига қалашиб, тўлган.  
Асир олинмишлар Дуглас вориси - Мордейк,  
Граф Этол билан Меррей, Энгус ва Ментейс.

Хўш, биз учун буюк ўлжа, шонли бир зафар -  
Эмасми бу ўзинг айт-чи, азиз биродар?

### У э с т м о р л е н д

Шод бўларди шаҳзода ҳам бундоқ зафарга.

### Қ и р о л

Эвоҳ, сўзинг ханжар бўлиб қадалур менга.  
Ота Нортумберленд менинг ҳавасим қўзғар,  
Ки ягона ўсли унинг - шундоқ азамат  
Ўрмондаги адл қомат чинорга ўхшаб,  
Магрур боши бошқалардан бир карра баланд.  
Қисмат арзандаси, аср ифтихори у.  
Унинг қаршисида менинг Гаррим - лапашант.  
Қандай севинардим, агар фаришта руҳлар  
Нажот бериб, ўғилларни алмаштирасалар,  
Ва менинг ўғлимнинг оти Перси бўлсайди,  
Унинг ўғлин аташсайди Плантагенет!  
Йўқ, яхшиси ярага қўл урмаган маъқул.  
Ҳа, дарвоҷе, янгиликдан хабаринг борми?  
Перси бермас эмиш менга асиirlарини,  
Ундан чопар келиб, менга хабар қилдики,  
Топширмоқчи эмиш фақат Файф графини.

### У э с т м о р л е н д

Унга амакиси Вустер ўргатмиш буни,  
Қайда имкон топса, сизга қилмиши - зиён.  
Хотспер ёшмасми, кибру ҳаво кўрсатар,  
Одоб билан андишани тарқ этиб тамом.

### Қ и р о л

Чақиртиридим, қилмишига жавоб беради.  
Ва бу ишлар яна маълум муддатта қадар  
Қуддус сари юришимиз ортга суради.

*(Тахтдан қўзғалиб)*

Сиз лордларга хабар қилиб орқага қайтинг:  
Чоршанба кун Унидзорда мажлис-машварат.  
Олдимизда яна талай муаммолар бор,  
Босик бўлиб, муҳокама этмоғимиз шарт.

### У э с т м о р л е н д

Бош устига, шоҳим.  
Карнайлар чалинади.  
Чиқишиади.

### Иккинчи саҳна

Лондон. Шаҳзода Генрихнинг хонаси.  
Бир ёқдан шаҳзода Генрих, иккинчи ёқдан Фальстаф киради.

### Ф а л ь с т а ф

Соат неча бўлди, Гарри?

### Ш а ҳ з о д а

Шароб ичавериб, қорин қўявериб, кундузлари бурчак-бурчаклардаги скамейкаларда ағанайвериб, миянг айниб қолибди, ўзингга алоқаси бўлмаган нарсаларни сўраб юрасан. Агар соат дегани - шароб тўла жом, дақиқалари - қовурилган жўжахўролар, чиқ-чиқи - чўри қизларнинг гурунги, рақамлари - майхона эшигидаги ёзувлар, саховатли қуёшнинг ўзи эса - қип-қизил тўшакка чўзилган мунис ва қайноқ бир жонон бўлгандаям, бошқа гап эди, тушунардим, қизиқсанг бўларди. Аммо ҳозир у билан неча пуллик ишинг бор?

### Ф а л ь с т а ф

Нақ нишонга урдинг, Гарри. Дарвоҷе, бизга ўхшаш ашаддий киссавурларни қўпроқ кун қушларимас, тун қушлари деб аташса, ярашади. Кейин биласанми, жо-

ним, сен қирол бўлганингда, Худойим марҳаматингни омон сақласин... Узр, "аъло ҳазратингни" дейишим керак эди, негаки, Худодан сенга марҳамат бўлмайди...

### Шаҳзода

Наҳотки бўлмайди?

### Фальстаф

Бўлмайди, дедим, вассалом, ҳаттоқи, оддий бир ионушиштага еттудек ҳам бўлмайди.

### Шаҳзода

Майли, шундоқ бўла қолсин. Хўш, кейин-чи? Қисқароқ, қил, қисқароқ!

### Фальстаф

Хўш, десанг, жоним, сен соҳиби таҳт бўлганингда шундоқ қилким, биздақа тун баҳодирларини кундузги талончилар, деб аташмасин. Биз учун ой ўрмонларими ёки зулмат қоровулларими, деган рутбаи унвонлар жорий қил. Токи одамлар худди бизни денизига ўхшаб, осмондаги ой паноҳида, унинг вазиятига қараб иш тутишади, деб иззат-эҳтиром қилишсин.

### Шаҳзода

Зап топиб гапирдинг. Талончилик қисматида ҳам денизига ўхшаб кўтирилиш - пасайиш ҳолатлари бўлади. Масалан, душанба кунги талончилиқдан кейин тилла детани кўпирив-тошади, лекин сешанба кунги базми жамшиддан сўнг, у пасайиб қолади. Майхона зинасидан пастга думалаган саёзликдан кейин эса, шундоқ тўфон қўзғоладики, сени худди дор баландлигига олиб чиқади.

### Фальстаф

Худо ҳақи, айттанларинг рост, бўталогим. Ҳа, дарвоҷе, менинг майхона бекачи ширингина бир ойимча эканми?

## Шаҳзода

Ҳақиқий асал, ошнам. Ҳа, айтмоқчи буқа терисидан тикилган нимча ширингина бир матоҳ, шундоқ эмасми?

## Фальстад

Бу қанақа майнавозчилик, сэр. Жин урсин, унақа нимча билан менинг нима ишим бор?

## Шаҳзода

Хўш, сенинг майхона бекачинг билан менинг нима ишим бор?

## Фальстад

Ахир, сен у билан неча бор ҳисоблашгансан.

## Шаҳзода

Ҳақингни сўрамовдим шекилли?

## Фальстад

Тан бераман: унда ўзинг тўлагансан.

## Шаҳзода

Унда ҳам, бошқа гал ҳам нақд шулим бўлганда, ўзим тўлаганман. Чўнтағим қуриб қолганда эса, қарз олганман.

## Фальстад

Тўғри, сенда тортиниб туриш йўқ, сен тож-тактнинг ҳақиқий ворисидек ҳаракат қиласан. Дарвоқе, менга айтчи, сенинг подшолик даврингда Англияда кишиларни дорга осищдек ваҳшиёна одат наҳот бекор қилинмаса. Наҳотки, қонун деган нарса ёш ташаббускорликни аввалгилик бўғиб ётаверса? Менга қара, подшоликка чиққанингда ўғриларни осмай қўя қол.

## Шаҳзода

Бўлгти. Бу ишни сен бажарасан.

## Ф а л ь с т а ф

Ростдан-а? Ҳимматингга балли. Кўрасан, мен ҳамиша тўғри ҳукм чиқазаман.

## Ш а ҳ з о д а

Сен ҳалигдан нотўғри ҳукм чиқаздинг. Мен сени судья эмас, жаллод қилиб тайинлайман.

## Ф а л ь с т а ф

Шунисига ҳам шукур, Гарри. Сен нима десанг - шу, бажону дил қабул қиласераман: турмага ясовул десанг ҳам майли, кийим-кечакларингта қоровул десанг ҳам - хўп.

## Ш а ҳ з о д а

Этнимдан кўйлагимни ўмаришингга қулай бўларди-а?

## Ф а л ь с т а ф

Менга қатл этилганлар эгнидан ўмарганим ҳам етиб ортарди. Кел, бошқа нарсалар ҳақида гаплашайлик. Бутун мен алланечук паришонман, юмдаланган мушукдай ёки қантариб қўйилган айиқдекман.

## Ш а ҳ з о д а

Ёки кемшик арслондек, ёки ошиқнинг дўмбирасидек.

## Ф а л ь с т а ф

Ҳа. Ёки Линкольншир сурнайининг пишиллашидек.

## Ш а ҳ з о д а

Ёки айнаган қуён кабобидек, ёки Мурфильд ботқоги-нинг билчиллашидек.

## Ф а л ь с т а ф

Ўхшатишларинг беқиёс, аммо мен билган шаҳзодалар ичида энг беқиёси - ўзингсан. Лекин менга қулоқ сол, Гарри. Мени айнитишини бас қил. Ўйлаб қара, иккимизга

ҳам яхши ном деган матоҳ қанчалар зарур. Аммо уни қайдан оласан? Яқинда сени деб кўчада қирол маслаҳатчила-рининг биридан эшитадиганимни эшитдим. У шундоқ тузлади, шундоқ тузладики, мен эсам қулоқ ҳам солмадим. Лекин у гапнинг сирасини айтди. Яна халойиқ олдида.

### Шаҳзода

Худди китобларда айтилганидек. Ақлу дониш кўчада дод-фарёд солади, аммо уни ҳеч ким эшитмайди.

### Фальстад

Бемаъни одатинг бор: китобларни нотўғри талқин қиласан, эшиттан одам авлиё бўлса ҳам, йўлдан озади. Худо ўзи кечирсину менинг хулқ-авторимният роса булгала-динг. Сен билан танишмасимдан аввал мусичадек бегуноҳ, эдим. Энди гапнинг рости, энг беномусдан ҳам сал бундайроқман. Мен бунаقا яшашни тарк этишим керак, Худо ҳақи, тарк этаман ҳам, агар тарк этмасам, майли, мени абраҳ, деб атайвер. Дунёдаги бирор шаҳзода мени имонимдан ажрашга мажбур этолмайди.

### Шаҳзода

Эртага зарур ақчани қайдан оламиз, Жек?

### Фальстад

Ихтиёр сенда, бўталогим, биласан-ку, мендан иш қочиб қутулмайди. Ишончингни оқламасам, мени абраҳ деб атаб, рицарлик шавкатидан маҳрум қилавер.

### Шаҳзода

Хулқ-авторингни тузалиши ёмон кетмаяпти! Тақводорлик жазавасидан ўғриликка қараб?

### Фальстад

Ростданми, Гарри? Хўш, нима қилай, истеъдодим шунаقا. Ҳар ким ўз майдонида жавлон уради.

Пойнс киради.

Ана, Пойнс ҳам келиб қолди. Кўрайлик-чи, Гедсхиль бирор янги нарсанинг изига тушганмикин. О, дунёда адoлат бўлганди, билмадим, дўзахнинг қайси алангали бурчаги бунга муносиб бўларди? Бу катта йўл бўйидаги қароқчиларнинг энг тасқараси.

### Шаҳзода

Салом, Нед!

### Пойнс

Салом, Гарри! Хўш, қилмишига пушаймон осий бандамиз нималар деб жавраяпти? Қанд қўшилган мусалласнинг аҳволи нечук? Жек, иблис билан имонинг устидаги музокараларинг нима бўлди? Сен уни муқаддас жума куни бир қадаҳ, май билан битта яхна хўroz оёғига алмаштирувдинг шекилли?

### Шаҳзода

Сэр Жон сўзи устидан чиқади. Шайтон ҳақини олади. Жек ақидага содик қолади. Иблисники - иблиста.

### Пойнс

Ха, эсимда борида айта қолай. Жаноблар, жаноблар! Эртага эрталаб соат тўртда Гедс тепалигида йигин. Худди шу ердан художўйлар Кентерберига, савдогарлар пул-ақча билан Лондонга ўтишади. Мен сизларга ниқоб келтирдим. Ўз отларингиз бор. Гедсхиль бизни кутиб, Рочестерда тунайди. Эртага Истчица базм қиласиз. Иш ўнрай, қийинчиликсиз битади. Бош қўшганларга - ҳамён тўла муллажиринг тайин, бош торттанларга - дор билан сиртмоқ ёр бўлсин.

### Фальстраф

Борамизми, Гарри?

## Ш а ҳ з о д а

Ким? Менми? Ўғриликка-я? Талончилик қилишга-я?  
Сирайм бормайман.

## Ф а л ь с т а ф

Демак, ўн шиллингни деб таваккал қилишга юрагинг  
бетламас экан-да? Биласанми, сенда номус деган нарса  
йўқ. Йигит ҳам, оғайнини ҳам эмассан, шаҳзода бўлишинг-  
га йўл бўлсин.

## Ш а ҳ з о д а

Ҳа, майли, таваккал, бир марта тентаклик қилсам -  
қилибман-да.

## Ф а л ь с т а ф

Мана бу бошқа гап!

## Ш а ҳ з о д а

Таваккал, мен уйда қоламан.

## Ф а л ь с т а ф

Қасам ичиб айтаманки, қирол бўлганингда шу қилми-  
шинга мен давлатта хиёнат қилиш билан жавоб бераман.

## Ш а ҳ з о д а

Вой-бўй, қўрқиб кетдик!

## П о й н с

Сэр Жон, бизни шаҳзода билан холи қўй. Шундай да-  
лилларим борки, у, албатта, боради.

## Ф а л ь с т а ф

Хўп. Сенга қувват, унга тавфиқ ато қилгай. Токи у ҳам  
чинакам шаҳзода деган ҳазил-мазах йўлида умрида бир  
марта ўғрилик қилиши мумкинлигини тушунсин. Хайр.  
Мени Истчицда топасизлар.

## Шаҳзода

Хайр, адо бўлган ёшлик! Алвидо, саратонда ёқсан қор!  
Фальстаф кетади.

## Пойнс

Ана шунаقا. Азиз, жондан азиз шаҳзодам, эртага биз билан юра қолинг. Мен бир ғалати ўйин қилмоқчиман, аммо ёлғиз ўзим эплашим гумон. Фальстаф, Бардольф, Пето ва Гедсхиль ҳалиги мўлжалдаги ишни бажаришади. Биз улар билан бормаймиз. Улар ўлжани қўлга киритишгач, биз ҳужум қилиб, улардан тортиб оламиз. Худо ҳақи, бу аломат иш бўлади.

## Шаҳзода

Бўлти. Аммо биз улардан йўлда қандай қилиб ажраб қоламиз?

## Пойнс

Биз улардан эртароқ ёки кечроқ йўлга тушамиз. Учрашув жойини тайинлаймиз. Кейин ўша жойга бориши-бор маслик иктиёrimизда. Шунда улар ўзлари бошлишга мажбур бўлишади, ишни охирига етказишиб дегунча, биз тикка ҳужум қилаверамиз.

## Шаҳзода

Хўп, лекин улар бизни кийимларимиз, қурол-аслаҳаларимиз, отлармиздан таниб қолишади-ку.

## Пойнс

Отларимизни кўришмайди. Мен уларни ўрмонга яшириб қўяман. Ниқобларни ўзгартирамиз. Кўйлакларни чакмонлар билан бекитамиз. Мен уларни тайёрлаб қўйганман.

## Шаҳзода

Бас келиб бўлармикин? Улар тўрт киши.

## П о й н с

Кўйсангиз-чи. Иккитаси ўлгудек қўрқок, дарров жуфтакни ростлашади. Учинчиси хавф-хатар түғилмагунча, ўзини ҳимоя қилишга бир уннаб кўради. Биз бир зумда уларни тумтарақай қиласиз. Аммо гап бунда эмас. Ҳамма гап зиёфат устида анави муттаҳам, мечкайнинг валақлаб гап сотишида. Кўрасиз, у, роса ўттиз киши ҳужум қилди, биз анақа-манақа жанг қилдик, деб айюҳаннос солади. Шунда авра-астарини очамиз - қанақа томоша бўлишини бир тасаввур қилинг-а!

## Ш а ҳ з о д а

Бўлти. Мен бораман. Ҳамма нарсани шайлаб, эртага Истчига кела қол. Мен кечликни ўша ерда қиласман. Хайр.

## П о й н с

Хайр, милорд.

(Кетади.)

## Ш а ҳ з о д а

Мен биламан баҳойингиз, аммо ҳозирча  
Бир бепарво улфат бўлиб қараб тураман.  
Қуёш ҳар кун кўқда ибрат кўрсатур менга,  
У индамай тураверар, босса ҳам туман.  
Кейин бирдан тунни ҳайдаб, шуъласин тарап.  
Аввалидан неча карра яшнаб, ярқирап.  
Биз ҳар куни байрам қилиб, очсайдик кўнгил,  
Хордик деган туюларди меҳнатдан мушкул.  
Лекин байрам деган бўлур аҳён-аҳёнда,  
Нодирлиги билан севинч қўзратар қонда.  
Бас, бир куни мен ҳам нажот йўлини тутиб,  
Шу бетийиқ, бебошликка бераман барҳам.  
Гарчанд ҳеч кимсага ваъда бермадим, лекин  
Ўзгарарман одамларни ҳангу манг этиб,

Эътибор топарман элнинг наздида чиндан,  
Кечмишимда бўлган айбу қусурлар сабаб -  
Кўринарман кўзга яна равшан, мунаввар,  
Ахир, қора ёстиқ узра бир парча олтин  
Қандай жило берар, қандай кўз қамаштирас,  
Ҳозир неки совураман эрмак-ўйинда,  
Битта қўймай йигиб-териб оламан унда.

(Кетади.)

### Учинчи саҳна

Лондон. Саройда мажлислар зали.

Карнайлар чалинади. Қирол Генрих таҳтда ўлтирибди, атро-  
фида - шаҳзода Жон, Нортумберленд, Вустер, Ҳотспер, сэр Уол-  
тер Блент, рицарлар, соқчилар ва хос маҳрамлар.

### Қ и р о л

Шунча тоқат қилдим, шунча кўндим, чидадим,  
Балки қатъиятсиз бўлиб кўриндим баъзан.  
Аммоқи сиз поймол этиб сабрим, чидамим,  
Тарк этдингиз одобни ҳам, андишани ҳам.  
Аммо ҳазир бўлинг, бирдан оловланаман!  
Гарчи пардек юмшоқ эдим, мойдек мулоийим,  
Не бўлмасин, маъзур тутдим ювош, кўнгилчан,  
Оқибатда иззатимдан айрилиб қолдим.  
Сизга лутфи-назокатлар не эмиш... Ҳа-да,  
Қўполдирсиз, қўпол кучга қилурсиз сажда.

### В у с т е р

Шоҳим, бизга сиздек қудрат, соҳиби даврон  
Қўпол кучдан сўз очмоғи жоизми эди.  
Сизнинг ўша қудрат учун бизнинг хонадон  
Қанча заҳмат чекди, қанча суянчик, бўлди.

### Н о р т у м б е р л е н д

Ҳукмдорим...

## К и р о л

Вустер, бундан қорангни ўчир,  
Кўнглингдаги адоватинг кўзингда зоҳир.  
Ҳа-ҳа, кўп дагалсиз, тақсир. Ахир подшолар  
Қовоқ уйиб, боққанларни хушламайдилар.  
Ҳой, мен нима дедим сизга? Қақайманг, боринг,  
Лозим бўлса чақирамиз ўзимиз кейин.

Вустер чиқади.

*(Нортумберлендга)*

Сиз бир нима демоқчисиз, шекилли?

## Н о р т у м б е р л е н д

Шоҳим,

Асиirlарни беришдан бош тортди деб сизга  
Етказишган хабарлари - ғалат ва мубҳам.  
Ўғлим ундоқ деган эмас ва демайди ҳам,  
Хуллас, сизга етиб келган ўша маълумот -  
Янглиш ёки хатодирким, бўлак гап эмас.

## Ҳ о т с п е р

Асиirlарни беришдан мен бош торттаним йўқ,  
Не бўлганин айтай. Жангни саранжом этиб,  
Қиличимга суянганча, ҳоргин, bemador.  
Ғазаб, шиддат, ташналиқдан бир ёқса этиб,  
Ўлтирадим, келиб қолди қошимга бир лорд,  
Худди куёвтўралардек ясаниб олган.  
Соқоллари қиртишланган, юзлари силлиқ,  
Ўзини нақ олифта бир сувратта соглан.  
Бир қўлида мўъжаз атир шишаси ҳам бор,  
Ўйнарди у, ҳидлаб-ҳидлаб акса уради,  
Бир нималар дерди, ҳиринг-ҳиринг куларди.  
Аскарларим шаҳидларни жанг майдонидан  
Олиб чиқишаркан, танбех-эътироz этди:  
Ҳув, наридан олиб ўтинг, токи мурданинг  
Қўланаси димоғимга урмасин, деди.

Худди шундай йўл-йўлакай сайраб-бидирлаб,  
Асиirlарни беришимни талаб этди у.  
Биламан, бу ҳукмдорнинг ҳуқуқи, ҳақи,  
Лекин жаҳлим қўзғатмишди сайроқи тўти.  
Кейин, жароҳатларим ҳам ёниб туарди.  
Худо ҳақи, эслолмайман, мен бехуд эдим:  
Асиirlарни бераман ё бермайман, дедим.  
Лекин жаҳлим қўзиб, жуда қалтираб кетдим.  
У ясанган эди, атир сочиб туарди,  
Замбараклар, талафотлар хусусида у  
Бир беозор ойимчадек сұхбат қуарди.  
Жа қулай деб тузатмоққа кантузияни,  
Мақтар эди спермацет деган доруни.  
Кейин афсус чекди, нечун жирканч, ярамас  
Селитрани ердан қазиб олишади деб,  
Ундан тирик жонга қирон солишади деб,  
Ахир, соғлиқ учун кони зиёндир ўша.  
Бир пайт, агар отиш-тутиш бўлмагандайди,  
Аскарликка кирадим, деб бидирлаб қолди.  
Йўқ, мен ҳазм этолмасдим бу машмашани,  
Жиддий жавоб айтишим ҳам унга маҳолди.  
Токи сунмагайсиз шунга мени гуноҳкор.  
Токи анув жаноб билан айтишганларим  
Ўтинаман, ўртамиизда бўлмагай девор.

### Б л е н т

Ҳукмдорим, унугтайлик бу можарони,  
Қаранг, далил-изоҳлар ҳам юмшатар уни!  
Гарри Перси сўз қотмасин қанчалар оғир,  
Не боисдан, қаердадир, яна кимгадир,  
Аммо айтганларин қайтиб олар экан, бас,  
Ўша айтганлари ортиқ ҳеч нарса эмас.

### Қ и р о л

У ҳозир ҳам асиirlарни бермоқчи эмас.  
Бунинг учун олдимизга шарт қўймоқда у,

Қайноғаси Мортимерни сотиб олинг деб.  
Үша телба Мортимерни. Ахир маълум-ки,  
Лашкаримни атайлабдан маҳв этиб, ўзи  
Асир тушди қайнотаси - Глендаурга.  
Ўша қўрқоқ, қочоқ энди менга не даркор?  
Ҳайф эмасми хазинани совурмоқ унга?  
Ўз-ўзига чуқур қазди у хиёнаткор,  
Энди очдан ўлиб, тоғда кўмилсин қорга.  
Онт ичаман, мен ўзимга душман санайман -  
Кимки мендан бир чақалик ёрдам сўраркан  
Ўша хоин Мортимерга, ўша ғаддорга.

### Ҳ о т с п е р

Хоин! Хоин эса, кимга хиёнат этмиш?  
Хиёнатми магар жангда келмаса омад?  
Лекин бундоқ гап-сўзларга чекмоқ учун сад  
Кифоядир, шоҳим, бир зум эсга олинса  
Глендаур билан жангда яккама-якка  
Солишаркан, орттиргани неча жароҳат!  
Бир соатча давом этмиш қизгин солишув,  
Туриб берган иккиёқ ҳам мардона, хунхор!  
Бу орада нафас ростлаб жангчилар худди  
Северндан сув ичишган уч карра такрор.  
Дарё тўлқини ҳам ҳатто қалтираб турган,  
Ўзини нақ қамишзорнинг қўйнига урган.  
Ким ҳам шунча событ туриб чопарди шамшир,  
Қонга ботиб жанг қиласарди айёрлик учун.  
Йўқ-йўқ, ўйин кўрсатмаган унда Мортимер.  
Танти туриб, машаққатни бўйнига олган.  
Унга бўҳтон-ёзгириқлар этиш не даркор,  
Кейин буни хиёнат деб аташ ҳам бекор.

### Қ и р о л

Айттанларинг бошдан-оёқ уйдирма, бўҳтон,  
Глендаур билан сира солишмаган у.

*(Ўрнидан қўзголиб)*

Гар истаса, майдон аро яккама-якка  
Ҳатто иблисни ҳам мағлуб этар эди-ку,  
Шунча ёлғонладинг, уят эмасми сенга?  
Мортимердан сўз очишинг энди қатағон!  
Менга асиirlарни жўнат, пайсалга солма.  
Нақ бошқача гаплашаман, иш бўлар ёмон.  
Ҳазиллашаёттаним йўқ... Ҳа, Нортумберленд,  
Сизга рухсат, кетаверинг ўғлингиз билан.

*(Кетаётиб)*

Асиirlарни жўнат, кейин пушаймон бўлма.  
Карнайлар чалинади. Нортумберленд ва Ҳотспердан бўлак  
ҳамма кетади.

**Ҳ о т с п е р**

Йўқ, мен жўнатмасман энди тилло берса ҳам.  
Орқасидан бораман, ҳа, не бўлса бўлар.  
Юрагимда борини шарт тўкиб соламан,  
Майли, олар бўлса, кейин бошимни олар.

**Н о р т у м б е р л е н д**

Ҳой, сен жинни бўлдингми-а? Ўзингни босгили,  
Бундоқ қила кўрма. Ана, келар амакинг.

**Ҳ о т с п е р**

"Мортимердан сўз очишинг энди қатағон".  
Мен истайман, сўз очаман, сурон соламан.  
Чириб кетай, гар у билан бирга бўлмасам.  
Йўқ-йўқ, унга қоним, ҳатто жоним бераман,  
Тинчимасман, Мортимерни таҳтда кўрмасам  
Шу таҳтдаким, савлат тўкиб ўлтирас ҳозир  
У лаънати Болинброк, нодон, тошбагир.

## Н о р т у м б е р л е н д

(Вустерга)

Қирол уни не аҳволга солибди, қара.

В у с т е р

Мен чиққанда не тўғрида сўз борди бунда?

Х о т с п е р

Асиirlарни битта қўймай берасан, деди.  
Мортимерни сотиб олиш шартини қўйдим:  
У бўлса-чи, Мортимернинг эшитиб отин,  
Сескандию, ғазабидан кўкариб кетди.

В у с т е р

Бўлмаса-чи, Мортимер у марҳум Ричарднинг  
Валиаҳди қилиб тайин этилган эди.

Н о р т у м б е р л е н д

Мен ҳам унда ҳозир эдим, эшиттан эдим  
Ричард ворис этиб уни, бергандга фармон.  
Кейин ўзи Ирландия устига юрди,  
Кейин ортта қайтди - бунда қўзғолди исён.  
Сўнгра тахтдан ағдарилди ва ўлдирилди.

В у с т е р

Шу қабоҳат юкини биз олдик бўйинга  
Ва дунё олдида буткул шарманда бўлдик.

Х о т с п е р

Эшиттаним ростми? Қирол Ричард чинданам  
Мортимерни ворис қилиб тайинлаганми?  
Сиз ҳам унда бормидингиз?

Н о р т у м б е р л е н д

Ҳа, ҳозир эдим.

## Ҳ о т с п е р

Ундоқ бўлса, таажжубга асло ўрин йўқ,  
Энди мента аён, нима сабабдан қирол  
Мортимерни худди очдан ўлдирмоқ бўлар.  
Аммо сиз-чи, сиз қаёқда эдингиз? Нега,  
Нега унга тахт бердингиз, тож кийдирдингиз,  
Яхшиликни билмовчи бир лайн кимсага?  
Нега шундоқ жиноятта бош қўшдингиз, бош?  
Магар эл наздида дор ё болтага ўхшаб,  
Ё жаллод кундаси, ёки арқонга монанд  
Қабоҳат малайи, қатл қуроли деган  
Шуҳрат қозонмоқлик сизга мақсадми эди?  
Ахир кўряпсиз, сиздек зотларни ҳатто  
Ярим чақага ҳам ҳатто олмас бу маккор!  
Бу номусга чидармисиз маҳшаргача то?  
Ахир қилмишингиз ўқиб келажак авлод  
Бунга ишонмайди, бунга ишонмоқ маҳол:  
Шундоқ ишни қилмиш шундоқ аслзодалар.  
(Худо шоҳид, гуноҳкорсиз бунда қанчалар),  
Узиб ташлаб Ричард каби бир гули покни,  
Ўтқазгансиз тиканақдек Болинброкни .  
Хўш, атиги шуми? Ахир, номус нақадар,  
Сизни қанча маломатта қўйган ўша зот  
Бугун ёд айламас, бугун қалака этар,  
Ҳатто даргоҳидан қувиб ҳайдайди, ҳайҳот.  
Аммо ҳали номусингиз тикламоққа ҳам  
Номингизни оқламоққа кеч эмас зинҳор.  
Қилмишлари учун ўша безбет қиролдан  
Қасос олмоққа ҳам ҳали фурсатингиз бор.  
Сизни ҳалок этиб, тамом қутулмоқчи у,  
Кечасиям, кундузиям - ўйлагани шу.  
Шунинг учун...

## В у с т е р

Бас қил, жиян, бир нафас тўхта.  
Мен китобга боқсан каби кўнглим қаърига

Кўз ташлайман ҳозир, сен ҳам кўрасан аён,  
Унда кўпдан ўйлаб юрган ўйларим пинҳон.  
У бир қўрқинч қадам бўлур, ғоят серхатар,  
Бир хатарким, жаҳаннамдек жарлик устидан  
Ингичка бир найза қўйиб, ўтишга ўхшар.

### X o t s p e r

Майли, мен ўтаман. Агар ийқилиб тушсам,  
Шунда чўкишимни демак буюрмиш азал.  
Қўрқинч, хавфу хатар менинг қонимни ёқар.  
Қуён қуваламоқ эмас йигитлик раҳми,  
Мен арслон овламоқни севаман асли.

### H o r t u m b e r l e n d

Хатарли бир вазифани эшигдими, бас,  
Хаёллари чарх уради, тўхтатиб бўлмас.

### X o t s p e r

Биласизми, довруқ учун, шон-шуҳрат учун  
Мен тирмашиб, ҳатто ойга чиқишим мумкин.  
Мен ўзимни гирдобларга отарман ҳатто  
Ва етарман ўшқонларнинг тубига ҳам то,  
То бўлмагай майдон аро мендек мардона,  
Фақат ўзим бўлсан дейман - танҳо, ягона.

### B u s t e r

Худо шоҳид, осмонларда парвоз этар у,  
Аммо ерга тушишни ҳеч хаёл айламас.  
Дикқатингни бир дақиқа сўрайман, жиян.

### X o t s p e r

Амакижон, изн беринг....

### B u s t e r

Мен сенга айтсам,  
Шотланд асиrlарини....

## X о т с п е р

Мен унга бермайман.

Ҳа, бермайман, ҳатто унинг жони - иймони  
Ўша шотланд асиirlарга бовлиқ бўлса ҳам,  
У битта ҳам мендан асир олоимас.

## В у с т е р

Шошма.

Оғиз очишга ҳам ҳатто қўймайсан, жиян.  
Майли, ўша шотландларни берма.

## X о т с п е р

Бермайман.

Кўнглингиз тўқ бўлсин! Ахир истамади у  
Товои тўлаб, Мортимерни озод этишни.  
Ҳатто номини ҳам тилга олмангиз, деди  
Мен-чи, ҳузурига кириб ухлаган пайти  
Қичқираман Мортимернинг номини айтиб.  
Йўқ!

Бу сўзни чукурчукка ёдлаттираман,  
Кейин уни һобакорга тақдим этаман.

## В у с т е р

Жиян, тингла. Сўз айтишга бер менга имкон.

## X о т с п е р

Воз кечаман барча хоҳиши-тилакларимдан,  
Фақат Болинброкнинг мен ғашига тегиб,  
Ундан даҳшатли бир қасос ола билсан, бас,  
Бир стакан пиво бериб заҳарлар эдим  
Мен ҳаттоки ўша Уэльс шаҳзодасини  
Аммо қирол у ўғлини хушламас унча,  
Ўлар бўлса, қутулдим, деб қувонар шунча.

## В у с т е р

Хайр, жиян. Сен баҳарҳол ўзингни босиб,  
Тинчид олгин. Гаплашармиз кейин бафуржга.

## Н о р т у м б е р л е н д

Нима, кар бўлдингми, қандай жин урди сени?  
Хотингчалиш ўжарликни қаёқдан олдинг?  
Истамайсан бошқаларни эшишишни ҳам.

## Ҳ о т с п е р

Болинброк хусусида сўз кеттан маҳал  
Ўртанаマン, туғақаман, чидаёлмайман.  
Ногаҳонда кимдир қамчи солгандай бўлар,  
Ёки куйган каби таним азобга тўлар,  
Ёки бир газанда чақиб олгандай бўлар.  
Шошманг, эсингизда бордир, Ричард даврида  
Қаср бор эди-ку, оти нимайди ҳали,  
Эҳ, жин урсин, бор-ку анув Глостерширда,  
Қирол амакиси, ўша мажнуннамо Йорк  
Ўз саройи билан унда турганди, хуллас,  
Ўша ерда биринчи бор тизза букканман  
Шу масхара қирол - Болинброк олдида.  
Эҳ, лаънати! Номи тилим учиди худди,  
Сиз ўша кун Ревенспергдан келгандингиз-ку.

## Н о р т у м б е р л е н д

Бэркли қасри эмасми?

## Ҳ о т с п е р

Ҳа, ўшанинг ўзи.  
Хушомадлар қилган эди менга ўшанда!  
Худди итдек оёғимга суйкалан эди!  
"Мен ҳам қайтарарман магар тахтта ўлтирсам".  
"Менинг Гарри Персим", "Менинг тушибган иним".  
Шайтон ёрлақасин сени, аддоқчи золим!  
Ҳа, шошмай тур ҳали, мени кечир, Худойим!  
Мен гапимни тамом қилдим. Амаки, сўзланг.

## В у с т е р

Йўқ, сен давом этавер.

## Ҳ о т с п е р

Мен гапириб бўлдим.

## В у с т е р

Ўша шотланд асиirlари ҳақида, ошна.  
Товоn олмай, сен уларнинг барин озод қил.  
Дутгас ўли бу бебаҳо ҳимматинг учун  
Сенга лашкар йигиб берар Шотландияда.  
Лашкар нега зарур, буни бир оз кейинроқ  
Баён этажакман сенга бир мактуб ила.

*(Нортумберленга)*

Сиз бўлса-чи, милорд, сиз ҳам қармоқ соласиз  
Ҳотспер банд бўлар экан Шотландияда,  
Ҳазрат руҳонийни тамом қўлга оласиз.

## Ҳ о т с п е р

Йорк епископини кўзда тутмоқдасиз?

## В у с т е р

Ҳа.

Ахир Бристолда унинг туқдан укасин  
Қатл этишганди, буни нечук унуптай?  
Лорд Скруп учун қассос олмоққа у шай.  
Бу бир тахмин эмас, сизга аниқ айтаман.  
Ҳаммаёқда қалашгандир ўгин, хору хас,  
Гурра ёниб кетар, фақат учқун бўлса, бас.

## Ҳ о т с п е р

Тутун ҳиди анқияшти. Сезиб турибман.

## Н о р т у м б е р л е н д

Аммо сен қушчани эрта чўчитиб қўйма.

## Ҳ о т с п е р

Биз енгамиз. Бунга менинг ишончим комил.  
Шотландияликлар, Йорк ва сўнгра - Мортимер?  
Хўш, амаки, пайқадимми?

В у с т е р

Балли, пайқадинг.

Х о т с п е р

Ажойиб бир режа.

В у с т е р

Энди қараб туриш йўқ.

Фақат исёндадир нажот, қутулиш йўли.

Энди не қимайлик, қирол бизнинг сиймода

Кўрар ёлғиз мухолифлар, норозиларни.

Хуллас, барчамизга барҳам бермагунча то

У хотиржам тура олмас, тинчимас асло.

Кўрдингиз-ку ҳозир, қандоқ чехраси хуфтон,

Бу - бўлажак савдолардан аниқ бир нишон.

Х о т с п е р

Ҳа, ҳа. Аммо биз бунинг-чун қасос оламиз.

В у с т е р

Хайр, жиян. Лекин сира ҳаддингдан ошма.

Мен ёзаман, ёзганимта қатъий амал қил.

Пайти келиб, топишман Мортимер ила,

Яна Глендаур бўлур биз билан бирга.

Дутглас лашкарию сенинг аскарларингни

Битта жойта йигиб, кўрик ясармиз унда.

Қўлга олингиз, деб фурсат қистайди бизни

Қўлдан бериб қўйган ўша қисматимизни.

Н о р т у м б е р л е н д

Хайр. Фалабага менинг ишончим комил.

Х о т с п е р

Хайр, сор бўлинглар. Мен-чи, ором билмасман,

То жанговар лашкарларим жангга тизмасам.

Кетишади.

## ИККИНЧИ ПАРДА

### Биринчи саҳна

Рончестер. Мусофиরхона.

Аравакаш фонус кўтариб киради.

### А р а в а к а ш

*(Эснаб)*

Эҳ-ҳе-ҳе! Тонг ёришиб қолибди-ку, соат ҳам тўртдан каммас, ўлай агар. Етти оғайнинг мўрининг устига етибди-ю, юклари ҳали ортилмаган. Ҳой, отбоқар!

### О т б о қ а р

*(саҳна ортидан)*

Ҳозир, ҳозир!

### А р а в а к а ш

Том дейман, эгарнинг остига теллик босиб юбор. Бай-тал шўрликнинг елкаси яғир бўлиб кетиби.

Иккинчи аравакаш киради.

### И к к и н ч и а р а в а к а ш

Берганлари чириган нўхат билан ясмиқ, отнинг силласини қуритишдан бўлак гапмас. Лаънати мусофирихона! Робин ўлди-ю, шу-шу бу ердан барака кўтарилди.

### Б и р и н ч и а р а в а к а ш

Сули қимматлашгандан сўнг бечоранинг бир марта ҳам очилиб кулганини кўрмадим. Марҳум учун бу балойи ногаҳон бўлди.

### И к к и н ч и а р а в а к а ш

Бутун Лондон йўлидаги мусофирихоналар ичидагунақа расвоси йўқ: ҳаммаёқ ғиж-ғуж бурга. Баданимни моматалоқ қилиб ташлашди, ҳозир илондек олачишорман.

## Б и р и н ч и а р а в а к а ш

Улар биринчи хўроз қичқириги билан менга ташланаб, шу-шу тонг отаргача қўйиб юборишмади.

## И к к и н ч и а р а в а к а ш

Бу ерда тувак деган нарсанинг уруви ҳам йўқ - қистаса, печкага қараб чоптиравер, бурга деган савил шундан кўшаяди-да.

## Б и р и н ч и а р а в а к а ш

Отбоқар! Қаёқда йўқолди экан бу лаънати, ер юттур! Ҳой, бошингни чиқара қол энди!

## И к к и н ч и а р а в а к а ш

Мен Черинг-Кросста дудланган чўчқа гўшти билан икки той занжабил олиб кетяшман.

## Б и р и н ч и а р а в а к а ш

Ана холос, куркалар саватда хўраксиз қопти-ку, эслаттанинг учун раҳмат, оғайни! Отбоқар, кар бўлиб ҳолдингми? Қачон турасан, жин ургур! Ҳозир бошингни ёрамиз, кейин мазза қилиб ётаверасан!

Гедсхиль киради.

## Г е д с х и л ь

Салом, аравакашлар! Соат неча бўлди?

## Б и р и н ч и а р а в а к а ш

Чамаси икки бўлгандир.

## Г е д с х и л ь

Фонусингни бериб тур, отхонага бориб, бедовдан хабар олай.

## Б и р и н ч и а р а в а к а ш

Галингни қара-ю, "бериб тур" эмиш! Вой, хумпар-ей! Кўрганмиз сендақаларни!

## Г е д с х и л ь

(Иккинчи аравакашта)

Бўлмаса, сен бера қол.

## Иккинчи аравакаш

Фонусни-я! Тушингни сувга айт. Аввал сени қандоқ осишлини бир томоша қиласай, кейин бераман.

## Г е д с х и л ь

Хой, жин ургурлар, Лондонга қачон етиб бормоқчисиз?

## Иккинчи аравакаш

Керак соатда. Ўшанда муккасидан тушиб ухлашнинг айни палласи бўлади, хотиржам бўлавер. Қани, қудагайим Мегс, бориб хўжайнларни уйготайлик. Улар йўлда йўлдош борлигига хурсанд бўлишади, юклари кўп.

Аравакашлар кетишади.

## Г е д с х и л ь

Қоровул!

## Қ о р о в у л

(саҳна ортидан)

Киссавурлар айттанидек, тап-тайёрман, тақсир!

## Г е д с х и л ь

Янада яхшироғи, қоровуллар айттанидек. Улар бири иккичисидан қолишмайди.

Қоровул киради.

## Қ о р о в у л

Эртангиз хайрли бўлгай, мистер Гедсхиль. Кечаги тахминларим тўғри чиқди. Кентдан келаётган ўрмон эгаси

ўзи билан икки юз фунт-стерлинг тилла олиб кетяпти. У бу ҳақда кеча ҳамроҳига ўзи иқрор бўлиб айтди. Ҳамроҳи бўлса, бож-хирож йиғувчига ўхшайди, юки зил-замбил. Унда нималар борлигини ёлғиз Худонинг ўзи билади.

### Г е д с х и л ь

Бошимни гаровга қўйиб айтаманки, улар йўлда бир балога учрашади.

### Қ о р о в у л

Бошиңизни бошимга ураманми? Яхшиси, уни сиртмоққа деб асраб қўя қолинг. Гашнинг сираси шуки, йўлда улар учрайдиган биринчи бало ўзингиз. Лекин дордан қочиб қутулиб бўпсиз.

### Г е д с х и л ь

Намунча дор, сиртмоқ, деб валақлайверасан, аҳмоқ? Осиладиган бўлсан, ёлғиз ўзим осилармидим. Ёнма-ён қўйиб, қари сэр Жонни ҳам осишади, у бир нима эмаски, кўзга чалинмай қолса. Шунаقا шерикларим борки, эшитсанг, антрайиб қоласан! Улар бизнинг ҳунарни эрмак-ўйин учун қилишади, сиримиз очилгудек бўлса, ўшаларга доғ тушмасин учун шартта бекитишади. Йўқ, оғайни, мен ишимни билиб қиласман. Майда-чуйда ўтритваччалар билан борди-келдим йўқ. Жулдуурвоқи, ялангоёқ, бурни шишиқ, мўйлови ўsicк, каллакесар, ҳар хил қаланди-қасан-ғилар бизнинг тенгимиз эмас. Бизда десанг нуқул олий аслзодалар, қароқчиликда мену сенга сабоқ берадиган шаҳар ҳокимлари, хуллас, тош девор ортидан юргандек ишни bemalol дўндираверасан. Биласанми, биз қирққулоқ гулларни узамизу кўринмас бўлиб юраверамиз.

### Қ о р о в у л

Менимча, сизни кўринмас қилган қирққулоқ гуллармас, тун қоронғиси бўлса керак.

## Г е д с х и л ь

Бўлти. Қўлингни бер! Оғиз очмайсан. Ҳалол кишининг сўзи: ўлжадан улушингни оласан.

## К о р о в у л

Ҳалол кишининг дейсизми? Йўқ, унда алдайсиз. Яхшиси, чинакамига, яъни муттаҳам-қаллоб бўлиб қасам ичаверинг.

## Г е д с х и л ь

Бўлти. Бор, отбоқарга айт, отимни олиб чиқсин. Хайр, эй ярамас!

Кетадилар.

## Иккинчи саҳна

Гед тепаликлари ёнидан ўтадиган катта йўл.

Бошқача кийиниб олишган шаҳзода Генрих билан Пойнс киради.

## П о й н с

Бутазорга, бутазорга! Отини яшириб қўйганим учун Фальстаф қутуриб юриби.

## Ш а ҳ з о д а

Бекинсанг-чи.

Саҳнанинг ичкарисига ўтадилар. Бошқача кийиниб олган Фальстаф киради.

## Ф а л ь с т а ф

Пойнс! Ер юттур Пойнс! Пойнс, дейман!

## Ш а ҳ з о д а

(олдинга чиқиб)

Эй, секинроқ. Намунча бақирасан, бақалоқ?

## Ф а л ь с т а ф

Пойнс қани, Гарри?

## Ш а х з о д а

У тепада. Мен ҳам кетдим.

*(Яна саҳна ичкарисига юради.)*

## Ф а л ь с т а ф

Ўша муттаҳам билан тагин тошишганим учун шундоқ, кунга қолиб ўлтирибман. Лаънати отимни етаклаб кетди-ю, аллақаёққа яшириб кўйди. Яна бир қадам яёв юрсам, ийқиламан. Унда ҳар қалай анави ярамасни ўлдирганим учун дордамас, шу ерда ўз ажалим билан ўламан. Йигирма икки йилдирким, ҳар соат шу ғаламис билан юз кўришмайман, деб қасам ичаману, лекин у мени илондек аврайди-қўяди. Худо ҳақи, ёлғон айтсан, бўғилиб ўлай, у менга қандайдир муҳаббат доруси ичирган шекилли. Бўлмаса, бу нимаси ахир. Пойнс! Гарри! Илоё, гумдан бўлларинг! Бардольф! Пето! Яна бир қадам юрсам, илоё, очимдан ўлай. Эс борида этакни йигиб, уларга тупуриш керак, вассалом. Агар шундоқ қилмасам, дунё яралгандан бери овқатни тиши билан чайнаб юттан махлуқлар ичида энг тасқараси ўзимман. Мента саккиз газ нотекис йўл юриш етмиш чақирим текис йўл босишдан машаққат. Фаламислар буни яхши билишади. Борди-ю, ўғрилар орасида ҳам виждон қолмаса, ҳолимиз не кечади?

*(Хуштак чуриллайди, Фальстаф ҳуштак чалиб жавоб беради.)*

Хуу-хушт! Вабо кўтарсин сенларни! Отим қани, итваччалар? Отим қани деяпман, ўлаксалар?

## Ш а х з о д а

*(олдинга чиқиб)*

Жим, бақалоқ! Ерга ётиб қулоқ сол-чи, бирор келма-яптиимикин?

## Ф а л ь с т а ф

Кейин мени кўтариш учун пашанг борми сенда? Кейин бутун Англия қироллигини берсанг ҳам ўз кучим билан ўрнимдан туролмайман. Шаҳзода, жоним, отимни топиб бер.

## Ш а х з о д а

Эсингни йиг, аҳмоқ! Мен сенга отбоқармидим!

## Ф а л ь с т а ф

Бўлмаса, илоё ўз орденинг ишига ўзинг ўралиб ўл! Мени қўлга туширсалар, сенларни айтиб бераман. Сенларга атаб беҳаё бир қўшиқ тўқиб, истаган чорраҳада айттири- масам, мени шароб урсин! Ҳазил ҳам шунаقا зил бўла- дими, яна пиёда юрганда.

Бир томонда Пойнс, иккинчи томондан Гедсхиль, Бардольф ва Пето киришади. Улар бошқача кийиниб олишган.

## Г е д с х и л ь

Тўхта!

## Ф а л ь с т а ф

Афсуски, ҳали юрганимча йўқ.

## П о й н с

Бу бизнинг айгоқчимиз. Ўшанинг овози.

## Б а р д о л ь ф

Хўш, не янгиликлар?

## Г е д с х и л ь

Белни боғланг. Ниқобларни шайлант. Тоғдан подшолик шуллари оқиб келяпти. У подшолик хазинасига тушади.

## Ф а л ь с т а ф

Бекор гап, у подшолик шаробхонасига тушади.

Г е д с х и лъ

Ҳаммамизга етади.

Ф а лъ с т а ф

Дор тагига ҳам элтади.

Ш а ҳ з о д а

Сиз тўртталангиз йўл торайган жойда уларни тўхтата-  
сиз. Мен билан Нед пастликка тушиб турдимиз. Борди-ю,  
сиздан қутулишса, бизга тутилишади.

П е т о

Улар неча киши?

Г е д с х и лъ

Саккиз ёки ўнтача.

Ф а лъ с т а ф

Улар ҳужумга ўтиб, биз ҳимоячи бўлиб қолмасак, гўрга эди.

Ш а ҳ з о д а

Жаноб Жон Бақалоқ, қўрқяпсизми?

Ф а лъ с т а ф

Ҳа, албатта, бобонгиз Жон Қилтириққа етишга бизга  
йўл бўлсин! Шундоқ бўлса ҳам қўрқаёттанимиз йўқ.

Ш а ҳ з о д а

Биз буни синааб қўрамиз.

П о й н с

Айтмоқчи, Жек, отинг қўрадан нарида бойловда ту-  
рибди. Керак бўлса, шундоқ ечасану миниб кетаверасан.  
Хўп, саломат бўл, уялтириб қўйма тагин.

Ф а лъ с т а ф

Ана, айтмадимми, яна эридим-қўйдим, ўлдирсаям унга  
бармогимни тегизмайман.

## Шаҳзода

(Пойнста секин)

Нед, плашчларимиз қаёқда?

## Пойнс

(Шаҳзодага секин)

Шу орада. Қани, юринг.

Шаҳзода ва Пойнс кетадилар.

## Фальстад

Хўп жаноблар, омад ёр бўлсин! Ҳамма жой-жойига!

Бекинишиди. Йўловчилар пайдо бўлади.

## Биринчи йўловчи

Яна бир оз юрайлик. Отларимизни болакай етаклаб тушаверади, унгача оёқнинг чигилини ёзамиз.

## Ўғрилар

Тўхта!

## Иккинчи йўловчи

Ё Исо, ўзинг асррагайсан!

## Фальстад

Бос уларни, оғзидан қонини оқиз! Ҳу, очкўз чигирткалар! Еганларингни едингми, текинхўрлар? Энди бошқалар есин! Бос уларни, терисини шил!

## Биринчи йўловчи

Вой, талон-торож қилишаяпти! Вой, ўлдиришаяпти!  
Вой, бола-чақамиз билан адо бўлдик!

Йўловчилар қочишади, Бардольф, Гедсхиль, Пето уларни қувади.

## Ф а л ь с т а ф

(*Киличини ялангочлаб, саҳнада у ёқдан – бу ёққа югуриб*)

Талон-торож қилишдими, гушналар! Сандиқларинг, хурмачаларингда қолгани-чи, иркитлар? Қани, қимирланглар, тилла саночлар! Навқирон асрни еб-ямлашни кўрсатиб қўямиз сенларга! Балки ораларингда мўътабар зотлар, суд ҳайъати аъзолари ҳам бордир! Суд ҳайъатини кўрсатиб қўямиз сенларга!

(Кетади.)

Плашч кийиб олган шаҳзода Генрих билан Пойнс қайтиб киришади.

## Ш а ҳ з о д а

Ўғрилар ҳалол кишиларнинг дилларини доғлаб, қўлларини боғлашди. Энди ўз навбатида биз уларни шиламиз ва тақводорлик заҳматидан кўнгил ёзиш учун Лондонга жўнаймиз. Бир ҳафтагача гап-сўз, бир ойгача кулгу мазах, то ўлгунча ҳазил-ҳузулга баҳона топилди.

## П о й н с

Яширинайлик. Улар келишяпти.

Бекинишади. Фальстаф ва Пето қоп елкалаб қайтиб киришади.

## Ф а л ь с т а ф

Қани, йигитлар, бўлишиб оламиз-да, тонг отмасдан отларга миниб, жўнаб қоламиз. Шаҳзода билан Пойнснинг кўрқоқлигига энди ҳам ишонмасаларинг, бу дунёда адодлат йўқ экан, вассалом. Пойнсда ёввойи ўрдакча ҳам юрак йўқ.

Ўлжани бўлишаётганда шаҳзода билан Пойнс уларга ҳужум қиласди.

## Шаҳзода

Пулни ташла!

### Поис

Ярамаслар!

Гедсхиль, Бардольф, Пето дарҳол, сўнг жиндак қаршилик кўрсатиб, Фальстаф ҳам ўлжани ташлаб қочади.

## Шаҳзода

Қулайгина қўлга тушди. Йўлга тушайлик.  
Тумтарақай қочищди-ку, тарқаб кетишар.  
Нега десант, бир-биридан олишар ҳадик,  
Бир-бирини қоровул деб гумон этишар.  
Энди йўлга тушайлик, Нед. Шўрлик Фальстаф  
Роса терлаб-шишиб, этар тупроқларни нам.  
Унга менинг кулгим қистар ва ачинаман.

### Поис

Қандай бўкирди у! Зотли буқами дейсан!

Кетадилар.

## Учинчи саҳна

Уоркуорт. Қасрда бир хона.

Қўлида мактуб билан Ҳотспер киради.

### Хотспер

(Ўқийди.)

"Ўз тарафимдан шуни маълум қилмоқчиманки, милорд, хонадонингизга бўлган муҳаббатим нуқтаи назаридан сиз билан бирга бўлишни ўзимга қувонч деб билардим". Қувонч деб билармиш! Нега бўлмасам, ўша қувончта ўзини мушарраф этмайди? Хонадонимизга бўлган муҳаббати

нуқтаи назаридан! Аммо афтидан у ўз омборларини бундан ҳам кўпроқ севади. Хўш, яна ўқийлик-чи. "Сиз қўл урмоқчи бўлган иш - хатарли". Шубҳасиз. Дунёда ҳамма нарса хатарли. Тоза ҳавога чиқиш ҳам, ичкилик ичиш ҳам, ётиб ухлаш ҳам. Ҳа, аммо тушунсангиз-чи, аҳмоқзода милорд, биз хавф-хатар деб аталган ўша тиканакзорда роҳат-фароғат гунчасини узамиз. "Сиз қўл урмоқчи бўлган иш - хатарли, сиз таъриф-тавсиф қилиб ёзган дўстларингиз ишончли эмас, вақт ҳам ноқулай, фитнагуружингиз замираша шу қадар кучли бир душман билан курашмоққа етарли асос ҳам йўқ". Сиз шундоқ деб ўйлайсизми? Шундоқ деб ўйлайсизми? Бўлмаса, эшигинг: гирт қўрқоқ, қип-қизил аҳмоқ ва бунинг устига, пихини ёрган алдоқчисиз. Вой, тентак! Тангрига қасам ичиб айтаманки, бунақа шухта-пишиқ хуруж бўлмаган. Дўстлар садоқатли ва синашта. Ажойиб фитна, ажойиб дўстлар, катта орзу-умидлар. Ҳа, ҳа. Аломат бир фитна, аломат, дўстлар! Вой, сен тошюрак ҳайвон! Агар фитна маъқул бўлмаса, нега уни архиепископ ҳазратлари қувватлади? Вой, сен шайтон, шалпайган товуқ, қани энди, хотинининг елшуғичи билан бошини уриб ёрсанг! Отам-чи, амаким-чи, ўзим-чи? Хўш, биз исёнда қатнашмаяпмизми? Магар лорд Эдмунд Мортимер, архиепископ Йорк ва Оуэн Глендаур биз билан бирга эмасми? Нима, Дугласни унутиб қўйдингизми? Улар келаси ойнинг нақ тўққизинчи куни бизга қўшилишлари ҳақида ёзма ваъда беришмадими? Ҳатто айримлари ҳалитдан юриш бошламадими? Хўш, бу беимон мажусий нималар деяпти ўзи? Энди у қўрқоқ қиролга бориб, ҳаммасини оқизмай-томизмай етказади! О, шундоқ бир ажойиб режани анави латтачайнарга ошкор этганим учун ўзимга шапалоқ тортишга ҳам тайёрман. Падарига лаънат! Чақса чақавермайдими. Биз тайёрмиз. Мен бутуноқ йўлга чиқаман.

Леди Перси киради.

Салом, Кет. Мен икки соатдан сўнг жўнаб кетаман.

## Л е д и П е р с и

Жоним, нима бўлди, нега қовогинг солиқ?  
Нима гуноҳ қилдим, мана, икки ҳафтаким,  
Бир қайрилиб қарамайсан чеҳрангни очиб?  
Айт, нимадир сени бундоқ хаёлга солган,  
Хаёлларга солиб, тамом тингчингни олган?  
Сабаб нима - ўй сурасан ер боқиб оғир,  
Ва ногаҳон сесканасан - сабаб нимадир?  
Ёноқдаги қизилликни қаён йўқотдинг?  
Менинг жону жаҳонимсан, ахир, сўйлагил,  
Нега бундоқ мاشақатли ўйларга ботдинг?  
Кеча ҳузурингга кирдим. Ухлаб ётардинг.  
Фудурлардинг, сўзингда: жанг, қурол-аслаҳа.  
Отинг юлқинарди гўё "жилов торгардинг"  
Ва уйқунгда қичқирардинг: "Йигитлар, олға!"  
Айқаш-уйқаш сўзларингни тингладим. Нуқул  
Хужумлару пистирмалар, тўсиқ-деворлар,  
Асиrlар, ўликлар, хуллас, ғарқ айламишди  
Даҳшатли жанг майдонида нима бўлса - шул!  
Манглайнингдан маржон-маржон тер қўйиларди,  
Тўлқинли сув юзидағи кўпиклар каби,  
Юзларингда ифодалар товланар эди,  
Гоҳ оқариб кетар эдинг, гоҳи қорайиб.  
Булар бари нима демак? Нималар пинҳон  
Бу безабон белгиларда? Билайн уни.  
Эрим менга юрагини айласин аён,  
Айламаса, демакки, у севмайди мени.

## Ҳ о т с п е р

Ҳой, эшикда ким бор? Кирсин!

Хизматкор киради.

Мактубни олиб,  
Жўнадими Жильямс?

**Хизматкор**

Ҳа, бир соат бурун.

**Хотспер**

Батлер судьялардан менга от келтирдими?

**Хизматкор**

Ҳа, келтирди. Биттасидан.

**Хотспер**

Саманми, жийрон?

**Хизматкор**

Жийрон, милорд.

**Хотспер**

Жийрон бизни давлатта элтар.

Айт ҳозироқ, эгарлашсин. О, Esperance  
Батлер отни шайлаб, мени эшикда кутсин.

Хизматкор кетади.

**Леди Перси**

Хўш, жонгинам?

**Хотспер**

Нима, жоним?

**Леди Перси**

Сени бу ердан  
Элтаёттан нима?

**Хотспер**

Мени элтар тулпорим.

**Леди Перси**

Вой, сен, маймун - масхаравоз, ўйинни бас қил!  
Чегара йўқ, сенинг турфа найрангларингга.

Гарри, ишларингни мен ҳам билмоқ истайман,  
Менга туюларки, яна акам Мортимер  
Писта пўчогидан кема қурмоқчи бўлар,  
Сендан мадад кутар, сенга умид боғлаган?  
Агар шунга кўниб, унинг измини тутсанг  
Ва шу йўлдан кетсанг....

### Ҳ о т с п е р

Йўғ-еў? Яёвми? Қандоқ?

### Л е д и П е р с и

Кўп товланаверма бундоқ, тўти қақи́лдоқ!  
Қани, менинг саволимга жавоб айлагин,  
Бармогингни чиқазаман баңдидаң лекин.

### Ҳ о т с п е р

Қўй, қўйвор, дейман! Мендан нима истайсан?  
Сени севаманми? Аён, севишим гумон.  
Ўшишлару қучишларнинг мавсуми ўтди,  
Кўғирчоқ ўйнашга энди йўқ менда имкон.  
Бутун, билсанг, синдирилган тилла тож билан  
Пачоқланган бурунларга эҳтиёж баланд...  
Қачон от беришар менга, ўзинг инсоф эт,  
Ҳой, Кет, нима бўлди сенга? Нима дейсан. Кет?

### Л е д и . П е р с и

Шунақами? Демак, мени севишинг гумон?  
Деганларинг чинми? Майли, севмай қўя қол.  
Худди сенга ўхшаб жавоб бераман мен ҳам.  
Йўқ, ростдан ҳам севмайсанми, совудинг, ёҳу?  
Очиқ гапир, чинингми ё ҳазилингми бу?

### Ҳ о т с п е р

Юр, ҳовлига чиқайлик. Мен жўнаш олдидаң  
От устида туриб, сенга ичайин қасам,  
Сеникиман, ўлгунимча сенга содиқман,

Аммо сен ҳам ваъда бергин, сўрамагайсан -  
Мендан, яна қаёққа, деб. Аёндири бешак,  
Баски, кетяпман - демак, кетишим керак.  
Мен кетарман бутун сени бунда қолдириб.  
Оқиласан, аммо ақлинг ўзингга лойик,  
Садоқатли рафиқамсан, аёлсан лекин,  
Фақат билмаганингни сир тутишинг мумкин.  
Мен ҳам шундоқ чегарага риоя қилдим.

### Л е д и   П е р с и

Шундоқ чегарага?

### Х о т с п е р

Ҳа, бу муқаррар бир ҳол.  
Бириси кун менга етиб оласан, шунда -  
Барча сирдан хабардор ҳам бўласан унда.  
Розимисан?

### Л е д и   П е р с и

Рози бўлмай, не иложим бор.

Кетадилар.

## ТЎРТИНЧИ САҲНА

"Тўнғиз бош" майхонасида бир хона. Шаҳзода Генрих киради.

### Ш а ҳ з о д а

Вой, ортиқ чидаёлмайман, Нед, қарашвор! Димиқсан  
хонадан чиқ энди. Кулдиравериб, тинка-мадоримни қури-  
тишди.

Пойнс киради.

### П о й н с

Қаёққа йўқолиб қолдинг, Гарри?

## Шаҳзода

Тўрт нафар заранг бош билан, тўрт нафар заранг бочканинг даврасида эдим. Мен жамиятнинг туб-тубигача тушиб, майхонанинг ҳамма малайлари билан ағанаб ичишдим. Биласанми, исмлари қанақа? Том, Дик ва Френсис. Гарчи мен ҳозирча Англия қиролимас, бор-йўғи Уэлс шаҳзодаси бўлсан-да, улар учун лутфу назокатлар подшосиман, негаки Фальстафга ўхшаб бурнимни жийирмайман. Аксинча, оддий, хокисорман, яъни кўнглим очик. Тож кийганимдан сўнг менга бутун Истчил гумашталари ҳомийлигини таъминлаймиз, деб ваъда қилишди. Айтмоқчи, уларнинг сўзларини эшит. "Ичайлик" ўрнига "қизаришайлик" дейишади. Кружкани бир кўтаришда қуритиш керак, кимда-ким орада нафасини ростласа, "бошқатдан ўйнасин" деб ҳар ёқдан қичқиришади ва қайта қуийшни талаб қилишади. Хуллас, чорак соат ичида улар билан шу қадар элакишиб кетдимки, энди истаган фуқаро билан истаганча ичишиб, отамлаша оламан. Афсус, Нед, бўлмаганинг. Менга қара, шакарим... ҳа, айтмоқчи. Мана сенга бир чақмоқ қанд, буни кенжА малай қўлимга зўрлаб тутқазди. У шунақаларданки, инглиз тили бўйича билгани икки-уч калима, холос, масалан: "саккиз шиллингу олти пенс", "марҳамат", "ҳозир, ҳозир", "яrim ой кабинетига ширин мусаллас" ва ҳоказолар. Хуллас, шунақа гашлар, энди нега чақирганимни эшит. Фальстаф келгунча бирор эрмак топиб турайлик. Сен қўшни хонага чиқ. Мен кенжА малай билан бояги чақмоқ қанд хусусида гап бошлайман. Сен "Френсис" деб уни тўхтовсиз чақираверасан, токи икки ўртада қолиб, менинг барча саволларимга "ҳозир, ҳозир" дейишдан бўлак чораси қолмасин. Эшикка чиқ. Машқ қилиб кўрамиз.

Пойнс чиқади.

## Пойнс

(Саҳна ортидан)

Френсис!

Шаҳзода

Аъло!

Пойнс

*(Саҳна ортидан)*

Френсис!

Френсис киради.

Френсис

Ҳозир, ҳозир, сэр! Ральф, қирмизи хонага қарай қол.

Шаҳзода

Бу ёққа кел-чи, Френсис!

Френсис

Нима истайдилар, милорд?

Шаҳзода

Френсис, яна югурдак бўлиб қанча хизмат қиласан?

Френсис

Беш йил, Худо ҳақи, сўзим чин, агар ҳисоблайдиган  
бўлсак....

Пойнс

*(Саҳна ортидан)*

Френсис!

Френсис

Ҳозир, ҳозир, сэр!

Шаҳзода

Беш йил! Ё Тангрим, шунча муддат ичида идиш-товоқ  
жонга тегса керак. Менга айт-чи, Френсис, хўжайининг-  
га қараб тураверасанми? Муддатидан олдин жуфтакни  
ростласанг, нима қиласди?

Ф р е н с и с

О, сэр, мен Англиядаги жамики инжили шарифларга  
қасам ичаманки...

П о й н с

*(Саҳна ортидан)*

Френсис!

Ф р е н с и с

*(Кетмоқчи бўлиб)*

Ҳозир, сэр.

Ш а ҳ, з о д а

Ёшинг нечада, Френсис?

Ф р е н с и с

Ҳозир ҳисоблайман. Келаси ҳайитда...

П о й н с

*(саҳна ортидан)*

Френсис!

Ф р е н с и с

Ҳозир, сэр.

*(Кетмоқчи бўлиб)*

Бирпас сабр қилинг, милорд.

Ш а ҳ, з о д а

Фақат бир дақиқа, Френсис. Мен ҳалиги, ўзинг менга  
берган чақмоқ қанд хусусида. У бир тийинлик қанд эди  
шекилли, шунақами?

Френсис

(Изига қайтиб)

Афсуски, икки тийинлик эмасди.

Шахзода

Мен ўшани деб сенга истаган пайтингда нақд минг фунт бераман.

Пойнс

(Саҳна ортидан)

Френсис!

Френсис

Хозир, ҳозир.

Шахзода

Хозир дейсанми, Френсис? Йўқ, бесабр бўлма. Хозир-мас. Аммо эртага ёки келаси пайшанба куни, марҳамат. Лекин Френсис...

Френсис

Лаббай, милорд.

Шахзода

Лекин бир шартим бор. Анави чарм камзул кийиб, шиша тутмалар қадаб, сочини хўрозвонинг тожидек дик-кайтириб олган, қизил узук тақиб, боғичли қора пайпоқ кийган, испан терисидан сумкаси бор, ширинсухан жанобни боплаб шилишинг керак.

Френсис

Ё Худойим, кимга шама қиляпсиз, сэр?

Шахзода

Демак, сизларда ичиш учун қизил мусалласдан бошқаси йўқ, экан-да. Эҳтиёт бўл, Френсис, нимчангни суркаб

олма. Йўқ, аъло ҳазратим, Барбаристонда бу рўй бермас эди.

### Фрэнсис

Маъзур тутинг, милорд, тушунмаяпман.

### Пойнс

*(Саҳна ортидан)*

Френсис!

### Шаҳзода

Марш, алвости! Сени чақиришапти. Эшигтмаяпсанми?

*(Шаҳзода ва Пойнс уни дам – бадам чақира бошлийдилар. Угоҳ у ёққа, гоҳ бу ёққа югуради.)*

Буфетчи киради.

### Буфетчи

Бу қанақаси? "Френсис" деб чақиришсаю, сен бунда қаққайиб турсанг? Қани тезроқ, анави хонага, меҳмонлар ёнига югар!

Френсис кетади.

Милорд, кекса сэр Жон билан беш-олти киши келди. Киришинми?

### Шаҳзода

Ҳа, бирпас туриб.

Буфетчи кетади.

Пойнс!

Пойнс киради.

### Пойнс

Ҳозир, ҳозир, сэр!

## Шаҳзода

Фальстаф бошқалар билан эшикда кутиб турибди.  
Ҳозир қанақа томоша бўлишини тасаввур қиласанми?

## Пойнс

Бир маза қиларканмиз-да. Ҳўш, малай билан ҳазилингиз қандай тутади?

## Шаҳзода

Ҳозир калламга шунақа кулгили фикр келдики, дунё дунё бўлиб бунақасини кўрмаган.

Френсис шароб кўтариб киради.

Соат неча бўлди, Френсис?

## Френис

Ҳозир, ҳозир.

(Кетади.)

## Шаҳзода

Ажабо, сўзни бир тўтича ҳам билмайдиган мана шу болани аёл киши туққанми ўзи? Туриш-турмуши - зина-поя бўйлаб у ёқдан-бу ёққа югуришу айтар сўзи - майхона ҳисоб-китоблари, холос. Ана, кўряпсанми, мен ҳали ўзимни босиб олганимча йўқ. Менга Перси Хотсперга, шимолнинг ўша "олов товони"га етишишга йўл бўлсин. У эрталабданоқ юзтacha шотландни чўзилтириб, нонушта олдидан қўл юваркан, хотинига ҳасрат қиласди: "Бу осоиишта ҳаёт жонимга тегиб кетди, чинакам ишга чанқовман". Хотини сўрайди: "Азизим Гарри, бугун неча кишини ўлдирдинг?" "Саманни сугоринглар", - дейди у ва бир соатдан сўнг жавоб беради. "Кўшмас, ўн тўрттасини. Э, шу ҳам иш бўлғтию". Энди Фальстафни чақириш мумкин. Мен Гарри Перси бўламан, анави маҳлук эса Мортимер хоним, яъни, менинг хотиним бўла қолсин. Ароқхўрлар қичқиргандек: "Pivo!" Қани, бу ёққа судранглар ўша қийма дўлмани, мой тепани тортинглар бу ёққа!

Фальстаф, Гедсхиль, Бардольф, Пето ва Френсис кирадилар.

### П о й н с

Салом, Жек. Қаёқларда юрибсан?

### Ф а л ь с т а ф

Қўрқоқларга қирон ва лаънатлар! Омин, илоҳи шундоқ бўлсин. Бир стакан шароб, йигитча! Мен энди сенларга ўртоқ эмасман. Тўқийман, пайпоқ ямайман, кашта тикаман - мана, менинг машғулотим. Ҳа, ҳа. Мен сенга айтдим шекилли бир стакан шароб деб, галварс? Дунёда мардлик қолмабди.

Френсис шароб тутади. Фальстаф ичади.

### Ш а ҳ з о д а

Сен сира ёз қуёшида билқиллаб эритган бир товоқ сариёғни кўрганмисан? Манави терга боттан харсанг тошга бир қараб қўй.

### Ф а л ь с т а ф

Шаробга оҳак қўшибсан, муттаҳамлар!

*(Сепиб юборади.)*

Френсис кетади.

Ҳаммаёқда нуқул қаллоблик. Аммо қўрқоқлар галаси оҳак қўшилган шаробдан ҳам баттар. Лаънати қўрқоқлар! Қари Жек, сен собит туравер! Ўлсанг, имонинг бутун кетади. Агар дунёда мардлик, ҳақиқий марданаликдан асар қолган бўлса, мени шўрбалиқ, деб атай қолинг. Бугун Англияда дорга осилмаган учта ҳам ботир қолмаган. Битгаси тўлишиб, қариб боряпти, Худо, уни паноҳингда асра. Нимасини айтасан, дунё расво бўлди-қўйди. Нега мен бўзчи бўлмадим? Бўзимни тўқиб, оятларни ўқиб юраверардим. Илоё, қўрқоқларга қирон келсин.

## Шаҳзода

(Фольстадга яқинлашиб)

Нималар деб жавраяпсан, жун халта?

## Фальстад

Қиролзода эмиш, сени қараю! Бигта ўқлори билан ўзингни ҳам, ўзингта қўшиб фуқароларингни ҳам бир гала гоздек қийқиратиб, мамлакатингдан қувмасам, мен ҳам юрган эканман. Уэльс шаҳзодаси эмиш, сени қараю!

## Шаҳзода

Вой, қари тўнка-ей, бу нима деганинг тағин?

## Фальстад

Хўш, сенлар қўрқоқлик қилмадиларингми, сен билан Пойнс?

## Пойнс

Мени яна бир бор қўрқоқ, деб кўр-чи, қорнингни ёраман, сен текинхўрни!

## Фальстад

Сени қўрқоқ дейишми? Ўлсам ўламанки, унақа демайман. Бунинг ҳожати ҳам йўқ. Сенга ўхшаб қочишни ўрганиб олишим учун мен минг фунт беришга ҳам тайёрман. Жаноблар, белларингиз роса хипча экан. Эҳтимол шунинг учундир, одамларга орқа ўтирганда, уялиб-нетиб турмайсиз. Шу ҳам мададкорлик бўлдию. Жин урсин бунақа мададкорликни! Менга хавф-хатарга тикка қарайдиган йигитлар керак. Бир стакан шароб, йигитча. Эртабдан бери бир қатра ҳам тоттаним йўқ, ўлай агар.

## Шаҳзода

Хозиргина ичдинг, ҳатто лабингни ҳам артанингча йўқ.

Френсис бошқа стакан кўтариб киради.

## Ф а л ь с т а ф

Аҳамиятсиз.

*(Ичади.)*

Илоё, қўрқоқларга қирон келсин!

Френсис кетади.

## Ш а ҳ з о д а

Хўш, нима демоқчи бўласан?

## Ф а л ь с т а ф

Демоқчиманки, биз тўртовлон кеча кечқурун нақд минг фунт ақчани қўлга туширдик.

## Ш а ҳ з о д а

Қани ўша ақчалар, Жек? Чўз бу ёқقا.

## Ф а л ь с т а ф

Қани ўша ақчалар эмиш! Биздан тортиб олишди. Тўртталамизга юз киши ҳамла қилди.

## Ш а ҳ з о д а

Наҳотки юз киши?

## Ф а л ь с т а ф

Ўнтаси билан юзма-юз туриб икки соат олишган бўлмасам, мени абләҳи лайн деб атайвер. Бир бало қилиб, қутулиб қолдим. Найза билан нимчамнинг саккиз еридан, иштонимнинг тўрт жойидан илма-тешик қилишди. Қалқонимни ғалвир қилиб ташлашди, қиличим дастаррага ўхшаб қолди. Мана, кўриб қўйинг!

*(Киличини кўрсатади.)*

Мен қўлимга қурол олганимдан буён бунаقا жанг қилмаганман. Лекин бари бекор кетди. Илоё, қўрқоқларга қирон келсин! Сўранг, бошқалар ҳам айтиб беришсин.

Ҳақиқатдан зарра тойишса борми, улар - жаҳолат болалари, касофат бандалари, вассалом.

### Ш а х з о д а

Хўш, жаноблар? Нима бўлди ўзи?

### Г е д с х и л ь

Биз тўртовлашиб ўн кишига ҳужум қилдик.

### Ф а л ь с т а ф

Йўқ, ками билан ўн олти киши эди, милорд.

### Г е д с х и л ь

Тутиб, қўлларини боғладик.

### П е т о

Йўқ, йўқ, боғламадик.

### Ф а л ь с т а ф

Бекорларни айтибсиз, биз уларни боғладик, битта-биттааб боғладик. Ёлғон айтсан, майли, мен яҳудий, энг қадимий яҳудий бўла қолай.

### Г е д с х и л ь

Ўлжани бўлишаёттанимизда олти ёки етти киши етиб келиб, бизга тикка ҳужум қилишди.

### Ф а л ь с т а ф

Улар ҳалигиларнинг қўлларини ечишди. Уларга яна янгилари келиб қўшилаверди.

### Ш а х з о д а

Сиз ҳаммаси билан солищдингизми?

### Ф а л ь с т а ф

Балли, ҳаммаси билан! Бу ёги қандоқ тушунишга боғлиқ. Агар элликтаси билан солишимаган бўлсам, мени бир

бойлам сабзи, деб атайвер. Борди-ю бечора кекса Жекка ташлангани эллик икки ёки эллик учдан кам бўлса, майли, мен икки оёқли маҳлуқ эмасман.

### Шаҳзода

Ҳайтовур, улардан бирортасини ўлдириб-нетмагандирсан, Худо асрасин.

### Фалъстад

Ҳа, бундоқ пайтда Тангри таолога илтижоларинг фойдасиз. Иккитаси шундоқ кўз ўнгимда чўзилди-қолди. Яна иккитаси, плаш кийган икки аблажи мендан таъзирини еди. Гарри, маҳобат қилаёттан бўлсам, кўзимга тупур-да, мени қари-қирчанғи, деб атай қол. Менинг мудофаа услимни биласан-ку. Қара, ҳимояяга мана бундоқ қилиб турдим, қиличимни мана бундоқ қилиб кўтардим. Шу пайт плаш кийган яна тўртта хумпари аллақайси гўрдан пайдо бўлиб қолди.

### Шаҳзода

Тўртта! Ҳозиргина иккита, дединг шекилли.

### Фалъстад

Тўртта, Гарри. Мен тўртта, дедим.

### Поинс

Ҳа, ҳа, у тўртта, деди.

### Фалъстад

Тўртталаси қаторлашиб менга ҳамла қилди. Мен ҳам ўйлаб-нетиб ўтирумадим, шундоқ қилдимки, етговининг ҳам қиличи қалқонига шундоқ санчилиди-қолди.

### Шаҳзода

Етговининг? Боя тўртта эди-ку.

**Ф а л ь с т а ф**

Плашч кийганми?

**П о й н с**

Ҳа, плашч кийган тўртталови.

**Ф а л ь с т а ф**

Қиличим сопига қасамёд қиласманки, улар еттига эди.  
Наҳот мени шу қадар алдоқчи, деб ўйласанг?

**Ш а ҳ з о д а**

Сўзини бўлма. Уларнинг сони энди ошаверади.

**Ф а л ь с т а ф**

Мени эшитяпсанми, Гарри?

**Ш а ҳ з о д а**

Бутун жисмим қулоқ.

**Ф а л ь с т а ф**

Эшит, ҳа, эшитиб қол, армонда қолиб юрма тағин. Хуллас, ҳалиги плаш кийган тўққизтаси....

**Ш а ҳ з о д а**

Айтмадимми? Яна иккита қўшилди.

**Ф а л ь с т а ф**

Улар чекина бошлишди. Қараб туармишим, етиб бордиму ўн биридан еттитасини гумдон қилдим.

**Ш а ҳ з о д а**

Ажабо! Плашч кийган икки киши ўн биттага етса-я!

**Ф а л ь с т а ф**

Шунда яшил кийим кийган учта ҳаромиси етиб келса бўладими! Қоронгуликни паноҳ тутиб, орқадан ташла-

нишди. Шундоқ зим-зиёки, кўзингни йиртиб боқсанг ҳам, ҳеч балони кўрмайсан. Сен бўлсанг, Гарри, ҳатто ўз кўлингни ҳам таниёлмасдинг....

### Шаҳзода

Бу сафсаталар худди эгасига ўхшайди. Шу қадар аҳмоқона ва шу қадар ошириб-тоширилганки, сохта авра-астари шундоқ кўриниб турибди. Эҳ, сен, сули солинган ем-халта, беномус текинхўр, эҳ, сен, итвачча, ифлос ёғмунди.

### Фальстад

Хой, эсингни йиг', оғзингта қараб гапир! Исбот қилинган нарсани нега инкор қиласан?

### Шаҳзода

Ҳатто ўз қўлингни ҳам танимайдиган қоронгу зимзиёда қандоқ қилиб яшил кийганларни пайқадинг? Қани, тушунтириб бер-чи. Хўш, бунга нима дейсан?

### Пойнс

Ҳа, ҳа, бизга тушунтириб бера қол, Жек.

### Фальстад

Шунақами - ҳамманг бир кишига ёпишасанми? Бунақа зўрлайдиган бўлсаларинг, оғиз очмайман. Жин урсин, мен ҳатто энг даҳшатли қийноқ остида ҳам гапирмасдим. Зўрлаб гапиртириш осон бўлгими! Балки жавобим супургидан ҳам арzonдир, лекин зўрлик остида уни айтиб бўпман.

### Шаҳзода

Мен сени бошқа зўрлаб ўтирумайман. Жаноблар, эшитмадим, деманглар. Манави ашаддий қўрқоқ, отларнинг белию, каравотлар кушандаси, мана шу бир халта гўшт...

## Ф а л ь с т а ф

Ҳай-ҳай, секинроқ, қилтириқ, ўлакса, бузоқ тили, балиқ териси! Ўз нимжонлигинг билан нималарга ўхшашлигингни санашга товуш ҳам етмайди. Яхиси, дамингни юта қол, газчўп, ўқсиз садоқ, чархланавериб, адо бўлган кемтик шашшар!

*(Нафасини ростлайди.)*

## Ш а ҳ з о д а

Балли, нафасингни ростлаб, давом эттиравер. Бемаъни ташбиҳларингни айтиб адо қилгину кейин марҳамат қилиб, мени тингла.

## П о й н с

Ҳа, ҳа, сен уни тинглай қол, Жек.

## Ш а ҳ з о д а

Тўртовлашиб тўрт кишига ҳужум қилганларингни, уларни боғлаб, бор-будини тортиб олганларингни кўриб турдик. Энди мен яна бир нималар дейман, шунда сендан ҳеч вақо қолмайди. Биз икковлашиб сенларга ҳужум қилдик, сенлар халта-хултани ташлаб, тирақайлаб қочдила-ринг. Ўлжалар шу ерда, истасаларинг, кўрсатишимииз мумкин. Лекин сен, Фальстаф, лаш-лушкингни кўтариб, чунонам қочдингки, қочаётиб, зотдор буқага ўхшаб бўкириб ҳам бердинг. Хўш, шунча шармандалиқдан сўнг қиличингни атай тўмтоқлаб, жангда шундоқ бўлди, деб бизни ишонтиришга уринишинг - ўта бир пасткашлик эмасми? Қизик, шунча расвониқдан сўнг ўзингни оқлаш учун тагин нималар тўқий оласан?

Фальстаф юзини қалқон билан яширади.

## П о й н с

Ростданам қизик, Жек, тагин нималар тўқий оласан?

## Ф а л ь с т а ф

(Қалқонни итқитиб ташлаб)

Үшанды мен сизни бир қараңдаёқ танидим. Худо ҳақи, худди ўз отамни таниғандек. Хүш, ўзингиз инсоф билан айтинг-чи, мен күлдә қурол билан тож-тахт ворисига ташланармидим? Тұсатдан ўлдириб қўйсам, нима бўлади? Биласан, Гарри, мен Ҳеркулесдек баҳодирман. Бир бошласам, мени ҳеч ким тўхтатолмайди. Савқи табиийдан бошқа... Арслон ҳам ҳақиқий шаҳзодани бир қараңда таниб олади ва ҳеч қачон унга ҳамла қилмайди, ҳа, ҳа, ўйлаб қаранг! О, савқи табиий - буюк куч. Бутун чўчидим, негаким, савқи табиий тўхтатиб қолди. Мен бу билан икки карра фахрланаман. Арслон сезгиси мени алдамагани учун - бир, подшозода эканлигинги дарров аён бўла қолганлити учун - яна бир карра. Биз вақтни нимага сарфляяпмиз, йигитлар! Худо ҳақи, ақчалар ёнингизда шай эканлигидан хурсандман. Бекам, эшикларни бекит. Тунда айш қилиб, тонгда тавба қиласиз. Айшингни сур, азаматлар! Болаларим, ботирларим, сизга садоқатимни қандай изҳор этай? Қани, базмни бошла! Яхшиси, бирорта комедия ўйнаймиз!

## Ш а ҳ з о д а

Айни муддао. Мавзу - сенинг қочишинг.

## Ф а л ь с т а ф

Бас қил энди, Гарри! Мени яхши кўрсанг, бу ҳақда оғиз очмайсан.

Майхона бекаси киради.

## Б е к а

Ё қудрати Исо, милорд шаҳзодам!

## Ш а ҳ з о д а

Хўш, миледи бекам, нима гап?

## Б е к а

Оҳ, милорд, саройдан бир аъён келиб, сизни йўқлаяпти. Отангиз юборганмишлар.

## Ш а ҳ з о д а

Унда ўша аъённи саройга, ойимнинг ҳузурига жўнат.

## Ф а л ь с т а ф

Ўзи қанақа: ёшми, қарими?

## Б е к а

Чол.

## Ф а л ь с т а ф

Нега бўлмасам, шу маҳалда тўشاқда ётмай, сандирақ-лаб юрибди? Мен гапиришиб кўрсаммикин?

## Ш а ҳ з о д а

Шундоқ қила қол, Жек.

## Ф а л ь с т а ф

Бўлти. Мен уни шайтоннинг ҳузурига жўнатаман.

*(Кетади.)*

## Ш а ҳ з о д а

Хўш, жаноблар, Худо шоҳид, мардона жанг қилдингиз. Сизни айтяпман, Пето, Бардольф, сизни. Шер экансиз, савқи табиий дегани ҳам сизда чаккимас, ҳақиқий шаҳзодани кўрибоқ, ура қочиб қолдингиз.

## Б а р д о л ь ф

Қарасам, бошқалар қочяпти, мен ҳам қочавердим.

## Ш а ҳ з о д а

Ростини айтинг, нега Фальстаф қиличининг дами қайрилиб, арпа-арпа бўлиб кеттан?

## П е т о

Бу ёги маълум. У қиличини ханжар билан арралаб, ҳарна бўлганда ҳам шу жангда бўлган, деб ишонтирасанлар, дея қулогимизга қўйди. Кейин, шундоқ қилинглар, деб бизга ҳам ташвиқот қилди.

## Б а р д о л ь ф

Бурунларни чақиртиканак билан қонатиб, кўйлакларга суркашни, кейин уни шаҳидларнинг қони деб аташни маслаҳат берди. Буларни эшишиб, кейинги ўн йил ичидаги биринчи марта худди болалиқдагидек қаш-қизариб кетдим.

## Ш а ҳ з о д а

Ростданам-а? Бир стакан шароб ўмариб, қўлга тушганингдан буён юзинг шолғомдай-ку. Ўн саккиз ийлдан буён бурнинг лов-лов ёнади. Худди замбаракнинг пилигидек! Шундоқ замбарак пилиги билан жуфтакни ростладинг! Қандай савқи табиий сени бу аҳволга солди?

## Б а р д о л ь ф

*(Бурнини кўрсатиб)*

Сиз манави шафақ ва шимол шуъласини айтаяпсиз шекилли?

## Ш а ҳ з о д а

Ҳа, ўшаларни.

## Б а р д о л ь ф

Сизнинг-ча, бу қизилликнинг маъноси нима?

## Ш а ҳ з о д а

Ичкилик ва фақирлик.

## Б а р д о л ь ф

Йўқ, таг-тубидан олиб айтганда, бунинг маъноси жиззакилик.

## Ш а ҳ з о д а

Э, ўўқ, таг-тубидан олиб айтадиган бўлсак, унинг маъноди - дор.

Бардольф ранжиб, кетиб қолади.

Фальстраф қайтиб киради.

Мана қоқ-суяк, қилтириқ Жек ҳам келиб қолди. Хўш, шарёстигим, нима гап? Менга айт-чи, Жек, тиззаларингни кўрмаганингта неча йил бўлди?

## Ф а л ь с т а ф

Тиззаларимними? Сенинг ёшингда, Гарри, ажаб мўрчамиён эдим ва бош бармоққа тақиладиган эркак узукка бемалол сифаверардим. Мени дилсиёҳликлар шу кўйга солди. Ҳадеб "уф" торта бериш кишини ачитган хамирдек кўпчитиб юбораркан. Нима гап, дейсанми? Иш чаток, оғайнини. Отангни буйргути билан сени йўқлаб келган сэр Жон Бреси экан. Сени эрталаб саройга чақиришяшти. Анави шимолдан чиққан бебош Перси бор-ку, ўша, кейин Уэльсдан чиққан анави, иблиснинг қорнини ёриб, азроилнинг бурнини қонаттан, шайтонни эшак қилиб мишиб олган анави бор-ку, сен биласан у жин ургурни...

## П о й н с

Ҳа, Глендаурми?

## Ф а л ь с т а ф

Ҳа, Оуэн, худди ўзи. Хўш, ўша Оуэн, унинг куёви Мортимер, кекса Нортумберленд ва ашаддий шотланд Дуглас, ўша тоққа ҳам тикка от қўйиб чиқадиган...

## Ш а ҳ з о д а

От қўйиб бораркан, тўппончасидан ўқ узиб, учиб кетаётган чумчуқни урадиган, шундоқми?

## Ф а л ь с т а ф

Ҳа. У ботирликни бирордан қарз олмайди. Қочадиган-лардан эмас.

## Ш а ҳ з о д а

Ҳозиргина қочишими таърифладинг шекилли?

## Ф а л ь с т а ф

От мингандо, деяпман, нодон. Пиёда пайтида у чекинмайди.

## Ш а ҳ з о д а

Савқи табиий буюрса-чи?

## Ф а л ь с т а ф

Савқи табиий буюрса - бошقا гап. Хуллас, ўша шотланд, кейин қандайдир Мордейк, яна минглаб кўк қалпоқлилар хуруж қилишибди. Тунда Вустер қочиб кетибди. Буни эшитиб, отангнинг соқоли оппоқ оқариб қолибди. Ҳозир ернинг баҳоси бир сават сасиган балиқ эмиш.

## Ш а ҳ з о д а

Ёзгача бу гала-ғовур тинчимас экан, одамзод уруги тагин ҳам арzonлашиб қолади. Одамларни худди михга ўхшаб ҳовуч-ҳовучлаб сотишаверади.

## Ф а л ь с т а ф

Рост айтасан, дўстим. Саноатнинг бу тармоғи роса гуллайди. Лекин ичингда қанчалар қўрқиб кеттанингни сезиб турибман, Гарри! Сен ҳақсан, тож-тахт йўлида сенга анави алвости Дуглас, анави жодугар Перси ва анави иблис Глендаурдан қўрқинчлироқ хавф-хатар йўқ. Бу сени даҳшатта солади, шундоқ эмасми? Ҳозир қонларинг ҳам музлаб кеттандир?

## Ш а ҳ з о д а

Сирам-да. Афтидан сендаги савқи табиий менда йўқ шекилли.

## Ф а л ь с т а ф

Хўп, яхши. Аммо эртага отанг ҳузурида сени роса исканжага олишади. Мени оғайни десант, шунга шайланиб тур.

## Ш а ҳ з о д а

Бўлти. Фараз қилайлик, сен менинг отамсан. Юриштуришим ҳақида мени сўроқ қил, мен жавоб бераман.

## Ф а л ь с т а ф

Жуда соз. Манави курси - менинг тахтим, манави пичоқ - давлат нишоним, манави ёстиқ - бошимдаги тожим бўлсин.

## Ш а ҳ з о д а

Демак, тахт - бор-йўғи бир курси, давлат нишони - қалайи пичоқ, олмос қадалган тож - сенинг ялтираган, тап-тақир бошинг экан-да!

## Ф а л ь с т а ф

Агар сенда олийжаноблиқдан зигирча асар қолган бўлса, мен сенга таъсир эта оламан. Бир стакан шароб беринг, кўзларим қизарсин, гўё йиглаган бўлай. Мен "Подшо Камбиз"да ўйнагандек, астойдил, берилиб ўйнайман

(Ичади.)

## Ш а ҳ з о д а

Мана, қаршингда тиз чўкаман.

## Ф а л ь с т а ф

Бўлмаса, эшит. Йўл беринг, баҳодирларим.

## Б е к а

Ё қудрати Исо, қандай ажойиб-а!

## Ф а л ь с т а ф

Йиглама, маликам. Кўзёши - бекор.

## Б е к а

Шўрлик отанг қанчалар хафа бўляпти.

## Ф а л ь с т а ф

Лордлар, ўтинаман сиздан, олиб чиқингиз  
Атчиқ-атчиқ йиглаётган маликамизни.

## Б е к а

Ё қудратингдан, қандай устамон-а! Анави ярамас ко-  
мендиантларнинг худди ўзи!

## Ф а л ь с т а ф

Жим бўл, пиво кружка! Халал бермай тур, ачиган ароқ!  
Гарри, мен вақтингни қандоқ ўтказишишингнимас, кимлар  
даврасида ўтказишишингни ҳам эшишиб, аросатдаман. Нега  
десанг, мойчечак қанча қуюқ ўсса, уни шунча кўп пай-  
ҳон қилишади, ёшликтининг йўриги бошқа. Уни қанча кўп  
совурсанг, шунча тез адо бўлади. Ўслим, бир ёқдан онанг-  
нинг айттанлари, иккинчи ёқдан - ўзимнинг мушоҳада-  
ларим, ҳаммадан ҳам - кўзингни бундоқ чақчайтириб,  
пастки жағингни жоҳилларча осилтириб туришинг шун-  
дан далолат бериб турибди. Хўш, сен менинг ўслим бўла  
туриб, ҳамма гап шундаки - менинг ўслимсан, хўш, мум-  
кинмидирким, ҳалойиқقا кулги-масхара бўлиб юрсанг?  
Мумкинмидирким, қуёш ёнбошлаб ётсаю ялқовлик қилиб,  
ишдан бўйин товласа? Бундоқ савол бериш бемаъни ва у  
ҳеч кимни қизиқтирмаиди. Хўш, мумкинмидирким, Анг-  
лия тожу тахтининг вориси ўғирлик йўлига кирсаю, кис-  
савурлик қилса? Бундоқ савол бериш ўринли ва буни  
муҳокама этса арзийди. Шундоқ нарсалар борки, Гарри,  
эҳтимол эшигтандирсан, бизнинг давримизда уни қора-  
мой, деб аташади. Қорамой суркалади, деб таълим бера-  
ди, қадим ҳукамолар. Сен орасида юрган оломоң ҳам сенга  
шундоқ суркалади, сени булғайди. Шунинг учун ҳам, Гар-  
ри, сен билан ичмасимданоқ кўзларим ёшга тўлиб, эрмак  
учунмас, алам-изтироб билан гаплашяпман, гапларим ка-

лималаргамас, оқу надомат, фиғону фарёдлар билан тўлиб-тошган. Аммо ораларингда баҳарҳол чинакам бир инсон бор, неча бор кўрганман, лекин афсуским, отини билмайман.

### Шаҳзода

У қандоқ одам экан, ҳазрати олийлари?

### Фальстад

У кўркам, басавлат бир зот, ҳа, жуссаси пича тўлароқ. Кўриниши ҳамиша хушчақчақ, кўзлари ёқимтой ва ҳаракатлари бағоят мутаносиб. Ёшини элликларда ёки олтмишларга яқин тахмин қилса бўлади. Дарвоҷе, эсладим, уни Фальстад дейишади. Уни хотинбоз дейишса, бундоқ уйдирмага мен ишона қолардим, негаким, Гарри, унинг кўзларида олийжаноблик маънолари чақнайди. Дараҳти мевасидан, мевани дараҳтидан таниғандек, ўша Фальстад дегани менимча, ниҳоятда олийжаноб бир киши. Ўша билан дўст тутинавер, аммо бошқаларни ҳайда. Хўш, энди менга айт-чи, сен ярамас саёқ, бир ой қаёқларда гумдан бўлдинг?

### Шаҳзода

Хой, жинни-пинни бўлдингми? Подшо деган шунаقا Айдими? Яхиси, сен мени ўйна, мен отамни ўйнайман.

### Фальстад

Ана холос! Мени қулатмоқчимисан! Ташаккур. Агар келиштириб, мен ўйнаганнинг ярмича ўйнай олсанг, майли, мени гўшт дўконида қуёндек қилиб, оёғимдан осавер.

### Шаҳзода

Келишдик. Мана, мен ўтирдим.

### Фальстад

Мен эса тикка турибман. Жаноблар, ҳукм қилинглар.

### Шаҳзода

Хўш, Гарри, қаёқларда юрибсан?

### Фальстаф

Истчида эдим, подшоҳим.

### Шаҳзода

Ўғлим, устингдан арз-дод бениҳоя бисёр.

### Фальстаф

Жин урсин, милорд, ҳаммаси бўҳтон.

*(Атрофдагиларга)*

Мен шаҳзодани шундоқ ўйнайки, оғизларинг ланг очи-  
либ қолсин!

### Шаҳзода

Сен ҳали сўкиняпсанми, тирмизак? Йўқол кўзимдан!  
Сени йўлдан оздиришлатти. Шайгон қари бақалоқ, қиёфа-  
сида изингдан изғиб юрибди. Ўша тавия сен билан дўст  
тутинибди. Хўш, нега ўша тўнка билан ошначилик қила-  
сан, а? Ахир у одаммас, разолатнинг уяси-ку, шаробдан  
шишиб кеттан меш, бозор қозонида бўтқада бус-бутун  
қовурилган хўқиз-ку. Ичкилик ичишдан бўлак кўлидан  
нима келади? Ахталаниб боқилган хўrozни бурда-бурда-  
лаб, паққос туширишдан бошқа нимани билади? Алдоқ-  
чилик ва пасткашлиқдан бўлак бирор ҳунари бормикан?  
Бирор фазилати борми? Йўқ. Касофати-чи? Бижгиб ётибди.

### Фальстаф

Жаноби олийлари, марҳамат қилиб айтсалар, кимни  
кўзда тутяпсиз?

### Шаҳзода

Мен ўша ёшларни йўлдан оздираёттан, лаънати ҳаро-  
ми, қари иблис Фальстафни кўзда тутяпман.

## Ф а л ь с т а ф

Милорд, мен у зотни танийман.

## Ш а ҳ з о д а

Мен ҳам шундоқ деб ўйлайман!

## Ф а л ь с т а ф

Лекин бирор жиҳатдан уни ўзимдан паст дейишга ботинолмайман. Афсуски, қарилги рост, ошоқ соч-соқоли бундан шаҳодат бериб турибди. Аммо ижозатингиз билан, уни бузуқи деб аташни қатъянн радиэтаман. Ширин мусаллас жиноят саналса, унда менга таниш бўлган барча майхона эгалари ўлим жазосига мустаҳид, бўлишлари лозим. Агар семизлик, тўлалик нафрат уйғотса, фиръавиаларнинг қоқсуяк сигирлари муҳаббат кўзғотармикин? Йўқ, марҳаматли шоҳим! Майли, Петони қувинг, Бардольфи ҳайданг, Пойнснинг қорасини ўчиринг. Лекин олийжаноб Жек Фальстафга, жасур ва оққўнгил Жек Фальстафга ғайир кўз билан боқманг, ахир қари бўлса ҳам нақадар довюрак у. Уни Гарридан айирманг, Гаррингизни етим қилиб қўйманг. Ёнида семиз Жек бўлмас экан, ундан бутун дунё юз ўтиради.

## Ш а ҳ з о д а

Энди фойдаси йўқ. Мен уни ҳайдайман.

Эшик қоқиласи. Майхона бекаси чиқади.

Юрганича Бардольф киради.

## Б а р д о л ь ф

Шаҳзодам, шаҳзодам, шериф бир тўда соқчилар билан эшикда турибди.

## Ф а л ь с т а ф

Даф бўл, қасанги! Томошанинг белига тепма. Ҳали Фальстаф фойдасига келтирадиган далиларим кўп.

Майхона бекаси шошилинч киради.

### Б е к а

Ё қудрати Исо! О милорд, милорд!

### Ш а ҳ з о д а

Секинроқ, нима гап ўзи? Гёё камонга миниб олган шайтонни кўргандайсизлар.

### Б е к а

Шериф соқчилар билан эшикда турибди. Улар уйни тингтуб қилишмоқчи. Нима қиласай, қўяйми?

### Ф а л ь с т а ф

Эсингда тут, Гарри, асл олтиннинг қадрига ет, уни сариқ чақа билан аралаштирма. Гарчи ақли-ҳуши бутун кўринсанг ҳам, аслида қип-қизил жиннисан.

### Ш а ҳ з о д а

Сен бўлсанг, қип-қизил қўрқоқсан, ҳар қандай савқи табиийдан маҳрум бир қўрқоқ.

### Ф а л ь с т а ф

Дашномингта тупурдим, сен эса шерифга тупур. Сен мени сотмайсан, деб умид қиласан. Агар шерифдан ҳимоя қиласансанг, болалигимга қасамёд қиласанки, дор остида тихирлик қилиб ўтирамайман, арқон бошқаларни бўқсан-дек, мени ҳам хиппа бўғади-қўяди.

### Ш а ҳ з о д а

Сен парда ортига ўтиб тур, жаноблар, сиз чердакка чиқинг. Ҳой, ўзингизни қарчигайдек тикка тутинг, виж-дони пок, номусли кишиларга ўхшаб.

### Ф а л ь с т а ф

У деганинг бир замонлар менда ҳам бор эди. Қадим замонларда. Яхшиси, бекиниб олай.

*(Парда ортига яширинади.)*

Бардольф, Гедсхиль ва Пето кетадилар.

### Ш а х з о д а

Шерифни чақиринг!

Майхона бекаси кетади. Шериф аравакаш билан киради.

Хизмат, жаноб судья?

### Ш е р и ф

Гуноҳимни маъзур тутинг, милорд. Бу уйга  
Яшириниб олмиш неча қингир кимсалар.

### Ш а х з о д а

Масалан, ким?

### Ш е р и ф

Ўшалардан биттаси маълум.

Дум-думалоқ семиз.

### А р а в а к а ш

Худди мойтепа дейсиз.

### Ш а х з о д а

У ҳозир йўқ. Жўннаганман уни бир ёққа.

Аммо, судья, амин бўлинг, худди эртага

Хузурингизга бориб, у ҳозир бўлади.

Нима айби бўлса, шунда жавоб беради.

Хўш, шу билан кетиш учун сизга ижозат.

### Ш е р и ф

Хўп, ҳозир кетаман, милорд. Икки жанобнинг

Йўлда икки юз фунтини ўғирламишлар.

### Ш а х з о д а

Эҳтимол. У ўғирлаган бўлса мабодо,

Бунинг учун жавоб берар. Хайр бўлмасам.

## Ш е р и ф

Хайрли тун бўлсин, сизга азиз шаҳзодам.

## Ш а х з о д а

Тўғри бўлур, хайрли тонг, дейилса балки.

## Ш е р и ф

Сўзингиз ҳақ, милорд. Соат эрталаб икки.

Шериф ва аравакаш кетадилар.

## Ш а х з о д а

Бу мойтумшуқ авлиё Павел ибодатхонасида ҳам машҳур. Қани, торт бу ёқقا!

## П о й н с

Фальстраф!

*(Пардани юлқиб очади.)*

Ўлиқдек ухлабди, отдек пишқиради.

## Ш а х з о д а

Ҳа, чиндан ҳам нафас олиши оғир! Чўнтакларини ағдар.

Пойнс унинг чўнтакларини титкилади.

Хўш, нима тоғдинг?

## П о й н с

Қандайдир бир қоғоз, милорд.

## Ш а х з о д а

Кўрайлик-чи, нималар ёзилган экан. Ўқи.

## П о й н с

*(Ўқийди.)*

"Яна, ахталанган хўроз - икки шиллингу икки пенс, яна, бир товоқ соус - тўрут пенс, яна, икки қўза шароб -

беш шиллингу саккиз пенс, яна, қўшимча шароб, қовурилган балиқ билан - икки шиллингу олти пенс, яна, ярим тийинлик нон".

### Шаҳзода

Буни қара-я, бир хум шаробга ярим тийинлик нон! Бошқа қоғозларни бекит, бафуржа ўқиймиз. Уни уйғотма, мириқиб ухласин. Сал туриб саройга бораман. Ҳаммамизнинг жангта жўнашимизга тўғри келади. Сенга бир яхши вазифа олиб бераман. Манави қароқчини пиёда қўшинларга жойлайман. Чопишни ўрганиб олсин. Талантган ақчаларни ошиғи билан қайтарамиз. Эрталаб вақтлироқ ҳузуримга кир, хўп энди, хайр, Пойнс!

### Пойнс

Хайр, милорд.

Кетадилар.

## УЧИНЧИ ПАРДА

### Биринчи саҳна

Бангор. Архидъякон уйида бир хона.

Хотспер, Вустер, Мортимер ва Глендаур кирадилар.

### Мортимер

Ҳамма яқдил. Ба бу ишга дўстлар ҳам рози.-  
Ишнинг бошланиши учун ёмон эмас бу.

### Хотспер

Лорд Мортимер, Глендаур, қани, амаки,  
Ўтиингиз, эҳ, картани унутибман-ку!

### Глендаур

Йўқ, мана у. Ўзингиз ҳам ўтиинг, Перси,

Ўтиринг, Ҳотспер, Сизни шу лақаб ила  
Аташаркан ҳар гал қирол Генрих олдида  
У макон деб сизга самовотни тилайди.

### Ҳ о т с п е р

Сизга эса жаҳаннамни

### Г л е н д а у р

Бу равшан - аён.

Хўш, нега десангиз, ахир мен туғилганда  
Осмон лов-лов ёниб, замин дир-дир титраган.

### Ҳ о т с п е р

Сиз туғилмай, ойингизнинг мушуги болалаганда ҳам  
шундоқ бўлиши турган гап эди.

### Г л е н д а у р

Сизга яна айтаманки, мен туғилганда  
Замин дир-дир титраган деб.

### Ҳ о т с п е р

Мен ҳам айтаман,  
Балки замин сиздан чўчиб қолгандир, аммо  
Тан олмайман, истамайман эшлишини ҳам.

### Г л е н д а у р

Ер чайқалиб турган, осмон ловуллаб ёнган.

### Ҳ о т с п е р

Эҳтимолки, ерни бундоқ қўрқувга солган  
Кўкнинг оловидир, сизнинг таваллуд эмас.  
Ахир заминнинг ҳам оғриқ-азоблари бор,  
Қорни шишиб, дўшпаяркан шўрлик ҳар сафар,  
Қалтироққа тушиб, охир тўлғаниб қолар,  
Үйлар ва бутхоналарни сёқдан чалар.  
Эҳтимолки, сиз таваллуд топганда замин  
Шундоқ тўлғоқ тутиб, оғир тўлғаниб турган.

## Г л е н д а у р

Мен ҳаётда эътиrozга ўрганмаганман.  
Такрор-такрор айтдим, яна такрор айтаман:  
Мен онадан туғилганда ловуллаб осмон,  
Қўй-эчкилар тогдан қочиб тушган, подалар -  
Даҳшат ичра бўкиришиб, солишган сурон.  
Хўш, нима бу ва ниманинг каромати бу -  
Қисмат илоҳийнинг ажиг аломати бу.  
Ҳаёт, истиқбол ҳам буни кўрсатди ошкор,  
Ки мен оддий одамлардан эмасман зинҳор.  
Шотландия, Уэльс ва Англияда  
Менга ўргатувчи, сабоқ бергувчи ким бор?  
Йўқ, оламда менга сира баробари йўқ,  
Ки ботиний билимларга дадил йўл солган,  
Сеҳри - амал ҳунарини эгаллаб олган  
Мендек соҳиб салоҳият, соҳиб иқтидор.

## Ҳ о т с п е р

Балки, ҳақиқатан ҳам уэльсчалаб гапиришда сизга тенг  
келадигани йўқдир. Аммо менга ижозат этинг, бориб ов-  
қатланай.

## М о р т и м е р

Баҳслашманг. У ғазабга минади чиндан.

## Г л е н д а у р

Мен ҳаттоқи арвоҳларни чорлай олурман.

## Ҳ о т с п е р

Чорлашга-ку мен ҳам чорлай оламан, лекин  
Ҳамма гап шундаки, улар келишармикин?

## Г л е н д а у р

Мен ўргаттум шайтонни нақ миниб олишни.

## X o t c p e r

Мен ўргаттум уни қандай мазах қилишни.  
Хақиқатни эъзозланг. Бу - шайтонга ўлим.  
Сиз шайтонни жоду билан чакиринг шу дам,  
Мен бир қошиқ сувда уни ҳалок этурман.  
Ёлғон айтманг - шайтондан ҳам келасиз устун.

## M o r t i m e r

Бу беҳуда тортишувни бас қилинг энди.

## G l e n d a u r

Болинброк солишмоқчи бўлиб мен билан  
Ҳузуримга майдон тортиб келди уч карра.  
Уч карра ҳам таъзирини еди.

## X o t c p e r

Афтидан,  
Кўпроқ таъзирини еган ўзингизмасми?

## G l e n d a u r

Мана карта. Солавермай пайсалга энди,  
Келишганимиздек, учга бўлайлик ерни.

## M o r t i m e r

Ха, дарвоҷе, уни бизнинг архидъякон  
Учта тент бўлакка бўлиб, белгилаб берди.  
Англия, Севери ва Трентдан бошлаб  
То жануб, то шарққа довур менга тегади.  
Уэльс ўлкаси - гарбдан шимолга қадар  
Бор бўйича, Глендаур, сенга тегади.  
Трентдан то шимолгача қолган тамом ер  
Бари сизга тегиш бўлур, сизга, Хотспер.  
Мен буюрдим, ёзилмоқда аҳднома-битим,  
Уч насхада бўлур, имзо чекармиз бутун.  
Эртага-чи, Вустер, икков елкама-елка

Йўл оламиз Шрусбери - шотландлар сари.  
Отангизга ошиқамиз. Қайнотам ҳали  
Улгурмаган лашкарини жамулжам этиб,  
Биз бир-икки ҳафта уни кутамиз балки.

(Глендаурга)

Сиз унгача битта қўймай сафга тизасиз  
Қўни-қўшни, мулоzиму деҳқонингизни.

### Г л е н д а у р

Мен эртароқ балки қувиб етарман сизни.  
Хотинларингизни ўзим билан элтаман.  
Сиз ҳозирча улар билан хайрлашмангиз.  
Йўқ, десангиз, фарёд-фигон бўлур бегумон  
Ва бир зумда кўз ёшлардан яралур уммон.

### Х о т с п е р

Улушимга қарайшман. Мана Бертондан -  
Шимолгача, сизникидир кичик бир қадар.  
Ўзи-ку каттамас, лекин неча жойидан  
Кесиб ўтар уни қингир-қийшиқ дарёлар,  
Улар улушимни тағин кичрайтиб қўяр.  
Шунинг учун дарёга мен тўғон соламан.  
Унда сокин Трент ҳадеб бурилавермай,  
Тўлқин уриб оқар янги, равон ўзандан.  
Иланг-биланг оқишига йўл қўймайман - шу,  
Токи гул водийни бошқа бузолмасин у.

### Г л е н д а у р

Йўл қўймайман? Бу сўзингиз кимга ёқади?  
Қандоқ оқаётган бўлса, шундоқ оқади.

### М о р т и м е р

Яна унутмангким, янги бурилишда ул  
Менинг улушимни ямлаб-емириб буткул,  
Менга зиён келтиради, сизга мукофот.

## В у с т е р

Бу ерда-чи, кўп ҳам ташвиш, харажат қилмай,  
Дарё учун янги ўзан қазимоқ мумкин,  
Бизга фойда бўлиб қолар манави бурун.

## Ҳ о т с п е р

Мен бу ишга меҳнат - маблағ аямам зарра.

## Г л е н д а у р

Мен қаршиман бунга.

## Ҳ о т с п е р

Нима, қаршимисиз?

## Г л е н д а у р

Ҳа.

## Ҳ о т с п е р

Аммо менинг йўлимни ким тўса олади?

## Г л е н д а у р

Ким тўса олади? Мана, тўсадиган мен.

## Ҳ о т с п е р

Сиз яхиси айтинг буни уэльсчалаб,  
Тушунмайман, истамайман тушунишни ҳам.

## Г л е н д а у р

Инглизча муомалам сиздан кам эмас,  
Англия саройида униб-ўсганман.  
Унда арфа жўрлигида куйламоқ учун  
Тўқиганман ёшлигимда талай тарона.  
Тилингизни бойитишга берганман кучим, -  
Биламанки, бу истеъдод сизга бегона.

## Ҳ о т с п е р

Беҳад шодман, таҳсин дейман ҳимматингизга.  
Қоғияли қилиб ёлғон сўқиб-соттандан  
Мушук бўлиб миёвлашни афзал кўраман.  
Шамдон қулаб тушар экан ногоҳ жаранглаб,  
Ё гилдирак гичирласа ёғсираб, ночор -  
Барчасига чидаб, сабру таҳаммул айлаб,  
Тинглар эдим, тиш оғриқча бўлмасдим дучор.  
Аммоқи шеър қироати - мен учун ўлим,  
Оқсоқ байтал юришидек айнитар кўнглим.

## Г л е н д а у р

Ҳай, майлига, қазий қолинг ўша Трентни.

## Ҳ о т с п е р

Арзимайди. Ён-веримга қарамай зарра,  
Инъом айлаганман бундан уч карра зиёд.  
Аммо лекин одатий иш - муомалада  
Кўрсатаман савдолашиб сабр ва сабот,  
Ҳа, аҳднома биттидими? Жўнасак бўлар?

## Г л е н д а у р

Кеча ойдин, кундузгилик йўл босиш мумкин.  
Бориб, мирзоларни бир оз шошилтирай-да,  
Хотинларингизни шайлай хайр-маъзурга.  
Бунга қандоқ чидар экан қизим, билмадим,  
Мортимерсиз яшаш беҳад азобдир унга.

*(Кетади.)*

## М о р т и м е р

Қайнотамни қон қиласиз намунча, Перси?

## Ҳ о т с п е р

Ахир унинг сўзи жуда жонга тегади.  
Тўйиб бўлдим ўша турфа сафсалардан.  
Кароматли чумолилар ва каламушлар,

Мерлин жодугарларидан қулогим батанг.  
Қанотсиз калхатлар, ажабтовур балиқлар  
Ва гербларда нақш этилган сирли арслонлар,  
Қандоқ қилиб ҳазм қилай шунча нарсани!  
Кеча ярим оқшомгача мени қийнади  
Санайвериб измидаги шайтонларини.  
Мен-чи, унинг сўзларига қулоқ осмадим,  
Фақат ора-сира "балли", "дуруст" деб турдим.  
У жанжалкаш хотин, қари байтадан баттар,  
У қоп-қора тутун тўлган уйдан ҳам ёмон.  
Мен бу сўқиб-сотишлардан қочардим бадар,  
Майли, жойим сарой эмас, бўлсин тегирмон,  
Емишим май, сомса эмас, сув ва қуруқ нои.

### М о р т и м е р

Айтганларинг бехуда. У ажойиб инсон,  
Алломадир, билимларга хазинадир - то,  
Оқ кўнгилдир, марди майдон, хулласи калом,  
Мехрибонлик, меҳмондўстлик бобида танҳо.  
У севади сизни, иззат-икром қиласди.  
Совуқ жавобларингизни тутади маъзур.  
У бошқани кечирмасди, ҳамма билади,  
Уни бундоқ кулгу-мазах этмаган маъқул.

### В у с т е р

Рости, унга сўз қотасан қўпоплик билан  
Айтишгандан айтишасан келгандан буён.  
Йўқ, тўғримас, такаллуфсиз, совуқ бир оҳанг  
Самимият ва қудратдан бўлмагай нишон.  
Бу аслида одобсизлик намойишидир,  
Манманлигу мақтончоқлик деганлари, бас,  
Шу чоққача ҳеч кимсани безаган эмас.

### Х о т с п е р

Раҳмат. Ўзни туттум энди киборлар каби.  
Хайрлашмоқ учун келди хотинларимиз.

Глендаур қайтиб киради, изидан - леди Мортимер билан  
леди Перси.

### М о р т и м е р

Тушунмайман уэльсча бир қалима ҳам,  
Инглизча тушунмайди хотиним. Алам!

### Г л е н д а у р

Қизим Мортимерни қандоқ қўяман, дейди.  
Дада, аскарликка ўзим бораман, дейди.

### М о р т и м е р

Тез орада борасиз, деб айтингиз унга,  
Леди Перси билан бизнинг ҳузуримизга.

Глендаур леди Мортимер билан уэльсча гаплашади.

### Г л е н д а у р

Тош-метин. Эшитишни ҳам истамас нодон.

Леди Мортимер эрига қараб уэльсчалаб гап қотади.

### М о р т и м е р

Тушунаман. Маржон-маржон кўз ёшиңг тили  
Таржимасиз, изоҳсиз ҳам аёндир менга.

Мен ҳам шу лаҳҗада жавоб берардим, лекин  
Йиглаб, кўз ёш оқизмоқлик - уятдир менга.

Леди Мортимер эрига қараб яна уэльсчалаб бир нималар  
дейди.

Мен туйгулар сұхбатини англай оламан  
Бўсаларнинг жарангидан. Қийнасин мени  
Машаққатлар - тинчимайман, тинчий олмасман,  
То ўрганиб олмагунча уэльсчани.  
Сен сўзлар экансан - унда сеҳр ва жило.  
У - бир ўрмон ичидаги қасрда маҳбус -  
Маликанинг қўшиғидек тараалар гўё.

## Г л е н д а у р

Ўзни босинг, оғир бўлинг. Бояқиши ахир  
Ақлдан озиши мумкин.

Леди Мортимер эрига яна уэльсчалаб бир нималар дейди.

## М о р т и м е р

Авомман, авом -  
Рўпарангда.

## Г л е н д а у р

Кизим дерки, қамишга бир дам  
Ястанинг ва бошингизни тиззамга қўйинг.  
Истасангиз, куйлаб берай ишқий тарона.  
Киприкларингизга уйқу илашар дарҳол,  
Бир оз енгил тортиб қолар бошингиз унда.  
Тингларкансиз, ора йўлда қоласиз гўё,  
Үйгоқ - мудроқлиқда, кеча-кундуз қўйнида.

## М о р т и м е р

Ташаккурлар бўлсин. Уни тинглагум жон деб  
Унга қадар битимни ҳам бўлишар ёзиб.

## Г л е н д а у р

Хўп, бўлмаса ёнбошлангиз. Бу ердан расо  
Минг чақирим йироқлиқда турган машшоқлар  
Худди бир сониядан сўнг жўр бўлиб чалар.

## Х о т с п е р

Ёта қолайлик, Кет. Бу сенга тегишли. Кел, бошимни  
тизсангта қўяй.

## Л е д и П е р с и

Мана сенга, мана сенга, бетавфиқ!  
Глендаур уэльсчалаб бир нималар дейди.

Музика янграйди.

### Х о т с п е р

Шайтон ҳам уэльсча тушунишига энди сира шубҳам йўқ. Кейин, шайтонларнинг намунча бебош бўлишларига ҳам ақлим етиб қолди. Эшитяпсанми, нақадар дилрабо бу шайтоний оҳанглар!

### Л е д и П е р с и

Агар бебошлик оҳангдорликка замин бўлолсайди, сен шубҳасиз даҳо бўлардинг, негаким бошдан-оёқ ўжарлик ва жинниликнинг қуйиб қўйган ўзисан. Тинч ёт, бебош-воқ, йўқса, ҳеч нарса эшитолмаймиз. Ҳозир леди уэльс-чалаб куйлаб беради.

### Х о т с п е р

Менинг исковуч "ледим" ирландчалаб увлаб берганда, жон деб эшитардим.

### Л е д и П е р с и

Бошингта бир туширайми?

### Х о т с п е р

Йўқ.

### Л е д и П е р с и

Бўлмаса, ҳап ёт.

### Х о т с п е р

Бу хотинлик иллати.

### Л е д и П е р с и

Худо хайрингни берсин!

### Х о т с п е р

Нимага, Уэльс хонимнинг тўшагига кириб олишдами?

## Л е д и П е р с и

Тагин нима?

### Ҳ о т с п е р

Жим. У куйлаяпти.

Леди Мортимер уэльсчалаб қўшиқ айтади.

Энди сенинг куйлашингни истардим, Кет.

## Л е д и П е р с и

Ҳо, ёқмай ўлсин. Сиräям-да.

### Ҳ о т с п е р

Ҳо, ёқмай ўлсин, сиräям-да! Сўзларингни эшишиб, новвойнинг хотинимикан, дейди киши. "Ёқмай ўлсин", "танди туриб бер", "мени Худогина урсин", "кўзларим кўр бўла қолсин".

Умр бўйи онт ичасан, кўрмагандайсан

Финсбери деворидан нари томонни.

Сўзни қасам билан тасдиқ этмоқчи бўлсанг,

Қасамингга шафе келтир еру осмонни.

Занжабилнинг ҳиди анқиб-уфуриб турган

Қасамларни ошиқ-маъшуқ сайронларга қўй,

Ясанишиб олган гули хандонларга қўй,

Кел, куйлаб бер, азизам.

## Л е д и П е р с и

Йўқ, мен куйламайман.

### Ҳ о т с п е р

Ҳа, майли, ихтиёринг. Қўшиқ айтиш тикувчилару овчиларга ярашади. Хўш, битим тайёрми? Унда мен икки соатдан сўнг йўлга тушаман. Истасанг, ёнимга кел.

*(Кетади.)*

## Г л е н д а у р

Қани, кетдик, Мортимер. Ҳа, мунча карахтсиз,

Перси худди ёниб турар, қизгин, бечидам.  
Битим тайёр шекилли. Хўш, имзо чекайлик.  
Кейин йўлга тушаверинг.

### М о р т и м е р

Шодман юракдан.

Кетадилар.

### Иккинчи саҳна

Лондон. Саройда қабулхона.

Қирол ўлтирибди. Атрофида - шаҳзода Генрих, шаҳзода Жон Ланкастер, граф Уэстморленд, сэр Уолтер Блент ва бошқалар.

Соқчилар ва хос маҳрамлар.

### Қ и р о л

Бизни холи қўйинг. Мен ва шаҳзода ёлғиз  
Бир гаплашиб олмоқчимиз ҳозир, жаноблар.  
Аммо лекин тез орада бўларсиз зарур.  
Ҳа, узоққа кетманг.

Қирол ва шаҳзодадан бўлак ҳамма чиқади.

Эвоҳ, мен билолмадим,  
Тангри ғазабига нечун бўлибман дучор.  
Ки журмимнинг жазосига - ўз жигарбандим,  
Ўз ўғлимни айлар жумла ҳалойиққа хор.  
Ҳар қадаминг ила ўзинг тасдиқ этасан,  
Ки манглайим шўри, менга тифи парронсан.  
Бўлмаса-чи, бу нимадар, ўзинг жавоб бер,  
Бундоқ юриш-туришинг, бу айшу ишратинг,  
Паст-баландни билмай, бирдек кўриш одатинг?  
Қани, айт-чи, булар қандоқ келишар экан  
Қиролзода деган наслу наسابинг билан?

## Шаҳзода

Ҳукмдорим, қаршиңизда тамом беғубор,  
Мусаффоман, деб айтишга бормайди тилим.  
Бироқ баъзи таъналарга эътиroz этгум.  
Фақат илтимосим, менинг шаънимда юрган  
Үйдирмалар чок-чокидан сўкилар экан,  
Ёшлик билан қилган неча бебошлигимни  
Инобатта олмагайсиз, туттайсиз маъзур,  
Мен уларни тан оламан, афсус чекаман.

## Қирол

Тангри сени маъзур тутгай. Аммо не қилай,  
Сенинг машғулотларингга ҳайронман, Гарри.  
Боболаринг салобати ўзгача эди.  
Сен кенгашга қатнашишни этмайсан хаёл,  
Унда ўлтирибди сенинг ўрнингда ининг.  
Саройга ва аъёнларга ёт бўлиб қолдинг.  
Бир кун тузаларсан, деган умидимиз пуч,  
Ҳамма сенинг ҳалокатинг башорат қилар.  
Агар мен ҳам худди сендеқ шаҳзода маҳал  
Шундоқ майдалашсам, шундоқ назардан қолсам,  
Бугунгидек соҳиби тахт бўлармидим ҳеч.  
Мардум авто билур эди қари қиронни,  
Мен эсам нақ эътиборга нолойиқ бир жон,  
Ҳаттоқи бир из қолдирмай бўлардим пинҳон...  
Йўқ, эл аро бир нодири даврон эдим мен,  
Юлдуз бўлиб нигоҳларни қамаштирадим.  
Кўриб шивирлашар эди: "Болинброк бу",  
Ва сўрашар эди: "Қани, қани? Кўрсатинг".  
Мен зангори само каби дилтортар эдим,  
Халойиқни ҳар гал асир этар эдим, рост.  
Мени кўриб севинчларга тўларди мардум,  
Тирик подшо туриб, мени айларди эъзоз.  
Қимматимни билар эдим, элнинг кўзига  
Черков қуббасидек аён эмасдим ҳар дам.

Кўп чиқмасдим, чиқар эдим гоҳи-гоҳида,  
Ҳар чиқишим одамларга бўларди байрам.  
Ҳамма жойда ҳозир эди чирмовуқ қирол,  
Гала масхаравоз мудом ёнида пайдо.  
Эрмак излар эди, эрмак топарди алҳол,  
Кулгу-мазах қилишса ҳам этмасди парво.  
Кўча-кўйда ҳар учраган олмасдан ҳадик  
Орқасидан гап отиши муқаррар эди.  
Мен ҳаммага суюкли деб ўйларди шўрлик,  
Мен ҳаммага баробар деб бахтиёр эди.  
Такрор-такрор пиширилган таомдан баттар  
Ўша асал меъдаларга тегди-ку қаттиқ.  
Таом мўътадил бўлмаса, кўнгил айнитар,  
Меъридан сал ошгани - бари бир ортиқ.  
Эшитмаслар, эшиттаңда парво этмаслар  
Қанча ёниб сайрамасин баҳорда какку.  
Билсанг, ўша қирол билан учрашиб ҳар гал  
Уни зарра назар-писанд қилмас эдилар,  
Боқсанда ҳам боқишарди, шунчаки қараб,  
Нақ қуёшга боқсан каби ҳайрат биланмас.  
Балки унга қовоқ уйиб боқишарди, бас,  
Бемаҳалда йўқлаб келган меҳмондек санаб.  
Сен ҳам шундоқ йўл танладинг ўзингга, Гарри  
Ва рутбайи олийингни айладинг қурбон.  
Барча безор бўлиб саёқ улфатларингдан,  
Сендан ранжи-хотир бўлиб, юз бурган тамом.  
Фақат мен боқаман сенга, узмасдан назар,  
Нетай, кўз ёшларим оқиб, нигоҳим тўсар.

### Ш а ҳ з о д а

Бу сўзларни эшитиш кўп оғир, подшоҳим,  
Мен ўзимни тузатишга ваъда бераман.

### Қ и р о л

Ўғлим, баъзида-чи худди ҳали айттаним,  
Ўша ландовур Ричардга ўхшаб кетасан.

Перси - менинг ўзим, менга жудаям монанд,  
Чамамда, тож кийиш унга ярашар чунон,  
Гарчи қонун юзасидан ворис ўзингсан.  
Сенинг қонунингни сўраб ўлтирамиди  
Майдонларда жавлон уриб юрган ҳаҳрамон?  
Уни чўчитолмас ҳатто ўкириб арслон.  
Ўзи сендек йигитчадир, аммо назар сол,  
Не-не епископлар, не-не кекса лордларни  
Жангта йўллаётир бугун юритиб фармон.  
У Дугласни аброр этиб, довруқ таратди,  
Юришларда йўлбошчийди ягона бўлган,  
Яшинворий ҳамлаларда афсона бўлган,  
Дунё бўйлаб донг тараттан ўша Дугласни!  
Ҳа, Ҳотспер уни уч бор этди тору мор,  
Ҳали янги чақалоқ Марс, бола баҳодир,  
Э, тору мор нима, уни айлади асир  
Ва озод ҳам қўйиб, битим - шартнома тузди,  
Шундоқ биргалашиб, улар давронимизни,  
Тожу тахтимизни бузиб-йиқмоқчи энди,  
Эшийтдингми, граф Нортумберленд ва Перси,  
Ҳам Йорк епископи ҳамда Дуглас, Мортимер  
Тил битишиб, бош кўтармиш бизларга қарши.  
Кимга айтяпман буни - душманимсан-ку!  
Менга қарши иш тутасан - ишончим комил.  
Фаройиб бир шум кирдикор кўрсатмоқ учун.  
Ёки қўрққанингдан - улар томонга ўтиб,  
Худди итдек думингни ҳам ликиллатарсан,  
Башарангни унда буткул аён этарсан.

### Шаҳзода

Йўқ, йўқ, бундоқ бўлмас, ана кўрасиз ҳали.  
Эвоҳ, Парвардигор, сизни қанчалар қайраб,  
Қаршингизда қанча айбор этмишлар мени!  
Гуноҳимни Перси боши билан оқлайман  
Ва муқаррар саодатли зафар айёми

Ўғлингиз деб аталишга оламан ҳуқуқ.  
Бошдан-оёқ қонга ботиб худди ўша кун  
Номусимни қонлар билан юварман бутун.  
Ҳа, ўша кун солишади яккама-якка:  
Бир тарафда - ўша баҳтли, баҳодир Ҳотспер,  
Бир тарафда - сизнинг шўрлик, хокисор ўғил -  
Қилич сирмаб, майдон аро тузиб маърака.  
У ўн карра дубулғасин дол қилиб қўйиб,  
Мен ўн карра ҳақоратта дучор бўлсам ҳам,  
Биз жойларни алмашамиз, у менинг айбим,  
Мен унинг шон-шавкатини тортиб оламан.  
Ҳа, у менинг мардикорим, шунчалар жамлаб,  
Шавкатларни беражакдир менга бир йўла.  
Ҳаммасини беради у, агар бермаса,  
Мен уларни юрагидан юлиб оламан.

*(Пиз чўқади.)*

Худди шундоқ қиласман, деб ваъда бераман  
Худойим ёр эса, худди шундоқ қиласман.  
Ота, шунда майдон аро мен қучган зафар  
Юракдаги ярангизга шифо бағишилар.  
Агар толе чеҳрасини очмаса кушод,  
Ўлим бизни бурчимииздан айлагай озод.  
Мен майдонда юз минг карра ўларман, аммо  
Сизга ичган қасамимни бузмасман асло.

### К и р о л

Фигначилар юз минг карра ўлишар ҳали.

*(Шаҳзодага яқинлашиб, уни тургизади ва қучоқлаб,  
багрига босади.)*

Ўғлим, тайин этгум сени қўмондан қилиб.

Сэр Уолтер Блент киради.

Хўш, нима гац, Блент? Ташвиш-ҳаяжондасан.

## **Б л е н т**

Ташвишли бир хабар ила келганман зотан.  
Лорд Мортимер шотланд махфий хабар айлади,  
Үн бешинчи куни тамом қўшилишибди  
Дутлас билан Англия исёнчилари -  
Шрудсбери этагида. Улар кўп эмиш.  
Ваъда берганларнинг бари қўшилар бўлса,  
Исён чиндан даҳшатли тус олади, демиш.

## **К и р о л**

Бутун йўлга тушди граф Уэстморленд.  
Жон Ланкастер борар унга қорама-қора.  
Кўп кечикиб келди ушбу хабаринг... Гарри,  
Чоршанба кун сен йўлга чиқ, мен - пайшанбада.  
Биз учрашув тайинлаймиз Брижнорсада.  
Глостершир орқали юр. Мен аминманки,  
Учрашамиз чамаси шу икки ҳафтада.  
Қани, ишга. Ҳаяллашга қўймасман ортиқ,  
Ҳаялласак, душманга қўл келиши аниқ.  
Кетишади.

## **Учинчи саҳна**

Истчип. "Тўнғиз бош" майхонасида бир хона.  
Фальстаф билан Бардольф киради.

## **Ф а л ь с т а ф**

Шу сўнгти гал йўлга чиққанимдан бўён роса озиб-тўзи-  
дим, Бардольф! Ҳа, адойи тамом бўляпман. Териларим  
олиймақом бир кампирнинг эгнидаги кўйлакка ўхшаб  
шалвираб-осилиб қолди. Қўрга кўмилган олмадек қов-  
жирадим. Куч-мадорим борида тавба қилмасам, ҳадемай,  
тилим ғўлдираб қолади. Агар бутхона ичининг қандайли-  
гини унутмаган бўлсан, майли, қалампирнинг уругими ёки

пивопазнинг қирчанғиси бўла қолай. Бутхона ичи! Ё Парвардигор, ёмонлар билан юриб не кунларга қолдим!

### Б а р д о л ь ф

Сэр Жон, кайфингиз жудаям ўчиқ. Афтидан, узоққа бормайсиз.

### Ф а л ь с т а ф

Ҳамма гап шунда-да. Эй, менга қара, маза-матрасиз бирор нарса куйлаб бер. Фамимни тарқат. Бир пайтлар ахлоқ-одобда нодиру ягона эдим... Ҳа, ахлоқи комил бир зот эдим. Меъёрида сўкинардим. Ҳафтада кўпи билан етти марта қимор ўйнардим. Ҳалиги ёмон жойларга фақат пайшанба кунлари ҳар чорак соатда бир кириб чиқардим. Уч-тўрт карра қарзимни ҳам қайтариб берганим бор. Турмушим ақл-идрок доирасида кечарди. Хўш, энди-чи?

### Б а р д о л ь ф

Бундай семизлиқда ақл-идрок доирасидан чиқмай бўладими, сэр Жон? Доира чизиқлари ҳам ўчиб кеттан.

### Ф а л ь с т а ф

Сен аввал башарангни тузатиб ол, кейин қандай яшаш ҳақида менга ақл ўргатасан. Сен бизга адмиралсан, дарға чироғинг бурнингда шундоқ ловуллаб турди. Сен бизда чироқчилар жамиятининг байроқдорисан.

### Б а р д о л ь ф

Қўймадингиз, қўймадингиз-да, сэр Жон. Башарам сизга нима қилди?

### Ф а л ь с т а ф

Ёмонлик қилмаган. Аксинча. Мен ундан тарбиявий мақсадларда бош чаногими ёки ажал нишонаси сифатида фойдаланаман. Сенга қарадимми, бас, дарҳол жаҳаннам ҳақида ўйлаб кетаман ва ўша ривоятдаги қип-қизил

либос кийиб, алангада ёнган бой-бадавлат киши эсимга тушаверади. Агар сенда олийжанобликдан асар бўлганда, башарангни ўртага қўйиб қасам ичардим. "Шу оташин шамшир билан қасамёд қиласман", - дердим. Бироқ сен адойи тамом бўлган бир бандасан, юзингда ёришиб турган озгина жойни ҳисобга олмаганда, бошдан-оёқ қоронғу зулматсан. Биз босқин қилган кеча изимдан югуртсайдинг, сени узоқдаги хира чироқми ёки кўқдан тушган думалоқ чақмоқми, деб ўйлаган бўлардим, ёлғон айтсан, пулни севмайсан, деб юзимга солавер. Сен бизга - гулханлари туриллаб, мушаклари ловуллаб турган абадий байрамсан, сен менга кечалари у майхонадан бу майхонага кўчиб юрганимизда машъял ёқишига кетадиган етти юз фунтстерлинг ақчамни асраб қолдинг. Дарвоқе, шу муносабат билан иккимиз ичган мусалласнинг пулига Оврупода аломат бир шам заводи қурса бўларди. Ҳа, Худо шоҳид, йигирма уч йилдирким, шу ўчақнинг ўтини ўчирмайман, шуфлаганим-шуфлаган.

### Б а р д о л ь ф

Намуича башарамга ёпишиб олдингиз, илойим у томоғингизга тиқилсин.

### Ф а л ь с т а ф

Худо асрасин, есам ичим куйиб ўламан-ку.

Майхона бекаси киради.

О, товуқчамизга саломлар! Хўш, чўнтакларимни ким қоқлаб кетганини аниқладингизми?

### Б е к а

Инсоф қилинг, сэр Жон! Менинг уйимда ўғрилар нима қиласди! Ақлга сиғадиган гапми шу? Биз, эрим икковимиз ҳаммани бир-бир титкилаб чиқдик, биттаям малай, биттаям чўри қолмади. Шу чоққача менинг уйимда тук ҳам йўқолмаган.

## Ф а л ь с т а ф

Ёлғон. Бардольф боягина шу ерда соқол қириб, талай тук йўқотди. Ахир чўнтакларимни сизнинг уйингизда ағдаришган-ку! Ўзингизни фаришта қилиб кўрсатаверманг. Кимлигингиз менга мълум. Не қиласа ҳам, хотинсиз.

## Б е к а

Ким, менми? Шу гапни айтишга қандоқ тилингиз борди? Ё Худойим! Мени ўз уйимда ҳеч ким шу қадар ҳақорат этмаган.

## Ф а л ь с т а ф

Қўйсангиз-чи! Мен сизни яхши биламан.

## Б е к а

Йўқ, сэр Жон, сиз мени билмайсиз. Аммо лекин мен сизни яхши биламан, сэр Жон, қарзингизни тўламаслик учун атай жанжал чиқармоқчи бўласиз. Мен сизга бир эмас, бир неча кўйлак сотиб олиб берганман.

## Ф а л ь с т а ф

Ҳа, ҳа, қоп-қанор тикиладиган кандирдан. Мен уларни элак ўрнида ишлатарсан, деб новвойга топширдим.

## Б е к а

Бекорларни айтибсиз. Ҳар гази саккиз шиллинг турадиган голланд матосидан эди, ёлғон айтсам, турган еримда тил тортмай ўлай! Кейин, бунинг устига, қарз ҳам олдингиз, қарзга овқатландингиз, турли найранг-усуллар билан йигирма фуннта шароб ҳам ичдингиз.

## Ф а л ь с т а ф

*(Бардольфни кўрсатиб)*

Менга қўшилиб манави ҳам ичган. Тўласин энди.

## Б е к а

Нималар деяпсиз, сэр Жон? Шундоқ камбағал-а? Нима ҳам олардим ундан?

## Ф а л ь с т а ф

Юзида шундай зарбхонаси бор киши камбарад эмишми? Хўш, бу сизга бойлик бўлмай, нима? Унинг бурни ва ёноқларидан тилло тангалар сочилиб турибди-ку... Мен ҳеч нарса тўламайман. Нима, мен бугун келибманми? Бу меҳмонхонада мизгиб ҳам бўлмайди, дарров шилиб кетишиди. Бобомдан қолган қирқ маркалик муҳрли узугим ҳам гумдан бўлиди.

## Б е к а

Ё Парвардигор, бу қип-қизил ёлғон! Узугинг мисдан деб шаҳзода айттанини неча мартараб ўзим эшигтанман.

## Ф а л ь с т а ф

Овсар ва гирт нодон ўша шаҳзоданг. Ҳозир шу ерда бўлганида-чи, ўша айттани учун итдек савалардим.

Енгил қурол-аслаҳа тақинган шаҳзода ва Пойнс ҳарбийчалига қадам ташлаб киришиди.

Фальстаф уларни қаршилаб, ҳассасини сурнай қилиб чалади.

Нима гап, ошна? Шамол чиндан ҳам бу ёққа эсяптими? Бу ердан жилишимга тўғри келадими?

## Б а р д о л ь ф

Ҳа, Ньюгейт турмасидагидек, иккитадан бўлиб, бараварига қадам ташлаб.

## Б е к а

Милорд, менга қаранг...

## Ш а ҳ з о д а

Хўш, миссис Куикли? Эрингиз қалай? У менга ёқади. У - яхши инсон.

Б е к а

Шафқатли милорд, мени эшитинг...

Ф а л ь с т а ф

Тупур унга. Яхшиси, мента қулоқ сол.

Ш а ҳ з о д а

Ҳа, Жек.

Ф а л ь с т а ф

Кейинги гал бу ерда парда ортида ухлаганимда чўнтак-ларимни супуриб кетишибди. Бу ер - ўгрихона. Аямай шилишади.

Ш а ҳ з о д а

Ниманг йўқолибди, Жек?

Ф а л ь с т а ф

Айтсам, ишонмайсан, Гарри. Уч ёки тўрттacha қирқ маркалик ақчам билан бобомдан қолган муҳрли узутим.

Ш а ҳ з о д а

Э, анави саккиз чақа турадиган узукми?

Б е к а

Ана, айтмадимми? Милорд, мен ҳам унга худди шундоқ дедим. Шаҳзода ҳам шундоқ фикрдалар, дедим. У бўлса, сизни оғзига олиб бўлмайдиган сўзлар билан ҳақорат қилди. "Мен уни калтаклайман", деди.

Ш а ҳ з о д а

Наҳотки? Янглиш эшитмадимми?

Б е к а

Ёлғон айтсам, менда имон ҳам, виждон ҳам, хотинлик номуси ҳам бўлмасин.

## Ф а л ь с т а ф

Улар сенда нима қиласы? Имон дегани сенда қора ол-хүри мураббосидек бир гап, вижданинг тутун қўйориб, инидан ҳайдаб чиқазилган тулкининг вижданидан ортиқ-мас. Хотинлик номусига келсак, ҳар қолда, хотинлик нишонаси миршабхона нозирида қанча бўлса, сенда ҳам шунча. Йўқол бу ердан, қорангни ўчир, анақа маҳлук!

## Б е к а

Қанақа - анақа маҳлук? А? Ҳозироқ айт, қанақа?

## Ф а л ь с т а ф

Анақа, Худо кўрсатмасин, қанақа.

## Б е к а

Ёлғон, мен Худо кўрсатмагур анақа эмасман, қонуний никоҳдаги номусли хотинман. Аммо сен рицарь ва аслзода бўлганинг билан менинг шаънимга шундоқ гаплар айтганинг учун, ярамас, тубансан.

## Ф а л ь с т а ф

Сен эса майхона бекаси бўла туриб, мен билан ҳадеб айтишганинг учун - ҳайвонсан.

## Б е к а

Қанақасига ҳайвонман? А? Ҳозироқ айт, қанақа ҳайвон?

## Ф а л ь с т а ф

Қанақа ҳайвон? Сувсарсал - мана, қанақасан.

## Ш а ҳ з о д а

Сувсар дедингизми, сэр Жон? Нега энди сувсар бўларкан?

## Ф а л ь с т а ф

Негаки, у эт ҳам эмас, балиқ ҳам. Эркак зоти унга қай томондан ёндашишни ҳам билмайди.

## Б е к а

Бекорларни айтибсан, муттаҳам, илойим турган еринг-да қотиб ўл! Сен ҳам, бошқа эркаклар ҳам менга қай томондан ёндашишни яхши билишади.

## Ш а ҳ з о д а

Тўғри айтасан, бекам. У сени бегуноҳдан-бегуноҳ, ҳақорат қиляпти.

## Б е к а

У сизни ҳам шундоқ ҳақорат қилди, милорд. Сиз ундан минг сўм қарздор эмишсиз.

## Ш а ҳ з о д а

Нима - мен сендан минг сўм қарздорманми, туллак.

## Ф а л ь с т а ф

Нега энди минг сўм бўларкан, Гарри миллион сўм! Сенинг муҳаббатинг миллион сўмдан ҳам ортиқ, сен мени севишинг керак.

## Б е к а

У сизни овсар ва нодон деб айтди, сизни калтаклайман, деди.

## Ф а л ь с т а ф

Мен шундоқ дедимми, Бардольф?

## Б а р д о л ь ф

Худди шундоқ дедингиз, сэр Жон.

## Ф а л ь с т а ф

Ҳа, агар шаҳзода узугимни мисдан ясалган, деса шундоқ қиласман, дедим.

## Ш а ҳ з о д а

Узугинг мисдан, деб ҳозир ҳам айтаман. Хўш, кучингни кўрсат энди.

## Ф а л ь с т а ф

Ўзинг биласан-ку, бир одам сифатида сенга кучимни кўрсатардим. Аммо шаҳзода сифатида сендан, шерваччанинг наърасидан қўрққандек, қўрқаман.

## Ш а х з о д а

Нега энди шернинг наъраси эмас?

## Ф а л ь с т а ф

Мен шердан қўрққандек, подшо ҳазратларидан қўрқишим керак. Наҳотки, мени отангдан қўрққандек ўзингдан қўрқади, деб ўйласанг? Сенларни баравар қўйисам, белим чўрт узилсин.

## Ш а х з о д а

Ўшанда қорнинг "шалоп" этиб, тиззангга тушишини тасаввур қиласман! Аммо гирт ҳайвонсан! Зигирча ҳам номусинг йўқ. Туриш-турмишинг - ошқозон, ичак-чавоқ. Ҳалол бир хотинни, чўнтағимга қўл солдинг, деб мазаммат қилиб ўтирибсан-а! Хўш, итвачча, безбет, бўрдоқи тўнғиз, ўша чўнтақларингда ошхонанинг ҳисоб-китоб қоғозларию, ўтирибсанки, менинг устимда бошқаларга нисбатан эт-юким кўп, демак шайтон васвасасига учишим ҳам кўпроқ бўлади. Хуллас, киссавурлик қилганингта ўзинг иқрорсан?

## Ф а л ь с т а ф

Менга қулоқ сол, Гарри. Менинг отам Одам Ато маъсумлик салтанатида гуноҳга йўл қўйган. Шўрлик Жек Фальстаф сенларнинг шу бузуқи замонангда нима қилисин? Кўриб турибсанки, менинг устимда бошқаларга нисбатан эт-юким кўп, демак шайтон васвасасига учишим ҳам кўпроқ бўлади. Хуллас, киссавурлик қилганингта ўзинг иқрорсан?

## Шаҳзода

Ҳа, шундоқ шекилли.

## Фальстад

Бекам, мен сени маъзур тутаман. Бориб нонушта ҳозирла. Эрингни сев - қадрла, хизматкорларингдан кўз узма, меҳмонларни иззат-эҳтиром қил. Кўриб турибсан, зарур бўлганда мен далилларга бош эгаман! Тинчлик яна барқарор. Ий-е, ҳали ҳам шундамисан? Қани, бор, марҳамат қилиб, бора қол энди.

Бека кетади.

Хўш, Гарри, саройда не гаплар? Бизнинг ишимизга қандоқ қарашяпти?

## Шаҳзода

Оҳ, сен димлама эт, нуқул жонингта ора кираман-а. Ақчалар эгаларига қайтарилиди.

## Фальстад

Шу қайтариб беришларни жиним суймайди - ўлганни устига тепгандай бир гап.

## Шаҳзода

Мен отам билан ярашдим, у бутун инон-ихтиёрни ўзимга қўйди.

## Фальстад

Унда биласанми, нима: давлат хазинасини ўмар, шундоқ қилки, сих ҳам кўймасин, кабоб ҳам.

## Бардол

Ҳа, шундоқ қила қолинг, милорд.

## Шаҳзода

Жек, мен сен учун шиёда қўшиндан битта жой сўраб олдим.

## Ф а л ь с т а ф

Суворий қўшинда бўла қолсин. Марҳамат қилиб, ўғриликка қўли эгчил бирортасини менга адъютант қилиб бер. Ёши йигирма иккиларда бўлсин. Бўлмаса, уриш-суринда мени ким боқади? Хайриятки, Тангри таоло бизга анави исёнчиларни етказди. Улар ҳалол одамлардан бўлак ҳеч кимга зиён қилишмайди. Қандини урсин азаматлар, мен уларни оқдайман.

## Ш а ҳ з о д а

Бардольф!

## Б а р д о л ь ф

Амрингизга ҳозирман, милорд!

## Ш а ҳ з о д а

Мана бу мактубни укам милорд Жон Ланкастерга, мавини эса милорд Уэстморлендга етказ.

Бардольф кетади.

Хўш, Пойнс, энди отларга минайлик! Биз сен билан бутун тушгача ўттиз чақирим йўл босишимиз керак. Жек, сен эртага соат иккida Темпль-Холлга менинг олдимга бор.

Унда ҳамма гапни ўзинг билиб оласан  
Ва оларсан ёлловчилик унвони билан  
Аскарларга тегиш зарур пул-маблагни ҳам.  
Юрт ёнмоқда, Перси тахтта интилар алҳол,  
Ёки унга, ёки менга етишгай завол.

*(Кетади.)*

## Ф а л ь с т а ф

Бекам, нонуштани келтир! Муқим бир хона  
Бўлса яхши эмасмиди менга - майхона.

*(Кетади.)*

## ТҮРТИНЧИ НАРДА

### Биринчи саҳна

Шруслери яқинида исёнчилар қароргоҳи.  
Хотспер, Вустер ва Дуглас кирадилар.

#### Ҳ о т с п е р

Сиз ҳақдирсиз, менинг шонли шотланд ботирим.  
Ҳақиқатни хушомад деб билурлар бизда.  
Бўлмаса-чи, мен Дугласни таърифлар эдим,  
Унинг номи эътиборга ноил оқчадек,  
Ҳамма жойда эъзозли бир муомалада.  
Менга хушомад бегона, лутф дегани ёт,  
Аммо сиздан бўлак ҳеч ким менинг қалбимдан  
Шунчалар жой ололмаган, ярқираб кушод.  
Мен амалда буни ҳали исбот этаман.

#### Д у г л а с

Сиз - ор-номус тимсолисиз. Жаҳонда бирор  
Рақиб мени чўчитолмас сизчалик зинҳор.

#### Ҳ о т с п е р

Ташаккур.

Чопар кириб, бир неча мактуб топширади.

Хўш, айтинг-чи, бу мактублар кимдан?

#### Ч о п а р

Отангиздан, милорд.

#### Ҳ о т с п е р

Ажаб, отамиз бутун  
Бизга мактуб йўллаб, ўзи келмамиш нечун?

#### Ч о п а р

У юришни кечиктириди. У ётиб қолди.

## Ҳ о т с п е р

Аммо ётиб қолишнинг зап пайтини топмиш!  
Унинг қўшинини бизга бошлиб келар ким?

## Ч о п а р

Билолмадим. Битилгандир мактубда балким.

## В у с т е р

У ҳали ҳам тўшакдами?

## Ч о п а р

Шундоқ, тўшакда.

Менинг йўлга тушганимдан уч кунча олдин  
Ётмиш эди, оғир эди аҳволи лекин.

## В у с т е р

Умид улким, ўткан фурсат мобайнода ул  
Хасталиқдан халос бўлиб, тузалмиш буткул.  
Бу биз учун билсанг ҳозир нақадар зарур.

## Ҳ о т с п е р

Хасталанмиш! Ётиб қолмиш! Ахир бу айём  
Унинг хасталиги бизга - ҳалокат тамом!  
У ёзибди менга - ички касаллик билан  
Оғриб қолмиш - ахир ҳозир мавридимикан?  
Менга ёзибди у, дўсти-қадрдонларни  
Бу аҳвoldан воқиф, огоҳ, этолмадим, деб.  
Аммо бизга, шу бир ҳовуч фидойиларга  
Дадил туриб иш тутишни кенгаш беради.  
Синаб кўрингиз, дер - толе-иқбол юлдузи  
Сизга чехра очиб, нечук таратар ёрду.  
Яна ёзибдиким, қирол бу ишдан бешак  
Хабардордир, шунинг учун ошиқмоқ керак.  
Хўш, бу ҳодисага нечук берурсиз баҳо?

## В у с т е р

Биз графсиз қўл-оёғи шолмиз мутлақо.

### Ҳ о т с п е р

Ҳа, дарвоқе, мен ҳам шундоқ совудим-қолдим,  
Аммо лекин биласизми, графнинг иши  
Бизга у қадарлик зиён - йўқотиш эмас.  
Биз тамом қўшинни, неки измимизда бор,  
Бир йўласи шайлаб, жангта солмоқчи эдик,  
Ишни бир зарб ила осон қилмоқчи эдик,  
Лекин бундоқ қилиш, бундоқ соддалик билан  
Таваккалга умид борлаш авомликасми?  
Орқамизда кўнгил тўки қўшин бўлмаса,  
Душман бизни балоларга дучор этмасми?

### Д у г л а с

Ҳа, бу ҳақ гап. Энди тўла таъкидлаш мумкин:  
Орқамизда суюнчиқ ҳам, умид ҳам тайин.

### Ҳ о т с п е р

Биринчи қадамда шайтон оёқдан чалса,  
Яна қайта йифилмоққа маконимиз шай.

### В у с т е р

Отанг бунда ҳозир бўлса, яхши бўларди.  
Якка, тарқоқ иш тутишнинг охири чатоқ.  
Биласанми, ўйлашади одамлар не деб -  
Имилляштими, демак, бордир бир гапи.  
Демак, бизнинг қўзролонни қувватламас у.  
Ўз бурчига садоқати ва соғлом ақли  
Отангизни бир чеккада тутиб туради.  
Бизни кўплаб ёр-дўстлардан айиради бу!  
Биз тиккаси ҳужум қилиб борамиз. Аниқ,  
Ўй ўйлашга вақтимиз йўқ. Муҳокамага  
Идрокимиз эшиклари тақа-тақ ёпиқ.  
Отангизнинг келмагани ножӯядир кўп,  
Бу бизнинг сир пардамизни очар бир қадар.  
Билмаганлар буни шундоқ таъбир этарлар,  
Демак ишга ишончлари камроқ экан деб.

## X o t c p e r

Сиз ҳаддидан оширдичгиз тусмол-гумонни.  
Графнинг йўқлиги худди қўл келар бизга.  
Бас, унингсиз ҳадик о’май, қўрқув билмасдан,  
Тортишар эканмиз бутун мамлакат билан,  
Дейишарки, сафимизда граф бўлганда,  
Ҳаммасини остин-устин эта оламиз.  
Йўқ, ҳозирча ишларимиз бари жойида.

## D u g l a s

Орзу эттанимиздан ҳам яхшидир бари,  
“Кўрқув” сўзин билишмайди Шотландияда.  
Сэр Ричард Вернон киради.

## X o t c p e r

О, азизим Вернон, қани, марҳамат айла.

## V e r n o n

Билмадим, шод этармикин хабарим сизни?  
Ҳозир граф Уэстморленд ва шаҳзода Жон  
Нақ етти минг қўшин билан келур бу томон.

## X o t c p e r

Нима қипти, келаверсин. Ҳўш, тағин нима?

## V e r n o n

Тағин шуки, маҳсус қўшин йигиб қирол ҳам  
Яқинлашиб келмоқдадир бу ёқقا илдам.

## X o t c p e r

Майли, у ҳам келсин. Аммо бошқа зурёди,  
Яъни Уэльс шаҳзодаси қайда бу замон?  
Кеттан эди бебошларга ўзи бош бўлиб,  
Уларнинг бу ташвишидан қўл узиб тамом.

## В е р н о н

Улар билан биргадир у. Майдонда кўрдим,  
Ҳашаматли дубулғаю яроқ-аслаҳа  
Уларнинг устларида ёниб-ярқирап эди,  
Бургутлардек тизилишиб келар бир сафда.  
Олтин совутлари чақнаб, кўзни оларди  
Ривоятдаги самовий қўшинилар мисол.  
Бари май ойидек дуркун, навқирон, яна  
Ёз ўртаси - саратондек қайнок, баркамол.  
Танларида куч-ҳарорат қайнаб тошарди  
Югуришиб буқачалар, кўчкорлар каби.  
Бошдан-оёқ пўлат кийган эди шаҳзода,  
Ҳавас-ла бир сакраб, ўзни эгарга олди,  
Жилов силтаб, отини минг мақомга солди.  
Тулпор гоҳ пишқириб, гоҳи сапчиди баланд,  
Назарингда адл қомат шаҳзода эмас,  
От машқини олаёттан қай бир Худованд.

## Х о т с п е р

Бас қил! Истайсанки, сенинг сўзларинг тинглаб,  
Худди аёзда қолгандек, дир-дир титрасам?  
Улар йўлда дегин? Яхши, жуда соз! Бари -  
Ҳалокатта маҳкум, найза - насибалари.  
Барин қурбон қилиб уруш илоҳасига  
Мурдаларин иргитамиз Марс меҳробига.  
Ёнаяпман! Тутаб борар бардошим буткул  
Ўлжа яқин, аммо ҳали бизникимас ул.  
Қани, отни келтиринглар, худди ўқ бўлиб  
Уэльс шаҳзодаси сари учай ўшу замон.  
Олишармиз майдон аро худди ўт бўлиб  
От билан от, Гарри билан Гарри беомон.  
Ва биримиз ерга қулаб тушмажунча то  
Олишамиз, майдонни тарқ этмаймиз асло.  
О, қанийди Глендаур бўлсайди бунда!

## В е р н о н

Ҳа, менга айтишди Вустер графлигида

Қўшин йигаман, деб иши чўзилемиш ғоят.

### Д у г л а с

Мана бу шум хабари бизга оғир бағоят.

### В у с т е р

Эшитдиму совуқ қотиб, жунжикиб кетдим.

### Х о т с п е р

Қалай, қирол қўшинида аскарлар кўпми?

### В е р н о н

Ўттиз мингча бордир.

### Х о т с п е р

Майли, қирқ мингта бўлсин.

Майли, Глендаур билан отам келмасин,  
Биз кучлимиз, бир зарб ила тепар юраклар.  
Бурғу чалиб, сафланамиз ишончга тўлиб,  
Ўлар бўлсак, бош қўямиз мардана бўлиб.

### Д у г л а с

Ўлим сўзи дафнгача қатагон. Чунки  
Битишганмиз, бир йилгача танимас мени.

Кетишади.

## Иккинчи саҳна

Ковентрига олиб борадиган катта йўл.

Саҳна ортида ногоралар ва сурнайлар чалинади. Нари-бери  
қурол-яроқ таққан Фальстаф билан Бардольф кирадилар.

### Ф а л ь с т а ф

Бардольф, сен Ковентрига бор. Менга бир шиша муз-  
саллас келтир. Биз аскарлар билан шаҳар атрофини ай-

ланиб турамиз. Кечаси Сеттон-Кольфильдга етиб боришишимиз шарт.

### Б а р д о л ь ф

Пул бермайсизми, капитан?

### Ф а л ь с т а ф

Ҳозирча ўзингникини харжлайвер. Ҳа, лейтенант Петрога айт, шаҳар дарвозасида менга пешвоз чиқсин.

### Б а р д о л ь ф

Хўп, бўлади, капитан.

*(Кетади.)*

### Ф а л ь с т а ф

*(Қўли билан узоқларни кўрсатиб, кула – кула)*

Агар аскарларимни кўргандга ўзим уятдан ерга кириб кетмасам, майли, мени сиркага солинган шўрбалиқ, деб атай қолишин. Мен офицерлик, ваколатимдан, билмадим, қандай истифода этдим. Ёллашим зарур бўлган бир юз эллик нафар аскар ўрнига нақд уч юз фунгстерлинг ақча йигиб олдим. Аскар йигиш ҳақидаги фармонни нуқул бадавлат қишлоқларга, янги куёвтўраларга, кейин худди шайтондан қўрқандек ногора гумбуридан чўчийдиган, милтиқ овозини эшитибок, ўқ теккан ўрдақдек шалпайиб тушадиган нозик ниҳомларга рўкач қилдим. Мен нуқул шунаقا қаланғи-қасангиларни жуфтёқа қила-вердим, табиийки, уларнинг ҳаммаси товон тўлаб, жонини қутқазиб қолди. Энди менинг ротам ўзининг бутун прапорчилари, капраллари, лейтенатлари билан ўша, расмда чизилган, ярасини итлар ялаб турган Лазарга ўхшаш жулдуурвоқилардан иборат. Улар ҳеч қачон аскар бўлишмаган. Улар қўним топмаган хизматкорлар, меросдан маҳрум меросхўрлар, мусофирихонанинг қочоқ малайлари, синиб қолган майхона эгалари, хуллас, тинчлик за-

монининг лойқа-луйқалари, эски полк байроғидан ҳам баттар титиги чиққан оломон. Уларни кўриб, кечагина чўчқа боқиб, сарқит, ювинди билан кун кўриб юрган бир юз эллик бебош қасани гўё қайтиб келибди, деб ўйлайсан. Йўлда бир жинни учраб, шунча мурдани қайси дордан ўмардинг, деб сўраб қолса-я. Дунё дунё бўлиб, бунақа бедаволарни кўрмаган. Худо кўрсатмасин, шу аҳволда Конвентрига кириб борсам, роса шарманда бўламан. Шунинг учун уни айланиб ўтишга тўғри келади. Бунинг устига аскарга ўхшаб юришни билишса ҳам гўрга эди, шундоқ қадам босишадики, худди оёқлари тахтакачлаб қўйилгандек. Нафси замини айтганда, уларнинг кўпчилиги турмалардан териб олинган тасқаралар. Бутун бошлиқ ротага ичкийим бор-йўти бир яrimta кўйлак, яrimta деганим бу - жуфтлаштириб, даккам-дуккам қилиб тикилган иккита сочиқ, жарчининг нимчасидек қилиб елкага ташлаб қўйилади. Анави битта бутун кўйлакни эса, билмадим, Сент - Олбанидаги мусофирихона ҳовлисиданми ёки Дентри қовоқхонасининг шолғом бурун эгасиданми, ҳар қалай, бир гўрдан ўғирлаб олишган. Э, бари бир эмасми. Ичкийим дегани тахта деворда истаганча топилади.

Шаҳзода Генрих билан Уэстморленд киради.

### Шаҳзода

Ҳа, шишимақул Жек. Ишлар қалай, хўжагумбаз?

### Фальстраф

Ё Худойим, Гарри! Қаёқдан пайдо бўла қолдинг, эси паст? Қайси шайтон сени Уорикширга учирди? Маъзур тутасиз, милорд Уэстморленд, мен сизни пайқамабман. Мен жанобларини аллақчон Шрусберида деб ўлагандим.

### Уэстморленд

Сўзларингиз айни ҳақиқат, сэр Жон. Аллақачон Шрус-

берига етиб олишимиз керак эди, биз ҳам, сиз ҳам. Аммо менинг қўшиналарим етиб боришибди. Қирол йўлнимизга кўз тутиб турибди. Эрталабгача ухламай, йўл босишга тўғри келади.

### Ф а л ь с т а ф

Мендан кўнглингиз тўқ бўлсин. Бирор жойда ялагудек қаймоқ топилса, бас, мушукка ўхшаб кўз юммайман.

### Ш а ҳ з о д а

Ҳа, ялагудек қаймоқ топилса, бас. Қаймоқ ялайвериб, бир тепа сариёққа айланибсан-қолибсан. Хўш, менга айтчи, анави орқада судралиб келаётган рўдаполар кимнинг қисмидан?

### Ф а л ь с т а ф

Менинг қисмимдан Гарри, менинг аскарларим.

### Ш а ҳ з о д а

Бунақа бедаво оломонни сира учратмаганман.

### Ф а л ь с т а ф

Секинроқ, намунча бақирасан. Нима бўларди, найзалирга нишон, замбаракларга ем, ҳа, замбаракларга ем. Қабрларни бошқалардан ёмон тўлдиришмайди. Инсоф билан гапир, азизим. Улар ҳам одамлар, Худонинг бандалари, азизим, Худонинг бандалари.

### У э с т м о р л е н д

Ҳмм... лекин, сэр Жон, нега уларнинг кўринишлари шу қадар абгор-афтода? Булар - кўча-кўйдаги фақиргадолар.

### Ф а л ь с т а ф

Фақирликни қайдан илаштиришган, билмадим. Аммо ориқликни мендан юқтиришмаган.

## **Шаҳзода**

Уч энли қалинликдаги мой ориқлик саналмас экан,  
айтганларинг ҳақиқат. Аммо жин ургур, қадамни жадал-  
лат. Перси қўшинларини жангта шайламоқда.

### **Фальстад**

Қирол қароргоҳ тутиб бўлдими?

### **Уэстморленд**

Ҳа, сэр Жон, биз кечикмасак гўрга эди.

Шаҳзода Генрих билан Уэстморленд кетади.

### **Фальстад**

Майли, базми жамишилларга ошиқсанг ошиқ,  
Аммо жангта ошиқмоқлик сенга не лойиқ.

*(Кетади.)*

Саҳна ортида яна боягидек ноғоралар ва сурнайлар садоси.

## **Учинчи саҳна**

Шрусбери яқинида исёнчилар қароргоҳи.

Хотспер, Вустер, Дуглас, Вернон, офицерлар ва аскарлар  
киришади.

### **Хотспер**

Улар билан жанг қиласиз тунда.

### **Вустер**

Ошиқма.

### **Дуглас**

Ҳаялласак уларга қўл келади.

В е р н о н

Асло.

Х о т с п е р

Улар мадад келишини кутмоқда.

В е р н о н

Биздек.

Х о т с п е р

Уларнинг режаси пишиқ, бизники - думбул.

В у с т е р

Дўстим, сенга маслаҳатим: бир оз кутиб тур.

В е р н о н

Бугун жанг бошламанг, сизга маслаҳатим шу.

Д у г л а с

Бу яхши маслаҳат эмас. Қўрқоқлик, холос.

В е р н о н

Менга бундоқ гапингизни гапирманг, Дуглас.  
Бурчим чиндан буюаркан, эътиборимдан  
Тамом четда қолиб кетар ҳадик, эҳтиёт  
Ва қўрқувни унутаман сиз каби мен ҳам,  
Сизга ўхшаб мен ҳам шотланд эрурман, милорд,  
Эртанги жанг кўрсатади майдон аро чин -  
Ким қўрқоқ.

Д у г л а с

Йўқ, бугунгиси.

В е р н о н

Бўлти, розиман.

Х о т с п е р

Бугунгиси.

## В е р н о н

Сизга қараб, ҳайрон қоламан,  
Шундоқ саркардаларсизу наҳотки, наҳот,  
Кутиб туриш заруратин кўрмайсиз кушод?  
Акам отлиқлари билан етиб келмаган.  
Вустер боягина келди қўшини билан,  
Ҳансираиди отлари ҳам, одамлари ҳам.  
Жоизмикан жаҳду жадал айласак талаб,  
Аскарлари чала жондек ётишар ухлаб.

## Ҳ о т с п е р

Шундоқ аҳволдадир душман отлиқлари ҳам.  
Улар роса толиқишиган йўл босиб анча,  
Бизда дам олганлар эса топилар пича.

## В у с т е р

Уларнинг сони кўп. Перси, Худо ҳақи, сен  
То бошқалар келмагунчча, кутиб тургайсан.

Карнайлар чалиниб, элчилар келишганидан хабар беради.  
Сэр Уолтер Блент, унинг изидан оқ байроқ кўтариб офицерлар  
ва аскарлар киришади.

## Б л е н т

Мен элчиман, истасангиз, эшитинг сўзим,  
Мен қиролдан келдим сизга таклифлар билан.

## Ҳ о т с п е р

Сэр Уолтер Блент, қани, келинг, азизим,  
Бизнинг одаммассиз, шунга афсус чекаман.  
Ҳамма ерда сиз баробар севгига ноил,  
Ҳаттоқи энг яқин дўйсту аҳбобингиз ҳам  
Бегоналар билан кўриб, юрақдан хижил,  
Биз ҳам қаршингизда бугун дўyst эмас, душман.

## Б л е н т

Худо шоҳид, мен ҳам сизни шундоқ атайман,

Сиз қонунни поймол этиб, подшо билан то  
Муноқаша этаркансиз, шу бўлур баҳо.  
Хуллас, мени қошингизга қирол йўллаган,  
Нималардан норозисиз, нима сабабдан  
Гражданлик битимини буздингиз бундоқ,  
Фитна қўзигаб, халойиқقا солдингиз нифоқ?  
Подшо сўрайдирким, агар хизматингизни  
Етарлича этолмаган бўлса у эъзоз -  
Уларни у жуда юксак баҳолайди, рост, -  
Айтинг, нимадир у тилак-истакларингиз.  
Қирол барисини дарҳол бажо келтирас,  
Кейин ушбу можарога бош бўлган барча  
Шерикларингизга авфи-умумий берар.

### Х о т с п е р

Қирол муруватли! Қачон ваъдалар бериб,  
Қачон бажо келтиришни яхши билади.  
Отам билан амакимга буни кўрсатди.  
Салтанатни олди бизнинг қўлимиз билан.  
Унда мўйлови чиқмаган ўспирин эди.  
У хориждан, сургуналардан ёлғиз, бенаво  
Қиёфада ватанига қочиб келаркан,  
Қучоқ очиб кимсасиз бир соҳида танҳо  
Менинг отам эди уни қаршилаб олган.  
Шунда орзу-аъмолини сўзламиш қочоқ,  
Мен Ланкастер графлиги - ўз меросимни  
Олмоқчиман, дегач, отам олдида шундоқ,  
Аҳду паймон қилиб, роса кўз ёши тўккан,  
Отам унга ишонган ҳам ваъдалар берган,  
Кейин ўша ваъдасига айлаган вафо.  
Граф Нортумберленд унга тарафдор, дея  
Қулогига чалинаркан, аъён, амалдор  
Кела берган ҳар тарафдан бел боғлаб қатор,  
Кела берган ҳар тарафдан ёш билан қари.  
Далаларда, қишлоқларда, шаҳру кентларда  
Эъзоз айлаб, этишарди иззат-икромлар.

Чиқишарди кўприкларда, йўлларда пешвоз,  
Таъзим этиб, тутишарди совға-саломлар.  
Хизматига ҳар тарафдан йигилиб бисёр,  
Халқ хизматта берди унга ўғлонларини.  
Халойиқнинг муҳаббати менга барқарор, -  
Дея бузди у аҳд ила паймонларини.  
У Ревенспер соҳилида отамга берган  
Ваъдаларни эсламади, тамом унугди.  
У кўпчилик фуқарога юк бўлиб тушган  
Қонунларни ўзгартириш йўлини тутди.  
У ҳар турли иллатларни қарради роса,  
Юртнинг аҳволини айтиб, хўрсинди оғир.  
Ниятига етди ҳийла, айёрлик ила  
Ва оқибат, юракларни айлади асир.  
Яна янги қадам қўйди: бояқиши Ричард  
Жанг қиларкан Ирландия ерида дадил,  
Унинг бунда қолган барча одамларини  
Тугиб олиб, битта-битта айлади қатл.

### Б л е н т

Мен буларни эшитмоққа келган эмасман.

### Ҳ о т с п е р

Мана, асл муддаога ўтамиш энди  
У Ричардни таҳтдан йиқиб, жонини олди.  
Бутун мамлакаттага оғир солиқлар солди.  
Шундоқ зулм-қабоҳатлар охирида у  
Мортимердан юз ўтирди. Ахир, Мортимер -  
Ундан кўра подшоликка муносиб бир эр.  
Қирол уни асириклида чириб кетсин, дер,  
Шу йўл билан ундан халос бўлмоқни истар.  
Менга муомаласи-чи, баттардан баттар.  
Жангда голиб чиқдим, аммо изимда нуқул  
Унинг фармойиши билан изғир жосуслар,  
Мени бир балога дучор этмоқчи бўлар.  
Амакимни ҳақоратлаб, мажлисдан қувди  
Ва отамни саройдан ҳам айлади ихрож.

Бизга берган ваъдасини ҳамиша бузди,  
Ва етказди юракларга ранж ила озор,  
Бизни оёққа қалқишига мажбур қилди у.  
Подшо бўлиб, умидимиз оқламади у.

### Б л е н т

Бу - қиролга берган расмий жавобингизми?

### Ҳ о т с п е р

Йўқ-йўқ. Блент. Жавобини биз ўйлаб кўрамиз.  
Сиз унгача айтинг, қирол элчиларимнинг  
Дахлсизлигини тўла таъмин айласин.  
Эрта тонгда жавобимни элтар амаким.

### Б л е н т

Сизни яраштиришни мен истардим жуда.

### Ҳ о т с п е р

Эҳтимолки ярашармиз.

### Б л е н т

Баҳаққи Худо!

Карнайлар ва ноғоралар. Ҳамма тарқалади: Блент ўз киши-  
лари билан бир томонга, Ҳотспер - бошқа томонга кетишади.

### Тўртинчи саҳна

Йорк. Архиепископ саройида бир хона.

Архиепископ ва сэр Майкл кирадилар.

### А р х и е п и с к о п

Тезроқ бўлинг. Мана бу лорд - маршалга мактуб,  
Бу - укамга, Скрупга, Майкл, азизим,  
Бошқаларни адресидан ўқиб оласиз.  
Биласизми, бу бағоят, бағоят муҳим!  
Ҳа, шошилинг.

## С э р М а й к л

Хатни қўлга олишим билан -  
Мұхимлигини мен дарров пайқаб оламан.

## А р х и е п и с к о п

Ҳа, пайқаш қийинмас. Эрта бўлажак саваш  
Кўплар учун жуда оғир имтиҳон бўлар.  
Менга хабар беришдиким, кўп қўшин билан  
Шрусбери этагида ҳозирдир қирол.  
У лорд Перси билан унда қаттиқ солишар.  
Мен Персининг куч-қуввати оз, деб қўрқаман.  
Бирламчиси, Нортумберленд тўшакда бетоб,  
Биз учун бу жуда катта зиёндириш шу тоб.  
Иккиламчи, Глендаур ёрдам ҳақида  
Ваъда бериб, ваъдасига вафо қилмади.  
Балки ёмон оқибатдан чўчиб қолди у.

## С э р М а й к л

Бари яхши бўлур. Унда Мортимер, Дутлас.

## А р х и е п и с к о п

Мортимер йўқ унда.

## С э р М а й к л

Бунинг зиёни бўлмас.  
Унда Вернон, Вустер, яна сара ва афзал  
Неча баҳодирлар, неча аслзодалар.

## А р х и е п и с к о п

Аммо юртнинг гулларини йигмиш қирол ҳам.  
Унда Жон Ланкастер, Уэльс шаҳзодаси ва -  
Шонли Уэстморленд билан баҳодир Блент,  
Бари асл қаҳрамонлар, шавкатли, донгдор,  
Ҳаммасининг жанг-жадалда тажрибаси бор.

## С э р М а й к л

Бизникилар устун келур майдонда бешак.

## Архиепископ

Ҳа, менинг ҳам Яраттандин тилаганим шу.  
Лекин эҳтиёт ҳам зиён айламас, илло,  
Мен оғатни радди бадал айламоқ учун  
Чорасини кўряшман. Мабодо Перси  
Мағлуб бўлиб қолса, унда музaffer қирол  
Исёнга бош қўшганимдан хабардор бўлиб,  
От бошини бу томонга буради дарҳол.  
Ўз вақтида қуролланиб туришим зарур.  
Менинг қуролларим ушбу мактублардадир.  
Сиз буларни элтинг. Мен-чи, ҳозироқ бориб,  
Яна янгисини ёзай. Азизим, хайр.

Кетадилар.

## БЕШИНЧИ ПАРДА

### Бириинчи саҳна

Шруслери яқинида қирол қароргоҳи.  
Қирол Генрих, шаҳзода Генрих, шаҳзода Жон Ланкастер,  
сэр Уолтер Блент ва сэр Жон Фальстаф кирадилар.

### Қ и р о л

Бадқовоқ тонг қирмизи қон тусли шафақни  
Тепаларга ёйди. Қаранг, субҳидам ҳомуш,  
Қора кунни пайқагандек.

### Шаҳзода

Карнайчи шамол  
Ўрмонзорни айқаш-уйқаш чайқатиб бу дам,  
Хабар берар бўрондан ва қайгули кундан.

### Қ и р о л

Шамол мағлубларга томон эсмоқда, ана  
Голиб билмас: қайғу нима, хавотир нима.

Карнайлар чалиниб, элчилар келганидан хабар беради.  
Вустер, Вернон, оқ байроқ кўтарган офицер киради.

Э, сизмисиз? Лорд Вустер, бу яхши эмас-ку,  
Биз учрашиб турсак бунда шундоқ алфозда.  
Сизга ишонгандик. Аммо сиз алдадингиз,  
Енгил тўнни ечиб, қари баданга оғир -  
Совут кийишимиға яна мажбур этдингиз.  
Такрор айтгаманки, Милорд, бу яхши эмас!  
Менга қаранг, қани, менга айтингиз ошкор:  
Тайёрмисиз жангут жадал дамини кесиб,  
Ўз қонуний ўрнингизга ўтмоқда такрор?  
Шарофатли юлдуз каби шуъла сочинг сиз,  
Қонсираган, даҳшатли бир метеор каби  
Авлодларга таҳдид солиш айтинг, не даркор?

### В у с т е р

Подшоҳим, мен ўзим учун жавоб бераман.  
Менга қолса, ўз умримни осойиш ичра  
Фароратда ўтказишни аъло кўрардим.  
Мен бу можарони сира истамагандим.

### Қ и р о л

Сиз бу можарони сира истамагансиз?  
Бўлмаса, у қандоқ қилиб рўй бера қолди?

### Ф а л ь с т а ф

Ҳа, у истамаган. Аммо исён унинг оёғи остидан чиқиб  
қолган. У эгилгану шартта олиб, қўлтиққа уриб қўя қолган.

### Ш а ҳ з о д а

Тек тур, олашақشاқ.

### В у с т е р

Сиз ўзингиз юз бурдингиз, подшоҳим, биздан,  
Бизнинг хонадонимиздан, ахир бир замон  
Бизлар эдик сизнинг асл дўсти қадрдан.

Мен сизни деб ўша Ричард айёмидаёқ  
Хизматни тарк этдим, мансаб - амални қўйдим.  
Сизнинг қўлингизни ўшиш иштиёқида  
Кун демадим, тун демадим, югурдим елдим.  
Гарчи баланд эди унда нуфузим менинг,  
Соқчи бўлиб уйингизда кузатиб қўйган  
Биз эдик-ку, ахир - ўзим, жияним, акам.  
Олий салтанатни сира этмасман ҳавас,  
Гонгтнинг ўлимидан кейин эгасиз қолган  
Шу Ланкастер герцоглиги бўлса менга бас, -  
Дея Ланкастерда бизга ичгансиз қасам,  
Мададкормиз, дея қасам ичганимиз биз ҳам.  
Омад келаверди сизга омад кетидан.  
Сизнинг фойдангизга бари ҳал бўлди тамом.  
Қирол узоқдайди. Тоғдек суюнчиқ бўлиб,  
Мададкорлик қилдик. Пишиб етилди исён.  
Бегуноҳ бир қурбон, деган номингиз чунон  
Довруқ ёйганидан-ёйди. Тескари шамол  
Эсиб, узоқ қолиб кетди денгизда қирол,  
Уни ўлган санадилар Англияда.  
Сиз фурсатни ғанимат деб билдингиз алҳол.  
Дўстлар тож кийишни сизга таклиф этдилар.  
Сиз рози бўлдингиз, аҳду паймонни бузиб.  
Хуллас, шундок қилиб, бизнинг хонадон учун  
Чумчук уясига кирган какку бўлдингиз.  
Бизнинг нону тузимиznинг шарофатидан  
Тез орада даҳшатли бир кучга тўлдингиз,  
Ки яқинлаб бўлмай қолди, яқинлашган жон  
Ютиларди, комингизда топарди макон.  
Кўзингиздан нари қочиш ва ўзимизни  
Мудофаа қилиш бўлди бизга қолгани.  
Сиз ўзингиз қўлимизга бердингиз қурол  
Қасамхўрлик билан, балки нонкўрлик билан,  
Муомала чори бизга сўз айтиб қўпол.

## Қ и р о л

Сиз шуларни айладингиз элга овоза,  
Айюҳаниос солиб бозор, бутхоналарда  
Ва исённи ҳақ, деб нидо солдингиз тоза,  
Ур-ийқитта ташна бўлган жонлар олдида?  
Улар умри ўтар ахир тўполон кутиб,  
Юрганда ҳам, тургандада ҳам бир-бирин туртиб,  
Исён деганлари бизда озмас ҳар қалай,  
Исён учун баҳона ҳам, боис ҳам талай.

## Ш а ҳ з о д а

Ҳар иккала томонга ҳам ёғилар ажал,  
Агарда шу жанжални деб бўлса жанг-жадал.  
Сиз марҳамат қилиб айтинг жияннингизга:  
Уэльс шаҳзодаси бутун дунёга ўхшаб,  
Гарри Перси мухлисидир. Агарда унинг  
Шу исёнга иштирокин этсак мустасно,  
У нодири даврон эрур марданаликда,  
Асл жўмардликда, асл фарзоналикда,  
Олийжанобликда бизнинг асрда танҳо.  
Мен хижолат ичра шуни этаман иқрор,  
Ки менда на ботирлик, на баҳодирлик бор,  
Буни Перси юзимга шарт солиши мумкин.  
Шунга қарамасдан қатъий айтаман, лекин  
Шу соҳиби ҳукмдорим, отам олдида:  
Перси устун, шу вождан ҳам ушбу таклифни  
Менга қулай эрур баён айласам тикка.  
Бехуда қон тўкилмасин қўшинлар аро,  
Биз майдонда олишайлик яккама-якка.

## Қ и р о л

(Ўрнидан қўзалиб)

Биз берамиз оталик оқ, фотиҳамизни,  
Гарчи бундан фойда эмас, зиён келса ҳам...  
Йўқ, Вустер, биз қадрлаймиз фуқаромизни.

Биз севамиз ҳатто йўлдан адашиб аввал,  
Сўнг тўғри йўл топиб, бизга келганларни ҳам.  
Шунинг учун сизга шундок тақлиф этаман:  
Уришмайлик, келингиз, сиз, жиянингиз, мен  
Хуллас, ҳамма дўстлашайлик яна қайтадан.  
Сиз бу сўзимизни бориб Персига айтинг.  
Унинг қарорини бизга етказинг зинҳор.  
Билиб қўйинг, агарда у ўжарлик қилса,  
Қасос олиш учун бизнинг қудратимиз бор.  
Биз ишга соламиз ўша қудратни. Оқ йўл!  
Йўқ-йўқ, жавоб бериш учун оғиз жуфтламанг.  
Биз қўл узатмадик сизга эрмакка, лекин,  
Аввал ўйлаб кўринг. Жавоб берасиз кейин.

Вустер, Вернон ва оқ байроқ кўтарган офицерлар кетишида.

### Ш а ҳ з о д а

Улар тақлифлармизни қабул этмаслар,  
Ахир Дуглас, Хотсперга замин-замона  
Қилич сугурмоқлик учун тайёр баҳона.

### Қ и р о л

Яна яхши. Саркардалар, шай бўлиб туринг!  
Сўзга кўнишмаса, жангга кирамиз дарҳол,  
Биз ҳақ учун курашамиз. Тангри мададкор!  
Қирол шаҳзода Жон, офицерлар ва аскарлар кетишида.

### Ф а л ь с т а ф

*(Шаҳзодани тўхтатиб)*

Гарри, мабодо ерда ётганимни кўрсанг, гавданг билан  
мени тўсиб тур. Бу - дўстлик бурчи.

### Ш а ҳ з о д а

Бунинг учун дев бўлиш керак. Тангрига тавба қилу,  
мазза қилиб ётавер.

## Ф а л ь с т а ф

Оҳ, қандоқ яхши ҳаммаёқ тинч-осойишта бўлса, мазза қилиб ётиб ухласанг!

## Ш а ҳ з о д а

Бир кун эмас, бир кун жонни жабборга бериш - ҳам фарз, ҳам қарз.

*(Кетади.)*

## Ф а л ь с т а ф

Тўлов муддати ҳали етмаган бўлса-чи! Қарзингизни тўла, деб қистамаётган экан, шошиб қаёқда бораман! Хўп, яхши, балки менга буни номус иши, дейишлар ва ўша номус дегани мени оёққа турғизар. Оёққа турсам-у, бошимдан ажрасам, нима бўлади? Номус менга янги оёқ ясаб бера оладими? Йўқ. Қўл-чи? Қўлидан келмайди. Ярамни тузатармикан? Яна йўқ. Демак, номус табиб эмас экан-да? Балли. Бўлмаса, нима у? Сўз. Ичида нимаси бор? Ҳаво. Ўргилдим унақа хазинадан! Хўш, у кимга аталган ўзи? Чоршанбада уни деб ҳалок бўлган кимса пайшнбада унга ноил бўлади. Хўш, буни унинг ўзи сезармикин? Йўқ. Балки эшитар? Йўқ. Эҳтимол номус дегани тирик-ларга аталгандир? Йўқ. Асло. Нега гийбат-бўхтон уни майдалаб, кулинни кўкка совуради. Бас, мен уни истамайман. Номус - қабр тошига ёзиладиган ёзувнинг бир тури. Мана, менинг таълимотим.

*(Кетади.)*

## Иккинчи сақна

Исёнчилар қароргоҳи.

Вустер ва Вернон киради.

### В у с т е р

Йўқ-йўқ, Вернон, билмаслиги керак жияним  
Сулҳу салоҳ ҳақидаги қирол таклифин.

### В е р н о н

Йўқ, менимча, буни унга билдиримоқ зарур.

### В у с т е р

Унда ҳаммамизга завол етди, деявер.  
Қирол ҳозир бизга берган ваъдаларига  
Содик қолади, деб ўйлаш - ақлдан йироқ.  
Қирол энди аввалгидек ишонмас бизга.  
У ҳеч қачон унутмас бу исёнимизни,  
Таъна қилиб, юзимизга солади ҳар чоқ.  
Ортимиздан кузатишар кейин умрбод.  
Хоинга ким ишонарди, хоин нақ тулки,  
Уни қанча боқма, меҳринг айлама аён,  
Йиртқич табиати лекин бўлур намоён,  
Қулсанг ёки йиғласанг ҳам бари бир энди,  
Ёмонликка йўйишади - насибамиз шу,  
Қанча яхши яшамагин, туарсан мудом  
Қушхонада турган молдек ўлимга яқин.  
Эҳтимолки, жиянимни тутарлар маъзур.  
Ёшлиқ - қизиққонлик, дея этарлар талқин.  
Хўш, нимага, десанг, унинг эл орасида  
"Бебош, олов-оташ" деган лақаби тайин.  
Персини деб биз балога қолармиз лекин:  
"Отаси ва амакиси ўргатмиш унга",  
Биз - балонинг илдизимиз, демак гуноҳкор.  
Мана шундоқ сабабларга кўра жияним  
Қиролнинг сулҳ тақлифини билмасин зинҳор.

## В е р н о н

Бўлмаса сиз, бир нималар тўқиб айтинг-да,  
Мен қувватлай уни. Мана ўзи ҳам шунда.

Хотспер билан Дуглас, уларнинг изидан офицерлар ва  
аскарлар киришади.

## Ҳ о т с п е р

Амаким қайтибди. Демак Уэтсморлендни  
Озод қўйиш мумкин. Қани, айтинг, не бўлди?

## В у с т е р

Қирол жанг қилишга ҳозир шайдир биз билан.

## Д у г л а с

Розилигимизни элтсин Уэстморленд.

## Ҳ о т с п е р

Ҳа, Дуглас, бу вазифани Лордга тоширинг.

## Д у г л а с

Мен бу ишни бажонудил бажо этаман.

Кетади.

## В у с т е р

Қирол бизни кечиришни истамас асло.

## Ҳ о т с п е р

Сиз кечирим сўрдингизми ундан? Ё Худо!

## В у с т е р

Мен таъналар отдим унга, қасамхўрсан, деб.

У рад этди, айттанига иқрор бўлмади.

Қасамидан тониб, яна қасамлар ичди

Ва қичқирди: "Сиз, хоинлар, исёнчилар!" деб.

Ҳаммангизни қиличга ем қиласман, деди.

Дутлас қайтиб киради.

### Д у г л а с

Афандилар, қани бўлинг, қуролни шайлант!  
Мен қиролни даъват этдим майдонга зотан.  
Хозир етказади унга Уэстморленд.

### В у с т е р

Уэльс шаҳзодаси сени ҳамма олдида  
Майдонга чақирди - жангга, яккама-якка.

### Х о т с п е р

Қанийди иш бита қолса иккимиз билан,  
Бошқаларни четлаб ўтса оғриқ ва алам!  
Ҳа, айтинг-чи, жангга таклиф этаркан мени,  
У ўзини қандоқ тутди? Нафратомузми?

### В е р н о н

О, йўқ. Таклиф этди ғоят камтарлик билан -  
Ука акасини таклиф этганга монанд.  
Иzzатингиз бажо қилди туриб мардана,  
Шундоқ мадҳ этдики, фазлу фазилатингиз  
Солномачи каби бир-бир қайд этди яна.  
Яна бир ҳолати кўзга ташланди аён,  
Ки бир тортинчоқдик ила ўзини сизга  
Қиёс эттанида буткул бўлди намоён.  
Бирор айбми ё гуноҳга йўл қўйган шогирд  
Ўзини ўз устозига қиёслар баъзан  
Шундоқ ўкинч билан, балки хижолат билан.  
Мен ҳаммага эшилтириб дадил айтаман,  
Агарда у тирик қолса, саломат, омон,  
Майлига, мишмишлар қайнаб турибди, лекин,  
Суврати ҳар соат айнаб турибди, лекин,  
Англия истиқболи равшан, чароғон.

### Х о т с п е р

Чамамда, сиз, дўстим, унга меҳр қўйибсиз -

Унинг жунунига, унинг маломатига.  
Эшитмадим бебошлиқда бирор-бир кимса  
Шу шаҳзода мисол элга овоза бўлса.  
Майли, ким бўлмасин ўша, лекин ишонинг,  
Уни шундоқ қудрат ила сиқарман, токим  
Суяклари ўз-ўзидин қисирлаб кетсин.  
Қани, қуролларингизни шайланг, жаноблар,  
Оғаларим, ўртоқларим ва аскарларим!  
Асл бурчингизни яхши биласиз зотан,  
Сизга айтиб беролмасман уни сўз билан,  
Сўзамолликка мен унча моҳир эмасман.

Чопар киради.

### Ч о п а р

Милорд, сизга мактуб.

### Ҳ о т с п е р

Ҳозир ўқишига вақт йўқ.  
Дўстлар, ҳаётимиз ўзи жудаям қисқа.  
Аммо ўша бир соатта етмаганда ҳам,  
Уни майдо-чуйда, бўлар-бўлмасга сарфлаб,  
Шарафсиз яшасак, жонга тегарди роса.  
Биз ҳаётда подшолардан қўрқмадик асло,  
Жоиз эса, подшолардек ўламиз аммо.  
Бизнинг ниятимиз холис, эзгу, мўътабар  
Қиличимиз дамини у ёритиб турар.

Иккинчи чопар киради.

### И к к и н ч и ч о п а р

Фурсат етди, милорд. Қирол яқинлаб қолди.

### Ҳ о т с п е р

Мен хурсандман, ажаб қилди, сўзимни бўлди.  
Энди жим тураман. Сўзга моҳир эмасман.  
Ҳар ким қўлдан келганини айласин бажо.

Қиличимни сугурдим мен. Уни бўйиман  
Шу майдонда қимматбаҳо қирмиз қон билан.  
Қани, карнайларни чалинг, довулни қоқинг,  
Ҳамма ҳайқирингиз: "Перси! Esperance!" - деб.  
Келинг, сўнгги марта бир-бир қучоқлашайлик,  
Балки баъзи бировларга энди ҳеч қачон  
Қучоқлашиб кўришмоққа бўлмагай имкон.  
Карнайлар чалинади. Ҳамма қучоқлашади.  
Кейин чиқадилар.

### Учинчи саҳна

Шрусбери яқинида жант майдони.

Унда-мунда қиличлашмоқдалар. Узоқда ҳужумга ўтишга  
сигнал берилади. Дуглас қирол кийимини кийиб олган сэр  
Уолтер Блент билан тўқнашади.

### Б л е н т

Қайга борай, кўз ўнгимда бўласан пайдо,  
Кимсан ўзинг? Нега мунча илашиб олдинг?

### Д у г л а с

Мен - Дугласман. Жантда нуқул излайман сени,  
Сабабки, айтишларича, қирол эмишсан.

### Б л е н т

Адашмадинг.

### Д у г л а с

Ҳозир сенга ўхшагани-чун  
Лорд Стеффорд этди менга жонини таслим.  
Сен деб ўйлаб, уни жаҳаннамга жўнатдим.  
Таслим бўл! То жаҳаннамни кўрсатай сенга,  
Ўлажаксан, агар таслим бўлмасанг менга.

## Б л е н т

Мен ҳеч кимга бирор марта ён бермаганман  
Ва Стефффорд учун сендан, такаббур шотланд,  
Қасос олажакман.

Қиличлашадилар. Блент қулайди.

Хотспер киради.

## Ҳ о т с п е р

Гольмдоңда жанг қылсайдинг шүнчалар бардам,  
Сендан устун чиқолмасдым унда сира ҳам.

## Д у г л а с

Биз ғалаба қылдик... Жанг ҳам тугади алҳол.  
Мана ерда ётар қонга беланиб қирол.

## Ҳ о т с п е р

Қани?

## Д у г л а с

Ана.

## Ҳ о т с п е р

Манавими, Дуглас? Адашдинг.  
Бу юз таниш менга, уни яхши биламан,  
Бу ер тишлаб ёттан Блент - баҳодир рицарь,  
Қирол кийимини кийиб олган у, холос.

## Д у г л а с

Вой, жин урсин! Шу ясама унвонинг учун  
Ҳаётингни товон қилиб түладинг бутун.  
Қирол сувратига бекор кирибсан, бекор.

## Ҳ о т с п е р

Бундайлардан майдон аро ҳали бир талай,  
Бари қирол кийимини кийиб олишган.

## Д у г л а с

Мен уларни битта қўймай саваб чиқаман -  
Навбат билан ва ҳақиқий қиролгача то,  
Етмагунча, тиним нима, билмасман асло.

## Ҳ о т с п е р

Куннинг бошланиши бизни умидвор этар.  
Кетишади.

Узоқдан ҳужумга ўттанларнинг қичқириқлари эшитилади.  
Фальстраф киради.

## Ф а л ь с т а ф

Бу ер сенга Лондон эмаски, ҳар балога чап бериб кетаверсанг, бу ерда пайсалга солиб ўтиришмайди, ҳашпаш дегунча "пақ" этиб бошингга тушириб қолишади. Аммо, шошма, секинроқ, ким бўлдийкин бу? Сэр Уолтер Блент! Сиз мардона жон бердингиз. Турмуш ташвишлири оромингизни энди бузолмагай. Вой, жин урсин, совутда терлайвериб, суюқ қўрошинга айланиб, тамом оғирлашиб қолдим. Ҳа, айтмоқчи, ё Тангрим, қўрошинни менга раво кўрмагайсан! Шусиз ҳам ичакларимнинг оғирлиги ўзимга етиб ортади, яна юк орттириш нимаси. Шўрлик рўдаполарим! Мен уларни худди жаҳаннамга солдим. Бир юз элликтасидан аранг учтаси қочиб қутулди, улар ҳам шундок дабдалаки, энди умр бўйи шаҳар дарвозаси олдида ўтириб, тиланчилик қилишдан бўлак чоралари йўқ. Тўхта, ким келяпти экан?

Шаҳзода Генрих киради.

## Ш а ҳ з о д а

Нега бунда қаққайганча турибсан? Менга  
Қиличингни бериб тургин. Қара, бу замон -  
Шаҳидларимизни душман тоғтар беомон,  
Қасос олиш керак. Менга қиличингни бер.

## Ф а л ь с т а ф

Гарри, тўхта, нафасимни ростлаб олай. Ўша турк сultonи Григорий ҳам мен бир кунда қилган ишни умр бўйи қиломаган. Перси билан орани очиқ қилдим. У энди зиён етказолмайди.

## Ш а ҳ з о д а

Безиён демоқчимисан. У тирик, ўлдирмоқчи бўлиб сени излаб юрибди. Қиличингни бериб тур.

## Ф а л ь с т а ф

У тирик экан, қилич ўзимга керак. Истасанг, тўппончамни ола қол.

## Ш а ҳ з о д а

Қани бер. Ие, тўппончанг ҳали ғилофидами?

## Ф а л ь с т а ф

Ҳа. Ҳушёр бўл, эт-бетингни куйдириб олма тағин. Силтанавериб, ўлгудек қизиб кеттан. Бир шаҳарга етгулик мусалласи бор.

*(Шаҳзода ғилофдан бир шиша май олади.)*

## Ш а ҳ з о д а

Ҳозир майнавозчиликка бало борми?

Шишани Фальстафга иргитиб, ўзи кетади.

## Ф а л ь с т а ф

Бўпти. Агар қиличимга рўпара келиб қолса борми, ўша Перси деганинг тирик қолмайди. Борди-ю, нодонлик қилиб, ўзим унга рўпара келиб қолсам, майли, мени қиймали кабоб қилиб ея қолсин. Шу жин ургур, номус билан боғлиқ бўлган ҳазил-ҳузулларни жилла хушламайман, нега дессангиз, оқибати - мана бунаقا. Ўлик сэр Уолтерни бир томоша қилинг, тишларини қандай иржайтириб ётиби!

Йўқ, менга ҳаёт ҳали керак. Борди-ю, у номус билан боғлиқ бўлса, марҳамат, бўлаверсин, эътиrozим йўқ. Борди-ю, у номусдан бегона бўлган тақдирдаям, бари бир, манави фахрли оқибатдан қочиб қутулиб бўлмайди, шундоқ экан, ташвиш чекишига не ҳожат...

Бургулар чалинади.

Фальстраф қочади.

### Тўртинчи саҳна

Майдоннинг бошқа бир қисми.

Хўжум қилаёттаниларнинг қичқириқлари. Унда-бунда жант қилмоқдалар.

Кирол Генрих, шаҳзода Генрих, шаҳзода Жон Ланкастер ва Уэстморленд кирадилар.

### К и р о л

Бошдан-оёқ қора қонга ботибсан, Гарри...

Жон, акангни тезда бундан олиб чиқ нари.

### Л а н к а с т е р

Мен кетмайман, чунки ҳали ярадормасман.

### Ш а ҳ з о д а

Шу ондаёқ сиз қўщинга қайтинг, ҳукмдор, Йўқлигингиз кўриб, унда ҳайрон бўлишар.

### К и р о л

Сўзинг тўғри. Мен жўнайман. Уэстморленд, Ўтинаман, сен чодирга бошлаб бор уни.

### У э с т м о р л е н д

Шаҳзодам, мен олиб чиқай.

## Шаҳзода

Кимни? Мени-я?

Мен ҳозирча ёрдамингга муҳтож эмасман.  
Худо кўрсатмасин, Уэльс шаҳзодаси то -  
Эт-бети тирналиб, шунга қуруқдан-қуруқ  
Ташлаб чиқиб кетармиди майдонни? Асло!  
Юрт гуллари туёқлардан топталиб, пайхон,  
Майдон аро малъунларнинг байроби баланд.

## Ланкастер

Пича дамимизни олдик, Уэстморленд,  
Майдон кутаётир бизни. Борайлик энди!

Шаҳзода Жон ва Уэстморленд кетишади.

## Шаҳзода

О, Ланкастер, жуда боллаб алдадинг мени!  
Сени шундоқ шиддаткор деб ўйламагандим.  
Шу чоққача бир укам деб ардоқлар эдим,  
Энди асл қаҳрамон, деб севаман сени.

## Кирол

У Персининг зарбасига зарбалар берди,  
Боя кўрдим. Аммо ўзи ўспирин ҳали!

## Шаҳзода

О, бу бола ҳали роса довруқ солади!

Кетади.

Жанговар хитоблар. Дуглас киради.

## Дуглас

Яна битта қирол! Худди аждаҳо монанд  
Бир бошини кессанг, бири кўриниб қолар.  
Кимсан? Мен - Дугласман, яъни сенларга ажал,  
Қани, ўзинг айт-чи, сохта қиролмасмисан?

## Қ и р о л

Мен ҳақиқий қиродирман. Таассуф, Дуглас,  
Учратибсан менмас, менинг сояларимни.  
Менинг икки ўғлим ҳозир излайди сени,  
Сени ва Персини қонли жанг майдонида.  
Менга дучор бўлганингга хурсандман жуда.  
Кел, бўлмаса, олишайлик. Қайтар зарбани.

## Д у г л а с

Қўрқаманки, ҳақиқиймас сохта қиролсан,  
Гарчи хатти-ҳаракатинг қиролларга хос.  
Майли, ким бўлмагин, менга ўлжасан, холос.  
Қиличлашадилар. Қирол танг аҳволда. Шаҳзода Генрих  
қайтиб киради.

## Ш а ҳ з о д а

Ҳой, нобакор шотланд, қани бир қайрилиб боқ,  
Нақ елкангга қилич тушиб, бўлурсан ҳалок!  
Мени арвоҳлар юборди, олажакман хун -  
Блент, Шерли, Стеффорд ва бошқалар учун.  
Мен - Уэльс шаҳзодаси. Қаршингда пайдо,  
Айттанимни шу ондаёқ этарман адо.

Қиличлашадилар. Дуглас чекиниб, яширинади.  
Милорд, аҳволингиз қалай, ҳолингиз нечук?  
Сэр Никлос Гоузи биздан мадад сўрайди,  
Клифтонга шошяпман ёрдамлашай деб.

## Қ и р о л

Тўхта. Нафасингни ростла. Болам, сен чиндан  
Менинг ҳаётимни эъзоз этар экансан.  
Сен амалда буни ҳозир айладинг исбот.

## Ш а ҳ з о д а

Магар бунга гумонингиз бормиди? Ҳайҳот,

Мени қандоқ булғамишлар бўхтонлар билан.  
Гўёки мен сизга ўлим - завол тилайман?  
Буни ростми-ёлғонлигин кўрдингиз кушод.  
Агар мен Дугласга жиндак бермасам ҳалал,  
Бир нафасда тақдирингиз этар эди ҳал,  
Мен ярамас ошпоқ бўлиб қолардим бунда.

### Қ и р о л

Кетайлик - сен Клифтонга, мен - Гоузига.

Кетади.

Хотспер киради.

### Ҳ о т с п е р

Сен - Гарри Монтмаунт, агар хато қилмасам.

### Ш а ҳ з о д а

Рад этмайман, ўзиман.

### Ҳ о т с п е р

Мен - Гарри Персиман.

### Ш а ҳ з о д а

Демак, менинг рўпарамда ҳозир мукъаррар  
Жаҳондаги энг довюрак фитначи тураг.  
Мен - Уэльс шаҳзодаси. Билиб қўй, Перси,  
Шон-шуҳратни биз иккига бўлмасмиз энди.  
Бир чизиқда икки юлдуз этмагай парвоз.  
Бундан кейин шарофатли шу Англия  
Бир йўла ҳам сеники, ҳам меники бўлмас.

### Ҳ о т с п е р

Ҳа, шундоқ бўлмагай. Фурсат етишди мутлак.  
Иккимиздан биримизнинг кетишимиз ҳақ.  
Фақат, афсус, шон-шуҳратинг меникидан кам.

## Ш а х з о д а

Бугун уни сеникига тенглаб олурман  
Ва дубулғанг узра кўпдан ўстириб юрган  
Гултожингни қирқиши учун қилич солурман.

## Ҳ о т с п е р

Мақтанишинг тингламоққа менда чидам йўқ.  
Солишадилар. Фальстаф киради.

## Ф а л ь с т а ф

Баракалла, Гарри. Ана шундок, бопла уни! Бу ер сен-  
ларга қўғирчоқбозлик эмас, деб айтмабмидим.

Дутлас қайтиб киради, у Фальстаф билан жанг қиласди.  
Фальстаф йиқилиб, ўзини ўлганга солади. Дутлас кетади.

Ҳотспер яраланиб йиқиласди.

## Ҳ о т с п е р

Менинг ёшлигимни единг. Менга бу замон  
Ҳаётдан айрилиш учча мاشаққат эмас.  
Менинг шон-шуҳратим сенга ўтар шу нафас.  
Мана шу андиша бағрим ёқар беомон.  
Ва менинг жонимга ботар қиличдан баттар.  
Аммо ақл-тафаккурга ҳаёт ҳукмрон,  
Ҳаётни бир эрмак қилиб ўйнайди замон.  
Замона ҳам эрмак қилиб ўйнайди, зеро -  
Неки муваққатдир бунда, неки бебақо.  
О, мен ҳозир этмоқчиийдим жиндек башорат,  
Муздек совуқ қўли билан сиқиб шу қадар,  
Зилдек оғир этмасайди тилимни ажал!  
Перси, энди сен тупроқсан. Сен энди емиш...  
Ўлади.

## Ш а х з о д а

"Куртлар учун", - демоқчиийдинг шекилли? Хайр,

Хайр, жасоратли ўғлон, баҳодир юрак!  
Такаббурлик - ҳилвираган, омонат мато,  
У ювилган латта каби киришар бешак.  
Бу баданда ҳайт ҳали гупурар экан,  
Ҳаттоқи бир подшолик ҳам унга кам эди.  
Лекин, мана, икки газ ер кифоя қилди.  
Сен бағрида ўлиб ёттан бу мамлакатда  
Баҳодири йўқдир энди сенга баробар.  
Қулогинг сўз эшитмайди, шунинг учун ҳам,  
Мен шаъннингга айтаяшман ҳамду санолар.  
Кел, юзингни ёпиб қўяй бўйинбог билан.  
Ажаб, менга туюлдики, бу хизматим-чун  
Ташаккур айтгандай бўлиб туюлдинг менга.  
Голибият шуъласида самоларга уч,  
Марлубият аламлари қолсин қабрда.  
У сенинг қабринг тошига ёзилмагай ҳеч.

Ерда ётган Фальстафни кўриб қолади.

Эвоҳ, қадрдоним! Шундоқ баҳайбат бир тан  
Ҳаёт учқунини асраб қололмадими?  
Хайр, бечора Жек, жойинг жаннатда бўлгай,  
Сендан неча карра яхши одамлар борки,  
Уларнинг ўлими шунча ўртамас мени.  
Шоду хандон кунларимга бағишлардинг жон.  
Сенга ачинаман, сенга, мақтандоқ, лақзи.  
Бугун шаҳид бўлганларнинг орасида сен  
Энг гаройиб махлукдирсан, галати ҳайвон.  
Биз ичингни ёриб, мушки-анбар сурамиз,  
Аввал мўмиёлаб, кейин этамиз дафн.  
Сен ҳозирча ёта қолгин Ҳотспер билан.

Кетади.

### Ф а л ь с т а ф

(Ўрнидан қўзгалиб)

"Ичингни ёрамиз!" Бугун ичакларимни ағдарсанг, эр-

тага тузлаб, тановул қилишинг ҳам ҳеч гапмас. Вой, жин ургур ўзимни зап вақтида ўликка соганим, бўлмаса-чи, анави шотланд мендан шотландча шўрбалиқ ясами турган гап эди. Ие, ўзимни ўликка солдимми? Сираям-да. Ҳа, сираям ўзимни ўликка соганим йўқ. Ўликлар асли ашаддий алдоқчилар бўлишади.

Улар одамлиқдан чиқишига ҳам, худди одамга ўхшаб ётишади. Тирик қолиш учун ўзингни ўликка солишинг - алдоқчиликмас, самимият. Ботирликнинг бир зийнати - камтаринлик. Ана шу зийнат мени қутқазиб қолди. Ё ал-ҳазар! Ўлик бўлсаям шу қароқчи Персидан чўчийман. Мабодо у ҳам мувомбирлик қилиб ёттану тўсатдан ўрнидан туриб қолса-чи? Ёки мувомбирликни мендан ҳам бир парда ошириб ёттан бўлса-я? Баҳарҳол унга яна биринки зарба бериш зиён қилмайди. Кейин, уни мен ўлдирдим, деб айтсан ҳам бўлаверади. Хўш? Нима қипти? Уни уриб гангитишган, у йиқилиб хушидан кеттан, кейин менга ўхшаб тирилиб қўя қолган. Бас, айбга буюргайтисиз, манавини оч биқинга қабул қилгайтисиз (*Қилич санчади*). Энди товонини ҳам ола қолинг.

*(Хотсперни агдариб, чалқанча ётқизади)*

Шаҳзода Генрих, шаҳзода Жон Ланкастер қайтиб киришади. Тўртта аскар уларнинг изидан кириб, орқада туришади.

### Ш а ҳ з о д а

Илк жанговар қадам билан сени қутлайман!  
Кўп аломат ишлар қилдинг шамширинг билан.

### Л а н к а с т е р

Менга қара. Ҳой, нима бу? Айтмабмидинг сен  
Менинг бақалогим бутун ҳалок бўлди деб?

### Ш а ҳ з о д а

Ҳа, айттандим. Унинг ўлиб, нафаси ўчиб,  
Ерда ёттанини, ахир, кўрганман ўзим.

Ҳой, сен тирикмисан? Арвоҳ бўлмагин тағин?  
Эй, ростданам ўзингмисан? Ишонтир ўзинг.

### Ф а л ь с т а ф

Албатта ўзимман. Арвоҳ эмасман. Агар Жек Фальстаф бўлмасам, майли, Жек алламбало бўла қолай. Мана сизга - Персингиз. (*Жасадни ерга ташлайди*). Отангиз мени мукофотласа - хўп. Мукофотламаса, бундан кейин Перси деганларни ўзи ўлдира қолсин. Мен энди камида граф ёки герцог бўлишим керак.

### Ш а ҳ з о д а

Бекорларни айтибсиз. Персини мен ўлдирдим, сенинг ўлиб ётганингниям ўзим кўрганман.

### Ф а л ь с т а ф

Ҳали шунақами? Ё Худо, ё Парвардигор! Одамлар нақадар айниб кетишибди. Тўғри, мен ҳам унга ўхшаб нафасим учуб ётувдим, бир пайт иккимиз ҳам баравар сакраб оёққа турдик, Шруслери минорасининг соати билан ҳисоблаганда, роса бир соат жанг қилдик. Мени диёнатли десангиз, ишонинг, ишонмасангиз, ношукрлик уволи ҳимматига яраша мени мукофотлаши лозим бўлган зотнинг бўйнига тушади. Оч биқинига манави ярани мен солдим, бунинг исботи учун жонимни беришга ҳам тайёрман. Тирик бўлганда-чи, буни ўзи ҳам инкор этолмасди, йўқса, қиличимни сопига қадар яна ботирадим.

### Л а н к а с т е р

Бундай гаройиботни ҳеч эшифтмаганман.

### Ш а ҳ з о д а

Мен бунақа мақтанчоқни сира кўрмадим.  
Ҳа, анави юкинг билан, майли, фахрлан.  
Ёлғон деган матоҳ сенга суюнчиқ экан,  
Уни рост ўрнида кўриб, тасдиқ этаман.

Карнайлар чалинади.

Жанг тугади. Зафар билан қутлайман сени!  
Юр, анави тепаликдан қарайлик ҳар ён,  
Кимлар биздан ҳалок бўлмиш, ким қолган омон.

Шаҳзода Генрих ва шаҳзода Жон кетишади.

### Ф а л ь с т а ф

Уларнинг изидан бораман. Ҳойнаҳой, мени мукофотлашса керак. Худойим, мени ярлақаганни ўзинг ярлача. Тепага кўтариладиган бўлсам, ёғни камайтишга тўғри келади. Даволанаман, ичишни ташлайман, тартиб-қоида билан яшайман. Ҳа, обрў-эътиборли одам бўлиш фурсати етди.

Карнайлар чалинади. Фальстаф аскарларга Ҳотспер жасадини кўтаришга ишора қилади, ўзи улар билан бирга чиқади.

### Бешинчи саҳна

Қирол Генрих чодири.

Карнайлар ва ногоралар чалинади. Қирол Генрих ўлтирибди, шаҳзода Генрих, шаҳзода Жон Ланкастер, Уэстморленд, офицерлар ва аскарлар тикка туришади. Вустер ва Вернонни олиб киришади.

### К и р о л

Исён кўтарганилар роса таъзирин еди.  
Ҳой, нобакор Вустер, сени юбормабмидим  
Муҳаббату сулҳу салоҳ таклифи билан?  
Айттаниларимизни бузиб талқин айладинг,  
Ёлрон айтиб, илинтирдинг домингга уни.  
Шаҳид бўлган уч ботир ва шавкатли граф,  
Яна қанча жонлар тирик бўлурди алҳол -  
Сен асл баҳодир, Исо умматига хос  
Диёнат-ла иш тутсайдинг, битишиб ҳалол.

## В у с т е р

Мен фақат жонимни ўйлаб, шу ишни қилдим.  
Муносибдир жиноята яраша жазо.  
Ҳаммасига бош эгаман.

## Қ и р о л

Олиб чиқингиз,  
Вустерни ҳам, Вернонни ҳам қатл этингиз,  
Бошқа айбдорларни сўроқ қиласиз кейин.  
Соқчилар Вустер ва Вернонни олиб чиқишиади.  
Яна нечук хабарлар бор жанг майдонидан?

## Ш а ҳ з о д а

Шотланд Дутглас жангда омад кеттанин кўриб,  
Кўриб Перси ўлемиyo қўшинларининг  
Жон ҳолатда тумтарақай бўлиб қочганин,  
Ўзи қочиб қолди отнинг бошини буриб.  
Оти ўқдек учар экан, қоқилиб тушди.  
Суворийси қулаб, бизга асирга тушди.  
Хозир менинг чодиримда ўлтирибди у,  
Уни менга беринг, сиздан илтимосим шу.

## Қ и р о л

Марҳамат.

## Ш а ҳ з о д а

Жон иним, хозир чодиримга бор,  
Савоб иш бу, адосини сен бўйнингта ол.  
Сен Дугласни асириликдан озод қил. Кетсин.  
Айттил, товон-жаримаси менга керакмас.  
Бошимизга кўп зарбалар ёғдириш билан  
У ўргатди - биз қадрлай оламиз чиндан  
Душман жасоратини ҳам.

## Л а н к а с т е р

Раҳмат сизга. Мен  
Буни мамнуният билан адо этаман.

### К и р о л

Иккига бўлурмиз энди қўшинларни биз.  
Сен, Жон, сиз лорд Уэстморленд, яъни, иккингиз  
Йоркка йўл оласиз, Нортумберленд ва Скруп  
Туар бизга қарши унда тараддуд кўриб.  
Мен ва Гарри йўл оламиз Уэльс томон,  
Арч ва Глендаур унда кўтармиш исён.  
Энг сўнгти бир зарба ила бадкорларни биз  
Узил-кесил парчалаймиз, яксон этамиз.  
Фалабамиз буюк, лекин тинмасмиз асло,  
Ҳаммасининг таъзирини бермагунча то!..  
Кетадилар.





---

# АНТОНИЙ ВА КЛЕОПАТРА

**Беш пардали фожиа**

## **ИШТИРОК ЭТУВЧИЛАР:**

Марк Антоний, Октавий Сезар, Марк Эмилий Лепид - триумвирлар.

Секст Помпей, Домиций Энobarб, Вентидий, Эрос, Эскар, Деркет, Деметр ий - Антоний тарафдорлари.

Филон, Меценат, Агриния, Долабелла, Прокулей, Тирей, Галл - Сезар тарафдорлари. Менас, Менекрат, Варрий - Помпей тарафдорлари.

Тавр - Сезарнинг лашкарбошиси.

Канидий - Антонийнинг лашкарбошиси.

Силий - Вентидий қўшинида аскар бошлиги.

Евфроний - Антонийнинг элчиси.

Алексас, Мардиан, Селевк, Диомед - Клеопатранинг яқинлари.

Фолбин.

Фуқаро.

Клеопатра - Миср маликаси.

Октавия - Сезарнинг синглиси ва Антонийнинг рафиқаси.

Хармiana, Ирада - Клеопатранинг канизаклари.

Лашкарбошилар, аскарлар, чопарлар, сарой аъёнлари, хизматкорлар.

**Воқеа Рим империясининг турли қисмларида бўлиб ўтади.**

## **БИРИНЧИ ПАРДА**

### **Биринчи саҳна**

Искандария. Клеопатра саройида бир зал.

Деметрий билан Филон киради.

### **Ф и л о н**

Саркардамиз дейман тамом ақлдан озмиш!  
 У дов қараш, бир замонлар қўшин олдида  
 Пўлат кийган Марсдек мағрур чақнаган нигоҳ,  
 Тоат-сажда адоси-ла тикилмиш бутун  
 Упа-элик, мой суркалган лўли чеҳрага.  
 Ба у юрак - жанг соати гурс-гурс гупуриб,  
 Советни ҳам чок-чокидан уза олган қалб -  
 Фоҳишанинг ишқий ҳовур - алангасини  
 Елпиб-елпиб, советтувчи елпигич энди.  
 Ана, улар келишмоқда.

Карнайлар чалинади. Антоний ва Клеопатра хос маҳрам-  
 лар билан кириб келишади. Ҳарам оғалар Клеопатрани елпи-  
 гич билан елпишади.

Яхшилаб қара,  
 Жаҳондаги уч устундан биттаси, мана.  
 Бугун эса ўз изми, ўз ҳоҳиши билан  
 Бузук қизга масхарабоз. Томоша айла!

### **К л е о п а т р а**

Муҳаббатми? Қаергача етаркин ўша?

### **А н т о н и й**

Муҳаббатмас, агарда у чегара билса.

### **К л е о п а т р а**

Не қилса ҳам, билай дейман сарҳадларини.

## А н т о н и й

Сарҳадларин изла олам - жаҳондан нари.  
Антоний хизматкорларидан бири киради.

## Х и з м а т к о р

Ҳукмдорим, изн беринг, Римдан хабарлар.

## А н т о н и й

О дардисар тагин! Нима, сўйла муҳтасар.

## К л е о п а т р а

Йўқ, эринмай чопарларни тингла, Антоний.  
Қўзғоттансан Фульвиянинг жаҳдини балким?  
Ё бўлмасам, қаҳр билан чақалоқ Сезар  
Буюрмишдир: "Шу-шу амрим бажо айлагин.  
У подшони ағдар, буни шоҳ қилиб кўтар.  
Бажар, агар бажармасант, жазойинг кутар".

## А н т о н и й

Ҳой, нималар дейсан, жоним?

## К л е о п а т р а

Йўқ, ҳазил эмас,  
Ишонавер. Эҳтимолки, сенинг бу ерда  
Туришингни айламишлар қатағон-ҳукм.  
Балки Сезар салтанатдан айламиш маҳрум.  
Ҳа, сўраб кўр, нималар деб буюрди экан  
Шижаатли Антонийга унинг хотини...  
Йўғ-э, Сезар... Аниқроғи - иккаласи ҳам.  
Мен тожимга онт ичайки, қизариб кетдинг!  
Бу Сезарга иззатингдан, шундоқ эмасми?  
Ёки шангни Фульвиядан насиб эттувчи  
Дашномларнинг уятими? Чорланг чопарни!

## А н т о н и й

Римни Тибр тўфонлари оқизиб кетсин!

Яксон бўлсин ҳаволанган у арши давлат!  
Менинг уйим шу ердадир бугундан бошлаб.  
Салтанатлар бари - тупроқ, ер дегани-чи-  
Ҳайвонлару инсонларни тўйдиргувчи гўнг.  
Аммо, ҳаёт, тирикликнинг улуғворлиги  
Муҳаббатда.

*(Клеопатрани қучади.)*

Мен дунёга исбот этаман,  
Ки оламда шу чоққача ҳеч ким ҳеч қачон  
Бизнингчалик севолмаган.

### К л е о п а т р а

Чиройли ёлгон!  
Севгини деб шунча сано сўйлаган инсон  
Севмай туриб, Фульвияяга уйланганмасми?  
Аҳмоқмасман, фаҳмлайман жилла: Антоний -  
Антонийдир.

### А и т о н и й

...Клеопатра асир айлаган.  
Ёлбораман муҳаббатта муҳаббат ҳақи,  
Ишқнинг ширин соатлари ҳақи сўрайман.  
Баҳслашиб, вақтимизни этмайлик увол.  
Ҳар сония бизга лаззат - сафо келтирсин.  
Бу оқшомни банд этамиш не эрмакларга?

### К л е о п а т р а

Чопарларни эшитгамиш.

### А и т о н и й

Ўжарсан мунча!  
Бу қандай бир бало: баҳсми, кулги ё йиги -  
Ярашади бирдек. Унинг ҳар бир қилиги  
Ҳайрат билан ҳаяжонга ўрайди мени -  
Нима менга чопар? Ахир сенингман, сенинг.

Кўчаларни сайр этайлик иккимиз оқшом  
Халойиқда бирга-бирга ташлайлик назар.  
Юр, маликам. Кечагина шундоқ бир хоҳиш  
Билдиргандинг.

*(Хизматкорга)*

Қани даф бўл! Оғзингни очма.

Антоний ва Клеопатра хос маҳрамлари билан кетишади.

### Д е м е т р и й

Сезарни ҳеч писанд қилмай қўйди Антоний.

### Ф и л о н

У баъзида, чин Антоний бўлмаган пайтлар  
Чинакамий Антонийнинг руҳига монанд -  
Буюклиқдан жудо бўлиб, айрилиб қолар.

### Д е м е т р и й

Таассуфки, Римга етиб борган гапларни  
Ўзи тасдиқ этар. Аммо умид қиласман,  
У эртага ўзгараади. Хайр, бўлмасам.

Кетадилар.

### Иккинчи саҳна

Ўша жой. Саройда бир оромгоҳ.

Хармиана, Ирада, Алексас ва фолбин киришади.

### Х а р м и а н а

Жаноб Алексас, азиз Алексас, ҳар нарсадан афзал  
Алексас, қарийб комилу баркамол Алексас! Сен мали-  
кага шунчалар таъриф-тавсиф этган фолбининг қани,  
қайда ўзи? О, сен айтмоқчи, мен олдига похол соладиган,  
бўлажак эрим ҳақида билишни шу қадар истайманки!

А л е к с а с

Фолбин!

Ф о л б и н

Лаббай, тақсир?

Х а р м и а н а

Бу сенмисан? Дейдиларки, валий эмишсан?

Ф о л б и н

Табиатнинг буюк асрор китобига мен  
Баъзан боқиб, бир нималар ўқий оламан.

А л е к с а с

Қўлингни бер, кафтларингга боқиб, айтсин у.

Энобарб ва хизматкорлар киришади

Э н о б а р б

*(Хизматкорларга)*

Қимирланглар! Тўкин бўлсин кечки зиёфат,  
Клеопатра соғлигига шаробу шарбат.

Х а р м и а н а

Яхши одам, бергил менга ёруғ бир қисмат.

Ф о л б и н

Беролмайман, иқболингни айтаман холос.

Х а р м и а н а

Хўп, айта қол.

Ф о л б и н

Малоҳатинг ортар беқиёс.

Х а р м и а н а

Тўлишиш ҳисобигами?

## И р а д а

Йўқ, қариган чоғингда ўзингни жудаям бўяб-бежаб юрасан.

## Х а р м и а н а

Фақат ажинлар билан бўялмасам, бас.

## А л е к с а с

Фолбин ҳазратларининг жаҳларини чиқарманглар.  
Иzzat-икром мақомида бўлинглар.

## Х а р м и а н а

Жим-м!

## Ф о л б и н

Севишларинг ортиқ бўлур севилишингдан.

## Х а р м и а н а

Шу етмай турувди! Унда жигаримни ишқ биланмас,  
май билан куйдирганим афзал.

## А л е к с а с

Ҳадеб гапни бўлавермай, эшитсанг-чи.

## Х а р м и а н а

Ҳа, бирор гаройиб нарсани пайғом эт. Дейлик, шундоқ  
бир кун келсинки, мен бир варакай уч подшога никоҳла-  
ниб, шу заҳот учовидан ҳам тул қолай. Ё бўлмасам, эллик  
ёшимда шундоқ бир бола туғайки, уни кўрганда, ўша Ирод  
Яҳудий ҳам даҳшат, ваҳимага тушиб қолсин, ёки Окта-  
вий Сезарнинг хотини бўлай-да, маликам билан тенгла-  
шиб олай.

## Ф о л б и н

Сен бекангдан кўра кўпроқ умр кўрасан.

## Х а р м и а н а

Мана бу бошқа гап! Узоқ умр кўриш мен учун анжирдан ҳам ширин.

## Ф о л б и н

Сен иқболни кечмишингда кўргансан зиёд,  
Истиқболда камроқ бўлур сенга саодат.

## Х а р м и а н а

Бундан чиқди, аслзода фарзанд кўриш менга насиб  
этмас экан-да. Хўш, бўлмаса, айтчи, нечта ўғил кўраману  
нечта қиз?

## Ф о л б и н

Ҳар хоҳишинг ҳомилага айланар бўлса,  
Ропша-роса милён бола тушишинг тайин.

## Х а р м и а н а

Вой, тентак! Майли, сени кечираман, негаки, одам эмас,  
жодутарсан.

## А л е к с а с

Сен тилакларимдан фақат тўшагим хабардор, деб ўйла-  
ганмидинг?

## Х а р м и а н а

Йўқ, тўхта! Энди Ираданинг фолини кўр.

## А л е к с а с

Ҳаммамиз ҳам бизни нималар кутишини билмоқ ис-  
таймиз.

## Э н о б а р б

Ҳар ҳолда, ўзимни ва сизнинг кўпчилигингизни бугун  
нималар кутишини мен биламан. Биз эсдан оғиб, йиқил-  
гунча ичамиз.

## И р а д а

Бу кафтнинг чизиқларига боқиб фақат бир нарсани - иффатли турмушнигина айта оласан холос.

## Х а р м и а н а

Худди Нилнинг тошқин сувларига боқиб қурғоқчилик бўлишини айтгандай.

## И р а д а

Сен жим тур, очофат бузуқи, сен фол очмай қўя қол.

## Х а р м и а н а

Намиқиб турувчи кафтлар серпуштиқдан далолат бермаса, мен ҳам юрган эканман елвайиб. Менга қара, сен унга бирор жўнроқ нарсани пайғом қилиб юбор.

## Ф о л б и н

Сизни бир хил қисмат кутади.

## И р а д а

Нечук қисмат? Аниқроқ қилиб айта қол.

## Ф о л б и н

Мен айтиб бўлдим.

## И р а д а

Наҳотки, менинг бахтим унинг бахтидан қилча ҳам зиёда бўлмаса?

## Х а р м и а н а

Борди-ю, қилча зиёда бўлганда, сен ўша қилнинг қаерда ўсишини истардинг?

## И р а д а

Эримнинг бурнида ўсмаса, бас!

## Х а р м и а н а

Ножоиз хаёллардан ўзинг асра, фалак! Энди Алексас-га навбат. Энди унинг фоли. Шарофатли Изида! Шундоқ қилки, бир қийшиқ оёққа учрасин у. Кейин ўша қийшиқ оёқ қазо қилсину ундан ҳам беш баттарига дучор бўлсин. Унинг олдига юз карра похол солишиб, то хотин зотининг энг ашаддий шаллақиси қаҳ-қаҳ отиб, рақсга тушиб, уни қабрга кузатиб қўймагунча, давом этаверсин. Мехрибон Изида, тилагимни қабул эт. Бошқа ҳамма нарсадан маҳрум этсанг ҳам, майлига, фақат шуни ижобат қил. Сендан ўтинаман, шафқатли Изида!

## И р а д а

Омин! Саховатли илоҳа, илтижоларимизга қулоқ сол. Бузуқи бир аёлга уйланган дуп-дуруст эркакни кўриш нақадар оғир, аммо олдига похол солинмаган ҳавойи эркакни кўриш ундан ҳам баттар. Шунинг учун ҳам, марҳаматли Изида, лоақал, одоб юзасидан, унинг жазосини бер.

## Х а р м и а н а

Омин.

## А л е к с а с

Кўрдингизми? Булар менинг олдимга похол солиш учун фоҳиша бўлишга ҳам жон деб рози бўлишади.

## Э н о б а р б

Ҳой, жим бўлинглар! Антоний келяпти.

## Х а р м и а н а

Йўқ, малика.

Клеопатра киради.

## К л е о п а т р а

Антонийни кўрмадингизми?

Э н о б а р б

Йўқ, маликам.

К л е о п а т р а

У бу ёқقا ўтмадими?

Х а р м и а н а

Ўтмади бекам.

К л е о п а т р а

У бугун бир базми жамшид тузмоқчи эди,  
Кутилмаганда Римни эслаб қолди. Энобарб!

Э н о б а р б

Хўш, маликам?

К л е о п а т р а

Уни дарров қидириб топ-да,  
Бу томонга бошлаб кел. Ҳа, Алексас қайда?

А л е к с а с

Мен шундаман, бекам. Ана, Антоний ўзи.

Антоний, чопар ва хос маҳрамлар киришади.

К л е о п а т р а

Қайрилиб ҳам қарамайман. Кетдик бу ердан.

Клеопатра, Энобарб, Алексас, Ирада, Хармиана, фолбин ва  
хизматкорлар кетишади.

Ч о п а р

Шундан кейин қўшин тортиб юрди хотининг.

А н т о н и й

Оғам Луқис устига-я?

## Ч о п а р

Оғанг устига.

Лекин тезда сулҳу салоҳ, йўлин тутдилар  
Ва Сезарга қарши бирга бошладилар жанг.  
Илк жантдаёқ мағлуб этди уларни Сезар,  
Иккиси ҳам қочди шунда Италиядан.

## А н т о н и й

Хўш. Хабаринг йўқми яна бундан·ҳам расво?

## Ч о п а р

Ёмон хабар - хабарчининг бошига бало.

## А н т о н и й

Ҳа, агар у аҳмоқ ёки қўрқоққа етса.  
Ҳаммасини гапир. Бўйган ишни яширма.  
Хушомаддан менга ҳар на ҳақиқат зарур,  
Ўлим хавфи унда ниҳон бўйса ҳам ҳатто.

## Ч о п а р

Яна бир шум хабар шуки, Лабиен Фиротдан  
Кечиб ўтди парфиянлар қўшини билан.  
Оссиёга човут солиб кирди. Байроби  
Елшинмоқда Суриядা, яна бу ёғи -  
Лидия ва Иония узра музaffer.  
Шундай пайтда...

## А н т о н и й

Хўш-хўш, нега тутилиб қолдинг?  
Шундай пайтда Антоний-чи...

## Ч о п а р

О, ҳукмдорим!

## А н т о н и й

Тортинасан нечун? Сўйла гуфтигўларни,  
Римда не деб аташади Клеопатрани,  
Сен ҳам шундоқ деб атайвер, мени уялтири.

Фульвияга ўжшаб, таъна-маломат ёдир.  
Бирин-кетин бетимга сол гуноҳларимни,  
Ҳаққонийлик билан, афсус-надомат билан.  
Хору хасни кўпайтирас, ўстирас риё,  
Аччиқ таъна тозалайди юракни аммо.  
Хўш, бора қол!

### Ч о п а р

Бош эгаман амрингга, бегим.

(Кетади.)

### А н т о н и й

Сикиондан йўлламишлар бизга не хабар?

### Б и р и н ч и м у л о з и м

Сикиондан келган ким бор? Қаёқда чопар?

### И к к и н ч и м у л о з и м

У шу ерда, фармонпазир.

### А н т о н и й

Кирсин бу ёқса.

Йўқ, Мисрнинг бўғовлари жуда мустаҳкам,  
Мен узарман уни, агар тентак бўлмасам.

Иккинчи чопар киради.

### А н т о н и й

Хўш, не хабар билан келдинг? Бўла қол, чўзма!

### И к к и н ч и ч о п а р

Вафот этди ёстиқдошинг, гўзал Фульвия.

### А н т о н и й

Вафот этди Фульвия?

### И к к и н ч и ч о п а р

Ҳа, Аскионда.

*(Мактуб узатади.)*

Ўқиб боқгил, касаллиги ва яна бошқа  
Воқеалар хусусида битилмиш бунда.

### А н т о н и й

Хўп, бора қол.

Иккинчи чопар кетади.

Буюк бир қалб дунёдан ўтди.

Ахир, унинг азимати - тилагим эди.

Ҳалигина биз жирканниб отган нарсани  
Лаҳза ўтмай сўроқлаймиз яна кўш маҳал.

Бугун неки дилпазирдир, ўша тўсатдан  
Ёқимсиз ва жирканч бўлиб қолар. О, агар  
Тирик жонни тобут сари итарган қўллар  
Уни халос этиб, қайта ола билсайди!

Яна яқин ва азиздир менга марҳума...

Тезроқ айрилишим керак бу ёсумандан,  
Йўқса, бундок ҳаёт тарзи, ҳаракатсизлик  
Минг бир бало бўлиб ёғар бошимга худди  
Эй, Энобарб!

Энобарб киради.

### Э н о б а р б

Буюр, бегим, не фармонинг бор!

### А н т о н и й

Зудлик билан мен бу ердан кетишими даркор.

### Э н о б а р б

Лекин кетсак, бу ердаги хотинларни ҳалок этамиш.

Қаттиққўллик улар учун қанчалар ҳалокатли экани  
маълум-ку. Кетадиган бўлсак, битта қолмай ўлишади, вас-  
салом.

## А н т о н и й

Мен кетишим керак.

## Э н о б а р б

Бас, шунчалик зарур экан, майли, ўлишаверсин. Бе-худадан-бехудага хотинларни қийнаш - гуноҳ, бироқ сўз муҳим бир иш устида кетар экан, уларнинг қиймати - бир чақа. Клеопатра бу хабарни эшиздим дегунча, биринчи бўлиб шундоқ турган жойида жон беради-қўяди. У менинг кўз ўнгимда арзимаган сабаблар билан қарийб йигирма бор жон берган. У ғалати бир тантиқлик билан ажалга ҳамиша шай бўлиб туради, гўё ўша ажалда унинг учун муҳаббат оғушига ўхшаш бир нарса бордек.

## А н т о н и й

Унинг қанчалик айёрлигини ҳеч ким билмайди.

## Э н о б а р б

О, йўқ! Унинг талпинишлари - соф севгининг самимий замзамалари! Чеккан оҳ-зорларини - шамол, тўккан кўз ёшларини - ёмғир деб аташ камлик қиласди. Йўқ, унақа довул ва селларни ҳали бирор календарь ўзида қайд этмаган. Бу айёрлик эмас. Борди-ю айёрлик бўлса, Клеопатра бўронларни ўз ҳукмига юритишида Юпитердан қолишимас экан.

## А н т о н и й

Қаёқдан ҳам мен уни кўрдим!

## Э н о б а р б

Наҳотки бу ҳақда афсус-надомат чекиши жоиз бўлса?! Агар уни кўрмасанг, дунё мўъжизаларидан бирини кўролмасдинг. Бу бахтта мушарраф бўлмасанг, бу сайри саёҳатларнинг ҳаммаси зое кетарди.

## А н т о н и й

Фульвия ўлипти.

**Э н о б а р б**

**Нима?!**

**А н т о н и й**

**Фульвия ўлипти.**

**Э н о б а р б**

**Фульвия?**

**А н т о н и й**

**Ха, ўлипти.**

**Э н о б а р б**

Бўлмаса, шукронга айтиб, Худоларга қурбонлик қил.  
 Тангри ҳазратлари эрлик хотинни ўз даргоҳига чақирав  
 экан, эр деган кимса шуни ўйлаб тасалли топсинким, эски  
 латта ўрнига янги кўйлак тикувчилар топилади. Дунёда  
 бошқа хотинлар бўлмаганда, Фульвия вафоти оғир бир  
 зарба бўлиб тушар, ҳар қанча оҳ-ҳасрат чексанг,  
 ярашарди. Аммо аламнинг чорасини топса бўлади: эски  
 иштон тўзибдими, бас, янги чоловор оласан. Менга  
 ишонавер, бунга йигланмоқ учун кўзингга шиёз суркашинга  
 тўғри келади.

**А н т о н и й**

**Фульвия тугиб кетган кўр тутунларни  
 Мен очморим керак энди...**

**Э н о б а р б**

Хўш, бу ердаги тутунинг-чи? Сен у ёқда тутун ечадиган  
 бўлсанг, Клеопатра бу ёқда тутундан нечук озод бўлади?

**А н т о н и й**

**Ҳазил-ҳузул етар энди. Чиқиб, шу замон  
 Жумла лашкарбошиларга етказ буйругим.  
 Маликага ошиғич бу сафар сабабин**

Тушунтириб, хайр-маъзур этаман ўзим.  
Фульвиянинг вафоти - бу, мени уй томон  
Чорлаёттан сабабларнинг биттаси, холос.  
Чин хабардор дўстлар менга ёзишар ҳамон,  
Ҳаялламай Римга етиб бормоғим даркор.  
Секст Помпей кўтариби Сезарга исён,  
Ва денгизда ҳукмронмиш ўзи. Бизнинг халқ  
Биласан-ку, беқарордир майлу рағбатда.  
Марҳумларнинг хизматин у қадрлар фақат,  
Буюк ота фазилатин фарзандга йўяр.  
Шунга кўра, жасорату жанг шуҳратидан  
Номи билан қўшиллари зўр бўлган Помпей  
Қаҳрамон деб таратипти элга овоза.  
Бу - давлатта қарши жиддий таҳдид-таҳлика.  
Ҳа, яширин етилмоқда машъум бир ғавғо;  
У ҳозирги аҳволида ўлик қил ҳаммас,  
Лекин ҳали заҳар ийқдан илон ҳам эмас.  
Бас, жамики қўшилларим сузиб кетмоқда  
Зудлик билан шай бўлишсин, буйргум етказ.

### Э н о б а р б

Етказаман.

Кетадилар.

### Учинчи саҳна

Ўша жой.

Бошқа оромгоҳ, Клеопатра, Хармиана, Ирада, Алексас  
киришади.

### К л е о п а т р а

Хўш, қани у?

### Х а р м и а н а

Кўрганим йўқ, ўшандан буён.

## К л е о п а т р а

(Алексасага)

Бил, қайда у, нима билан, ким билан машгул,  
Эсингда тут бироқ, сени мен юбормадим.  
Хомуш эса, мени рақс тушаяпти, де,  
Хурсанд эса магар, мени касалманд, деб айт.  
Бор, аниқла ва шу замон ҳузуримга қайт.

Алексас кетади.

## Х а р м и а н а

Маликам, сен чиндан севар бўлсанг мабодо,  
Назаримда туттан йўлинг тўғримас, хато,  
Бу йўл билан унда севги уйғотиш маҳол.

## К л е о п а т р а

Хўш, сенингча қандайин йўл тутмоғим даркор?

## Х а р м и а н а

Эркига қўй, не истаса, шуни бажо қил.

## К л е о п а т р а

Вой, тентак-ей. Шундоқ бир йўл туттанда, уни  
Қўлдан бериб қўясан-ку.

## Х а р м и а н а

Фашига тегма.

Аён ахир, кимки бизга қўрқув соларкан,  
Севолмаймиз уни, балки нафратланамиз,  
Ҳа, Антоний келяпти.

Антоний киради.

## К л е о п а т р а

Вой, ҳолим хароб.

**А н т о н и й**

*(Четта)*

Машъум сўзни сўзламоққа қани менда тоб?

**К л е о п а т р а**

*(Хармианага)*

Юр, кетайлик бундан, йўқса, қулаб тушаман,  
Узоқ давом этолмагай ахир бу азоб.  
Табиат ўз қаршилигин кўрсатар унга.

**А н т о н и й**

Эй азиздан азиз, менинг гўзал маликам!

**К л е о п а т р а**

Ўтинаман, яқинлашма!

**А н т о н и й**

Не бўлди сенга?

**К л е о п а т р а**

Хушхабарлар айтар менга нигоҳинг сенинг,  
Хўш, нималар ёзмиси ўша дилхоҳинг сенинг?  
Қайт йўлингта. Аввалбоши сени бу ёқقا  
Юбормаса яхши эди. Хотининг тағин  
Ўйламасин - сени бунда тутиб турибман.  
Бу қўлимдан келармиди? Сен уникисан.

**А н т о н и й**

Ҳақ Тангрилар билар...

**К л е о п а т р а**

Шундоқ шармандаларча  
Хиёнатта йўлиқмаган бирор малика!  
Хиёнатинг кутган эдим.

## А н т о н и й

Клеопатра...

### К л е о п а т р а

Агар-чи, сен Тангриларни шафе келтириб,  
Ўз севгимга содикман, деб этдинг қасамёд.  
Фульвияни сотмадингми, ишонгум наҳот?  
Қасамхўр у тилнинг ёлғон ваъдаларига  
Ишонмоқлик бир жиннилик, ахир.

## А н т о н и й

Маликам!

### К л е о п а т р а

Қўй, бежама сўзларни кўп ахтараверма.  
"Хайр-хўш!" - деб айта қол, бас, тамом-вассалом.  
Эслайсанми, сен бир пайлар бунда қолмоққа  
Биздан изн сўраганда - сўзамол эдинг.  
Абадият кўрган эдинг лабим, кўзимда,  
Қошлиаримнинг камонида кўргандинг ҳайрат.  
Бошдан-оёқ сирли эдим, самовий эдим.  
Мен ҳали ҳам ўшандайман - ўзгарганим йўқ.  
Бундан чиқди сен - жаҳонда буюк саркарда  
Буюк алдоқчисан!..

## А н т о н и й

Ҳай-ҳай, тўхта, маликам!

### К л е о п а т р а

Агарда мен дов елкали жангчи бўлсайдим,  
Кўрсатардим мисрликнинг шижоатини.

## А н т о н и й

Эшигсанг-чи, маликам. Мен, ахир, вақтинча  
Кетаяпман, мени чорлар оширич ишлар.  
Мен кетаман, аммо қалбим Мисрда қолар.

Низо шамширлари яна қўзғолиб қиндан,  
Бир бемаъни жанг бошланмиш Италияда.  
Секст Помпей Римга таҳдид солар дентиздан.  
Қўшсалтанат балосидан элда - тафриқа.  
Кечагина машъум ҳисоб этилган нарса  
Жозиб бўлиб, бугун юртни тортар ўзига.  
Римдан қувилганди Секст Помпей, у ҳозир  
Отасининг шуҳратига ўраниб мағурур,  
Авбошларга қаҳрамон бир йўлчи аталур.  
Қай бировлар турғунликка мубтало юртни  
Тузатмоқчи бўлишади тўполон билан.  
Шошилинч бу сафаримга сабаб бор яна,  
Эшитарсан, қароримни қабул этарсан  
Хотиржамлик билан, вафот этмиш Фульвия.

### К л е о п а т р а

Гар ёшимга номуносиб ишонувчанман  
Ишонмасман аммо бундоқ чўпчакларингга.  
Хўш, у вафот этибдими?

### А н т о н и й

Шундоқ, маликам.  
Бу мактубни ўқиб чиқиб, биласан аниқ,  
Нечук ғавғ қўзгатиби ўша марҳума.  
Аммо сенга керак жойи охирроғида  
Битилмишдир: қачон, қандай вафот этмиш у.

### К л е о п а т р а

Мана сенинг муҳаббатинг!  
Қайдадир улар -  
Кўз ёшингга тўлгувчи у қутлуғ идишлар?  
Фульвиянинг оқибати кўрсатур буткул,  
Ўлимимни бир кун қандай этарсан қабул.

### А н т о н и й

Қўй, беҳуда айтишмайлик. Ахир, англа сен  
Ниманики кенгаш берсанг, шунга юраман.

Шу ҳаётбахш қуёш ҳақи, этгум қасамёд,  
Мен кетарман мулозиминг - аскаринг бўлиб.  
Не буюрсанг, шуни бажо айлагум содик,  
Урушми ё яраш - сенинг амрингта боғлиқ.

### К л е о п а т р а

*(Хармианага)*

Чизимчани бўшат, иссиқ. Тегма, керакмас!  
Дам бўшатар, дам терлатар лоҳаслик мени,  
Антонийнинг севгисидек.

### А н т о н и й

Ҳой, ҳушингни йир,  
Барча оғир синовларга бардош бергувчи  
Мұҳаббатинг қудратига, маликам, ишон.

### К л е о п а т р а

Ҳа, Фульвия тасдиқларди, лекин сўзингни.  
Юзинг ўтири, марҳумани ёд этиб, йиғла!  
Сўнг мен билар хайрлаша туриб, бемалол  
Клеопатра ҳижронига йигладим, деб айт.  
Ҳа, шундоқ қил, кўрсата қол шундоқ бир ўйин,  
Ки ёлғонинг ҳақиқатта жиндак ўхшасин.

### А н т о н и й

Ортиқ бардош беролмайман. Жим бўл!

### К л е о п а т р а

Ёмонмас.  
Аммо бундан ҳам баландроқ келсайдинг бир оз.

### А н т о н и й

Онт ичаман қиличимга!..

### К л е о п а т р а

Ва қалқонимга!..

Лаббай? Шундоқ эмасми, а? Тагин ёмонмас.  
Ва лекин чин санъатта бу чегара эмас.  
Хармиана, кўрайлик-чи, қандай эсларкин  
Қаршимизда қутуришни римлик Херкулес.

### А н т о н и й

Хайр энди, маликам.

### К л е о п а т р а

Оҳ, сабр қил, хўжам,  
Сенга айтар икки оғиз сўзим бор яна.  
Айрилармиз энди... Бумас, йўқ-йўқ, бу эмас!  
Севишгандик қандоқ... Бумас, йўқ-йўқ, бу эмас!  
Сен биласан буни... Тўхта, не демоқчидим?  
Антонийдек хиёнаттага кирмиш хотирам.  
Унутилгач, унутибман мен ҳам ҳаммасин.

### А н т о н и й

Сени севиш телбалигин билмасам эди,  
Ўйлардимки, сенда тамом топмиш мужассам  
Бу дунёда мавжуд бўлган тамом телбалик.

### К л е о п а т р а

Сен ҳам осон тутма лекин Клеопатрага  
Дилга яқин олиб юрса бу телбаликни.  
Кечир. Ахир мендаги бу ҳусну тароват  
Сенга азиз эмас эса, менга не ҳожат?!  
Баски, бурчинг чақиаркан сени йироқقا,  
Қулоқ солма мендаги бу оҳу фироқقا.  
Қайдা бўлма, сенга паноҳ бўлсин Худолар,  
Қайта борма, гуллар билан ўранган зафар  
Шуъла сочиб, шамширигнни ёритиб турсин.  
Омад ўзи оёғингга бошини урсин.

### А н т о н и й

Хайр. Лекин ҳижронда ҳам бўлурмиз бирга.

Қолганда ҳам кетяпсан мен билан бирга,  
Кета туриб қоляпман сен билан бирга.  
Қани, энди йўлга!

Кетадилар.

### Тўртингчи саҳна

Рим. Сезар уйидаги оромгоҳ.  
Октавий Сезар мактуб билан, Лепид ва мулоғимлар киришади.

### С е з а р

Буни ўқиб ўзинг ишонч ҳосил этасан,  
Лепид ўша дўстимизни койишга қўйган  
Менинг золим табиатим эмасдир асло.  
Искандариядан менга ёзишар, илло:  
Унинг севган машгулоти - балиқ овлашгу  
Оқшомдан то тонгта қадар мусалласхўрлик;  
Клеопатрачалик ўша мардона эмас,  
Клеопатра унингчалик эмас жонона;  
Чопарларни у зўр-базўр айламиш қабул,  
Ёдига ҳам келтирмалги давлатдошларни.  
Кўрасанми, у жамики заифликлару  
Ва ножўя эҳтироснинг тирик тимсоли.

### Л е п и д

Бироқ, босиб кетолмагай заифликлари  
Унинг фазилатларини: ҳа, тунги осмон  
Шундай ярқиратар турли ёритқичларни.  
Меросийдир, ахир, унда иллатлар бари,  
Улар ҳаёт йўлларида касб этилганмас.  
Иллатларни ўзи сайлаб олмаган-ку, бас,  
Лекин улар дастидан ҳам қутуолмаган.

### С е з а р

Ажаб юмшоқ, кўнгиллисан. Майли, айб эмас

Птоломей тўшагида ағнаб ётишлар.  
Ширин сўзга тожу тахтни инъом этишлар,  
Қуллар билан бир косадан шароб ичишлар,  
Кушпа-кундуз кўчаларда санқиб кезишлар  
Ва қўланса тўдалар-ла эрмак йўлида  
Муштлашишлар, беҳудага тўполон, ғовур.  
Ҳаммасига майли, дейлик, тутайлик маъзур.  
Зотан, булар қай кимсани этмас беобрў? -  
Ҳавойи бу хулқи билан лекин Антоний  
Мену сенга қўймоқдадир зўр масъулият.  
Бўш вақтида модабозлик қилсин, марҳамат,  
Бўла қолсин бош оғриғу захмга дучор.  
Аммо шундоқ қимматбаҳо фурсатларини  
(Фурсатларки, давлатимиз эҳтиёжидан  
Бонг урмоқда) елга сочиш - билмадим, нима!  
Менга қолса, аввал бошдан таъзиқ бўлса ҳам,  
Эрмакни деб ўз бурчини унутиб қўйган  
Бола каби, таъзирини берсакми, дейман.  
Чопар киради.

### Л е п и д

Мана сенга янги хабар.

### Ч о п а р

Шавқатли Сезар!  
Бажарилди амринг. Жумла чегаралардан  
Хузурингта соат сайин етар хабарлар.  
Помпей - дengиз ҳукмрони, балки Сезардан  
Қўрқанларнинг адовати билан кучли у.  
Кимки сендан норозидир, ўшанга чопар,  
Миш-мишлар мўл: Помпей хафа қилинмиш, деган.  
Кетади.

### С е з а р

Бошқасини кутмагандим. Маълумки ахир

Фақат давлат поясига етишгунча то  
Севимли ва лаёқатли бўлур ҳукмдор;  
Кимки чиндан севилмаса тириклигида  
Ўлгандан сўнг бўлур буюк севгига дучор.  
Сув остида ўсган ўтта ўхшайди мардум –  
Ҳар тарафга эгар уни бекарор оқим.  
Гоҳ у ёқса эгилади, гоҳи бу ёқса,  
Шу ҳолича - чириб битар.  
Иккинчи чопар киради.

### И к к и н ч и ч о п а р

Изн бер, Сезар  
Истибододга тўлдиришти денгизни бутун  
Менас билан Менекрат - икки қароқчи.  
Улар сувда алғов-далғов кемалар суриб,  
Италия соҳилига этишар босқин.  
Уларнинг шум овозаси етищдими, бас,  
Қирғоқбўйи фуқароси даҳшатта тушар.  
Ёш-яланглар ғазаб ичра тўлганар, жўшар.  
Кемалар сал денгиз ичра кирдими - тутқун.  
Қароқчилар ўз қудрати билан дов эмас,  
Помпей номи билан элга қўрқинчdir бутун.

### С е з а р

Қайлардасан, кўзингни оч, ахир, Антоний!  
У шаҳвоний базмлардан узил бир нафас.  
Ҳиртис, Панса қўшинидан бўлиб тору мор  
(Гарчи ўша икки консул ҳалок бўлса ҳам)  
Сен ҳашамат ичра ўсиб етишган ўлон  
Бўлган эдинг қандай оғир очликка дучор.  
Сен ҳашамат ичра ўсиб етишган ўлон  
Кўрсаттандинг маҳрумият жангидаги сабот.  
Саботингта ёввойи ҳам қолур эди мот:  
От сийдиги, ҳатто ҳайвон ҳидламайдиган  
Ботқоқларнинг ўша бадбўй, ифлос сувидан

Тап тортмайин бостиргандинг ёниқ чанқоринг.  
Буғу каби кемиргандинг дараҳт пўстлогоин,  
Еган эдинг заҳар-зақум меваларни ҳам.  
Дейдиларки, Алъп тогида шундай ўлакса  
Егансанки, кўриниши ўлат билан тент.  
Ўшанда ҳам йўқотмаган ахир юзларинг  
Зарра қадар қизиллигу дўмбоқлигини.  
Оҳ, ўшанда - оғир келар тилимга бу сўз -  
Сен чинакам жангчи эдинг!

### Л е п и д

Ҳа, шундок, афсус!

### С е з а р

Бас, қайтарсинг Римга уни - уят, хижолат,  
Биз унгача сугурайлик қилични қиндан.  
Ҳарбий кенгаш чақирайлик қўймай бугундан  
Ҳаялласак, қулай келар Помпейга фақат.

### Л е п и д

Ҳарбий кенгаш бўла қолсин эртага, Сезар,  
Ўшангача мен аниқлаб, айтишим мумкин -  
Денгизда ва қуруқлиқда кучим қанчадир.

### С е з а р

Учрашувга қадар мен ҳам ҳарбий кучларим  
Суриштириб, аниқ билиб оламан. Хайр.

### Л е п и д

Хайр. Агар ҳузурингта янги бир ҳабар  
Сарҳадлардан етишгудек бўлса - сўрайман,  
Мазмунидан ҳабардор қил мени.

### С е з а р

Албатта,  
Воқиф этиш бурчим, ахир.  
Кетадилар.

## **Бешинчи саҳна**

Искандария. Клеопатра саройида бир зал.

Клеопатра, Хармиана, Ирада ва Мардиан кирадилар.

**К л е о п а т р а**

Хармиана!

**Х а р м и а н а**

Лаббай, бекам?

**К л е о п а т р а**

О-оҳ!

Менга тағин уйқу дори бера қол.

**Х а р м и а н а**

Нечун?

**К л е о п а т р а**

Менинг азиз Антонийим қайтмагунча то,  
Уйғонмасдан, гум-гурс ётиб ухлашим учун.

**Х а р м и а н а**

Бекам, дейман, ўйлайпсан уни жудаям.

**К л е о п а т р а**

Бу деганинг - хиёнат.

**Х а р м и а н а**

Йўқ, менинг маликам.

**К л е о п а т р а**

Ҳарам оға! Эй, Мардиан!

**М а р д и а н**

Нима истайсан?

Не буюрсанг, хизматингга тайёрман, бекам.

## Клеопатра

Истагим - у чийиллаган хонишинг эмас.  
Ҳарам оға яроқсиздир хизматимга ҳам.  
Сен, ахта қул, баҳтиёрсан: чунки, хаёлинг  
Бирор ёқда талпинмайди. Хўл, менга айт-чи  
Эҳтирос не, биласанми?

## Мардан

Биламан, бекам.

## Клеопатра

Наҳот? Яъни, чиндан ҳамми?

## Мардан

Унчалик эмас.  
Қодирмасман жилла бирор амалий ишга.  
Эҳтироснинг нелигини биламан, аммо.  
Баъзи пайтлар ошиқ-маъшуқ Марс-Венеранинг  
Машғулотин ўйлаб, ширин хаёл сураман.

## Клеопатра

Менга қара, Хармиана, сенингча қандоқ,  
Қайда ҳозир Антонийим? Не ила машғул?  
Турганмикин, ё бўймаса, ўлтирганмикин?!  
Нечук: яёв юриптими ёки суворий?!

Баҳтиёр от! Антонийнинг оғирлигидан  
Қандай ором олмоқдасан?! Қувон, турурлан!  
Ҳазилми бу: ярим дунё, ярим башарнинг  
Баҳодири дубулғаю шамшири билан  
Устингдадир балки... Балки ёниб шивирлар:  
"Қайлардасан ҳозир менинг мисрий илоним?"  
У шундоқ деб атар эди кўпинча мени.  
О, бас, етар, нега керак бу ширин оғу?  
Хўш, у қандоқ қилиб энди эсласин мени,  
Мени, қуёш бўясидан таним қорайиб,

Йиллар ажин тўри билан ёпган кимсани?  
Дўнг пешона Сезар бунда бўлганда маскун  
Ном олгандим "шоҳона бир луқма" деб Помпей -  
Ўлаётуб излаганди ҳаёт юзимдан,  
Жон берганди кўзларини узмай кўзимдан.  
Алексас киради.

### А л е к с а с

Салом бўлсин сенга, Миср маликасига!

### К л е о п а т р а

Йўқ, сен Антонийга сира монанд эмассан,  
Лекин унга ҳамдам бўлдинг, шу шарофатдан  
Қўрғошин ҳам худди олтин тусини олди.  
Хўш нечукдир менинг ўқтам Марк Антонийим?

### А л е к с а с

Ҳа, сўнгти бор нима қилди Антоний, бекам,  
Шу бебаҳо дурдонани босиб лабига,  
У сўнгги бор шундоқ ажиб сўзлар айтдиким,  
Ҳар биттаси юрагимга жо бўлиб қолди.

### К л е о п а т р а

Қани, гапир, қулогимга жо бўлсин улар.

### А л е к с а с

У дедиким: "Дўстим, зинҳор етказгил шуни -  
Буюк Миср гўзалига содиқ римлиқдан  
Денгиз садафида унган - арзимас дурни.  
Боз устига кўп беҳисоб салтанатларни  
Бирин-бирин ағдарурман унинг пойига.  
Ва шуни ҳам айтиб қўйки, бутун Шарқ унга  
Фармонпазир бўлур мутлақ". Бош иргаб шунда  
Сакраганча отта минди. Жавоб сўзимни  
Бир гулдираб босиб кетди кишнаган тулпор.

### К л е о п а т р а

Менга айт-чи, хурсандми ё хомуш эди ул?..

### А л е к с а с

Сенга айтсам, на совуқ, на иссиқ кун каби  
На чин хурсанд, на чин хомуш эди Антоний.

### К л е о п а т р а

Қандай инсон! Хармиана, сен эътибор қил  
Эътибор қил, нечук оқил тутмиш у ўзни.  
Хомуш эмас, ўзни хомуш тутганда балки  
Сафдошлари маъюсликка тушган бўларди.  
Хурсанд эмас, ўзни хурсанд тутмаган, зотан,  
Орзулари, севингчлари Мисрда қолган.  
Хурсандлигу хомушликнинг чин омухтаси!  
Ва ҳолбуки, ҳам униси, ҳам бунисида  
Антонийга ким баробар келаркин?! Ҳеч ким!  
Ҳа, дарвоқе, чопарларим учратмадингми?

### А л е к с а с

Ҳа, учратдим, бекам, қарийб йигирматача,  
Сен уларни шитоб билан йўллайсан мунча?

### К л е о п а т р а

Менинг унга бирор мактуб ёзмаган куним  
Истайманки, дунё учун қаро кун бўлсин! -  
Қоғоз қалам келтир, менга, эй Хармиана.  
Хўп, Алексас, раҳмат сенга. Эй, Хармиана,  
Мен мабодо севганмидим Сезарни шундоқ?

### Х а р м и а н а

О, шавкатли Сезар!

### К л е о п а т р а

Нима? Не дединг, аҳмоқ! Завқинг билан бўғилиб ўл.  
Қани қайтар! Шон-шавкатли Антоний, дегил!

## **Х а р м и а н а**

**Баҳодир Сезар!**

## **К л е о п а т р а**

Изидаға қасам ичиб айтаман, англа,  
Оғзинг қонға тұлдыраман яна бир карра  
Сезар билан тенглаштирсанг мардлар мардини.

## **Х а р м и а н а**

Ох, маликам, кечир, эски ашулангни мен  
Үша эски усулингда хиргойи қилдим.

## **К л е о п а т р а**

Мен ўшанды бүй етмаган қизалоқ әдим,  
Қоним қайноқ әмас әди томирларимда.  
Қани кетдик, қоғоз билан қалам бер менга.  
Ха юборгум әнди чопар устига чопар,  
Токи Миср бүм-бүш бўлиб қолгунга қадар.

Кетадилар.

## **ИККИНЧИ ПАРДА**

### **Бириңчи саҳна**

Мессина. Секст Помпей уйидаги оромгоҳ.  
Помпей, Менекрат ва Менас киришади.

### **П о м п е й**

Гар чинданам адолатли бўлса Тангрилар,  
Адолатли ишимизга омад бергайлар.

### **М е н е к р а т**

Гар сусткашлик кўрсатишса, шавкатли Помпей,  
Бу - Тангрилар юз ўтириди, деган гап әмас.

### П о м п е й

Тилагимиз қолар экан шундоқ бесамар,  
Қимматини йўқотади биз куттан самар.

### М е н е к р а т

Баъзан тилак тилайдирмиз зиёнимизга,  
Оқилона рад этишиб Тангрилар шунда  
Бизга нажот бахш этишар. Хайрлидир, бас,  
Зое кеттан тилаклар ҳам баъзан.

### П о м п е й

Муқаррар -

Меникидир зафар! Мардум менга хайрихоҳ,  
Денгиз менинг қўлимдадир, қудратим борҳо -  
Тўлишгандан тўлиб борар янги ой каби,  
Умид улким, манзилига бир кун етади.  
Мисрда айш-фароғатта ботмиш Антоний,  
Урушни деб ишратни тарқ айлаши маҳол.  
Эл-юртни шилавериб Октавий Сезар  
Ўзни минглаб мухлислардан жудо айлади.  
Лепид бўлса хушомадлаб, хушомад кўрар,  
Иккисин ҳам хуш кўрмас у. Улар Лепидни  
Бир чақага олишмайди.

### М е н а с

Сезар ва Лепид

Каттакон бир қўшин билан юриш бошлабди.

### П о м п е й

Бу тўғримас. Буни сенга ким айтди?

### М е н а с

Сильвий.

### П о м п е й

Шундоқ бир туш кўрган бўлса ўша ажабмас.

Менга маълум, улар Римда кутишар алҳол  
Антонийни. О, бузуқи Клеопатра!  
Истайманки, мұхаббатнинг сехри, сафоси  
Туси ўчиқ лабларингни яшнатсан яна!  
Жодугарлик ўзи мадад берсин чиройга,  
Ҳирсу ҳавас - чирой билан жодугарликка.  
Хотинбознинг миясини туманга тўлдир  
Базмлару алвон нозу неъматлар билан.  
Очофатни дастурхонга тутқин этиб тур,  
Токи унинг ор-номуси Летанинг ўлик -  
Сувларига бир варакай гарқ бўлган каби  
Ботиб кетсин мечкайликка.

Варрий киради.

Нима гап, Варрий?

### В а р р и й

Келтирганим - аниқ хабар: ҳар дақиқада  
Антонийнинг ташрифини кутаётир Рим.  
Аллақачон Мисрни тарк айлаганмиш у.

### П о м п е й

Бундан ортиқ совуқ хабар борми дунёда?  
Гапнинг рости, Менас, сира ўйламагандим  
Ўша ошиқ мусалласхўр жанг-жадални деб  
Кийтай дея яна асл дубулғасини.  
Ҳарбу зарбда у устундир иккисидан ҳам.  
Фахрлансак арзир, бизнинг қўзғолон билан  
Тўймас фосиқ неъматига бир нафас тўйди,  
Птоломей бевасининг этагин қўйди.

### М е н а с

Муросага кела билмас Сезар, Антоний,  
Ахир, қанча курашдилар Сезарга қарши  
Антонийнинг рафиқаси билан оғаси.  
Гарчи ўзи шу ишни деб солмаган кутқу.

## П о м п е й

Ким билади, Менас? Майдын чуйда низолар  
Каттакон бир адоватта айланармикан?!  
Бизлар билан жанг муқаррар бўлмагандайди  
Бир-бириниң ҳалқумидан оларди лекин;  
Қилич сирмаб, бир-бирини чопарди мутлақ -  
Бунинг учун асос тайин, баҳона бисёр.  
Аммо айтиш қийин, бизнинг хатардан қўрқиб,  
Низолардан кечиб, аҳил бўлишармикин?..  
Ўзимизни топширамиз қудрат - азалга,  
Бор кучимиз - майдон аро жанг жадалга.  
Кетдик, Менас.

Кетадилар.

## Иккинчи саҳна

Рим. Лепид уйидаги оромгоҳ.

Энобарб билан Лепид киради.

## Л е п и д

Хайрли иш бўлур эди, азиз Энобарб,  
Кўндирысайдинг оқилона кенгашлар билан  
Антонийни сулҳу салоҳ иборасига.

## Э н о б а р б

Ўз-ўзингга содиқ қол, деб айтаман унга.  
Сезар уни хафа қилса, жирига тегса,  
Истайманки, виқор ила боқиб баланддан,  
Худди Марсдек бир ҳайқириб берсин Антоний.  
Юпитерга онт ичаман, унинг ўрнида  
Мен бўлсайдим, соқолимни қирмасдим бугун  
Сезар билан шу учрашув ҳурмати учун.

## Л е п и д

Бу гапни қўй, ҳисоб-китоб вақтимас бугун.

## Э н о б а р б

Пишиб қолган ишлар сира танламас фурсат.  
Ҳар бир дам ғанимат.

## Л е п и д

Аммо кичкина ишлар  
Катта ишнинг қаршисида чекинмори шарт.

## Э н о б а р б

Муҳим бўйлур каттасидан кичиги баъзан.

## Л е п и д

Ҳай, қизишка. Сўнганд үтни пуламоқ нечун  
Ана шонли Антоний ҳам.

Антоний ва Вентидий киради.

Мана Сезар ҳам.

Сезар, Меценат ва Агриппа киришади.

## А н т о н и й

(Вентидийга)

Ишни бўлиб, Парфияга юрамиз дарҳол.

## С е з а р

(Меценатта)

Мен билмадим, Агриппадан сўраб қўя қол.

## Л е п и д

Олийжаноб оғайнилар, бизнинг иттифоқ  
Тузилмишdir ғоят буюк мақсадлар учун.  
Майда гина-кудуратдан бўлайлик йироқ,  
Кўрсатайлик бир-бировга ҳимматнинг кучин.  
Беҳудадан-беҳудага баҳс-муноқаша  
Жароҳатни даволамас, қонатар лекин.

Шунинг учун сўрайманки, алп оғайнилар,  
Оғриқли у нуқталарга тўқинган маҳал  
Сўзларингиз ишак каби мулойим бўлсин,  
Токи ғазаб ҳаддан ошибб, жиддий бир ҳалал  
Етказмагай ишимизга.

### А н т о н и й

Ажойиб сўзлар.

*(Ишорат ила Сезарга салом йўмайди.)*

Ҳаттоки биз бир беомон ёв бўлганда ҳам,  
Жанг олдидан сенга шундоқ берардим салом.

### С е з а р

Римга хуш келибсан!

### А н т о н и й

Раҳмат.

### С е з а р

Марҳамат, ўтири.

### А н т о н и й

Йўқ, сен аввал ўтири.

### С е з а р

Майли, айттанинг бўлсин.

Ўтирадилар.

### А н т о н и й

Менинг ҳатти-ҳаракатим, айтишларича,  
Хуш келмамиш унча, гарчи уларда сени  
Ранжиттудек бирор нима йўқдир менимча.

### С е з а р

Кулгилидир ранжи хотир бўлишлик менга

Сендан, яна боз устига, майды-чуйдага.  
Тағин баттар кулгилидир, мен сенга айтсам,  
Менга дахлдор бўлмаган ҳаракатлардан  
Хафа бўлсанм.

### А н т о н и й

Хўш, айтгин-чи, қандоқ қарайсан  
Менинг Миср тупроғида бўлишимга?

### С е з а р

Сен -  
Менинг Римда бўлишимга қандоқ қарасанг,  
Худди шундоқ. Лекин ўша Миср мулкида  
Менга қарши фитна-фасод қўзгамоқ бўлсанг,  
Жим турмасдим.

### А н т о н и й

Фитна-фасод деганинг нима?

### С е з а р

Наҳот буни тушунмайсан, изоҳ, сўрайсан?  
Менга қарши жанг қиларкан хотининг, оғанг,  
Улар сурган даъволарнинг таянч - асоси,  
Ва жанговар шиори - Марк Антоний эди!

### А н т о н и й

Бу тўғримас. Ўша Люций - жантари оғам  
Номим билан иш кўришни ўйламаган ҳам.  
Мен бу ҳақда сен томонда туриб уришган  
Жантчиларнинг орасидан йигдим маълумот.  
Сенга қарши қўзғаларкан, бунинг билан у,  
Ўйлайсанки, менга қарши қўзғолмадими?!  
Үртамиизда ҳокимият teng, муштарак-ку.  
Бу тўғрида сенга мактуб ёзганман зотан,  
Ҳа, орада агар жанжал чиқармоқ бўлсанг,  
Бу оловни қўзғамай қўй, ярамагай у.

## С е з а р

Ноҳақлиқда айблаб мени, ўзингни ўзинг  
Тадбир ила яна устун қўймоқ бўласан,  
Шу йўл билан оқданмоқда умид қиласан.

## А н т о н и й

Йўқ, йўқ. Ишонаман, оқил муҳокамага  
Қодирдурсан, ўйлаб қара, қандай қилиб мен,  
Умум ишда елкадошинг, биродаримни  
Кутқу билан қўзғолонга, исёнга тортай?  
Ўз ишимга ўзим таҳдид, таҳлика ортай?  
Хотинимга келсак - насиб этсин сенга ҳам  
Шундай атвор соҳибаси бўлмиш бир санам.  
Ярим дунё измингдадир, осонмас бироқ  
Бир хотинни итоату измингда тутмоқ.

## Э н о б а р

Эҳ, ҳаммамизнинг ҳам шундок жангари хотинларимиз  
бўлганидами, унда урушларга хотинларимиз билан бирга  
борардик.

## А н т о н и й

Кўп афсуслар бўлсин, Сезар унинг атвори,  
Феълидаги қайсарлигу қизиқонлиги  
Шухратпараст ҳаво билан бирикиб чиндан  
Сенга ташвиш ва даҳмаза орттиришиш анча,  
Аммо не қилайн, менинг иложим қанча?!

## С е з а р

Хат йўлладим, аммо сен-чи, банд эдинг ортиқ,  
Искандарий базмлару ишратлар билан.  
Мактубимни ўқимадинг, бир четта отдинг,  
Чопаримни тингламадинг, қувиб ҳайдадинг  
Масхаралаб.

## А н т о н и й

Менга мактуб элттан чопаринг

Хузуримга сўрамасдан, бостириб кирди.  
Уч подшонинг шарафига зиёфат бериб  
Руҳим ишгу ташвишлардан осуда эди.  
Эртасига ҳузуримга чорладим уни,  
Муносибдир маъзурга тенг иш деса буни.  
Бу тўғрида сўз юритмоқ жоизмас жилла,  
Жанжал учун бошқа боис - баҳона изла.

### С е з а р

Сен қасамёд этиб менга, қасамни буздинг.  
Шундоқ таъна отмоқ эсанг менинг шаънимга  
Тилинг ҳатто айланмагай.

### Л е п и д

Секинроқ, Сезар!

### А н т о н и й

Лепид, уни ҳолига қўй!  
Давом эттирсинг.  
Ахир, бундоқ гумонлардан пасайиб қолмас  
Менинг юксак шарафим ва ору номусим.  
Хўш, хўш, Сезар, давом эттир - қасамни буздим.

### С е з а р

...Ҳа, қасамки, биринчи бор сўрашимдаёқ  
Ёрдамлашмоқ бурчинг эди, сўз, амал билан.  
Мен сўрадим, сен рад этдинг, мадад бермадинг.

### А н т о н и й

Аниқроғи, етарлича парво қилмадим.  
Шунаقا бир палла эди... Гёёки афюн  
Чулғамишди хаёлиму ақлимни бутун.  
Бу айбимга иқордирман, менинг иқорим  
Пасайтирмас иззатиму иқоматимни,  
Камайтирмас қудратимни, матонатимни.  
Эҳтимолки, ўз исёни билан Фульвия

Мени Миср тупроғидан чорламоқ, бўлган.  
Беихтиёр гавғога мен сабабчи дирман;  
Шундоқ эса, мен айбимга узр сўрайман,  
Бир узрким, номусимга ва шарафимга  
Зарра дахл этолмагай.

### Л е п и д

Диловар сўзлар.

### М е ц е н а т

Ўтган-кечган гиналарга бериб хотима,  
Чин ҳозирни эсга олиш жоиз эмасми?  
Ҳозирги кун иккингизни этмоқда даъват  
Сулҳи-салоҳ айламоққа.

### Л е п и д

Айни ҳақиқат.

### Э н о б а р б

Сирасини айтганда, бир-бирингизга жиндак-жиндак  
мехр қарз беринг. Помпейнинг овози буткул ўчгандан сўнг  
уни қайтарасизлар. Шунда қиласиган иш қолмайди ва  
сиз маза қилиб, ўзаро бўғишаверасиз.

### А н т о н и й

Сен бор-йўғи бир жангчисан, аралашмай тур.

### Э н о б а р б

Унутибман чин гап кўзга санчилишини.

### А н т о н и й

Ҳой, тилингга ортиқча эрк бераяпсан. Жим.

### Э н о б а р б

Хўп, маъқул. Ҳудди тошдек соқовман энди.

### С е з а р

Гарчи қўпол, аммо гапнинг ростини айтди.

Бизнинг амал, ҳаракатда бирлик бўлмаса,  
Биз дўст бўлиб қолишимиз қийиндир жуда.  
Гар билсайдим бизни қайта пайвандлайдиган  
Ҳалқа нима, уни излаб, ахтариб чиндан  
Борар эдим дунёнинг нақ нари бошига.

### А г р и п п а

Ижозат бер, Сезар.

### С е з а р

Қани, гапир, Агриппа.

### А г р и п п а

Синглинг Октавия ҳозир авжи камолда,  
Мақтovлардан зиёд, яъни зебо бир санам.  
Марк Антоний эса бўйдоқ.

### С е з а р

Тўхта, Агриппа!  
Бу гапингни Клеопатра агар эшитса,  
Жуда оғир жиноятда айбларди сени  
Ва ўзини ҳақ санаради.

### А н т о н и й

Никоҳдамасман,  
Хўш, сўзида яна давом этсин Агриппа.

### А г р и п п а

Ўртангизда дўстлик яна бўлиб пойдор,  
Биродарлик эса яна бўлиб мустаҳкам,  
Диллар дилга боғланмоги учун боякбор,  
Гўзалларнинг гўзали у Октавияни  
Антоний ўз рафиқам деб атashi даркор.  
Энг муносиб бир инсонга насиб бўлгай у  
Таърифлардан баланд тиниқ талъати билан.  
Малоҳати билан, ибо-иффати билан.

Бундай никоҳ бир зумдаёқ хотима берар  
Майдычайда араз ёки гинахонликка.  
Кўп даҳшатли оғатлардан дарак бергувчи  
Пинҳоний у қўрқувларни айлагай тилка.  
Ҳозирда сиз хаёлдан ҳам чўчиб тушасиз,  
Унда эса ҳақиқат ҳам кўринмас қўрқинч.  
Октаия муҳаббати сизларни шаксиз  
Ҳамишалик боғлаб турар мустаҳкам ва зич.  
Умум меҳри - ихлоси ҳам оқар сиз томон,  
Жасоратли сўзим учун узр сўрайман.  
Шу хаёлни кўпдан менга уқдирап бурчим.

### А н т о н и й

Сезар нима деркин?!

### С е з а р

Аввал бошлаб Антоний  
Бу тўтрида не ўйлайди, баралла айтсин.

### А н т о н и й

Мен мабодо "Хўп, Агриппа" деяр эканман,  
Ишни ортиқ саранжому адо этмоқда  
Қандай ҳуқуқ, ваколатта эга Агриппа?

### С е з а р

У соҳибдир Сезарнинг бор ваколатига  
Ва Сезарнинг синглисига буюрмоққа ҳам.

### А н т о н и й

Сўзим шуки, саодатли бундай никоҳдан  
Бўйин товлаш тушимга ҳам кирмасди, дейман.  
Қўлингни бер, Сезар. Бизни бутундан бошлаб  
Биродарлик пайванд этиб, бошласин дадил  
Зўр, улуғвор мақсадларга.

### С е з а р

Мана, ол қўлим.

Бирор оға синглисини севмаган мендек.  
Уни сенга тошираман, соғ бўлсин малак -  
Бизнинг бирлик, биродарлик, иттифоқ учун.  
Бир-бирига туташтириб кўнгиллар мулкин,  
Мехр-вафо кўкартирсин.

### Л е п и д

Айттанинг келсин.

### А н т о н и й

Ажаб шуки, бир кун келиб Помпейга қарши  
Майдонда от чопарман, деб ўйламагандим.  
У яқинда ҳиммат - мадад қўлини чўзди  
Бунинг учун аввал боши ташаккур айттум -  
Токи мени санамагай нонкўр, кўрнамак,  
Шундан кейин жангу жадал бошлаймиз бешак.

### Л е п и д

Шошилайлик. Гар Помпейга ҳужум этмасак,  
У ҳужумга ўтар бизга биринчи бўлиб.

### А н т о н и й

У қаерда ҳозир?

### С е з а р

Мизен этакларида.

### А н т о н и й

Қуруқда ҳам қудратими?

### С е з а р

Қудрати тайин,  
Ошиб-тошиб бораётириб кун ўтган сайин.  
Аммо лекин, дengизда у - ҳақиқий ҳоким.

### А н т о н и й

Бу ҳақдаги миш-мишларни мен ҳам эшигдим.

Унинг билан машмашани тутатмоқ лозим.  
Фурсат етди! Бироқ совут кийищдан олдин  
Бояги сўз, маслаҳатта ясайлик якун.

### С е з а р

Бош устига. Гар истасанг, шу дақиқада  
Сени синглим ҳузурига бошлишим мумкин.

### А н т о н и й

Лепид, сен ҳам ҳамроҳмисан?

### Л е п и д

Шонли Антоний,  
Хасталигим бўйлмагай бу ишга моне.

Карнайлар чалинади. Антоний, Сезар ва Лепид чиқадилар.

### М е ц е н а т

Римга хуш келибсан, дўстим Энобарб!

### Э н о б а р б

Сезарнинг ўнг қўли, муҳтарам Меценат! Олийжаноб  
дўстим Агріппа!

### А г р и п п а

Шавкатли Энобарб!

### М е ц е н а т

Қандай баҳтки, ҳаммаси ўрнига тушди. - Ҳа, афтидан,  
Мисрда ёмон яшамабсизлар.

### Э н о б а р б

Нимасини айтасан! Шу қадар кеч уйғонардикки, кун-  
дуз ҳам бизни деб хижолатдан қизариб кетарди, сўнг шу  
қадар майхўрликка тушардикки, тун ҳам уятдан оқариб  
кетарди.

## М е ц е н а т

Нонуштага ўн икки кишига саккизта қовурилган тўнгиз тортилгани ростми?

## Э н о б а р б

Бу биз учун бургутта чивин бергандек бир гап эди.  
Бизнинг базми жамшидларда шунаёнги гаройиб ҳодисалар рўй берардики, айтиб, адо қиломайсан.

## М е ц е н а т

Айтишларича, Клеопатра тенги йўқ, бир жонон эмиш.

## Э н о б а р б

У Кидна дарёсида биринчи учрашувдаёқ Марк Антоний қалбини асир қилиб олди.

## А г р и п п а

Бу воқеага шоҳид бўлган кимса, агар оширмаган бўлса,  
Клеопатра ўшандан ҳам дилрабо экан.

## Э н о б а р б

Келинг, айтиб берайин.

Унинг Кидна сувларида сузган кемаси  
Ясатилган тахтдек ёниб-ярқирав эди.  
Олтин, садаф қопламалар ялтирав эди,  
Шафақ каби шуълалантган қирмиз елканлар  
Мушки анбар таратарди мармар ҳавода.  
Силаб-сийшаб ўпар эди майин шаббода.  
Найнинг мунгли навосига ҳамоҳанг тушиб,  
Тўлқинларга ботар эди кумуш эшқаклар.  
Дув-дув оқиб тушар эди симоб қатралар.  
Маликанинг тасвирига етишмас қалом.  
Гўзал эди у Зухродан, ёниқ тимсолдан,  
Гарчи ўша гўзалроқдир дилбар хаёлдан,  
Ётарди у, боши узра заррин соябон,  
Чиройли, шўх йигитчалар - фаришта монанд

Еллишарди уни алвон еллигич билан.  
Аммо унинг гулгун юзи елпинишлардан  
Оқармасди, йўқотмасди рангини зарра,  
Лолагулдек ёнар эди, яшнаб тобора.

### А г р и п п а

Уҳ, томоша! Антонийнинг бахти бор экан!

### Э н о б а р б

Севинчларга тўлиб, хандон ҳуру паридек  
Канизаклар унга томон эгилган эди.  
Кўзлар ундан имо кутиб термулган эди.  
Бири рулда туриб, кема бошқарап эди,  
Чайир, аммо гулдек нозик қўлларин сийпаб,  
Шаббодада ҳилпиарди шоҳи либоси.  
Кема ёқдан муаттар бир нафас уфуриб,  
Гул атрига тўлмиш эди соҳил ҳавоси.  
Шунда бирдан дарё томон оқди халойик,  
Бўм-бўш қолди бозор олди мурассаъ майдон  
Ўша майдонда-чи, тахтда ўлтирганича,  
Ҳаво билан қола берди Антоний ҳайрон.  
Бўм-бўшликни ташлаб кетиши бўлганда рало,  
Санам сари ошиқарди ҳаттоки ҳаво.

### А г р и п п а

О, сеҳргар хотин!

### Э н о б а р б

Кема лангар ташлагач,  
Чопарларни югуртириди унга Антоний.  
Зиёфатта таклиф этди ўша жононни.  
Жонон эса таомилни ўртага солиб,  
Уни меҳмон бўлишликка таклиф айлади.  
Хотинларга илтифотли бизнинг Антоний  
Соқолини ўн бор қириб, ташриф айлади.  
Неки еди унда кўзи - тилаги билан  
Барчасига тўлов берди юраги билан.

## А г р и п п а

Воҳ, у хотин! Буюк Юлий Сезар ҳам ҳатто  
Жангтоҳларда ярқираган олмос қиличин  
Унинг заррин тўшагига этмиши нисор.  
У ер сурди, ҳосилини кўтарди дилдор.

## Э н о б а р б

Эсимда бор, бир гал менинг кўзим ўнгида  
Кўча бўйлаб неча қадам югуриб ўтди.  
Шунда унинг жиндаккина нафаси қисди,  
Сўз қотаркан, тўхтаб-тўхтаб, ҳаво ютди у.  
Ярашарди унга ҳатто шу бўғилиш ҳам,  
Бўғиларкан, яшнар эди малоҳат билан.

## М е ц е н а т

Энди уни тарк этади Антоний.

## Э н о б а р б

Асло.

Йиллар унга асар этмас, кўнгилга урмас -  
Ул санамнинг алвон-алвон латофатлари.  
Бошқалар тез жонга тегиб, тўйдирган маҳал  
У тобора қўзгатади очлик-иштаҳа,  
Иштаҳани қўзгайди у қондирган сайин.  
Ҳатто унинг ором билмас ҳирси-ҳавоси  
Ибодатта ўҳшаб кетар.

## М е ц е н а т

Аммо, менимча,  
Камтаринлик, ҳусн, яна ақлу фаросат  
Антонийга юпанч, ором бахш эта билса,  
Октавия унга худди осмон тухфаси.  
Қани, кетдик. Олийжаноб дўстим Энобарб,  
Ижозат эт, кўрсатайин меҳмоннавозлик  
Фанимат шу айёмларда.

## Э н о б а р б

Ташаккур, дўстим.

Кетадилар.

## Учинчи саҳна

Ўша жой. Сезар уйидаги оромгоҳ,

Сезар, Антоний, Октавия ва хос маҳрамлар киришади.

## А н т о н и й

Менинг юксак бурчим, давлат эҳтиёжлари  
Орамизга ҳижрон солар баъзан.

## О к т а в и я

Биламан,

Ўша ҳижрон соатлари ибодат айлаб,  
Яраттандан умринг сўраб, нидо қиласман.

## А н т о н и й

Хайрли тун, Сезар.

Менинг ҳақимда юрган

Миш-мишларга, Октавиям, ишонма зинҳор.  
Кечмишимда, тўтри, бир оз гуноҳларим бор,  
Аммо, бари ўтди-кетди. Хайр-хўш, энди,  
Хайрли тун, Сезар.

## С е з а р

Хайрли тун.

Сезар ва Октавия кетишади. Фолбин киради.

## А н т о н и й

Хўш, қалайсан? Соғиняпсанми Мисрни?

## Ф о л б и н

О кошкийди, мен у ёқдан келмасам эди!  
О, кошкийди, сен у ёққа бормасанг эди!

## А н т о н и й

Нима учун? Жавоб бер.

## Ф о л б и н

Мен сўз билан англатишм мушкулдир беҳад,  
Аммо буни ҳис этаман, сен Мисрга қайт.

## А н т о н и й

Сен ғойибдан хабар бергил, ҳақиқатни айт,  
Меними ё Сезарними кўтарар қисмат?

## Ф о л б и н

Сезарни.

Сўнг ўзингни узоқроқ тут ундан, Антоний.  
Сенинг даҳонг, сенга паноҳ, бўлган фаришта  
Қудратлидир, енгилмасдир, жасурдир магар  
Ён-верида Сезар фариштаси бўлмаса,  
Аммо унинг ёнида-чи, тушкун ва қўрқоқ,  
Шунинг учун сен Сезардан йироқ тур, йироқ!

## А н т о н и й

Бу тўғрида сен бировга оғзингни очма.

## Ф о л б и н

Сендан бўлак ҳеч кимсага оғиз очмайман.  
Сезар билан қандай ўйин ўйнама, зинҳор,  
Ютишингдан ютқизишинг тайин, муқаррар.  
Унинг ёруғ шуъласида сўнар талъатинг.  
Боз айтаман: сенинг даҳонг Сезар олдида  
Чўкиб қолар, йироқда-чи, устувор жуда.

## А н т о н и й

Қани, чиқ! Айт, ҳузуримга кирсинг Вентидий.  
Фолбин кетади.

Ха, у Парфияга юриш бошлайди энди.  
Лекин не бўлмасин, ўша фолбин сўзи ҳақ:  
Ҳатто ошиқ, ўйнаганда, ошиғи олчи.  
Не бир ўйин ўйнамайлик, менинг омадим  
Беллашолмай қолар Сезар омади билан.  
Чек ташласак, ўша ғолиб чиқар муқаррар,  
Ёки хўроз уриштирасак, унинг хўрози  
Хўрозимни чўқиб, тортар қанотидан пар,  
Беданамни беданаси тепиб, қийратар.  
Тезроқ, кетай Миср томон. Бундаги никоҳ,  
Тинчлик учун гаров, аммо толе - машриқда.  
Вентидий киради.

Ха, Вентидий, кела қол, кўп ўтказмай фурсат,  
Парфияликлар устига юришинг лозим.  
Юр, бу ёққа, топшираман сенга ваколат.  
Кетишади.

## Тўртинчи саҳна

Ўша жой. Кўча.  
Лепид, Меценат, Агриппа кирадилар.

## Л е п и д

Бас, етарли бу ёнига кузатманг мени,  
Энди ўзга саркардалар ёнига боринг.

## А г р и п п а

Хайрлашар Октавия билан Антоний,  
У чиқдими, бас, шу заҳот йўлга тушамиз.

## Л е п и д

Учрашамиз энди совут, дубулға кийиб,  
Ха сизларга ярашиқ бу. Саломат қолинг.

## М е д е н а т

Биз Мизенга етажакмиз сендан олдинроқ,  
Шундоқмасми, Лепид?

## Л е п и д

Мүлжал-йўлимиз шундоқ.  
Мен айланиб боришим шарт. Манзилга сизлар  
Етажаксиз мендан роса икки кун аввал.

## М е д е н а т ва А г р и п п а

*(Баравар)*

Оқ, йўл.

## Л е п и д

Хайр, хуш қолинглар.

Кетишади.

## Бешинчи саҳна

Искандария. Саройда бир зал.

Клеопатра, Хармиана, Ирада ва Алексас кирадилар.

## К л е о п а т р а

Ҳай, мусиқа бўлсин, мунис, мунгли бир мақом,  
Ишқ-муҳаббат қулларига аччиқ бир таом.

## М а х р а м

Ҳей, машшоқлар!

Мардиан киради.

## К л е о п а т р а

Қўй, чақирма, улар керакмас.  
Хармиана, кел, яхшиси копток ўйнаймиз.

## Х а р м и а н а

Ҳарам оға билан ўйна, қўлим лат еган.

## К л е о п а т р а

Дарҳақиқат, ўйнамоққа аёл кишига  
Хотиними ё ҳарам оға - бари бирмасми?  
Ўйнайсанми? Эплайсанми?

## М а р д и а н

Ҳаракат этгум.

## К л е о п а т р а

Ким ҳаракат этар экан - гарчи беҳуда,  
Бунинг учун у мутлақо мақтовга лойиқ.  
Йўқ, айнадим, ўйнамайман! Яхшиси менга  
Қармоқ беринг, соҳил сари тушиб борайин.  
Хуш оҳанглар узоқлардан янграб тураркан,  
Сузгичлари қизил-қирмиз балиқ овлайин.  
Жағларини тешиб ўткир асл қармоғим,  
Сувдан тортиб олганимда тиширчиларкан,  
Уларни мен Антоний деб хаёл этаман,  
"Аҳа, қўлга тушдингми?" деб савол этаман.

## Х а р м и а н а

Ҳув, томоша бўлган эди қандоқ, иккингиз  
Гаров ўйнаб, ким ўзарга балиқ туттанды.  
Антоний-чи, сенинг сувчинг яширин илган  
Ўлаксани тантанавор тортиб оларкан,  
Бўлган эди бир аломат кулги, қаҳқаҳа.

## К л е о п а т р а

Эҳ, ўша кун, унтуилмас, бебаҳо кунлар!

Менинг кулгим Антонийни қутуртирганди,  
Тунда эса кулгим уни яшартирганди.  
Эртасига тонгда тағин май туғиб унга,  
Кийтизгандим бор хотинлик зийнат, либосим.  
Үзим эсам, Филиппдаги зафарга шоҳид  
Шамширини камаримга тақиб олгандим.

Чопар киради.

Қайдан келдинг? Адашмасам, Италиядан,  
Қани тўлдир қулогимиз хушхабар билан.

### Ч о п а р

Маликам! О, маликам!

### К л е о п а т р а

У ҳалок бўлдими?  
Кул, "ҳа" десанг - маликанги этарсан ҳалок,  
Йўқ, Антоний тирик, десанг, бунинг устига,  
У озод ва ҳол-аҳволи дуруст, десанг-чи.  
Мана сенга олтин, мана, марҳамат, сенга  
Менинг қўлим, қўлимдаги мовий томирлар,  
Ҳатто шоҳлар уни нафас ютиб, ўпганлар.

### Ч о п а р

Шундоқ, унинг ҳол-аҳволи яхши, маликам.

### К л е о п а т р а

Мана, тилла. Тағин нима... Ўлик ҳақида  
Баъзан лекин: "Ҳол-аҳволи яхши", деймиз-ку.  
Сенинг сўзинг мабодо шу маънода бўлса,  
Аниқ билким, шу олтинни эритиб роса,  
Ўша машъум томонингга қўйишим тайин.

### Ч о п а р

Оҳ, маликам, аввал тапим эшит.

## К л е о п а т р а

Хўш, гапир.

Айтар сўзинг - хайрли бир хабармас, лекин  
Йўқса, нечун юзинг сўлғин, кўзларинг сўник?  
Йўқ, мабодо ёмон хабар келтирган бўлсанг,  
Нечун одам шаклидасан, сочинг ўрнида  
Илонлар гуж ўйнаб турган Азозил эмас?

## Ч о п а р

Тингламоқни истайсанми мени, маликам?

## К л е о п а т р а

Истайманки, шапалоқлаб юзингта урсам.  
Аммо лекин айтар бўлсанг: Антоний тирик  
Ва Сезарга асир эмас, у билан аҳил -  
Олтин, гавҳар ёмғирини ёғдирај ҳозир  
Бошинг узра.

## Ч о п а р

У саломат, менинг маликам.

## К л е о п а т р а

Жуда соз.

## Ч о п а р

У Сезар билан аҳил ва иноқ.

## К л е о п а т р а

Яхши одамдирсан.

## Ч о п а р

Улар дўсти бебадал.

## К л е о п а т р а

Сени инъом-эҳсонларга кўмаман.

Ч о п а р

Лекин...

К л е о п а т р а

"Лекин?" Мана, лаънати сўз, лаънати калом.  
"Лекин"- ўлим эрур яхши муқаддимага.  
"Лекин"- ўша қўллари қон жинояткорни  
Озодликка бошлагувчи қабиқ зинданбон.  
Қани, дўстим, ҳаммасини гапир бир йўла,  
Яхшиликми, ёмонликми, андиша қилма.  
Сезар билан аҳил, соғлом, озод дедингми?

Ч о п а р

Озод? Йўқ, йўқ, маликам, мен бундок демадим.  
Октавия билан маҳкам боғлиқ Антоний.

К л е о п а т р а

Октавия билан? Уни боғлаган нима?

Ч о п а р

Тўшак.

К л е о п а т р а

Совуқ қотаяпман, ҳей Хармиана!..

Ч о п а р

Никоҳига олмиш ўша Октавияни.

К л е о п а т р а

Сени вабо кўтарсинг!

*(Чоларни уриб йиқитади.)*

Ч о п а р

Раҳм қил, маликам!

К л е о п а т р а

Сен нималар дединг?

*(Уни уради.)*

Ярамас қул, йўқол! Йўқса, соchlаринг юлиб,  
Кўзларингни битта-битта ўйиб оламан.

*(Уни куч билан силкийди.)*

Сени темир хивич билан савалаб аввал,  
Тирикрайин қовураман сассиқ ишқорда,  
Милдир-милдир ёнган ўтда.

Ч о п а р

О, шафқат айла!  
Улар ўзи топишган-ку - мен бир хабарчи.

К л е о п а т р а

Айтгандарим ёлғон, деб айт. Мен эса сенга  
Насибангни зиёд айлаб, молу мулк берай.  
Гуноҳингни кечираман. Жаҳлим чиқардинг,  
Шунинг учун урдим сени - орамиз очиқ.  
Сенга инъом-эҳсон этай, бундай давлатни  
Ўнгинг эмас, тушингда ҳам кўрган эмассан.

Ч о п а р

У уйланди.

К л е о п а т р а

Ярамас қул! Сенга ҳаёт ҳайф!

*(Ханжарини чиқаради.)*

Ч о п а р

*(Четта)*

Қочиш керак!..

(Клеопатрага)

Нима қилдим? Гуноҳим нима?

*(Қочади.)*

## Х а р м и а н а

Хой, маликам, тўхта, ўзни қўлга ол ахир!  
Ўйлаб қара, чопар бунга айбдор эмас-ку.

## К л е о п а т р а

Ахир, фақат айбдорларни урарми яшин?  
Майли, Миср чириб кетсин Нил тўфонида!  
Майли, илон-чаён бўлсин бор кабутарлар!  
Қулни дарҳол қайтaringиз! Жинниман гарчанд,  
Лекин уни тишламайман. Қулни қайтaring!

## Х а р м и а н а

Ўтакаси ёрилди-ку.

## К л е о п а т р а

Бошқа тегмайман.

Хармиана чиқади.

Хизматкорга қўл кўтариб, қўлим булғадим.  
Ҳаммасига ўзим айбдор.

Хармиана билан чопар киради.

Яқинроқ кел-чи.

Қўрқма, лекин ёмон хабар келтириш хавфли.  
Хушхабарни минг бир оғиз қичқириб айтар;  
Аммо лекин шум хабарни сўзсиз, садосиз  
Ҳис қиласиз.

## Ч о п а р

Мен бурчимни ўтадим, холос.

## К л е о п а т р а

У ростдан ҳам уйландими?! Фазабим тошиб,  
Нафрлатларим ошиб кетмас сенга нисбатан,  
Агар "ҳа" деб жавоб берсанг.

## Ч о п а р

Ҳа, у уйланди.

### К л е о п а т р а

Лаънат сенга! Ўз сўзингда турганинг турган.

### Ч о п а р

Ёлрон сўзни айттолмайман.

### К л е о п а т р а

Айтсайдинг кошки!

Ярим Миср Нил сувига ўарқ бўлиб худди,  
Макон бўлиб қолмайдими газандаларга! -  
Турқинг қурсин! - Нибуфардан аъло бўлсанг ҳам  
Менинг учун бедавосан. У уйландими?

### Ч о п а р

О, маликам, шафқат айла.

### К л е о п а т р а

У уйландими?

### Ч о п а р

Газаб қилма, ғазабингни қўзғасам агар,  
Итоатим учун менга бермагил жазо:  
Октавия билан никоҳ тузди Антоний.

### К л е о п а т р а

Оҳ! Шу қадар қабоҳат бир ҳабар келтирган  
Кимса ўзи қабиҳлардан қабиҳ эмасми?  
Йўқол! Менга Римдан олиб келган матойинг  
Қиммат-қирон! Ҳе, бошингдан ордона қолсин!  
Ўша билан бўғилиб ўл!

Чопар кетади.

### Х а р м и а на

Сабр қил, бекам!

## К л е о п а т р а

Мен Сезарни қарғаб, роса бадном этганман,  
Антонийни мақтаб.

## Х а р м и а н а

Шундок, жуда күп карра.

## К л е о п а т р а

Мана энди жазосини тортиб турибман.  
Кетдик бундан, во ажабо, йиқиляшман...  
Эй Ирада, Хармиана!.. Йўқ, ўтиб кетди.  
Сен, Алексас, бориб, сўраб билгин чопардан,  
Ҳа, қанақа экан ўша Октавияси?  
Ёши, турқи-таровати, хулқи қанақа?  
Сочларининг тузи қандок, сўра, унутма.  
Келиб, менга бирма-бир айттил эшиттанларинг.

Алексас кетади.

Биз бир-бирдан жудо бўлдик энди умрбод!  
Истамайман! Бир қарасам худди Гаргона,  
Бир қарасам, кўринади Марс сувратида...

*(Мардианга)*

Алексасга айтгин, сўраб билсин чопардан  
Унинг қадди-қоматини. Ҳай, Хармиана,  
Қўй, гапирма, аммо сўзсиз ҳолимга ачин.  
Қани, тезроқ ёторимга етакланг мени.

Кетадилар.

## Олтинчи саҳна

Мизен бурни яқинидаги бир жой. Карнайлар ва ногоралар садоси остида бир ёқдан Помпей ва Менас, иккинчи ёқдан Сезар, Антоний, Лепид, Энобарб ва Меценат қўшинлари билан кириб келишади.

## П о м п е й

Энди гаров асиirlарни айирбосб айлаб,  
Жанг олдидан бир гаплашиб олсак бўларди.

## С е з а р

Биз ҳам худди истар эдик музокарадан  
Бошламоқни, шунинг учун сенга олдиндан  
Ёзма таклифномамизни йўлладик атай.  
Ва бу, эҳтимолки, араз-гина қўзғоттан  
Қиличингни қайта бошдан қинига жойлар.  
Эҳтимолки, Сицилия ўспириналари  
Беҳудадан-беҳудага ўлиб кетмасдан,  
Озод бўлиб, уй-уйига томон йўл олар.

## П о м п е й

Мен сўрайман сиздан, жаҳон ҳукмдорлари,  
Тангри ноиблари, жавоб берингиз, наҳот,  
Тирик туриб ўғли билан оғайнилари,  
Отам учун олинмагай қасос-интиқом?  
Бир замонлар ўша Филиш остонасида  
Брутта дов солиб Юлий Сезар арвоҳи,  
Топганди-ку, ахир, сиздек қасоскорларни.  
Хўш, не учун ўша ранглар, бенаво Кассий,  
Олийжаноб Рим фарзанди, мухтарам Брут,  
Эркинликнинг бўлак барча фидойилари  
Капитолий тепасида оқизди қонлар?  
Улар бари яктан туриб, умум устидан  
Ёлғиз бир шахс-ҳукмфармо бўлмасин, деди.  
Мен ҳам худди шу мақсадни юракка тутдим,  
Шу мақсадда кемаларим бир жойга йигдим.  
Уммонларни чайқатарман энди яшинвор,  
Энди отам олдидаги жинояти-чун  
Нонкўр Римни жазоларга этарман дучор.

## С е з а р

Сен қизишишма.

## А н т о н и й

Кемаларинг билан қўрқитма.  
Денгизда ҳам беллашамиз ҳали. Қуруқда  
Қандай қудрат эгасимиз, ўзингга аён.

## П о м п е й

Ҳа, қуруқда соҳиб қудрат эканлигинг рост:  
Чунки отам қўргонида яшаб турибсан.  
Дейдиларки, какку қуш ҳам уя қурмасмиш,  
Майли, ҳозир яшаб тур-чи...

## Л е п и д

Бу гап ножўя.  
Ишга алоқасиз. Бизнинг таклифимизга  
Нима дейсан, гапир.

## С е з а р

Ҳозир шу ҳақда сўзла.

## А н т о н и й

Биз ўтениб сўрамаймиз. Ўзинг чамала -  
Ҳушёр туриб: нима зиён, нима манфаат.

## С е з а р

Ва шуни ҳам сергак туриб, чамалаб қара:  
Ҳаддан ошсанг, нима бўлур охир-оқибат.

## П о м п е й

Таклифингиз шуки, менга этасиз тайин  
Сицилия билан яна Сардинияни.  
Мен денгизни тозаласам қароқчилардан,  
Кейин Римни ғалла билан таъмин айласам.  
Найзаларни уринтиrmай, қалқонни тешмай,  
Омон-омон қилиб, ҳамма тарқалсин учун -  
Таклифингиз ана шундоқ.

С е з а р, А н т о н и й, Л е п и д

(Баравар)

Ҳа, худди шундоқ.

П о м п е й

Сизга маълум бўлгай, ушбу таклифингизни,  
Қабул қилиб, розилигим айтмоққа келдим.  
Марк Антоний гарчи бир оз чиқарди жаҳлим  
Гарчи хизмат - ҳимматимни эслатиш билан  
Уни камайтирмоқдаман - лекин айтайнин:  
Сезар билан муноқаша қилганда оғанг,  
Сицилия тупроғига қочаркан онанг,  
Ёмон қабул қилмагандик.

А н т о н и й

Бу тўғрида мен эшиздим, Помпей. Бағоят  
Миннатдорман сендан.

П о м п е й

Қани, қўлингни бергил,  
Сени бунда кўрарман, деб ўйламагандим.

А н т о н и й

Жуда юмшоқ бўлар экан Шарқ тўшаклари,  
Сен туфайли кўнгил узиб келдим улардан.  
Аммо лекин фойда қилдим, зиён қилмадим.

С е з а р

Помпей, сени охирги бор кўргандан бери  
Жуда-жуда ўзгарибсан, боқиб ҳайронман.

П о м п е й

Мен ўзим ҳам ҳайронманки, беомон тақдир  
Юзларимни худди шудгор қилиб ташлади,  
Аммо лекин бўйин эгмас унга юрагим.

## Л е п и д

Биз сен билан учрашувдан хурсандмиз.

## П о м п е й

Мен ҳам.

Хуллас, битим-муросага келдик. Бу ёги  
Шартимизни оқ қоғозга тушириб бир-бир,  
Муҳр босиш қолди.

## С е з а р

Тезда бажариш лозим.

## П о м п е й

Хайрлашиб шарафита бир-бirimizni  
Эъзозлайлик ширин базму зиёфат билан.  
Чек ташлайлик, аён бўлсин - бошлаймиз кимдан.

## А н т о н и й

Мен бошлайман.

## П о м п е й

Сен туратур, чек ташлаш зарур.  
Биринчими, ё охирги - етади навбат,  
Сенинг мисрий турфа нозу неъматларингни  
Татиб кўрмоқ учун доим тайёр турамиз.  
Эшигдимки, у ёқларнинг фарогатига  
Юлий Сезар қорин қўйиб, семирган экан.

## А н т о н и й

Кўп нарсалар эшигибсан.

## П о м п е й

Маъзур туттайсан,  
Сени ранжитишни сира ўйламагандим.

## А н т о н и й

Мен ҳам сендан ранжи-хотир сўз эшигмадим.

П о м п е й

Яна шуни эшитдимки, менга айтишиди,  
Аполлодор келтирганмиш гүё бир куни...

Э н о б а р б

Бас, гапирма! Хўп, келтирса, нима қилибди?

П о м п е й

Хўш, у нима келтирибди?

Э н о б а р б

Юлий Сезарга

Келтирибди қошга солиб битта малика.  
Ана энди сени таниб қолдим. Қалайсан?  
Аъло. Ўйлайманки, бундан бўлмагай баттар,  
Баски, бизни тўртта базму зиёфат кутар.

П о м п е й

Қўлингни бер, жангчи. Сенга душман эмасман.  
Жанг-жадалда кўриб сенинг жасоратингни,  
Қойил қолдим.

Э н о б а р б

Сенга меҳрим йўқ эди зотан,  
Аммо лекин мардлигингга айтганман аҳсан,  
Жасоратинг мен сўйлаган мақтовдан баланд.

П о м п е й

Тикка, ҳалол сўзинг учун таҳсин, ташаккур,  
Ҳаммангизни мен кемага таклиф этаман.

С е з а р, А н т о н и й в а Л е п и д

*(Баравар)*

Қани, бошла, биз ташрифга тайёрмиз.

## П о м п е й

Кетдик.

Энобарб ва Менасдан бошқа ҳамма кетади.

## М е н а с

*(Четта)*

Сенинг отанг, Помпей, ҳеч қачон шундай бир битим тузмаган бўларди. (Энобарбга) Биз қайдадир учрашган-миз шекилли?

## Э н о б а р б

Балки, денгиздадир.

## М е н а с

Шундай бўлса керак.

## Э н о б а р б

Сен денгиздаги жасоратларинг билан машҳурсан.

## М е н а с

Сен эса қуруқдаги жасоратларинг билан.

## Э н о б а р б

Мени мақташаркан, шунинг ўзи мақтовга лойик. Аммо, ҳалолини айтсам, мен қуруқликда бир ишлар қилганман...

## М е н а с

Мен эсам - сувда.

## Э н о б а р б

Бироқ баъзи бир жасоратларингдан воз кечишга ўзинг ҳам ҳозирсан. Ахир, сен денгиз қароқчиларининг пирисан-ку.

## М е н а с

Сен эса қуруқдаги қароқчилар пирисан.

## Э н о б а р б

Воз кечиш навбати энди менга етди. Қўлингни бер, Менас. Агар кўзларимиз қозилик ҳужуқига эга бўлганда, улар ўшишаётган икки қароқчини ҳозир ҳибсга олган бўларди.

## М е н а с

Кўли булғанган билан кишининг юзи топ-тоза тураркан.

## Э н о б а р б

Фақат гўзал хотинларнинг юзимас.

## М е н а с

Топиб сўзладинг. Хотинлар худди юzlари билан қароқчилик қилишади.

## Э н о б а р б

Биз сиз билан майдонда куч синашмоқчи эдик.

## М е н а с

Афсуски, энди бор-йўри майхўрликда куч синашишга тўгри келади. Бутун Помпейта ўз баҳтининг дағн маросимида базм қилиш насиб этар экан.

## Э н о б а р б

Қўрқаманки, у қанчалар кўз ёши тўқмасин, энди баҳтини уйготолмайди.

## М е н а с

Қаёқда дейсан! Биз Марк Антоний бу ёқларга келар деб ўйламагандик. Унинг Клеопатрага уйлангани ростми?

## Э н о б а р б

Сезарнинг синглисини Октавия деб аташса керак.

М е н а с

Ҳа, у Гай Марцеллинг хотини эди-ку!

Э н о б а р б

Энди эса Марк Антонийнинг хотини.

М е н а с

Чинданми?

Э н о б а р б

Ҳа, чин ҳақиқат.

М е н а с

Демак, у Сезар билан умрбод боғланибди-да.

Э н о б а р б

Фолбин бўлганимда шундай деб башорат этмасдим.

М е н а с

Ҳа, бу никоҳни тузган муҳаббатмас сиёсат десанг тўғрироқ бўларкан.

Э н о б а р б

Ҳа, шундоқ. Аммо кўрарсан - бу никоҳ уларнинг дўйстлигини мустаҳкамлаш ўрнига, унга сиртмоқ бўлади. Октавия тақводор, совуқ ва камгап хотин.

М е н а с

Шундоқ хотинни ким истамайди?

Э н о б а р б

Ўзи шундай бўлмаган киши, яъни Марк Антоний. У мисрий луқмасига тагин қайтади. Шунда Октавия чеккан оҳлар Сезар юрагида алганга қўзғайди. Ўшаңда, ҳали айтганимдек, улар нақадар мустаҳкам боғлиқ бўлсалар, айрилишлари шу қадар оғир бўлади. Антоний муҳабба-

тини излаб боради; ахир у манфаатини кўзлаб уйланди-  
ку.

### М е н а с

Эҳтимол. Биз ҳам кемага чиқсакмикин, соғлиғинг учун  
қадаҳ кўтармоқчи эдим.

### Э н о б а р б

Маъқул. Мисрда томоқларимиз бу машгулотта анча  
одатланиб қолган.

### М е н а с

Қани, кетдик.

Кетадилар.

### Еттинчи саҳна

Мизен бурнига яқин бир жой.

Помпей кемасининг саҳни. Музика. Май ва ширин-  
ликлар кўтариб хизматкорлар киришади.

### Б и р и н ч и х и з м а т к о р

Бу ёққа келишяпти. Бу азамат чинорларнинг баъзилари  
оёқда зўрга туришибди, шамол эсса, бас, қулаб тушади.

### И к к и н ч и х и з м а т к о р

Лепид шолғомдек қип-қизариб кетибди.

### Б и р и н ч и х и з м а т к о р

Нуқул сирқиндинини унга қўйишияпти.

### И к к и н ч и х и з м а т к о р

Ҳарифларидан бири иккинчисига қаттиқроқ бир гап  
айтиб юборди дегунча, Лепид: "Бўлди қилинглар!"- деб

қичқириб, ловуллай бошлаган ўтни ўчиради, ўзи эса майга мириқиб, баттар ловуллаб ёнади.

### Б и р и н ч и х из м а т к о р

Уларни-ку муросага келтиради, бироқ ўз тана аъзолари билан чиқишолмайди.

### И к к и н ч и х из м а т к о р

Ўзи алп бўлмагач, марди майдонлар сафига суқуилишнинг жазоси шу. Кўтаришга кучинг етмас экан, ойболтадан не фойда? Фойдаси ҳаттоки чивикдан ҳам оз.

### Б и р и н ч и х из м а т к о р

Асл, азамат эрлар даврасига тушсанг-да, у ерда бир чақалик обрўйинг бўлмаса, бу - шарманданг чиқиб, кўз ўрнида шўстакнинг тешигини олиб юрганинг бўлади.

Карнайлар чалинади. Сезар, Антоний, Помпей, Лепид, Агриппа, Меценат, Энобарб, Менас ва бошқа лашкарбошилар киришади.

### А н т о н и й

Ха, уларда одат шуки, эхромлардаги  
Белгиларга қараб, мудом ўлчашар қатъий  
Нил дарёси тўлқинлари, тошқинларини.  
Дарёда сув кўтарилса - ҳосил мўл бўлар,  
Тошқин забти паст келганда - камаяр ҳосил,  
Тошқин қайттач, дехқон вақтни ғанимат билиб,  
Уруғ сочар ўша балчиқ - унумдор қумга,  
Сўнг у ёғи узоқ эмас ўрим-йигимга.

### Л е п и д

Эшитдимки, сизларда қандайдир ғалати бир илонлар учрар эмиш.

### А н т о н и й

Учрайди, Лепид.

## Л е п и д

Ўша мисрий илонларингиз мисрий балчигингизда мисрий қуёшингиздан пайдо бўлармиш. Масалан, дейлик, тимсоҳ.

## А н т о н и й

Тўгри.

## П о м п е й

*(Лепидига)*

Ўтири. Қани, бир сипқориб юбор-чи, Лепид соғлиги учун!

## Л е п и д

Мен энди унчалик... Лекин ҳали оёқда тура оламан.

## Э н о б а р б

Фақат тўрт оёқлаб.

## Л е п и д

Йўқ, чинданам, мен эшигдимки, ҳалиги, нимайди у, Птоломей эҳромлари - аломат нарсалар эмиш. Йўқ-йўқ, тортишманг, буни мен ўзим эшигдим.

## М е н а с

*(Помпейга, секин)*

Помпей, бир оғиз гапим бор.

## П о м п е й

*(Менаста, секин)*

Гапир, нима дейсан? Қулоримга айт.

## М е н а с

Бир нафасга бу ёқقا юр, ёлғиз ўзинтга айтадиган гап бор.

П о м п е й

(Секин)

Ошиқма. Ҳозир.

(Баланд овозда)

Лепиднинг саломатлиги учун ичамиз!

Л е п и д

Қанақа нарса ўзи у - тимсоҳ?

А н т о н и й

Кўринишидан у ўзига ўҳшайди. Узунлиги ўзининг узунлигича, йўронлиги - ўзининг йўғонлигича. Ўзининг сополоқларига суяниб юради. Ейдиган нарсасини ейди. Ўлганда ириб-чирийди, руҳи эса бошқа бир жонзотта ўтади.

Л е п и д

Туси қанақа?

А н т о н и й

Ўзининг тусидек.

Л е п и д

Фалати илон.

А н т о н и й

Нимасини айтасан. Айтмоқчи унинг кўз ёшлари ҳўл.

С е з а р

Шундоқ бир тасвир уни қониқтирагмикин?!

А н т о н и й

Ҳар ҳолда, Помпей унинг томогига қўйган қадаҳлар билан қўшиб ҳисоблаганда, қониқтирса керак. Агар шунда ҳам қониқмас экан, тубсиз бир ўпқон деявер.

## П о м п е й

(Менасга секин)

Ҳой, нари тур! Нима дейсан? ӽз ҳолимга қўй! Сенга нима дедим?

(Баланд овозда)

Менинг қадаҳим қани?

## М е н а с

(Секин)

Шунақами, дастурхондан туриб бир нафас,  
Айттар сўзим тинглашингта арзимайманми?

## П о м п е й

(Секин)

Жинни-пинни бўлганмисан? Нима гап ўзи?  
Помпей билан Менас четта чиқадилар.

## М е н а с

(Секин)

Қисматингта содиклигим ўзингта аён.

## П о м п е й

(Секин)

Садоқатинг белгилидир. Ҳўш, давом эттири!

(Баланд овозда.)

Оғайнилар, нега жимиб қолдингиз?

## А н т о н и й

Лепид!

Нима бало, секин қумга чўқаяпсанми?

Қаддингни тик тутиб ўтири даврада, дўстим.

М е н а с

*(Секин)*

Истайсанми соҳибжаҳон бўлишни?

П о м п е й

*(Секин)*

Нима?

М е н а с

*(Секин)*

Истайсанми соҳибжаҳон бўлишни, дейман?

П о м п е й

*(Секин)*

Қандай қилиб?

М е н а с

*(Секин)*

Менга фақат рози бўлсанг, бас.

Мен-ку оддий, жўн одамман, истасанг лекин,  
Бор жаҳонни тортиқ этгум.

П о м п е й

*(Секин)*

Маст эмасмисан?

М е н а с

*(Секин)*

Бир қатра ҳам ичганим йўқ. Истасанг агар -  
Ер юзининг Юпитери бўлишинг мумкин.  
Мулки мамлакатинг ҳадди-сарҳад билмагай,  
Сарҳад, яъни, осмон билан уммондан бўлак.

## П о м п е й

(Секин)

Қандай қилиб, ахир?

## М е н а с

(Секин)

Бор дунёни уч бўлакка бўлишиб олган  
Триумвирлар жамулжамдир кемантга ҳозир.  
Мен арқонни шарт кесаман. Нарёғи - денгиз.  
Бир нафасда чавақлаймиз учовини ҳам,  
Қарабсанки - сен соҳиби жаҳонсан.

## П о м п е й

(Секин)

Афсус!

Ими-жимида қилиш керак бўлган бир ишни  
Аён-ошкор этмоқдасан валақлаш билан.  
Бундай бир иш - ёвузлиқдир, билсанг, мен учун,  
Сенинг учун эса - хизмат валинеъматта.  
Йўқ, сотмасман номусимни мен манфаатта,  
Ишни расво қилган ўша тилингни тишла!  
Ижросини маъқуллардим, аммо баралла,  
Режасини эса тамом тақиқлашим шарт.  
Бу хаёлни унут энди. Мусаллас симир.

## М е н а с

(Секин)

Сўнаёттан юлдуз йўлчи бўлолмас энди.  
Ким олишни истаса-ю, этмаса журъат,  
Бир бор сийлар, бошқа сийламас омад.

## П о м п е й

Пайти келди, элтиш керак уни қирғоққа,  
Унинг учун даврада мен кўтарай қадаҳ.

Э н о б а р б

Менас, сенинг соғлиғингта.

М е н а с

Дўстим, сен учун.

П о м п е й

Тўлдириб қуй.

Э н о б а р б

*(Лепидни кўтариб кетаётган қулга ишора қилиб)*

Менас, қара, қандай паҳлавон!

М е н а с

Нима бўлти?

Э н о б а р б

Яхшилаб боқ, кўрмаяпсанми?

Худди учдан бир дунёни кўтариб борар.

М е н а с

Маст-аластдир худди ўша учдан бир дунё,  
Бутун дунё маст бўлганда - чайқалар эди.

Э н о б а р б

Шошма, ҳали чайқалади, ўзинг ич энди.

М е н а с

Ҳа, ичайлик, дўстим.

П о м п е й

Лекин ўша искандарий базми жамшидга  
Бизга ҳали йироқ.

А н т о н и й

Энди йироқмас унча,

**Қани, чўқишиштиридик. Сезар, соғлиғинг учун.**

**С е з а р**

Узр. Қанча миямизни ювиб - чаймайлик,  
У ифлосдан ифлос. Қандай оғир заҳмат бу.

**А н т о н и й**

Дақиқанинг фармони шу. Бўйин эгақол.

**С е з а р**

Йўқ, яхшиси, ўзи менга бўйин эгсин у.  
Бир дафъада шу қадар еб-ичгандан кўра,  
Еб-ичишни тўрт кун тамом тарк эттан маъқул.

**Э н о б а р б**

*(Антонийга)*

Зиёфатнинг охирида мисрчасига  
Бир аломат жинни базм айламаймизми?

**П о м п е й**

Ҳа, сўраймиз! Қани, бошла! Қани, бўла қол!

**А н т о н и й**

Қани тезроқ давра олинг! Айланамиз то  
Кайфнинг кучи этмагунча ўзлиқдан жудо  
Ва беҳушлик дарёсига ағдармагунча.

**Э н о б а р б**

Қўлни қўлга беринг, тезроқ, доира олинг,  
Бутун кучи, шиддати-ла янграсин оҳанг!  
Балли! Қани сафда туринг. Болакай, бошла.  
Янгроқ нақоратни эса олайлик ҳамма,  
Томоқларни аямайлик!

Музика. Энобарб қўшиқ бошлайди.

## Қ ў ш и қ

Бахус, эй сахий Худо,  
Бизни масти аласт қил,  
Юракларни бардам қил,  
Фамларни майга ғарқ қил.  
Ишратимиз авж олсин,  
Оlam-жаҳон чайқалсин,  
Оlam-жаҳон чайқалсин!

## С е з а р

Етар дейман энди? Помпей, хўш, хайрли тун! -  
Ижозат бер, куёв, сени олиб қайтайнин,  
Базмингизга таъна билан қарамоқ бурчим.  
Фурсат етди. Мусалласдан ёнар ёноқлар.  
Ҳатто событ Энобарб ҳам суйилиб қолди,  
Менинг тилим эса, қаранг, зўрга айланар.  
Шароб бизни масхарабоз тусига содди.  
Муҳокама нима ҳожат? Хўш, хайрли тун!  
Хўш, Антоний, қўлингни бер!

## П о м п е й

Украшувни биз  
Соҳиlda ҳам такрорлаймиз.

## А н т о н и й

Ҳа-да. Қўлни бер!

## П о м п е й

Сен отамнинг қўргонини олдинг, Антоний,  
Аммо лекин бари бир биз - оғайнилармиз,  
Қайиққа туш.

## Э н о б а р б

Ҳазир бўлинг, йиқилманг.

Энобарб ва Менасдан бўлак ҳамма кетади.

Мен шу ерда қолар бўлдим.

### М е н а с

Менинг бўлмамда.

Сурон солинг, ногоралар, карнай-сурнайлар,  
Улуттуб эрлар билан бизнинг хайр-маъзурни  
Сув Тангриси Нептун ўзи эшитиб турсин.  
Қани, баланд чалинг, вабо кўтарсан сизни!

Карнайлар ва ногоралар чалинади.

### Э н о б а р б

Эҳ-ҳей! Қани қалпоқларни ҳавога отинг!

### М е н а с

Эҳ-ҳей! Қани, кетдик.

Кетадилар.

## УЧИНЧИ ПАРДА

### Биринчи саҳна

Сурияда бир текислик.

Вентидий, Силий ва бошқа Рим лашкарбошилари аскарлар  
ҳамроҳлигида тантанавор юриш билан кириб келишади. Ол-  
динда Парфия шаҳзодаси Пакорнинг жасадини қўтариб бори-  
шади.

### В е н т и д и й

Мағлуб бўлди Парфия - у ўқ-ёйлар юрти.  
Красс учун ўч олишни қисмат буюрди,  
Мен амринн адо этдим. Кўрингиз ҳамма,  
Парфиялик шаҳзоданинг мурдаси, мана.  
Ород ўғлинг Пакор бугун тўлов тўлади.

## С и л и й

Шавкатли ва олийжаноб Вентидий, бу дам  
Қиличингни душман қони бўяб тураркан,  
Тўхтамасдан таъқиб айла, ғанимни ҳайдада  
Мидиядан, икки дарё оралиғидан.  
Шунда сени шарафларга ўраб Антоний,  
Сенга гултож кийдиради худди.

## В е н т и д и й

Йўқ, Силий!

Шу ёри ҳам етар. Шуни яхши англаким,  
Чин йўлбошчи бўлмай, тобе бўлса кимда ким,  
Йўлбошчиси йўқлигига довруқ солиши -  
Ишни тамом расво қилиб қўйгандан хавфли.  
Сезар ёки Марк Антоний неча бор чиндан  
Шон қучдилар ўзгаларнинг шамшири билан.  
Мендан олдин Сурияда саркарда Соссий  
Шундоқ азми-журъат билан ёвни савади -  
Ки, оқибат Антонийнинг қаҳрин қўзғади.  
Йўлбошчидан кимки ўзиб ўтаркан, илло,  
Йўлбошчига йўлбошчилик этади даъво.  
Баъзан шундоқ бўлур, аскар фойдаси учун  
Фалабадан мағлубият афзал кўрингтай,  
Ки, у билан саркардани даф этиш ўнграй.  
Мен кўп ишлар қиласар эдим Антоний учун  
Бунинг билан аммо унинг ғашига тегиб,  
Бор ишимни бир пул қилиб қўйишим мумкин.

## С и л и й

Вентидий, сен кўрсатдингки, аскар дегани  
Фақат қилич эмас, ундан баланд туради.  
Антонийга нималар деб ёзасан энди?

## В е н т и д и й

Мен ёзаман: шон-шавкатли номи билан у

Бизга қанот берди, балки зафар келтириди.  
Тўловини у қайд эттан мардона сафлар  
Унинг ғолиб байроқлари остида юриб,  
Парфиялик енгилмас у чавандозларни  
Яксон этди ва қулини кўкка совурди.

### С и л и й

У қаерда ҳозир?

### В е н т и д и й

Борар Афина томон.  
Ўлжамиз оз эмас. Лекин жавлон урайлик,  
Афинага Антонийдан олдин етмоққа  
Ошиқайлик, дўйстлар. - Қани, олга, жўнадик!  
Кетишади.

### Иккинчи саҳна

Рим. Сезар уйидаги даҳлиз.

Бир ёқдан Агриппа, иккинчи ёқдан Энобарб кирадилар.

### А г р и п п а

Ҳа, хайри хўш қилишдими қайнога-куёв?

### Э н о б а р б

Уч триумвир энди халос бўлиб Помпейдан  
Муҳр-имзо чекмоқдалар битимномага.  
Октавия Римдан айру тушаяпман деб  
Йиглаяпти шўрлик. Сезар бўлса-чи, хомуш.  
Лепид ўсал эмиш, Менас шаҳодатича,  
Помпей базмидан сўнг нуқул кўнгли айнармиш.

### А г р и п п а

О, азамат Лепид!

Э н о б а р б

Шавкат унга ярашиқ!  
Биласанми, у Сезарга ҳақиқий ошиқ.

А г р и п п а

Ва бошига кўтаради Антонийни ҳам.

Э н о б а р б

Сезарми?  
У - Юпитердир ерда чинакам!

А г р и п п а

Юпитерлар Юпитери эзур Антоний!

Э н о б а р б

О Сезар! Бас, яна шундоқ буюк зот қани?!

А г р и п п а

О, Антоний! Қушлар ичра ажиб самандар!

Э н о б а р б

Мақтов унга нима ҳожат, ахир у - Сезар!

А г р и п п а

Иккисига ҳамду сано ёғдирап шундоқ.

Э н о б а р б

Антонийни ялар. Лекин Сезарни кўпроқ,  
Ҳофиз, рассом, ҳайкалтарош, воиз, мунажжим  
Талқин, тасвир, таъриф, таъбир этолмас балким  
Унинг буюк Антонийга бўлган меҳрини.  
Бироқ тавсиф этолмайин Сезар сеҳрини.

Мук тушади.

А г р и п п а

У ошиқдир иккисига ҳам.

## Э н о б а р б

У - қўнғиздир, улар - унга қанотдир кўркам.

Карнайлар чалинади.

Фурсат етди! Хайр, азиз дўстим Агриппа.

## А г р и п п а

Оқ ўйл сенга, олийжаноб дўстим Энобарб.

Улар четта чиқадилар.

Сезар, Антоний, Лепид ва Октавия киришади.

## А н т о н и й

Хўш, бўлди, бас, бу ёғига бизни кузатма.

## С е з а р

Элтмоқдасан юрагимнинг бир бўлагини,  
Унга доим меҳрибон бўл. - Синглим, сен эса  
Чин рафиқа бўлким, менинг умид-омолим  
Пойдор этиб, ишончимни батамом оқла.  
Тагин шунга эҳтиёт бўл, азиз Антоний,  
Биз дўстликка суюнчиқ деб кўтарган устун  
Қулааб тушиб, уни яна абгор этмасин.  
Менга қолса, ҳазор бора яхшийди қани,  
Истифода этмасайдик шу воситани,  
Уни бир кун булғагандан.

## А н т о н и й

Шубҳалар билан

Мени хафа қилмоқдасан.

## С е з а р

Айтдим - қўйдим - да.

## А н т о н и й

Сен қанчалар инжиқ бўлма, қанчалар синчков,

Қўрқув учун боис-асос тошишинг маҳол.  
Сени мудом паноҳида тутсин Тангрилар.  
Римликларнинг юраклари сени деб урсин.  
Хайр энди.

### С е з а р

Хайр энди, синглим, азизам!  
Сени доим ардоқлагай табиат ўзи  
Шафқатини аямагай. Йўлинг оқ бўлсин!

### О к т а в и я

Хайр, азиз оғам!..

### А н т о н и й

Бизда севги баҳоридир, бу кўз ёшлари -  
Ҳамалдаги найсон ёмғир. Ҳай, тетикроқ бўл!

### О к т а в и я

Ҳа, эримнинг қўргонига қараб тур, кейин,  
Кейин...

### С е з а р

Нима?

### О к т а в и я

Қулогингта айтаман, оға.

### А н т о н и й

Унинг тили юрагига мусаллам эмас,  
Юраги-чи, эмас унинг тилига маҳрам.  
Гўёки бир оққуш пати, тўлқинга тушиб,  
Оқиб борар, аммо қайга, билмас ўзи ҳам...

### Э н о б а р

*(Агріппага, секин)*

Назаримда, Сезар худди йигламоқчидаи.

## А г р и п п а

(Энобарбга, секин)

Афсус, бундоқ қоп-қора дөг инсон-ку инсон  
Айғирга ҳам безак бўлиб тушиши гумон.

## А г р и п п а

(Энобарбга, секин)

Юлий Сезар ҳалокати куни Антоний  
Худди шундоқ йигламоқдан бери бўлганди.  
Филиппада Брутта сўнг кўз ёш тўкканди.

## Э н о б а р б

Ҳа, Антоний ўша йили бўлмишди тумов,  
Ёвларини кўз ёши-ла ювмишди чунон  
Мен йигласам аммо, гумон айлама, инон.

## С е з а р

Йўқ, жигарим Октавия, сенга-пайдар-пай  
Хат битарман. Ўтса ҳамки ҳафталар, ойлар  
Сени ҳар дам ёд этарман.

## А н т о н и й

Бас, энди, Сезар.  
Омон бўлсак агар, ҳали кўрармиз чаңдон,  
Қай биримиз уни кўпроқ севармиз жондан.  
Хўп, кел энди, қучоқдашиб хайрлашайлик,  
Тангриларга топшираман сени.

## С е з а р

Бахтили бўл!

## Л е п и д

Фалақдаги ёритқичлар юриб изма-из,  
Равшан этсин йўлинг.

С е з а р

(Октаияни ўтиб)

Хайр.

А н т о н и й

Яхши қолингиз.

Карнайлар чалинади. Ҳамма чиқади.

Учинчи саҳна

Искандария. Саройда бир оромгоҳ.

Клеопатра, Хармиана, Ирада ва Алексас киришади.

К л е о п а т р а

Чопар қани?

А л е к с а с

У эшиқда, чўчиб туригти.

К л е о п а т р а

Беъманилик!

Чопар кўринади.

Қани, дадил киравер, қўрқма!

А л е к с а с

Сен ғазабга минган чоғинг, гўзал маликам,  
Ҳатто Ирод Яҳудий ҳам тушар титроқقا.

К л е о п а т р а

Ўша Ирод боши билан тўлов тўларди,  
Гар Антоний ҳузуримда, измимда бўлиб,  
Буйруқларим бажарсайди.

(Чопарга)

Яқинроқ кел-чи.

Ч о п а р

О, шафқатли ҳукмдорим!..

К л е о п а т р а

Хўш, баён айла,  
Кўролдингми сира ўша Октавияни?

Ч о п а р

Ҳа, маликам, кўрдим уни.

К л е о п а т р а

Қаерда?

Ч о п а р

Римда.

Шундоққина яқинидан, борар эди у  
Оғаси-ю Антонийнинг оралиғида.

К л е о п а т р а

Хўш, қомати қалай? Мендан баландми?

Ч о п а р

Пастроқ.

К л е о п а т р а

Овози-чи, нечук унинг: заифми, янгроқ?

Ч о п а р

Шунчаки бир мингирилаган овоз...

К л е о п а т р а

Шундоқ де...

Ҳа, унда-чи, уни узоқ севмас Антоний.

Х а р м и а н а

Уни севиш? О, Изида! Бу мумкин эмас.

### К л е о п а т р а

Ҳа, менинг ҳам фикрим шундоқ. Юз ўтиради  
Антонийим мингирилаган у макиёндан.  
Хўш, юриши нечук? Нечук унинг рафтори?

### Ч о п а р

Оёгини зўрга-зўрга судраб босади.  
Юрадими, юрмайдими - билиб бўлмайди.  
Унда ҳаёт нури сўник, у аёл эмас,  
Ҳайкалдан ҳам совуқ.

### К л е о п а т р а

Ростдан шунақамикин?

### Ч о п а р

Маликам, мен синчковман.

### Х а р м и а на

Стнчковлиги  
Одатдаги мисрликдан уч карра зиёд.

### К л е о п а т р а

Кузатувчан экан. Мен ҳам кўриб турибман.  
Хўш, нима бор экан унда, нечук фазилат?  
Чопар бало, ақли расо.

### Х а р м и а на

Жуда ҳам баланд.

### К л е о п а т р а

Унинг ёши хусусида нималар дейсан?

### Ч о п а р

У бир карра бева қолган эр қилиб.

### К л е о п а т р а

Нима?  
Бева қолган? - Эшигдингми, ҳай Хармиана?

Ч о п а р

Назаримда унинг ёши ўттизга яқин.

К л е о п а т р а

Юзи қалай, чўзинчоқми ёки думалоқ?

Ч о п а р

Юзи айтиб бўлмас даражада юмалоқ-ялпоқ.

К л е о п а т р а

Ха, бундайлар гўл ва ношуд бўлишар кўпроқ.  
Сочи қалай? Қандай тусда унинг кокили?

Ч о п а р

Қоп-қора бир тусда. Яна манглайи пачоқ.

К л е о п а т р а

Мана сенга олтин. Лекин мендан ранжима  
Еткизганим анув ранжи-озорим учун.  
Сени ўша манзил сари тагин йўллайман,  
Сен пишиқ ва тадбиркорсан. Сафарга шайлан,  
Мен унгача Антонийга битаман мактуб.  
Чопар чиқади.

Х а р м и а н а

Фоят ҳалол йигит.

К л е о п а т р а

Беҳад ҳалол, ҳақлисан.  
Афсус, зулму зугум қилдим унга ноҳақдан.  
Ха, у хотин, кўраманки, менга хавфлимас.

Х а р м и а н а

Йўқ, сира ҳам.

## К л е о п а т р а

Чопар асл улутворликни  
Сохталиқдан ажратувчи қобил бир йигит.

## Х а р м и а н а

Шак-шубҳасиз! Ахир сенинг хизматингда у  
Биринчи йил эмас!

## К л е о п а т р а

Эшит, эй Хармиана,  
Ундан тагин бир нималар сўрамоқчийдим...  
Ҳа, майлига, кейин уни менга жўнаттил,  
Балки, бари ўз ўрнига тушар.

## Х а р м и а н а

Албатта.

Кетадилар.

## Тўртинчи саҳна

Афина. Антоний уйидаги оромгоҳ.

Антоний ва Октавия киради.

## А н т о н и й

Йўқ-йўқ, Октавия, ортиқ эътиroz этма.  
Мен буларнинг барини ва кўп нарсаларни  
Бажону дил кечирардим. Лекин, қара, у  
Помпей билан яна уруш бошламиш, ахир.  
Ёзиб, эълон этар экан васиятнома  
Номим фақат қайд этибди бир-икки карра.  
Бор оламга аён бўлган хизматларимни  
Йўл-йўлакай, енгил-елли санабди, холос.  
У шундай бир масофага бориб этибди.  
Ки, ўзидан забун санар, кўрмас баробар.

Ҳатто машхур жасорату матонатларим -  
Айттар экан, димоғ билан, ғижиниб айттар.

### О к т а в и я

Ёстиқдошим! Ҳаммага ҳам ишонаверма,  
Гар ишонсанг - ҳар нарсага куюнма ортиқ  
Араз, жанжал қўзғаларкан икки ўртада  
Аёлларнинг энг бадбахти бўлишим тайин.  
Ёлворурман икки тараф, икки ёв учун  
Ва шубҳасиз Худоларга бўлурман кулгу.  
Мен уларга аввалбоши нидо этурман:  
"О, эримни тулинг шафқат паноҳингизда!"  
Бир дам кейин яна шундоқ садо этурман:  
"Оғамни ҳам тулинг шафқат паноҳингизда!"  
Қай бир томон устун келиб, қучмасин нусрат  
Менинг учун улуш - фақат қайғу ва ҳасрат.

### А н т о н и й

Менинг Октавиям, меҳру муҳаббатингни  
Шундоқ бир кимсага берким, айласин эъзоз.  
Шарафимдан айрилган кун, унутма шуни,  
Мен бир йўла ўздан жудо бўлишлигим рост.  
Шон-шарафсиз сенга ноил бўлгандан кўра,  
Сенга ноил бўлмаганим афзал минг карра.  
Бироқ истар эсанг бизни яраттироқни,  
Уриниб кўр. Мен унгача шайланай жантга.  
Уруш бўлса, бор маломат тушар акангга,  
У шу жиҳатини тағин бир ўйлаб кўрсин.  
Шошил, йўлга тушгил тезроқ. Омадинг берсин.

### О к т а в и я

Раҳмат, сенга. Соҳибқудрат бўлган Юпитер  
Мен бечора, заифага бахш эттай мадор  
Ки ўртада сулҳу салоҳ ўрнатай зинҳор.  
Ер ёрилар - орангизда уруш чиқаркан,  
Уни тўлдиради фақат мурдалар тоги.

## А н т о н и й

Сен қаҳрингни ўртадаги жанжал, низога  
Ким чинакам боис эса, ўшанг қарат.  
Бирдек айбдор эмасмиз-ку биз можарога,  
Бирдек инъом этсанг вафо, меҳру муҳаббат.  
Шайлан. Тадорикни кўриб, йўлга туш дарҳол  
Хос маҳраминг кимлар бўлур, ўзинг танлаб ол.  
  
Кетадилар.

## Бешинчи саҳна

Ўша жой. Бошқа оромгоҳ.  
Бир ёқдан Энобарб, иккинчи ёқдан Эрос киради.

Э н о б а р б

Хўш, не янгиликлар бор, дўстим Эрос?

Э р о с

Фалати янгиликлар.

Э н о б а р б

Масалан, нечук?

Э р о с

Сезар Лепид билан бирлашиб, Помпейга қарши жанг бошлабди.

Э н о б а р б

Бу эски гап. Хўш, ким кимни енгибди?

Э р о с

Сезар Помпейни Лепид ёрдамида тор-мор этса ҳамки, эндиликада уни ўзига шерик деб санамас эмиш. Бунинг устига, бир замонлар Помпейга ёзган хатларини дастак

қилиб, уни душман билан тил бириктиришда айблаёт-  
ганмиш. Хуллас, бечора триумвир ҳозир банди зиндан  
бўлиб, то ўлим озод этмас экан, у ердан озод бўлиш ҳам  
даргумон эмиш.

### Э н о б а р б

Икки аждар оғиз очмиш ҳозир жаҳонда,  
Қанча емиш берма, тўймас, билишмас қоник.  
Бири бошқасини ғажиб ташлаши аниқ,  
Ҳа, Антоний қайда ҳозир?

### Э р о с

Антоний боғда,  
Қуруқ новдаларни топтаб, разабга тўлиб,  
Қичқирмоқда: "Лепид - аҳмоқ! Лепид - нодон!" деб,  
Ва Помпейнинг қотилига кўрсатаман, деб.

### Э н о б а р б

Флотимиз тайёр тураг сузиб кетмоққа...

### Э р о с

Римга, Сезар билан жангу жадал этмоққа,  
Ҳа, дарвоқе, чорляяпти сени Антоний,  
Кейинроқ ҳам эшитардинг янгиликларни.

### Э н о б а р б

Э, бари бир энди. Майли, не бўлса бўлар.  
Антонийга бошла мени.

### Э р о с

Қани юр, кетдик.  
Кетишади.

## Олтинчи саҳна

Рим. Сезар уйидаги оромгоҳ,

Сезар, Агриппа, Меценат киришади.

### С е з а р

Рим устидан масхаралаб кулмоқдадир у,  
Искандариядан менга этишди хабар,  
Кумуш билан зийнатланган тепалик узра  
Олтин таҳтта ўша маълум Клеопатрани  
Ўзи билан ўтқазибди шундоқ ёнма-ён;  
Ва уларнинг пойидан жой олмиш шу замон  
Сезарион (менга ота тутинган зотнинг  
Ўғли эмиш у). Уларнинг яна бир гала  
Чулдирвақа болалари. Шунда Антоний  
Ёлғиз Миср устиданмас, балки Фаластин,  
Бу тарафи - Лидия ва Қибрис устидан  
Мутлақ ҳокимият бермиш Клеопатрага.

### М е ц е н а т

Буни умум элга эълон айламишми у?

### С е з а р

Эълон этмиш умум элга улур майдонда -  
Яна икки зурриётин - шаҳсаншоҳ дея.  
Арман эли, Парфия ва Мидия узра  
Ҳоким қилиб кўтартганмиш Александрни.  
Сурия ва Киликия, Финикияни  
Птоломей фармонига этмиш мусаллам.  
Клеопатра эса шунда мардум олдида  
Изиданинг либосида бўлмиш намоён.  
Неча карра киймиш уни бундан олдин ҳам.

### М е ц е н а т

Римликларни огоҳ этиш зарур бу гапдан.

### А г р и п п а

Мардум ундан юз ўгирад бу гацдан кейин,  
Чунки унинг мағурорлиги жонига теккан.

### С е з а р

Биз хабардор этдик элни, Антоний эса  
Бир айбнома юборибди бизнинг сенатта.

### А г р и п п а

Хўш, у кимни айбламоқда?

### С е з а р

Мени айблайди.

Мен Помпейдан тортиб олиб Сицилияни,  
Нақд этмабман Антонийнинг тегиши ҳиссасин.  
Қайтармабман қарзга олган кемаларимни.  
Ва ниҳоят, ғазаб ила айблайдики, биз  
Молу мулкин мусодара этиб, Лепидни  
Триумвират ҳуқуқидан маҳрум этибмиз.

### А г р и п п а

Бунга лойиқ жавоб ёзиш жоиздир, Сезар.

### С е з а р

Жавоб ёздим аллақачон, чопар ҳам йўлда.  
Мен ёздимки, Лепид золим, бағритош бўлиб,  
Мансабини ғоят сунистеъмол этди,  
Мансабидан маҳрум этиши зарурат эди.  
Яна шуни қайд қилдимки, қўлимга кирган  
Ерлардан мен Антонийга берай ҳиссасин.  
Лекин шартим шуки, ўша арман ўлкаси,  
Яна ўзи ишғол этган ўзга юртлардан  
Менга ҳам муносиб улуш тайин айласин.

### М е ц е на т

Бундай шартта ён бериши унинг даргумон.

## С е з а р

Ён бермаса, ён бермаймиз биз ҳам ҳеч қачон.

Октавия хос маҳрамлари билан киради.

## О к т а в и я

Салом сенга азиз оғам, азиз паноҳим!

## С е з а р

Бу нимаси? Магар эринг талоқ этдими?

## О к т а в и я

Шундоқ дейишингга сира сабаб йўқ, оға.

## С е з а р

Йўқса, бундоқ ими-жимида келишинг нима?

Шундай ташриф буюарми Сезар синглиси?

Триумвирнинг рафиқаси шундай келарми?

У муносиб қўшин билан келмоғи лозим -

Ки беҳисоб тулпорларнинг магур кишиниши

Унинг олий ташрифидан овоза солсин;

Томошабин залворидан дарахтлар шохи

Эгилсину синаман, деб чарсиллаб турсин,

Туёқлардан чиқсан тўзон кўкка ўрласин.

Лекин сен-чи, ташриф этдинг фуқаро каби,

Бунинг билан халқнинг арзи муҳаббатига

Сад бойладинг, биласанми, меҳру муҳаббат

Изҳор этилмаса, тезда битар оқибат.

Қуруқдами, сувда - сенга чиқардик пешвоз.

Босган ҳар бир қадамингдан бериб шаҳодат,

Олқиши-нидо самоларга этарди парвоз.

## О к т а в и я

Оға, шундоқ келишини мен ўзим истадим.

Бирор мажбур этган эмас. Антоний - эрим

Оғанг жангга тайёргарлик кўрмоқда, деди,

Бу хабарни тинглаш менга кўп оғир эди.

Шунда Римга жўнамоққа изн сўрадим,  
Рози бўлди, мен ҳам дарҳол туриб, жўнадим.

### С е з а р

Қандоқ қилиб жўнашингта рози бўлмасин,  
Ахир унинг хоҳишига тўсиқсан, синглим.

### О к т а в и я

Оға, ундоқ дема.

### С е з а р

Уни кузатмоқдаман.  
Қилмишини сўйлаб турар менга шамоллар.  
Хўш, у қайда ҳозир?

### О к т а в и я

Оға, Афинада у.

### С е з а р

О, нақадар алданибсан! Ўша жодугар -  
Клеопатра уни яна домига олди.  
У Мисрга қайтиб, яна қул бўлиб қолди  
Ва борини фоҳишага айлади нисор,  
Шарқнинг сultonларин бир-бир чақириб улар  
Бизлар билан жанг қилишга шайланмоқдалар.  
Улар билан: Франция подшоси - Адал,  
Ливия подшоси - Бокх, Понтия шоҳи,  
Арабистон шоҳи - Малх, яна шоҳ Ирод,  
Пифлагоннинг ҳукмдори, подшо Филадельф,  
Каппадокий ўлкасига соҳиб Архелай;  
Комагеннинг ҳукмдори, подшо Митридат,  
Ликаондан - Аминт, Мидиядан - Полемон,  
Шунга ўхшаш салотинлар яна ончунон.

### О к т а в и я

Шўрлик бошим! Аввалига дўст бўлиб, бутун  
Душман - ғаним бўлганларга берибман кўнглим.

## С е з а р

Хуш келибсан, синглим. Ёзган мактубинг ўқиб,  
Мен андиша қилиб турдим, айладим тоқат.  
Аммо сени алдагани бўларкан ошкор,  
Андишага энди ортиқ қолмади ҳожат.  
Бизга таҳдид солиб турар ҳозир хавф-хатар,  
Тақдир нима буюради - бўлар муқаррар.  
Сен мухолиф бўлмай, ўзни ўшанга топшириш,  
Майли ўзи бажо этсин ҳукмини қисмат.  
Ҳаммадан ҳам азиз менга ўзингсан фақат.  
Сенга хиёнат қилишди, этишди таҳқир.  
Аммо сира қайғурмагил, Тангрилар яктан  
Жазо берур үнга бизнинг қўлимиз билан.  
Ташрифингдан ҳамма хурсанд.

## А г р и п п а

Хурсандмиз, бекам.

## М е ц е н а т

Хуш келибсан. Рим аҳлининг юраги, жони  
Сенга меҳру шафқат билан лиммо-лим тўлиқ.  
Ёлғиз ўша Марк Антоний - беқарор дайди  
Гуноҳларга ботиб, сенинг қадринг билмади.  
Ҳокимият бериб қўйди бир шаллақига,  
У дунёни лойқалатмоқ бўлади энди.

## О к т а в и я

Шу, рост гапми, оға?

## С е з а р

Эвоҳ, айни ҳақиқат.  
Хуш келибсан, синглим. Сенга тилагим яккаш,  
Барчасига сабот ила бергайсан бардош.  
Кетадилар.

## **Еттинчи саҳна**

Оқсум бурнидаги Антоний қароргоҳи.

Клеопатра билан Энобарб киради.

## **К л е о п а т р а**

Мен сен билан ҳисоб-китоб қиласман ҳали.

## **Э н о б а р б**

Нима учун? Нима учун? Хўш, нима учун?

## **К л е о п а т р а**

Сен қўшинда бўлишимни ножоиз, дединг.

## **Э н о б а р б**

Хўш, жоизми ахир?

## **К л е о п а т р а**

Бизлар - иттифоқчимиз,

Қўшинда бўлишим нечун жоиз бўлмасин?

## **Э н о б а р б**

*(Четта)*

Жавоб шуки, сақлар эсанг қўшинда агар  
Фақат айғирларни эмас, байталларни ҳам,  
Хужум чоги иш чиқмасди айғир зотидан,  
У байталга сакрар эди суворий билан.

## **К л е о п а т р а**

Нималар деб фўлдирайсан?

## **Э н о б а р б**

Антоний учун

Бўлажаксан ортиқча бир ташвиш, даҳмаза,  
Шундоқ пайтда жоизмикин жасорати-ю,  
Идрокини жангга эмас, сенга сарфласа.

Ҳа, шусиз ҳам енгилтак деб аташар уни,  
Римда эса канизагу ахта қулларинг  
Жанг қиласи бунда, деган миш-мис овоза  
Кезмоқдадир қўча-кўйни кулдириб тоза.

### К л е о п а т р а

Бало келсин Римга! Ўша ғийбатчи тиллар  
Ириб-чириб битсин, тубдан тугасин буткул.  
Мен подшоман, демак эрлар билан баробар  
Юрищда ҳам, урушда ҳам бўлишим зарур.  
Йўлим тўсма! Не қилса ҳам, шунда қиламан.

### Э н о б а р б

Тамом, бошқа гапирмайман, таслим бўламан.  
Мана сардор.

Антоний ва Канидий киради.

### А н т о н и й

Канидий, бу ғалатимасми,  
Брундинзийдан ҳам ўтиб, Тарентдан ўтиб,  
Суръат ила Иония баҳридан кечиб,  
Шитоб билан ишғол этмиш Торинани ҳам,  
Эшийтдингми бу хабарни, менинг гўзалим?

### К л е о п а т р а

Эпчиликка тонг қолишар ялқовлар фақат.

### А н т о н и й

Баракалла. Яна сендек қайси бир жангчи  
Сусткашликка босар шундоқ муҳри маломат?  
Канидий, биз жанг қиламиз аввал денгизда.

### К л е о п а т р а

Ҳа, денгизда! Тағин қайда бўларди?!

## К а н и д и й

Нега?

## А и т о н и й

Сезар бизни чорлаётир дengiz жангига.

## Э н о б а р б

Нима қипти! Майдон аро яккама-якка  
Солишмоққа уни бошда чорламабмидинт?

## К а н и д и й

Чорлагандинг уни Фарсал остонасига.  
Юлий Сезар Помпейни тиз чўқтирган жойга.  
Таклифингни аммо қабул этмади душман,  
Қабул этма таклифини, рад айла сен ҳам.

## Э н о б а р б

Яроқсиз эл йигилмишдир кемаларингда:  
Матросликка зудлик билан даъват этилмиш  
Чорбозорчи мардикорлар билан деҳқонлар.  
Сезарда-чи - Секст Помпей кучин синдириган  
Асл дengизчилар, яъни чин паҳлавонлар.  
Унинг кемалари енгил, сеники замбил,  
Уяти йўқ, ахир, дengиз жангин рад этиб,  
Душман билан қуруқлиқда солишсанг агар.

## А и т о н и й

Йўқ, дengизда! Денгизда!

## Э н о б а р б

О, шавкатли сардор!  
Бундай қилма, бизнинг гашга рози бўла қол  
Саркардалик санъатига боқма беписанд;  
Сафларида талай кекса ботирлар бўлган  
Қўшинингни саросима этма бу билан.  
Майдон аро тажрибангни айлама бекор,

Нега энди, чин ғалаба йўлин рад этиб,  
Тақдирни пуч таваккалга боғламоқ даркор?!

### А н т о н и й

Мен денгизда жанг қиласман.

### К л е о п а т р а

Менда олтмиш кема тайёр, чин аслаҳали,  
Бунақасин кўрмагандир Сезар ҳам ҳали.

### А н т о н и й

Кемаларнинг бир қисмини ёқамиз. Кейин  
Матрослари билан бошқа кемаларни биз  
Мустаҳкамлаб, ясов тортиб чиқамиз рўй-рост,  
Худди Оқсум яқинида Сезарга пешвоз.  
Гар денгизда бўлолмасак ғолиб, музофтар,  
Қуруқликда жанг қиласмиз.

Чопар киради.

Нечук хабарлар?

### Ч о п а р

Ҳукмдорим, овозалар этилди тасдиқ,  
Торинани Сезар ўзи олгани аниқ.

### А н т о н и й

Сезар ўзи? Йўқ-йўқ, сира мумкинмас... Ажаб  
Қўшинлари шитоб билан юрмиш шу қадар,  
Сен, Канидий, ўн тўққизта легион билан  
Ўн икки минг суворийни қўл остингга ол.  
Менинг ўрним - кемаларда. Кетдик, Фетидам!

Кекса жангчи киради.

Хўш, не деркин менга шонли, кекса ботирим?

### Ж а н г ч и

Император, денгизда жанг қилиш беҳуда.  
У чириган тахталарга нечун эътимод?

Мана қилич, мана чандық - буларга ишон.  
Финикияликми ёки мисрлик - сувда  
Сузаверсин ўрдақдайин бир нав амаллаб.  
Биз, римликлар ғалабага одатланганмиз,  
Жанг қиласкан, метин ерга оёқни тираб.

### А н т о н и й

Бас, кифоя! Қани, ҳамма кемага!  
Антоний, Клеопатра ва Энобарб кетадилар.

### Ж а н г ч и

Мен ҳақлиман, Ҳеркулесга қасам ичаман.

### К а н и д и й

Сен ҳақлисан, жангчи, лекин бизнинг саркарда  
Ўз измида эркин эмас, етакда юрар,  
Агар билсанг, ҳаммамизга хотин раҳнамо.

### Ж а н г ч и

Сенинг қўл остингда бутун пиёда аскар.  
Кейин барча суворийлар!

### К а н и д и й

Денгизда эса  
Публикола, Марк Юстий, Марк Октавий,  
Тагин Целий жангчиларга бошчилик қиласан.  
Аммо Сезар.. Суръатини кўряпсанми?!

### Ж а н г ч и

Ҳали ўзи Римдан чиқиб ултурмасданоқ  
Қўшилари дасталарга бўлиниб бир-бир,  
Шитоб билан илгарилаб кетищди йироқ,  
Алдаб, четлаб ўтиб соқчи - хуфияларни.

### К а н и д и й

Билмайсанми, қўшинига бошлиқ ким эмиш?

**Ж а н г ч и**

Қандайдир Тавр деган кимса.

**К а н и д и й**

У менга таниш.

Чопар киради.

**Ч о п а р**

Император чорлаётир сени, Канидий.

**К а н и д и й**

Бизнинг айём янгиликлар билан лиқ тўла,  
Ўз мевасин келтиради ҳар бир дақиқа.

Кетишади.

### **Саккизинчи саҳна**

Оқсум яқинидаги текислик.

Сезар ва Тавр бошлиқлари билан киришади.

**С е з а р**

Тавр!

**Т а в р**

Эшигтаман, шоҳим.

**С е з а р**

Жангга кирмайсан,

Токи дengиз жангига тамом тутамагунча.

Ушбу қофоздадир менинг кўрсатмаларим,

Ҳеч оғишмай, барчасига амал қилгайсан.

Иқболимиз ҳал бўлади бунда, билгайсан.

Кетишади.

## Тўққизинчи саҳна

Текисликнинг бошқа бир қисми.

Антоний ва Энобарб киради.

### А н т о н и й

Суворийларни биз анув тепа ортига,  
Худди Сезар қўшинига тақаб қўямиз.  
Унда туриб, ёв кемасин санай биламиз,  
Неки қарор қилдик, қатъий амал қиламиз.

Кетишади.

## Ўнинчи саҳна

Текисликнинг бошқа қисми.

Саҳнанинг бир ёғидан Канидий ўз қўшини билан ўтади. Саҳнанинг иккинчى ёғидан Тавр ўз қўшини билан ўтади. Денгиз тарафидан жанг сурони эшитилади. Энобарб киради.

### Э н о б а р б

Тамом! Тамом! Бари тамом! Лаънатлар бўлсин!  
"Антониада", яъни Клеопатра кемаси -  
Рулни буриб, қуён бўлиб, қочиб қоларкан,  
Орқасига қайтди олтмиш Миср кемаси.  
Кошкийди, кўрмасайдим, кўр бўлсам эди!

Эскар киради.

### Э с к а р

О, самовот! О, жаҳаннам аланталари!

### Э н о б а р б

Нима бўлди, Эскар! Мунча газабга миндинг?

### Э с к а р

Биласанми, нодонлигу гўллик туфайли

Биз йўқотиб қўйдик роса ярим дунёни.  
Мулку мамлакатни битта ўпичга бердик!

### Э н о б а р б

Нима билан тугаркан бу қонли можаро?!

### Э с к а р

Нима билан тугар эди қабоҳат, бало?  
Муқаррарки, ўлим билан! Вабо кўтарсинг  
Мисрнинг бу бехосият фоҳишасини.  
Жангнинг худди авж палласи, айни қизгин пайт  
Зафар билан мағлубият эгизак маҳал  
Балки, зафар юз кўрсатай деб турган фурсат -  
Елканларин кўтарибоқ қочиб қолди у,  
Худди десанг, саратоннинг иссиқ кунида  
Сўна чақиб, қувалаган сигирнинг ўзи!

### Э н о б а р б

Мен ҳам кўриб турдим. Лекин кўрар кўзларим  
Томошага дош бермади, чидай олмадим.  
Юз ўтиридим.

### Э с к а р

У шамлақи қочиб қоларкан,  
Антоний - у жодугарнинг қули, қурбони,  
Эркак ғоздек қанотларин ёзиб, изма-из  
Худди унинг орқасидан тушса бўларми?!

Ўз ҳолиҷа қолаверди авжга чиқсан жанг.  
Кўрмагандим бундай оғир шармандаликни.  
Жасорат, ор-номус, шавкат - бари бир йўла  
Бундай оғир қуламаган.

### Э н о б а р б

О, қандай алам!

Канидий киради.

## К а н и д и й

Зўрга нафас олар бизнинг жанговар қисмат  
Ва дентизга чўкиб борар. Бизнинг саркарда  
Айнамасдан, ўз-ўзига содиқ қолганда,  
Биз томонда бўлар эди жангда ғалаба.  
Ибрат кўрсатди у қочиб шармандаларча.

## Э н о б а р б

*(Четта)*

О, буёғи тушунарли, ниятинг аён,  
Бундан чиқди, биз тугадик, тамом-вассалом.

## К а н и д и й

Улар бирга йўл олишди Пелопоннесга.

## Э с к а р

Узоқ эмас. Мен ҳам борай ўша томонга,  
Ҳа, кўрай-чи, оқибати нима бўларкин?!

## К а н и д и й

Мен Сезарга таслим бўлгум қўшиним билан,  
Иттифоқчи олти подшо майдонни ташлаб,  
Аллақачон унга бўйин эгишди яктан.

## Э н о б а р б

Антонийнинг шон-шавкатли юлдузи сўнди,  
Аммо унга эргашаман, идроким гарчанд  
Қарши елдек юзларимга урса-да ҳар дам.

Кетишади.

## Ўи биринчи саҳна

Искандария. Саройда бир зал.

Антоний хос маҳрамлари билан киради.

### А н т о н и й

Замин фарёд солмоқдадир. Тингляяпсизми?  
Оёқ босма сийнамга, деб ёлбормоқда у;  
Антонийни кўтаришдан у номус қилар.  
Дўйстлар, олам кўзларимга шундай қоронгу  
Ки, йўл топиш энди менга мушкул нақадар!  
Олтин, кумуш ортган кема турар гаванда.  
Вақт ўтказмай, хазинани бўлиб олинг-да,  
Қочинг, тезроқ қочинг бундан - ёлғиз чораси,  
Сезар билан келишасиз бир илож қилиб.

### М а ҳ р а м л а р

Қочиш? Йўқ, ҳеч қачон!

### А н т о н и й

Ахир, мен ўзим қочдим,  
Ўзим қочиб, қўрқоқларга кўрсатдим ибрат:  
Душманларга нечук орқа ўтиromoқ лозим...  
Мен шундоқ бир йўл танладим, қочингиз, энди  
Зарур бўлмас, дўйстлар, менга заррача мадад.  
Ўзни тезроқ қутқарингиз! Бутун хазина  
Бандаргоҳда, ҳаммасини олинг. О, уят!  
Мен изидан чопган ўша кимсага қараб,  
Бошимдаги соchlарим ҳам бўғишар ҳозир:  
Оқи қорасини сўкар тентаклиги-чун,  
Қоралари оқларига ёғдирар дашном -  
Кўрқоқлиги учун, яна оппоқлиги-чун.  
Дўйстлар, қочинг! Мен сизларга мактуб бераман,  
Йўлларингиз равон бўлиб, чекинар хатар.  
Юзингизни буриштирманг ғам-андуҳ билан,

Қабул қилинг, мендан сизга шу сўнгги самар.  
Ўз-ўзини тарк эттани ташлаб кетарлар,  
Қочинг тезроқ дengиз томон, кемага чопинг.  
Сизга бердим кемани ҳам, хазинани ҳам,  
Мени ёлғиз қўйинг. Фақат сиздан сўрайман,  
Мен сўрайман сиздан - энди амр этолмайман.  
Ўтингчим шу. Ортингиздан етиб бораман.

(Ўтиради.)

Эрос, Хармиана ва Ирадага суюнган ҳолда Клеопатра  
киради.

Э р о с

Яқинроқ бор, тасалли бер, маликам.

И р а д а

О, маликам, яқинроқ бор!

Х а р м и а н а

Уни юпантир.

К л е о п а т р а

Мен ўлтирай. О, Юнона!

А н т о н и й

Йўқ, йўқ, йўқ, йўқ!

Э р о с

Қарасанг-чи, император!

А н т о н и й

О, уят! Уят! Уят!

Х а р м и а н а

Маликам!

## И р а д а

О, азиз бекам!

## Э р о с

О, ҳукмдорим!

## А н т о н и й

Ха... у Сезар... ўша Филипп остонасида  
Раққос каби қиличини ўйнаган эди.  
Бехудага у ён-бу ён сирмаган эди.  
Шамиширимдан Кассий шунда ботмишди қонга,  
Шиддатимдан қуламишди шиддаткор Брут...  
Ха, ўшанды бошқаларга сұяниб олган,  
Тажрибасиз, ҳарбу зарбдан бехабар банда  
Сезар бутун... Ха, майлиға бари бир энди.

## К л е о п а т р а

Ох, ёрдам берингиз!

## Э р о с

Хукмдорим, қарасанг-чи, малика шунда!

## И р а д а

О, маликам, яқинроқ бор, у билан сүзлаш,  
У уятдан адo бўлган.

## К л е о п а т р а

Хўп, майлиға... Мен сизларга сұянай фақат.  
О!..

## Э р о с

Олийжаноб ҳукмдорим, тура қол энди.  
Маликамиз яқинлашиб келар сен томон,  
Зўрга-зўрга қадам босар, қомати букик,  
Бошинг кўттар, йўқса, ёринг ҳалок бўлади.

## А н т о н и й

Шармандали қочиш билан шон-шавкатимни  
Булғадим мени!..

## Э р о с

Хузурингда турар малика.

## А н т о н и й

Не кўйларга солдинг мени, Миср санами!  
Ҳолимга боқ маним, мени айла томоша.  
Шижоатим, саодатим вайронасига  
Ўртанаарман боқиб энди уятим оша.

## К л е о п а т р а

Подшоҳим! О, мўътабар, чин ҳукмдорим!  
Менинг қўрқоқ аскарларим айбини кечир.  
Сен изимдан келишингни қайдан билибман...

## А н т о н и й

Миср қизи, сен билардинг буни, билардинг -  
Билардингки, юрагимнинг изми қўлингда,  
Билардингки, қайда бўлсанг, бўлурман шунда.  
Билардингки, сен ҳокимсан руҳимга, ҳоким,  
Билардингки, бир ишора менга кифоя,  
Мен Худолар амрини ҳам бузишим тайин.

## К л е о п а т р а

Кечир мени!..

## А н т о н и й

Энди ўша гўдак болага  
Элчи йўллаб, раҳму шафқат сўрашим даркор,  
Ялинишими, ўзни забун айлашим даркор.  
Мен, бир лаҳза аввал роса ярим дунёга  
Соҳиб бўлган кимса, қисмат билан ўйнашдим!  
Сен билардинг - сенга тамом тутқуналигимни.

Ишқинг чулғаб олғаң, ожиз қолди қиличим!  
Фақат сени деди, фақат тан олди сени.

### К л е о п а т р а

Мени кечир!.. Кечира қол мени!..

### А н т о н и й

Йиглама,  
Менинг учун бебаҳодир бир қатра ёшиңг  
Барчасидан - неки тоңдим, неки йўқотдим.  
Бир ўпичинг ҳаммасига муносиб эваз.  
Мен Сезарга болаларим муаллимини  
Элчи қилиб юборгандим. У қайтмадими?  
О, севгилим, қўрғошинга тўлгандаи танам.  
Ҳой, кимлар бор унда - шароб, таом келтириңг,  
Эй, бари бир энди! Қисмат этаркан таъқиб  
Мен куляман яна, унинг раşкини ёқиб!

Кетадилар.

### Ў и иккинчи саҳна

Сезарнинг Мисрдаги қароргоҳи.

Сезар, Долабелла, Тирей ва бошқалар киришади.

### С е з а р

Қани айтинг, Антонийнинг элчиси кирсин,  
Ким экан у?

### Д о л а б е л л а

Антонийнинг болаларига  
Таълим-сабоқ ўргатувчи оддий муаллим.  
Шундай зотни элчиликка йўллабдими, бас,  
Антонийнинг пати роса тўзғигани рост.  
Кечагина элчилари - подшолар эди.

Евфроний киради.

### С е з а р

Яқинроқ кел. Гапир!

### Е в ф р о н и й

Асли ким бўлмайин мен,  
Антонийдан элчиидирман - ваколатим бор,  
Гарчи денгиздаги битта қатра мисоли,  
Унинг ёди-хаёлида йўқ эдим зинҳор.

### С е з а р

Майли, шундоқ дейлик. Гапир, муддаойинг не?

### Е в ф р о н и й

Антоний ўз тақдирининг ҳукмдорига  
Аввал салом йўллаб, кейин шараф-шон айтар.  
Ва Мисрда қолмоқликка сўрар ижозат.  
Гар ижозат этилмаса, унинг тилаги  
Бундан ҳам оз эрур, балки бундан ҳам кичик.  
У бор-йўти сендан фақат сўрайди изн:  
Афинада фуқародек яшashi учун,  
Тирик бўлса, эркин, озод юрса - кифоя.  
Сезар, сендан сўраб қолди Клеопатра,  
Қудратингга таъзим адо айлагач, токим,  
Соҳиб даврон бўлган унинг ўғилларини  
Этмагайсан Птолемей тожидан маҳрум.  
Уларнинг бор истиқболи қўлингда бутун.

### С е з а р

Кулогим кар Антонийнинг ўгинчларига.  
Тингламайман Клеопатра тилагини ҳам.  
Токи ўша ўйнашини Миср мулкидан  
Ҳайдамаса, ё ўлдириб, бермаса барҳам.  
Шу шарт билан маликага этаман ёрдам.  
Жавобимни бориб етказ иккисига ҳам.

## Е в ф р о н и й

Саломат бўл, тақдир мудом омадинг берсин.

## С е з а р

Бирор уни қароргоҳдан кузатиб қўйисин.

Евфроний кетади.

Тирей, навбат келди нутқи фасоҳатингга,  
Уни ишга солиб, энди Клеопатрани  
Антонийдан ажратишга уннаб кўргайсан.  
Неки хоҳиши айламасин, менинг номимдан  
Ишонтириб сўзлагайсан, ваъда бергайсан.  
Каллангга не келса, сўйла, қўшиб чатавер,  
Хотинларки, беқарордир баҳт-саодатда,  
Лекин бало эшик қоқиб турган соатда  
Таслим бўлур уларнинг энг фариштаси ҳам.  
Хуллас, Тирей, эпчилроқ бўл. Хизматинг учун  
Кейин тайин этажаксан ўзинг мукофот,  
Кейин не тиласанг, бари - мен учун қонун.

## Т и р е й

Кетдим.

## С е з а р

Антонийга ташла яхшилаб назар,  
Нечук таъсир этмиш унга енгилиш, завол,  
Унинг қадам олишидан пайқаб, билиб ол  
Ниятини.

## Т и р е й

Мен ҳаракат қиласман, Сезар.

Кетадилар.

## Ўн учинчи саҳна

Искандария. Саройда бир зал.

Клеопатра, Энобарб, Хармиана ва Ирада кирадилар.

### К л е о п а т р а

Не қилайлик, нима қолди бизга, Энобарб?

### Э н о б а р б

Үйлаб кўриб, ўлиш қолди.

### К л е о п а т р а

Бунга ким айбдор -  
Антонийми ёки менми?

### Э н о б а р б

Фақат Антоний.

Нафсини деб у ақлини айлади абгор.  
Сен-ку бардош беролмабсан жанг ваҳшатига,  
Не ваҳшатки, икки ғаним, икки ёв лашкар  
Майдон аро бир-бирини қақшатар, қақшар,  
Хўш, у нега энди бирдан чопқиллаб қолди.  
Икки ярим дунё худди тўқнаш келган дам  
Ва уни деб қон-қабоҳат қайнаган маҳал  
У ўзининг саркардалиқ олий бурчидан  
Тубан ҳирсу ҳавосини санади афзал.  
У изингдан қувиб, ёвнинг ҳамда ўзининг  
Кемалари орасидан елиб ўтаркан,  
Шармандалиқ оғир келди мағлубиятдан.

### К л е о п а т р а

Ҳой... Жим бўл!

Антоний ва Евроний киради.

### А н т о н и й

Хўш, шунақами унинг жавоби?

## Е в ф р о н и й

Шундоқ, бегим.

## А н т о н и й

Мени сотиш эвазига у  
Маликага имтиёзлар ваъда этдими?

## Е в ф р о н и й

Шундоқ деди.

## А н т о н и й

Маликага буни хабар қил.

*(Клеопатрага)*

Менинг қирав қоплаёттан бошимни кесиб,  
Уни тортиқ қилиб юбор бола Сезарга,  
Бунинг учун у подшолик беради сенга.

## К л е о п а т р а

Сенинг бошинг эвазига?

## А н т о н и й

*(Евфронийга)*

Сен изингта қайт,  
Хузурига бориб айтки, ҳали гўдак у.  
У жаҳонни қойил қилсин қиличи билан.  
Молу маблағ, кемалару қўшинлар гоҳо  
Тегиши, тобе бўла олур қўрқоққа ҳатто.  
Ҳатто кичик болакайнинг қўл остида ҳам  
Унинг лашкарбошилари жант қилиб қойил,  
Фалабаю шон-шухратта бўлишар ноил.  
Шундоқ, экан ўшаларсиз очсин маърака  
Ва мен билан майдон аро яккама-якка  
Бир солишиб кўрсинг. Мактуб ёзиб берай, юр.

Антоний ва Евфроний кетишади.

## Э н о б а р б

(Четта)

Бўлмасам-чи, ахир Сезар анчадан буён  
Соҳиб зафар қўшинини тарқатиб ҳар ён,  
Қиличбозлик айламоқни этади орзу,  
Эҳ, кўраман аниқ, ташқи марҳумиятлар  
Жудо айлар экан ички фазилатлардан,  
Агар қодир эсанг, ўлчаб кўришинг мумкин,  
Биз ақлдан айрилурмиз айрилиб баҳтдан,  
Сен Сезарга ўзинг қиёс этаяпсанми?  
Чинакамий Сезарга-я, ҳавоий баңда?  
Демак Сезар хушигниям забт этибди-да.  
Сарой ходими киради.

## С а р о й    х о д и м и

Маликага элчи.

## К л е о п а т р а

Ажаб, бу қанақаси?  
Ҳеч қандайин маросимсиз, тўғридан-тўғри.  
Ҳай, қаранглар, бир замонлар гунча олдида  
Ер ўтганлар атиргулни хушламас энди.  
Қўйинг, кирсин.

## Э н о б а р б

(Четта)

Мен афтидан виждоним билан  
Аразлашган кўринаман. Ахир аҳмоқقا  
Хизмат қилиш аҳмоқлик-ку, не бўлур бошқа?  
Аммо-лекин мағлубият қойим бўлса ҳам  
Ким сардорга бўлар экан содиқ мусаллам,  
У ғолидан ғолиб келар, юксакдан юксак  
Ва номини тарихга ҳам ёзади бешак...

Тирей киради.

К л е о п а т р а

Не истайди Сезар? Сўзла.

Т и р е й

Азиз, маликам,

Не истайди Сезар - ёлғиз сенга сўзласам.

К л е о п а т р а

Ташвиш тортма. Булар менинг дўстларим бари.

Т и р е й

Ва Антоний маҳрамлари, шундоқ эмасми?

Э н о б а р б

Қани энди бўлса эди Антонийда ҳам

Сезарчалик садоқатли неча дўст-ҳамдам.

Агар Сезар хоҳиш этса, бизнинг ҳукмдор -

У билан дўст-иноқ бўлур, демакки, биз ҳам.

Т и р е й

Хўп, жуда соз. Шон-шавкатли, азиз малика,

Ташвишларинг унугт, сендан сўрайди Сезар.

Ва шуни ҳам ёдингда тут мудом: у - Сезар...

К л е о п а т р а

Кўп шоҳона сўз бўлди бу. Хўш, давом эттири.

Т и р е й

Унга маълум, Антонийнинг қўйнига сени

Ташлаган ишқ-муҳаббатмас, қўрқувдир, холос.

К л е о п а т р а

О!..

## Т и р е й

У надомат чекар, паймол бўлди номусинг,  
Зўравонлик самовий у шаънинг булғади,  
Сени оғир маломатта дучор айлади.

## К л е о п а т р а

У - Тангридир, унга буткул ҳақиқат аён.  
Ор-номусим ўз изми-ла таслим бўлмади,  
Аммо жангда мағлуб бўлди.

## Э н о б а р б

*(Четта)*

Йўғ-ей, наҳотки?!

Антонийдан сўраб боқай. Вой, сен, бечора  
Шундоқ ғалвир бўлибсанки, бизга қолгани -  
Қочиш бўлти - севганингдан олиб ибратлар,  
Йўқса, худди жаҳаннамга чўкиш муқаррар...

*(Кетади.)*

## Т и р е й

Хўш, Сезарга нималар дей, тилагингни айт.  
У ўтингчлар этар, салкам илтижо айлар,  
Рухсат тилар, кўрсатай деб саховатини.  
Агар унинг толеини асо деб билсанг,  
Ва ўшанга суянмоқни этсанг ихтиёр,  
У ўзини санар эди ғоят баҳтиёр.  
Мабодо, сен Антонийни рад этиб буткул,  
Жаҳонгирнинг паноҳига ўтдим, десанг-чи,  
Бу хабардан хурсанд бўлар.

## К л е о п а т р а

Хўш, исминг нима?

## Т и р е й

Исмим - Тирей.

## К л е о п а т р а

Назокатли элчи эмишсан,  
Подшоҳингта сўзларимни бориб хабар қил:  
Мен Сезарнинг соҳиб зафар қўлин ўпаман,  
Тиз чўкаман ҳатто унинг оёқларига.  
Тожимни мен йўлларига нисор этаман,  
Бутун жаҳон тинглагувчи тилидан шу зум  
Ўзимга ҳам, Мисрга ҳам кутаман ҳукм.

## Т и р е й

Фоят ажиб, олийжаноб қарор бўлди бу,  
Ақлу идрок тушар экан иқболдан айру,  
Унинг учун кичкина бир самара ҳам бас.  
Тасодифлар унга қўрқинч - даҳшат кўринмас.  
Менга шараф инъом этиб, қўлингни берким,  
Нақш этайин унда бурчим адо эттаним.

## К л е о п а т р а

Бир замонлар Сезарнинг у ўгай падари  
Голибона юришларни ўйлаб, атайин,  
Шу бечора қўлни ўйнаб тургувчи эди.  
Бўсалари ёмғир бўлиб ёғарди кейин.

Тиреј унинг қўлини ўпади. Антоний билан Энобарб киради.

## А и т о н и й

Мен нималар кўряшман? Қодир Юпитер! -  
Кимсан ўзинг?

## Т и р е й

Мен - инсонлар аро қудратли  
Буюқ зотнинг иродасин бажо эттувчи,  
Ки, унинг ҳар фармойиши - умумга қонун.

## Э н о б а р б

(Четта)

Таъзирингни ейсан энди.

## А н т о н и й

Эй, мулозимлар!  
Вой, сен аблаҳ!.. Ё иблислар, аё Тангрилар!  
Қани, менинг салтанатим? "Эй!" дедимми, бас  
Бир замонлар чошиб келар эди сultonлар -  
Худди гала болалардек: "Буйруғинг не?" деб.  
Кар бўлдингми ҳамманг?

Хизматкорлар киришади.

Ҳали мен Антонийман.

Олиб чиқиб, саваланг бу масхарабозни!

## Э н о б а р б

(Четта)

Шерваччани папалаш - бу иш эмас ҳали,  
Ўлаёттан шерга озор етказиш хавфли.

## А н т о н и й

Ё юлдузлар! - Ярамасни элтиб, саваланг!  
Ҳатто Сезар измидаги ўнлаб ҳукмдор  
Келса ҳамки... мен уларга амр этардимки...  
Аямасдан таъзирини берар эдим, шу...  
Номи нима - Клеопатра эмас ҳар қалай,  
Шунга жиндек яқинлашмоқ журъати учун.  
Олиб чиқинг! Ва саваланг токи тўлғаниб,  
О, шафқат, деб фарёд-фиғон кўтармагунча.

## Т и р е й

О, Марк Антоний!..

## А н т о н и й

Опчиқинг, боплаб саваланг!  
Сўнг бу ёққа бошлаб келинг, шундан кейин у  
Хўжасига қайтар менинг мактубим билан.

Хизматкорлар Тирейни олиб чиқишиади.

Сўлган эдинг анча, рангинг ўчаёзганди  
Мен сен билан биринчи бор учрашган маҳал.  
Мен сени деб никоҳимдан воз кечиб атай,  
Мен сени деб хотинимдан шаръий, қонуний  
Авлод-зурёд кўришни ҳам истамасаму  
Сен устимдан масхаралаб, кулиб ўтирсанг...  
Менми ёки тасодифий шилқим бир банда -  
Бундан чиқди, сенинг учун фарқсиз экан-да!

### К л е о п а т р а

Ҳукмдорим!

### А н т о н и й

Ишонмоқ ҳайф сендақаларга!  
Лекин эвоҳ гуноҳларга ботар эканмиз,  
Жазосига басир этар бизни Худолар,  
Кейин ақлу фаросатдан айириб улар,  
Янглишлару хатоларга этар гирифтор.  
Устимиздан сўнгра қаҳ-қаҳ отиб кулишар,  
Борарканмиз нақ ҳалокат сари пурвиқор.

### К л е о п а т р а

О! Шунгача бориб етдингми?

### А н т о н и й

Марҳум Сезар сени менга қолдирган эди  
Сарқит каби. Сезар нима - Гней Помпей ҳам  
У неъматдан меъдасига теккунча еди;  
Сен жазаванг тутган маҳал түшакка торттан  
Номсизларни, майли, ҳозир эсламайман ҳам.  
Биламанки, покдомонлик ва иффат сенга  
Ёт, бегона!

### К л е о п а т р а

О, бу оғир таъналар нега?

## А н т о н и й

Бу нимаси, ахир, битта ўткинчи шилқим  
Тап тортмайин лабларини қўлингта босса.  
Ҳукмдорлик шаҳодати, олийлик рамзи.  
Менинг учун азиз, эзгу бўлган қўлга-я...  
О, агарда, ҳозир Базан тогида бўлсам,  
Мен баландроқ бўкирардим буқалардан ҳам!  
Чунки қутурмоққа менга баҳона тайин,  
Менинг ҳозир назокатли бўлишим қийин.  
Жаллод келиб бўққан маҳал маҳбуснинг бўйни  
Унга раҳмат айтармиди...

Хизматкорлар Тирейни олиб киришади.

Савадингларми?

## Б и р и н ч и х и з м а т к о р

Саваганда қандоқ, бегим.

## А н т о н и й

Ҳа, қичқирдими?  
Тавба қилдими у?

## Б и р и н ч и х и з м а т к о р

Раҳму шафқат сўради.

## А н т о н и й

Отанг тирик, энди-чи, у сендеқ қизимас,  
Сендеқ ўғли бўлганига йигласа, арзир.  
Ўзинг эса голиб Сезар изидан юриб,  
Шундоқ калтак еганингта надоматлар чек.  
Бундан кейин аёлнинг оқ билагин кўриб,  
Титроққа туш, даҳшатлардан ўзингни унуг.  
Энди бунда турмай, тезроқ Сезарингга қайт.  
Қандай қабул қилишганин битта-битта айт.  
Ҳа, бориб айт, балки ўша жаҳлимни қўзғар  
Нафратомуз сўзлаб - ҳозир не аҳвoldаман...  
Бир замонлар ким бўлганим эсламас аммо.

Ҳа, дарвоқе, шон юлдузим оғиб фалақдан,  
Жаҳаннамнинг чўнқирига тушмоқ бўларкан,  
Менинг жаҳлим, асабимни қўзғамоқ осон.  
Бор, бориб айт, агар ўша хўжайинингга  
Менинг хатти-ҳаракатим, сўзим ёқмаса,  
Маҳрам-мулозимим Гиппарх унинг қўлида,  
Урадими, қийнайдими, дорга осади -  
Не истаса, қилсин ҳисоб-китоб йўлида.  
Йўқол! Яра-қашқанг билан гумдан бўл! Жўна!

Тирей кетади.

### К л е о п а т р а

Хўш, тамомми?

### А н т о н и й

Ҳайҳот! Менинг нурли қамарим!  
Қорайибсан, тутилибсан, шунинг ўзи ҳам  
Антонийнинг заволидан дарак беради.

### К л е о п а т р а

Давом эттири, сабр билан кутиб турман.

### А н т о н и й

Чидармидим сен Сезарга хуш ёқиш учун  
Унинг оддий малайига кўзингни сузсанг...

### К л е о п а т р а

Мени ҳали билмабсан.

### А н т о н и й

Айт, совудингми ё?

### К л е о п а т р а

О, азизим! Мен совутан бўлсам мабодо,  
Юрагимнинг музи фалак фармойиши-ла  
Кўк саҳнига чиқиб, заҳар дўлга айлансин,  
Биринчи дўл аввал менинг бошимга ёғсин

Эриб битсин ундан тамом умрим хирмони.  
Иккинчи дўл ҳалок этсин Сезарионни.  
Майли, ҳатто муз тўфони остида бутун  
Қолиб кетсин болаларим, элим-элатим.  
Мурдалари дучор бўлиб қабоҳатларга,  
Емиш бўлиб ётсин қуртлар, ҳашаротларга.

### А н т о н и й

Ишонаман, етар.  
Энди қамалга олиб,  
Искандарияни ишвол этмоқчи Сезар.  
Мен у билан жанг қиласман шунда муқаррар.  
Қўшиналарим руҳи тетик ҳали, сўнмаган  
Ва тарқаган флотим ҳам тўпланиб яна,  
Тайёр тураг жанг-жадалга шайланиб яктан.  
О, журъату жасоратим, қайда эдинг сен?  
Менга қара, агар жангда ҳалок бўлмасам,  
Шу оловранг лабларингдан яна ўпаман.  
Солномага номим ёзиб шамширим билан,  
Ҳузурингга ёв қонига ботиб қайтаман.  
Умидим бор ҳали!

### К л е о п а т р а

Менинг чин баҳодирим!

### А н т о н и й

Қудрат, жасоратим шундоқ шиддатланаркан,  
Жанг қиласман жавлон уриб, жазава билан.  
Омадга ёр кунлар ёвни аядим анча,  
Ҳазил-хузул билан мендан қутулишганди.  
Худи жаҳаннамга қараб отарман энди,  
Аямасдан ким йўлимда турса кўндаланг.  
Кел, шу тунни ўтказайлик ҳаловат билан.  
Чорланг лашкарбошиларни, қошимга келсин,  
Қадаҳларни тўлдирайлик. Аввалдагидай  
Тун зулмати чок-чокидан тағин йиртилсин.

## К л е о п а т р а

Боз устига, бугун менинг туғилган куним.  
Ўйлабмидим, шу йўсиңда ўтар деб уни.  
Аммо сенки, тағин ўша Антоний эсанг,  
Мен ҳам ҳамон ўша-ўша, Клеопатраман...

## А н т о н и й

Биз ўнглаймиз ўзимизни ҳали.

## К л е о п а т р а

Ҳукмдор  
Лашкарбошиларни чорлар ёнига.

## А н т о н и й

Шундоқ.

Ҳаммасини чақирамиз. То тунга қадар  
Шароб ичиб, чаңдиқлари қизарсин тутал,  
Юр, маликам. Бизда ҳали ҳаёт қудрати  
Сўниб биттан эмас буткул. Жангга кираман,  
Амин бўлур шиддатимга ажал ҳам, ионон,  
Худди унинг зарбасидек зарбим беомон...

Антоний, Клеопатра ва хос маҳрамлар кетишади.

## Э н о б а р б

Ҳатто осмон боши узра чақмоқ чақса ҳам,  
Қилт этмагай. Лекин ғазаб аралаш алам  
Кўрқув солган талвасага ўхшайди баъзан.  
Шу алпозда бургутта чанг солур кабутар.  
Ҳозир шундоқ бўлмоқдаки, саркардамизнинг  
Жасорати ўсиб, ақли камайиб борар.  
Қилич нима, қовушмаса жасорат, ақл,  
Йўқ, яххиси уни энди тарк эттан маъқул.

Кетади.

## ТҮРТИНЧИ ПАРДА

### Биринчи саҳна

Искандария яқинида Сезар қароргоҳи.

Қўлида мактуб билан Агриппа, Меценат ва бошқалар киришади.

#### С е з а р

Менга таҳдид этар, мени бола деб атар,  
Бизни бундан ҳайдамоққа қодирдек гўё,  
Калтаклашга буюрибди менинг элчимни,  
Боз устига, майдон аро яккама-якка  
Жанг қилишга чорлар мени - Сезарни. Оҳ-ҳо!..  
Наҳот шуни англамас у эски зўравон,  
Мен ажалга агар ташна-зор эсам шунча,  
Ўзим унга йўл топишим қийинмас унча.

#### М е д е н а т

Шундоқ алпки, талвасага тушибди чиндан,  
Демак, сўнгти деворга у суяниб қолган.  
У ғазабда ҳозир, тиним бермаган матьқул:  
Дейдиларки, жаҳл келса, қочармиш ақл...

#### С е з а р

Лашкарбошиларимизга этилсин эълон:  
Эртанги кун жанг-жадалга ясайди якун.  
Қўшин ичра Антонийга хизматда аввал  
Бўлганлар кўп, Антонийни тутишсин улар.  
Уларни кўз-қулоқ бўлиб кузатмоқ даркор,  
Қўшинларга зиёфат бер. Жамғармамиз бор.  
Ҳа, жангчилар мукофотта лойик минг карра.  
Антонийга ачинаман, аммо на чора!

Кетадилар.

## **Иккинчи саҳна**

Искандария. Саройда бир оромгоҳ,  
Антоний, Клеопатра, Энобарб, Хармиана, Алексас ва бошқалар киришади.

**А н т о н и й**

*(Энобарбга)*

У мен билан жанг қилишга кўнмадими?

**Э н о б а р б**

Йўқ.

**А н т о н и й**

Нега?

**Э н о б а р б**

Ахир, у ўн карра баҳтлидир бутун,  
Ўнновлашиб бир кишига ташланмоқ нечун?..

**А н т о н и й**

Бас, эртага дengизда ҳам, қуруқликда ҳам  
Жанг бошлайман унга. Ёки тирик қоламан,  
Ё бўлмасам, ўлаёттан шон-шавкатимни  
Қоним билан ювиб, ўлмас қилиб оламан.  
Хўш, сен жангга кирасанми?

**Э н о б а р б**

Отилиб тикка:

"Эй, ҳаммангни жаҳаннамнинг қаъри ютсин!" деб  
Қичқирганча, жанг қиламан.

**А н т о н и й**

Вой, масхарабоз!

Қани, хизматкорларимни бу ёққа чақир.

**Хизматкорлар киришади.**

Кечга томон бир зиёфат этингиз барпо.

Кўлингни бер, хизмат қилдинг садоқат билан -  
Сен ҳам. Сен ҳам. Сен ҳам. Менга хизмат қилдингиз  
Кўплаб олий мартабали шоҳлардан аъло.

### **К л е о п а т р а**

*(Энобарбга)*

**Бу нимаси тағин?**

### **Э н о б а р б**

Буми? Баъзида алам

Устун келиб, масхаралар тафаккурни ҳам.

### **А н т о н и й**

Сен чинакам хизмат қилдинг. Сен ҳам чинакам,  
Қанийди мен сизлар билан ўрин алмашсам:  
Мен бир тўда хизматкорга айланиб қолсам,  
Сиз ҳаммангиз бир Антоний бўлиб қолсангиз.  
Шунда нима қилишимни ўзим билардим,  
Сизга сидқу садоқат-ла хизмат қилардим.

### **Х и з м а т к о р л а р**

**О, Ҳудолар кўрсатмасин буни!**

### **А н т о н и й**

Дўстларим,

Бу оқшом ҳам каминага бир хизмат қилинг

Қадаҳ зарра бўшадими - тўлдириб қуйинг.

Не истасам - ҳозир қилинг, не тиласам - шай.

Ҳу, бир пайтлар беқиёс шу мулки мамлакат

Қуллуқ қилиб ҳузуримда кутиб тургандай.

### **К л е о п а т р а**

*(Энобарбга)*

**Хўш, улардан нима истайди у?**

## Э н о б а р б

Кўз ёши.

### А н т о н и й

Бутун мендан хизматингиз аяманг. Балки,  
Шунинг билан хизматингиз топар интиҳо.  
Балки мени кўролмассиз, кўрмассиз асло,  
Кўрганда ҳам жасадимни кўрасиз ёки,  
Эҳтимолки, эртагаёқ бошқа хўжайин  
Сизга буйруқ бера бошлар. Шунинг учун мен  
Сўнгти видо назари-ла сизга боқаман.  
Азизларим, ҳайдамайман, қувмайман сизни,  
Фақат ўлим жудо айлар, айирар бизни.  
Яна икки соат менга этингиз хизмат,  
Эвазига Тангрилардан ёғилар раҳмат.

## Э н о б а р б

Юракларни сув қилдинг-ку. Атрофга қара:  
Ўкиришиб йиғлашади. Менинг ҳам шу тоб  
Кўзларимда ёш милтиллар. Лекин, уятмас  
Хотинларга айлантирдинг ҳаммани.

### А н т о н и й

Йўғ-еў!

Онт ичаман, кутмагандим бундоқ бўлишин.  
Истайманки, кўз ёшларнинг тароватидан  
Шафқатларнинг гул чечаги кўкариб чиқсин.  
Дўстлар, сўзим маъносини англабсиз оғир.  
Мен бўлсам-чи, руҳингизни кўтармоқчийдим,  
Тун бағрини машъал билан ёритмоқчийдим.  
Шубҳа қилманг, истиқболга ишончим баланд.  
Ҳа, ишонинг, сизни шонли ўлимга эмас,  
Мен музaffer ҳаёт сари бошлаб бораман.  
Бир зиёфат ҳозирлангки, унда сарбасар  
Мусалласга чўкиб кетсин мубҳам хаёллар...

Кетишади.

## **Учинчи саҳна**

Ўша жой. Сарой олдида. Икки аскар киради.

**Б и р и н ч и а с к а р**

Салом, ошнам. Бизни эрта нима кутаркин?

**И к к и н ч и а с к а р**

Буни эрта кўрсатади. Бахтингни берсин.  
Сен бир нима эшитдингми бунда?

**Б и р и н ч и а с к а р**

Йўқ, нима?

**Б и р и н ч и а с к а р**

Эй, бўлмагур миш-миси гаплар. Хўп, хайрли тун.

**Б и р и н ч и а с к а р**

Хўп, сенга ҳам хайрли тун бўлсин, биродар.

Яна иккита аскар киради.

**И к к и н ч и а с к а р**

Биродарлар, сергак, ҳушёр турингиз бугун.

**У ч и н ч и а с к а р**

Сиз ҳам сергак, ҳушёр туринг, эснаманг тағин.

Биринчи ва иккинчи аскар сарой олдида пойлоқда туришади.

**Т ў р т и н ч и а с к а р**

Мана бизнинг жойимиз.

Учинчи ва тўртинчи аскарлар бошқа томондан пойлоқда туришади.

Ҳа, агар эртага

Флотимиз чиқармаса ёмон бир қилиқ,  
Қуруқликда баланд келар қўнимиз аниқ.

**У ч и н ч и а с к а р**

Қўшинимиз тажрибали, жасур, диловар.  
Саҳна остидан най садоси эшитилади.

**Т ў р т и н ч и а с к а р**

Жим! Нима бу?

**Б и р и н ч и а с к а р**

Эшитдингми?

**И к к и н ч и а с к а р**

Бу қандай садо?

**Б и р и н ч и а с к а р**

Ҳа... музика...

**У ч и н ч и а с к а р**

Ер остида.

**Т ў р т и н ч и а с к а р**

Бу - не аломат?

**У ч и н ч и а с к а р**

Қўрқаманки, бу хайрли аломат эмас.

**Б и р и н ч и а с к а р**

Ҳой, секинроқ... Ажабо, бу нима бўлдийкин?!

**И к к и н ч и а с к а р**

Антонийни ёрлақувчи Тангри Ҳеркулес  
Қайларгадир кетиб борар.

**Б и р и н ч и а с к а р**

Бориб сўрайлик,  
Анув ёқда турганлар ҳам эшитдимикин?!

Иккинчи қоровул постига яқинлашадилар.

### **Иккинчи аскар**

**Хой, бу ерда сиз бир нима эшитдингизми?**

### **Ҳамма**

**Сиз ҳам эшитяпсизми? Не бўлдийкин бу?!**

### **Биринчи аскар**

**Қизиқ!**

### **Учинчи аскар**

**Оғайнилар, сиз ҳам илгаяпсизми?**

### **Биринчи аскар**

**Хизматимиз доираси имкон бергунча,  
Юринг, яқинлашайлик-чи.**

### **Ҳамма**

**Ажаб мўъжиза!**

**Кетадилар.**

### **Тўртинчи саҳна**

**Ўша жой. Саройдаги оромгоҳ.**

**Антоний, Клеопатра, Хармиана ва бошқа хос маҳрамлар киришади.**

### **Антоний**

**Совут, қалқонимни келтир, Эрос!**

### **Клеопатра**

**Ёт, ухла!**

### **Антоний**

**Жоним, фурсат етди. Совут-аслаҳа, Эрос!**

Эрос совут-аслаҳа кўтариб киради.

Темирларга ўра менинг танимни, дўстим.  
Ҳа, мабодо, омад мендан юзин ўтирса,  
Сабабики, мен куламан унинг устидан.  
Бўл, кийинтири.

### К л е о п а т р а

Менга бер! Мен ёрдамлашаман.  
Ҳа, манави нега керак?

### А и т о н и й

Тегма, қўй, тегма!  
Санамим, сен юрагимга яроқбардорсан.  
Уни олма, уни қўй. Ҳа, манавини ол.

### К л е о п а т р а

Билдим! Ўзим кўмаклашай. Мана шундоқми?

### А и т о н и й

Шундай, шундай... Энди менга майдон писандмас.

(Эростга)

Ўрганиб қўй, дўстим. Сен ҳам бўла қол, шайлан.

### Э р о с

Ҳозир.

### К л е о п а т р а

Тўғри боғладимми боричларингни?

### А и т о н и й

Тўғри-тўғри ва бежишим! Кимки уларга  
Беҳудага қўл тегизса, аҳволи чатоқ.  
Эрос, ҳадеб имиллама. Кўриб қўй, қандоқ  
Эпчил иш битирав янги яроқбардорим.  
Бўл, қимирила. Жоним, агар бугунги жангга  
Назар солиб, мушоҳада эта билсайдинг  
Кўрар эдинг - жангда асл маҳорат нима.

Қуролланган аскар киради.

Салом, жангчи дўстим. Шундоқ бир қараш билан  
Мен чинакам баҳодирни таний оламан.

Чунки севган ишга эрта туради киши.  
Кейин унга бор кучини беради киши.

### А с к а р

Император, ҳали анча эрта бўлса-да,  
Совут кийиб, найза туттган минглаб ботирлар  
Соҳилда саф чекиб, сени кутаётилар.

Ҳайқириқлар. Карнайлар садоси. Лашкарбошилар ва аскар-  
лар киришади.

### Л а ш к а р б о ш и

Тонг ёришиб қолди. - Эҳ-ҳей, яшасин сардор!

### Ҳ а м м а

Эҳ-ҳей, яшасин сардор!

### А н т о н и й

Баракалла, ҳаммангиздан хурсандман, дўстлар,  
Шижаот ва куч сезаман хитобингизда.

Қисматига қаҳрамонлик ёзиқ ўсмирдек,  
Тонг югуриб келар қандай ентил, беғубор.

Тагин анавини узат. Уни ҳам. Тамом!

Тақдир нима раво кўрар? Хайр, маликам.

Энди жангчи бўсасини қабул қилиб ол.

Ҳозир лутфу назокатта берилиш - уят,

Ҳозир менга кескир шамшир, пўлат дубулғам

Худди шундоқ хайрлаш, деб бермоқда фармон.

Ҳей, сиз, жангу жасоратта бел боғлаганлар,

Қани, олға! Сизни бошлаб бораман. Хайр!

Антоний, Эрос, лашкарбошилар ва аскарлар чиқишади.

## Х а р м и а н а

Юр, маликам, ёторингтга элтайин сени.

## К л е о п а т р а

У мардона бошлаб кетди жангга қўшинни.  
Оҳ, агарда жанг қисмати яккама-якка  
Олишувда майдон аро тайин бўлганда,  
Антоний нақ... Аммо ҳозир эса... Юр кетдик.

Кетадилар.

## Бешинчи саҳна

Искандария яқинида Антоний қароргоҳи.

Карнайлар чалинади. Антоний ва Эрос кириб, кекса жангчига дуч келади.

## Ж а н г ч и

Шоҳим, омад берсин бугун Тангрилар сенга.

## А н т о н и й

О, ўшанда сенинг айттан сўзингта кириб,  
Сувда эмас, қуруқликда жанг қилганимда!..

## Ж а н г ч и

Шу чоққача айрилмасди сендан подшолар.  
Бугун тонгда сени ташлаб кеттан сафдошинг  
Қайта борма, қаватингда бўларди балким.

## А н т о н и й

Бугун тонгда? Ким экан у?

## Ж а н г ч и

Ким у, дейсанми?  
Энг яқининг, "Энобарб!" деб чақириб кўр-чи,  
Садо келар сенга Сезар қароргоҳидан:  
"Хизматингни бошқа адо этмайман" деган...

**А н т о н и й**

Шу гап ростми?

**Ж а н г ч и**

Сезар ёққа қочиб ўтди у.

**Э р о с**

Аммо бутун хазинаси бунда қопти-ку.

**А н т о н и й**

Қочиб ўтди дегин?

**Ж а н г ч и**

Шундок, қасам ичаман.

**А н т о н и й**

Ха, майлига, Эрос бутун хазинасини  
Юборгайсан унга, зарра қолдирмагайсан.  
Ва мактуб ёз, мен у билан хайрлашаркан,  
Тилагим шу, баҳту иқбол ёр бўлсин унга.  
Ва шуни ҳам ёзким, энди хўжайнини  
Алмаштириш зарурати келмагай бошқа.  
Шуларни ёз, мен мактубга имзо чекаман.  
О, қабоҳат, шум қисматим! Содикларни ҳам  
Хоинларга чевирасан. Эвоҳ, Энобарб!

Кетадилар.

### **Олтинчи саҳна**

Искандария яқинида Сезар қароргоҳи.

Сезар, Агриппа Энобарб ва бошқа хос маҳрамлар киришади.

**С е з а р**

Фурсат етди, энди жангни бошла, Агриппа.

Кўшилларга эълон қилким, биз Антонийни  
Тирик қўлга олмоқчимиз.

### А г р и п п а

Эълон қиламан.

(*Кетади.*)

### С е з а р

Яқинлашиб қолди энди осуда дамлар.  
Биз енгамиз ва дунёнинг уч бўлагига  
Соя олиб турар бизнинг зайдун бутоғи.

Чопар киради.

### Ч о п а р

Антоний юриш бошлади.

### С е з а р

Агриппага айт,  
Антонийдан қочиб ўттан жумла қочоқни  
Йигиб бир-бир, энг олдинги сафларга қўйисин.  
Антонийнинг ilk зарбаси уларга бўлсин.

Сезар хос маҳрамлари билан кетади.

### Э н о б а р б

Алексас ҳам хоин чиқди. Уни Антоний  
Топшириқ-ла юбормишди Яхудияга.  
У манзилга етиб боргач, подшо Иродни  
Сезар билан ҳамкорликка ундади. Уни  
Сезар михга тортди бунинг мукофотига.  
Канидий ва дўстлари ҳам қочиб ўтишди,  
Лекин зарра ишонмайди уларга Сезар.  
Мен пасткашлиқ қилдим, қандай пасткашлиқ, ҳайҳот,  
Қувонч энди насиб этмас менга умрбод.

Сезарнинг аскари киради.

## А с к а р

Эй Энобарб, юборибди сенга Антоний  
Хазинангни, яна қанча совға-салом ҳам.  
Сен ҳозироқ чодирингта етиб бор, унда  
Келган юкчи хачирлардан бўшатар юкни.

## Э н о б а р б

Ҳаммасини сенга бердим.

## А с к а р

Ҳазилингни қўй.

Мен бор гашни айтяпман. Ўша юкчини  
Қароргоҳдан сен кузатиб қўймогинг зарур.  
Мен постдаман, сенга айтсам, императоринг  
Саховатда Юпитердек эканлиги чин.

## Э н о б а р б

Бу дунёда мендек палид, пасткаш топилмас,  
Буни ўзим хўп биламан. Эвоҳ, Антоний!  
Саховатлар булогисан. Хиёнатимга  
Сенки шунча жавоҳири олтин берибсан,  
О, нималар бермас эдинг садоқатимга?  
Юрак-бағрим қонга тўлди. Яқин орада  
Аламлардан тарс ёрилиб кетмас экан у,  
Унинг тайин жазосини ўзим бераман,  
Лекин алам адо этар уни, биламан,  
Антонийга тиг кўтариб, жангта кирайми?  
Асло! Ундан кўра сассиқ бир ўра толиб,  
Ўзни отай ва балчиққа юзтубан ботай,  
Қанча ифлос бўлса, менга шунча муносиб.

Кетади.

## **Еттинчи саҳна**

Икки қароргоҳ орасидаги жанг майдони.

Жанг сурони ва ногоралар садоси. Агриппа лашкарбошилар билан киради.

### **А г р и п п а**

Биз жуда ҳам илгарилаб кетдик. Чекининг.  
Сезар ўзи жангга бошлаб борди. Душмандан  
Бундоқ шиддатни биз сира кутмаган эдик.

Кетадилар.

Жанг сурони. Антоний билан яраланган Эскар киради.

### **Э с к а р**

Император, мана буни жанг деса, арзир!  
Биз бошданоқ агар шундоқ ҳужум қилсайдик, -  
Аллақачон ёв бурнини ишқардик ерга.

### **А н т о н и й**

Ҳамма ёғинг қон-ку.

### **Э с к а р**

Икки яра ёнма-ён  
"Т" ҳарфини ясамишди, учинчи яра  
Қўшилди-ю, ўша "Н"га айланиб қолди.

### **А н т о н и й**

Улар чекинишяпти.

### **Э с к а р**

Биз эса қувиб,  
Ўраларга, хандақларга улоқтирайлик,  
Баданимда жароҳатта ўрин кўп ҳали.

Эрос киради.

Улар қочмоқдалар, энди ютуғимизни  
Фалаба деб аташ мумкин.

### Э с к а р

Таъқиб этайлик!

Орқасидан етиб, қилич сермамоқ даркор!  
Кўрқоқларни қувалашнинг ажаб гашти бор.

### А н т о н и й

Кувноқлигинг учун сени мукофотлайман,  
Жасоратинг учун эса - ўн карра зиёд.  
Кетдик.

### Э с к а р

Кетдик, бир оёқлаб бўлса ҳам, шайман!

Кетадилар.

### Саккизинчи саҳна

Искандария деворлари остида жанг сурони.

Антоний ва Эскар қўшин билан киришади.

### А н т о н и й

Биз уларни ин-инига суриб ташладик.  
Хой, биттангиз маликани айланг хабардор.  
Қуёш эрта уфқдан бош кўтартмай туриб,  
Биз душманга яна бир бор соламиз човут,  
Ва қонини тупроқларга тўкамиз тутал.  
Ташаккур. Зўр шижоат-ла олишди барча.  
Ўз бурчини адо этди, дейиш бунда кам,  
Мен учунмас, ўзи учун жанг қилди гўё.  
Ҳаммангиз ҳам Ҳекторларсиз. Шаҳарга киринг,  
Қучиб бир-бир дўстларингиз, дилбарларингиз  
Матонату мардликлардан ҳикоя қилинг.

Улар қон ва терни қувонч ёши-ла ювсин,  
Ярангизга бўсалардан малҳамлар қўйсин.

(Эскарга)

Қўлингни бер.

Клеопатра хос маҳрамлари билан киради.

Сенинг журъат-жасоратингни  
Сехграрлар санамига сўзлаб бераман,  
Токи ундан тасанно-ю таҳсин олгайсан.  
Оlam-жаҳон севиклигим! Темирлар билан  
Бўғовланган шу беўхшов бўйним қучоқла,  
Бағримга кир шу шоҳона зийнатинг билан.  
Совут оша бир зум менинг қалбимни тингла:  
Сенинг зафар аргумоғинг гупурар қандоқ!

### К л е о п а т р а

Баҳодирим! Менинг жасур алп паҳлавоним!  
О, бекиёс матонату қудрат тимсоли!  
Ёвуз тақдир сиртмогини парча-парчалаб,  
Хузуримга кулиб, тўлиб келдинг.

### А н т о н и й

Булбулим!  
Биз кўпларни қориштиридик ерга умрбод.  
Жоним, гарчи соchlаримга аралашмиш оқ,  
Ҳали бутун ақлим билан идроким, ҳали  
Ёшлар билан, куч синашиб кўришим мумкин.

(Эскарни кўрсатиб)

Чин ҳаҳрамон мана! Мехри карам кўрсатиб,  
Латофатли, ипак қўлинг унга раво қил.  
Ўп, баҳодир! Бугун шундоқ солищдики у,  
Гўё инсон уругини йўқотмоқ бўлган -  
Қай бир Худо келиб, унинг руҳига кирди.

## К л е о п а т р а

Дўстим, ҳали мукофотта мендан шоҳона  
Олтин камар, дубулға ҳам олурсан яна.

## А н т о н и й

Улар худди Фебнинг ёқут аравасидай  
Бошдан-оёқ дур бўлса ҳам - унга арзигай.  
Қўлингни бер. Искандарияга кирайлик  
Голибона юриш билан, жангда титилган  
Қалқонларни бошлар узра кўтариб баланд.  
Афсус, бизнинг бутун қўшин сигмас саройга,  
Бўлмаса-ку, бир даврада ўлтириб барча,  
Май ичардик - қисматимиз аён этгувчи  
Худди эрта бўладиган жанг шарафига.  
Эй, қайдасиз, карнайчилар, кўкни титратинг.  
Ногоралар дағдағаси оламни тутсин.  
Бутун шаҳар садоларга кўмилсин, токим,  
Еру само қутлаб, бизни сарафroz этсин.  
Кетадилар.

## Тўққизинчи саҳна

Сезар қароргоҳи. Аскарлар қоровулда туришибди.  
Энобарб киради.

## Б и р и н ч и   а с к а р

Навбатимиз алмашинар бир соатдан сўнг  
Келишмаса бориш лозим посбонхонага.  
Тун ойдиндир, айни саҳар соат иккида  
Яна сурон билан қайта бошланади жанг.

## И к к и н ч и   а с к а р

Гапнинг рости, кеча бизга кўп қийин бўлди.

## Э н о б а р б

О, тун, ўзинг қисматимга шоҳид бўл энди!..

## У ч и н ч и а с к а р

Ким бўлди бу?

## И к к и н ч и а с к а р

Тўхта... Бирпас эшитайлик-чи.

## Э н о б а р б

О, тўлин ой, қисматимга ўзинг гувоҳ бўл!  
Ва у соат жумла сотқин, хиёнаткорни  
Нафрат билан эсга олар экан насллар,  
Хабар берким, пушаймонлар чекмиш Энобарб,  
Шўрлик Энобарб...

## Б и р и н ч и а с к а р

Энобарб!

## У ч и н ч и а с к а р

Жим... Эшитайлик-чи..

## Э н о б а р б

Оlam аро танҳо қайгу ғам маликаси!  
Симириб ол тун борлиқда ёйган оғуни,  
Кейин уни бошимга қуй, узилсин токим,  
Эрку баҳтдан жудо бўлган менинг ҳаётим.  
Андуҳлардан қуриб-қақшаб қолган қалбимни  
Хиёнатим тошларига уриб, мажақла,  
Шунинг билан ғамларимга бергил хотима.  
О, Антоний, олий ҳиммат устуворлиги  
Энобарбнинг рўёсидан улуғ Антоний,  
Мени кечир, кечиргандек инсонни инсон,  
Дунё эса қўрқоқлару хиёнаткорлар  
Рўйхатига қўшиб қўйисин мени, Антоний!  
О Антоний!..

(Улади.)

## И к к и н ч и а с к а р

Гаплашайлик энди у билан.

### **Б и р и н ч и а с к а р**

Эшитайлик, Сезар учун фойдали бўлган  
Бирор гапни балки айтиб қўйиши мумкин.

### **У ч и н ч и а с к а р**

Эшитамиз. Аммо ухлаб қолди шекилли.

### **Б и р и н ч и а с к а р**

Балки ҳуашдан кетди. Ахир уйқу олдидан  
Бундай қўрқинч дуоларни ўқимас киши.

### **И к к и н ч и а с к а р**

Уни уйғотамиз.

### **У ч и н ч и а с к а р**

Уйрон! Ҳой, кўзингни оч!  
Овозингни чиқар!

### **И к к и н ч и а с к а р**

Уйрон, уйғонсанг-чи, ҳой!

### **Б и р и н ч и а с к а р**

Ажал унга чанг солибди.

Узоқдан ногора садоси эшитилади.

Ҳув! Ногора-ку!

Енгил чалиб, қароргоҳни уйғотмоқдалар.  
Фурсат етди. Мурдани-чи посбонхонага  
Элтиш керак, у шунчаки оддий кишимас.

### **У ч и н ч и а с к а р**

Қани, кетдик. Эҳтимол у уйрониб қолар...

Аскарлар Энобарбнинг жасадини кўтариб чиқишади.

## Ўнинчи саҳна

Икки қароргоҳ ўртасидаги жанг майдони.

Антоний ва Эскар қўшинлар билан киришади.

### А н т о н и й

Улар шайланишяпти дengиз жангига,  
Демак, қуруқлиқда бизга бас келиш қийин.

### Э ск а р

Денгизда ҳам, қуруқда ҳам шайлланмоқдалар.

### А н т о н и й

Шайланишсин ҳавода ҳам, ўт-оловда ҳам!  
Ҳамма жойда беражакмиз беомон зарба.  
Биз пиёда қўшинларни жойлаштирамиз  
Шаҳар остонасидаги тепаликларда.  
Флот буйрутимни олиб, дengизга чиқди,  
Бундан бизга кафтдагидек кўриниб турар  
Кемаларнинг ҳаракати.

Кетишади.

Сезар қўшинлар билан киради.

### С е з а р

Қимиrlамант, улар ҳужум бошламагунча.  
Аммо ҳужум бошлашлари энди даргумон.  
У қўшиннинг сарасини дengизга сурди,  
Қани, юринг! Бизникидир зафар бегумон.

Кетишади.

Антоний билан Эскар қайтишади.

### А н т о н и й

Флотимиз ёв флоти билан тўқнашди.

Хув қарагай ўсган тела кузатишга бол.  
Үша ёқдан қарайману қайтаман дарров.

(Кетади.)

### Э с к а р

Маликанинг кемалари оғочларига  
Қалдирғочлар ин қўйибди. Душман сафлари  
Қилт этмайин, жимжит турар, келбати ёмон.  
Антоний гоҳ шижоатли, гоҳи паришон.  
Этевланган бахти зафар умиди билан  
Гоҳ эркалар уни, гоҳо қўрқувга солар  
Завол ваҳмаси-ла.

Узокда денгиз жангининг сурони. Антоний қайтади.

Бари чиппакка чиқди!  
Миср жодугари мени тупроққа тиқди.  
Бутун флот ўтиб кетди душман тарафга,  
Қара - улар қалпоқларни отиб ҳавога,  
Бирга шароб ичишмоқда қадим дўстлардек.  
О, сен, маккор, хиёнаткор, сотқин ажуза!  
Бир болага сотдинг мени. Энди шубҳасиз,  
Қалбим сен-ла жанг қилади, сен билан ёғриз.

(Эскарга)

Қўшинларни тарқат. Менга битта иш қолди:  
Хоин билан ҳисоб-китоб қилиш. Вассалом!  
Қўшинларни тарқат. Кейин ўзингни қутқар.

Эскар кетади.

Эй, офтоб! Кўролмасман энди балқишинг,  
Бунда Антоний ва бахти юзма-юз туриб,  
Алавидо, деб бир-бирининг қўлинни сиқар,  
Мана - якун. Яқинларим, қадрдонларим,  
Қаватимда қанча давру даврон сурганлар.  
Товонимни худди итдек ялаб юрганлар,  
Шарбат каби таралишиб, оқиб кетдилар.

Кўшилмоқчи бўлиб Сезар гул қиёмига.  
Барча дараҳтлардан баланд ўсган қарагай  
Пўстлоқлари шилингандча, шўппайиб турар.  
Мени сотдинг, о, нобакор мисрий ажузад!..  
О, жодугар!.. Таслим бўлиб бир қарашига  
Ташлагандим қўшиннию жанг майдонини.  
Не аросат, ташна бўлиб ҳар оғушига,  
Тилакларим гултожи деб билардим уни!  
Мана энди у маккор бир лўлига ўхшаб,  
Бор-йўғимни юлиб, шилиб олди тамоман,  
Гадо бўлиб қолдим энди, Эрос, қайдасан!  
Клеопатра киради.

Сенмисан бу жодугар? Кет!

### К л е о п а т р а

Подшоҳим, нега  
Санамингга қаҳру ғазаб қиласан?

### А н т о н и й

Йўқол!

Йўқол! Йўқол, мен сен билан ҳисоблашаман,  
Сезарнинг ҳам ғалабасин барбод этаман.  
Йўқ, яххиси, ўша сени тупроқда булғаб,  
Қутирган, оч оломонга намойиш этсин.  
Ёки зафар араваси ортидан судраб  
Бир бедаво латта каби тортқилаб юрсин.  
Токи сени томоша деб ўттан-қайттанга  
Кўрсаттайлар бир махлуқдек яrim чақага.  
Фанимларинг ўч - интиқом завқини тотсин,  
Октавия тирноқлари юзингга ботсин!

Клеопатра кетади.

Хайриятки кетиб қолдинг, толеинг магар,  
Тирикликнинг ўзи толе саналса агар.  
Аммо сени ғазаб ичра ҳалок этаркан,

Қутқаардим ўлимлардан балки. Эй, Эрос!  
Устимдаги Несс кўйлаги магар. Ҳеркулес!  
Томиримга қўйгил қаҳри қабоҳатингни!  
Қулни ойнинг ўрогига иргитсан, дейман,  
Жодугарга ўлим! Мени болага сотди...  
Мен фитнага қурбон бўлдим... Шунинг учун у  
Ўлиши шарт ва муқаррар. Қайдасан, Эрос?!

(Кетади.)

### Ўн биринчи саҳна

Искандария. Саройдаги оромгоҳ.  
Клеопатра, Хармиана, Ирада ва Мардиан кирадилар.

### К л е о п а т р а

Тезроқ келинг! Ёрдам беринг! Қутурмоқда у -  
Теламондек еру кўкни танимай бу дам.  
Фазабкордир Фессалия тўнғизидан ҳам.

### Х а р м и а н а

Сен подшолик дахмасига кириб яширин,  
Антонийга етказамиз, сени ўлди деб.  
Жоннинг тандан айрилиши осон ҳар тутул,  
Ҳукмдорнинг буюклиқдан кечиши мушкул.

### К л е о п а т р а

Ҳа, дахмага борай. Аммо, сен-чи, Мардиан,  
Унга бориб хабар бергил, ўтмасин фурсат,  
Клеопатра ўз-ўзини ўлдириди, деб айт.  
Сўнгти бор у "Антоний" деб шивирлади де,  
Не десанг ҳам, фақат менга меҳрини қўзғат,  
Менинг ўлимимни қандоқ қабул қилганин  
Тезроқ етказ. Жўна! Энди дахмага борай...

Кетадилар.

## Ўн иккинчи саҳна

Ўша жой. Бошқа бир оромгоҳ.

Антоний ва Эрос кирадилар.

А н т о н и й

Сен қаршингда Антоний деб ўйлаяпсанми?

Э р о с

Ха, хўжайин.

А н т о н и й

Биласанми, баъзан ҳавода  
Аждаҳонинг сувратига кирав булатлар.  
Осмонларга ўрлаган буғ айиқ ёки шер,  
Ёхуд қалъа деворининг шаклини олар.  
Ёки ўрмон ўстган яшил бурунга ўхшаб,  
Бизниңг кўзимизни алдар, чалгитар ҳаво,  
Сен оқшомнинг гира-шира қоронгусида  
Кўргандирсан шундоқ мўъжизани?

Э р о с

Ха, хўжам.

А н т о н и й

Кўз олдингда аргумоқ от бир лаҳза ўтмай,  
Булат бўлиб, сувратини тамом тарк этар,  
Сувга тушган сувдай сингиб, қўшилар-кетар.

Э р о с

Ха. Шундоқ бўлади, хўжам.

А н т о н и й

Шафқатли Эрос,  
Мен ҳам энди соядирман, ожиз, омонат.  
Ҳозирча-ку Антонийман, лекин қиёфам

Эригандан эриб, ҳар ён тарагиб борар.  
Мен ахир шу Мисрни деб жанг қилмадимми?  
Энди унинг маликаси, у ўз қалбини  
Менга берган деб ўйловдим ва мен қалбимни,  
Ҳозир бой берилган миллион юраклар ила  
Унга топширгандим, хуллас, ўша малика  
Қабиҳларча иш юритиб менинг ортимдан,  
Яширинча битим тузди душманим билан.  
Шавкатимни сотиб, унга шараф келтирди.  
Қўй, йиглама, тирикман-ку ҳали, бас энди,  
Ўлимни танламоққа мен ҳали қодирман.

Мардиан киради.

Эй сен, эшиг! Сенинг ўша бузуқ маликанг  
Шамширимни ўғирлади!..

### М а р д и а н

Йўқ-йўқ, Антоний,  
Ундоқ дема, сени жондан севарди бекам,  
Қисматини боғламишди қисматинг билан.

### А н т о н и й

Овозингни ўчир, абллаҳ! Йўқол кўзимдан!  
У маккора мени сотди, ҳаёти билан  
Тўлов тўлар энди.

### М а р д и а н

Ахир, одамзод деган,  
Тирикликка икки карра бўлмас мұяссар.  
Ўз қарзини тўлаб бўлди маликам тугал.  
Истаганинг бажо бўлди, ортиқ уринма.  
Шундоқ бўлди унинг сўнгти айттан сўзлари:  
"О, шавкатли Антоний! О, азиз Антоний!.."  
Сўнгти ҳижо фарёд билан узилди бирдан  
Ора йўлда - тили билан юраги аро.  
Номинг айтиб у ҳаётдан кўзини юмди,  
Номингни у юрагида дағн этди гўё.

А н т о н и й

Ўлдими?

М а р д и а н

Ҳа, вафот этди...

А н т о н и й

Қайдасан, Эрос!

Совут-камаримни ечгин, кундузги ишни  
Мен тутатдим, энди ётиб ухламоқчиман.

*(Мардианга)*

Сен-чи, тирик қолганингга шукур қилавер,  
Шунинг ўзи сенга катта мукофот, ахир.

Мардиан кетади.

Ечиб олгин! Аякснинг чўнг қалқони ҳам  
Бу зарбадан мени энди қутқаролмагай.  
Фурсат етди. Ёрил кўкрак, бўш келма. Юрак,  
Қани, нозик қафасингни парчалаб ташла!

Ҳой. Қимирла, Эрос, мунча имилламасанг! -  
Мен жанг қилиб бўлдим. Энди хайр-алвидо!  
Ханжарларим, шамширларим, совут-қалқоним,  
Майдонларда сизга зарра доғ туширмадим.

Эрос кетади.

Ҳижрон унча узоқ эмас, Клеопатра,  
Мен ортингдан ошиқаман, етиб оламан.  
Гуноҳимни кечир, дейман, фарёд соламан,  
Йўқ, орқага суриш буни - уқубат, азоб.  
Шамчирогим ўчди, ухлаш фурсати етди.  
Жанг қилишнинг маъноси ҳам қолмади, кучим  
Бор-йўри ўз-ўзимга етади энди.  
Тамом! Мухр босиш қолди мактубга, холос,  
Қайда қолдинг, Эрос! Мана, етдим, маликам!  
Қаёқдасан, Эрос?! Сабр қилгин, санамим!

Биз биҳиштнинг саодатли гулбогларига  
Қўй ушлашиб, бирга-бирга қўярмиз қадам.  
Руҳлар ҳайратланиб бизни ўргага олар,  
Биз Эней ва Дионанинг маҳрамларини  
Ўзимизга олажакмиз. Эрос! Ҳой, Эрос!  
Эрос киради.

### Э р о с

**Не истайсан, ҳукмдорим?**

### А н т о н и й

У ўлибди, бас,  
Менга ортиқ тирик қолиб, яшамоқ - уят.  
Худоларнинг қаҳри келар қўрқоқлик қилсам.  
Бу қандоқ гап?! Мен дунёни қиличим билан  
Бўлиб-бўлиб, подшоларга тақсимлаган зот,  
Мен Нептуннинг у зангори елкаси узра  
Кемалардан шаҳарларни айлаган бунёд,  
Мен... мардликда бир хотиндан орқада колсам,  
Улугворлик ибратини аён этса у!..  
Биласанми, у ўлимни афзал кўраркан:  
"Бошқаданмас, ўз-ўзимдан енгилдим!" деган.  
Эсингдами, Эрос, менга қасам ичгандинг,  
Бир кори ҳол бўлиб, яъни ҳозирдагидек  
Завол билан шармандалик юз берса менга,  
Имилламай, биринчи бор сўрашимдаёқ,  
Мени чопиб ташлашингни шартлашган эдик.  
Мана энди ўша ишнинг соати етди.  
Йўқ бўзарма - мени қонга бўймайсан, йўқ,  
Сен Сезарнинг байрамини барбод этасан...

### Э р о с

О, Тангрилар! Парфиянинг мерғанлари ҳам  
Оттан ўқлар бир марта ҳам тегмай, аяган,  
Шижоатли жонга нечук қилич кўтарай?

## А н т о н и й

Ха, бўлмаса, истайсанки, ҳукмдорингни  
Асир этиб, қўлларини орқага боғлаб,  
Номус билан маломатдан бағрини доғлаб,  
Араванинг орқасидан судрасинларми?  
Ва судралган тутқинига боқиб ҳар сафар  
Истехъзою виқор билан кулсинми Сезар?  
Ва ойнақдан боқиб, сен ҳам томоша қилсанг...

Э р о с

Йўқ, йўқ, асло!

## А н т о н и й

Шундоқ экан, бўла қол, дўстим!  
Ҳалокатли зарбанг - менинг дардимга даво.  
Қани, чиқар қиличингни, шу қилич билан  
Ватан хизматини қанча эттансан адо.

Э р о с

Ҳукмдорим, ялинаман, менга шафқат қил!

## А н т о н и й

Эрос, сенга эркингни мен инъом эттан дам  
Қасам ичган эдинг менга, бажараман деб,  
Ха, биринчи буйруқдаёқ. Қани, бажо қил!  
Йўқса, бекор дейман бутун хизматларингни,  
Ва қасамхўр дейман сени. Қилични чиқар!

Э р о с

Унда сен лоақал шафқат шуъласи билан  
Мунаввар юзингни, шоҳим, нарига ўтири.

## А н т о н и й

Майли, шундоқ бўлсин.

Э р о с

Мана... қилич чиқардим.

## А н т о н и й

Бажаришинг лозим ишни энди бажо қил.

## Э р о с

Менинг хўжам, ҳукмдорим, шоҳим, ҳазратим,  
Бошинг узра қиличимни сермашдан олдин  
"Алвидо" деб айтишимга бергил ижозат.

## А н т о н и й

Алвидо!

## Э р о с

Алвидо, эй, шонли сардорим.  
Чоп, деб буйруқ берасанми энди?

## А н т о н и й

Чоп, Эрос!

## Э р о с

Хўп, бўлмаса, мана...

*(Ўз қиличига ташланади.)*

Энди ҳеч бўлмаганда,  
Антонийнинг ўлимини кўрмай ўламан!  
*(Ўлади.)*

## А н т о н и й

Мендан кўра баланд экан ҳимматинг сенинг,  
Менга яхши сабоқ бердинг, баҳодир Эрос.  
Менинг гўзал маликам ва яроқбардорим  
Кўрсатдингиз менга мардлик намунасини,  
Бор гап шуки, ўлим билан унашилганман,  
Ошиқаман кирмоқ, учун унинг қўйнига.  
Эрос, сенинг ҳукмдоринг жон берар энди  
Сенга шогирд бўлиб, ахир ўзинг ўргатдинг  
Қаңдай жон беришни.

*(Қилинчга ташланади.)*

Нима? Мен тирикманми?  
Тирикманми?.. Эй, посбонлар!.. Тутатинг мени!  
Деркет билан посбонлар киришади.

**Б и р и н ч и а с к а р**

Нима шовқин бунда?  
**А н т о н и й**

Ишни чала битирдим,  
Уни охирига энди етказинг, дўстлар.

**И к к и н ч и а с к а р**

Юлдуз кўқдан узилиди.

**У ч и н ч и а с к а р**

Қиёмат қойим.

**Ҳ а м м а**

О, фалокат!

**А н т о н и й**

Шафқат қилинг, мени ўлдиринг.

**Б и р и н ч и а с к а р**

Йўқ, мен бундай қилолмайман.

**И к к и н ч и а с к а р**

Мен ҳам.

**У ч и н ч и а с к а р**

Мутлақо.

Аскарлар кетишади.

**Д е р к е т**

Фақат оғир қисматингмас, ўлиминг ҳатто  
Тирқиратиб қочирмоқда яқинларингни.

*(Антонийнинг қиличини олади.)*

Бу шамшир ва бу ердаги аҳвол хабари  
Йўл очади менга Сезар даргоҳи сари.  
Диомед киради.

**Д и о м е д**

Марк Айтоний қани?

**Д е р к е т**

Мана, бунда ётибди.

**Д и о м е д**

У тирикми ҳали? Нега жавоб бермайсан?  
Деркет кетади.

**А н т о н и й**

Диомед, кел, саранжом эт қиличинг билан.

**Д и о м е д**

О шавкатли сардор! Мени сенга юборди,  
Хабар ол, деб ҳукмдорим Клеопатра.

**А н т о н и й**

Қачон? Гапир!

**Д и о м е д**

Шу дақиқа.

**А н т о н и й**

У ҳозир қайдা?

**Д и о м е д**

У подшолар дахмасида бекиниб ётар.  
Бир кор-ҳол бўлганини сезибди кўнгли.  
Хиёнатда уни гумон айлаганингни

Ва беомон газабингни кўргандан кейин,  
У ўзини ўлди, дея айламиш хабар.  
Аммо қўрқиб бунинг оғир оқибатидан,  
Бор нарсани сўзлаб бер, деб юборди мени,  
Эвоҳ, афсус, кечикибман, шоҳим, нақадар.

### А н т о н и й

Ҳа, кеч бўлди, иш ҳаддидан ўтди, Диомед,  
Ҳиммат қилиб, соқчиларни ёнимга чақир.

### Д и о м е д

Ким бор унда? Эй соқчилар, посбонлар, келинг,  
Тезроқ келинг! Саркардамиз чорлайди сизни.

Посбонлар киришади.

### А н т о н и й

Сўнгти марта хизмат қилинг менга, дўстларим  
Клеопатра ҳузурига элtingиз мени.

### Б и р и н ч и а с к а р

Эвоҳ, дариф! Маҳрамларинг йўлда қолдириб,  
Нечук ёлғиз кетмоқдасан ўзинг, ҳукмдор?

### А н т о н и й

Сафдошларим, ғамга тўлманг, аламга тўлманг.  
Ҳасрат чекиб, шум тақдирни этманг шодумон.  
Зарбасини кулиб-кулиб қаршиланг токим,  
Шунинг ўзи зарба бўлур унга беомон.  
Қани, кўтарингиз мени. Неча бор сизни  
Майдонларга ўзим бошлаб борганиман, энди  
Мени элтиш гали, мана, сизга ҳам етди.  
Барча хизматингиз учун таҳсин, ташаккур.

Антонийни кўтариб чиқишади.

## Ўн учинчи саҳна

Ўша жой. Подшоҳлар даҳмаси.

Тепада Клеопатра, Хармиана ва Ирада ҳозир бўлишади.

### К л е о п а т р а

О, меҳрибон Хармиана! Бу ердан чиқиш  
Менга насиб бўлмас.

### Х а р м и а н а

Таскин топгил, маликам.

### К л е о п а т р а

Йўқ-йўқ, сира истамайман. Даҳшат, қабоҳат  
Қадамини қаршилашга тайёр турман,  
Тасалли ва юпанч... Менга бегона энди.  
Ҳасрат билан надоматим, уни қўзғаттан  
Сабабга тенг бўлмоги шарт.

Пастда Диомед киради.

Айт! У ўлдими?

### Д и о м е д

Йўқ, у тирик, аммо ўлим бошида пайдо.  
Бу томонга келтирмоқда уни посбонлар,  
Қара!

Пастда аскарлар Антонийни олиб киришади.

### К л е о п а т р а

Эвоҳ, Қуёш! Самоларни кул айла!  
Сўнгсиз зулмат салтанати тутсин оламни.  
Оҳ, Антоний! Оҳ, Антоний! Эвоҳ, Антоний!  
Дўстлар, қани келтирингиз! Қарашсангиз-чи,  
Хой, Ирада, Хармиана! Ахир, қарашинг.  
Кўтаришиб, бу томонга олинг уни.

## А н т о н и й

Жим!

Антонийни мағлуб эттан Сезармас асло,  
Антонийни мағлуб эттан Антоний ўзи.

## К л е о п а т р а

Шундок, ахир, Антонийга ўзидан бўлак  
Ким ҳам бас келарди яна... Аммо, во дариг!

## А н т о н и й

О, маликам... Мени ўлим, ўлим кутмоқда,  
Мен ғашига тегмоқдаман имиллаш билан.  
Тики сенинг олов рангли, гул лабларингта  
Жон олгувчи ўша минглаб бўсалар узра  
Мен сўнгти бор лабим қўйиб, бўса қўндирамсам.

## К л е о п а т р а

Кечир, жоним, ҳузурингта туша билмасман.  
Тутиб олмагайлар, дейман, мени ногаҳон.  
Омада ёр Сезар зафар тантанасини  
Безатолмас Клеопатра билан, қўймасман.  
То бор экан олмос тирли, дудама ханжар,  
То бор экан ажални шай эттувчи огу,  
То заҳри мор ҳозир экан - асло қўрқмасман:  
Ўша ювош Октавия бир зум, бир нафас  
Совуқ таҳқир назарини мента сололмас...  
Кел ёнимга, кела қолгин, жоним Антоний!  
Қизлар, дўстлар, кўтарингиз уни бу ёққа,  
Юқорига олиб чиқинг.

## А н т о н и й

Тезроқ. Ўламан...

## К л е о п а т р а

Фалати-ку - қўлларимда сени кўтарсам,  
Во ажабо, бунақаси сира бўлмаган,

О, азизим, мунча оғир, залворсан мунча!  
Бор қудратинг гүё зилдай юкка айланган.  
Мен Юнона бўлсам эди, арши аълога  
Меркурийнинг қанотида учирив сени,  
Ўтқазардим Юпитер-ла шундоқ ёнма-ён.  
Ҳа, ҳа, шундоқ... Бўлмайдиган орзу-хаёлни  
Нодонлар хуш кўтара фақат... Бу ёқса... шундоқ.  
Антонийни юқорига кўтарадилар.

Бағримга кел менинг... Энди ажал топурсан  
Бир замонлар баҳр ул-ҳаёт тоғанинг жойда.  
Сени ўзим ўшиб-ўшиб тирилтираман.  
О, бўлсайди лабларимда шундай бир қудрат,  
Майли, улар қонаса ҳам, ўпардим фақат.

### Ҳ а м м а

Во дариг!

### А и т о н и й

Мен ўляпман... Мен ўляпман...  
Бир қултум май ичир менга... Айтмоқчиманки...

### К л е о п а т р а

Йўқ, мен сенга айтмоқчиман. Лаънатлар бўлсин  
Ўша ёвуз қисматта, у қора дажжолга.  
Чархи даврон куйиб, кули кўкка соврилсин!

### А и т о н и й

Тўхта, жоним... Сен Сезардан сўрагин, ўша,  
Ҳаёт билан номусингни омон қўйсин... О-оҳ!

### К л е о п а т р а

Иккисига эга бўлиш бир йўла мушкул.

### А и т о н и й

Шошма, жоним... Сен Сезарнинг маҳрамларига  
Ҳеч ишонма, фақат Прокулейга ишон...

## К л е о п а т р а

Ишонмасман мен уларнинг биттасига ҳам,  
Ишонарман қўлимга ва қатъиятимга.

## А н т о н и й

Менинг бундоқ қисматимга ўртанма, куйма,  
Бирга кечган бахтли кунлар, хуш айёмларни  
Эста олиб, тасалли-ю, таскин топгайсан.  
Жаҳондаги жумла шоҳу султонлар аро  
Қудратлиси, шавкатлиси мен эдим зотан.  
Ўляяпман, бироқ манфур ўлим билинmas.  
Қўрқоқларча, дубулгамни бошимдан олиб,  
Мен ўлимни қарши олдим римликларга хос,  
Ва римлиқдан ҳалол жангда енгилдим, холос...  
Адо бўлдим... Бошқа сўзга қолмади мажол...

## К л е о п а т р а

Наҳот! Азиз баҳодирим, наҳот, узилсанг?  
Мен-чи? Бўм-бўш, ҳувиллаган, совуқ ва олчоқ  
Субутсиз бу оламда мен нима қиласман?  
Сен бўлмасанг, менга жумла жаҳон - жаҳанинам.

Антоний ўлади.

Ҳамдамларим, ҳамдарларим, қаранг, қаранглар!  
Оlam тожи ҳазон бўлиб, хок бўлиб қолди.  
Шон-шавкатлар рамзи бўлган гулчамбар сўлди.  
Жанговарлик яксон бўлди, тўзиб - йўқолди,  
Аросатда қолди яна инсон уруғи.  
Мардлик адо бўлди, битди даврон довруғи,  
Осмонлардан боқиб ўша қуёш ҳам, ой ҳам  
Энди кимни кўрар экан?

*(Хушдан кетиб йиқилади.)*

## Х а р м и а н а

Эвоҳ, маликам!  
Кўзингни оч!

Ирада

Жон берибди шўрлик.

Хармиана

Маликам!

Ирада

Маликам!

Хармиана

Оҳ, маликам! Оҳ, ҳукмдор бекам!

Ирада

Миср соҳибаси!

Оҳ...

Хармиана

Жим... Ирада, жим бўл!

Клеопатра

Йўқ, мен подшо эмасман, бир хотинман, холос.

Ва мени ҳам олақуроқ ҳислар, сезгилар

Урғочи бир маҳлуқ каби измита солар...

О, қанийди, шу шоҳона тожу асони

Тангриларнинг тумшугига қараб иргитсан...

Сенлар олмос - гавҳаримни ўтируламасдан

Олдин мен ҳам битта Тангри - илоҳа эдим,

Дея ёниқ фарёд чекиб, ҳайқириқ солсам...

Йўқ, мен тоқат қиломайман. Ҳасрат - аламлар

Қутурган бир итдек талаб, этмоқда гирён.

Мен ўлимнинг даргоҳига даъватсиз меҳмон

Бўлиб борсам нима қипти? Қизлар, не бўлди?

Тетик бўлинг! Нима бўлди, ҳой, Хармиана?

О, меҳрибон азизларим! Ёргулик сўнди,

Ҳамма ёқни тун қоплади. Аскарлар, энди

Яна бир бор йигинг азму шижоатингиз,

Саркардани тантанавор дағы этамиз.  
Кейин яна кўрсатамиз римликлар кучин,  
Ўлим ором оғушини очар биз учун.  
Бир замонлар замирида қудратли бир рух  
Қайнаган шу унсиз тана мунчалар совуқ.  
Дўст қолдириб қетди бизни шу оғир кунга,  
Лекин ўлим соатида еттаймиз унга...

Антонийнинг жасадини кўтариб чиқадилар.

## **БЕШИНЧИ ПАРДА**

### **Биринчи саҳна**

Искандария яқинидаги Сезар қароргоҳи.

Сезар, Агриппа, Долабелла, Меценат, Галл, Прокулей ва  
бошқалар киришади.

### **С е з а р**

Долабелла, бориб айтким, таслим бўлсин у,  
У тор-мор бўлди, энди қаршилик бекор,  
Бориб айттил шуларни.

### **Д о л а б е л л а**

Бош устига, Сезар.

*(Кетади.)*

Антонийнинг қиличини кўтариб, Деркет киради.

### **С е з а р**

Кимсан ўзинг? Қандан журъат қилдинг кирмоқقا  
Шу қип-қизил қонга боттан қиличинг билан?

### **Д е р к е т**

Мени Деркет деб аташар, этардим хизмат

Антонийга тамом сидқу садоқат билан.  
Шундай хизмат айламоқча лойиқ эди у.  
То сёёқча туриб, яна сўзлай оларкан,  
Фармонпазир эдим, менга соҳиб эди у.  
Антонийнинг ғанимлари билан ҳар сафар  
Мен жонимни аямасдан жанг қилдим қаттиқ,  
Хизматингта олсанг, бўлай сенга ҳам содик  
Антонийга комил навкар бўлганим каби.  
Истамасанг - тақдиримга ҳукминг айтавер.

### С е з а р

Хўш, бу нима деганингдир?

### Д е р к е т

Антоний ўлди.

### С е з а р

Беҳуда гап. Шундоқ улкан тоғ қулаганда,  
Бор оламни зилзилаю сурон тутарди.  
Замин-замон силкинарди - арслонларни  
Саҳролардан шаҳарларга улоқтираради,  
Шер горига отар эди шаҳарликларни.  
Бу - шунчаки бир одамзод ўлими эмас,  
Ахир, ўша Антонийнинг номи билан, бас,  
Ярим дунё яшар.

### Д е р к е т

Шундоқ. Лекин ўлди у.  
Уни йиққан адолатнинг қиличи эмас,  
Ёки хоин ханжари ҳам ўлдиролмади.  
Мазкур номни тарихларга рақам қилган қўл  
Мардонавор қалбда қатъий қарор топди-ю  
Ва у қалбни чопиб, тилка-пора айлади.  
Мана, унинг сийнасидан олинган қилич,  
Ва қиличда қотиб қолган асл, тоза қон...

## С е з а р

Оғайнилар, ҳаммамизни қайғу ўради.  
Тангриларга қасамки, бу мунгли ҳикоя  
Муносибидир шоҳона кўз ёшларга.

## А г р и п п а

Ажаб,  
Табиат биз ноил бўлган олий ниятни  
Кўз ёш билан ювингиз, деб ҳукм айлади.

## М е ц е на т

Курашарди унда иллат билан фазилат,  
Гоҳ униси, гоҳ буниси келарди устун.

## А г р и п п а

Кўп аломат, олийсифат инсон эди у,  
Тангриликни дов этмасин, дея инсонлар,  
Тангрилардан келар бизга жумла нуқсонлар.  
Сезарга боқ...

## М е ц е на т

Қаршисида улкан бир кўзгу  
Очилгандай, гўё ўша кўзгуда ҳозир  
Сиймосини кўраётир...

## С е з а р

Эвоҳ, Антоний,  
Сени шундоқ чегарага тақаб қўйдимми?  
Не қилайлик, ахир, яра-йиринглардан биз  
Танимизни тозалашга мажбур эканмиз?  
Ё сен завол топар эдинг, ёки мен завол,  
Иккимизга битта дунё тор эди алҳол.  
Энди менга ижозат бер, қисматинг узра  
Оҳлар уриб, аччиқ-аччиқ ёш тўқай дилхун.  
Ижозат бер, орзу-амал ва салтанатда  
Менинг биродарим, менинг чин қадрдоним

Майдонларда сафдош, шонли қуролдош дўстим,  
Менинг ярим танам, ярим руҳий жаҳоним,  
Ижозат бер менга, андуҳ-алам чекайин,  
Юлдузимиз бир-биридан йўл олиб йироқ,  
Орамизга ҳижрон-жафо согани учун.  
Оғайнилар, бир ҳикоя сўзлаб берайин...  
Йўқ, ҳозирмас, кейин, бирор бошқа бир сафар  
Чопар киради.

Юзларидан ўқиб билдим, нечук бир хабар  
Келтирмиш у. Хўш, эшитиб кўрайлик. Кимсан?

### Ч о п а р

Мен - мисрлик. Ҳукмдорим Клеопатра  
Ҳозир ўша измидаги ягона мулки -  
Ҳукмдорлар дахмасида беркиниб ётар:  
Сенинг ҳукм - фармойишинг сари кўз тутар,  
Билмоқ истар, уни қандай насиба кутар.

### С е з а р

Бориб айтким, қўрқувларни йироқقا отсин.  
Ҳали замон бизнинг содиқ дўстлардан бири  
Бориб, олий, илтифотли қароримиздан  
Марҳаматли маликани эттагай хабардор.  
Ҳимматсизлик кўчасидан юргагай Сезар.

### Ч о п а р

Бунинг учун ёрлақасин сени Худолар.

*(Кетади.)*

### С е з а р

Прокулей, маликага бориб хабар қил:  
Унга зарра ҳавфу хатар таҳдид солмагай.  
Не десанг де, фақат ўша мағрурлик билан  
Ўз жонига қасд қилишни ўйлаб қолмагай.  
Токи бизнинг режамизни этмагай барбод.

Римга агар тириклайин элтсак биз уни,  
Фалабамиз овозаси яшар умрбод.  
Хуллас, жўна, маликанинг жавобин олиб,  
Изингта қайт шу заҳот.

### П р о к у л е й

Бош устига, Сезар.

*(Кетади.)*

### С е з а р

Галл, сен ҳам бор.

Галл кетади.

Долабелла қани?

### А г р и п п а   в а   М е ц е н а т

*(Баравар)*

Долабелла!

### С е з а р

Керак эмас - эсладим, у тошириқ билан  
Жўнаганди, тез орада қайтиб келади.  
Энди менинг чодиримга борайлик, унда  
Сизга мактуб кўрсатаман, мактубки, чиндан  
Босиқлигим, сулҳ, йўлини танлаганимни,  
Мажбур бўлиб, жангу жадал айлаганимни  
Қатъий далил - асос билан исбот қилади.  
Қани, юринг.

Кетишади.

## Иккинчи саҳна

Искандария. Подшолар дахмаси.

Клеопатра ва Ирада кирадилар.

### К л е о п а т р а

Бахтсизлигим менга ҳаёт дарсин ўқитар,  
Жаҳон ҳукмдори Сезар аянч бил-асос.  
Йўқ, қисматта соҳиб эмас, қисматта қул у,  
Қисмат амру фармонини бажарар, холос  
Буюк улким ўз қудрати иродаси-ла,  
Фоний умр риштасини юлқиса, отса.  
Тасодифни жиловласа, сиртмоққа солса.  
Азми билан амал-ҳаракатни тўхтатса.  
Шоҳлар билан гадоларни боқаётган ул -  
Гўнг-ахлатнинг мазасини унугтиб буткул,  
Роҳат қилиб ётса, ором уйқуга ботса...  
Пастда Прокулей, Галл ва аскарлар киришади.

### П р о к у л е й

Сезар салом йўллар Миср маликасига  
Ва малика тилагини айтсин, деб сўтар.

### К л е о п а т р а

Исминг нима?

### П р о к у л е й

Прокулей.

### К л е о п а т р а

Ҳа, ёдимда бор,  
Ишончли деб атаганди Антоний сени.  
Зотан, энди алдов менга қўрқинчли эмас,  
Ҳалоллик ҳам арzon-гаров бўлиб қолди бас,  
Ҳукмдоринг истар эса, гадога ўхшаб

Мен - малика сўрай ундан хайр-садақа.  
Садақага подшоликни сўрайман, холос.  
Маликага бундан ками муносиб эмас.  
Ўзи босиб олган мулки Мисрни агар  
Сезар менинг ўғлимга деб айласа ҳукм,  
Мен тиз чўкиб, унга дилдан ташаккур айтай;  
Ўз ҳиссамни ўзимга эп кўргани учун.

### Прокулей

Кўрқувларинг ҳайда, Сезар сенга мададкор,  
У ишончли, ўз сўзида собит ҳукмдор.  
У шафқату мурувватта соҳибдир, илло,  
Жафодийдалардан меҳрин аямас асло.  
Ижозат бер, ҳукмдорга бориб айтайин,  
Сен толиб, деб, унинг лутфу марҳаматига.  
Токи ўша олийжаноб ғолиб ҳарифинг  
Шафқат билан эгик қаддинг кўтариб кушод,  
Сендан изн сўраб, сенга айласин имдод.

### Клеопатра

Бориб айтким, унинг бахти-бори олдида  
Тиз чўкаман, тан оламан унинг қудратин,  
Қудратига лойиқ яна шону шавкатин.  
Ўрганаман мен бўйсуниш санъатини ҳам,  
Яна айттил, мен Сезарни кўрмоқчитирман.

### Прокулей

Ҳаммасини етказаман, гўзал маликам.  
Сен тинчланиб, тасаллию таскин тоштайсан.  
Шуни билким, аламларинг айбдори Сезар  
Фамларингга шерик.

Прокулей ва яна икки аскар омонат нарвондан дахманинг юқори қаватига чиқиб, Клеопатрани ўраб олишади. Бошқа аскарлар танбани нари суриб, дахма эшигини ланг очишади.

## Г а л л

Маликани осонгина қўлга туширдик,  
Сезар етиб келгунича қараб туринглар.

*(Кетади.)*

## И р а д а

Соҳибдаврон маликам!

## Х а р м и а н а

О, Клеопатра!

Ҳукмдорим! Душманларга асира бўлдинг!

## К л е о п а т р а

*(Ханжар чиқариб)*

Қўлим, энди кучинг кўрсат!

## П р о к у л е й

*(Уни қуролсизлантириб)*

Тўхта, малика!

Ҳай, тўхтагил, ўз-ўзингта жабр айлама,  
Мен сотмадим сени, балки қутқаздим.

## К л е о п а т р а

Яъни -

Ўлимданми? Менга шафқат этмадинг раво,  
Уни "йўқ" демаслар ўсал итта ҳам ҳатто.

## П р о к у л е й

Ўз-ўзингни ҳалок этиб, Клеопатра,  
Ҳеч қиласан Сезар лутфи саховатини.  
Сезар меҳру қарамини кўрсин ҳалойик.  
Сен ўлсанг-чи - унинг ҳиммат-мурувватини  
Кўролмасдан қолар дунё.

## К л е о п а т р а

Ўлим, қайдасан?  
Гўдаклару гадоларга қирон солишдан  
Безмадингми, кел, бағрингта маликани ол!

## П р о к у л е й

Тинчлан энди, олийжаноб бекам.

## К л е о п а т р а

Мен энди  
Таомдан ҳам, уйқудан ҳам кечаман тамом,  
Хокий таним азоб билан этаман абгор,  
Ва қанчалар уринмасин соҳибинг Сезар  
Ҳузурида қўл-оёғим боғли турмасман.  
Хомушқовоқ Октавия эса мен томон  
Таҳқирона назарини сололмас зинҳор.  
Этолмассиз мени, токи таңда жоним бор,  
Римлик ялангоёқларга эрмак-калака!  
Йўқ, мурдамни ундан кўра, Мисрнинг ўша  
Қўланса кир ўрасига томон отсинлар!  
Ёки элтиб ташласинлар Нил балчиғига,  
Сўна, пашиша босиб, таним талаб ётсинлар  
Ва тасқара айласинлар уни тамоман.  
Ё бўлмаса, она юртим эҳромларидан  
Бири менга дор бўлсину ҳаттоки мени  
Бўшатмасдан, қўл-оёқда кишаним билан  
Ўша дорга оссинлар - шу афзал эмасми?!

## П р о к у л е й

Ахир бундай ваҳимали хаёллар нечун?  
Буларга бир ишора ҳам этмаган Сезар.  
Долабелла киради.

## Д о л а б е л л а

Прокулей, бўлган ишдан Сезар хабардор.

Сени чорлар, маликани назорат қилиш  
Вазифаси эса энди менга юкланар.

### Прокулей

Хўп, жуда соз. Долабелла унга юмшоқ бўл.  
*(Клеопатрага)*

Ҳа, Сезарга не деб айтай, менинг маликам?  
Бирор нима истайсанми?

### Клеопатра

Ўлиш истайман.

Прокулей ва аскарлар кетишади.

### Долабелла

Хўш, шавкатли малика! Сен менинг тўғримда  
Эшиттанинг борми сира?

### Клеопатра

Эслай олмайман.

### Долабелла

Сен билишинг керак мени.

### Клеопатра

Муҳимми шунча -  
Менинг нелар эшиттаним, нелар билишим?  
Болалар ва хотинлар ўз кўрган тушларин  
Сўзласалар, масхаралаб, кула бошлайсиз.

### Долабелла

О, нималар дейсан, бекам?

### Клеопатра

Мен туш кўрибман -  
Император бўлган экан... Антоний деган

Бир замонлар... Қани энди яна ухласам,  
У тушимга кирса яна!..

### Д о л а б е л л а

Тўхта, маликам...

### К л е о п а т р а

Унинг юзи шундоқ ёруғ, нурафшон эди,  
Гўё осмон эди, унда ой билан офтоб  
Шуъла сочиб, чарх уради ва ернинг аянч  
Доирасин ёритарди.

### Д о л а б е л л а

О, муҳтарама!..

### К л е о п а т р а

У истаса, уммонлардан ҳатлаб ўтарди.  
Унинг қўли дубулғанинг гултожи каби,  
Қучар экан, ерга ғоят ярашиқ эди.  
У дўстона сухбат қурса, унинг сасида  
Жарангларди самовий бир сурур, нашида;  
У дунёга таҳдид - ғазаб этса-чи, бироқ,  
Фазоларга колур эди оташ қаддироқ.  
Қаҳратон қиши руҳи унга бегона эди,  
Сахий куздек сероб эди, фарзона эди.  
У ўзининг турли эрмак - одатларида  
Собит туриб, тубанликка тушмасди сира,  
Дельфин каби сузар эди тўлқинлар узра.  
Отбоқардек унга хизмат этарди шоҳлар.  
Эҳсон қилиб, чойчақадек сочар эди у  
Оролларни, шоҳликларни...

### Д о л а б е л л а

Клеопатра!..

### К л е о п а т р а

Нима дейсан - мен тушимда кўрган у одам  
Ҳаётда ҳам бўлганмикин?!

### Д о л а б е л л а

Бўлмаган, бекам.

### К л е о п а т р а

Осмон шоҳид, сен бу сўзни ёлғон айтасан!  
Тушимдан ҳам гўзал эди, ахир, у ўнгим.  
Табиатта беллашмоққа тасаввур билан  
Бойлик билан куч етмагай, ҳунар етмагай.  
Аммо лекин шундай эди Антоний, шундай,  
Баланд эди у самовий тасаввурлардан.

### Д о л а б е л л а

Тингла мени, эй беназир, гўзал маликам!  
Ўзинг каби буюк эрур маҳрумиятинг.  
Фаминг ҳам у йўқотишинг залворига тенг  
Майли, менинг барча баланд орзу-омолим'  
Қуласину яксон бўлиб сочилсин буткул.  
Аммо жароҳатли қалбинг нидоларига,  
Жавоб бермай, туролмасман сира...

### К л е о п а т р а

Ташаккур,  
Самимий бу шафқатингга ташаккур. Магар  
Билмайсанми, мени нима қилмоқчи Сезар?

### Д о л а б е л л а

Менга оғир, аммо сенга айтишим зарур...

### К л е о п а т р а

Хўш-хўш?..

### Д о л а б е л л а

Фоят серҳиммат у, лекин бари бир...

## К л е о п а т р а

Мени зафар араваси изидан судраб,  
Хайдамоқчи эмасми у?

## Д о л а б е л л а

Шундоқ, маликам...

Саҳна ортидан қичқириқлар: "Императорга йўл!.. Пўшт!"  
Сезар, Прокулей, Меценат, Селевк ва бошқалар кирадилар.

## С е з а р

Хўш, бу ерда ким малика Клеопатра?

## Д о л а б е л л а

*(Клеопатрага)*

Мана Сезар, қаршингда у.

Клеопатра тиз чўқади.

## С е з а р

Тиз чўқмагил, тур.

Мисрликлар маликаси, тургил, сўрайман.

## К л е о п а т р а

Худоларнинг хоҳиши шу. Мен бош эгаман.  
Менинг буюк ҳукмдорим, хўжам олдида.

## С е з а р

Нечун энди бу беҳуда мубҳам хаёллар?  
Сен бизларга етказганинг озор, аламлар -  
Хотирамиздадир, аммо сени аяймиз,  
Биз уларни тасодифга йўймоққа шаймиз.

## К л е о п а т р а

О, оламнинг ҳукмдори! Кирдикорларим  
Оқдамоққа, ёқдамоқда йўқ менда асос.

Йўқ, бари бир улар оппоқ бўлиб кўринмас.  
Хотин зотин хор эттувчи қусурларга мен  
Дучорман, деб чин юракдан иқрор этаман.

### С е з а р

Клеопатра, шуни билким, гуноҳларингни  
Оширишмас, камайтишга мойилмиз анча,  
Агарда сен бизнинг тадбир ва ниятларга  
(Сенинг учун хайрлидир уларнинг бари)  
Қаршилик қилмасанг шуни яхши англаким,  
Сенинг изминингдадир тамом зайлар замона.  
Аммо сен-чи, Антонийнинг қисматин танлаб,  
Золимлиқда бизни номдор этар экансан,  
Қўзгалади қалбимиизда қаҳр ва зугум,  
Болаларинг ҳалокатта этасан маҳкум.  
Акс ҳолда-чи, улар қолур соғу саломат -  
Балолару офатлардан. Хайр. Мен кетдим.

### К л е о п а т р а

Қайга борма, қайга юрма, қиблайи олам  
Ўз еринг, ўз тупроғингга қўюрсан қадам.  
Бизлар эса - сенинг зафар ўлжаларингмиз-  
Ҳукмдорим, қайга дема, шаймиз ҳамиша...

### С е з а р

Клеопатра қисматига тегиш ҳар ишда  
Маслаҳатчим танҳо ўзинг бўлурсан, холос.

### К л е о п а т р а

Мана, буткул бойликларим рўйхати рўй-рост;  
Ақчалару зебу зийнат, асбоб-ускуна  
Бунда бир-бир кўрсатилган. Қайдасан, Селевк?

### С е л е в қ

Мен бундаман, маликам.

### К л е о п а т р а

Бу менинг разначим.  
Қасам ичсин у, ўлимни ўртага қўйиб,  
Мен ҳеч нима яширмадим. Онт ич.

### С е л е в к

Йўқ, бекам.  
Ёлрон сўзлаб, мен бошимга бало ортгандан,  
Тилим худди танглайимга ёпишиб қолсин.

### К л е о п а т р а

Мен бир нима яширдимми?

### С е л е в к

Яширганларинг  
Шу рўйхатнинг хариидига етиб ортади.

### С е з а р

Ҳа, майлига, Клеопатра, қизарма ортиқ,  
Эҳтиётдан қилган ишинг мақтовга лойиқ.

### К л е о п а т р а

Мана, Сезар, томоша қил! Ўзинг қараб боқ,  
Ҳокимият юракларни жазб этар қандоқ.  
Кеча менга содик бўлган бутун сенга шай,  
Тақдиримиз алмашинса - бу ҳалигидай,  
Тескариси бўлармиди... Сенмисан, Селевк!  
Беномус қул, хиёнатчи, худди фоҳишта!  
Ҳа, орқага қочасан? Майли, қочавер!  
Қутуолмас кўзларинг шу тирноқларимдан.  
Қанот боғлаб учганда ҳам... О, хиёнаткор!  
О, тошбагир банда! Ифлос! Ярамас! Фаддор!..

### С е з а р

Ўтинаман, малика...

## К л е о п а т р а

Ух, номус ва алам!  
О, Сезар! Сен қачонки шу мўътабар, эзгу  
Ташрифингга мени лойиқ эттан дақиқа,  
Эшигимнинг қоровули, ўз хизматкорим  
Мен шўрликка виқор билан баланддан боқиб,  
Менинг андуҳ-аламларим зиёд этса-я!  
Хўш, дейликки, олийжаноб Сезар, мен ўша  
Хотинларнинг тақинчори, майдада-чуйдадан  
Бирон нима қолдирибман ўзимга, токи:  
Хотира, деб дўстларимга армутон этай,  
Эҳтимолки, бордир бир оз қимматроғи ҳам  
Ки уларни Октавия ва Ливияга  
Инъом этиб тутай, мени қўлланглар, дея,  
Мана шунга мени бадном этар малайим!  
О, Тангрилар! Мени торта бошлаган ўпқон -  
Жаҳаннамдан чуқур жуда!

*(Селевкка)*

Йўқол! Йўқ, эса,  
Тақдир-ҳақоратинг тўзон кули остида  
Шоҳона ўч оташини кўрарсан худди!  
Хотинларга раҳм-шафқат этмас ахта қул  
Жўна, Селевк!

## С е з а р

Жўна, Селевк!  
Селевк кетади.

## К л е о п а т р а

Хўкмдорлар бўлишар айбдор  
Улар давридаги барча кирдикор учун.  
Шул сабабдан, бизни қачон йиқитишаркан,  
Бошқаларнинг гуноҳини ортишар, шундан  
Кулашимиз оғир бўлар.

## С е з а р

Клеопатра,  
Сен рўйхатга кириттанинг-киритмаганинг -  
Санамаймиз ва ўлжа деб этмаймиз ҳисоб.  
Хотиржам бўл, хазинангга ўзинг хўжайин.  
Сен хавотир чекма, Сезар савдогар эмас,  
У сен билан савдолашиб - тортишай, демас,  
Ва қоронгу хаёллардан ясама зиндан.  
Қимматбаҳо малика, не тилак тиласонг,  
У шу замон бизга вожиб бўлур бегумон.  
Тинчид, айш-фароғат қил. Бўлгайсан амин,  
Бир дўст каби толеингни этармиз таъмин.  
Хайр.

## К л е о п а т р а

Хайр, ҳукмдорим! Хайр, паноҳим!..

## С е з а р

Йўқ-йўқ. Ҳукмдоринг эмас, дўстингман.  
Карнайлар чалинади. Сезар хос маҳрамлари билан чиқади.

## К л е о п а т р а

У сўз билан мени алдаб-аврамоқчиидир,  
Ўз домига туширмоқчи, овламоқчиидир.

*(Хармианага)*

Ҳой, қулоқ бер менга...

*(Қулогига шивирлайди.)*

## И р а д а

Фурсат етди, маликам,  
Кундуз битди, бизни хуфтон чорлайди бу дам.

## К л е о п а т р а

...Ва шу замон изингта қайт. Ҳамма нарсани  
Келишганмиз аллақачон. Шошил, шошилтирип.

## Х а р м и а н а

Хўп бўлади, бекам!

Долабелла киради.

## Д о л а б е л л а

Қани, қайда малика?

## Х а р м и а н а

У қаршингда турар, қара.

(Кетади.)

## К л е о п а т р а

Хўш, Долабелла?

## Д о л а б е л л а

Маликам, мен иродангни бажо айладим  
Иродангки, уни менинг чин муҳаббатим,  
Худоларнинг фармонига этар баробар,  
Сени воқиф айламоққа шошилдим, Сезар  
Суриядан ўтиб, Римга қайтишни истар.  
Сени эса шу кунларда фарзандларинг-ла  
У тарафга жўнатмоқчи бўлар олдинроқ.  
Қандай тадбир кўришингни ўзинг ўйлаб бок  
Мен сўзимда турдим.

## К л е о п а т р а

Азизим, Долабелла,  
Мен қарзорман ҳузурингда.

## Д о л а б е л л а

Содиқ қулингман.  
Мен Сезарга борай энди. Хайр, малика.

## К л е о п а т р а

Раҳмат, сенга.  
Хайр.

Долабелла кетади.

Мана, кўргин, Ирада!  
Биз, Мисрнинг кўп аломат қўғирчоқлари -  
Римликларга бўлажакмиз ажиб томоша.  
Кийим-боши мойга боттан гала дурадгор  
Болғаларни тақиллатиб, боқсанг бир маҳал  
Баланд сўри - айвон ясар. Бизлар унда, бас,  
Таналарнинг тер ҳовури, ҳар ён бўкирган  
Оғизларнинг сассиғидан олурмиз нафас.

### И р а д а

О, Худолар асрасин!

### К л е о п а т р а

Ҳа, ишон, Ирада,  
Худди шундоқ бўлур, гўё шаллақилардек  
Қўлимизни орқамизга бураб, боғларлар,  
Увадаси чиққан гала қофиябозлар  
Майдонларда шаънимизга ўқир ҳажвиёт.  
Ҳозир-нозир комедиант - масхарабозлар  
Искандарий базмларни тасвир этарок,  
Бири чиқар худди майхўр Антоний бўлиб,  
Бири эса Клеопатра бўлиб, чинқироқ  
Овоз ила, уят қилиқ-қийшанглаш ила  
Подшолигим масхаралаб, хор этар қандоқ!

### И р а д а

О, Тангрилар!

### К л е о п а т р а

Мана, бизни нималар кутар...

### И р а д а

Мен буларни кўрмагайман, кўрмасман ҳаргиз,  
Тирноғим бор кўзларимни ўйиб олмоққа.

## К л е о п а т р а

Балли! Бизда етарлидир сабот, қатъият,  
Уларнинг шум режасини барбод қилмоққа.

Хармиана киради.

Хармиана, келдингми, хўш? Азизаларим,  
Келтириңгиз шоҳона зар лиbosларимни.  
Олтин зебу зийнатларим келтириңг қани,  
Кидна бўйлаб Антонийга томон сузайин.  
Ҳой, Ирада, эшигдингми? Ҳой, Хармиана,  
Охирги бор хизматингни аяма, кейин  
Умр бўйи ўйнаб-кулиб юравер, майли.  
Олтин тожим, лиbosларим, қани, келтириңг.

Ирада кетади.

Саҳна ортида шовқин.

Бу не шовқин?

Соқчи аскар киради.

## А с к а р

Бир қишлоқи йигит шу тобда маликани сўроқлайди.  
Битта саватда  
Анжир келтирибди магар.

## К л е о п а т р а

Уни қўй, кирсин.

Аскар чиқади.

Қандай оддий ва арзимас восита билан  
Фавқулодда буюк ишлар ҳал бўлур баъзан.  
Менга нажот келтирибди. Мен қарор қилдим  
Менда хотинликдан энди қолмамиш асар.  
Мен - ҳайкалман, бошдан-оёқ мармар бир ҳайкал,  
Мўлтираган ой ҳам менга ой эмас энди.

Аскар сават кўтарган фуқаро билан қайтиб киради.

## А с к а р

Мана у.

## К л е о п а т р а

У қолсин, ўзинг ташқарига чиқ.

Аскар кетади.

Оғримасдан чақиб, лекин ўлдирадиган  
Нил илончасини менга келтирдингми?

## Ф у қ а р о

Ха. Келтирмай бўладими, келтирдим. Мен фақат ҳали-  
гидай, сен унга қўлингни тегизасан, деб хаёлимга ҳам кел-  
тирмайман. Чақади-я, бай-бай-бай! Унинг чақишидан  
тирик қолганлар оз, ҳатто қолмаган ҳам деса бўлади.

## К л е о п а т р а

Унинг чақишидан одамлар ўлганми?

## Ф у қ а р о

Э, ўлганларнинг сон-саноги йўқ. Эркагиям, аёлиям ис-  
таганча. Мана, худди тунов куни қулогимга чалинган гап.  
Шу ҳалол, покиза бир хотин дeng, фақат сўзига ишон-  
синлар утун жиндаккина бир нималарни қўшиб-чатиш-  
ни яхши кўради, холос. Ўша дeng бирорларни илон ча-  
қиб, қандай ўлдирганини шундоқ ҳикоя қилди, шундай  
ҳикоя қилди... Анави илонни дeng шундай таърифлайди-  
ки!.. Лекин ҳар қандай чўпчакка ҳам ишонган аҳмоқ. Аммо  
гапнинг сирасини айттанда, буни илонларнинг илони, деса  
бўлади.

## К л е о п а т р а

Кетишинг мумкин.

## Ф у қ а р о

Илоё, илончадан баҳраманд бўлиб, кўнглингни хушла-  
гайсан.

## К л е о п а т р а

Хайр.

Ф у қ а р о

*(Саватни ерга қўйиб)*

Ҳар ҳолда билиш керак, не қилса ҳам илон илонлигини қиласди.

## К л е о п а т р а

Хўп-хўп, хайр.

Ф у қ а р о

Биласанми, ишончли қўлда эмас экан, унга ишониб бўлмайди. Ўйлаб-ўйлаб ҳайрон қоласан киши, нимаси яхши экан шу илоннинг?

## К л е о п а т р а

Ташвиш чекма. Биз эҳтиёт бўламиз.

Ф у қ а р о

Ҳа, майли. Унга овқат бераман деб овора бўлма, овқат беришга арзимайди.

## К л е о п а т р а

Мени еб қўймасмикин?!

Ф у қ а р о

Ҳой, сен мени унчалик ҳам анойи деб ўйлама. Хотин кишини еса, илон-ку илон, шайтон ҳам тиқилиб ўлади. Иблислар айнитмаганида, хотин зоти Тангриларга емиш бўларди. Ҳе, бу баччагар шайтонлар Худоларнинг ишини нуқул бузгани-бузган. Худолар ўнта хотинни яратиб улгурмайди-ю, бу ёқда шайтон бештасини таппа-тахт йўлдан оздириб қўяди.

## К л е о п а т р а

Хўп-хўп, яхши. Энди бора қол. Хайр.

## Ф у қ а р о

Ха, бу айни ҳақиқат. Хўш тилагим шуки, илонча сени хурсанд қилсин.

(Кетади.)

Ирада шоҳона либослар, тож ва бошқа зебу зийнатларни кўтариб киради.

## К л е о п а т р а

Зар тўнимни елкамга сол. Тожимни кийдир,  
Абадият чақирмоқда мени бесабр.  
Энди ҳаргиз шу гул каби, ақиқ лабларни  
Шарбат, шароб ҳўллай олмас. Қани, шошилинг!  
Антонийим чақирмоқда мени, тез бўлинг,  
Менинг дадил қадамимни маъқуллаб мамнун,  
Тураётир менга пешвоз чиқмоқлик учун.  
У Сезарнинг толеидан кулмоқда масрур;  
Ха, Тангрилар аввал бизни қилишар комрон  
Кибрлансанк, баҳтимизни этишар яксон.  
Боряпман, бегим. Сени шундоқ атайман,  
Бу ҳуқуқقا мардлигим-чун мен сазоворман.  
Мен - ҳавоман, ўтман, энди озод бўламан -  
Шу танимдан, салтанати хоки ғубордан.  
Хўш, тайёрми бари? Энди қабул қилгайсиз  
Лабимдаги сўнгги меҳру ҳароратни ҳам.  
Хайр, энди - қимматбаҳо Хармиана, хайр!  
Алвидо, эй Ирадам!

(Уларни ўпади.)

Ирада йиқилиб, жон беради.

Вой, узиљингми-а?  
Ёки менинг лабларимда илон заҳрими?  
Ҳаёт билан осонгина хўшлаша қолдинг.  
Суюклигинг ўпар экан лабинг қонатиб,

Ўлим - асли ширин оғриқ, деганлари рост.  
Унсизгина кетдинг, хайр, демоққа дунё  
Номуносиб эканини күрсатдинг гүё...

### Х а р м и а н а

О, булутлар, жала қуянинг, сел қуянинг, токим,  
Тангрилар ҳам йиглаяпти, дея айтайин.

### К л е о п а т р а

Уят менга! Аввал уни кўрар Антоний,  
Ҳамма гапни сўрар сўнгра самовий, асал -  
Бўсасини оддин унга армуғон этар.

*(Илонни олиб кўкрагига қўяди.)*

Кес, тилкалаб ташла энди, кичкина қотил,  
Заҳар тўла ўша ўткир тишларинг билан  
Тақдир чандиб, тошдек туғиб кеттан тугунни,  
Тентаккинам, жаҳлга мин, ташлайвер қирқиб.  
О, агарда сенда забон бўлсайди, бешак,  
Сен эшшак деб атар эдинг Сезарни эшшак.  
Биз иккимиз боллаб уни доғда қолдирдик.

### Х а р м и а н а

О, Хармиана юлдузи!

### К л е о п а т р а

Ҳой, жим, кўп шовқинлама -  
Болам кўқрак эмаяпти, кўрмаяпсанми?  
Сўриб-сўриб, ойисини ухлатади у...

### Х а р м и а н а

О, парчалан, юрак!

### К л е о п а т р а

Заҳар шириндан ширин.  
Худди роҳат бағишловчи малҳамнинг ўзи.  
Худди майин сабо каби! Эвоҳ, Антоний!

Хўш, иккинчи илон, сен ҳам кела қол энди.  
*(Иккинчи илонни олиб, қўлига қўяди.)*

Менга энди яшаш нечун...  
*(Тұшакка йиқилиб, ўлади.)*

### Х а р м и а н а

...Сийقا дунёда?  
Алвидо, эй маликам. Эй ўлим, мағурлар -  
Шундоқ жонон бир хотинни бағрингта олдинг,  
Ки, унинг ҳеч қиёси йўқ. Кўзлар, юмилинг.  
Эвоҳ, кўқда кезган ўша олтин қуёшга  
Энди боқмас сира шундоқ офтобдек нигоҳ.  
Тожи жиндак қийшайилти, уни тузатай  
Ва тутатай хизматимни...  
Посбонлар югуришиб киради.

### Б и р и н ч и а с с а р

Малика қани?

### Х а р м и а н а

Жим... Секинроқ тапир. Уни уйғотма.

### И к к и н ч и а с с а р

Сезар  
Бизни унга юборди-ку...

### Х а р м и а н а

Кечикдинг, чопар.  
*(Илонни олиб кўксига қўяди.)*

Ҳа, бўла қол. Тишлашларинг мунча суст, заиф.

### Б и р и н ч и а с с а р

Ҳой, бу ёққа! Алдамишлар Сезарни бунда.

## И ккинчи аскар

Шу ердадир Долабелла, Сезар элчиси.  
Чақирайми уни?

## Б и р и н ч и а с к а р

*(Хармианага)*

Бунда нима рўй берди?  
Шундоқ қилиш жоизмиди?

## Х а р м и а на

Жоиз, албатта.  
Шон-шавкатли подшоларнинг вориси бўлган  
Маликага шундоқ қадам муносиб жуда.  
Ух, аскар!..

*(Ўлади.)*

Долабелла киради.

## Д о л а б е л л а

Хўш, нима гап?

## И ккинчи аскар

Ҳаммаси ўлик.

## Д о л а б е л л а

Ҳа, хавотир олганингча бор экан, Сезар.  
Бу томонга келиб ҳозир кўрасан чиндан:  
Сен монелик айламоқчи бўлганинг савдо  
Содир бўлмиш бунда бутун даҳшати билан.

Саҳна ортидан қичқириқлар: "Сезарга йўл!.. Йўл беринг!.."

Сезар хос маҳрамлари билан киради.

## Д о л а б е л л а

Сезар, қудрат башоратта қодирсан қандоқ,  
Рўй бермаса, деб қўрққанинг рўй берди мутлоқ.

### С е з а р

Бу - чинакам жасоратта тўлиқ бир қадам.  
У ниятим пайқамиш ва подшоларга хос  
Нажот йўлин тоғмиш. Ўлим сабаби нима?  
Қон кўринмас.

### Д о л а б е л л а

Хой, бу ёқقا ким кирган эди?

### Б и р и н ч и а с с а р

Битта оддий фуқародан бўлак ҳеч кимса,  
Бир оз анжир келтирганди, савати мана.

### С е з а р

Демак, заҳар ичишибди!

### Б и р и н ч и а с с а р

Бизлар киргандা,  
Тирик эди Хармиана - унинг чўриси,  
Маликанинг тожини у тузатди, сўнгра  
Дағ-дағ титраб, йиқилди.

### С е з а р

О, шавкатли санам!  
Йўқ, агарда улар заҳар ичишганида,  
Баданлари шишар эди. Клеопатра  
Гўё ухлаб ётар, унинг ҳуснидаги нур  
Яна битта Антонийни маст қила олур.

### Д о л а б е л л а

Қаранг, унинг сийнасида жажжи жароҳат  
Бўртиб турап. Қўлида ҳам шундоқ бир яра.

### Б и р и н ч и а с с а р

Илон заҳми.

*(Саватта қарайди.)*

Қарапт - мана, баргларда шира.  
Кўкилонга макон бўлган Нил ғорларида  
Илмилик шу шира учраб туради.

### С е з а р

Хуллас,  
Айтилгандек, ўлим-ажал сабаби шунда.  
Менга табиб иқрор бўлди, ундан малика  
Оғритмасдан ўлим сари етаклагувчи  
Заҳар суриштирган экан неча бир карра.  
Маликани кўтарингиз тўшаги билан,  
Канизакларини эса элтинг изидан.  
Биз шавкатли маликани этамиз дафн  
Суюкли у Антонийси билан ёнма-ён.  
Бундоқ буюк қўш қабрни кўрмамиш замин,  
Бундоқ оғир бир айёмни кўрмамиш жаҳон.  
Бунда кечган ҳалокатли, қонли савдолар  
Сабабкорлар кўнглига ҳам гулгула солар  
Ва авлодлар юрагида яшар кўп замон,  
Фолибларнинг шон-шухрати каби, бегумон  
Маглубларнинг ҳолига ҳам куйиб-ёнишлар...  
Кўшиналрга буюрамиз, қабргача то -  
Кузатишиб иззат-икром этсинлар бажо.

*(Долабемага)*

Бошу қош бўл, топширамиз буларни сенга,  
Дафн маросимидан сўнг йўлимиз - Римга.  
Кетадилар.



## Сўнгсўз ўрнида

Жамол Камол

### ЯХШИНИНГ ШАРОФАТИ

Яхшидан - шарофат, деб бекорга айтишмайди. Мен буюк актёр, театр санъатимизнинг ёрқин юлдузи, гўзал ва мунаvvар инсон Олим Хўжаев билан бор-йўри бир карра учрашиб, сұҳбатлашганман. Лекин шу биргина учрашув ҳам ҳаётимда ўчмас из қолдирган...

Адашмасам, 1976 йилнинг баҳори эди. Шекспирнинг "Макбет" асарини таржималаб, Ҳамза театрига тоширидим. Орадан ўн беш кунлар чамаси вақт ўтди. Маданият вазирлигидан қадрдон дўстим, раҳматли Максим Карим қўнғироқ қилиб қолди.

- Жамол, сиз билан Олим Хўжаев кўришмоқчи... Эртага соат ўнда.

Айтилган соатда етиб бордим. Ўшанда Олим Хўжаев Ҳамза театрининг директори эди. Кенг, ёруғ кабинетда очиқ чехра билан кутиб олди.

- Таржима ёқди, - деди у менга табассум билан боқиб. - Биз бу асарни саҳнага қўямиз. Леди Макбет - Сора Эшонтураева...

Сўнг жаранг овоз билан таржимадан бир неча парчалар ўқиди. Завқланиб кетиб, қўлёzmани аввал кўзига, кейин бағрига босди.

Мен ҳайратланиб қараб турадим.

- Ажабланманг, - деди у. -Ахир, бу киши кимсан Вильям Шекспир! Бизнинг пири устозимиз!. Мен саҳнада бир қадар обрў, эътибор қозонган бўлсам, бунга аввали шу буюк зоти шарифнинг файзи, шарофати туфайли эришдим... Умр бўйи Ҳамлетни ўйнадим. Энди кексайганда, эксперимент қилиб, мен - актёр уни саҳнага қўяман, бош ролда режиссёр Баҳодир Йўлдошевни чиқазаман...

- Баҳодир Йўлдошевнинг ўзбекчаси заифроқ... Эслай-олармикин? - дедим мен.

- Баҳодир эслай олмаса, Бухородан Муҳаммад Рафиковни таклиф этамиз. У эслайди, - деди Олим ака. - Сиз эса "Ҳамлет"ни бизга бошқатдан таржима қилиб берасиз...

Кутилмаган бу таклифдан ҳанг-манг бўлиб қолдим.

- Кечирасиз, домла... Ахир, "Ҳамлет"ни...

- Биламан, Чўлон таржима қилган. Русча насрый таржимадан таржима... Ҳолбуки, бутун дунё Шекспирнинг сўзини сўз, шеърини шеър қилиб айтади...

Мен яна эътиroz этдим:

- Мақсад Шайхзода...

- Устоз Шайхзода "Ҳамлет"ни яхши таржима қилган, гап йўқ, - деди Олим ака, - аммо саҳнада жарангি биз истагандек эмас...

Хуллас, ўшанда Олим ака мушкул вазифани бўйнимга қўиди. Таржимага киришиб кетдим. Аммо, қисматни қарангки, бу ёқда таржима ниҳоясига етди, у ёқда, Масковда Олим Хўжаев вафот этди... Унинг орзуси армон бўлиб қолаверди.

Янги "Ҳамлет"ни нашр этиш осон кечмади. Жойи жаннатда бўлсин, Файбулла Саломов дадил туриб, янги таржимани ҳимоя қилди... Нашриётда ўтказилган муҳокамада ғалати бир аҳволга дуч келдим. Бирор таржимада Пастернакка суюниш лозим, деса, бирор Морозовга суюниш керак эди, дейди... "Ҳамлет" рус тилига ўн тўқиз марта таржима қилинган. Хўш, ўзбекчага ўтирганда уларнинг қай бирига суюниш даркор? Шунда қатъий қарорга келдим: Пастернакка ҳам, Морозовга ҳам суюнмайман, воситачининг кераги йўқ, мен Шекспирнинг ўзига суюнман!..

Шу бўлди-ю, таржимани бир чеккага суриб қўйиб, инглиз тилини ўрганишга киришдим. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси хузуридаги маҳсус курсда тўрт йил ўқидим. Инглиз тили бўйича билим ва малакага эга

бўлгач, Шекспир куллиётининг Оксфорд нашрини топиб олдим-да, "Ҳамлет" ва "Макбет" таржимасини сатрмасатр аслига қиёслаб чиқдим. Кейин бевосита аслиятдан "Отелло" таржима этилди. Кейин "Кориолан", кейин "Антоний ва Клеопатра", кейин "Афиналик Тимон", кейин "Венеция савдогари", кейин "Қиши эртаги", кейин "Қирол Генрих IV", кейин "Қирол Лир", кейин "Ромео ва Жульетта", кейин "Юлий Сезар"...

Сабабдан - сабаб, дейдилар. Раҳматли Олим Хўжаев сабабчи бўлдию "Ҳамлет" таржимасига қўл урдим. "Ҳамлет" таржимаси сабаб инглиз тилини ўргандим. Инглиз тилини билганим боис Шекспирнинг энг етук ўн иккита асарини она тилимизга ўтиридим... Ва ниҳоят, мана, уларни яхлит ҳолда китобхонларга тақдим этиш орзусига тушдим. Уч жилдга жамлаб, нашрга тайёрладим...

Аммо, ҳайҳот!.. Бугун Олим Хўжаев йўқ... Бу таржималарни кўзига суриб, бағрига босгувчи кимса йўқ... Ҳаттоқи уларни нашр этиш учун зарур маблағ ҳам йўқ... Нима қилиш керак? Наҳотки йиллар бўйи қилинган шунча меҳнат сочилиб, қоғозларда қолиб кетса? Уларнинг ҳай бири босилган, ҳай бири босилмаган... Шунда қулоқларим остида Олим Хўжаевнинг эҳтиросли овози янграйди. Ана шу овоз далдасида руҳиятимни тиклайман. Йўқ, дейман ўз-ўзимга, пирнинг сўзи ерда қолмайди. Шекспир нашр этилади. Бу хайрли ишни қўллаб қувватловчи олийжаноб инсонлар топилади. Ахир, дунё маданияти, маънавиятини Шекспирсиз тасаввур этиш мумкинми? Шекспир бизга, ҳалқимизга абадий ҳамроҳ... Яна шунга ишончим комилки, буюк санъаткор Олим Хўжаев нашъу намо топган бу табаррук тупроқда ҳали янги Олим Хўжаевлар этишиб чиқади. Ва улар "Шекспир - пиrimiz!" деб баралла бонг уради...

Буни биз кўрмасак, иншооллоҳ, авлодларимиз кўради...

("Даракчи" газетаси, 2006 йил, 23 ноябрь.)

\* \* \*

## Азиз китобхон!

Ушбу мақола босилгач, Яраттанга шукрким, Шекспир асарлари нашрига мададкор топилди.

Яхшидан - шарофат, деган нақлга яна бир карра ишонч ҳосил қилдим. Мана, яхшининг шарофати туфайли Шекспир "Сайланма"сининг уч жиҳдлиги сизу бизнинг маънавий мулкимизга айланиб турибди.

Эзгулик ўлмайди, дейди донишманларимиз. Шайх Фариуддин Аттор демишларки:

*Кимда бўлса ҳиммати олий, басит,*

*Икки олам қулғита соглай қалит...*

Халқимиз бу саховатни ҳеч қачон унутмайди. Шекспир маърифати, маънавиятини англаб, эъзозлай олган, ҳамиятли, олийжаноб инсон номини ҳамиша миннатдор бўлиб, ҳурмат, эҳтиром ила тилга олади. Бировлар мактаб қуради, бировлар масжид. Китоб нашр этишга кўмаклашиб, эл орасига нур, зиё тараттан кишининг ҳиммати уларницидан асло кам эмас. Яхши китоб дунё тургунча туради ва инсонларга хизмат қиласди.

Биз, Шекспир асарларини нашрга тайёрлаганлар қўл очиб, дуо қиласми: муҳтарам ҳомий акамиз! Маърифат йўлида қилган ушбу эҳсонингизни Оллоҳи карим ўз даргоҳида қабул қиласин. Ҳақ таоло умрингизни узун, юзингизни ёруғ, баҳтингизни зиёда айласин. Буюк Шекспир руҳи Сизга ҳамиша ёр ва мададкор бўлсин.

Омин, ё Раббул оламийн!..

## **МУНДАРИЖА**

Венеция савдогари .....	5
Қиши эртаги .....	127
Қирол Генрих IV .....	269
Антоний ва Клеопатра .....	407
Жамол Камол. Яхшининг шарофати .....	599

*Адабий – бадний нашр*

## **ВИЛЬЯМ ШЕКСПИР**

**С А Й Л А Н М А**

**Уч жилдлик**

**Учинчи жилд**

*Инглиз тилидан Ўзбекистон халқ шоири  
Жамол Камол таржимаси*

*Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси  
Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти  
иљмий Кенгаши томонидан нашрла тавсия этилган.*

*Техник муҳаррир:  
Мадина Абидова*

*Саҳифаловчи:  
Сирдарёхон Ўтанова*

Нашриёт рақами: №-807  
Босишга рухсат этилди: 14.11.2007 йил.  
Босмахонага топширилди: 16.04.2008 йил.  
Бичими: 60x84 1/<sub>16</sub>. Хисоб-нашриёт табори: 30,2.  
Босма табори: 37,75. Адади: 1000 нусха.  
38-буортма.

Баҳоси келишилган нарҳда.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси  
«ФАН» нашриёти: 100170, Тошкент, И. Мўминов кўчаси, 9-уй.

«Нур полиграф» МЧЖ босмахонасида чоп этилди.  
Тошкент ш., З. Қобулов кўчаси, 19-уй.